
Ўз.2
8
Э-94

ЭРКИН ВОҲИДОВ

Танланган асарлар

Тонг нафаси
Ёшлик девони
Келажакка мактуб
Муҳаббат
Тирик сайёралар
Шаркий кирғок
Бедорлик
Табассум
Орзули дунё
Сўз латофати
Сайланма
Дил тубига
чўккан лахзалар



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Ижод» жамоат фонди

Эй сен, латиф дўст, бу сенга
Умрим китобидир,
Умрим китоби не, олис
Йўл саргузашидир.

"SHARQ" НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2016

Узб. 2
Б
В-94



Эркин Воҳидов

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

"SHARQ" НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2016

УЎК 821.512.133.1
КБК 84(5Ў)6
В–74

В–74 **Воҳидов, Эркин**

Танланган асарлар. – Т.: «Sharq», 2016. – 696 б.

Гарчи аёвсиз ўлим севимли шоиримиз, оташнафас сўз санъаткори Эркин Воҳидовни орамиздан олиб кетган бўлса-да, унинг ўлмас ва муҳташам ижоди тиллардан тилларга, диллардан дилларга кўчиб, барҳаёт яшамоқда. Умр бўйи она халқини, она тилини, она заминини баланд пардаларда куйлаб ўтган шоир, то мана шу эл, тил, замин бор экан, ҳеч қачон унутилмайди.

Ушбу умр китоби ҳам шоирини соғинган эл учун ғойибона дийдор бўлса, ажаб эмас.

ISBN 978-9943-26-526-4

УЎК 821.512.133.1
КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-26-526-4

© Э.Воҳидов, 2016.
© "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2016.

Шеъриятимизнинг порлоқ юлдузи

1961 йилда китоб дўкони пештахталарида "Тонг нафаси" номли мўъжазгина шеърий тўплам пайдо бўлди. У тез фурсатдаёқ ўқувчилар орасида тарқалиб, қўлма-қўл бўлиб кетди, китоб жавонларидангина эмас, балки кўнгил қатларидан ҳам жой эгаллади, катталарнинг ҳам, ёшларнинг ҳам севимли китоби бўлиб қолди. Унинг дунёга келишида рамзий маъно борга ўхшарди. Гап шундаки, 1950 йиллар адабиётимизда маънавий турғунлик ҳукмрон бўлиб, шеъриятимиз димиққан бир ҳолатда эди. Унга ҳаво керак эди, янги бир ҳаво! Унга тоза нафас етишмасди! Шундай бир пайтда юқорида зикр этганимиз "Тонг нафаси" босилиб чиқди! Унинг муаллифи шеъриятимизга янги нафас олиб кирган ёш шоир Эркин Воҳидов эди.

Ўша йилларда адабиётимизга гуркираган бир авлод кириб келди. Ҳусниддин Шарипов, Хайриддин Салоҳ, Охунжон Ҳакимов, Сайёр, Олимжон Холдор, Теша Сайдали, Гулчеҳра Жўраева, Эркин Самандар, Юсуф Шомансур... Эркин Воҳидов ана шу авлоднинг забардаст чинорига айланди.

Шоирнинг илк шеъри ўн тўрт ёшида дунё юзини кўрган эди. "Мен жилғаман, Дарё бўлиб тўлгим келади!" деган сатрларни келтиради ўн етти ёшида ёзган бошқа бир шеърида. Ҳа, у шеърият баҳрида тўлиб-тўлиб оқишни орзулади, охир-оқибатда дарё бўлиб, тўлиб-тошиб ижод қилди.

1959 йилда кейинчалик машҳур бўлиб кетган "Пўлат" шеъри дунёга келди:

"...Лекин олган жаҳонни фақат,
Перо бўлиб қуйилгач пўлат..."

Жаҳон (бепоён олам) билан мимиттина перони муқояса қилиш тамомила янгилик эди. Шеърдаги фалсафий мазмунни, шоирнинг ниятини фақат ҳис қилиш, хаёлан тасаввур этиш мумкин, ифодалаш учун эса кўп сўз керак бўларди. Шеърнинг моҳияти ҳам шунда-да.

"Шеър асли дил саволига дилнинг жавобидур..." таъкидлайди шоир "Бағишлов" шеърида. Жавоб самимий бўлгандагина дилга етиб боради. Самимият – шоир шеърларини ўқувчига яқин дарддош, сирдош қилиб қўядиган фазилатдир.

Самимий шоиргина, ўз шеърларига мурожаат қиларкан, уларни ўз фарзандидай , меҳр билан: "Қора-қура палапонларим, Чағир-чуғур қақажонларим, Сержанжал, сертўполонларим" деб эркалайди ва "Кўмганим йўқ сизни зийнатга, Ошно қилдим самимиятга!" дейди *("Кузатиш" шеъри)*. Шоирнинг ўқувчидан яширадиган сири йўқ, аксинча, бор сир-асрорини ўқувчи билан баҳам кўради, "ўртада бегона йўқ..."

Соддалик – гўзаллик, етуклик, баркамоллик дегани. Лекин содда ёзиш қийин. Назаримизда, буюкликнинг сири ҳам ўша соддаликда бўлса керак. Эркин Воҳидов шеърларини ўқиганда, улар даставвал гўё қўшиқ бўлиб туғилгандек, кейин қоғозга кўчирилгандек таассурот қолдиради кишида. Бу борада

уни устози Ҳамид Олимжонга қиёслаш мумкин. Сўзлар ёзилмайди, саҳифага тушмайди, балки ўз-ўзидан оқиб келади, савт беихтиёр наволарга чулғанади. Гўё шоир созини қўлига оладию, ўқувчисига қараб хониш қилади:

Ўн саккизга кирмаган ким бор,
Боғингдан гул термаган ким бор?
Сен ҳақингда ёзиб тўрт сатр.
Сирдошига аста кўрсатиб.
Қўшни қизга бермаган ким бор?..
("Севги" шеъри)

Яна:

Кел, юлдузлар тўшалган йўлдан
Етакласин бизни муҳаббат.
Ғамларингни чиқар кўнгилдан,
Шод кунларни эслайлик фақат.

Сайр этайлик, кел, бирга, эркам,
Рози кетсин биздан умрбод –
Шодлик учун яралган олам,
Севмоқ учун берилган ҳаёт...
("Ой фонусин кўтарди осмон..." шеъри)

Яна:

Дунё экан...
Ишқ деган савдо
Борми фақат менинг бошимда?
Кимни этмас бу кўнгил шайдо,
Ким шеър ёзмас менинг ёшимда?..
("Кимни этмас бу кўнгил шайдо" шеъри)

Шеър шундай равон оқади, ўз-ўзидан табиий қуйилиб келади. Бундай хислат шоирнинг қарийб барча асарларига хосдир. "Кавказ шеърлари"-ни олайлик. Ёқимли наводай жаранглаган "Азгануш" шеъри...(1963). Уни кўнгил қўшиғи дегулик. Бир ўқишдаёқ кўнгилга муҳрланиб қолади. Ёдимда, бу шеърни ёд олиб, айтиб юрардик. "Фузулий ҳайкали қошида"(1963) шеъриятимизда толеи порлоқ нодир шеърлардан ҳисобланади.

Еллар, бир дақиқа тўхтанг эсишдан,
Сернаво булбуллар, сайраманг бир оз.
Карбало даштида яёв кезишдан
Чарчаб тин олмоқда Фузулий устоз...

Буюк шоир мунис бир ғазал илҳоми селида ғарқ... Мана, ғазал туғилди, шоир оламга боқиб, уни шавқ билан ўқимоқда... масъуд лаҳзалар... тинглар экан, япроқлар шеър мақомига тебранади, чечаклар маҳлиё бўлиб, бош эгиб

туради, боғларга гўзал оқшом чўкади... Шеърда Фузулий ғазалларидан келтирилган сатрлар шоиримизнинг сатрларига табиий равишда уйғун бўлиб, яхлит бир вужуд пайдо қилади – ҳаётбахш шеърият симфониясига айланади.

Шоирнинг "Ёшлик девони" ўтган асрнинг 60-йиллар адабиётида воқеа бўлган эди. Навоий нафаси сезилиб турган куйдай равон дардчил ғазаллар ёшликка хос бўлган чинакам ва асил севгини, тонглардай покиза чинакам инсоний туйғуни баралла тараннум этди. Ғазалларнинг кўпи қўшиқ бўлиб, ҳофизлар томонидан куйланаётгани бежиз эмас. "Ўзбегим" қасидаси эса халқимизнинг ғурурига ғурур қўшди, шоир номини дунёга танитди.

Шоир она юрт манзараларини тасвир этишни хуш кўради. "Ўлка", "Манзара", "Тонг лавҳаси", "Дарё оқшоми" ва бошқа шеърлар бунинг далилидир. Бу юрт кишилари садоқатли, ҳатто дарахтни кўчириб кетсалар ҳам, у "ўз панжасида яшаган еридан бир сиқим тупроқ олиб кетади..."(*"Садоқат" шеъри)* деб ёзади шоир. "Бир томчи ёш", "Учи тугик дастрўмол", "Фурсатинг", "Савағич", "Илзахоним","Дарддошлик", "Ўзбек бўлиш осон эмасдир"... каби ва яна кўп етук шеърлар ҳақида тўлқинланмай ёзишнинг иложи йўқ.

Унинг "Тонг нафаси"(1961), "Қўшиқларим сизга"(1962), "Юрак ва ақл"(1963), "Менинг юлдузим"(1964), "Муҳаббат"(1976),"Тирик сайёралар"(1978), "Шарқий қирғоқ"(1982) , "Бедорлик"(1985), икки жилдли сайланма – "Муҳаббатнома" ва ""Садоқатнома"(1986), "Шоиру шеъру шуур"(1987), "Яхшидир аччиқ ҳақиқат"(1992), 2000–2001 йилларда уч жилдли ("Ишқ савдоси", "Шеър дунёси", "Умрим дарёси") сайланма асарлари, рус тилида "Узелок на память", "Восстание бессмертных", умрининг сўнги йилларида ёзган пурҳикмат "Сўз латофати" каби ва бошқа кўп китоблари ҳар бир ўзбек хонадонида бор, десак муболаға бўлмас. Шоирнинг кўп сатрлари, ибратли иборалари ("Қайга борсам бошда дўппим, ғоз юрарман гердайиб", "Ўн саккизга кирмаган ким бор". "Шеърнинг зўри тўрт сатр..", "Куй авжида узилмасин тор...", "Одамларнинг ўзидан олиб. Одамларга бермоқдир ишим..." ва ҳоказо) ҳикматли сўз, мақол сифатида халқ орасида тарқалиб ёд бўлиб кетгани, бу нурли ижоднинг нақадар халқчил эканини кўрсатади. Унинг шеъри билан айтиладиган қўшиқ жарангламаган кун йўқ.

Шоирнинг достонлари ҳам шеърларидай содда, равон, достончилигимизнинг етук намуналаридан ҳисобланади. Халқимизнинг оғир фожиали дамларда кўргизган матонатига бағишланган "Палаткада ёзилган достон"ни,

"Зилзиладан кўчган
Шеърлар парчаси..." –

деб таърифлайди шоирнинг ўзи. "Нидо" достонида – "Яраланган бу мажруҳ дунё"нигина эмас, балки озор топган ёш кўнгил дардларига ҳам даво излайди. "Орзу чашмаси" муҳаббат қиссаси бўлса, "Қуёш маскани" она Ватан меҳрига битилган қасидадир.

"Руҳлар исёни" достонидан олинган ушбу мисраларга эътибор беринг:

Она ўлкам,
Бир кун сени
Озод кўргим келади.

Истибдоднинг занжирини
Барбод кўргим келади...

Бу исёнкор бенгал шоири Назрул Ислом сўзлари... Лекин шоирнинг сўзи тагмаъноли бўлади, буни ўқувчилар яхши англайдилар. Муаллиф бу сўзларни ўз Ватанига қаратиб айтаётганига шубҳа йўқ, чунки унинг Ватани ҳам истибдод занжирида... Бу сўзлар Назрул Исломнинг, айни вақтда Эркин Воҳидовнинг ҳам дилдан отилган сўзларидир! Устоз оташин бенгал шоири қисмати баҳона ўз дардини тўкиб солмоқда.

Халқимизнинг ардоқли фарзанди, ажойиб сўз санъаткори, драматург, таржимон ва жамоат арбоби Эркин Воҳидов 1936 йил 28 декабрда Фарғона вилояти Олтиариқ туманида дунёга келди. 1960 йилда ТошДУ филология факультетини тугатгач, турли идораларда фаолият кўргизди. "Ёш гвардия" нашриётида муҳаррир, бош муҳаррир (1960–1963, 1975–1982), Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир, шеърият бўлими мудири, бош муҳаррир вазифаларида ишлади(1963–70), шу нашриётга директорлик қилди(1985–1987). Шу йилларда "Ёшлик" журналини ташкил этишда бош-қош бўлди, бош муҳаррирлик лавозимида ишлаб, журнални оёққа қўйди(1982–1985). Қаерда ишламасин, адабиётимизнинг поклиги, уни юксак чўққиларга кўтариш ғамини чекди, ўзининг холис меҳнатини аямади.

Эркин Воҳидов 1990 йилдан жамоат ишларида фаол қатнаша бошлади. Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати, Ошкоралик масалалари қўмитаси раиси(1990–1995) бўлди, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси(1995–2005) вазифасини адо этди. 2005–2009 йиллар унга Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати фан, таълим, маданият ва спорт қўмитаси раиси вазифаси топширилди.

Эркинликда воҳид, воҳидликда эркин устоз, серқирра истеъдод соҳиби Эркин Воҳидов ниҳоятда бағрикенг, дилкашу дилбар инсон эди, унинг суҳбатлари адабиёт, ижод, маҳорат сирлари, мутолаа мўъжизалари, кашфиётлар ҳақида кечарди. Ҳар бир суҳбат биз ёшларга бир адабий сабоқ вазифасини ўтарди. У агар Навоийдан бир байт, ё Фузулийдан бир ибора, ё Чўлпондан бир шеър келтирса, бирон-бир шеърий кашфиётга тўхталса, бу атай эмас, балки суҳбатнинг моҳиятидан келиб чиқарди. Бир мисол келтирай. 1969 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлардик, Эркин ака шеърият бўлими мудири, Миртемир домла, Абдулла Орипов ва камина муҳаррирлар эдик. Бир қўлёзма ўқилса, ё китоб чиқса улар ҳақида қизғин баҳслар бўларди. Бир куни Навоийнинг: *"Оқ эрур, лекин қарортур ҳар ненини ранг этса зок"* сатридаги *"зок"* сўзи маъноси бизни қаттиқ қизиқтириб қолди. Ўзи оқ бўлса-ю, теккан нарсасини қорайтирса... Унинг маъносини узоқ излаб, ниҳоят форс мумтоз шоирларининг таржимони Муинзода домладан сўраб билиб олдик. "Зок" аччиқтошнинг синоними бўлиб, ҳозир ҳам Бухоро томонларда ишлатилар экан.

Устоз ҳазил-мутойибани, юморни ниҳоятда теран тушунар, шу сабабдан у ўтирган давра ҳамиша хушчақчақ беғубор кулгулар билан безанарди. Ана шу юмор ҳисси шоирнинг ҳажв дафтарига кирган ҳазил-мутойиба мавзуларидаги, Матмуса ҳақидаги (биргина Донишқишлоқда Матмусага ҳайкал қўйилиши ҳақидаги шеърни эслаш кифоя!) ичакузди сертабассум шеърларида

яққол акс этган. У шеърларда кучли юморга йўғрилган ҳаётбахш публицистик руҳ уфуриб туради. Шоир шеърияти ҳикматларга, лутфларга, фалсафий мушоҳадаларга бой шеъриятдир.

"Фауст" трагедияси устида Иоганн Волфганг Гёте эллик саккиз йил меҳнат қилган экан. Бир асар устида шунча йил ихлос билан тер тўккан бошқа ижодкорни жаҳон адабиётида учратиш мушкул. Нафақат Германиянинг, балки бутун жаҳон адабиётининг нодир ёдгорлигига айланган бу трагедияни Гётенинг умр китоби дейиш жоиз. Шоир асар охирида , инсон ҳур ҳаёт учун, эрк учун ҳар кун, ҳар он курашгандагина ҳур ҳаёту эркка муносиб бўлади, дея якуний хулоса ясайди. Шарқу Ғарб фалсафаси оҳангларига йўғрилган, ҳамма замонларда ҳам замонавий бўлиб қоладиган нодир мураккаб асарни таржима қилиш осон иш эмас. "Таржимон – рақиб" деган тушунча Пушкиннинг салафи, Байрон асарлари таржимони рус шоири В.А.Жуковскийдан қолган. Демак, таржимон маълум маънода аслият муаллифига рақиблик қила олиш салоҳиятига эга бўлмоғи керак. Эркин Воҳидов "Фауст" таржимасига қўл уриб жасорат кўргизди ва уни ўзбек адабиёти мулкига айлантирди, ўзбек тилининг бой ва гўзал имкониятларини, нафосатини намойиш қилди. Чиндан ҳам, бундай асарни таржима қилиш учун Эркин Воҳидовдай файласуф ва аллома шоир керак эди. Шиллер, Иқбол, Улфат, Блок, Сергей Есенин, Михаил Светлов, Расул Ҳамзатов сингари шоирлар Эркин Воҳидовнинг гўзал таржималари орқали ўзбек ўқувчиларининг севимли шоирлари бўлиб қолдилар. Виктор Гюгонинг "Қиролнинг дилхуши" драмаси эса шоир таржимасида театр саҳналарида ижро этилди.

Шоирнинг ўз драмалари ҳам ўқувчилар орасида шуҳрат қозонди. Чунончи, беғубор кулгиларга бой "Олтин девор"(1969) драмаси кўп йиллар Миллий театр саҳнасидан тушмади. "Истанбул фожиаси"(1985) драмасида эса муаллиф глобал воқеалар инсон ҳаётига, ҳаётигагина эмас, балки умум руҳиятига ҳам қанчалар мудҳиш таъсир этиши, бунинг оқибатида ҳатто акаукаларни, жигарларни ҳам бегона қилиб юбориши мумкинлигини ишонарли тасвирлайди.

Устоз сўз санъаткори Эркин Воҳидовнинг ижоди, унинг эл-юрт олдидаги хизматлари ҳамиша халқимиз ва Ўзбекистоннинг биринчи Президенти диққат эътиборида бўлиб келди. У "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофатланди, 1987 йилда "Ўзбекистон халқ шоири" унвони берилди. 1999 йилда "Ўзбекистон Қаҳрамони" юксак унвонига муносиб кўрилди. Шоирнинг асарлари қайта-қайта чоп этилмоқда, халқимиз томонидан севиб ўқилмоқда. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти шоир асарларининг саккиз жилдли куллиётини нашр қилишга киришди, ҳозиргача тўрт жилд ўқувчилар қўлига бориб етди.

Шоир ҳаёт бўлганида бугун 80 ёшга тўлар эди. У 2016 йил 30 май куни вафот этди. "Нидо" достонидан олинган қуйидаги сатрлар худди шу кун ҳақида ёзилгандек туюлади: "Шу тонг офтоб нурлари Кўз ёш бўлиб тўкилди..."

Эркин Воҳидов бетакрор ва бетимсол ижоди, қолдирган бой мероси билан халқимиз юрагидан жой олди. Шоир ўз асарларида халқ дардини ёниб

куйлади, бутун илҳомини, кучини инсон руҳиятини теран очиб беришга, мураккаб ҳаётини моҳирона тасвирлашга қаратди.

2016 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Қарорга имзо чекди. Қарорда юбилей муносабати билан кўриладиган чора-тадбирлар белгилаб берилди. Чунончи, шоирнинг ўзбек тилида "Сайланма" асарлари, инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган шеърий тўпламлари чоп этилади; шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм ва ҳайкали яратилади; Тошкент шаҳридаги шоир яшаган уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатилади.

Аввало, мазкур Қарор муҳтарам Президентимизнинг адабиётимизга кўрсатаётган катта ишонч-эътибори, ғамхўрлигига ёрқин мисол эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу Қарор бутун ижод аҳлини янада руҳлантиришга, мустақиллигимизни улуғлайдиган янгидан-янги асарлар яратишга даъват этишига шубҳа йўқ.

Эркин Воҳидов "Юлдуз"(1964) номли шеърида ўз шеърларининг сарлавҳасини тополмай қолганда, сарлавҳа ўрнида юлдуз қўйишини ёзиб, ўша юлдузнинг кечаю кундуз порлаб туришини орзу қилган эди:

Зуҳро каби чарақлаб турсин
Тунлар ўзим
Юмганда кўзим.
Ҳеч сўнмасин, чарақлаб турсин,
Сўнганда ҳам менинг юлдузим...

Шоир ҳақ. Унинг юлдузи асло сўниш билмайди, шеъриятимиз осмонида қалбларга мудом нур улашиб чарақлаб тураверади.

Муҳаммад АЛИ
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,
Халқ ёзувчиси

2016 йил 9 декабрь

Йўқ, ҳаловат истамайман!

БАҒИШЛОВ

Эй сен, латиф дўст, бу сенга
Умрим китобидир,
Умрим китоби не, олис
Йўл сарҳисобидир.

Бу йўл равон эмас, унинг
Пасту баланди кўп,
Жон риштасидек мисралар
Йўлнинг танобидир.

Бир шаҳр номи Ибтидо,
Бир шаҳр Интиҳо,
Жонимда икки шаҳр аро
Йўл изтиробидир.

Сен ким эдинг, ким бўлдинг, эй,
Дил, деб сўрайди дил,
Шеър асли дил саволига
Дилнинг жавобидир.

Умрим агар боғ бўлса, сиз
Боғбонисиз, элим,
Тутдим, олинг – ўз боғингиз
Шарбат, гулобидир.

Ёшинг неча деб сўрмангиз,
Ёрону аҳли дил,
Эркин Ватан ёши менинг
Ёшим ҳисобидир.

МАНЗАРА

Қора қушлар қўнарлар
Мажнунтолнинг шохига.
Бошин сувга эгарлар
Боқмай сира оҳига.
Раҳми келиб булутнинг,
Йиғлаб тўкар ёшини.
Қушлар қочар, мажнунтол
Кўтаради бошини.
Булутнинг орасидан
Қуёш кулиб қарайди.
Мажнунтолнинг ювилган
Сочларини тарайди.

1952

* * *

Мен жилғаман,
Дарё бўлиб тўлгим келади.
Она юртим,
Сенга ўғлон бўлгим келади.
Бугун сенга
Фақатгина шеър бағишладим.
Керак бўлса,
Жонни фидо қилгим келади.

1953

ТОНГ ЛАВҲАСИ

Уфқларга қўйиб гулдаста,
Тоғ ортидан кўтарди-да бош,
Пастга боқди чўққидан аста
Олтин қалам тутган бир наққош.
Ҳар нуқтага сайқал бериб у,
Водий узра чизди зар лавҳа.
Сўнг қуёш деб имзо чекди-ю,
Тонготар деб қўйди сарлавҳа.

1956

КАМТАРЛИК ҲАҚИДА

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?
Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма ғурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

1956

ТОҒ БИЛАН СУҲБАТ

Дейман: Булутларга чулғанган, оппоқ
Туманли бошингга қуёш тўкар нур.
Кимсанки, қаршимда юксалиб мағрур,
Узоқ-узоқларга боқасан, ўртоқ?
Акс садо дер: – Тоғ!..
Дейман: Ғорларингга қўйганман қадам,
Улкан қояларинг қучиб ўтганман.
Устингдан неча бор учиб ўтганман.
Кимманки, шунчалар юксак иродам?
Акс садо: – Одам!..
Дейман: Қувончингга тор келур жаҳон,
Тонгдан бошланаркан бағрингда гурунг.
Нимадир шунчалар фахринг, ғуруринг,
Айт, нелар қилибди қўйнингда макон?
Акс садо дер: – Кон...
Дейман: Фанлар сари шахдам йўл олдим,
Порлоқ истиқболим кўз тутар менга.
Ишон, бир кун яна келаман сенга.
Аммо ким бўлиб – шу фикру хаёлим.
Акс садо: – Олим...
Тилагим шу, ўртоқ, ҳақлисан буткул,
Илмлар тоғи бор қаршимда ҳали,
Жавоҳирлар тўла бағринг очгали
Қучоғингга яна келаман, кутгил!
Акс садо дер: – Кел!

1956

КИЧИК ОЙ СЎЗИ

Биринчи сунъий Ер йўлдоши атмосферанинг қуюқ қатламларида ёниб кетди...

Майли, умрим абадий эмас,
Майли, яшай фақат бир нафас,
Лекин мени ойга қилиб тенг,
Шуълалардан ясаб кошона,
Қуёш сари узатган халқнинг
Боши узра бўлай парвона.
Майли, сўнг ўт чирмашсин танга,
Майли, мени қучсин аланга.
Фақат бўлиб Данконинг қалби,
Фазолардан нур сочай фанга.
Она-Ватан! Бир ўғлинг каби
Фидо этай жонимни санга!

1957

* * *

Дўстларимни ҳайрон қолдирар
Баъзан ишқий шеърлар ёзганим.
Ҳазилкашлар қўймасдан сўрар:
– Куйлаганинг қайси нозанин?
Йўқ дей десам, кулги бўламан,
Алдамоқни ҳеч кўрмайман эп.
Не ҳам дердим, ҳазил қиламан,
Шоир ҳали изланишда, деб...

1957

* * *

Тинглайман кўп ўзбек сўзларин
Хоразмча талаффузини.
Хуш кўраман у ер қизларин
«Қўйсангиз-а» деган сўзини.
Улар буни айтса мулойим,
Тилларидан асал тўкилар...
Хоразмлик қизларни доим
«Қўйсангиз-а» дегизгим келар.

1957

* * *

Қаро қошинг, қалам қошинг,
Қийиқ қайрилма қошинг, қиз.
Қилур қатлимга қасд қайраб –
Қилич қотил қарошинг, қиз.
Қафасда қалб қушин қийнаб,
Қанот қоқмоққа қўймайсан.
Қараб қўйгил қиё,
Қалбимни қиздирсин қуёшинг, қиз.

1957

ЭКСКАВАТОР

Дашт қўйнига кирди-ю
Илк бора наъра солди.
Ташна ер бағридан у
Сиқимлаб тупроқ олди.
Боши узра кўтарди
Тутиб пўлат кафтида...
Тупроқ нажот кутарди
Ёниб қуёш тафтида...
Ҳаяжони ортди-ю
Титраб кетди қўллари.
Сўнг бир наъра тортди-ю
Юриб кетди илгари...

1958

* * *

Гоҳи поезд, гоҳ от билан,
Гоҳи кездим пиёда.
Мен ўтган йўл меридиан –
Чизиғидан зиёда.
Кўп манзиллар кўзлаганман,
Кўп довонлар ошганман.
Кимларнидир излаганман,
Қайларгадир шошганман.
Сўқмоқларда тупроқ кечдим,
Босдим тоғлар тошини...
Қанча-қанча йўллар кездим –
Топгунимча то сени.

1958

МАЖНУНТОЛ

– Қуббон соҳилида қоматинг букиб,
Олтин баргларингни кўл узра тўкиб,
Нималар ҳақида сурасан хаёл,
Сўйла, мажнунтол?

Ё тонгда бир гўзал чиқдими сувга,
Нигоҳинг тушдими кўзи оҳуга?
Сени банд этдими лабидаги хол,
Сўйла, мажнунтол?

Кўл узра оққушлар парвоз этдими
Ва ё ўйларингни олиб кетдими
Сочларингни силаб ўтганда шамол,
Сўйла, мажнунтол?

Тунда ой аксини кўрдингми сувда,
Балки кутмоқдасан уни беҳуда,
Йўқса нега маъюс кўриндинг, не ҳол,
Сўйла, мажнунтол?

– Йўқ, фикрим банд этган оққушлар эмас,
Сабо ё париваш боқишлар эмас.
На сув кўзгусида кўринган ҳилол,
На чеҳраси ол!

Хаёлим боиси бошқадир бутун,
Ўтмишнинг бу ғамли қиссаси узун.
Сўрадинг, сўйлайин, майли, қулоқ сол,
Қалбга тугиб ол!

«...Жондан севар эди бир-бирин улар,
Қалбда тўлиқ эди ширин орзулар.
Йигит ўктам эди, қиз – соҳибжамол,
Хулқда баркамол.

Улар шу боғларда ўйнаб-куларди,
Оғушим уларга маскан бўларди,
Бунда ўтказарди ошиқлар висол –
Дамларин хушҳол.

Анов чаманларда гул терардилар,
Анов тош устида ўлтирардилар.
Икки қалб гўё қўш кабутар мисол,
Тилларида бол...

Аммо ушалмади ширин орзулар...
Бир кеча сўнгги бор учрашди улар.
Оҳ, севги гулшани этилди поймол,
Сўзламоқ маҳол...

Ҳамон ёдимдадир у ғамли кўзлар,
Шу оқшом айтилган аламли сўзлар:
«Ота...», «бойлик...», «тақдир...», «никоҳ...», «қари чол...»
Ва «Хайр, хуш қол!..»

Узоқ ўтирдилар шу тун икки ёр,
Айрилиқ шомида вафоли нигор
Йигитга қолдирди ишқидан тимсол –
Шоҳи дастрўмол...

Шу бўлди – уларни топмадим зинҳор,
Сўрадим, изладим – кўрмадим бир бор.
Қайдадир севганлар, не кечди аҳвол –
Билмайман алҳол.

Гар сўрсам жавобсиз чайқалур бу кўл,
Дарагин келтирмас еллар ҳам буткул.
Боғда гул бош чайқар, мен берган савол
Қаршисида лол...

Сўрадим, дафъатан жим қолди боғлар,
Сўрадим, чўккандай туюлди тоғлар.
Сўрадим, чор атроф маъюс, бемажол –
Кўринди беҳол...

Жондан севар эди бир-бирин улар,
Қалбда тўлиғ эди ширин орзулар.
Бу бир севги эди, улуғ баркамол,
Оҳ, кетди увол...

Сен букун соҳилда кезиб юрганда,
Дилдоринг ёнингда ханда урганда,
Шу кечмиш ҳислари дил мулкин дарҳол
Қилдилар ишғол.

Фикримни банд этган ишқ қиссаси бу,
Ва ишқ қиссасининг алқиссаси бу –
Шу севги ҳаққи ҳам сендаги иқбол
Топмасин завол!»

1958

ҚУББОН КЎЛИГА

Садо дейди: Сочларин ёйиб,
Нечун қуёш кезар паришон?
Тонг чиқар-у кеч бўлар ғойиб.
Не излаб у кезади жаҳон?
Акс садо дер: Бунда бир замон
Йўқотмиш у ойинасини...
Бехабарсан, эй кўли Қуббон,
Қуёш ҳамон излайди сени.

1958

БУЛОҚ

Булоқ она-Ер сийнасидан
Шеър сингари қайнаб оқади.
Сувнинг кумуш ойинасидан
Меҳрим бўлиб қуёш боқади.
Тўйиб ичдим, сув билан гўё
Дилга сингди юрт муҳаббати.
Ташналигим қонди-ю, аммо
Яна ортди қалб ҳарорати.

1958

* * *

Учрашувга ошиқади дугонанг,
Кўзлар висол орзусида чарақлаб...
– Болам, чойинг совиб қолди, – дер онанг,
Ўлтирасан уйда китоб варақлаб.
Ҳали севги деб аталган бастакор
Юрагингда торлар чертиб ўтмаган,
Ҳали ҳеч ким гуллар тутиб навбаҳор
Сени висол боғларида кутмаган.
Кечаларинг осудадир, бир одам –
Ёди билан банд бўлмаган ўйларинг...
«Ёш Вертер»ни ўқиб бир кун мени ҳам –
Севармикин кимдир, дея ўйладинг.
Ғойибона йўлларингга интизор,
Аллакимнинг кутишини билмайсан.

Деразангни чертиб сенга илк баҳор,
Бир даста гул тутишини билмайсан.
Сен ҳам уни, у ҳам сени кўрмаган,
Қаердадир яшар, лекин дунёда
Боғлар кезиб ҳеч гулга юз бурмаган,
У сен учун ҳар кимдан ҳам зиёда...
Учрашувга ошиқади дугонанг,
Қалб орзиқиб, ёр олдига чопади...
Қаердадир сени излар парвонанг,
У албатта сени излаб топади.

1959

СЕВГИ

Ўн саккизга кирмаган ким бор,
Боғингдан гул термаган ким бор.
Сен ҳақингда ёзиб тўрт сатр,
Сирдошига аста кўрсатиб,
Қўшни қизга бермаган ким бор.
Дастлаб ҳар ким қалам олган он
Ёниб сени куйлар бегумон.
Маскан қуриб ҳар бир кўнгилдан,
Ошиқларни қолдириб тилдан,
Шоирларни қилурсан бийрон.
Тушдим чоғи мен ҳам домингга,
Эзгу ҳислар бахш этдинг менга,
Ҳаётимга зар лавҳа бўлдинг,
Илк шеъримга сарлавҳа бўлдинг,
Хаёлларим улфатдир сенга.
Юрагимда ҳис этдим қанот,
Тилсим каби очилур ҳаёт,
Висолдаги дамларим ширин,
Ҳижрондаги ғамларим ширин,
Кулиб боқар менга коинот...
Ўн саккизга кирмаган ким бор,
Боғингдан гул термаган ким бор...

1959

ПЎЛАТ

У даставвал ойболта бўлди,
Сўнг замбарак бўлиб қуйилди.
Қилич ҳам у,
милтиқ
ва наган,
У бомба ҳам бўлиб портлаган.
Лекин олган жаҳонни фақат
Перо бўлиб қуйилгач пўлат.

1959

ЙЎЛЛАР

Йиллар оша бир ёш ўсарман,
Йўллар оша бир бош ўсарман.
Мен сайр этган гул водийларда
Чечакларга ёндош ўсарман.
Боғлар ўтган, қир ошган йўллар,
Уфқларга туташган йўллар,
Жимир-жимир нуқралар тақиб,
Нур эмибсиз қуёшдан, йўллар.
Сайр одатим қўярмидим мен,
Ўлкам кезиб тўярмидим мен,
Кезмай туриб, сайр этмай туриб
Уни шунча суярмидим мен!

1959

ХАЙРЛИ КЕЧ

Тилак қадрин билар одамлар,
Яхши ният қилар одамлар.
Дўстга тунги ором олдидан
Хайрли кеч тилар одамлар.
Хайрли кеч – ҳикматли истак,
Бу истакни буюрмиш юрак.
Хайрли кеч – фарахли тунинг
Осойишта, тинч бўлсин, демак...
Ер юзида яшаган инсон
Майлига, у қаерлик бўлсин,

Тинч меҳнатда кунлари шодон,
Кечалари хайрли бўлсин.

1959

ОНА ТУПРОҚ

Нега инсон ерни қутлуғ дер,
Тупроқни ҳам санар муқаддас?
Йўқ, мўътабар эмас асли ер,
Тупроқ ўзи табаррук эмас.
Дастлаб ўша ер узра одам
Тўкканида ҳалол манглай тер,
Гавҳар унди она тупроқдан,
Қутлуғ бўлди муаззам бу ер.
Ўз муборак тупроғин инсон
Ёт назардан асраб ҳар нафас,
Уни қучиб фидо этди жон,
Қони билан қилди муқаддас.
Йўқ, мўътабар эмас асли ер,
Қутлуғ эмас тупроқ ҳеч қачон.
Муборакдир инсон тўккан тер,
Мўътабардир қутлуғ тоза қон.

1959

ЎЛКА

Боғларингни сайр этганимда
Сен бор эдинг қалбда, Ватаним.
Боғ ҳуснига шеър битганимда
Уни дастлаб сенга атадим.
Минглаб тилда мадҳингни сўзлар
Бунда ўсган ҳар битта дарахт.
Нур эмади миллионлаб кўзлар
Кўкдан сенинг ҳуснингга қараб.
Жилмаяди ўзида йўқ шод
Янги ой ҳам кетмай қошингдан.
Этак-этак олиб коинот
Юлдузларин сочар бошингдан...

1960

* * *

Кун тоғ ўркачига тирмашар аста,
Новвот қояларда ялтирайди қор.
Юксак чўққилардан бошланган баҳор
Шалолалар билан интилар пастга.
Тўшаб соҳилларга жилвакор гилам
Дарё бўлиб оқар Аму, Сирига.
Баҳор ўлкасининг қон томирига
Шарқираб киради фусункор кўклам.

1959

ЙЎҚ, ҲАЛОВАТ ИСТАМАЙМАН

Йўқ, ҳаловат истамайман,
Ором билмас ёш жоним.
Тўлқин урган уммонча бор
Юракдаги туғёним.
Бўронларга, довулларга
Пешвоз юргим келади.
Дарёларнинг гирдобига
Кўкрак ургим келади.
Тинчлик билмас одатимдан
Озор чексам майлига.
Олов бўлиб бир дам ёнсам,
Сўнг ўчсам ҳам майлига...
Ҳар мушкулга бардош берар,
Чидар менинг тош бошим.
Аммо сокин, тинч яшашга
Сира йўқдир бардошим.

1960

ШЕЪР КЕЧАСИ

Навбатим келмоқда,
Сўзлайман мен ҳам,
Энг яхши шеъримни излайман мен ҳам.
Қани,
Куйларимнинг энг сози қани?!
Кўнглимнинг энг дилбар овози қани?!

Бир-бир варақлайман ёдим дафтарин,
Мени маъзур тутинг, азиз дўстларим!
Қувноқ даврангизда ўқиб бергали
Энг яхши шеъримни ёзмабман ҳали.
Шеърлар чамани кенг,
Умрим ҳам узоқ,
Гуллар теражакман кучоқ ва кучоқ.
Аммо бир гул менинг юрагимдадир,
Бир шеър ёзмоқ менинг тилагимдадир.
Бу шеърни излайман ақлимни таниб,
Бу шеърни куйлайман оташда ёниб.
Бу шеър ишқи билан яшайман мудом,
Бу шеър ишқи билан кўнглимда илҳом.
Бу шеърга банд бутун эзгу ҳисларим...
Мени маъзур тутинг бу гал, дўстларим,
Қувноқ даврангизда ўқиб бергали
Энг яхши шеъримни ёзмабман ҳали.
Ва лекин мен уни битмагунимча,
Битиб сизга тақдим этмагунимча –
Бир нафас ҳаловат билмасман асло,
Тинмасман,
тинмасман,
тинмасман асло!

1960

* * *

Айтиб бўлдим сўнгги қўшиқни,
Жўнаб кетди куёш ҳам аста.
Алвон кўйлак кийган уфқнинг
Этагида қолди гулдаста.
Қучоқ очар фараҳли бир тун,
Кўз олдимда яна бир чаман –
Хайрли кеч –
Тонг билан, дўстим,
Яна бир шеър ўқиб бераман.

1960

* * *

То тириқдирки табиат,
То қуёш сочгайки нур,
Уч эгиз бордир тушунча,
Уч бу сўз ёндош бўлур:
Моҳиру меҳру маҳорат,
Олиму илму амал,
Ошиқу ишқу машаққат,
Шоиру шеъру шуур.

1961

ОЛИМЛАР ВА ШОИРЛАР

Қанча илҳом керак, ишқ, орзу-тилак
Инсонни фазога учирмоқ учун.
Қанча билим керак, тафаккур керак
Буни шеър, достонга кўчирмоқ учун.
Олимни банд этар юлдузли осмон,
Чексиз фазо илми шоир хаёлин.
Ҳа, бу шундай замон, ажойиб замон,
Олимлар – шоиру
Шоирлар – олим.

1961

ШЕЪР ҲАҚИДА ШЕЪР

(Ҳазил)

Шеърим, мана, битдинг ниҳоят,
Туним уйғоқ ўтди қошингда.
Битдинг дедим, севинма фақат,
Қанча иш бор ҳали бошингда.

Ҳали сени йўниб, тарашлаб
Юз марталаб ўчирмоғим бор.
Қайта-қайта ғижимлаб ташлаб,
Такрор-такрор кўчирмоғим бор.

Ахир бир кун мавсуминг етиб,
Кирганида ғўза шонага,
Аста сенинг қўлингдан тутиб
Етаклайман газетхонага.

Илҳом дилга боғлаган қанот,
Шахдам-шахдам ташлаймиз одим,
Бизга айлаб «ширин» илтифот,
Қарши олар адабий ходим.

Сени аста ёнимдан олиб,
Ҳаяжон-ла тутаман унга.
Шеърми? – дея у қовоқ солиб
Кўзойнагин қўяр бурунга.

Ўқиб чиқар, тортмага ташлар,
Ўз ишини эттирар давом.
Энди, шеърим, шу кундан бошлаб,
Сен меники эмассан тамом.

Ҳеч ким сени шеър демас энди,
Ҳеч ким демас қўшиқ ё ғазал.
Сен куй, илҳом, шавқ эмас энди,
Бунда сенинг номинг «материал».

Уринмагин энди беҳуда,
Учмоқ учун боғлама қанот.
Ором олиб ширин уйқуда
Муҳаррирнинг тортмасида ёт.

Ёз ҳақида битилган бўлсанг,
Шошма, ҳали қиш келгунча тур.
Бахтинг кулиб, йил ўтгач, аранг
Ярминг чиқса, шунга ҳам шукур.

Ҳали сени, шеърим, неча бор
Ғурбатларга етаклар тақдир.
Бунда қанча... мухлисларинг бор,
Ҳали сени қилурлар таҳрир.

Ўзгаради қанча каломинг,
Ўзгаради қанчалар лавҳанг.
Ёзилганда «Тонг» бўлса номинг,
«Оқшом» бўлар балки сарлавҳанг.

Сўнг оламга ёйгали қанот,
Элни ўзга қилгали «шайдо»
Қуёш янглиғ бир куни – ҳайҳот! –
Газетада бўлурсан пайдо.

Ўз номимдан танийман аранг,
Лол тураман сенинг қошингда.
Навбат билан танқидчи аканг
Ёнғоқ чақар энди бошингда.

Таҳлил айлаб терсу ўнгингдан,
Иккимизни қилади беҳол.
Хўп дўппослаб, танқид сўнгида
Ижодимга тилайди камол.

1961

ЁШЛИК

Ёшлик! Сени куйламаган ким,
Эртакларинг сўйламаган ким,
Қариганда ўйламаган ким,
Ўйлаб яна куйламаган ким?
Битмоқ бўлдим мен ҳам сенга байт,
Ёш юракнинг ҳаққи борми, айт?

Ёшлик, асли менинг ўзимсан,
Кенг оламга боққан кўзимсан.
Ёзган шеърим, айтган сўзимсан,
Кечам, эртам, ушбу рўзимсан.
Битмоқ бўлдим сен учун ашъор,
Аммо ўзни куйламоқ душвор.

Ёшлик – гулу гулғунча экан,
Бу гул олам тургунча экан,
Ёшлик – беҳад тушунча экан,
Поёни йўқ гардунча экан.
Битмоқ бўлдим мен унга достон,
Ўйларимга топмадим поён.

Ёшлик, дилдан шавқ кетгани йўқ,
Юрак сени тарк этгани йўқ,
Юрак сени тарк этгани йўқ,
Демак, қадрингга етгани йўқ.
Ёшлик, сени куйлаб билурман,
Аммо бугун ёшлик қилурман.

Ёшлик – ишқу ошиқлик майли,
Ўзи Мажнун, ҳам ўзи Лайли,

Субҳи олам унинг туфайли.
Майли, унга битмасам майли,
На бир ғазал, на бир мусаддас,
Унинг ўзи шеърдан муқаддас.

1961

ШОИР УМРИ

(Пародия)

«Мана, мен Лермонтов ёшига етдим,
Бир шоир умрини яшадим чиндан.
Шеърият кўкида тик парвоз этдим,
Парвозим баланддир учқур лочиндан».

Сайёр

«Мана, мен Лермонтов ёшига етдим,
Бир шоир умрини яшадим чиндан».
Қанча қоғозларнинг бошига етдим
Ва лекин Лермонтов чиқмади мендан.

Дўстларим, ортиқча камтарлик нега,
Келажак ўн йилни кўрдим олдиндан.
Вақт келар, етарман Пушкин ёшига,
Ўшанда... Пушкин ҳам чиқмайди мендан.

1961

ТЕРАНЛИК

Шоира Зулфияга

Теранликни қидирмадим уммонлардан,
Инсонлардан топдим уни, инсонлардан.
Теранлик бу – нур ёғилган юзлардадир,
Теранлик бу – ўйчан боққан кўзлардадир,
Теранлик бу – айтилмаган сўзлардадир.
Майингина чимирилган қошлардаги,
Нуқра-нуқра қиров қўнган сочлардаги,
Бўронларда эгилмаган бошлардаги
Теранликнинг таърифига сўз бормикан?..

Машъум йиллар дилга солган озоридан,
Оналарнинг ҳасратидан, оҳ-зоридан
Одамларнинг юрагида уммони бор,
Уммонларнинг сокинлиги, тўфони бор.
У йилларнинг зилзиласи кўкракларда,
Машъум уруш доғи ҳали юракларда.
Ҳассос қалбдан оққан энг пок
тилакларда,
Умидларда ҳаёт қадар теранлик бор,
Кўнгилдаги сабот қадар теранлик бор.
Теранликни қидирмадим уммонлардан,
Инсонлардан топдим уни, инсонлардан.

1961

СУРАТ

Қаердадир кўрганман уни,
Бир дақиқа бўлганман улфат,
Эслолмайман, аммо қай куни,
Қай дақиқа, қай дам, қай ҳолат.

Кўзларида ажиб муаммо,
Тилсиз сурат боқар менга жим.
Э, у ўша...
Топилди гўё
Унут бўлган бир бўлак умрим.

Кўз олдимдан ўтади бир-бир –
Аллақандай туманли, хира –
Хаёлимнинг қай бурчидадир
Йўқолмоқчи бўлган хотира.

У кунларни тиклар хаёлим,
Ёдга келар барча, барчаси...
Одамлар,
Сиз менинг ҳаётим,
Ҳар бирингиз умрим парчаси.

1961

САМАРҚАНД КЕЧАСИ

Мунажжим тасбеҳидан тўкилган доналардек
Осмон узра сочилиб ярқирайди юлдузлар.
Ой шамъу теграсида учган парвоналардек
То саҳар жавлон уриб парпирайди юлдузлар.

Қаддини камон этиб, юзда табассум изи,
Кеча сукунатига қулоқ тутар янги ой.
Ногаҳон эшитилса чақалоқнинг йиғиси,
Яна бир Улуғбек деб ўйлаб қолди, ҳойнаҳой.

Самарқанд юлдузлари лаълимикан,
дурдона,
Нақш олмалар сингари териб олгим келади.
Ҳар бири сўйлар экан қадимдан бир афсона,
Саҳаргача кўз юммай қулоқ солгим келади.

Ана Ҳулкар – етти қиз имлар мени
йироқдан,
Ойдин кўчалар бўйлаб шуълаларда оқурман.
Улуғбек қадам қўйган бу муқаддас
тупроқдан
Улуғбек нигоҳ тиккан юлдузларга боқурман.

Бу кеча кўк уммони машъалларга тўлуғдур,
Ҳилолга қўнган юлдуз сузар гўё елканда.
Қадимий шаҳрим узра кезаман, дилда ғурур,
Юлдуз тўла осмонни кўтарганча елкамда.

1961

ҚИЗАЛОҚ

Синглим Ферузага

Кўғирчоқдан бир зум нари кетмасдан
Эркалар, бағрига босар қизалоқ.
Ҳаёт нима – ҳали идрок этмасдан,
Гўдаклигига ҳам ақли етмасдан,
Она бўламан деб ўсар қизалоқ.

Таажжуб, ким солмиш унинг кўнглига,
Кирмоқ қайда ҳали ҳаёт йўлига,

Она алласига қонмасдан ҳали,
Эртага шу уйга бека бўлгали
Супурги тутади жажжи қўлига.

Ҳалитдан оналик меҳр-шафқатин
Дилингга солдингми, эрка қизалоқ?
Татиб кўрмай ҳали ҳаёт заҳматин,
Мушфиқ оналикнинг бор машаққатин
Бўйнингга олдингми, эрка қизалоқ?

Гулзор яшагандек ғунча қатида,
Томчида қуёшнинг жамолин кўрдим.
Ўйласам, ўй битмас ҳаёт ҳақида,
Шу жажжи қизалоқ табиатида
Табиатнинг буюк камолин кўрдим.

1961

* * *

Ой фонусин кўтарди осмон,
Юлдузчалар бўлди парвона.
Сайр этайлик, кел, бирга, жонон,
Кўнглим сени истар ягона.

Қўлларимдан тут ўзинг, дилбар,
Ойдин йўлга етакла мени.
Ошиқ бўлиб, ишон, шунчалар
Севмагандим ҳеч қачон сени.

Ажаб, ортиқ сармастман букун,
Кўкрагимга сиққудай олам.
Бу кун лим-лим тўлмиш лолагун
Ишқ майига кўнгил пиёлам.

Кел, юлдузлар тўшалган йўлдан
Етакласин бизни муҳаббат.
Ғамларингни чиқар кўнгилдан,
Шод кунларни эслайлик фақат.

Сайр этайлик, кел, бирга, эркам,
Рози кетсин биздан умрбод –
Шодлик учун яралган олам,
Севмоқ учун берилган ҳаёт.

1961

ФИРОҚ ҲАҚИДА

Сен йироқда,
Ёринг йироқда,
Ўртанади жонинг фироқда.
Тугаб борар бардош – саботинг,
Учай десанг йўқдир қанотинг.
Севар ёринг васлига муштоқ
Кечаларинг ўтади уйғоқ...
Аммо ғамдан бошингни букма,
Шаҳло кўздан ёшингни тўкма.
Дилбар, буни фироқ дема ҳеч,
Ёрим мендан йироқ дема ҳеч.
Чунки оро кириб жонингга,
Бахтинг бир кун келар ёнингга.

Сени ноҳақ
Ранжитди ёринг,
Ё ўзгадан рашк этди ёринг.
Нолишингга қулоқ солмади,
Изҳорингдан кўнгли қонмади.
Кетди, боқмай ҳатто қайрилиб...
Сен буни ҳам дема айрилиқ.
Дил ўртама, йиғлама асло.
Сен бу ҳижрон зулмати аро
Пок севгингни айлагин чироқ, –
Висол билан алмашур фироқ.

Сен севасан,
Севмайди ёринг,
Ёр кўнглига етмайди зоринг.
Севганингни ёки билмайди,
Ё билса ҳам кўзга илмайди.
Айриликда ёнасан бироқ –
Сен буни ҳам атама фироқ.
Чунки севгинг бўлса агар чин
Ҳижронларни қилар чилпарчин.
Ишон фақат, ҳеч толмай ишон,
Ишонч бўлса чекинар ҳижрон...

Ёринг бўлса
Ёнингда доим,
Ёринг бўлса – кўркам, мулойим,
Ҳар онингни кечирсанг бирга,

Бирга бўлсанг бутун умрга,
Ҳаёт қуриб, улаб жонга жон,
Яшасанг-у йиллар ёнма-ён –
Аммо бўлса кўнгиллар йироқ,
Дунёда йўқ бундан зўр фироқ.
Бу фироққа сира йўқ даво,
Бу фироққа йўлиқма асло!

1961

* * *

Ойдин кеча,
Ёғар кўкдан зар,
Ўйга чўмиб дединг гул юзим:
«Осмон тўла сонсиз юлдузлар,
Қайси экан менинг юлдузим?

У бир кичик заррадир, холос,
Йироқдадир, илинмас кўзга...»
Ажаб дейман,
Ким этмиш қиёс
Одамзодни сўник юлдузга?!

Қалб кўксимда ёниб ўрганган,
Эътиқодим шу эрур азал:
Минг йил хира юлдуз бўлгандан,
Бир дам ёниқ шам бўлган афзал.

Асрий ҳаёт керакмас менга,
Ишқ завқига қониб яшасам,
Парвонанинг умри бас менга –
Фақат ёниб,
Ёниб яшасам.

Шу ўй мени банд этар кўпдан,
Шу сабабли дейман: гул юзим,
Юлдуз излаб нетасан кўкдан,
Ўзингсан-ку менинг юлдузим.

Ўзингсан-ку менинг юлдузим,
Сурайёдан, Зуҳродан ортиқ.
Кўк тоқидан олмадек узиб,
Бирин сенга қилайми тортиқ?

Кел, истасанг ой ҳалқасини
Қулоғингга тақай, дилбарим.
Хушнуд этса юлдузлар сени,
Этагингга тўкайин барин.

Фақат, жоним, ўзингни зинҳор
Юлдузларга этмагил қиёс.
Ёниб яша то танда жон бор,
Қуёш бўлгин, азизим, қуёш!

1961

КИМНИ ЭТМАС БУ КЎНГИЛ ШАЙДО

Дунё экан...
Ишқ деган савдо
Борми фақат менинг бошимда?!
Кимни этмас бу кўнгил шайдо,
Ким шеър ёзмас менинг ёшимда?!

Севги илк бор тушди-ю қалбга
Ҳаётимнинг бўлди мазмуни.
У қўлимга тутқазиб қалам,
Кўзларимдан олди уйқуни.

Олди бутун фикру хаёлим,
Кетди дилдан ором, ҳаловат.
Севги бутун боримни олиб,
Шеър завқини қолдирди фақат.

Борлиқ олам кўзимга минг-минг
Гўзалликка тўлиб кўринди.
Гуллар менга ошиқ булбулнинг
Шеър дафтари бўлиб кўринди...

Айб этмангиз,
Дўстлар, бу савдо
Борми фақат менинг бошимда?
Кимни этмас бу кўнгил шайдо,
Ким шеър ёзмас менинг ёшимда?!

1961

КОСМОНАВТ ВА ШОИР

– Айт-чи, шоир, учар бўлсанг
фазоларга,
Кўчар бўлсанг Ой, Ҳулкару Зуҳроларга,
Йўлга Ердан нималарни олар эдинг,
Сен кемангга нималарни солар эдинг?

– Учар бўлсам агар чексиз фазоларга,
Кўчар бўлсам Ой, Ҳулкару
Зуҳроларга,
Она-Ердан бир кафт тупроқ олар эдим...
Олар эдим лола, наргиз, сунбуллардан,
Қарқуноқлар, саъвалардан,
булбуллардан,
Арчаларнинг япроғидан олар эдим,
Мажнунтоллар бутоғидан олар эдим.
Тиёншоннинг қора кўзли оҳулари,
Чаманларда бол излаган асалари,
Бошим узра парвоз этган қарчиғайим,
Боғ кўчадан миниб ўтган қора тойим
Ерда қолса, учмоққа ҳеч розимасман,
Фазоларга кўчмоққа ҳеч розимасман.

– Сўйла, шоир, сира чек йўқ
тилагингга,
Учар бўлсанг, ҳамроҳ этиб юрагингга
Она-Ердан нималарни олар эдинг?..
– Айта берсам, сира чек йўқ тилагимга,
Учар бўлсам, ҳамроҳ этиб юрагимга
Она-Ернинг муҳаббатин олар эдим,
Гўзал ўлкам табиатин олар эдим.
Олар эдим баҳору қиш, куз, ёзини,
Олар эдим ирмоқларнинг овозини,
Суҳбатларнинг ғулусини олар эдим,
Шўх қизларнинг кулгусини олар эдим.
Куйларнинг ҳам энг дилбари, энг созини,
Навосини, гулёрини, шаҳнозини,
Олар эдим чапандозин ҳам баётин,
Ҳофизларнинг тонгда айтган
муножотин,

Навоийнинг, Фузулийнинг шеърларини
Олар эдим, олар эдим мен барини.
Буларсиз мен учмоққа ҳеч розимасман,
Фазоларга кўчмоққа ҳеч розимасман.

1962

ЮРАК ВА АҚЛ

Икки куч бор:
Юрак ва ақл –
Икки ёнга тортувчи мени,
Улар бундоқ бўлса ноаҳил,
Қай бирининг тутай измини?

Мени бир ён бошласа ақлим,
Бошқа ёнга етаклар юрак.
Билолмайман, қай бири ҳақли,
Қай бирига ишонмоқ керак?

Ақл менинг ҳар қадамимни
Солмоқ бўлар тарозу тошга,
Ҳар дақиқа тергайди мени,
Ўхшама деб кўча бебошга.

Юрак эса унга сўз бермас,
Бу дунёда фақат ўйна дер.
Билмас,
Сира билгиси келмас
Қонун надир, қоида надир.

Ёр кўйига чорласа бири,
Юр деб ҳар кеч айласа хитоб,
Бири уйга етаклаб кириб,
Қўлларимга тутқизар китоб.

Ақл айтар:
Севдинг, ўша қиз,
Айт-чи, сенга қилурми вафо?
Юрак фақат сев дер, севгисиз –
Яшамоқдан борми ҳеч маъно?!

Ақл менга қилар насиҳат:
«Ёш жонингни ўртама бекор».

Юрак бўлса ён дейди фақат,
Ҳаёт бизга берилар бир бор.

Ақл дейди:
Шеърингдан не наф,
Машқларингдан лаззат олар ким?
Йўқ, дер менга, ўлтирма ўйлаб,
Шеър ёз дейди нодон юрагим...

Ақл чексиз фазога ҳоким,
Ақл ҳоким олам юзига.
Борлиқ унга бўйсунар,
Лекин
Юрак кирмас унинг сўзига.

Шундан бир ён бошласа ақлим,
Бошқа ёнга етаклар юрак.
Билолмайман, қай бири ҳақли,
Қай бирига ишонмоқ керак.

Айбли эмас бунда иродам,
Маъзур тутинг, дўстлар, сиз мени.
Ақл қанча ҳақли бўлса ҳам,
Тутар бўлдим юрак измини.

У бахш этган оташда ёндим,
Ўзи бўлди менга раҳнамо.
Унга,
Фақат унга ишондим,
Юрак мени алдамас асло!

1962

МАЙ ШЕЪРИ

Май – баҳор
қизининг
Ўн саккиз ёши,
Унинг ажиб нозу
Адолари бор.
Бошида гулчамбар
Порлоқ қуёши,
Чаманда булбули
Шайдолари бор.

Бахмал кўйлагида
Гулдан тугмалар,
Шалолалар айтган
Наволари бор.
Зулфи сунбулини
Ювган чашмалар,
Ўпиб тароклаган
Саболари бор.
Қиёс тополмайман
Баҳор ҳуснига,
Яшил либосида
На соз бу жаҳон!
Чексиз водийларнинг
Зумрад тусига
Рашку ҳавас билан
Боқади осмон.

Мен ҳам боғлар аро
Сайр этиб бу дам,
Лолалар базмига
Қўшилгим келур,
Май – баҳор ҳақида
Шеър айтиб мен ҳам,
Хушхон булбулларга
Жўр бўлгим келур:
Баҳор келар
қайта-қайта,
Май қайта-қайта,
Шоирлар ҳам чарчамайди
Мадҳ айта-айта.
Шеърлар кўпдир,
Шеърлардан ҳам
«Баҳор»у «ёз»,
«май»,
Мен энди ёзмай.

Қайда дейсиз!
Гул боғларга
етаклаб баҳор,
Лола териб берса менга
Этаклаб баҳор,
Қанча ёзсанг оз, деб турса,
Ёз деб турса Май,
Бўлурми ёзмай?!

Гарчи баҳор қайта келур,
Май қайта келур.
Янги қўшиқ олиб, янги –
Куй айта келур,
Қанча баҳор кўрган бўлсам
Мен шу ёшгача,
Ҳар йил баҳор бошқачадир,
Биз ҳам бошқача!
Май – баҳор қизининг
Ўн саккиз ёши,
Унинг ажиб нозу
Адолари бор.
Бошида гулчамбар
Порлоқ қуёши,
Чаманда булбули
Шайдолари бор.

1962

ГЎЗАЛЛИК

Мулки борлиқ ичра бир маҳал
Кўрксизгина олам яралган.
Бермоқ учун дунёга сайқал
Олам аро одам яралган.
Шундан бери инсон тинмайин
Шу ер узра тер тўкар ҳамон.
Ерни гўзал қилгани сайин
Гўзал бўлар ўзи ҳам инсон.

1962

АСАБЛАР

Асаблар,
Асаблар,
Асаблар...
Сабабсиз сочилган ғазаблар,
Гуноҳсиз чекилган азоблар.
Кўз ёшлар...
Барига сабаблар
Асаблар, асаблар, асаблар.

Асаблар кимларни қулатмас,
Асаблар уйқуни йўлатмас,
Қалбни ҳеч шодликка тўлатмас,
Одамзод темирмас, пўлатмас!
Асаблар кимларни қулатмас!..

Асабга сўз берманг, одамлар,
Ғазабга йўл берманг, одамлар,
Умр-ку шунчалар қисқадир,
Шуни ҳам қилмаймиз биз қадр.
Асабга сўз берманг, одамлар,
Азобга йўл берманг, одамлар!

1962

ЧУМОЛИ

Ғайрат камарини белига боғлаб,
Ўзидан каттароқ чўпни ортмоқлаб,
Манзилга тез етмоқ ёлғиз хаёли –
Сўқмоқ йўлдан борар
Чумоли.
Атрофига боқмас, ишлар узун кун,
Кўпнинг хирмонига қўшмоқ учун
дон...
Йўқ,
Одам аждоди бўлмаган маймун,
Чумолидан тарқалган инсон.

1962

* * *

Шеър битди, сўнг кўчирдим оққа,
Бир бор қайта ўқиб чиқдим ҳам.
Энди бирор сирдош ўртоққа
Сира бўлмас ўқиб бермасам.

Мен шеъримни муҳаббат сирин
Сақлагандай ошиқлар пинҳон –
Тутолмайман дилда яширин,
Нетай кўнгил кўтарса туғён.

Шунинг учун пишиб етмаёқ
Илҳомимнинг илк мевасини –
Сенга тутдим, айб этма, ўртоқ,
Яқин олдим кўнгилга сени.

1962

ЧАШМА ҚОШИДА

Хайриддин САЛОҲга

Қайтар эдим тоғ сайридан,
Кўп эдим ташна.
Ҳорғин эдим,
йўлда бирдан
Учради чашма.

Жилваланиб оқар эди
Муздек зилол сув.
Сув лабидан боқар эди
Шаҳло кўз сулув.

Етиб бордим,
куйлаб берди
У шўх, хуш овоз.
Қиз розини сўйлаб берди
Қўлидаги соз.

У куйлади, мен тингладим,
Мен куйладим – у.
Сени мангу сақлар ёдим,
Кўзлари оҳу!

Қалбда ҳамон ўша ёзу
Ўша кўк чашма.
Ўша созу ўша нозу
Ўша карашма.

1962

* * *

Фурсат – олтин,
Сен кўкрак кериб
Олтинингни сочиб борасан.
Фурсат қувар,
Унга чап бериб,
Сўроғидан қочиб борасан.
У етолмас,
Ёшсан – абжирсан,
Қолмай келар лекин орқангдан.
Қочма, йигит,
Вақт келар, бирдан –
Фурсат маҳкам тутар ёқангдан.
Фойда бермас
Минг тавбанг у кун
Сўрар экан фурсат сарҳисоб.
Бенаф ўтган
Ҳаётинг учун
Вақт олдида берурсан жавоб.

1962

«КАВКАЗ ШЕЪРЛАРИ» ТУРКУМИДАН

ЕЛКАН

(Манзара)

Ухлар экан денгиз ёпиб туман кўрпасин,
Нозик кема тарк айлади Боку
кўрфазин.
Мавжлар узра қалқиб борар зангор
ҳавода,
Оқ елканни тебратади тонгги шаббода.
Чайқалади, интилади уфқлар томон,
Уфқларда денгиз билан туташар осмон...
Туман аста кўтарилар, сув бети қирмиз,
Елкан сузар, елкан сузар қолдириб оқ из.

Чағалайлар теграсида қилади парвоз,
Кокил ёзиб қуёш унга чиқади пешвоз.

АРАРАТ ЧЎҚҚИСИГА

Оппоқ туманларга чулғаниб ётар
Мовий самоларга туташган бошинг.
Бу юртда энг аввал сенда тонг отар,
Энг кейин тарк этар сени қуёшинг.

Кундуз булутлар-ла суҳбат қурасан,
Тунда манглайингга қўнади ҳилол.
Гоҳ оғир сукутда ўйлар сурасан,
Узоқ ўтмишгами элтади хаёл?

Қўй, оғир ўйларни тарк эт, Арарат,
Машриққа кўз ташла бу нуқра саҳар.
Кўнгилга таскин бер, қалбга ҳарорат,
Диёру ёримдан келтиргин хабар.

Қарагин, бир юрт бор денгиздан нари,
Қуёш ошиқ бўлиб кўз тиккан диёр.
Ҳарир кўйлак кийган оқ далалари,
Аму, Сир аталган дарёлари бор.

Ўша гўзал юртда менинг гулбоғим,
Ўша гулбоғ аро севганим раъно.
Йироқ-йироқларга қараган чоғинг
Кўзинг тушмадими ёрга мабодо?

Боқ, балки кўрарсан айни саҳар пайт,
У ҳам кўз тиккандир балки сен томон.
Ёринг сени жуда соғинди деб айт,
Хабар бер, тез кунда қайтур деб омон.

АЗГАНУШ

Арман қизига

Кўрдиму лол бўлди ақлим, ўнгмиди бу ёки
туш,
Бўлса ҳам ўнг, ё сени кўргач, бошимдан
учди ҳуш.
Сен баланд тоғ узра эрдинг мисли оҳу ёки
қуш,
Ёлвориб мен пастда дердим: бир нафас
ёнимга туш.

Азгануш, ҳой, Азганушим,
Азганушжон, Азгануш.

Сен хаёлнинг бир дамилик жилвасиму
чинмидинг,
Ё ғазалларда битилган «ул париваш» сенмидинг.
Орази гул, сочи сунбул, бир тани
сийминмидинг,
Балки Ширин Ширин эрмас, сен ўзинг
Ширинмидинг?
Азганушим,
Азганушжон, Азгануш, ҳой,
Азгануш.

Ўсма қўйдингму қошингга, бунчалар тим
қорадир,
Билмадим, бу қошларингдан қанча диллар
порадир,
Раҳм қилғил, битта ўзбек шунчалар
ёлворадир,
Туш ўзинг, ё айт, ёнингга қайси йўлдан
борадир?
Азганушжон,
Азгануш, ҳой, Азганушим,
Азгануш.

Боқ, бу тоғлар ортида бир ўлка бордир кўп
йироқ.
Мен қанотли йўлчига бу бир нафаслик йўл,
бироқ
Юр, париваш, мен билан юр, борми сенда
иштиёқ?
Гул тутарман сенга сўлмас ул чамандан бир
кучоқ.
Азганушим, Азганушжон,
Азгануш, ҳой, Азгануш.

АЙРИЛИШ

Бир лаҳзадек ўтди-ю кетди
Ногаҳоний бу қисқа висол.
Кемалардек учрашган эдик,
Айрилурмиз кемалар мисол.

На мен сенга ишқ изҳор этдим,
На сен менга майл этдинг ошкор.
Сени бир зум тутмоққа энди
На ҳаққим бор, на ҳуқуқим бор.

Соҳилларда сайр айлаган он
Сўз очмоққа журъат қилмадим.
Бу қувончлар сўнгида ҳижрон
Борлигини, нетай, билмадим.

Энди наф йўқ, вақт ўтди-кетди,
Тамом бўлди бу қисқа висол.
Кемалардек учрашган эдик,
Айрилурмиз кемалар мисол.

Сузаркансан манзилга томон,
Оқ йўл тилаб қолгум, дилрабо.
Етказинг деб соҳилга омон
Шамолларга қилгум илтижо.

ФУЗУЛИЙ ҲАЙКАЛИ ҚОШИДА

Еллар, бир дақиқа тўхтанг эсишдан,
Сернаво булбуллар, сайраманг бир оз.
Карбало даштида яёв кезишдан
Чарчаб тин олмоқда Фузулий устоз.
Денгиз, тўлқинларинг урма
қирғоққа,
Шоир ўйларига бермагил халал.
Устоз юрагида шеър туғилмоқда,
Дунёга келмоқда бир мунис ғазал:
«Сабо, ағёрдан пинҳон ғамим
дилдора изҳор эт,
Хабарсиз ёрими ҳоли харобимдан
хабардор эт,
Кўнгил, ғам гунларин танҳо
кечурма, иста бир ҳамдам,
Ажал хобиндин афғонлар чекиб
Мажнунни бедор эт».
Япроқлар тебранар шеър мақомига,
Чечаклар жимгина эгиб турар бош.
Мармар сарҳовузнинг кумуш жомига
Шоир кўзларидан оқиб тушар ёш.

Боку боғларига чўкмоқда оқшом,
Денгиз мавж уради товланиб зарҳал.
Шоир юрагидан тошганда илҳом,
Ёш билан қуюлиб келади ғазал:
«Паришонҳолинг ўлдим, сўрмадинг
ҳоли паришоним.
Ғамингдан дарда туштим,
қилмадинг тадбири дармоним,
На дерсан, рўзигорим бўйлами кечсун,
гўзал жоним.
Гўзим, жоним, афандим, севдигим,
давлатли султоним».
Ошиқлар ухлайди саҳарга томон
Фузулий девонин бошига қўйиб.
Мажнун севгисидан ўқилса достон,
Булбуллар тинглайди бутоққа қўниб.
Халқим жондин севар дилбар куйларни,
Халқим шеъриятга шайдодир азал.
Нечун банд этмасин фикру ўйларни,
Нечун маҳв этмасин қалбларни ғазал?! –
«Муқаввас қошларингким, ўсма
бирла ранг тутмишлар,
Қиличлардирки қонлар тўкмак ила
занг тутмишлар.
Саҳар булбуллар афғони дагил
беҳуда гулшанда,
Фузулий нолаи дилсўзина оҳанг
тутмишлар».
Ғазал ҳам бўлурми мунча дилрабо,
Бунчалар серишва, бунчалар серноз.
Менинг шоирлигим ёлғондир,
аммо
Фузулий шеърига ошиқлигим рост.
Мажнундек беором бўлиб қолганим
Сарсари югурган тўлқинлар айтсин,
Кечалар уйқусиз шеър ёд олганим
Тонгги уфқдаги ёлқинлар айтсин.
«Шифои васл қадрин ҳажр ила бемор
ўландан сўр,
Зулоли шавқ-завқин ташнаи дийдор
ўландан сўр.
Кўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун
мардуми ғофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор
ўландан сўр».

Еллар, бир дақиқа тўхтанг эсишдан,
Сернаво булбуллар, сайраманг бир оз.
Карбало даштида яёв кезишдан
Чарчаб тин олмоқда Фузулий устоз.
Денгиз, тўлқинларинг урма қирғоққа,
Шоир ўйларига бермагил халал.
Устоз юрагида шеър туғилмоқда,
Дунёга келмоқда янги бир ғазал.

ХАЙРЛАШУВ

Хайр сизга, мовий Кавказ тоғлари,
Хайр сизга, тошқин Кура ва Зангу.
Хайр сизга, Арташатнинг боғлари,
Юрагимдан ўчмагайсиз сиз мангу.

Хайр, Севан, зангори кўл, яхши қол,
Изларим бор қирғоқдаги қоянгда.
Хайр сенга, қадрдоним мажнунтол,
Ўйлар суриб ўлтирганман соянгда.

Хайр дейман, кўлда ҳамон кўзларим,
Кумуш қанот чағалайлар, хуш қолинг.
Эй, сиз менинг ереванлик дўстларим,
Қора кўзли болакайлар, хуш қолинг.

Кечагина келган эдим, гўё туш,
Бир нафасда ўтиб кетди ҳафта ҳам.
Хайр сенга, хумор кўзли Азгануш,
Хайр энди, кўришгунча, жонгинам.

Қандай бахтки, сени топдим, дилрабо,
Гўзал номинг тоғлар қадар кўтардим...
Арман юртин кўролмасам мабодо,
Бу дунёдан армон билан ўтардим.

1962. Боку, Ереван

МЕНИНГ ЮЛДУЗИМ

Ёш кўнглимда орзуларим мўл,
Қуёш эрир юрак тафтимга.
Мен осмонга узатганда қўл,
Сайёралар қўнар кафтимга.

Тафаккурнинг пўлат қушида
Кўз-кўз этиб бу ёшлик кўркин,
Чексиз фазо – нур оғушида
Йироқларга учаман бир кун.

Парвонадек ўйнаб, парпираб,
Атрофимни ўрар юлдузлар.
Ҳайрат ичра ёниб, ярқираб
Аста мендан сўрар юлдузлар:

«Қандай ёруғ юлдузсан, ажаб,
Қандай порлоқ сайёрадирсан?
Ёки бирор туркумдан ажраб
Биз ёқларда оворадирсан?

Нечун кирдинг шўх даврамизга
Ўтдек ёниб ҳатто кундузлар?..»
Шунда дейман:
Кимлигим сизга
Баён этай, тингланг, юлдузлар.

Тафаккурим – синмас қанотим,
Эътиқодим – нур ва офтоб.
Мен инсонман, менинг ҳаётим
Тарихларда буюк бир китоб.

Мен инсонман, қалбимда оташ,
Қуёшдан тож, ойдан тахт қурдим.
Мен инсонман, кўҳна, жафокаш,
Тупроғимда мангу бахт қурдим.

Йироқларда, мовий уфқда,
Борлиғимни банд этиб маним,
Порлаб турар дилбар бир нуқта,
Ўша юлдуз – менинг Ватаним.

Қайда парвоз этмайин ўзим,
Ёди билан бўлурман хуррам.
Ўша менинг толе юлдузим,
Ўша менинг муқаддас куррам...

1963

КУТИШ СОАТЛАРИ

Нисбат қонунининг
Бордир ҳақиқати.
Лаҳзанинг маъноси
Дунё қадар кенг.
Кутиш соатларин
Бир дақиқаси
Висол онларининг
Бир йилига тенг.
Кутиш соатлари
Қилур бағримни хун,
Бетоқат кутганда
Гоҳи эртани,
Дейман,
Вақт танобин бурсам,
Узун кун –
Бир лаҳзадек ўтсайди, қани!
Нақадар мушкулдир
Интизорлик дарди.
Инсонга бўйсунмас фурсат яхшиям –
Умрим бир неча бор қисқа бўларди
Кутиш соатларин олиб ташласам.
Йўқ,
Бу мумкин эмас!
Яшамоқ тоти,
Лаззати мўътабар бизга ҳар соат.
Ахир, одамзоднинг
Бутун ҳаёти
Кутиш онларидан иборат.
Қўл ишга,
Бош ўйга,
Орзуга банд дил,
Истиқбол йўлига кўзни тутганмиз.
Биз ахир миллион йил,
Балки миллиард йил
Бахтли шу кунларни кутганмиз.

Ҳаёт боқий экан,
Кутиш ҳам боқий,
Меҳнат,
Ижод билан ўтган дам ҳалол.
Қанчалар зўр бўлса васл иштиёқи,
Шунчалар лаззатли бўлғуси висол.

1963

ЧИРЧИҚ

Олимона сочлар паришон,
Тинмай чекар,
Балки вақти зиқ.
Боши узра юлдузли осмон,
Ўйга чўмган кимёгар Чирчиқ.
Ўйга чўмган, кўзи олдида
Жонлантирар куни кечасин.
Ўйга чўмган, у хаёлида
Истиқболнинг тузар режасин.
Олим Чирчиқ ўйлар тун бўйи,
Тинмай чекар,
Вақти жуда зиқ.
Эрта тонгдан коржома кийиб,
Ишга тушар меҳнаткаш Чирчиқ.

1963

ОЛИМЛАРНИНГ РАФИҚАЛАРИГА

Сиз моҳи тобонсиз, малаксиз, пари,
Энг улкан даҳрийлар топинган санам.
Сиз буюк давримнинг фидойилари,
Аҳли донишларга энг мунис ҳамдам.

Олимнинг уйини чароғон этган
Меҳру шафқатингиз, юрак тафтингиз.
У олам китобин битган чоғида,
Елкасида бўлган илиқ кафтингиз.

Севган ёрингизга жон фидо айлаб
Парвона бўлурсиз кечаю кундуз.

Сизнинг номингизни олса не ажаб
Осмон жадвалида бир талай юлдуз.

Кимёгар янги бир зарра кашф этса,
Бу ижод боиси бўлган, ҳойнаҳой –
Столнинг четига сиз қўйиб кетган
Бир чақмоқ қанд билан бир пиёла чой.

Юлдузлар қўйнига самовий йўлдан
Парвоз қилар экан буюк тафаккур,
Олимлар зеҳнининг чароғи бўлган
Мунис аяжонлар,
Сизга ташаккур.

1963

ХОТИРА

Дўстим,
Хотирангдан қилма шикоят,
Ёддан чиқармоқ ҳам яхши одатдир.
Ёддан чиқармоқ ҳам бир саодатдир,
Унутмаслик дарди оғир ниҳоят.
Вақтида унутсанг,
Ором топар жон,
Қалб кўтариб юрмас ортиқ жафони.
Мана мен,
Йилларки, бир бевафони
Эсдан чиқаролмай куяман ҳамон.

1963

ТЎРТЛИК

Толиб Йўлдошга

Шеърнинг сози – тўрт сатр,
Тўрт ажойиб – зўр сатр.
Шоир одам ўзини
Тўрт сатрда кўрсатур.

1963

ЎЧИРҒИЧ

Шеъриятнинг тимсоли – қалам,
У ҳақда-ку, шеърлар беҳисоб.
Эй шоирлар, битганда китоб,
Эслаб қўйинг ўчирғични ҳам.
Усиз бўлмас шеърингиз равон,
Усиз қилмас сатрлар ханда.
Сиз қаламга шеър атаганда,
Ўчирғичга бағишланг достон.

1963

КИПРИКЛАРИМ

Киприкларим икки саф бўлиб,
Бир-биридан яшайди йироқ.
Бедорлигим тўсиб васл йўлин,
Киприкларим чекади фироқ.
Мен тун бўйи тошдан гул ўйиб,
Кўзим юмсам тонгда бемажол,
Мени аста ухлатиб қўйиб,
Киприкларим айлармиш висол.

1964

ДАРЁ ОҚШОМИ

Булутларнинг этагида зар,
Аму узра тўр ташлар қуёш.
Дарё сокин,
Ухлар тўлқинлар,
Ухлар қўйиб қирғоқларга бош.
Товланади уфқ атласда,
Балиқчилар овдан қайтади.
Елканларни тебратиб аста
Она дарё
Алла айтади.

1964

ХОРАЗМ ҚОВУНИ

Дастурхонда Хоразмнинг
Қирқмасидан бир тилим,
Юлдузли кўк саҳнидаги
Ҳилолага ўхшайди.
Бу қирқмалар бизга атаб –
Шарбат тўла лиммо-лим –
Муқаддас ер тутган олтин
Пиёлага ўхшайди.

Не пиёла, шу заминим
Қалби дейман ҳар бирин,
Она Ернинг томирига
Банди пайванд этилган.
Саховатли Амударё
Сувларидан симириб,
Бободеҳқон қўлларида
Оро топган, етилган.

Таърифламай мазасини,
Тотиб кўринг сиз бир бор,
Ҳазораспнинг боли каби
Лабингизда эригай.
Қирқма агар бўлса арзир
Толеидан миннатдор,
Унга Ватан насиб бўлмиш
Амударё еридай.

Ўзбек эли фарзандиман,
Фахрлансам арзийди
Қирқмасига бол томизган
Деҳқон билан баробар...
Бу шеър асли қовун сўйган
Боғбон отам қарзийди,
«Маъқул» деса, бошим бўлур
Осмон билан баробар.

1964

БИР ТОМЧИ ЁШ

Чўққидан бир кичик тош юмаласа,
Тоғни қулатгудек сурон қилади.
Кўзингдан бир томчи ёш юмаласа,
Тоғдай юрагимни вайрон қилади.

Агар кўксим узра қуласа бирдан,
Тутмоққа қодирман тоғлар тошини.
Ҳайҳот, кўтаролмам киприкларингдан
Узилган бир қатра қайғу ёшини...

1964

ОЙГА

– Осмон қизи – сулув ойдирман,
Кўк саҳнида олтин ёйдирман.
Тунлар фонус тутиб қўлимга
Термуламан сенинг йўлингга,
Менга келиб етармисан деб,
Ерга олиб кетармисан деб.
– Тун қўйнида порлаган ойсан,
Мени имлаб чорлаган ойсан.
Сенга бориб етганим бўлсин,
Ерга олиб кетганим бўлсин.
Лекин бунда бор бир париваш,
Қарашидан дилларда оташ.
Юзи унинг моҳи тобондир,
Кўзи унинг офати жондир.
У қаршингда кўрсатса чирой,
Кўкка қайтиб кетмайсанми, ой?

1964

БОШ ТЕБРАТАР СОАТ КАФГИРИ...

Бош тебратар соат кафгири,
Дер: қадримни билмас одамлар.
Секундларим гавҳар ҳар бири,
Нега парво қилмас одамлар?!

Бош тебратар соат кафгири,
Шошил, одам, ўтмоқдадир он.
Ҳар нарсанинг бўлар охири,
Бош тебратиб қолма сўнг, инсон!

1964

ИНСОН ВА ФУРСАТ

Соат қилиб,
Занжир ўтказиб,
Боғлаб олдик фурсатни қўлга.
Аммо фурсат бўйсунмади ҳеч,
Юрмади биз истаган йўлга.
Бизлар уни қўзғалмас қилиб
Михлаб қўйдик деворларга ҳам.
Аммо фурсат биздан юлқиниб
Чопа берди олдинга илдам.

Тўхтатмоққа уриндик қанча,
Тошлар осдик, аммо бўлмади.
Саҳар пайти чириллаганда
Ёстиқ босдик, аммо бўлмади.
Маҳкам қилиб олтин занжирин,
Қисиб олди билагимиздан.
Қулоқларни беркитдик, лекин
Садо берди юрагимиздан.
Уйга қочиб беркинганларни
«Чиқ-чиқ», дея тортди баридан.
Бошин ёпиб бурканганларни
Юлиб олди тўшак бағридан.

Вақтни қилдик майдалаб соат,
Парчаладик секундлар қадар.
Чопа берди ва лекин фурсат,
Қола бердик дод деб орқада.
Ниҳоят, биз фурсатни қувиб,
Қамчи солдик ғайрат отига.
У ҳар қанча елиб, югуриб
Етолмади инсон зотига.

Биздан ортда сургалмасин деб,
Бизлар билан чиқсин деб йўлга,

Соат қилиб,
Занжир ўтказиб
Боғлаб олдик фурсатни қўлга.

1964

* * *

Кўча ўртасида бир синиқ шиша
Ўтган-кетганларга солар ўзини.
Кўча ўртасида бир синиқ шиша
Қараган одамнинг олар кўзини.
Шофёрлар туширар қора ойнасин,
Йўловчилар четга бурар юзини.
Кўча ўртасида бир синиқ шиша –
Тенгсиз мўъжиза деб ўйлар ўзини.

1964

КУН ЎТГАНДА

Фурсат деган секундлар
Қанотида учадир.
Кеча «бугун» бўлган кун
Бугун мана «кеча»дир.

Ўн икки шохли дарахт
Тўкди яна япроғин.
Шамол учириб кетди
Календарнинг варағин.

Қайтмас бўлиб ўтди кун,
Етолмайди югурган.
«Кеча»дан ўз ҳаққини
Олиб қолди улгурган.

Ўтган кундан шеър қолди,
Кўк бўйи хирмон қолди.
Бировга олам қувонч,
Бировга армон қолди.

1964

* * *

Болаларни шайтонлардан қўрқитмангиз,
Бобов келди, деб кўрпага беркитмангиз,
То улғайиб, дуч келганда «бобов»ларга,
Ўхшамасин итдан қўрққан соқовларга.

Болаларни шаддодликка ўргатмангиз,
Раҳмсизлик, бедодликка ўргатмангиз.
То улғайиб, дуч келганда инсонларга,
Ўхшамасин андишасиз шайтонларга.

1964

ЖОН ШИРИНМИ, ҚАНД ШИРИН

Айтиш қийин, дўстим, дафъатан,
Ширинликда нима зиёда.
Гўдак учун она кўксидан
Ширин нарса йўқдир дунёда.

Йиллар ўтиб, ёшига монанд
Ўзгаради ҳар битта инсон.
Болаликда ширин бўлса қанд,
Қариганда ширин бўлар жон...

1964

ВОКЗАЛДА

Сукунатдан сиқилса баъзан
Ҳаловатга ўрганмаган жон,
Излаб тошқин ҳисларга маскан,
Йўл оламан
Вокзалга томон...

Бу даргоҳда ҳеч тинмас ғулу,
Бу даргоҳда ҳеч сўнмас чироқ.
Бунда ёндош шодлик ва қайғу,
Бунда ёндош висол ва фироқ.

Бунда сўзлар инсон нигоҳи,
Қалб уришин эшитар одам.

Гоҳ шодликдан қичқириб, гоҳи
Уф тортади
Паравозлар ҳам...
Нечоғлик бой туйғуга инсон!
Вокзал шоҳид бари-барига.
Шунча шодлик, шунча ҳаяжон,
Шунча кўз ёш ва шунча туғён,
Шунча умид ва шунча армон
Қандай сиғар унинг бағрига?!

1964

САДОҚАТ

Кекса қайрағочнинг
Илдизин очиб,
Тортдилар қўш арқон солиб белидан.
Лекин у тупроққа панжасин санчиб,
Сира қўзғалмасди
Унган еридан...
Ниҳоят гурс этиб ерга қулади,
Бутаб, сўнг кўтариб кетдилар, бироқ –
У ўз панжасида олиб жўнади
Яшаган еридан
Бир сиқим тупроқ.

1964

ИНСОНИЯТ ТАРИХИ

(Шарқ афсонаси)

Сойлар келур кумуш тоғлардан,
Гул бўйлари – чаман боғлардан.
Ер кўксидан оқар булоқлар.
Эл нақлидан чиқар сабоқлар.
Шеър қуйилиб юракдан келур,
Эртак эзгу тилакдан келур...

1

Жуда қадим замонда,
Қобилистон томонда
Бир подшо ўтган экан
Даврон суриб жаҳонда.
Бутун умрин кечириб
Кайф билан, сафо билан,
Иши бўлмаган экан
Ўткинчи дунё билан.
Йиллар ўтиб, ниҳоят,
Ёши етгач бир жойга,
Барча уламо аҳлин
Чақирибди саройга.
Дебди: «Оламга келиб
Олам недир билмадим,
Одам бўлиб яшадим,
Одам недир билмадим.
Қирқ йил подшолик қилиб
Умрим ўтди ғафлатда.
Қолганини илмга
Сарф қилурман албатта.

Шунинг учун фармоним:
Барча билимни тўплаб,
Одам аҳли яратган
Барча илмни тўплаб,
Инсоният тарихин
Жам қилиб китоб ёзинг.
Ёзганда ҳам батафсил
Ва лекин шитоб ёзинг».

2

Олампаноҳ подшонинг
Фармонин бажо этиб,
Қирқ фаслда қирқ олим
Қирқ туя китоб битиб,
Карвон билан подшонинг
Саройига элтмишлар.
Таъзим билан келтириб
Шоҳга тақдим этмишлар.
Демишлар қулларингиз
Юрагининг қони бу,

Инсоният тарихин
Энг қисқа баёни бу.
Ҳайрат ичра дебди шоҳ:
«Кўп ёзибсиз бунчалар.
Инсоният тарихи
Узунмиди шунчалар?
Кимга даркор шунча гап,
Саижоб қилинг, уламо,
Кўпи билан бир туя
Китоб қилинг, уламо».

3

Яна улуғ подшонинг
Фармонин бажо этиб,
Инсоният тарихин
Қирқ бор мухтасар битиб,
Қирқ донишманд саф чекиб
Сарой томон юрмишлар.
Подшонинг қаршисида
Таъзим қилиб турмишлар.

Олимларга дебди шоҳ:
«Раҳмат сизга, уламо,
Буларни ҳам ўқишга
Умрим етмайди аммо.
Шунинг учун, азизлар,
Тафсилотни кам қилинг.
Бор илмни йиғинг-у
Бир китобга жам қилинг».

4

Қайтиб яна қирқ олим
Қирқ ой тун-кун ўлтирмиш.
Қирқ туялик китобни
Бир китобга келтирмиш.
Улар яна саф чекиб
Йўл олганда шоҳ томон,
Шоҳ ўлим тўшагида
Ётар экан бу замон.
Китобни кўриб дебди:
«Раҳмат сизга, уламо.
Бир китобни ўқиш ҳам

Энди менга муаммо».
Олимларга боқибди
Подшо маъюс кўз билан:
«Мазмунин айтиб беринг
Икки оғиз сўз билан.
Эшитиб ўлар бўлсам
Қолмас эди армоним».
Олимлар донишманди
Шунда дебди: хоқоним,
Одамлар туғилади,
Ғам чекади, ўлади.
Инсоният тарихин
Мазмуни шу бўлади...

1964

ЯНГИ ЙИЛ ГУЛДАСТАСИ

Ўқитувчиларимга

Бу кун мен чаманлардан
Болалигимни эслаб,
Саҳарлаб шудринг кечиб,
Қувлашиб ўтгим келур.
Йигирма етти баҳор
Чечакларин саралаб,
Азиз устозларимга
Даста гул тутгим келур.

Навбаҳор қуёшидан
Нур эмган ниҳол каби
Сизнинг шуурингиздан
Мен ҳам баҳраманд бўлдим.
Дўстларим Мурод, Ўткир,
Талъат, Миржамол каби
Каттакон оилада
Мен ҳам бир фарзанд бўлдим.

Устозларим, мен сизнинг
Бир парча юрагингиз,
Азиз бошингиздаги
Бир тола оқ мендандир.
Озгина оқлай олсам

Умиду тилагингиз,
Қаршингизда бош эгиб
Таъзим қилмоқ мендандир.

Сиз мушфиқ она бўлиб,
Бўлиб меҳрибон падар,
Гўдак бошимни силаб,
Эртамни ўйладингиз.
Ўттиз икки ҳарфдан
Осмон илмига қадар
Мурғак онгимга қуйиб,
Ҳаётга йўлладингиз.

Янги йил келар экан
Дил уйин қилиб обод,
Ўйлайман, тошқин сувдек
Ўн йил оқиб ўтибди.
Сиз мени кузатган йил
Мактабга келган авлод
Бугун учирма бўлиб
Қанот қоқиб турибди.

Қайда бўлмай, не қилмай,
Мудом сезиб тураман,
Ғойибона сиз мени
Қилмоқдасиз имтиҳон.
Қалам олсам қўлимга,
Дастлаб сизни кўраман.
Уринаман, шеърларим
Бўлмасин деб паришон...

Шеър ёздим янги йилнинг
Муборак айёмида,
Ҳар битта мисрасига
Меҳрим пайваста бўлсин.
Бу шеърим қаҳратоннинг
Аёзли оқшомида
Оташқалб шогирдлардан
Сизга гулдаста бўлсин.

1964

КУЙ АВЖИДА УЗИЛМАСИН ТОР

Куй авжида узилмасин тор,
Шеър ярмида синмасин қалам.
Яшаб бўлмай умрини зинҳор
Бу дунёдан кетмасин одам.

Қўлдан тушиб синмасин қадаҳ,
Лаб текканда тўкилмасин май.
Тўхтамасин уриб турган қалб,
Бошлаб қўйган қўшиғи битмай.

1964

ЮЛДУЗ

Сарлавҳасин топмай гоҳида
Шеърим узра қўяман юлдуз.
Посбон бўлсин шеърим бошида
Ўша юлдуз
кечаю кундуз.

Зуҳро каби ярақлаб турсин
Тунлар ўзим
юмганда кўзим.
Ҳеч сўнмасин, чарақлаб турсин,
Сўнганда ҳам менинг юлдузим.

1964

ШЕЪР ВА ШАХМАТ

Катак қоғоздаги тўрт йўл шеър каби
Шахмат доналари саф чеккан қатор.
Найзадор филию шаҳсувор аспи,
Туғбардор фарзини ҳужумга тайёр.

Шахматни шеър билан қиёс айладим,
Билимдон ўқувчим, қилма эътироз.
Шеър ахир эмасми шахматдек қадим,
Шахматда йўқми ё шеърий эҳтирос.

Гўзаллик,
нафосат,
курси ва санъат
Шеър ила шахматга азалий удум.
Минг йиллик умрида улар бешафқат
Доимо шоҳларга бошлаган ҳужум.

Шахмат кўп ўйналган, шеър кўп ёзилган,
Одатий юришлар ҳаммамизга ёд.
Боболар ўйнаган усуллар билан
Улар набирасин қилиб бўлмас мот.

Ўйин, эрмак эмас шеър ҳам, шахмат ҳам –
Ақллар кураши, туйғулар жанги.
Бу жангда қўйилган ҳар битта қадам
Одилу ҳақ бўлсин,
Гўзал ва янги.

Мен орзу қиламан,
Тўрт йўл шеър битиб,
Элга манзур қилсам ақалли бир бор,
Шахматни илк бора ихтиро этиб
Қувонган ҳиндидек эдим бахтиёр.

Шахмат абадийдир,
Шеър ҳам абадий.
Юриш тугамас-у сўз бўлмас тамом.
Шахмат тахтасида,
Шеър майдонида
Ғоялар кураши этади давом.

1964

СЎНГАН ЮЛДУЗЛАР

Коинот қаъридан
Миллион йил юриб,
Букун деразамга
Қўнган юлдузлар!
Минг йиллар илгари
Таратган нурин,
Минг йиллар илгари
Сўнган юлдузлар!

Ким айтар сизларни
Умри битган деб,
Ҳамон кўк саҳнида
Порлаб турибсиз.
Жозибалар билан
Кўзларни тортиб,
Имлаб, ўзингизга
Чорлаб турибсиз.
Сизга термилурман
Кечалар бедор,
Ажиб қисматингиз
Ўйлаб қолурман.
Неча асрларга
Умри пойидор
Буюк устозларим
Ёдга олурман.
Улар ҳам сиз каби
Ёнган бир замон.
Ёниб адо бўлган
Сизлардек, аммо
Авлодлар йўлини
Ёритар ҳамон
Улар қачонлардир
Таратган зиё.

1964

КЕЧА ВА КУНДУЗ

Ёруғ дунё бор зиёсин тенг
Тақсим этган кеча, кундузга.
Нур қадрига етмай тун, уни –
Сочди ойга, минглаб юлдузга.

Шундан ойнинг юзи доғ экан...
Юлдузлар ҳам худди мунчоқ ёш...
Кундуз эса барча нуридан
Яратибди биргина қуёш.

1965

УЧИ ТУГИК ДАСТРЎМОЛ

Қўшним ишга кетаётир саҳарлаб,
Бир қўлида учи тугик дастрўмол.
Ё ректорга айтмоқчидир муҳим гап,
Кечқурунга гўшт керакдир эҳтимол.

Ким билади, балки зарур киритмоқ
Илмий кенгаш қарорига янги банд,
Ё дўстига қилмоқчидир қўнғироқ,
Олмоқчидир болаларга хўрозқанд.

Балки... яна бошқа минг бир хил сабаб,
Унутмасин деб паришон бу хаёл,
Қўшним ишга кетаётир саҳарлаб,
Бир қўлида учи тугик дастрўмол.

Шошма, дўстим, барча ишинг битади,
Битмас иш йўқ, ошиқмасин юрагинг.
Инсон умри ахир елдек ўтади,
Бош кўтариб атрофингга қарагин.

Қара, баҳор сеп ёзибди оламга,
Қара, ғунча гул шохини эгибди.
Ясанишни унутмай деб байрамга,
Балки у ҳам рўмолчасин тугибди.

Бу дунёда ким беташвиш, ким беғам,
Ҳар инсоннинг бир бошида минг хаёл.
Ўйлаб кўрсам, миямизнинг ўзи ҳам
Ўн тўрт миллиард учи тугик дастрўмол.

Одам яшар замон юкин орқалаб,
Серғалвароқ кечасидан бугуни.
Ором бермас кўкрагида бетинч қалб
Бамисоли дастрўмолнинг тугуни.

Шошма, дўстим, барча ишинг битади,
Муҳим гап ҳам, қўнғироқ ҳам, хўрозқанд.
Аммо сени эртанги кун кутади,
Эрта яна дастрўмолнинг учи банд.

Бугунгидек яна саҳар турасан,
Ажратасан керакларнинг керагин...
Сочларингда бир тола оқ кўрасан
Биринчи бор санчганида юрагинг.

Тақдир дерлар, билмам надир тақдиринг,
Балки олтмиш, балки юзга кирган чол...
Бошинг узра унсиз йиғлар кампиринг,
Бир қўлида учи тугик дастрўмол.

Ҳаёт аста сўнар экан кўзингда,
Юрак сендан ҳисоб сўрар ўша кун.
Бўлганми ҳеч ихтиёринг ўзингда,
Бирор соат яшадингми бетугун?

Ўйла, дўстим, келмай туриб ўша дам,
Исроф қилма ёш юракнинг кучини.
Мана бу гап ҳеч чиқмасин ёдингдан,
Тугиб қўйгин дастрўмолнинг учини.

1966

Ёшлик девони

ДЕБОЧА

Истадим сайр айламоқни
Мен ғазал бўстонида.
Кулмангиз, не бор сенга деб
Мир Алишер ёнида.

Шеърият дунёси кенг,
Гулзори кўп, бўстони кўп,
Ҳар кўнгил арзини айтур
Неки бор имконида.

Эй мунаққид, сен ғазални
Кўҳна деб камситмагил,
Севги ҳам Одам Атодин
Қолган инсон қонида.

Тошга ҳам ширин ғазал
Бахш айлагай оташ ва жон,
Шавқ ўти ёнса агар
Шоир – ғазалхон қонида.

Рост, ғазал авжида барча
Ой ила Зуҳро эмас,
Кўп эрур сомончилар ҳам
Шеърият осмонида...

Дўстларим, шоир деманг,
Эркин ғазал шайдосидур,
Ёш денг-у маъзур тутинг
Сахв ўлса гар девонида.

1967

ТУН БИЛАН ЙИҒЛАБДИ БУЛБУЛ...

Тун билан йиғлабди булбул
Ғунча ҳажри доғида.
Кўз ёши шабнам бўлиб
Қолмиш унинг япроғида.

Кўз юмар бўлсам, кўзим –
Олдида пайдо гул юзим,
Ғунча кўз очмоғи бор
Булбул кўзин юммоғида.

Аста барг остида тинглаб
Ётган эрмиш шўх сабо,
Ғунча булбулдан муҳаббат
Дарсин олган чоғида.

Севги саҳросида қолмиш
Неча Мажнундан ғубор,
Неча Фарҳод гарди ётгай
Бистуннинг тоғида.

Ғунчадек чеҳрангга Эркин
Жон фидо этгай, санам.
Қатра қонидан гул унсин
То муҳаббат боғида.

1967

БАРЧА ШОДЛИК СЕНГА БЎЛСИН

Барча шодлик сенга бўлсин,
Бор ситам, зорлик менга.
Барча дилдорлик сенга-ю,
Барча хушторлик менга.

Сен менинг жонимни олгин,
Мен сенинг дардинг олай,
Барча соғлик сенга бўлсин,
Барча беморлик менга.

Сенга бўлсин барча ҳусну
Менга бўлсин барча ишқ,

Кори хунхорлик сенга-ю,
Меҳри пойдорлик менга.

Бу жаҳоннинг роҳатин ол,
Бор азобин менга бер,
Сенга бўлсин барча ором,
Барча бедорлик менга.

Ол ўзинг кошоналарни,
Менга қўй майхонани,
Барча ҳушёрлик сенга-ю,
Барча хумморлик менга.

Сенга бўлсин нурли кундуз,
Менга қолсин қора тун,
Барча гулшан сенга бўлсин,
Бор тиканзорлик менга.

Сен шаҳаншоҳликни олгин,
Менга қуллик бўлса бас,
Бор жафокорлик сенга-ю,
Бор вафодорлик менга.

Майли, остонангда ётсам,
Майли, қувсанг тош отиб,
Бор дилозорлик сенга-ю,
Бор дилафгорлик менга.

Сенга шеърни битсин Эркин,
Йиртиб отмоқ ўз ишинг,
Касби инкорлик сенга-ю,
Айбга иқрорлик менга.

1967

ҒУНЧА

Барг остидан мулойим
Боққан иболи ғунча,
Не сирни сақлагайсан,
Бағринг нечун тугунча?

Пинҳон сиринг баён эт,
Кўксингни қилма кўп қон,

Бу ёки ишқ аталган
Бизга аён тушунча?

Севмоқ уят эмасдир,
Ҳар кимда бор бу савдо,
Қўй, кўп қизарма, ғунча,
Бошингни эгма бунча.

Бўлдингми мен каби ё
Бир бевафога ошиқ,
Айт, севганингни сенга
Парвоси йўқми унча?

Гулгун яноғинг узра
Бир томчи ёш кўрарман,
Кел, бирга дардлашайлик,
Уй-уйда йиғлагунча.

Мен ҳам ахир сенингдек
Изҳори ишқ этолмай
Кўксимда дуди оҳим
Даштлар аро қуюнча.

Эй ғунча, сабр айлаб
Уммиди васл қилғил,
Ҳижрону ёр жафоси
Бизга фақат бугунча.

1962–1967

СУРМА

Аслида ким қарарди
Ётганда хор сурма,
Бўлди азиз, кўзига
Суртганда ёр сурма.

Кўзда қаро на из бул,
Тун доғидан асарму,
Майхона кездиму ё
Мастонавор сурма.

Ёр кўзига етишмак
Савдо экан-ку душвор,

Ёниб кўмир бўлибди
Бечора зор, сурма.

Ўртанма, куйма ортиқ
Жисмим қаро экан деб,
Ишқ йўлида қаролик
Тақдирда бор, сурма.

Минг йил ётиб сенингдек
Ғам тоғининг тагида,
Сўнг майли бўлсам охир
Толега ёр, сурма.

Ёр кетди-ю, қолибдир
Йўл ўртасида Эркин,
Кўнглида сурмасо кўз,
Кўзда ғубор сурма.

1967

ДИЛДОРГА НОМА ЁЗДИМ

Гул бўйларини боғдан
Келтирган эй, шаббода,
Дилдорга нома ёздим,
Еткур уни ҳавода.

Еткур уни ва лекин
Кўнглига қайғу солма,
Шарҳи дилим этарда
Бўлсин тилинг навода.

Ҳасрат тўла сўзингдан
Озор топар нигорим,
Рамзи ишора бирлан
Қилгин уни ифода.

Гулбарги лолани элт,
Қўйгин қадаҳ ёнига,
Юз ҳажрида юрак қон
Мисли қадаҳда бода.

Барги хазонни олиб
Ёнига қўйгин-у айт:

Бу ошиғинг юзи деб
Ҳижрон деган балода.

Гул шохидан тикан уз,
Гулбарги лолага санч,
Кўксимга тиғ урайми,
Ҳеч қолмади ирода.

Саҳро ғуборидан элт,
Ҳозирлигимни билсин
Мен дашти Карбалони
Кезмоққа ҳам пиёда.

Бир тола кипригимни
Элтиб оёғига қўй,
Бедор кўзим йўлида
Ҳар шом ила сабода.

Дилдорга нома ёздим,
Еткур ўзинг, мен ожиз,
Гул бўйларини боғдан
Келтирган эй, шаббода.

1967

САМАРҚАНД

Оташин барқ ёнди гулранг
Чархнинг меҳробида,
Чарх урар кўнглим хаёлнинг
Оташин гирдобида.

Субҳидам офтоби кўкнинг
Гумбазида ёнди, ё
Ёнди бу фируза гумбаз
Субҳидам офтобида.

Тонг эмас бу тонгда бўлсам
Мен хаёл обида ғарқ,
Тонг қилибдир чунки кўнглим
Бу хаёлдек обида.

Кўҳна шаҳрим, тарихингни
Кўз юмиб қилсам хаёл,

Ғарқ кўринди мазлум элнинг
Кўз ёши селобида.

Бу саройлар ғишти элнинг
Ашки бирлан хокидан,
Рангу бўёғи қорилмиш
Қайғунинг зардобида.

Чулғаниб сокин хаёлга
Жим ётар соғоналар.
Не кўрар Мирзо Улуғбек
Беш асрлик хобида?

Кенг фалакни қучди инсон,
Лек минг йил ўтса ҳам
Илк муаллимдир Самарқанд
Илми афлок бобида.

Бош эгиб устоз Улуғбек
Қошида турдим бу тонг,
Чарх уриб кўнглим хаёлнинг
Оташин гирдобида.

1967

ЧАШМА

Ўлтирар сочин тараб ёр
Чашманинг ўтрусида.
Чашма ўз аксин кўрар
Ёр чеҳраси кўзгусида.

Дилдан оққан меҳрдек
Ёр кўксидан қайнаб оқур,
Чунки кўз очмиш санамнинг
Кўзлари орзусида.

Икки ирмоқ кўз ёшида
Ҳажр дардидур аён,
Васл шавқи зоҳир ўлгай
Рақсида, кулгусида.

Гоҳи ургай ўзни ҳар ён,
Билмам, ул девонаму,

Ё хаёли бирла мендек
Тўлғанур уйқусида?

Сочларинг бирла юзингни
Тўсма, қўй, хуршид жамол,
Жилва қилсин, яйрасин
Бир дам юзинг ёғдусида.

Дилбарим, Эркин дилин сен
Бир тиниқ сарчашма бил,
Акс этар ишқ офтоби
Қалбининг кўзгусида.

1967

ЛОЛА САЙЛИ

Бадиҳа

Таклиф этдим тонг билан
Дилдорни лола сайлига,
Бошим осмонларга етди
Ёр деганда «майлига».

Кенг жаҳон бўлди мунаввар
Лутфидан, эвоҳ, қани,
Сидқи дилдан юрса дилбар
Доим ошиқ майлига.

Ўйладим шу тонг, неча йил
Дашту саҳролар кезиб,
Таклифи сайл айламабдир
Не учун Қайс Лайлига!

Бу хаёлим ёрга айтсам,
Кулди-ю, берди жавоб:
Аҳли ишқ ҳам боққай албат
Ўз замонин зайлига.

Лола тердик даста-даста,
Кеч билан қайтдик шаҳар,
Йўлда бир-бир тарқатиб
Эркин муҳаббат хайлига.

1967

ЙЎҚ ЭМИШ ОРЗУДА АЙБ...

Сайди ишқ бўлган кўнгилга
Қўймангиз беҳуда айб.
Бўлса банди доми сайёд,
Йўқ эрур оҳуда айб.

Бандга тушган бу кўнгулдур,
Менда, айтинг, не гуноҳ,
Дил қушига дом қўйган
Ул икки жодуда айб.

Жоду кўзлар банди ёлғиз –
Сен эмас, тутқун юрак,
Аввал охир кўҳна мерос
Ишқ деган туйғуда айб.

Эй кўнгил, ўз майлинг ила
Бўлдинг ишқ домига банд.
Излама энди баҳона,
Демагин у-буда айб.

Севги дардидан менинг ҳам
Бўлди рангим қаҳрабо,
Йўқ илож, не наф ўкинмак
Бўлмаса кўзгуда айб?

Сен-ку Зуҳросан фалакда,
Интизорингман фақат,
Не ажаб, талпинса кўнглим,
Йўқ эмиш орзуда айб.

1967

САРВ

Кеча ойдин, мавжли денгиз,
Куй тўқир бедор сарв,
Ой келиб сарв узра қўнди,
Бўлди ойрухсор сарв.

Икки сарвнинг ўртасида
Мен турибман лолу гунг,

Бир томон сарв қадли дилдор,
Бир томон дилдор сарв.

Лолу гунгман, боиси сарв,
У сени кўрган кеча
Ерга кирмабдир, таажжуб,
Бу қадар беор сарв.

Бир боқишда ошиқ ўлмак
Бул ажаблик демагил,
Бир кўриб қаддингга мангу
Бўлди-ку хуштор сарв.

Бўй чўзиб ҳар ён қарайдур,
Бундаман деб айт, санам,
Қоматингни бир кўрарга
Кечадин хуммор сарв.

Мен-ку ёр васлига келдим
Сарв тагин хилват билиб,
Эрта тонг оламга сўйлаб
Қилмагин ошкор, сарв.

Лабларидан бўса излаб
Жон сувин топдим бу кеч.
Сарв тагида бахтли бўлдим,
Ҳам бу бахтга ёр сарв.

Сочу қаддинг ёдин Эркин
Гар унутса бир нафас,
Унга сунбул сиртмоғ ўлсин,
Майли, бўлсин дор сарв.

1967

КИПРИГИНГДАН ЎҚ УЗИБ

Кипригингдан ўқ узиб
Кўксим аро заҳм айладинг,
Дилни забт этмоққа балки
Чоҳ ўйиб лаҳм айладинг.

Ташна кўнглим ичмасин деб
Кўз ёшимдан қатра ҳам,

Ашк сойининг йўлига
Кипригим даҳм айладинг.

Сен ўзинг кирдинг кўнгилга
Ғам сипоҳин бошида,
Ғафлат уйқусида эрдим,
Айт, нечук фаҳм айладинг?

Сен кўнгил мулкини торож,
Қалб уйин вайрон этиб,
Пора қилдингу танимни,
Жонима раҳм айладинг.

Ошиқ ўлдинг, эй кўнгил,
Ғам лашкаридан қўрқмагил,
Бари чопқу олдда, Эркин,
Не учун ваҳм айладинг?

1967

БАРГ

Икки қошинг ўсма бирлан
Бўлди жуфт наргисли барг,
Икки баргинг қошида мен
Титрагайман мисли барг.

Титрамоғим боиси ул
Баргни тебранмоғидир,
Ёки оҳимданму титрар
Бўйла нозик ҳисли барг.

Барг дедим, аммо билолмам,
Қай бири хушбўй экан,
Икки мушкин сунбулинг ё
Икки райҳон исли барг.

Ўсмали қош дема, зумрад –
Нақш этилган саждагоҳ,
Кам букун меҳробга ихлос,
Лек бу кўп мухлисли барг.

Ўт юзингнинг шуъласидан
Бу қорайган қошми ё

Субҳи байзодек гул узра
Шоми савдо тусли барг.

Воҳ ажаб, ўз наргисига
Банда бўлмиш, не илож,
Индамай киприк – тикан
Заҳмин чекар номусли барг.

Икки барг таърифин Эркин
Шеърга солса тонг эмас,
Ул бири ташбиҳли баргу
Ул бири тажнисли барг.

1967

КЎЗИНГ

Ҳажрдан тор бу кўнгилга
Шуълаафшондир кўзинг,
Ё магар кўнглим йўқолган
Тор шабистондир кўзинг.

Ҳам қоронғу кечадир ул,
Ҳам ёруғ кундуз менга,
Кўзларимда кеча-кундуз
Чун намоёндир кўзинг.

Ҳусн аҳли ичра тенгсиз
Сен-ку хоқонсан ўзинг,
Сеҳр мулки ичра танҳо
Шоҳу султондир кўзинг.

Турфа бу жодуларингга
Термулиб лолмен букун,
Кўзларим ҳайронлиғига
Нега ҳайрондир кўзинг?

Ҳисларимнинг елканида
Бир адашган йўлчиман,
Севги бўронин юборган
Чексиз уммондир кўзинг.

Кўзларинг юлдузми, йўқ,
Юлдуз эрур ҳар учқуни,
Қорачиғ куйган қуёшу
Мовий осмондир кўзинг.

Ёр кўзин уммон деб айтдинг,
Унга сув тўкмоқ нечун? –
Бас, ани кўрганда, Эркин,
Нега гирёндир кўзинг?

1967

БАНДИ ЗУЛФ

Воҳ ажабким, зулфингга дил
Қайта-қайта бўлди банд.
Неча-неча банд бўлишдан
Ул емабдир зарра панд.

Ишқ сўзин такрор этибдир
Тўтидек ҳар дам тилим,
Чунки бу тил лабларингдан
Тўти янглиғ сўрди қанд.

Шафқат истарман дилингдан,
Гул юзингдан бир висол,
Кўзларингдан май сўрарман,
Лабларингдан нўшханд.

Сунбулинг гар дом эрурса,
Доимо мен банд бўлай,
Дард эса ишқинг, бўлай мен
Бир умрга дардманд.

Ҳажр куйдиргай эмишдир,
Васл ўлдиргай эмиш,
Кел, мени куйдирма, ўлдир,
Менга ўлмоқ не писанд?

Ўт ёқиб кетдинг юракка,
Мен тиярман кўз ёшим,
Чунки истарман, бу гулхан
Доим ўлсин сарбаланд.

Ташладинг банд айлаб аввал
Не учун Эркин дилин,
Йўлда қолмиш оҳу янглиғ,
Бўйнида тори каманд.

1967

КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

Кимда иқтидор йўқдир,
Илм ила ҳунар зое,
Иқтидор берурман деб
Чекма ранж, кетар зое.

Кимда асли толе йўқ,
Нақди ҳам кетар қўлдан,
Берганинг билан бўлмас
Олтину гуҳар, зое.

Кимки беҳамиятдир,
Четдадир назардан ҳам,
Чунки беҳамиятга
Солганинг назар зое.

Кимки муз юрак бўлса,
Ўйлама эритмакни.
Минг қуёш ёқиб қўйсанг
Қилмагай асар, зое.

Гар қуён юракли эр
Жазм этар баҳодирлик,
Унга арғумоқ эсиз,
Тилла нақш камар зое.

Бу «насиҳат»ни Эркин
Ёзди бир сабаб бирлан,
Кўнглида сезар аммо,
Шеъри бесамар, зое.

1967

СЕНГА БАХТДАН ТАХТ ТИЛАРМАН

Сен ғанисан, менда бисёр эҳтиёж.
Нодирабегим

Сенга бахтдан тахт тиларман,
Толедан бошингга тож,
Мулки ҳуснингга омонлик,
Тожу тахтингга ривож.

Тожу тахт ташбиҳидан сен
Кўҳна деб кулсанг нетай,
Сен ахир шоҳи жаҳоним,
Мен қулингман, не илож?

Не иложким, давлатим йўқ
Ганжи меҳримдан бўлак,
Бул эваздан кўз тўлайдур
Қатра-қатра дур хирож.

Кўзларим айлар ҳамиша
Арзи муҳтожлик сенга,
Айт-чи, жоним, борми сенда
Кўз ёшимга эҳтиёж?

Кўп насиҳат тинглаб Эркин
Қилмади ҳеч тарки ишқ.
Бор масалким, иш юришмас
Соҳиби гар бўлса кож.

1967

ДОСТОНГА ЁЗ

Кел, муҳаббат лаззатин
Таъриф этиб достонга ёз,
Турфа гуллардан тикиб,
Ҳар байтини бўстонга ёз.

Севги назмига жаҳоннинг
Гулситони етмагай.
Нур қалам бирлан муҳаббат
Шарҳини осмонга ёз.

Лолагун айлаб яна
Мағрибу машриқ уфқини,
Бир ғазал васлига бахш эт,
Бир ғазал ҳижронга ёз.

Таърифи ишқ дардига
Этгин юрак қонин сиёҳ,
Дилга ёз дилбар сўзин,
Жонон сўзини жонга ёз.

Дардни сен ҳар кимга айтиб
Оҳу фарёд этма кўп,
Куйса жонинг, жонажонинг,
Шавқи жон жононга ёз.

Баҳрасиз олдида, Эркин,
Очма кўнгил дафтарин,
Неки ёзсанг, дил сўзини
Англаган инсонга ёз.

1967

ДАВРОН ЮКИ

Айланур инсон бошидан
Минг аср осмон юки,
Дона буғдой узра гўё
Санги тегирмон юки.

Дона буғдой дема, бу бош
Неча минг оламча бор,
Бор унинг ҳар нуқтасида
Неча минг даврон юки.

Ҳазрати Инсон қошида
Саждага бош эгди чарх,
Чунки инсон қалбида ишқ,
Бошида урфон юки.

Нур қадам бирлан елар
Чексиз фазо бўйлаб замин,
Елкасида бешта қитъа,
Тўрт буюк уммон юки.

Кўк тарозу палласидур,
Бу замин бир тош анга,
Чарх посангисида
Юз минг туман инсон юки.

Шунча юк мушкул эмас,
Лекин эзар Ер сийнасин
Бегуноҳ кўксига томган
Қатра-қатра қон юки.

Ер уза юксалмиш Инсон
Бир қўлида нур – чароғ,
Бир қўлида бор унинг
Маҳшар била тўфон юки.

Эй табиат, она Ер,
Сен бер мадад, тарк этмасин
Ҳеч қачон Одам дилин
Виждон юки, имон юки.

Бас, хаёлга чўкма, Эркин,
Битмагай олам ўйи,
Кенг жаҳон сиғган кўзингни
Босди тонг мужгон юки.

1967

ДЎСТЛАРИМГА

Насиба ва Анвар учун

Кўнгил, оч дўстларингнинг
Васфига сен назм дафтарни,
Қалам гул шохидан йўнгил,
Сиёҳ қил мушк анбарни.

Қуй, эй соқий, қадаҳни,
Бу кеча ҳаттоки осмон ҳам
Лабо-лаб косада майдек
Кўтарди моҳи анварни.

Фалак юлдуздан ўт ёқмиш
Букун тўйнинг қозонига,
Сомон йўлин шакар айлаб,
Чўмичдек тутди Ҳулкарни.

Бу оқшом не учун рақс
Этмасин сайёралар хандон,
Музайян бир узукка
Қўндириб покиза гавҳарни.

Бу осмон неча минг йил
Чарх уриб кўрмабди бир бора

Баҳор гулзорида ўсган
Бу янглиғ тоза гулларни.

Жаҳон гулзорларин кездинг,
Букун бахтдан қувон, дўстим,
Насиб этмиш сенга, Анвар,
Баҳор гул юзли дилбарни.

Ҳаёт жомин кўтар, дўстим,
Тилак қил, севги бор бўлсин,
Сира тарк этмасин бу бахт
Насиба бирла Анварни.

1967

САМАР БЎЛҒАЙ

Сенингсиз менга ком йўқдир,
Асал ичсам заҳар бўлғай.
Сенинг бирлан ширин сўзим,
Заҳар ютсам шакар бўлғай.

Юзингга бир умр боқсам
Тўюрми кўз, қонурми дил,
На ундан белги пайдо-ю,
На бундан бир асар бўлғай.

Икки ёр васлини истаб
Икки ишқ сўзин эшитсам,
Икки кўзим кўру икки
Қулоғим, майли, кар бўлғай.

Кўзинг учганда кўнглимни
Олиб киприкларингга қўй,
Қошу мужгонларинг кўнглим
Қушига болу пар бўлғай.

Тирилса ногаҳон Фарҳод,
Юзингни кўрса кўзгуда,
Кечиб Ширинидан юз йил
Кўйингда дарбадар бўлғай.

Ҳабибим банд этар кўнглим,
Табибим панд этар доим,

Билолмасман, бу савдода
На суду на зарар бўлғай.

Муҳаббат ногаҳон дилда
Ёзиб куртак, очибдир гул,
Умидвор Эркининг, жоно,
Бу гулдан бир самар бўлғай.

1967

ҲИЖРОН ЮКИ

Айлагин жондин жудо
Этгунча жонондин жудо.

Алишер Навоий

Розиман тушгунча дилга
Ногаҳон ҳижрон юки,
Ногаҳон, майли, танимдан
Айру бўлсин жон юки.

Мен бўлай жондин жудо
Бўлгунча жонондин жудо,
Не керак жон, эзса жоним
Бир умр армон юки.

Лаҳзаи ҳижрон юкига
Бистун укпарчадур,
Бир қадоқлик тошча келмас
Ер билан осмон юки.

Офтоб ҳижронида тонг
Сабзаларга қўнди нам,
Ўйлаким, киприкларимни
Эгди тонг гирён юки.

Ҳажрда ўтган нафасни
Йил билан ўлчар кўнгил,
Айриликда шеър битибман,
Унда бир девон юки...

1967

ПАРИШОНЛИК

Доимо дедим, бўлма
Ошино, паришонлик,
Бўлди ошино дилга
Доимо паришонлик.

Дилрабо хаёлида,
Не ажаб, паришонмен,
Ошикор этар доим
Дилрабо паришонлик.

Мен ўзимча дилбарнинг
Ёди бирла мағрурмен,
Дейдилар, қилур пайдо
Кибр-ҳаво паришонлик.

Кулса эл паришонлик
Одатимга, тонг йўқдир,
Аҳли дилга албатта
Нораво паришонлик.

Бевафо нигор ёдин
Тез унутмоқ истармен,
Лек менда йўқ бу хил
Бебаҳо паришонлик.

Ҳажр дардига қилмас
Васлидан шифо, энди
Бир даво хаёли-ю,
Бир даво паришонлик.

Ёди бирла худ бўлсам,
Жабри бирла бехудмен,
Қилди сернаво ёди,
Бенаво – паришонлик.

Зулфиму паришонлик
Одат этди, ё кўнглим
Айлади паришонҳол
Бу қаро паришонлик.

Келди қай куни бу дард,
Хотиримга келтирмам,
Банд этибди Эркинни
Мутлақо паришонлик.

1967

ЁШЛИГИМ

Ёшлигим, кел, куйга тўлган
Қалбим олтин сози бўл,
Мен қўшиқ айтай тўлиб,
Бир лаҳза жўр овози бўл.

Дилга оқсин бахтли умрим
Куй бўлиб, оҳанг бўлиб,
Сен унинг «Оромижон»и,
«Гулёр»у «Шаҳнози» бўл.

Орзу-истакдин-ку шодон
Дилга боғлабсан қанот,
Бу тилак осмонининг
Доим баланд парвози бўл.

Кетмагин асло, ҳаётим
Гулшанин тарк этмагил,
Бир умр мен бирла қолгин,
Бу кўнгил ҳамрози бўл.

Ёшлигим достонига мен
Шуъладин йўндим қалам,
Эй саҳар уфқи, унинг сен
Зарварақ қоғози бўл.

Ёшлигим, сен менга берган
Куч, шууринг, ғайратинг
Халқу юртга бахш этолсам,
Шунда мендан рози бўл.

1959–1967

ХАЁЛ

Кечалар киприкларимда
Тарки хоб айлар хаёл,
Ўз ҳаётимдан ўзимга
Сарҳисоб айлар хаёл.

Қисса айтур мозидин гоҳ,
Эртадан афсона гоҳ,
Гоҳ савол айлар кўнгилга,
Гоҳ жавоб айлар хаёл.

Кўкда сузган ойни кўзга
Бир кичик фонус этиб,
Пирпираб ёнгувчи шамни
Моҳи тоб айлар хаёл.

Май тўла жом ичра тўфон
Мавжини пайдо қилур,
Тонг шафақ алвонини
Гулгун шароб айлар хаёл.

Минг асрлар кори ҳолин
Қилгай у бир сония,
Лаҳзанинг мазмунини
Минг бир китоб айлар хаёл.

Неки забт этмиш шуур,
Боис хаёл ўлса, не тонг,
Дилга парвоз айла деб
Мангу хитоб айлар хаёл.

Бу шитоб асрим хаёлга
Этдиму тезликни бахш,
Билмадим, асримни олға
Ё шитоб айлар хаёл.

Бор экан инсон қўлида
Орзу ёққан чароқ,
Бу чароқни, ўйла, бир кун
Офтоб айлар хаёл.

Мен хаёлни шеърга солдим,
Ўйпараст бўлма ва лек,

Бесамар бўлса сени
Бир кун хароб айлар хаёл.

Бўлгин, Эркин, ҳар нафас
Эзгу хаёлга ошино,
Пок эса ният, сени
Олижаноб айлар хаёл.

1967

ШОҲИГУЛ

Оташин гул уздим, ол, бу –
Шоҳигуллар шоҳи гул.
Гул сочиқ йўлларда бўлсин
Гул юзим ҳамроҳи гул.
Шоҳигул эрмас бу, ўтлуғ –
Юзларинг ҳижронида
Интизор боғ кўксидан
Чиққан фиғону оҳи гул.
Ишқ элининг қатра-қатра
Қонидан унган чечак,
Севгининг ошиқ кўнгилларга
Оловли чоҳи гул.
Билгали кўнглингни, кирсам
Боғинг ичра ҳар замон,
Шоҳигулга ёлворурман,
Сирларинг огоҳи гул.
Бу жаҳон гулзорида
Ҳар бир чечакнинг ўрни бор,
Хоҳ тикандир, хоҳ печакдир,
Хоҳи япроқ, хоҳи гул.
Гул эмас, Эркин қўлингга
Тутди ўтдек қалбини,
Оташидан қўрқма, ол,
Ол, куймагайсан, Моҳигул.

1967

УЙҒОТМАГИЛ...

Тушда кўрдим дилбаримни,
Эй сабо, уйғотмагил,
Олма бир дам васл шавқин,
Қўй, мени қўзғатмагил.

Неча кунлар ахтарурман,
Кўзларимда уйқу йўқ,
Уйқуда топдим ниҳоят,
Энди сен ажратмагил.

Сочларин бўйнимга боғлаб
Шод эрурман бу кеча,
Қўй, чаманлардан, сабо,
Гул атрини тарқатмагил.

Севганим, хуршид жамолим
Васлидан хушнуд кўнгил,
Сен қуёшни кўзларимга
Бир нафас кўрсатмагил.

Лабларимда кулгу, гўё
Тушда қанд кўрган гўдак,
Қўй, шакар лабдин аюрма,
Сен мени йиғлатмагил.

Гар йўқотсам бу кеча мен
Қайга боргум ахтариб,
Тушда кўрдим дилбаримни,
Эй сабо, уйғотмагил.

1967

ҚАЛАМ

Улфатимдир шам янглиғ
Кечалар танҳо қалам,
Мен-ку шеър Мажнунидирман,
Сарвқад Лайло қалам.

Аҳли шеърга то қиёмат
Улфат ўлмакдир азоб,
Не илож этсин, бошида
Бор экан савдо қалам.

Рост, қалам тимсоли шеър,
Тимсоли тиғ, тимсоли ҳақ,
Бошини минг кесдилар,
Бош эгмади асло қалам.

Ёр, диёр меҳрини куйлаб
Умримиз бўлгай адо.
Мен на истисно эрурман,
Сен на мустасно, қалам.

Янграсин Эркин сўзинг,
Асло тилинг лол ўлмасин.
Даст кўтар даврон юкини,
Эгма қаддинг ё, қалам.

1967

УЗУМ

Термулар шабнамли япроқ –
Остидан пинҳон узум,
Лабларингга етмоқ истаб
Тонг-саҳар гирён узум.

Офтоб машшотаси
Ток сочини нурдан тараб
Зангининг бўйнига осмиш
Шодаи маржон узум.

Токи ишком мисли осмон,
Ҳар тараф юлдуз сочур.
Воҳ ажаб, бу не синоат,
Ер узум, осмон узум.

Тарк этиб кўшкин, саватга
Қўйди бош, излаб сени
Чарх уриб бозор ичида
Бўлди саргардон узум.

Кимки ошиқликни даъво
Айласа шулдир жазо,
Оқибат хум ичра бўлди
Маҳкуми зиндон узум.

Хум ичида неча йил
Хун бўлмоқ эркан қисмати,
Лабларингга етди охир
Бир пиёла қон узум.

Бир қадаҳ гулгун шароб
Тутдим сенга, бир ҳўпладинг,
Толеимдан воладурман,
Бахтидан ҳайрон узум.

Эй дилором, сенга Эркин
Тутди майдек шеърини,
Дил хумида неча йил
Кон бўлди бу девон – узум.

1967

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

Дўст билан обод уйинг,
Гар бўлса у вайрона ҳам,
Дўст қадам қўймас эса,
Вайронадир кошона ҳам.

Интизор ҳар уй диловар,
Дилкушолар базмига,
Гар оёқ қўйса қабоҳат
Йиғлагай остона ҳам.

Яхши дўстлар даврасида
Очилурсан ҳар замон,
Кўркни шода ичра топгай
Марварид дурдона ҳам.

Сўрма мендан, ким дилоро,
Дўстми ё жонона деб,
Дўст менинг кўнглимдадир,
Жонимдадир жонона ҳам.

Қочма ростгўй дўстларнинг
Коҳишу озоридан,
Қадди рост шамнинг тилидан
Ўртанур парвона ҳам.

Дўст қидир, дўст топ жаҳонда,
Дўст юз минг бўлса оз,
Кўп эрур бисёр душман
Бўлса у бир дона ҳам.

Ким сенга ҳамроз эмасдир,
Боғараз деб ўйлама,
Гоҳи душманлик қилурлар
Кўл сиқиб дўстона ҳам.

Дўсти содиқ йўқ экан деб
Ўртаниб куйма ва лек,
Меҳр уйин кенг очсанг, Эркин,
Дўст бўлур бегона ҳам.

1967

РАШКИМ

Сени ётлар тугул ҳатто –
Қилурман рашк ўзимдан ҳам,
Узоқроқ термулиб қолсам
Бўлурман ғаш кўзимдан ҳам.

Кўзим ёнгай сенга наргис –
Кўзин тикса чаманларда,
Яширмам, лолага рашким
Аён бўлгай юзимдан ҳам.

Дегайларки, чаросу
Ол гилос олмиш лабингдан ранг,
Лабинг тегса ҳасад қилгум
Гилос бирлан узумдан ҳам.

Сени жоним дедим ёлғиз,
Сени қалбим дедим танҳо,
Чимирдинг қош, пушаймонман
Кўпол айтган сўзимдан ҳам.

Висол онида кўз очса,
Не тонг, тонгдан кўнгилда ранж,
Жудо қилгай мени ой юз,
Хумор кўз юлдузимдан ҳам.

Сенга ўн тўртда боғландим,
Ҳануз эркин бўлолмас дил,
Ўзим доғман, ақл кирмас,
Тўзимсиз ўттизимдан ҳам.

1967

ЯНА ҚАЛАМГА

Барги гул қоғозим ўлсин,
Шоҳи гул – хоро қалам,
Лафзи булбул бирла қилсин
Ишқ сўзин иншо қалам.

Оразин тасвир этарда
Барги гул чок-чок ўлиб,
Қоши таърифини айлаб
Йиғласин шайдо қалам.

Ҳажр таҳририда гирён,
Жабр тақririда хун,
Васл тасвирида бўлсин
Булбулигўё қалам.

Бежавоб ишқ дардини
Тунлар баён этдик икков,
Бу азобларни билар
Ёлғиз мену танҳо қалам.

Шеър ила шод ўлдинг, Эркин,
Қилмадинг дунё ҳавас,
Бор экан кўксингда оташ,
Сен учун дунё қалам.

1967

ШИРИН

Дилкушо дўст, дилрабо ёр –
Бирла кечган дам ширин.
Дўсту ёр бирлан ҳаёту
Сийнаи олам ширин.

Севги завқи бир томону
Бода кайфи бир томон,
Қай бири ортиқ ширидир,
Қай бириси кам ширин.

Икки гулгун чеҳра бўлса,
Ўртада гулгун шароб,
Мен учун майдин ҳам ортиқ
Суҳбати ҳамдам ширин.

Бу жаҳонда, дейдилар,
Ҳар кимда бор бир ўзга таъб,
Менга май, булбулга тонг
Гул баргида шабнам ширин.

Севгининг дарди фақат
Беишқ учун бегонадир,
Ишқи ёр бўлса фироқ –
Чекканда ҳатто ғам ширин.

Сўйла, дўст, гулгун шаробнинг
Кайфидан ортиқ на бор?
Бўсадан лабларда қолган
Жон сувидек нам ширин.

Эй гулим, севгим ҳақи,
Майдан мени қилма жудо,
Менми, ул ортиқ дема,
Сен ҳам ширин, ул ҳам ширин.

1967

УЧ БАЛОДАН САҚЛАСИН

Уч балодан сақласин,
Чархи балокаш бўлмасин,
Дўст меҳрсиз, дардсиз улфат,
Ёр жафокаш бўлмасин.

Дил агар пайванд эрурса
Не жафо чекмак фироқ,
Ҳеч кўнгил севган кўнгил –
Ёнида яккаш бўлмасин.

Севги барқу оташида
Ўртанишни ғам демам,
Ошиқона бу дилим
Бебарқу оташ бўлмасин.

Юзта жоним бўлса ҳар бир
Кокилингга бир пилик,
Толасига ўзгаларнинг
Кўнгли чирмаш бўлмасин.

Неки дард бор, неки кулфат
Бу жаҳоннинг кунжида,
Мен бўлай юз минг гирифтор,
Лек маҳваш бўлмасин.

Мен ёниқ қалбимни тутдим
Сенга кафт узра қўйиб,
Ол уни, ўйнаб ва лекин
Ўтга ташлаш бўлмасин.

Ёрни офтоб дединг, Эркин,
Куймагин ҳижронида,
Офтоб гоҳ беркинур,
Бундан дилинг ғаш бўлмасин.

1967

ЗАМИН ВА ФАЗОГИР

Замин:
Сенга тахтиравон, кошонадурман,
Сенга мангу ватанман – хонадурман.
Таажжуб қилмагин бағримга тортсам,
Боламсан, ҳар на қилса онадурман.

Фазогир:
Кўкингда чақнаган дурдонадурман,
Саҳар Зуҳроси янглиғ ёнадурман.
Қуёш атрофида парвонасан, Ер,
Сенинг тегрангда мен парвонадурман.

Замин:
Самовот узра қалб монанд эрурман,
Сенинг меҳру ўйингга банд эрурман.

Фазода уч баландроқ, лочиним, уч,
Боқиб парвозингга хурсанд эрурман.

Фазогир:
Заминим, мен сенга фарзанд эрурман,
Онамсан, тоабад дилбанд эрурман,
Ақл бирлан енгиб тортиш кучингни,
Кўнгил бирлан сенга пайванд эрурман.

1961–1967

ХАЗИНА

Шарқ қўлёзмалари махзанида

Варақларни очурман
Тозалаб йилларни чангидан,
Бу дониш махзани сўзлар
Менга афсона янгидан.

Бири сўйлайди тарихдан,
Бири сирли самолардан,
Бириси ишқ савдоси,
Бири шаҳнома жангидан.

Қулоқ тут, саҳфалардан
Нолаю ўтлиғ фиғон бирлан
Садо келгай Ироқу
Шому Ҳинду Рум Фарангидан.

Ўқиб «Девони Бобур»,
Ҳам варақлаб «Номаи Бобур»,
Эшит булбул навосию
Қиличларнинг жарангидан.

Навоий шам каби ёниб,
Хазондек сарғайиб сўлмиш,
Варақлар ҳам олибдур
Соҳиби девони рангидан.

Фузулий Карбало даштин
Қуюндек кезди Қайс бирлан,
Дили ҳеч топмади таскин
Даврнинг бода, бангидан.

Ўқиб тарихни, Эркин,
Саҳфаларга боқмагин ҳайрон.
Эрур оқ давр чангидан,
Сариғдир жавр зангидан.

1967

ҲОФИЗГА

Минг Самарқанд, минг Бухоро
Ҳадя этгум хол учун,
Лек нигоримда ҳавас йўқ
Мулку давлат, мол учун.

Сенга юлдузли самони
Совға айларман десам,
Нозланиб, ўлдимми, дейди,
Бу чўтир рўмол учун.

Гар ҳилолдан сирға тақмоқ
Истасам, айтур санам:
Зормидим жездан ясалган
Ҳийлаи аъмол учун.

Ул париваш чеҳрасини
Ойга этгандим қиёс,
Бир умр узр айтадурман
Бу хато тимсол учун.

Ҳажрда қаддимни дол
Этдинг, десам, бергай жавоб:
Ким қўйибдур севгини
Қадди букилган чол учун.

Ёр истиғносидан
Ўлмасман-у, куйдим ва лек –
Лобарим олдида назмим
Бу қадар беҳол учун.

1967

НА ҚИЛСИН

Ишқ аҳлидир паришон,
Ўзга бино на қилсин.
Шеър аҳлидир девона,
Кибру ҳаво на қилсин.

Ҳусн асли бевафо-ку,
Гар унга бўлса мағрур,
Ҳусн аҳлининг ўзида
Сидқу вафо на қилсин.

Ишқ офатига ошиқ
Дил амри бирла киргай,
Дард ила шод экан ул,
Малҳам, даво на қилсин.

Кўрсат ўзингни – шу бас,
Кўнглимда бошқа ўй йўқ.
Айб этмагил тикилсам,
Кўзда бало на қилсин.

Ёр васлидан тополмас
Эркин дилига таскин,
Афсус демакдин ўзга
У мубтало на қилсин...

1968

ЗАМОН

Айланур чархи фалакнинг
Давридек мангу замон,
Гоҳи «кажрафтор»у гоҳи
«Золим»у «бадху» замон.

Не учун аҳли замон дер
Ўз замонин бевафо,
Тутмаса Хайёмга май деб
Косада оғу замон.

Урди-ю Мирзо Улуғбекка
Падаркуш ханжарин,

Қабри узра ҳам ўзи
Минг йил чекар қайғу замон.

Ким дегай қаттол уни,
Бобурни у қон йиғлатиб,
Қилмаса Машрабни золим –
Олдида кулгу замон.

Кўп жафолар кўрди олам,
Кўз юмиб қилсам хаёл,
Мисли сайёд тиғи мажруҳ –
Айлаган оҳу замон.

Йўқ, на дору макру фитна,
На қилич, на тиғ бакор.
Шеър қолур, шоир қолур,
Гарчанд кечур вақту замон.

Вақт, замон олий ҳакам,
Бул кун фано топгай ғазал,
Гар ғазал узра қуёшдек
Сочмаса ёғду замон.

Ханда ур, жўш ур, юрак,
Озод заминдур бу замин,
Назм туз, Эркин, ахир,
Эркин замондур бу замон.

1968

ДУТОРИМ ТОРИ ИККИДУР...

Дуторим тори иккидур:
Бири қувноқ, бири маҳзун
Ки, байтим сатри иккидур:
Бири дилхуш, бири дилхун.

Нигорим чашми иккидур:
Бири яғмо, бири жоду,
Бу жодудан икки кўзим
Бири Сайҳун, бири Жайҳун.

Жаҳонда икки дилбарнинг
Бири сенсан, бири Лайло,
Жаҳонда икки ошиқнинг
Бири менман, бири Мажнун.

Жаҳонда икки юлдуз бор:
Бири сенсан, бири Зуҳро,
Мисоли икки нуқтамнинг
Бири остин, бири устун.

Жаҳоннинг меҳри иккидур:
Бири сенсан, бири офтоб,
Тарозу палласи икки:
Бири ердур, бири гардун.

Макони икки лочиннинг –
Бири қоя, бири осмон,
Қаноти икки шоирнинг –
Бири ўлка, бири очун.

Ғазал битмакда сачрабдур
Кўзимдан ёш, дилимдан ўт.
Шу боис икки сатримнинг
Бири қатра, бири учқун.

Келиб боғ сайридан Эркин
Ғазалга тўлқин излардим,
Кириб келди икки дўстим:
Бири Сайёр, бири Тўлқин.

1968

СЕВГИНИ ТОРТИБ БЎЛУРМУ...

Севгини тортиб бўлурму
Тошу тарозу билан,
Меҳрни ўлчаб бўлурму
Зар билан, инжу билан?

Айт, қачон кўнглимга солдинг
Ишқ ўтин, эй соҳира,
Дил ўзи боғландиму, ё
Боғладинг жоду билан?

Мен сенга кўнглимни очдим,
Ҳа йўқ деб, ё йўқ деб,
Бунча қийнайсан дилимни,
Ўртама кулгу билан.

Нега сенга тик қаролмам,
Кўзларинг офтобми, ё
Офтоб аксин кўзга солдинг
Ўйнашиб кўзгу билан.

Васл умидин тарк этолмай
Интилар кўнглим сенга,
Умрини ошиқ ҳамиша
Ўтказур орзу билан.

1968

ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ҚОРОНҒУ

«Умрини ошиқ ҳамиша
Ўтказур орзу билан».
Ойнинг ўн беши қоронғу,
Ўн беши ёғду билан.

Севгида кўксингга томган
Кўз ёшингдан фойда йўқ,
Ишқ ахир шундай оловки,
Ўчмагай у сув билан.

Заҳмати ишқ дард эрурса,
Заҳмати шеърдур даво,
Чунки, оғунинг шифоси,
Дейдилар, оғу билан.

Барча заҳмат менга бўлсин,
Майли, доим мен яшай
Бу ажиб тотли азобу
Бу ширин қайғу билан.

Ёшлигим – умрим наҳори,
Ишқу шеърсиз не ҳаёт?
Тонгни ёлғиз ғафлат аҳли
Ўтказур уйқу билан.

Ёрни мен жоним деб айтсам,
Илтифот деб ўйлама,
У яшар менсиз ва лекин
Мен тирикман у билан.

1968

ГУЛНОРИНИ ЎП...

Уйқуда топсанг нигоринг,
Аста гулнорини ўп.
Очмаса чашмин, юмуқ ул
Чашми хумморини ўп.

Сен-ку уйғоғида восил
Бўлмагайсан лаълига,
Уйғониб аччиқ сўз айтмай,
Лаъли шаҳдборини ўп.

Рўзгоринг қора қилмай
Зулфини кўксингга бос,
Кўксингга ботмасдан аввал
Киприги хорини ўп.

Васл уйи мангу эмасдир,
Ишқ дами боқий эмас,
Қоматинг ё бўлмасидан
Қоши зангборини ўп.

Тақдир умрингнинг хатига
Нуқта қўймасдан бурун
Хатти бирлан лабга посбон
Холи раҳдорини ўп.

Ёрнинг уйқуси ғанимат,
Сен бу тун бедор бўл,
Бир-бир айтмайман, дилингга –
Хуш надир, борини ўп.

Уйғониб сўнг, майли, Эркин,
Дорга оссин ёр сени,
Кўзга сурт сиртмоғинию,
Тиз чўкиб дорини ўп.

1968

ШЕЪР АЗИЗ ОЛАМ АРО

Шеър азиз олам аро
Менга тириклик, жон қадар,
Жон недир ошиқ учун,
Жондин азиз жонон қадар.

Шеърдан айру тонгларим
Ялдо тунидай зим-зиё,
Шеър билан тунлар чароғон
Хуршиди тобон қадар.

Шеър ўзи жонон эмасму,
Ёндирар ҳижронида,
Гоҳи боқса бир қиё,
Бошим бўлур осмон қадар.

Кимки ошиқдур жаҳонда
Шеърга бўлгай мубтало,
Ишқ учун тенгдур гадодан
То буюк султон қадар.

Шоҳ Бобур Ҳинду сори
Юрди-ю, шоир ва лек
Йиғлади Фарғонадин то –
Мулки Ҳиндистон қадар.

Шеър зулолидан симирдим
Бир пиёла тўлдириб,
Воҳ, кўринди менга ҳар бир
Қатраси уммон қадар.

Нуқта қўй назмингга, Эркин,
Мухтасарлик сўзга зеб,
Йўқса, тонг отгунча шеърнинг
Бўлғуси достон қадар.

1968

САЙР

Раҳматуллога

Қилмадим бир бор ўшал
Гул юзли зебо бирла сайр,
Қонмагай дил, айласам
Минг битта Лайло бирла сайр.

Не бўлур бир лаҳза кезсам
Ҳусн шоҳи бирла мен,
Этмаганму сайд чоғи
Қул шаҳаншоҳ бирла сайр.

Бадниятлар даврасида
Шоду хандон ул нигор,
Гоҳ қилур Етти қароқчи
Шўх Сурайё бирла сайр.

Ёр билан сайр этмоғимга
Ҳеч умидим қолмади,
Мен ўзим Мажнун каби
Айлаймми саҳро бирла сайр.

Сайр этарман кўча-кўйда
Ёр хаёли бирла шод,
Қилмагай ҳеч ким ёнида
Шунча тилло бирла сайр.

Мен-ку ёр ишқига ғарқмен,
Сайр истарман яна,
Тош ҳам орзулар экан
Қилмоқни дарё бирла сайр.

Бу замон кўнглингда, Эркин,
Қолмагай зарра ғубор,
Айласанг бир бор дўстинг
Раҳматулло бирла сайр.

1968

СЕВГИ

Севги шундай навбаҳорки,
У тикандин гул қилур,
Тошга жону тил бағишлаб,
Зоғни ҳам булбул қилур.

Севги шундай дард эрурки,
Барча бўлғай мубтало,
Мубталони неки қилса
Телба бу кўнгул қилур.

Севги шундай тангридирки,
Унга тенгдур шоҳ, гадо,
Қулни айлаб шоҳу султон,
Шоҳни бўлса қул қилур.

Севги шундай бир оловки,
Жонга ундан йўқ омон,
Гулханида ўртаб-ўртаб,
Бир кун охир кул қилур.

Севгинингдур ҳукми мутлақ,
Истаса шайдоларин
Чашми гирёнидан уммон,
Оҳидан довул қилур.

Севгига шеър битдинг, Эркин,
Бесабаб эрмаски, ишқ –
Айлагач кўнгулни ишғол,
Шеър ила машғул қилур.

1968

ГУЛЛАР БАЗМИ

Гул фасли санам
Сайр ила гулшанда бўлибдур,
Ғунча кўз очиб,
Гул юзида ханда бўлибдур.

Гуллар ичида
Шоҳи ўзим, дер эди лола,
Мағрурлигидан
Ул ўзи шарманда бўлибдур.

Карнай гулининг
Оғзи очиқ, волаю ҳайрон,
Наргиснинг, ажаб,
Икки кўзи санда бўлибдур.

Саф-саф тизилиб
Сафсар оёғингга қўйиб сар,
Банд-банд узилиб,
Жони билан банда бўлибдур.

Қирқ бошларимиз,
Қирқ дея қирқ оға-ини гул,
Тиғингга улар
Бари сарафканда бўлибдур.

Юз жилва билан
Нозли хиром этса печакгул,
Шоҳигул анинг
Рақсига хонанда бўлибдур.

Қалқиб келадир
Сувда нилуфар сенга пешвоз,
Оқ шоҳида ҳур
Сайр ила елканда бўлибдур.

Гулшанда кезиб
Хўп сара гулдаста тузибсан,
Эркиннинг эса
Шеъри пароканда бўлибдур.

1968

ГУЛЧЕҲРАЛАР

Гулчеҳра шоираларга

Гул бўлиб, гул-гул ёниб,
Гулшан аро Гулчеҳралар,
Гул узиб ўйнар, қўйиб
Гулга бино Гулчеҳралар.

Қай бириси қай бирига
Ошиқ эркан, билмадим,
Гулми ё Гулчеҳраларга,
Гулга ё Гулчеҳралар.

Айтингиз, ким гул демас
Кирса хиромон боғ аро
Лабга ол суртиб, қўйиб
Қўлга хино Гулчеҳралар.

Куйга лаб очса улар
Гулшанда булбул сайрамас,
Бош эгиб тинглар чаман
Тузса наво Гулчеҳралар.

Бунча ҳам оқил эканлар,
Олдилар ақлу ҳушим,

Бунча ҳам дилга яқин
Бу дилрабо Гулчеҳралар.

Қай бирин ортиқ кўяй,
Йўқ, тенг экан шеър бобида
Нодира, Маҳзунаю
Зебунисо, Гулчеҳралар.

Бу чаман гулларга кондир,
Очилиб яшнанг мудом,
Гул бўлиб, гул-гул ёниб
Гулшан аро Гулчеҳралар.

1968

ИШҚ ИСТИЛОСИ

Кўнгул мулкини торож –
Айлаган ишқ истилосидир.
На бўлгай охири, бу
Истилонинг ибтидосидир.

Дегайлар, дўстликдан –
Бошланур ишқ, акси эрмасми,
Биз энди дўст, деди ёр,
Оҳ, бу севги интиҳосидир.

Баланд парвоз этар ёр –
Дил қуши, кўзларни дом айлаб,
Уни сайд айламоқ ё
Ҳар кўнгилнинг муддаосидир.

Нечун ҳусну садоқатни
Эгиз туғмабди бу олам,
Табиат қасдидир ёки
Бу ҳам битта хатосидир.

Кўнгил дардини айтиб
Йиғламасман кўчаю кўйда,
Ўзи кўнглимга дард солган,
Ўзи бу дард давосидир.

Топиндим ёр – санамга мен
Муҳаббат саждагоҳида,

Билинг, динсизлар осиймас,
Муҳаббатсизлар осийдир.

Жафо қил, майли, дилбар,
Васл умидин қўймагай Эркин,
Ётар йўлингда кўнглим –
Бир ширин сўзнинг гадосидир.

1968

ТОНГ ҒАЗАЛИ

Қўниб гул узра булбул
Ишқ китобини варақлабдур,
Юмуқ тонг кўзлари
Ўтлиқ навосидан чарақлабдур.

Паридек нозу истиғно этиб,
Тонг лола рухсорин
Ювиб шабнам билан
Бир томчи шабнамдек ярақлабдур.

Шафақ кўзгусида
Ўз ҳуснига ошиқ бўлиб боқмиш
Ва тоғларни тароқ айлаб,
Қуёш сочин тароқлабдур.

Париваш юзи жабридан
Кўзим арз айласа тонгга,
У ҳам кўзим қаролаб,
Ул пари юзини оқлабдур.

Фироғида куйиб дерман:
У қайси сирли қудратким,
Мени унга яқин айлаб,
Уни мендан йироқлабдур.

Ажаб, тонг хобида Эркин
Кўрибдур ёрини, эвоҳ,
Кўз очса – ёри йўқ,
Икки қўли ёстиқ қучоқлабдур.

1968

ДИЛДА ИШҚ ДАРЁЧАДИР...

Аҳли шеър балки китобим
Назми ишқ деб очадир,
Йўқ, китобим севгининг
Девонига дебочадир.

Кўзларинг орзусида
Туздим наво, зебо санам,
Настарин кўз очиб айтсин,
Шеъри ҳам зебочадир.

Балки у зебоча эрмас,
Балки у бир ғунчадир,
Ҳуснинг офтобида аммо
Кун сайин зеб очадир.

Воҳ, ажаб, номингни айтсам
Лол бўлур тил ҳам кўнгил,
Шеър ипи ногоҳ қаламнинг
Игнасидан қочадир.

Эркиннинг девонидан ҳеч
Тўлмаса кўнглинг, не тонг,
Тилда шеър бир қатра бўлса,
Дилда ишқ дарёчадир.

1968

БАҲОНА ҚИЛМАС

Чин маъшуқ улки, ошиқ
Ашкин равона қилмас.
Чин ошиқ улки, ишқин
Элга фасона қилмас.

Чин дилбар улки, доим
Сўзида устувордир,
Айлаб висолга ваъда,
Сўнг юз баҳона қилмас.

Чин шоир улки, ўсган
Боғини васф қилгай,
Нақшин қафас ичида
Булбул тарона қилмас.

Кўзимни тийра деб ёр,
Этмас юзига кўзгу,
Киприкларимни тиғ деб
Сочига шона қилмас.

Куртак ёзиб кўнгулда
Гул очди ғунча ишқим,
Умид кўзим ўшанда,
Токай нишона қилмас.

Қоним шаробин ичсанг,
Тотсанг жигар кабобим,
Забҳ этмай ўзни Эркин
Базми шоҳона қилмас.

1968

ЭЙ КАБУТАР

Эй кабутар, шеърим олиб
Ёри дилхоҳимга ет,
Ёр менинг оҳимга етмас,
Энди сен оҳимга ет.

Ошиқ аҳли ичра тенгсиз
Бир гадоданман деб айт,
Ҳусн мулки ичра ҳеч бир
Тенги йўқ шоҳимга ет.

Гоҳи худман, гоҳи бехуд,
Шавқу дардим шарҳ қил,
Гоҳи оҳимдан хабарсиз,
Гоҳи огоҳимга ет.

Кўрмасам бир дам жамолин
Моҳи йўқ тундур у кун,
Бахтим осмонида кун-тун
Хуршиду моҳимга ет.

Эй кабутар, дўстларимни
Соғиниб қолдим букун,
Сен бу соғинч шеърим олиб
Дўстим Иброҳимга ет.

1968

ТОЛА СОЧ

Ул пари авлодиданму,
Ё башар фарзандиму?

Ҳабибий

Айт, бу сочинг толасиму,
Жон ипин бир бандиму,
Ёки сочинг толасига
Жон ипим боғландиму?

Тола-тола сочларингдан
Дил йўқотмиш тинчини,
Ё бу толанг дил қушига
Қил тузоқ монандиму?

Кеча чиқдинг соч учига
Пахтадан боғлаб пилик,
Ҳеч қачон эъзозли пахтам
Шунча ардоқландиму?

Сочларинг ишқи, билолмам,
Менга роҳат ё азоб,
Бу илоннинг жонга солган
Заҳриму ё қандиму?

Соч мени девона этгай,
Ё магар шоир қилур,
«Ул пари авлодиданму,
Ё башар фарзандиму?»

1968

ЛОЛА

Дейман: саҳар шафақдан
Учқунми, лоласанму,
Шодлик майига тўлган
Гулгун пиёласанму?

Дейди: қизиқ саволинг,
Қайда, ажаб, ҳаёлинг,
Еллар кўриб бу ҳолинг
Кулмоқда, боласанму?

– Сўзимни қаттиқ олма,
Бошингни қуйи солма,
Бунча қизарма, лола,
Мендан уёласанму?

– Сен, айт-чи, қайси ёғдан,
Қайси чаман ва боғдан?
Кулсанг дедим, шу тоғдан
Тушган шалоласанму?

– Билсанг, уйим шаҳарда,
Келдим сенга саҳарда,
Юр, хўп десанг агарда,
Ё шунда қоласанму?

– Кўксингда, майли, инсон,
Сенга фидо қилай жон.
Баргимни шеър ёзилган
Дафтарга соласанму?
– Дема фақат варақдан,
Жой олгусен юракдан,
Учқунмисан шафақдан
Ёинки лоласанму,
Ёқут пиёласанму?

1959–1968

КЎЗГУ

Ёрми кўзгуга боққан
Ёрга ё боқар кўзгу,
Ёр юзини кўрганда
Сув бўлиб оқар кўзгу.

Ой жамолининг акси
Кўзгу бағрига тушди,
Рашк ўтида бағримни
Ўртар-у ёқар кўзгу.

То тирик экан жоним,
Кўзгудек дўст изларман,
Оққўнгиллиги бирлан
Кўнглима ёқар кўзгу.

Қанча осма кўзгуни,
Қанча қоқма мих бирлан,
Ҳақ юзинг этиб ошкор,
Мих қилиб қоқар кўзгу.

Кўзгудек тиниқ шеър ёз,
Кўзгудек чин айт, Эркин,
Шунда назм маржонинг
Дур қилиб тоқар кўзгу.

1968

БИР ГЎЗАЛКИМ

Бир гўзалким, ҳуснидан эл
Лол эмиш, ҳайрон эмиш,
Ишқи бирлан диллар обод,
Хонумон вайрон эмиш.

Нуқтадек бир холи бормиш
Ғунча лабнинг устида,
Ул бири ошкор эмишдир,
Ул бири пинҳон эмиш.

Санги дилнинг ҳасратида
Қанча диллар дард чекиб,
Кўзларининг ғурбатида
Қанча кўз гирён эмиш.

Барча шайдоларнинг оҳи
Жам эса маҳшар бўлиб,
Хуни дил кўз ёшларидан
Бир буюк тўфон эмиш.

Қилгай эрмиш мутриби ишқ
Ўз мақомини ироқ,
Шул сабаб оҳанги ушшоқ
Гиряи афғон эмиш.

Кўйида ётмиш кўнгиллар
Мисли синган кўзгудек,
Воҳки, ҳар бир парчасида
Ул руҳи тобон эмиш.

Ул гўзал олмослик эрмиш,
Ким парилар зотидан,
Ғойибона ошиқ Эркин
Толиби даврон эмиш.

1968

ҚУЁШ

Дилбарим ҳуснига кўкда
Маҳлиё бўлсин қуёш,
Маҳлиё эрмас, кўйида
Бир гадо бўлсин қуёш.

Кўрмаса бир дам жамолин
Мен каби зор йиғласин,
Абр ичига беркиниб
Мотамсаро бўлсин қуёш.

Гар ҳавас қилса нигорим –
Ҳуснига, барқ урсин ул,
Рашки келса куйсин-у
Ёнсин, адо бўлсин қуёш.

Ул кеча ёр васлига
Етдим деганда отди тонг,
Қилди дилдордан жудо,
Юзи қаро бўлсин қуёш.

Дейдилар, ишқ оташидан
Офтоб ҳам тафт олур;
Гар исинмоқ истаса
Қалбимга жо бўлсин қуёш.

Бор ишончим, бир куни
Ёнгай қуёш қутб узра ҳам,
Муз юракларга ва лекин
Нораво бўлсин қуёш.

Сўнмасин олам чароғи,
Тинмасин нур чашмаси,
То муҳаббат умридек
Умри бақо бўлсин қуёш.

1968

ИЗҲОРИ ИШҚ

Дилга илк бор тушди ногоҳ
Дард аталган кори ишқ,
Дард дебон ким айтмиш они,
Дардларимга дори ишқ.

Ошиқ ўлмакму азоб, ё
Ишқсиз ўлмак изтироб,
Зори ишқ бўлгай кўнгил,
Гарчанд чекар озори ишқ.

Ишқ ўти тушган кўнгилга
Ўзга дард бегонадир,
Мен бўлибман, воҳ ажаб,
Дардманди шеър, бемори ишқ.

Ишқ сўзин шеъримга солдим,
Ишқ билан ёндим ва лек –
Билмам, ошиқлик надир,
Билмам, надир асрори ишқ.

Шеър ёзилган саҳфаларга
Гул ўраб келдим букун,
Пайт кутиб ночор турарман
Қилгали изҳори ишқ.

1968

ЎРТАДА БЕГОНА ЙЎҚ

Кўйида мен тош бошимни
Урмаган остона йўқ.
Элда бор шундай масал:
Жон чекмасанг жонона йўқ.

Севги водийсида менга
Тенг бўлолгай қайси Қайс?!
Кўнглим очсам, икки дунё
Бу каби афсона йўқ.

Шаҳр ичида ҳолатимдан
Кулмаган бир оқилу

Хилват ичра менга улфат –
Бўлмаган девона йўқ.

Не ажабким, маст бўлибман
Кўзларингга термилиб,
Етти иқлимда бу янглиғ
Май йўғу майхона йўқ.

Ишқ ғамин айтсам қаламга
Ич-этин куйдирди ул,
Севгидек ўт йўқ жаҳонда,
Мен каби сўзона йўқ.

Оқ қоғозим, сенга Эркин
Очди пинҳон ишқини,
Сен бору мен бор, қалам бор,
Ўртада бегона йўқ.

1968

ТАРОҚ

Сочларинг ёдида тунлар
Кўксини доғлар тароқ,
Кеча йиғлаб, тонгда бир бор
Кўнглини чоғлар тароқ.

Зулфингга етди-ю тонгда,
Бўлди чеҳранг ошиғи,
Ҳасратин кўзгуга айтиб
Ўзни қийноғлар тароқ.

Ул тароқ эрмас сочингда,
Балки ёшли кипригим,
Йўқса, не боиски, зулфинг
Шунча ардоқлар тароқ.

Рашк этиб бадкор тароққа
Гоҳи кўнглим ғаш бўлур,
Жонга пайванд сочларингни
Нега тирноғлар тароқ?

Кошки бўлсайдим тароғинг,
Тоғ бўлур эрди кўнгил,
Чунки офтоб сочларига,
Не ажаб, тоғлар тароқ.

1968

ВИСОЛ СОҒИНЧИ

Ёр васлини соғинсам
Сайр этайму боғ-роғ,
Боғ-роғ сайр этганимдан
Кўнглим ўлмас чоғроғ.

Хушламас ҳижронда кўнглим
Лолазор сайрини ҳам,
Чунки бағрим лолаларнинг
Бағридан ҳам доғроғ.

Гар соғинчим шарҳин айтсам
Ёндирар Фарҳод ўзин,
Ё очай Мажнунга дардим,
Ул-ку мендан соғроғ.

Дардлашурга дўст қани-ю,
Диллашурга ёр қани,
Топганим ул ошнароқдир,
Бул эса ўртоғроғ.

Интизорлик дардин, Эркин,
Ҳадди йўқ, поёни йўқ.
Ёр озор топмасин деб
Мен қўшарман «роғ-роғ».

1968

МАСАЛ БОРКИМ...

Ажаб, васлингга мен энди
Етишганда кўринди моҳ,
Масал борким, оғиз ошга,
Бурун тошга тегибдир, воҳ!

Кулиб юргай эдим бир вақт
Ўқиб Мажнун жунунидан,
Дегайлар, ўзгадин кулма
Ўзингдан бўлмайин огоҳ.

Севинг, деб шеър битиб аввал,
Ўзим бўлдим асири ишқ,
Ўзи тушгай эмиш охир
Бировга кимки қазгай чоҳ.

Париваш зулмидан бўлди
Кўнгил мулки паришонҳол.
Демишлар мулк вайрондир
Агар золимлик этса шоҳ.

Бўлибсан ошиқ, Эркин,
Уз умид жондин, ўкинч қилмай,
Ўзингга, дейдилар, душман
Кейин чеккан пушаймон, оҳ.

1968

НАСИҲАТ

(«Кулгу мушоиралари»дан)

Қўлни ишга моҳир этма,
Тилни гапга уста қил,
Ишни бир қилган жойингда
Гапни албат юзта қил.

Бошлиғинг олдида топмоқ
Истасанг сен эътибор,
Қоматинг юз турли буккин,
Сўзни ҳам минг тусда қил.

Жилмайиб тур ёнида, ҳеч
Очма танқидга оғиз,
Таклифинг бўлса ўзига
Астаю оҳиста қил.

Тур деса тур, ёт деса ёт,
Чиқма зинҳор измидан.
Ҳеч фикр қилма ўзингча,
Қилма бир иш мустақил.

Бошлиғинг кўнглини бил сен,
Кетма пинжидан нари,
Пайтини топсанг мабодо,
Бирга юзта-юзта қил.

Бил, сенга бу беш насиҳат,
Энг асосий қоида:
Қўлни ишга моҳир этма,
Тилни гапга уста қил.

1968

СОЧ МАДҲИ

(«Кулгу мушоиралари»дан)

Бир замонлар фахр этардинг
Қоп-қора сочинг билан,
Сен букун қошимдадурсан
Турфа қирмочинг билан.

Учрамас бундоқ ғаройиб
Партав афшон бош сира,
Кез Ироқ бирлан Ажамни,
Румни Чинмочин билан.

Маслаҳат, сенга букундан
Бир асо даркор экан,
Кулса ёшлар тўпланиб,
Қувгайсан оғочинг билан.

Йўқса, ўтганда ялангбош
Кўчаю бозордан,
Ҳаммани безор қилурсан
«Пўшт»у «қоч-қоч»инг билан...

Дўстгинам, бошингни тик тут,
Арзигай фахр айласанг,
Бу каби оппоқ очилган
Гули қийғочинг билан.

1968

КЎЧАМЕН

(«Кулгу мушоиралари»дан)

Ҳар кўча обод, ҳамон мен
Турфа вайрон кўчамен.
Ёзда чангистону қишда
Балчиғистон кўчамен.

Кўчамен дер бўлсам, эвоҳ,
Кўплар айлар иштибоҳ,
Билмадим, рост кўчадурмен,
Ёки ёлғон кўчамен.

Қанчаларнинг кўзларига
Чанг-ғуборим тўлдириб,
Қанчаларнинг этигини
Тортиб олғон кўчамен.

Бир томоним у тумандур,
Бир томоним бу туман,
Бошлиғим кўп, кўп аросат –
Ичра қолғон кўчамен.

Айлади жарроҳи горгаз,
Воҳки, кўксим чок-чок,
Ким қачон битгай бу заҳмим,
Мангу ҳайрон кўчамен.

Икки бошлиқдин мен энди
Кимга фарёд айлайин?
Ё у томон кўчгум энди,
Ё бу томон кўчамен.

1968

БОШИНДАДИР

(«Кулги мушоиралари»дан)

Ўн саккиз минг олам ошуби
Падар бошиндадир,
Не ажаб, чун ўғли онинг
Ўн саккиз ёшиндадир.

Най мисол шим кийган ул
Сандиқдайин туфли билан,
Ҳурпайиб турган саватдек
Соч анинг бошиндадир.

Ул падар оҳ урмасин –
Нечун ёқосин чок этиб,
Неки бадфеъл бўлса, бари
Ушбу бебошиндадир.

Ўзгалардан кулгай эрди
Кўча-кўйда бир замон,
Ақлга юз ҳайрат, эмди –
Бул унинг қошиндадир.

Ўғлидан айларди умид
Келтирар раҳмат дебон,
Барча «раҳмат» элнинг отган
Таънаи тошиндадир.

Йўқ ажаб, ёшликда ўғлин
Ота ардоқлаб, суйиб,
Эркалаб бошига қўйди,
Ул ҳамон бошиндадир.

1968

ЎЗБЕГИМ

Қасида

Тарихингдир минг асрлар
Ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру
Оқсоч Тиёншон, ўзбегим.

Сўйласин Афросиёбу
Сўйласин Ўрхун хати,
Кўҳна тарих шодасида
Битта маржон ўзбегим.

Ал Беруний, Ал Хоразмий,
Ал Фороб авлодидан,
Асли насли балки Ўзлуқ,
Балки Тархон ўзбегим.

Ўтдилар шўрлик бошингдан
Ўйнатиб шамширларин
Неча қоон, неча султон,
Неча минг хон, ўзбегим.

Тоғларинг тегрангда гўё
Бўғма аждар бўлди-ю,
Икки дарё – икки чашминг,
Чашми гирён ўзбегим.

Қайсари Рум найзасидан
Бағрида доғ узра доғ,
Чингизу Боту тиғига
Кўкси қалқон ўзбегим.

Ёғди тўрт ёндин асрлар
Бошингга тийри камон,
Умри қурбон, мулки торож,
Юрти вайрон ўзбегим.

Давр зулмига ва лекин
Бир умр бош эгмадинг,
Сен – Муқанна, сарбадор – сен,
Эрксевар қон ўзбегим.

Сен на зардушт, сен на буддий,
Сенга на оташ, санам,
Одамийлик дини бирла
Тоза имон ўзбегим.

Маърифатнинг шуъласига
Талпиниб зулмат аро,
Кўзларингдан оқди тунлар
Кавкабистон, ўзбегим.

Тузди-ю Мирзо Улуғбек
Кўрагоний жадвалин,
Сирли осмон тоқига илк –
Қўйди нарвон ўзбегим.

Мир Алишер наърасига
Акс садо берди жаҳон,
Шеърият мулкида бўлди
Шоҳу султон ўзбегим.

Илму шеърда шоҳу султон,
Лек тақдирига қул,
Ўз элида чекди ғурбат,
Зору нолон ўзбегим.

Мирзо Бобур – сен, фиғонинг
Солди олам узра ўт,
Шоҳ Машраб қони сенда
Урди туғён, ўзбегим.

Шеъриятнинг гулшанида
Сўлди маҳзун Нодира,
Сийм танни ювди кўз ёш,
Кўмди армон, ўзбегим.

Йиғлади фурқатда Фурқат
Ҳам муқимликда Муқийм,
Нолишингдан Ҳинду Афғон
Қилди афғон, ўзбегим.

Тарихинг битмакка, халқим,
Мингта Фирдавсий керак,
Чунки бир бор чеккан оҳинг
Мингта достон, ўзбегим.

Ортда қолди кўҳна тарих,
Ортда қолди дард, ситам,
Кетди ваҳминг, битди заҳминг,
Топди дармон, ўзбегим.

Бўлди осмонинг чароғон
Толе хуршиди билан,
Бўлди асрий тийра шоминг
Шуълаафшон, ўзбегим.

Мен Ватанни боғ деб айтсам,
Сенсан унда битта гул.
Мен Ватанни кўз деб айтсам,
Битта мужгон ўзбегим.

Фахр этарман, она халқим,
Кўкрагимни тоғ қилиб,
Кўкрагида тоғ кўтарган
Танти деҳқон ўзбегим.

Ўзбегим деб кенг жаҳонга
Не учун мадҳ этмайин!
Ўзлигим билмоққа даврим
Берди имкон, ўзбегим.

Мен буюк юрт ўғлидурман,
Мен башар фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлсам
Содиқ ўғлон, ўзбегим.

Менга Пушкин бир жаҳону
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўксим осмон, ўзбегим.

Қайга бормай, бошда дўппим,
Ғоз юрарман фахр этиб,
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим.

Бу қасидам сенга, халқим,
Оқ суту туз ҳурмати,
Эркин ўғлингман, қабул эт,
Ўзбегим, жон ўзбегим.

1968

ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ўлмасам зор анга, тарки оҳу зор этмасмидим,
Ишқ коридан кечиб бир ўзга кор этмасмидим,
Гар жунун ёр ўлмаса ҳолимдан ор этмасмидим,
Ақл ёр ўлсайди тарки ишқи ёр этмасмидим.
Ихтиёр ўлсайди роҳат ихтиёр этмасмидим.

Жавр ойинини бир дам кўрмоққа ўлсайди сабр,
Ғайрини шод, дўстни пурғам кўрмоққа ўлсайди сабр,
Чашми дилда бир даме нам кўрмоққа ўлсайди сабр,
Ёр ила ағёрни ҳамдам кўрмоққа ўлсайди сабр,
Тарки ғурбат айлаюб азми диёр этмасмидим.

Ул руҳи байзолигин савдолигимдан қил қиёс,
Ул дили хоролигин шайдолигимдан қил қиёс,

Зуҳд эли тақвин муға ошнолигимдан қил қиёс,
Воизин куфрин баним расволигимдан қил қиёс,
Анда сидқ ўлсайди бан тақво шиор этмасмидим.

Йўқ ажабким, дардлардин ўзга дардим бордур,
Бир давоси ўлмоқ онинг, бир давоси ёрдур.
Дема жарроҳ наштари бу, ёр урган хордур,
Дардими оламда пинҳон тутдиғим ночордир,
Уғрасайдим бир табиба ошкор этмасмидим.

Эзди ҳижрону маломат, жавру коҳиш кўнглими,
Овламас дунё ишига зарра хоҳиш кўнглими,
Не қилай, Эркин, икки ўт ичра қолмиш кўнглими,
Эй Фузулий, доғи ҳижрон ила ёнмиш кўнглими –
Лолалар очсайди сайри лолазор этмасмидим.

1968

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Кўз очар гулшанда ғунча, булбул афғон айлагач,
Нега афғон айлай, ул гул юзни тобон айлагач,
Мисли ойким, кўрк очур сайри шабистон айлагач,
Ҳусни ортар юзда зулфин анбар афшон айлагач,
Шам равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Нега ул кун сочларингни анбар афшон айладинг?
Рўзигорим тийра, кўзим кавкабистон айладинг?
Қўлга қўйгачму хинолар ё дилим қон айладинг,
Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,
Ё юзингга тегди қонлар бизни қурбон айлагач.

Меҳр сўндиргач дилида, жонни сўзон айлади,
Ҳуснини обод этиб, кўнглимни вайрон айлади,
Сеҳр айлаб ошикоро, банди пинҳон айлади,
Ошикор айлаб юзин, кўзимни ҳайрон айлади,
Ёшурун олди кўнгил, ўзимни ҳайрон айлагач.

Мен-ку содиқ маҳрам эрдим оғзи маҳкам, кўнгли пок,
Ишқ сирин этмасдим ошкор бўлгунимча токи хок,
Шафқат истаб нола қилдим, онт ичиб ёқамни чок,
Жонда қўйғоч нақди ишқин қилди кўнглимни ҳалок,
Ўлдурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.

Нолаю афғонинг, Эркин, дилбарингга етмади,
Етса ҳам ё бемеҳр ёр зарра парво этмади,
Битди кўп заҳминг ва лекин ишқ заҳми битмади,
Эй Навоий, ишқ агар кўнглингни мажруҳ этмади,
Бас, нединким қон келур оғзингдан, афғон айлагач.

1968

БОБУР ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Етолмай қоматим ёдур неча ойким, ҳилолингга,
Қаро кўз мардуми йиғлаб тикилмоқ бирла ҳолингга,
Қачон ул тотли кун келгай, етарман лаҳза болингга,
Қачон бўлғай, мушарраф бўлғамен, жоно, жамолингга,
Кутулғаймен фироқингдан, етишгаймен висолингга?

Қаро бўлмиш, не тонгким, рўзигорим қора ул кўздин,
Қаро ўқ отди киприклар, кўнгилда ёра ул кўздин,
Ўзим собитман ишқда, кўз ёшим сайёра ул кўздин,
Кўз очқил боққаниким, бўлмишам бечора ул кўздин,
Лаб очқил сўрғаликим, ташна бўлмишман зилолингга.

Саломим еткур, эй хуршид, нигорим кўйидан ўтсанг,
Ғуборин кўзга сур остонасига бош уриб етсанг,
Бўл огоҳким, юзин кўргач ажаб йўқдир куйиб кетсанг,
Ул ойнинг юзи бирлан тўш уриб даъвойи ҳусн этсанг,
Яқин бўлди букунким, эй қуёш, еттинг заволингга.

Нетар мендан бориб, булбул, анга шарҳи кўнгил этсанг,
Ўзинг кўнглим бўлиб борсанг, анинг кўнглини гул этсанг,
Керакмас, ғамларим сўйлаб агар кўнглин малул этсанг,
Кабутар, элтасан хатим, не бўлғай гар қабул этсанг,
Кўнгулни боғласам ул нома янглиғ пару болингга.

Асири банди зулфингман, демам Эркинни озод эт,
Куйибман доғи жабрингдан, демасман тарки бедод эт,
Мени банд эт, менга жабр эт, ҳаётим майли барбод эт,
Белингдин ким хаёлидур, йироқдурман, мени ёд эт,
Умидим борки Бобурдин, етишгаймен хаёлингга.

1968

ВАТАНДИН ЯХШИ ЁР БЎЛМАС

(Қозоқ шоири Жумакент Нажмиддинов ғазалига мухаммас)

Жаҳонда мен туғилган
Ўлкадек ҳеч бир диёр бўлмас,
Бу янглиғ боғу гулшан
Ҳам бу янглиғ гулузор бўлмас,
Ватан севмакдин ортиқ
Менга оламда шиор бўлмас.
Ватан ишқида ёнган қалб,
Билингки, асти хор бўлмас,
Ватан севган муродига
Етур, ҳеч дилда зор бўлмас.

Саодатга макондир
Қай чаманга сен қадам қўйсанг,
Ўзингни бахтли бил юртда
Яшашнинг завқини туйсанг,
Чин одамсан, чин ўғлонсан
Юракдан элни чин суйсанг,
Ватан севмоқ саодатдир,
Агар наслингга сен куйсанг,
Ватанни севмаган инсон
Жаҳонда бахтиёр бўлмас.

Тўйиб боқгил бу юрт ҳуснигаким,
Кўнглингни чоғ эттин,
Бу элнинг ўғлиман, деб
Қил ғурур, кўксингни тоғ эттин.
Ватан ҳар зарра тупроғин
Кўзингга сен қароғ эттин,
Боболар маскан этган
Бу азиз тупроқни боғ эттин,
Ярашгай ифтихор этсангки,
Ортиқ ифтихор бўлмас.

Зулоли таъмини топмам
Сира болу шакарларда.
Ватан ёди эрур қалбимда
Бўлсам мен сафарларда,

Жамолига тўёлмасман
Кезиб қишлоқ, шаҳарларда,
Қизил гул баргида булбул
Каби сайраб саҳарларда,
Яна шоир қилур такрор,
Ватандин яхши ёр бўлмас.

1968

Болалигим – бозорим

УКАМНИНГ «ЖАНГИ»

Укам миниб «саман от»ини,
«Қилич» ушлаб чиқипти жангга,
Бешта душман самолётини
Йиқитдим, деб мақтанди менга.

Аввалига кулдим роса ҳам,
Ҳазилдир деб укам сўзлари.
Сўнг ҳовлига чиқиб қарасам,
Ётар эди беш ўлик ари.

1952

ОЛМА

Мева берди етилиб бу йил
Мен боғимга ўтқазган ниҳол.
Меваларки, чўғдай қип-қизил,
Ҳусни ёқут, ширинликда бол.

Лабларидан томизиб шарбат,
Ол, е, дейди, армонда қолма!
Лекин шунга ҳайронман фақат,
Нега уни дейдилар «олма»?

Олма экса боғига ҳар ким,
Меҳмонига, ол, е, демасми?
«Олма» менинг меҳмондўст халқим –
Одатига ёт сўз эмасми?

Мева берди етилиб бу йил
Мен ардоқлаб ўстирган ниҳол.
Олмаларки, шафақдай қизил,
Лекин номи олма эмас, ол!

1952

КЕЧАГИНА

Кечагина эди...
Хайрлашиб
Баланд тоғлар,
Гулбоғлар билан,
Дарёлардек тошиб,
Қирлардан ошиб
Ўртоқлар билан
Қайтган эдик
Ўйнаб, кулиб
Мактаб қўйнига.

Кўз олдимда...
Анҳор бўйи,
кўм-кўк чимда
Тўйиб-тўйиб
қўзилардек
Чўзилардик.
Горн билан
оқшом яна
саф-саф бўлиб
тизилардик.

Лагерь бизни
яна мактаб,
Фан қўйнига
узатди.
Кўксимизга
чечак тақиб,
гулхан ёқиб
кузатди.

Кечагина эди,
худди кеча...
Букун яна
лагерь бизни
кучоқ очиб
кутади.
Кенг далалар,
гўзал боғлар
бизларга кўз
тутади.
Қаранг вақтни,
ҳадегунча
йил ҳам ўтиб
кетади.
Бир йил...
Худди бир ҳафтадай,
Аммо ўзи
сермазмун.
Бир йил...
Бизга ўқитувчи
Қанча сабоқ
бермасми?
Йил ҳам олға
югуради
Ҳаёт олға
юргандек.
Шу бир йилда
биз мактабдан
талай нарса
ўргандик.
Китоб бўлди
ҳамдамимиз,
Билим бўлди
нур – чироқ.
Шу нур билан
фан конига
Кирдик яна чуқурроқ.
Йиллар ўтар...
Кўз олдимда
чирой очар
келажак.
Мактаб, лагерь,
Анҳор, боғлар
хотирамда қолажак.

Ва эсларман
шу кунларни –
Кечагина эди...
Худди кеча...

1953

НУТҚ ҲАҚИДА

Ҳар сўзида «бу», «ану»,
«Ҳалиги», «сўнг», «анақа»,
«Бу-бу» дейди – нима бу,
«Унақа»си – қанақа?

Тилига келиб қолган
Сўздан қайта олмаса,
«Бу» қўшмасдан саволга
Жавоб айта олмаса.

Гоҳи қовушмай сўзи,
Гапидан тўхтаб қолса.
Яхши билса ҳам ўзи,
Зўрғагина «3» олса.

Ўзингиз ўйлаб кўринг,
Нима, бу, қанақаси?
Қачон қолар Ўткирнинг
«Нима», «бу», «анақаси»?

Одатланганман, дединг,
Тўғри, ҳамма гап шунда.
Лекин ахир, ўз тилинг
Ўзингга бўйсунсин-да.

Тўғри, аниқ гап тузиб,
Жавоб бергин сўроққа.
Хизмат қилсин ҳар сўзинг
Фикрингни тўлатмоққа.

Мазмун номли мўлжалга
Сўз – отилган ўқ бўлсин.
Нишонга тегмай қолган
Битта ўқ ҳам йўқ бўлсин.

Дўстим Ўткиржон, буни
Ёдингда тут ҳар доим,
Оташин нотиғини
Минбарлар кутар доим.

1954

ЧЕВАР ҚИЗ

Жажжи Лола пахта терди,
Энди деманг у гўдак.
Бир ҳовучмас, бир дўппимас,
Терди роса бир этак.

Тарозибон амакиси
Олар экан пахтани,
Чевар қиз деб, ширин қиз деб,
Асал қиз, деб мақтади.

Жажжи Лола уйга қайтар,
Енгил учар қадамлар.
Нега, қанча тердинг, қиз, деб
Сўрамайди одамлар?

Кўзларига қараб борар
Ўтган-кетган ҳамманинг.
Ҳеч ким сўрмас, нима деди
Тарозибон амакинг?

Ариқчадан юзин ювди,
Сочларини таради.
Сўнгра «ҳурмат тахтаси»га
Секин бориб қаради.

Номлари бор Гулсум опа,
Нури, Хайри холанинг
Ҳамма бору, нимагадир,
Исми йўқдир Лоланинг.

Аввал бир оз ўксиди у,
Кейин эса ўйлади:
Майли, бир кун унинг номи
Шу қаторда бўлади.

Ҳозир «ҳурмат тахтаси»да,
Майли, номин кўрмасин.
Бугун қанча тердинг, қиз, деб,
Майли, ҳеч ким сўрмасин.

Барибир, у пахта терар,
Чунки билар, бу керак.
Терар ҳар кун бир дўппимас,
Бир қучоқмас, ўн этак.

Лолахонни газетага
Ёзмаса ҳам бўлади.
У чевар қиз, у ширин қиз,
Буни ҳамма билади.

1955

ШАРҚ ЭРТАГИ

Тун.
Ғариб кулбада
Ғамгин тебранар шам,
Кўзларини юммайди гўдак.
– Нима дейсан, қўзим,
Нима дейсан, эркам?
– Она, менга сўйлаб бер эртак.

Эртак, достонларга
Қанча бой бу олам.
Қанчалар кўп Шарқда афсона!
Айтган билан битмас –
Минг бир кечалар кам,
Қай бирини сўйласин она?!
Ё Баҳром эртаги,
Ёинки «Чор дарвеш» –
Озодбахтнинг қиссасинними?
Ёки Аловиддин
Ва ё Хусрав Парвез,
Ё Жамила эрк сасинними?..

– Ухла, жоним эркам,
Ухла, кўзим нури.
Қўзичоғим, кўзларингни юм.

Мен эртак сўйлайин,
Ширин тушлар кўриб,
Сен, дилбандим, ором ол бир зум.

Узоқ-узоқларда
Кўк денгизлар узра
Томчилардан ўқ қилар булут.
Даҳшат билан келиб
Тоғ устига, сўнгра
Қояларга дўқ қилар булут.
Оқ соч чўққиларнинг
Ёқасидан тутиб,
Чақмоқ билан уриб ўтади
Тоғлар бош эгмагач,
Ғазаб билан булут
Қояларни ўққа тутади.

Таслим бўл, дер –
Қўлга қилич олиб,
Таслим бўл, дер кўтариб сурон.
Булутнинг кетидан
Ортиқ даҳшат солиб,
Ҳуштак чалиб келади бўрон.

Дейди: «Мен борлиқни
Тилка-тилка қилай,
Қора кўлка солай жаҳонга»...
Аммо чўққилар тик,
Боқар ишонч билан
Келажакка,
Қуёшга,
Тонгга...

Бир нафас жим қолди
Она недир ўйлаб.
– Сўнг не бўлди, сўйла, онажон?
Шарқ эртагин сўйлаб,
Она кўз олдида
Эртанги Шарқ бўлди намоён.

«Мана, қуёш чиқди,
Олам нурга тўлиб
Булут узоқларга йўқолди.
Этаклари унинг

Пора-пора бўлиб
Қояларда чувалиб қолди»...

Ухла, жоним эркам,
Ухла, кўзим нури,
Қўзичоғим, кўзларингни юм,
Борлиқ жимжит. Гўдак –
Ширин тушлар кўриб
Уйқусида қилар табассум.

1956

КУНЛАР СЕКИН ЎТАДИ

Сўрайди мендан укам:
Ака, китоб олиб бер.
Сўзин қайтармай мен ҳам,
Олиб бердим алифбе...

Букун тайёрлик кўрар
Укам катта байрамга,
Гоҳ мактаб вақтин сўрар,
Гоҳ тайинлар аямга:

– Ўша кун ухлаб қолиб
Мактабдан кеч қолмай-а,
Эрталаб тура солиб,
Мени уйғотинг, ая.

Севинч сиғмас ичига,
Ўқувчи бўлар укам.
Унинг бу севинчига
Шерик бўламан мен ҳам.

Хитойи қоғоз ўрар
Укам китоб, дафтарга.
Гўё ҳозирлик кўрар
Жуда узоқ сафарга.

У мактаб орзусида
Ўтказади тунларни.
Ҳаттоки, уйқусида
Санаб чиқар кунларни.

Зўр қувонч билан укам
Сентябрни кутади.
Кутган сари кунлар ҳам,
Қаранг, секин ўтади.

1956

ЧАНОҚЛАРГА ҚЎНГАН ЮЛДУЗЛАР

Тонг еллари билан ўйнашиб,
Кўк шамлари сўниб қолдилар.
Йўқ, пахтазор водийга тушиб
Чанокларга қўниб олдилар.

Тўлиб олтин чанокларига
Майин жилва қилиб кулдилар.
Теримчи қиз қучоқларига
Оппоқ пахта бўлиб тўлдилар.

Яна қанча чевар қўллардан
Пардоз олиб бўлдилар кўркам.
Меҳнат тери билан йўғрилган
Юлдузларга кийинди ўлкам...

Ҳақли, агар ўз касби билан
Ғурур қилса пахтазор аҳли.
Оқ олтин ҳам шунча севинчдан
Чаноғига сиғмаса ҳақли.

1956

БОЛАЛИК

Тупроқ кўчалардан чопган болалик
Йиллар чанги ичра аста йўқолди.
Болалик кетди-ю, шўх суҳбатларда
Уни кула-кула эсламоқ қолди.

Жилғалар ошиқар дарё бўлгани,
Гиёҳлар бўй чўзар доим қуёшга.
Эртанинг ишқида йиллар ошдиму
Орзу қанотида етдим бу ёшга.

Қанча интилганман, курси қўймасдан
Дадам жавонидан олгунча китоб.
Қанча изланганман, мурғак фикрнинг
Минглаб саволига топгунча жавоб.

Болалик!
Мен сени бир умр қалбда
Она сути каби сақлай муқаддас
Ва лекин эртанги кунимдан кечиб,
Сенга қайтмоқни ҳеч қилмайман
ҳавас!

1957

ОЙГА УЧСАК...

– Ойга учсак, Холжонни ҳам
Оламизми?
– Ҳамма учса, ахир ошнам,
Қоламизми?

– Арғимчоқдан қўрқдинг, Холжон.
Кўрмайсанми!
Учар бўлсак Марсга томон,
Қўрқмайсанми?

– Дўстлар, сизни ҳеч уятга
Қўярмидим?!
Анвар ўзи қўрқитмаса,
Қўрқармидим?!

1960

ДАРАХТЛАР СУҲБАТИ
ҚАРАҒАЙ

Бўйин чўзиб
Қарағай
Ён-атрофга
Қарагай.
Дер у:
Барча дарахтдан
Баланд аканг –
Қарағай.

ТЕРАК

Мен теракман,
Теракман.
Мен ҳаммага керакман.
Осмон менинг
Елкамда.
Мен оламга
Тиргакман.

МАЖНУНТОЛ

Бошим эгик
Мажнунҳол,
Мажнунтолман,
Мажнунтол.
Дам олсангиз
Соямда,
Мен сизлардан
Мамнун тол.

АРЧА

Мен арчаман,
Арчаман.
Мен хурсандман
Барчадан.
Атрофимда
Айланиб
Ҳеч чарчаманг,
Чарчаманг!

ОЛМА

Мен сизларнинг
Олмангиз,
Хомлигимда
Олмангиз,
Нортожига
Ўхшаб сўнг
Вой қорним, деб қолмангиз!

ЎРИК

Қантак ўрик
Отим бор,
Хўп мазали
Тотим бор.
Мағизимга беркитган
Қантим бор,
Новвотим бор.

ШАФТОЛИ

Сариқ, оқ шафтолиман,
Зарғалдоқ
Шафтолиман,
Мақтаниб ўлтирмайман,
Манандоқ
Шафтолиман.

ЁНҒОҚ

Мия каби
Шаклим бор,
Бошим тўла
Ақлим бор.
Мени еган
Донишманд
Бўлур деган
Нақлим бор.

НАШВАТИ

Мени дерлар
Нашвати,
Шарбатларнинг
Шарбати,
Мазаларнинг
Мазаси,
Лаззатларнинг
Лаззати.

ГИЛОС

Мен гилосман,
Қулоқ сол,
Рангим олу
Тотим бол,
Топсанг қўшалоғимни
Қулоғингга
Тақиб ол.

1962

ПУШКИН

Мен илк бор мактабга қўйганда қадам,
Илк бор алифбодан олганда таълим,
Менга олам аро юз очган олам –
Пушкин даҳосига қилурман таъзим,
Ҳали мен англамай Алишерни ҳам,
Гёте руҳи ҳали бўлмасдан ҳоким,
Хаёлим бешигин тебратган онам –
Пушкин даҳосига қилурман таъзим.
Улғайдим, кенгайди уфқи ҳаётнинг,
Дунё кўркин очди улуғвор, азим.
Кўзларимга қилган кенг оламни кенг –
Пушкин даҳосига қилурман таъзим.
Мурғак дилга тушиб шеърнинг ҳаваси
Баён этганимда илк кўнгил арзим –
Менга мадад бўлган оташ нафаси –
Пушкин даҳосига қилурман таъзим.
Ҳали йўлим олис, ҳаёт ҳали бор,
Ҳали бу дунёдан кўп менинг қарзим.
То тирик эканман такрор ва такрор
Пушкин даҳосига қилурман таъзим.
Шоир бўлсам бир кун элга муносиб,
Мени шоирим деб атаса халқим,
Навоий девонин кўксимга босиб,
Пушкин даҳосига қилурман таъзим.

1974

ВЕРГУЛ ҲАҚИДА

Вергул ўзи қайдан келган?
Қинғир-қийшиқ жойдан келган.
Янги чиққан ойдан келган,
Шовва бўлган сойдан келган.

Мерган тортган ёйга қаранг,
Вергул ўша ёйдан келган.
Ёки букур тойга қаранг,
Ершов ёзган тойдан келган.

Сизга аёндир ҳойнаҳой
Ҳов камалак туғилган жой.
Вергул ўша жойдан келган.

Вой оёғим, белгинам вой,
Дейди ҳасса тутган бобой,
Вергул у бобойдан келган.

Вергул айни пилла қурти,
Айтинг, қайда пилла юрти?
Вергул узоқ Хитойдан келган.

Йўқ, бир замон афандининг
Бир пой кавуши йўқолган,
Вергул ўша бир пойдан келган.

1991

БИР ЁЛҒОНДАН ҚИРҚ ЁЛҒОН

Каминаи камтарин –
Фалончиев Фалончи.
Мен бир ўзим ростгўйман,
Қолган ҳамма – ёлғончи.

Ёшимни сўрасангиз,
Юз ойлик чақалоқман.
Қотмадан келган дароз,
Пакана бақалоқман.

Хуш кўрганим музқаймоқ,
Ҳаммомга тушиб ейман,

Устига мурч сепиб,
Шўр бодринг қўшиб ейман.

Димлаб есанг – соз узум,
Хом емакка шолғомдир.
Тескарисин айтсалар,
Ишонманглар, ёлғондир.

Яна бир суйганим – ов,
Амаким билан бирга
Ҳар якшанба чиқамиз
Балиқ овига қирга.

Қўштиғли милтиқ билан
Сазанларни отамиз.
Тунаб қолсак, лайлакнинг
Уясида ётамиз.

Дерлар: ўғлон ёшидан,
Менга ҳақиқат доя.
Умримни бир бошидан
Қилай сизга ҳикоя.

Келишим бўлганда шарт
Мен камина оламга
Онамнинг вақти бўлмай
Ялинибди холамга.

Холам бувимга айтиб,
Бувим янгамга айтиб,
Янгам аммамга айтиб,
Аммам ҳаммага айтиб,

Ҳамманинг вақти бўлмай,
Ўртада чиқиб жанжал,
Омадим келмаса сал –
Қолар эдим туғилмай.

Отам шўрлик айрилиб
Чўнтакдаги боридан,
Мени сотиб олибди
Чоршанба бозоридан.

Хола, ҳолингиз қалай?
Алам қилсин, аммавой!

Туғмасангиз, туғилмай
Қолармиди Жумавой?

Билиб қўйсин элу юрт,
Мен дунёга келган кун
Ўттиз биринчи февраль,
Соат икки кечқурун.

Бешикда ётганимда
Бир воқеа юз берган.
Айтиб берай,
Жумавой
Рост айтишга сўз берган.

Сўрғичим сўриб ётсам,
Эшикни очиб тўғри
Мен ётган уйга кирди
Қора барзанги ўгри.

Тахланган кўрпаларни
Бир-бир олиб ташлади.
Бисот сандиқни очиб,
Шошмай тита бошлади.

Шўрликнинг хабари йўқ
Қараб турган кишидан.
Мен кузатиб турибман
Говрапеш тирқишидан.

Қулай фурсат келишин
Мўлжаллайман узоқдан.
Аста-секин қўлимни
Бўшатаман қўлбоғдан.

Сандиқни титиб бўлиб
Келгач бешик қошига.
Сумак билан туширдим
Ўғрининг қоқ бошига.

Барзанги гурс йиқилди,
Сўнг туриб қочиб қолди.
Шошганидан эшик ҳам,
Сандиқ ҳам очиқ қолди.

– Эй, номард, – деб
қичқирдим, –
Қочсанг уриб шаталоқ,
Эшикни ёпиб кет-да,
Шамоллайди чақалоқ...

Бу биринчи ҳикоям,
Қурбонингиз бўлайин.
Сизни бир бор алдасам,
Тил тортмасдан ўлайин.

Сўзга беринг эътибор,
«Бир бор» дедим, «минг
бор»мас.
Мени ақли бутунлар
Ёлғончига чиқармас.

Ичим тўла ҳикоя,
Қирқтасини айтаман.
Дам олинглар, ҳозирча
Сўзимни тўхтатаман.

1991

Орзу чашмаси

Достонлар

НИДО

Бағишлов

Ҳайқираман,
Тоғлар бағридан
Гумбурлаган садо келади,
Она Ернинг оташ қаъридан
«Ўғлим!» деган нидо келади.
«Ўғлим!»
Вужудимни чулғар аланга,
Бўғзимга тиқилар ҳаяжон.
– Мана мен, ўғлингиз,
Дардли оламга
Сиздан танҳо ёдгор,
Сўйланг, отажон!
Сўйланг, бир дақиқа қулоқ солайин,
Овозингиз тинглаб тўёлмаганман.
Бир марта йўқотиб тополмаганман,
Хаёлимда тиклаб олайин.
Отажон!
Мен ахир қутлуғ бу сўзни
Йигирма йил олмадим тилга,
Йигирма йил сақладим дилда.
Армонли ўғлингиз тинглайди сизни,
Сўйланг, эшитаман.
Вужудим тилка,
Юрагимни ёқар ўтли изтироб,
Аммо кўзларимда бир томчи ёш йўқ.
Бағрим ўйиб,
Бу кун менга бермоқда азоб
Сизнинг кўксингизни тешган қора ўқ.

Силқиб оқаётир
Кўкрагимдан қон.
Қалбим ўртамоқда сўнгсиз армоним...
Юрак қоним билан битган достоним
Сизга бағишладим,
Отажон!

* * *

Хаёлнинг туманли пардаси аро
Йиллар кўз олдимда чарх ураётир.
Қишлоқ кўчасидан занжидай қаро
Олов болалигим югураётир.
Дунё қайғусига бўлмаган ошно,
Қаҳ-қаҳ ураётир,
Барқ ураётир.
Билмас, боши узра булутли само
Чақмоқ чақаётир,
Гулдураётир.
Билмас, яраланган бу мажруҳ дунё
Қасос сўраётир,
Бонг ураётир...

Қадамлар,
Қадамлар,
Оғир қадамлар...
Этиклар зарбидан титрайди тупроқ.
Қаерга кетмоқда шунча одамлар?
Наҳотки, йўллари шунчалар йироқ!
– Ана, кўряпсанми?
Менинг дадамлар!
Дада!!!
Овозим ҳеч чиқмайди бироқ.
Югураман – ортга кетар қадамлар,
Йиғлайман – кўзимга келмайди намлар,
Мурғак вужудимда фақат зўр титроқ!
Бўғзимда аламлар,
Аччиқ аламлар,
Йўлнинг ўртасида турибман.
Шу чоқ –
Поезд қичқиради,
Тўхтанг, одамлар!
Қайга кетмоқдасиз?
Қани дадамлар?!
Тепамда ёнади зангори чироқ...

Чўчиб уйғонаман,
Онам қошимда.
Меҳрибон қўллари
Оташ бошимда:
– Нега йиғлаяпсан,
Ёлғизим, қўзим?
Тун узоқ, ухлай қол,
Кўзларингни юм.
Ором ол, мен сенга
Аллалар айтай.
Тонгда пешонангдан
Ўпиб уйғотай.
Ана, деразангга
Қўнибди ҳилол.
Бошингга эгилиб
Сўрмоқчи савол.
Сенинг кипригингга
Сочмоқ бўлиб зар,
Ҳилол теграсида
Ўйнар юлдузлар.
Мен сенинг бахтингман
Дегандай гўё
Имлаб чорламоқда
Ёқут Сурайё.
Сеникидир булар,
Сеники бари.
Сеники осмоннинг
Зар қандиллари.
Сомончининг йўли –
Сенинг йўлларинг,
Узатсанг Зуҳрога
Етар қўлларинг.
Улғай, болажоним,
Улғайгин тезроқ.
Сенинг йўлларингга
Юлдузлар муштоқ.
Ҳозирча ором ол,
Ёлғизим, қўзим.
Тун узоқ, ухлай қол,
Кўзларингни юм.

Олис соҳилларда,
Уфқдан нари
Ўлим сочмоқдадир
Ёв қузғунлари.

Ўлим сочмоқдадир
Элга беаёв.
Шаҳар, қишлоқларни
Ютмоқда олов.
Ўша олис юртда
Қон кечиб ҳозир
Отанг ҳаёт учун
Жанг қилаётир.
Элларнинг эрк деган
Соф тилаги деб,
Жаҳоннинг нурафшон
Келажаги деб,
Офат солмасин деб
Оламга қотил,
Отанг узоқ юртда
Жанг қилаётир.
Сен учун, мен учун,
Ўз учун эмас,
Фақат ўзбек ва ё
Рус учун эмас,
Бутун Ер – ундаги
Бор авлод учун,
Дунёда энг қутлуғ
Эътиқод учун
Узоқ ўлкаларда
Қон кечиб ҳозир
Отанг ҳаёт учун
Жанг қилаётир.
Сен ухла, ёлғизим,
Сен ухла, қўзим.
Бир нафас ором ол,
Кўзларингни юм.
Бу кунлар албатта
Ўтиб кетади.
Башар жароҳати
Битиб кетади.
Она Ер қайтадан
Яшарар бир кун.
Олам нур қўйнида
Яшнар лолагун.
Жангу жадалларга
Келур интиҳо,
Бизнинг дунё бўлур
Урушсиз дунё.

Бу кунлардан қолур
Фақат хотира.
Аммо халқ жафони
Унутмас сира.
Бу кунлар кетар-у,
Ғам, доғи қолур.
Юракларга солган
Фироғи қолур.
Авлод-авлодларга,
Замон-замонга
Абадий, абадий
Сабоғи қолур.
Сен ҳам унутмассан,
Юрагим, қўзим.
Ҳозирча тинч ухла,
Кўзларингни юм.

Вақт келар, улғайиб,
Одам бўларсан.
Илм олиб соҳиби
Олам бўларсан.
Сен бизлар кўрганни
Кўрмагайсан ҳеч,
Ғурбат йўлларидан
Юрмагайсан ҳеч.
Олам тўла қуёш,
Қалбинг тўла нур,
Ойдин бир замонда
Яшайсан масрур.
Бизлар ҳам ўтамиз
Вақт келиб бир кун.
Сизларга қолади
Муқаддас замин.
Сиз уни авайлаб
Кафтда тутасиз,
Шараф йўлларидан
Олиб ўтасиз.
Оташ алангага
Тутмайсиз уни,
Даҳшат уммонига
Отмайсиз уни.
Замин теграсига
Олтин камалак
Ўрайди етти хил

Нурдан чамбарак.
Сиз унинг бағрини
Пора қилмайсиз,
Оталар хокини
Сақлаб муборак.
Сен шундай давронда
Яшайсан, қўзим.
Ҳозирча ором ол,
Кўзларингни юм...

Бошимизда оташин фалак,
Пойимизда оташин тупроқ,
Қўлимизда ёғоч камалак,
Остимизда ёғоч арғумоқ,
Оппоқ чангдир эгну бошимиз,
Оппоқ чангдир кўзу қошимиз.
Кўру кармиз,
Бешдан олтига
Эндигина ўтган ёшимиз,
Кўча-кўйда кўтариб сурон
Югурамиз саҳардан то кеч,
Олам узра кезар зўр бўрон,
Биз бу ҳақда ўйламаймиз ҳеч.
«Уруш-уруш» ўйин бўлса бас,
Титратамиз кўку заминни.
Ким ўйлабди дейсиз у нафас
Бу урушнинг ростакамини.
Бурчаклардан бир-биримизни
Ёғоч милтиқ билан отамиз,
Биз билмаймиз:
Қай биримизнинг
Ўққа учди бу вақт отамиз.
Кўксимизни ушлаганча жим
Йиқиламиз,
Ўлган бўламиз,
Биз дунёда ростакам ўлим
Борлигини қайдан биламиз?!
Даҳшат солиб кезаркан у дам
Узоқларда жанг гулдуроси,
Бизнинг қишлоқ кўчасида ҳам
Янграр эди
Акси садоси.

* * *

Қуёш ботар,
Оқшом чўкар кўча-кўйга,
Тарқаламиз уй-уйгаю тепа тўйга,
Тун бошланар,
Менга чарчоқ билинмайди,
Кипригимга уйқу сира илинмайди.
Мурғак фикрим етаклайди хаёлларга,
Онам қўйнин тўлдираман саволларга.
«Айтинг, ая, менинг дадам қаҳрамонми?
Тоғларни ҳам қулатувчи паҳлавонми?
Тўппончаси борми унинг чўнтагида?
Орденлари жуда кўпми кўкрагида?
Менинг дадам самолётда учадими?
Осмонлардан парашютда тушадими?
Ўткир пўлат қиличини қўлга олиб,
Душманларнинг юрагига қўрқув солиб,
Катта жангга кирадими ёлғиз ўзи?
Елкасида ёнадими беш юлдузи?
Айтинг, дадам мени яхши кўрадими?
Келганида тойча олиб берадими?
Кўчаларда тойчоғимни етаклатиб,
Қўлларимдан ушлаб олиб юрадими?
Ўша кунлар тезроққина бўла қолсин,
Айтинг, дадам ҳаялламай кела қолсин».

44-йил
Сентябрь тонги отди.
Мени чексиз қувонч билан бахт уйғотди.
Кўк жилдимда алифбе ва бир бурда нон,
Биринчи бор қадам қўйдим мактаб томон.
Ўйинлардан анча эрта тўйган эдим,
Китобларга барвақт ҳавас қўйган эдим.
Ёд билардим алифбенинг ҳарфларини,
Ўқир эдим информбюро хабарини.
Жуман «почта» дадамдан хат келтирган кун
Катта байрам бўлар эди менинг учун.
Ўқир эдим юз ҳижжалаб, юз тутилиб,
Такрорлардим йиртилгунча хат титилиб.
Яйрар эдим маъносини уқарканман,
Дадам хатин ўқиб савод чиқарганман.

Бу кун яна хат олганмиз,
Ажойиб хат,

Госпиталдан чиққан эмиш соғ-саломат,
Бошидаги жароҳати битган эмиш,
Ҳатто ўрни билинмасдан кетган эмиш.
Берлин томон тушар энди йўлим дебди.
Хат сўнгида яхши ўқи, ўғлим, дебди.
Шу кун тунда уч чизиқли дафтаримга,
Оро бериб катта-катта ҳарфларимга,
Хира чироқ ёруғида кўз ишқалаб –
Дадамга хат ёзмоқ учун сурдим қалам:

«Дадажон!»
Мен сизни жуда соғиндим.
Соғиндим иккала кўзим билан тенг.
Келиб қолармишсиз эртами-индин,
Аям шундай деди,
Ростми шу, айтинг?!
Дада,
У кун сизни тушимда кўрдим.
Оқ отда келдингиз,
Сўрадингиз сув.
Мен буни аямга гапириб бердим.
Даданг келади, деб айтди,
Ростми шу?..

Рустамнинг акаси урушдан қайтди,
Қўлтиқтаёғи бор,
Бир оёғи йўқ,
Рустам айтиб берди:
Атака пайти
Тиззасидан олиб кетган эмиш ўқ...
Хол ака қайтганди уйга тўсатдан,
Ўғли, дадажон, деб чопиб келибди.
Ота қучай деса қўли йўқ экан,
Тик турган жойида йиғлайверибди.
Дарсга келмай қолди
Тунов кун Талъат,
Муаллим уришса тураверди жим.
Дадасидан келган экан қорахат.
Ҳаммамиз йиғладик,
Ҳатто муаллим...
Дадажон!
Сизга ўқ тегмасин ҳечам,
Мен учун ҳам тезроқ қайтинг саломат,
Бувим айтган,

Агар мен тилак қилсам,
Тилагим бўлармиш доим ижобат.
Рост айтаман,
Сизни жуда соғиндим,
Соғиндим иккала кўзим билан тенг,
Келиб қоласизми эртами-индин?
Кутаман,
Дадажон,
албатта келинг».

Ҳижрон кечалари ғоятда узун,
Айрилиқ йўллари олис ниҳоят.
Кўчага чиқаман юз бора ҳар кун,
Кўзларим нигорон,
Келармикан хат?
Тонгда турганда ҳам,
Кун ботганда ҳам,
Ҳатто кечалари қилолмай тоқат,
Эшикка қарайман,
Чекаман алам.
Интизор бўламан,
Келармикан хат?
Мен қайдан билибман,
Йўл босар экан
Менинг мурғак хатим бекатма-бекат.
У ёқдан,
Худди у борар манзилдан
Йўлга чиққан эди машъум қорахат.
Қош, кўзларинг отангга ўхшар,
Дейишади билганлар доим.
Сўнг хўрсиниб қўшиб қўйишар:
Ўхшамасин умринг, илойим.
Отам тутган машъални ушлаб,
Ўша йўлдан бораман мен ҳам.
Майли эди
Отамдек яшаб,
То сўнгги дам
Унга ўхшасам.

Боболарнинг ҳикмати
Ҳаётга ёруғ йўлдир.
Отанг боласи бўлма,
Одам боласи бўл, дер.
Бу сўзни илк бор менга

Ўргатган отам эди.
Мен отам фарзандиман,
У эса одам эди.
Қирқ биринчи йилларнинг
Даҳшати кўз олдимда,
Гўдак эдим, отамни
Кузатганим ёдимда.
У кўплар бахти учун
Кирар экан зўр жангга.
Онам бошимни силаб,
Ўхша, деган отангга.
Менинг мардлик мактабим
Жонфидо отам эди.
Мен отам фарзандиман,
У эса одам эди.
Мен отам босиб ўтган
Қонли йўлни ўтмасман.
Аммо шонли ҳаётин
Бир умр унутмасман.
Она Ватан кўксига
Қалқон бўлган отамнинг,
Кўплар бахти йўлида
Қурбон бўлган отамнинг –
Азиз номин қалбимда
Виждонимдек сақладим.
Унинг ўлмас руҳини
Шод этмоқдир мақсадим.
Умримни фидо этай
У жон берган Ватанга.
Эл мендан рози бўлсин
Ўхшабсан, деб отангга.

* * *

Кузғуннинг қанотидай
Қаро эди ўша тун.
На милт этган юлдуз бор,
На йилт этган бир учқун.
Кеч куз эди,
Тунд кеча,
Ер-кўк мунгли, борлиқ ғаш,
Қор эзғилаб ёғарди
Ёмғир билан аралаш.
Сукунат.
Жанг тин олар,

Фақат гоҳи-гоҳида
Мушак учиб сўнади
Душман қароргоҳида.
Ярим тун зулматида
Тепаликни қоралаб
Тўрт соя эмакларди
Чакалакзор оралаб.
Ҳар замон тўхтаб-тўхтаб
Хордиқ олишар эди,
Жим қолиб сукунатга
Қулоқ солишар эди.
Мана, улар ўрмоннинг
Чеккасидан ўтдилар
Ва ниҳоят дарёнинг
Соҳилига етдилар.
Тўхтадилар, бир нафас
Кўз тикдилар йироққа.
Атроф жим,
Фақат дарё
Уриларди қирғоққа.
Сирли тун, бутун борлиқ
Сеҳрланган сингари.
Шундай кеча тўртовлон
Йўл олмишлар қай сари?

Қай манзилга шошишар
Шу совуқда, шу намда?
Гўё қор бор,
Ёмғир бор,
Тун бор фақат оламда...
Автоматлар бош узра
Кўтарилди туғсимон.
Бирин-кетин дарёдан
Сузиб кетди тўртовлон.
Жим, шарпасиз сузишар,
Яқин қолди қирғоққа,
Ёт, нотаниш товушлар
Эшитилар қулоққа.
Мана соҳил – тик қирғоқ,
Атроф яланг,
Нарида
Икки душман соқчиси
Кўринар тун бағрида.
Бир-бировга тикилди
Бир сўз демай тўрт жуфт кўз.

Шу қарашнинг ўзида
Айтилганди барча сўз.
Тек қотдилар.
Командир
Имо қилди ниҳоят,
Тун бағрига эмаклаб
Кириб кетди тўрт соя.

Ногаҳон ўқ отилди,
Ўт чақнади кетма-кет.
Душман сезди,
Разведка
Жангга кирди бетма-бет.
Граната портлади,
Тилга кирди автомат.
Бир ёнда бутун бир полк,
Бир ёнда тўртта солдат.
Икки ёндан ўқ ёғар,
Олов ёғар бешафқат,
Бир томонда таҳлика,
Бир томонда жасорат.
Ўртада текис кенглик,
Ўртада қуюқ зулмат.
Бир томонда ёвузлик,
Бир томонда адолат.
Қанча давом этди жанг
Билар фақат қаро тун,
Билар фақат тепалик,
Аммо булар лол ва гунг.

Тонгга яқин қор тинди,
Аста ёришди осмон.
Тепаликка илк нурин
Сочди хуршиди жаҳон.
Бунда ерни қучганча
Тошларга қўйиб бошин,
Тўрт ўғлон тинч ухларди
Кўкрагида қўрғошин.
Тунги оғир жангдан сўнг
Гўё тин олар бари.
Она бағрида ётган
Маъсум гўдак сингари.
Шу тонг сабо йиғлади
Чидолмай бу фироққа.

Шу тонг дарё йиғлади
Бошин уриб қирғоққа.
Оқ, момиқ булутларнинг
Бағри чок-чок сўкилди.
Шу тонг офтоб нурлари
Кўз ёш бўлиб тўкилди.
Ўрмонлар шовиллаган
Олис юртда ҳали ҳам
Номсиз тепалик узра
Ухлаб ётибди отам.

* * *

Тенгдошим,
Асрдош биродар!
Кел, бир он жим ўйга чўмайлик.
Бу ерда
ётибди
фидолар.
Кел, уни
гулларга
кўмайлик.
Бу ерда
бахт бўлсин,
нур бўлсин,
Бўлмасин,
қора тун
зулмати.
Бу ерда
юраклар
ҳур бўлсин.
Қайтмасин,
у кунлар
даҳшати.
Тенгдошим,
асрдош биродар!
Уйғоқ бўл,
ҳушёр боқ
оламга.
Бу ерни
кучмасин
аланга,
Қабрида
тинч ётсин фидолар.

Эшит,
инграяпти
Она Ер
Қўлтиқтаёқларнинг
заҳмидан,
Бу тупроқ
юраги
порадир
Атом зонтларининг
ваҳмидан.
Эшит,
чорлаяпти
Она Ер,
Кўксида
оловли
оҳ-фарёд.
Асрдош биродар,
қўлни бер,
Кел, Ерга
қилайлик
қасамёд:
Бўлурмиз
гал келса
ҳар биримизга
Тинчлик жангтоҳининг
фидоси.
Бу сенга,
бу менга,
бу бизга
Йигирманчи аср нидоси.

Йироқларда қолди
Уқубатли йиллар,
Ер остида ётар топганлар завол.
Қолганлар умрнинг
Сарҳисобин қилар,
Соч оқига боқиб сурарлар хаёл.
Йиллар ўтди-кетди
Довулини қоқиб.
Тупроққа берилди не-не азиз жон.
Бизлар хаёлларнинг
Тўлқинида оқиб,
У кунлар ҳақида тўқиймиз достон.
Аммо ўлганларга

Шеър, достондан не наф,
Не фойда йиғлашдан қалб дардин айтиб.
Минг йил шон ўқисак,
Минг йил айтсак шараф,
Кетганлар дунёга келмайди қайтиб.

Нега эгилмасин
Одам кетса одам,
Устунга зўр келар қуласа устун.
Бу ташвишли дунё,
Сермашаққат олам
Бизнинг елкамизда қолди-ку, дўстим!
Уни бўронлардан,
Қуёшли йўллардан
Нурли истиқболга олиб ўтамиз.
Биз уни олганмиз
Табаррук қўллардан,
Табаррук қўлларга элтиб тутамиз.
Авлодлар учун ҳам
Қутлуғ бўлар албат
Ер узра тўкилган кўз ёш, қон ва тер.
Бепоён кенгликда
Чарх уради абад
Улкан юрак шаклидаги Ер...

1964

ОРЗУ ЧАШМАСИ

(Қора денгиз эртаги)

Кеча ойдин, баҳор айёми,
Қатра-қатра ёш тўкар булоқ.
Миртемир

Дебоча

Мовий денгиз соҳиллари,
Ложувард осмон,
Жонбахш ҳаво, бепоён сув,
Сўлим табиат.
Ер юзида жаннат бўлиб
Яралган макон
Бугун менга ором бермас,
Бермас ҳаловат.

Чағалайдек чарх уради
Бетинч ўйларим,
Туғён ичра жим кезаман
Денгиз бўйларин.
Бу дунёнинг ташвишларин
Унутиб тамом,
Барча бунда осойишта
Олмоқда ором.
Бунга менинг йўқми ҳаққим,
Йўқми ҳуқуқим?
Бахтсизлигим буми меним,
Саодатимми?
Бошқаларга ором берган
Бу гўзал Қрим
Олиб қўйди тинчлигимни,
Ҳаловатимни.
Мен-ку бунга қоғозлардан
Қочиб келгандим,
Табиатга кучоғимни
Очиб келгандим,
Дафтарларим қайларгадир
Сочиб келгандим...
Яна ўзинг керак бўлдинг,
Кел, эй қаламим.
Сенсиз менга яшамоқнинг
Ўзи ёт экан,
Кел, эй узоқ кечаларда
Ёлғиз ҳамдамим.

* * *

«Қора денгиз,
Тўлқинли денгиз,
Этагингга туташган осмон.
Чўкиб ётар остингда чексиз
Афсонаю эртак ва достон.
Не ошиқлар севгиси билан
Юрагини кўмганлар сенга.
Денгиз,
Кўҳна ривоятлардан
Биттасини сўйлаб бер менга».
Тебранади
Оҳиста тўлқин,
Мовий денгиз тилга киради.
Сўйлаб ғамли ўтмиш эртагин,
Қояларга бошин уради...

1

Гўзал эди,
Ёш эди Орзу,
Севги учун яралган санам.
Эркин эди гўёки оҳу,
Тиниқ эди орзулари ҳам.
Лабларида доимо ханда,
Кўзларида ишва-ноз эди.
Боғлар аро хиром этганда
Гуллар унга пояндоз эди.
Ғунча тотмай
Қуёш бўсасин,
Уфқ ёпмай юзига алвон,
Елкасига қўйиб кўзасин
Йўл оларди
Кўк чашма томон.
Ҳилпирарди ел билан ўйнаб
Оппоқ шоҳи рўмол бошида.
Ширин-ширин ўйларин ўйлаб
Ўлтирарди
Чашма қошида.
Ўлтирарди сочин тароқлаб,
Акс этарди кўзгуда жамол.
Келажагин,
Бахтин сўроқлаб
Гоҳ чашмага берарди савол.
Қоматининг бандаси сарвлар
Боши узра ташларди соя,
Майингина шилдираб сувлар
Сўйлар эди
Қизга ҳикоя:
«Уфқларга туташган
Кўк денгизнинг ортида
Бир ўлка бор.
Унда эл
Сийнаси чок, бағри қон.
Қаро тун сочин ёйган
Бу истибдод юртида
Султон номли бир золим
Халқни эзар беомон.
Тутқун қизларга тўла
Унда ҳарамхоналар,
Денгиз ўша бахтсизлар

Кўз ёшидан шўр бўлган.
Фарзандлари ҳажрида
Зардоб ютиб оналар
Интизор кечаларда
Йиғлай-йиғлай кўр бўлган...»
Ҳикояга қулоқ солиб қиз
Узоқ-узоқ
Ўйга толарди.
Тўлқин урган поёнсиз денгиз
Юрагига ғулув соларди.
Кўринарди
Бари кўзига
Гўё тунги ваҳимали туш,
Елкасида сув тўла кўза,
Қайтар эди
Уйига хомуш.

2

Ойлар ўтиб,
Фасллар ўтиб,
Ёш қўшилди қизнинг ёшига.
Харидорлар остона ўпиб
Келаберди
Ота қошига.
Узоқ-яқин овуллардану
Олис-ёвуқ элатлардан ҳам
Келаберди.
Барида орзу –
Орзу дея аталган санам.

Бирисининг қўлида дунё,
Бирисида ёшлик ва қудрат,
Бири элда тенги йўқ доно,
Бири эса
Танҳо хушсурат.
Яна бири соҳибкор боғбон,
Тош устида ундиргувчи гул.
Бири наққош,
Бири сухандон,
Бири эса қўшиқчи-булбул...
Харидорман деган дамо-дам
Келаберди ота қошига.
Келаберди,
Кетаберди ҳам
Толе қуши қўнмай бошига.

3

Аслида-чи,
Гўзал Орзунинг
Ўзга ёрда эди тилаги.
Тоза гулдай қалбида унинг
Барг ёзганди
Севги куртаги.

Айни баҳор кулган чоғ эди,
Сайил жойи сўлим боғ эди.
Эл йиғилган Наврўз базмига,
Барча хушнуд,
Диллар чоғ эди.
Авжда эди ўйин ва ханда,
Авжда эди танбур, чирманда.
Ёшлигини эсларди чоллар
Қиз, йигитлар лапар айтганда.
Лекин
Чўмган каби қайғуга,
Бир чеккада ўлтириб ҳамон
Қўшилмасди
Ўйин-кулгига
Содда йигит –
Камсуҳан чўпон.
Энг сўнгида даврага тушиб
Аста қўлга олди созини.
Майин, дилбар оҳангга қўшиб
Сўйлаб кетди
Кўнгил розини...

Куй чашмадай сокин оқарди,
Жим қолганди барча ҳангу манг.
Бу қўшиқда ошиқнинг дарди
Эл дардига эди ҳамоҳанг.
Орзу ҳам бор эди сайилда,
Қўшиққа банд эди хаёли.
Шу йигитга
Маҳлиё бўлиб
Бошдан тушди шоҳи рўмоли...

4

Шу кеч уйга қайтди-ю Орзу,
Ололмади тун бўйи ором.
Хаёл қуши кўкка учди-ю,
Тинчлигини йўқотди тамом.
Мағрур қизнинг шумиди ҳоли,
Наҳот, йигит дунёда танҳо?
Қизга унинг ширин хаёли
Кечалари бўлди ошно.
Қани унинг
Дилшод чоғлари,
Оҳу каби эрка юришлар?
Қани энди
Юксак тоғларни
Жаранглатиб ханда уришлар?
Ишқ савдоси у кутмай ҳали
Оташ солди ширин жонига.
Дилин очиб
Нажот сўргали
Келди Орзу чашма ёнига.
«Кўргил, чашмам,
Паришон ҳолим,
Бир йигитнинг бўлдим шайдоси.
Сўйла, чашмам,
Сўйла, зилолим,
Ишқ дардининг борми давоси?
Эркак бўлсам,
Севиб қолсам ёр,
Юрагимни қилардим баён.
Айт,
Бўлайми севгимга иқрор,
Ё ишқимни тутайми пинҳон?»

Шунда чашма
Тилга кирдию
Сўйлай кетди чулдираб бийрон:
«Ишқ дард эмас,
Ишқ саодат-ку,
Тутма асло севгингни пинҳон!
Бахтиёрсан,
Йиғлама, о, қиз!
Қалбингни ёз севги хатига.
Мактубингни мен билан оқиз,
Оқиз, жойлаб гулбарг қатига.

Тоғ-тошларни оралаб юриб,
Севганингни топаман албат,
Даладами,
Қирдами кўриб,
Қўлларига тутқазаман хат.
Муҳаббати бўлса унинг ҳам,
Мажнун каби елиб қолади.
Сени излаб,
Ишонгил, эркам,
Бир кун ўзи келиб қолади».

5

Қаро тунда
Оқ қоғоз узра
Кўз ёшини юлдуздай тўкиб,
Қалбидаги энг ҳассос сўз-ла
Орзу ёзди
Йигитга мактуб:
«Номингни ҳам билмайман, йигит,
Мактуб ёздим ва лекин сенга.
Сайилгоҳда у кун кўрдиму
Юрагимда ёнди аланга.
Сенга мактуб ёзмас эдим ҳам,
Қизга ишқдан сўз очмоқ ордир.
Лекин нетай ўртаниб севсам,
Айтмасга не иложим бордир?
Ўша куни ёниб куйладинг,
Ёнди шунда менинг ҳам қалбим.
Айт-чи, йигит,
Кимни ўйладинг,
Куйлаганинг ким эди?
Айт, ким?
Ким ўртади ҳажрида сени,
Кимга орзунг бўлмоқ муяссар?
Қувонардим,
Эй тоғ лочини,
Топган бўлсанг бахтингни агар.
Мен эсам-чи,
Шайдойинг бўлиб,
Ёдинг билан яшайман мудом.
Хатим олсанг,
Етказсин гулим
Сени севган Орзудан салом».

6

Сайилгоҳда
У кун чиндан ҳам
Хомуш эди Оғадўст чўпон.
Барча хуррам,
Фақат унда ғам,
Қалби эди дард билан сўзон.
Чўпон бир кун
Чашма қошида
Ўлтирарди най чалиб ёлғиз.
Шунда,
Оппоқ рўмол бошида
Сувга чиқди бир дилрабо қиз.
Қаради-ю
Лол қолди чўпон,
Тош ортига олди ўзини.
Узоқ-узоқ термилди пинҳон,
Паривашдан узмай кўзини.
Бундай қадду
Бундай жамолни
Кўрмаганди Оғадўст асло.
Ўша кундан
Унинг хаёлин
Банд айлади шу офтоб сиймо.
Шу бўлдию
Оғадўст ҳар кун
Келар бўлди булоқ бошига,
Тош ортига беркиниб секин
Боқар бўлди соҳиби ҳусн –
Гўзал қизнинг кўзу қошига.

7

Болаликдан
Ота-онасиз
Етим ўсган эди Оғадўст.
Етим эди,
Эмасди ёлғиз,
У барчага эди оға, дўст,
Қишлоғида хоҳ кекса, хоҳ ёш,
Барча дардкаш унга ёр эди.
Аммо унинг қалбига сирдош
Биттагина дўсти бор эди.

Шу дўстига
Пайт топиб бир кун
Айтди бошдан ўтганин бутун.
Дўсти деди:
«Сен севган дилбар
Орзу дея аталган сулув,
У не ўктам, ботир йигитлар
Юрагига солмаган ғулув.
Кўплар унга интилган,
Аммо –
Қизнинг севган ёри бор эмиш.
Боқмас эмиш
Ўзгага асло,
Севганига вафодор эмиш».

8

Сув бўйида ўлтирганча у
Узоқ қолди бошдан учиб ҳуш.
Йиғлай-йиғлай ухлаб қолди-ю,
Кўрди шу кун
Ажойиб бир туш.
Кимдир уни
Уйғотар эмиш,
Дермиш:
«Кутиб олгин вақтида.
Ёр ёнингга келмоқда, дермиш,
Хушбўй атиргулнинг қатида».
Уйғондию
Термилди ҳар ён.
Ҳеч кимса йўқ.
Ўртанди кўнгил.
Шу пайт бирдан Оғадўст чўпон
Сув бетида кўриб қолди гул.
Боқди. Ажаб –
Ўзи қизил гул,
Бир гулбарги нега оқ экан?
Аста тутиб
Қўлга олди ул,
Қатидаги бир варақ экан.
Оқ қоғозни авайлаб очиб,
Қиз хатини ўқиди чўпон.
Ўқиди-ю,
Тинчин йўқотиб,
Мажнун каби югурди ҳар ён.

9

Тонг отарда
Қўлида кўза
Сув бўйига аста чўкиб тиз,
Кўнгли каби тиниқ фируза
Чашма билан
Сўйлашади қиз:
«Зилол чашмам,
Ўйноқи чашмам,
Айт, не бўлди мен ёзган мактуб?
Юракларим қон бўлди кутиб.
Қайлардадир
Мен кутган одам?
Севги хатим унга етдими?
Ўқидими,
Сўйлагин, қани?
Ёки йиртиб ташлаб кетдими,
Бор эканми ўзга севгани?»
«Гўзал Орзум,
Парирўй Орзум,
Кеча олди мактубингни ёр,
Излаб сени
Тин олмай бир зум,
Келаётир висолингга зор.
Келаётир,
Кўзларида ўт,
Қайда дея гўзал сарвиноз.
Келаётир,
Севганингни кут,
Чиқа қолгин йўлига пешвоз».

10

Қора сочин
Ёйганда оқшом,
Денгиз юзи бўлганда қирмиз,
Сув бўйида
Оларди ором
Севганининг оғушида қиз.
Куйлар эди йигит ишқидан,
Янграр эди қўлларида тор
Ва дилрабо, шўх қўшиқ билан
Жўр бўларди

Унга сулув ёр.
«Баҳор чоғи тоғлардан
Шарқираб сой келади.
Мени йўқлаб боғлардан
Юзлари ой келади.
Юзлари ой келганда
Қўлга олай созимни,
Оқшом пайти бўлганда
Айтай юрак розимни,
Қучай сарвинозимни».
«Менинг кўнглимни олган
Барно йигит қайдадир,
Юрагимга ўт солган
Танҳо йигит қайдадир.
Ўша барно йигитга
Шоҳи рўмол тикканман,
Ўша танҳо йигитга
Жонни нисор этганман...»
Қора сочин
Ёйганда оқшом,
Денгиз юзи бўлганда қирмиз,
Сув бўйида
Оларди ором
Севганининг оғушида қиз.

11

Қишлоқ бўйлаб
Тарқалди хабар,
Бўлди элнинг тилида достон.
Бу оқшом тўй,
Бу кун қўшилар –
Орзу билан
Оғадўст чўпон.
Қанчаларнинг кўзида шодлик,
Қанчаларнинг дилида армон.
Ёр бўлади бу кун умрлик
Орзу билан
Оғадўст чўпон.
Саҳарданоқ
Эшитган борки,
Оқа берди қизнинг уйига.
Ким дугона,
Ким дўсту ёрки,

Кела берди севги тўйига.
Кела берди машшоқ, ҳофизлар
Йўлда созлаб танбур, созини.
Кела берди раққоса қизлар
Кўрсатмоққа ишва-нозини.
Бутун қишлоқ
Бугун хуррам, шод,
Бутун қишлоқ сайилгоҳ бугун.
Яхшиларнинг диллари обод,
Ёмонларнинг кўксида тугун.

12

Орзу қизнинг
Ҳеч армони йўқ,
Орзусига етди ниҳоят.
Севинчининг чек, поёни йўқ,
Кулиб боқди унга саодат.
Лекин бир дард чулғар ўйини.
Қиз тарк этар
Ота уйини.
Юрагида чексиз ғалаён.
У дол этиб шамшод бўйини
– Хайр, – деди, –
Мунис отажон.
Меҳрибоним, хайр, ягонам,
Унутмасман сени ҳеч қачон,
Рози бўлгин қизингдан сен ҳам.

13

Орзу бу кун
Қиз дугоналар –
Барчасига айтди алвидо.
Видолашди келин то саҳар
Тақдирини билгандай гўё.
Эрта яна
Уйғониб наҳор,
Қолмасин деб кўнглимда армон,
Хайрлашмоқ учун сўнгги бор
Йўл олди қиз
Кўк чашма томон.
Гўзал Орзу,
О, сулув пари,

Нега келдинг чашма ёнига!
Билмасмидинг,
Маккор кўзларнинг
Қасд қилганин ширин жонингга?!
Оҳ, чашмага айтмасанг видо
Қолармиди мангу армонинг.
Билмасмидинг,
Чашма қошида
Турганини ёвуз балонинг!
Қиз ўғриси Али қўлида
Очилмайин сўлар иқболинг.
Узоқ юртда
Зулмат элида
Ҳарамларда не кечар ҳолинг?!

14

Кўтарилди денгиздан қуёш
Сувни бўяб қип-қизил қонга.
Қуёш билан эл кўтарди бош,
Тўйхона ҳам
Уйғонди тонгда.
Уйғонди-ю, қўзғалди фарёд,
Барча чопди
Денгизга томон.
Ота қилар дод устига дод,
Телбалардек югурар чўпон.
Йиғилганда барча қирғоққа,
Узоқлардан келди қиз саси.
Кетар эди
Қалқиб йироққа
Қароқчининг машъум кемаси.
Тик қояга келдию чўпон,
Оқ елкандан узмай кўзини
Фарёд дея сўнгги бор гирён
Қояларга отди ўзини.
Барча қолди куйи эгиб бош,
Бутун борлиқ
Эгди бошини.
Денгиз узра юксалган қуёш
Сувга тўкди қонли ёшини.

15

Базм қизғин хон саройида,
Аркони тахт хоннинг пойида.
Муғаннийлар куй қилар оғоз,
Раққосалар рақс этар серноз.
Жангдан ғолиб қайтган хон учун,
Ўлжа олиб қайтган хон учун
Мадҳ ўқишар сўзга моҳирлар,
Шеър айтишар зукко шоирлар.
Нозу неъмат тўла дастурхон,
Энг баландда ўлтиради хон.
Гулоб дея қилади хитоб,
Соқий унга тутар майи ноб.
Бармоқ билан қилса ишора,
Кўзлари ўт, ўзи қоп-қора
Занжи келар,
Хон амрин кутиб
Ҳалқа таққан қулоғин тутиб,
Тиз чўкканча ўлтиради жим.
Хон дер унга:
– Сўйла, эй қулим,
Нега ҳамон Али оғо йўқ?
– Қайғурма, хон.
Кўнглинг бўлсин тўқ.
Сенга содиқ қул Али оғо
Фармонингни этмоқда адо.
– Унга етказ,
Шодиёнамга
Тухфа айлаб ҳарамхонамга
Киритмаса бир ҳур, париваш,
Бу кеч менинг кўнглим бўлур ғаш.
Боши кетар Али оғонинг,
Қурбон бўлар сенинг ҳам жонинг.

16

Оҳ, Орзу қиз,
Оҳ, гўзал санам.
Оҳ, тоғларнинг эрка оҳуси.
Банди бўлдинг
Ёрга етган дам,
Хазон бўлди қалбинг орзуси.
Бераҳмлар солдилар кишан

Нозиккина оқ билагингга.
Ғам сояси тушди ишқ билан
Лим-лим тўла пок юрагингга.
Толеингга қузғун чанг солди,
Қайга етар энди оҳ-зоринг,
Она элинг узоқда қолди,
Узоқларда қолди диёринг.
Оҳ, дилрабо,
Йўқотиб сени,
Зўр тоғларнинг қадди бўлди ё.
Парчалади ёринг кўксини,
Отанг бўлди ҳажрингда адо.
Тоғ бағрига
Файз эди сенинг
Шўх қўшиғинг, дилбар карашманг.
Сен кетдингу сўлди чаманинг,
Қуриб битди беғубор чашманг.
Сен кетдингу
Чўкди энди ғам.
Кундан-кунга ортди қайғуси...
Оҳ, Орзу қиз,
Оҳ, гўзал санам,
Оҳ, тоғларнинг эрка оҳуси.

17

Ўтаверди кунлар ва ойлар,
Оқаверди дийдалардан қон.
Бахтсиз кунда,
Туткунда гирён
Она бўлди Орзу муштипар.
Ғам, ҳижрондан юраги пора.
Диёридан йироқ-йироқда,
Ўзга юртда,
Ўзга қирғоқда
Она бўлди Орзу бечора.
Сўнгсиз ғазаб кўксида оташ,
Айрилиқнинг алами ичра,
Золим хоннинг ҳарами ичра
Она бўлди
Орзу жафокаш.

18

Оқшом.
Чўкди денгизга қуёш.
Тикилганча кунботар ёққа,
Қўлда гўдак,
Кўзда қонли ёш,
Орзу чиқди баланд қирғоққа.
Дардин сўйлаб йиғлади танҳо.
Она юртга,
Севган ёрига,
Падарига – ғамгузорига
Энг сўнгги бор
Айтди алвидо.
Бахтсиз танни қучганча туриб,
Кўз ёши-ла ювди юзини.
Сўнгра бирдан
У қаҳ-қаҳ уриб,
Тўлқинларга отди ўзини...

19

Ҳижрон дардин енгар экан вақт,
У ҳар қанча бўлмасин оғир.
Йиғлаб-йиғлаб
Орзу ғамин ҳам
Унутдилар қишлоқда охир.
Барча банддир
Ўз дарди билан,
Ўз ташвиши билан овора.
Йиғинларда эслашар баъзан
Не бўлди деб
Орзу бечора.
Ойлар ўтди
Чопган оҳудек,
Баҳор келди қишнинг изидан.
Бир кун тунда
Қўлида гўдак
Сув париси чиқди денгиздан.
Аста қўйди гўдакни
Чўпон –
Кўксин урган қирғоқ тошига.
Сукут сақлаб ўлтирди бир он,
Сўнг йўл олди
Чашма қошига.

У келди-ю,
Қуриган чашма –
Кўзларидан оқиб кетди ёш.
Гўдак уни симирди ташна
Ва қумларга қўйиб ётди бош.
Кўкда сўнгги
Сайёра қолиб,
Ёришганда оҳиста осмон,
Сув париси гўдакни олиб,
Юриб кетди
Денгизга томон.
Чашма худди
Она оҳудек
Кўзда ёши тирқираб қолди.
Сув париси
Қўлида гўдак
Тўлқинларга кириб йўқолди.

Хотима

Қулоқ солиб ўлтираман жим
Қора денгиз ҳикоясига.
Дардга тўла севги достоним,
Мана, етди ниҳоясига.
Қора денгиз,
Тўлқинли денгиз,
Этагингга туташган осмон,
Чўкиб ётар остингда чексиз
Афсонаю эртак ва достон.
Не ошиқлар севгиси билан
Юрагини кўмганлар сенга.
Денгиз,
Сонсиз эртакларингдан
Биттасини сўйладинг менга.

1964 йил, Ялта

ПАЛАТКАДА ЁЗИЛГАН ДОСТОН

26 АПРЕЛЬ

«Тошкент» сейсмик станцияси хабар беради: «Бугун 26 апрель эрталаб 5 дан 23 минут ўтганда Тошкент шаҳрида кучли ер қимирлаш бўлди... Зилзила эпицентри шаҳар остида... Зилзиланинг кучи марказда 7,5–8 баллга етди. Дастлабки маълумотларга қараганда...»

Йўқ, бу достон эмас,
Булар барчаси –
Зилзилада кўчган
Шеърлар парчаси.
26 апрель
Тонг-саҳар
Қаттиқ силкинишдан
Уйғонди шаҳар.
Кварталлар гўё
Катта эшелон –
Силтаниб қўзғалди,
Юра бошлади,
Алланечук бўлиб
Ёришди осмон,
Қайдадир гумбурлаб
Девор ташлади.
Бола қичқириғи,
Аёлнинг доди,
Итлар вовиллаши
Қўшилди бир он.
Бирдан кўтарилиб
Муаллақ қолди
Қашқар маҳалланинг
Устида тўзон.
Бир зум ўтмай, барча
Товушни босиб,
Сирена овози
Таралиб кетди.
Прожектор каби
Шаҳарни кесиб,
«Тез ёрдам» ҳар ёнга
Тарқалиб кетди.

...Бир аёл чақалоқ боласини бешиги билан кўтариб ўзини эшикка отди. Кўркув, саросимада тошойнага урилиб беҳуш йиқилди...
...Студент бола иккинчи қаватдаги ётоқхона деразасидан ўзини пастга ташлади. Ётоқхона ҳовлисига тахлаб қўйилган матраслар устига тушиб омон қолди. Чап кураги чиқиб, тирсаги бир оз лат еди...

Сўнгра жимлик чўкди,
Тонг отди аста.
Қуёш юпатгандай
Қаради пастга.
Одамлар эгнидан
Чангларни қоқиб,
Ишга шошилади
Соатга боқиб.
Яна давом этар
Одатий ҳаёт.
Одамлар,
Одамлар –
Мужассам сабот!

Шу кун тонгда кўчага чиққанлар бир ажиб ҳодисанинг гувоҳи бўлдилар. Шаҳарнинг ҳамма соатлари худди зилзила юз берган дақиқани қайд этгандек, бу 23 дақиқада тўхтаб қолган эди.

Йўқ, бу достон эмас,
Булар барчаси –
Зилзилада кўчган
Шеърлар парчаси.
Бу на чақириғу
На ташвиқ, шиор,
Плакат на даркор?
Нутқлар на даркор?
Шундай пайт бетарғиб,
Бесўз, беалвон,
Фалокат нимадир –
Ҳаммага аён,
Девордан узилиб
Тушса плакат,
Ахир битта бошга
Бу ҳам «палакат»...

Бу бўлган воқеа. Катта идоранинг тепасига зилзила муносабати билан осилган плакат у кунги қаттиқ бўронда узилиб тушиб, бир пенсионернинг чаккасини ёрди.

Бу ишлар ўтмишга
Берилди букун,
Деворлар дарз кетди,
Юраклар бутун.
Бинолар йиқилди,
Одамлар яшар.
Дўстларин чақирар
Ҳашарга шаҳар.
Режадан бошланар.
Тонг горсоветда.
Шаҳар яшамоқда,
Вахмаси четда.
Бу хабар Қаршига
Учди кабелдан:
«Ер ёрилиб кетди,
Сув ҳозир белдан.
Ўртоқ, Тошкент тамом».
Бу гапни ўртоқ
Термизга тарқатди
Сал бўрттириброқ.

Ваҳималар ўтди,
Барчаси ортда.
Нималар бўлмайди
Ахир ҳаётда.
Гап уй-жойда эмас,
Жон бўлсин омон.
Лекин шундай пайтда
Билинар инсон.
Билинар ким танти,
Ким беҳамият.
Бундай пайт узр, сўз
Беаҳамият.
Бу аён – ҳар нарса
Силкинган пайтда
Йириги юзага
Чиқар албатта.
Ер қалқди – ер билан
Юраклар қалқди.
Юзага туйғулар,
Тилаклар қалқди.
Одамлар ажралди
Уну кепакка –
Сарак – сараккаю
Пучак – пучакка.

Бир дўстим сўзларди
Минбардан туриб,
Бурч, виждон ҳақида
Кўксига уриб,
Дерди: фидо бўлсин
Жоним халқимга...
Бу кун келиб қолди
Жони ҳалқумга.
Қалбим пайванд дерди
Ўсган еримга.
Тонгги рейс билан
Учди Қримга...

Райсоветга ёзилган аризадан:

«... Кеча менинг уйимга келиб зилзила оқибатини текширган комиссиялар: «Уйи яшаш учун яроқли, зилзиладан зарар кўрмаган», деб ёзиб кетибди. Ҳолбуки, меҳмонхонанинг икки жойида ганч кўчган. Бу зарарнинг ҳақини ким тўлайди?..»

Бутун халқ қўзғалди,
Ҳам бурч, ҳам ҳашар.
Қишда палаткада
Қолмас ҳамшаҳар.
Дейдилар, кулфатда –
Юрак бўлса кенг –
Тор уй ҳам дўст учун
Кенг оламга тенг.
Бизлар беш жон эдик,
Ўн бир жон бўлдик.
Бир кунда танишиб,
Жонажон бўлдик.
Эл бошига ногоҳ
Келган бу кулфат
Бир-бирига қилди
Ҳаммани улфат.
Ёзув:
«Уй омонат.
Эҳтиёт зарур».
Бундай пайтларда
Эътиқод зарур.
Уй омонат бўлса,
Ўй бўлсин бутун.
Сабот – ғишт, ганч каби
Зарурдир бу кун.

Гузар.
Узунқулоқ
Одам тумонат.
Эҳтиёт!
Бу ерда ишонч омонат.
Бир мулла ютиниб
Сўзлайди ювош:
«Айб ўзимизда
Одамлар бевош.
Имонни билади
На кекса, на ёш.
Хотинлар бениқоб,
Қизлар ялангбош.
«Гар ғазаб айласа
Холиқи қудрат...
...Шундай байт айтибдур
Ҳувайдо ҳазрат...»
Бежиз айтилмаган,
Бу ҳақ бегумон:
Фожиа ва кулгу
Доим ёнма-ён.

Трамвайдаги суҳбат:

– Кеча футбол зўр бўлди-да!
–Ўйиннинг ўртасида икки марта ер силтаб ташлади.
Стадион худди бир коса сувдай чайқалиб кетди...
– Айтганча, футболчилар ойлик оладими?
– Катта пул олса керак. Красницкий трамвай олган эмиш. Тунов куни ўз кўзим билан ўқидим.
– Трамвай эмас, травма олган, овсар...

Ўтди даҳшатли кун,
Қора саҳифа.
Бугун студентлар
Тўқир латифа...
Аския пайрови
Энг янги мавзу,
Яна чойхонада
Кўк чой ва кулгу...
Яна кечагидек
Уйғониб саҳар
Туғуруққа патир
Ясар кампирлар...

Яна давом этар
Одатий ҳаёт,
Одамлар,
Одамлар –
Мужассам сабот.

«Т–34»

...Тошкент аҳолисига ёрдам бериш учун армия қисмлари юборилди...

Мен ўша «Фердинанд»,
«Тигр»лар билан
Юзма-юз олишган
«Танк–34»ман.
Пенсияга чиқиб,
Тошкентга келдим,
Қарилар жой олар
Одатда тўрдан.
Тўпимни олдилар,
Зирҳ қуббам қолди,
Юбордилар майдон
Тозалаш учун.
Кўриб турибсанки,
Уй бузмоқдаман,
Кетмон хизматини
Қиляпман бу кун.
Лекин ор қилмайман,
Хизматми – хизмат.
Занг босгандан кўра
Босай дедим чанг.
Аслини олганда,
Бу ер ҳам фронт,
Бу ерда ҳам ахир
Бормоқда зўр жанг.
Ёнбошимга ўтиб
Бир қара, йигит,
Зирҳимда ўқларнинг
Изи бор ҳамон.
Занжир ғилдирагим
Остига боққин,
Бунда ўчмас бўлиб
Қотиб қолган қон.
Қанча йўллар босдим,
Қанча манзиллар,

Ортимда қолди минг,
Миллион чақирим,
Русь ва Украина,
Польша тупроғи,
Бу ёнда беғубор
Кавказ ва Қрим.
Кўп жангларни кўрдим,
Кўп қонлар тўкдим.
Эзилиб кетади
Темир юрагим.
Йўқ, бу керак эди,
Мен мажбур эдим,
Юртга қалқон бўлган
Пўлат кўкрагим.
Бешафқат бўлмасам
Ўшанда агар,
Ёв қайси бозорда
Сотарди сени...
Йўқ, бу керак эди,
Мен мажбур эдим.
Тарих ҳеч гуноҳкор
Қилмагай мени.
Аммо тинчлик бермас
Менга хотирам.
Кечалар тушимга
Кирар доим қон.
Мени ўраб олар
Қўрқинч шарпалар,
Ўликлар қуршайди
Бўлиб оломон.
Менга кўринади
Яна қайтадан
Дўзах оловида
Ёнгувчи дунё.
Рўпарамга келиб
Даҳшат ичида,
Одамлар қичқирар
Беун, бесадо.
Шунда титраб кетар
Бутун вужудим,
«Йўқ!» деб қичқиради
Ички бир овоз.
Йўқ, сира қайтмайди
Қонли фожиа,
Қайтмайди,

Қайтмайди,
Қайтмайди у боз.
Ўша қичқириқдан
Ҳушимга келиб,
Атрофга қарайман,
Ҳар ён сукунат.
Хайрият дейман-у
Ва лекин яна
Тун келгач, қайтадан
Бошланар даҳшат...
Одамзод – бахтиёр,
Одам унутар,
Аммо темирларда
Мангу хотира.
Инсон ўзи билан
Кўмар ёдини,
Темир унутолмас,
Унутмас сира...
Мана, фожиам шу –
Фожиам – ёдим,
Маҳкум этилганман
Шунга умрбод.
Бу тенгсиз даҳшатдан
Қутқариб агар
Мени эритсалар,
Бўлар эдим шод.
Мен ўша «Фердинанд»,
«Тигр»лар билан
Юзма-юз олишган
«Танк–34»ман.
Сенга дардим айтиб,
Ёш юрагингга
Оғир ўйлар солдим,
Кечир, маъзурман.

БОЛАЛАРНИ ЖЎНАТИШ

Кеча бир гуруҳ тошкентлик болалар Подмосковьега жўнатилди. Улар у ерда уч ой дам оладилар...

Бундан роса чорак аср илгари,
Худди шу кунгидай иссиқ саратон
Москва йўлидан карвон сингари
Эшелон келарди Тошкентга томон.

Бугун,
Роса чорак асрдан кейин
Худди ўшандайин иссиқ саратон
Поезд вокзалдан қўзғалди майин.
Бу сафар
Тошкентдан Москва томон.
Болалар кетмоқда сокин, беозор,
Дўмбоқ қўлларида гуллар, лолалар.
Кузатган оталар ичра балки бор
Биринчи поездда келган болалар.
Она бағри каби кенг очиқ бугун
Москва, Киевнинг олтин қопқаси.
Поезд учар.
Учар изидан учқун,
Бу кун ғарбга кўчди «фронт орқаси».
Яна портлашлару
Яна чанг-тўзон
Гўдакларни ортга кўчирмоқда боз.
Аммо бу гал жўнар болалар шодон,
Негаки, «айрилиқ» – фақат уч ой ёз.
Улар қайтгунича чанглар босилиб,
Янги кварталлар кўтаради қад.
Болалар қайтишар,
Яйраб, ёзилиб,
Бу кун жўнашмоқда
Уч ойга фақат.
Эй, сиз,
Жажжи, дўмбоқ укажонларим.
Истиқболи ёрқин,
Бахти барқарор!
Узоқ йўл олдидан, жонажонларим,
Сизга икки оғиз айтар сўзим бор.
Салқин Подмосковье ўрмонларида
Қарағайлар аро,
Қайинлар аро,
Ажойиб боғлару бўстонларида
Сизлар яйраб-яйраб олганда ором –
Билиб қўйинг,
Бундан чорак аср аввал
Изғирин тунларда,
Аччиқ қаҳратон –
Одамлар бу ерда яланг тўшларин
Фашист танкларига қилганлар қалқон.
Ҳайрон бўлманг яна
Тупроқ ичидан

Занг босган дубулға топиб олсангиз,
Гумбурлаган садо келиб туради
Ернинг юрагига қулоқ солсангиз.
Мабодо кўрсангиз танҳо қабрни,
Майли, ким бўлмасин,
Гуллар терган дам,
Укалар, мен учун бир чечак қўйинг,
Ўша ерда қолган менинг ҳам акам.
Бир дам сукут сақланг
Қабр устида.
Айтинг,
Тинч ухласин у азиз инсон.
Сен кўрган у кунлар қайтмас денг сира,
Тириклар йўл қўймас бунга ҳеч қачон.

КЕЛИНЧАК

«Тошкент» сейсмик станциясининг маълум қилишича, кеча кундуз Тошкентда ер қимирламаган...

Бу даҳшат фожиа юз берди кеча.
Сокин чошгоҳ пайти,
Куппа-кундузи.
Ҳамма ёқ осуда,
Тинч эди ер ҳам.
Сўнди бу чошгоҳда бир қалб юлдузи...
Дастурхонда қолди ярим коса ош,
Қолди силкинганча қуруқ беланчак.
Гўдагини қучиб,
Дод солиб ногоҳ
Кўчага югуриб чиқди келинчак.
Олазарак боқди атрофга.
Жимжит...
Жимжит оташ сочар июнь қуёши.
Сочини силади,
Сўзсиз йиғлади.
Дувиллаб тўкилди кўзидан ёши.
Олуча шохида титрар бир япроқ,
Арикча жилдираб оқар эринчак.
Сийнасин ғижимлаб,
Узоқ йиғлади,
Сўнгра... бирдан қаҳ-қаҳ урди келинчак.
Бу даҳшат фожиа юз берди кеча,
Сокин чошгоҳ пайти.

Куппа-кундузи:
Ҳамма ёқ осуда,
Тинч эди ер ҳам,
Сўнди бу чошгоҳда бир қалб юлдузи.
Ҳали парвоз этмай синди бир қанот,
Бевақт очилмасдан сўлди бир чечак.
Қурбон бўлганларнинг сонига кирмас
Юракдан айрилган
Битта келинчак.
Ёри, севар ёри
Рангида қон йўқ,
Унсиз йиғламоқда, беролмай бардош.
Оҳ, нақадар оғир,
Нақадар оғир
Кўрмоқ йигит киши кўзларида ёш...
Зўрға айирдилар боладан уни,
Онага интилар,
Гоҳ қочар гўдак.
Ҳалок бўлганингда эди ногаҳон,
Бунчалар йиғламас эдим,
Келинчак.
Пок қадаминг теккан кўча чанги ҳам
Хайрлашар чоғи ердан қўзғалди.
Сени олиб кетган оқиш машина
Ортидан эргашиб,
Буралиб қолди.
Сен кетдинг,
Дилларни ўртаб, ёндириб,
Юракларда қолди алам-тугунчак.
Ҳаётни севардинг,
Қандоқ севардинг,
Кўчамизнинг кўрки эдинг,
Келинчак.
Йўқ, ҳеч ишонмайман,
Ишонгим келмас,
Ҳали бор кўксимда умид учқуни,
Доктор,
Мана менинг юрагим, олинг
Ва лекин ҳаётга қайтаринг уни.
Усиз ёруғ дунё ҳувиллаб қолар,
Усиз очилмайди боғларда чечак.
Етим бўлиб қолар ўксик шаҳарим
Ҳаётга қайтмаса
Ўша келинчак.

ЎЗБЕК ҚИЗИ ЛЮБОВЬ ТИМЧЕНКО

...Кеча тошкентликлар Харьков ва Луганскдан келган қурувчиларни қарши-лаб олдилар.

Бежо кўз ташлама менга,
Ҳой йигит,
Яхшимас,
Бекорга хафа қиламан.
Тил билмайди дея ўйлама мени,
Ўзбекчани сендан яхши биламан.
Сенинг шаҳарингга
Узоқ Харьковдан
Муҳаббат қидириб келган эмасман.
Мен ўзбек қизиман,
Мен шу ерликман,
«Жонон» дема мени, жонон эмасман.
Асли менинг исмим Баҳрихон эди,
Абдураззоқ қизи эдим аслида.
Ўйнаб юргандирман,
Ким билсин, балки,
Бизлар бузаётган манов яслида...
Менинг қиссам узоқ,
Сўзлайин агар
Тингламоқчи бўлсанг қаноат ила.
Ёш бўлсам ҳам менинг
Бутун ҳаётим –
Чорак аср давом этган зилзила.
Мен эсимни таниб
Шу ерда ўсдим.
Ҳар қарич тупроғи менга ошино:
Абдураззоқ ота – дадам эди-ю,
Онагинам эди – Шарифанисо.
Дадам ўлиб кетди,
Ёлғиз қиз қолдим,
Мени ишонмасди ҳеч қайга онам.
Кечалари иссиқ бағрига босиб,
Ўпиб эркаларди,
Дерди ягонам.
Ўзбек қизи эдим,
Йўқ эди шубҳам,
Баҳор гулларидан бошимда гултож.
Жамалак сочимни силаб қўшнилар,
Суйиб атардилар мени «Олтин соч».

Иккинчи синфга энди кўчгандим,
Орзуларим каби кенг эди олам.
Бир кун
Уйимизни сўроқлаб келди
Солдат кийимида
Нотаниш одам.
Эшикдан кирдию
Қулочин очиб,
«Люба, Любам» дея менга ташланди.
Йиғламасди сира эркак кишилар,
У солдатнинг кўзи бирдан ёшланди.
«Акагинанг қани,
Онанг қани», деб,
Фарёд қилиб мени тутди саволга.
Яна қандай онам,
Қандай акам, деб
Ҳайрон бўлар эдим бу ажиб ҳолга.
Сўнг...
Сўнг жўнаб кетдим у одам билан,
Худди кечагидек ёдимда бари:
Кўз олдимдан сира кетмайди у кун
Онамнинг жавдираб боққан кўзлари.
Бор, қизим, дерди у,
Бор, дўмбоққинам,
Кузда бориб ўзим олиб келаман.
Дерди: – Бу ўз даданг.
Мен эса гаранг,
Дадам бошқалигин қайдан биламан.
Йўл бўйи у менга қилди ҳикоя:
(Сўзларди у одам ғоят таъсирли.)
Уруш бошланиши,
Даҳшатли жанглар,
Сўнг душман қўлида тўрт йил асирлик.
Ғалаба...
Озодлик,
Юртга қайтгани,
Мени излагани, кезиб мамлакат.
Ҳикоя сўнгида – мана сен дея,
Чўнтагидан олиб кўрсатди сурат.
Суратдан боқарди ярим яшар қиз,
Мен каби сариқ соч,
Юзи думалоқ.
Мен шунда ишондим,
У – отам эди,

Дада, дегим келди,
Айтмадим бироқ.
Биз Харьковга келдик,
Ёз бўйи турдик –
Тўрт хоналик уйда фақат икковлон.
Меҳрим ортар эди кундан-кун унга,
Дада демас эдим
Ва лекин ҳамон.
Онамни, Тошкентни соғинар эдим,
Лекин билинтирмас эдим аламим.
Бу одам кечирган кунлар олдида
Нима бўпти менинг
Кичкина ғамим...
Янгидан биринчи синфга бордим,
Сентябрь тонгида очилиб хушҳол.
Ўзим ҳам таажжуб қилардим –
Тилим
Украин сўзига қовушди дарҳол.
Аммо
Ёш бошимга тушди фалокат,
Ғам булути босди бахт осмонимни.
Ярим кеча эди,
Бир киши келиб
Олиб кетди ёлғиз меҳрибонимни.
Ўша кеч куз пайти,
Ёмғирли кеча
Кўз олдимдан нари кетмайди ҳамон:
Хайрлашар экан,
Биринчи марта
У одамни қучиб
Дедим:
«Дадажон!»...
Дадам қайтгани йўқ,
Уни эсласам
Анор донасидек эзилар юрак.
Соғиндим,
Кўп кутдим,
Зор бўлдим, аммо
Ўзбек онамдан ҳам топмадим дарак...
У куни
Москва қилганда хабар
Фалокат тушганин Тошкент бошига,
Дарҳол учиб келдим,
Қизи келгандек

Оғир кунда қолган она қошига.
Бахтли эдим,
Кичик меҳнатим билан
Шаҳрим ярасига малҳам бўлолсам,
Қурилажак Тошкент пойдеворига
Юрагим меҳрини пайванд қилолсам.
Мана, саҳар туриб,
Кун бўйи ишлаб,
Кечқурун шаҳарни кезаман танҳо.
Ногаҳон учраса оқ сочли аёл.
Сўрайман:
Сизмасми Шарифанисо?
Йўқ деб бош чайқашар,
Зилзилага йўйиб –
Шўрлик қиз дейишар,
Боқишар ҳайрон.
Мен-чи, йигирма йил ўтган бўлса ҳам
Онамдан умидвор,
Излайман ҳамон.
Агар ҳаёт бўлса,
Уни топаман,
Қувончга тўлдириб мунис қалбини,
Агар ўтган бўлса,
Кечирим сўраб,
Қучоқлаб йиғлайман топиб қабрини...
Мана менинг қиссам,
Эшитдинг, йигит.
Энди халал берма саволлар ила,
Ёш бўлсам ҳам менинг
Бутун ҳаётим –
Чорак аср давом этган зилзила.

ШАҲАР ИЖРОКОМИНИНГ РАИСИГА ОШИҚЛАРДАН АРИЗА

«...26 апрелда Тошкент «Бахт уйи»да 25 та никоҳ қайд этилган...»

Ўртоқ раис,
Ишингиз кўп,
Вақтингиз кам, биламиз.
Аммо, узр, уч-тўрт минут
Фурсатингиз оламиз.
Қўйинг бир дам қоғозларни,
Дунё иши битганмас.

Кўзойнакни олиб қўйиб,
Қулоқ беринг бир нафас.
Биз ошиқлар, яъни биз ҳам
Шу шаҳарга граждан.
Аризага ҳаққимиз бор
Эл қатори шу важдан.
Қандай бўлса янги шаҳар –
Бизга эмас барибир.
Ошиқ халқи тарқоқ халқ-у,
Лекин гапи, дарди бир.
Ўртоқ раис, ишқ аҳлини
Қўшсангиз гар қаторга,
Таклифимиз эшитингу
Тиркаб қўйинг қарорга.
Аввало шу –
Бизлар кўпмиз,
Бизлар юз минг нафарча.
Шаҳар ичра қуриб беринг
Бизлар учун шаҳарча.
Бу шаҳарга ном қўйилса –
«Севги шаҳри» аталсин.
Дарвозаси тепасига
Катта шиор қадалсин.
Бу шиорга катта қилиб,
Ҳамма учун кўрсатиб,
Зўр шоирга буюртириб
Шеър ёзилсин тўрт сатр.
Мазмуни шу:
Бу шаҳарча
Барча учун кенг очиқ,
Ким бўлмасин юрагидан
Фақат бўлсин чин ошиқ.
Аммо зинҳор бу шаҳарга
Киритилмас бедардлар.
Севги юкин кўтаролмай
Бир бор қочган номардлар.
Чин муҳаббат, чин дард бўлсин
Бу шаҳарча аҳлида.
Шаҳарчанинг айланаси
Бўлсин юрак шаклида.
Садоқатга макон бўлсин,
Тимсол бўлсин умрбод.
Энг марказий кўчасига
«Вафо» дея қўйинг от.
Битта кўча «Ўпич» бўлсин,

Битта майдон
«Аҳд-паймон».
Бу кўчага кирмаганлар
Мангу қилсин пушаймон.
Бир хиёбон «Висол» бўлсин,
Ҳеч бўлмасин фироғи.
Хира бўлсин, кўкиш бўлсин
Бу хиёбон чироғи.
Битта кўча бу шаҳарда
«Изҳори ишқ» аталсин.
Тажрибасиз ёш ошиқлар
Дардин бунда айтолсин.
«Севаман» деб ёзиб қўйинг
Бу кўчанинг бошига.
Айтолмаган тўхтаб турсин
Шу ёзувнинг қошида.
Катта равон шаҳроҳ номин
«Покизалик» деб қўйинг.
Оқ мармардан лавҳа қўйиб,
Навоийдан байт ўйинг.
Бу шаҳарга мангу қилиб,
Ўчмас қилиб зарҳали
Ўрнатилсин Фарҳодларнинг,
Мажнунларнинг ҳайкали.
«Вафо» номли кўча узра
Турсин аҳли чин вафо,
Ромео ва Тоҳир бўлсин,
Джульетта ва Зуҳро.
«Май ва маҳбуб» кўчасининг
Кираверишйўлида
Турсин шоир Умар Хайём,
Май косаси қўлида.
«Саргашталик» кўчасининг
«Рашк» тупиги устида
Отеллонинг шакли турсин
Қора кийиб устига.
Бу кўчанинг охирида
Бўлсин «Макр» майдони.
Тасвир этинг бунда ғолиб
Ёсуман ва Ягони.
«Гумон» ва «Ғаш» кўчасига
Белги қўйинг каттакон.
Бу кўчага киришмасин
Ёш ошиқлар ҳеч қачон.

Қоровуллар қўйинг, ҳайданг,
Интилса денг «нари бор!»
Айтинг, кўча охирида
«Айрилиқ»нинг жари бор.
Шаҳарчада ўссин фақат
Сарву гулу сунбуллар...
Гул шохида эртаю кеч
Сайраб турсин булбуллар.
Товуслар тинч хиром этсин
Бериб ўзга оролар...
Бу шаҳарга кўчирилсин
Барча ЗАГС бюролар.
Уйланганлар бу шаҳарга
Келиб турсин гоҳида.
Ором олиб ўтиришсин
Бир дам «Яраш» боғида.
Ёшликларин эслаб, ишқдан
Афсоналар айтишсин.
Хўмрайишиб келган бўлса,
Чақчақлашиб қайтишсин.
Ўртоқ раис,
Ишингиз кўп,
Вақтингиз оз, биламиз,
Шунинг учун аризани
Майли, қисқа қиламиз.
Биз сиздан уй сўрамаймиз,
Бизлар шундай, турфамиз,
Бошпанамиз мовий осмон,
Юлдузлардир кўрпамиз.
Бошпанамас, бизга фақат
Пана керак тузукроқ.
Шаҳар ёруғ кеча-кундуз,
Дала эса кўп йироқ.
Йўқ, ҳазилга йўйманг буни,
Гапларимиз бари чин.
Биз билмасак, ким билади
Шаҳарнинг ҳар қаричин.
Ҳа денг, ё йўқ, кетмас бунда
«Аммо», «ёхуд», «магар»и,
Бизга қолса бутун Тошкент
Бўлсин «Севги шаҳари».
Хулоса шу – илтимосни
Бажарсангиз хўпу хўп,
Йўқ десангиз, юқорига

Ёзажакмиз бизлар кўп.
Ҳайрон бўлманг, устингиздан
Арз қилувчи жойимиз –
На Совмин, на Олий Совет,
Балки келин ойимиз.
Ахир сиз ҳам севишгансиз...
Хўп десангиз ажабмас,
Келин ойим икки оғиз
«Куриб беринг» деса бас.
Хайр энди, қарор кутиб
Юрагимиз ошиқар.
Салом билан шаҳрингизда
Яшагувчи ошиқлар.

ШАҲРИ ДИЛОРОМ

Тошкент,
Ўзбекистон раисига тегсин.

Мен бу йил тўртинчи синфни битирдим. Ёшим ўн бирда. Ер қимирлаш қанақа бўлишини билмайман. Бизнинг маҳаллада кеча Тошкентга ёрдам деб пул йиғишди. Мен атлас кўйлакка йиғиб юрган беш сўм пулимни юбораяпман. Болалар боғчаси қуришингизни сўрайман.

Дилором. Ўш шаҳридан

Дилором,
Дилором,
Жажжи сингилчам,
Дўмбоқ юзларингни қилдим тасаввур.
Мунисам,
Каттакон мададинг учун
Бош эгиб айтаман сенга ташаккур.
Жаҳон подшолари хазинасидан
Олтин юборганда ҳамки беадад,
Дилором,
Дилором,
Жажжи сингилчам,
Сенинг ёрдамингча бўлмасди мадад.
Биз бунга бир эмас, юзлаб ва минглаб
Боғчалар қурамиз,
Қўрқма, етади.
Сендек меҳрибони бор экан, демак,
Тошкент жароҳати битиб кетади.
Фақат сен омон бўл, яйрагин кулиб,

Қора қошларингга қўнмасин ғубор.
Сен саломат бўлсанг, меҳрибонгинам,
Бу оғир кунларда толмаймиз зинҳор.
Сен учун бир шаҳар қурайлик, дўмбоқ,
Кирпи одамлар қилгудек ҳавас,
Осмондай кенг бўлур, денгиздай мовий,
Кўксингни тўлдириб олурсан нафас,
Хиёбонлар аро сени етаклаб,
Чароғон кечада ва ё кундузи
Бирма-бир Тошкентни кўрсатиб чиқар
У кун Ўзбекистон раиси ўзи.
Нақадар ажойиб,
Нақадар сулув,
Бунга сен сабабсан, сенинг ҳимматинг.
Ям-яшил шаҳарнинг энг ўртасига
Ўрнатиб қўямиз катта суратинг.
Токи узоқ-узоқ юртлардан келиб
Гўзал шаҳримизда олганда ором,
Дўстлар сўрасинлар:
Бу қандай шаҳар?
Биз жавоб берайлик:
Шаҳри Дилором.

НИҲОЯ

«Тошкент сейсмик станцияси хабар беради: 26 апрелдан буён ўтган икки ой ичида Тошкентда 500 марта ер қимирлади. Зилзиланинг кучи сўниб бормоқда».

Булар достон эмас,
Булар барчаси –
Зилзилада кўчган
Шеърлар парчаси.
Жарангли қофия,
Чиройли нисбат,
Янги ташбеҳларга
Йўқ эди фурсат.
Зудлик керак эди,
Кутарди замон,
Палатка ичида
Туғилди достон.
Фикрлар бениқоб,
Яланг туйғулар.

Чанг босган дафтарга
Ёзилди булар.
Бу – шоирлик эмас,
Инсонлик фарзим,
Бўйнимда қолади
Ҳали кўп қарзим.
Шоирлар ёзажак
Ҳали кўп достон.
Бир оз фурсат ўтсин,
Босилсин тўзон.
Бошдан учган ҳушлар
Жойига қўнсин,
Чайқалиш тўхтасин,
Фикрлар тинсин.
Кўнгилга шеър сиғмас
Юраклар танда –
Симоб қатрасидай
Қалқиб турганда.
Бари ўтиб кетар,
Ваҳима – ортда.
Нималар бўлмайди,
Ахир, ҳаётда.
Ҳали ишимиз кўп,
Ҳали кўп ҳашар.
Қурмоғимиз керак
Янгидан шаҳар.
Ҳақиқий Тошкентни
Тиклаймиз ҳали.
Сўнг келар ҳақиқий
Шеърларнинг гали.
Булбуллар сайраган
Боғу гулшанда
Шеърхонлик қиламиз
Тўйиб ўшанда.
Қувноқ гурунгимиз
Этади давом,
Биз билан бўлади
Жажжи Дилором.
Шарифанисони
Топган Любахон
Уйида бўламиз
Бир кеча меҳмон.
Биздан нима кетди –
Йўлма-йўл бир дам
Бош суқиб ўтамиз

Ижрокомга ҳам.
Бизни қарши олар
Дилкаш, қувноқ мэр,
Тортмасидан олиб
Ўқиб берар шеър.
«Бу хатни ёзишган
Ошиқлар менга...»
Бизлар билмагандай:
«Ҳа, шундай денг-а...»
Раис бизни бошлар
Кўчалар сари.
«Мана, дўстлар, сизга
«Севги шаҳари».
Ошиқлар наказин
Қилолдик адо.
Бу шаҳарга келсин
Ким бўлса шайдо».
Кўчалар четида
Олмаю гилос,
Анорлар қизариб
Гуллайди қийғос.
Неча йиллар оша
Ўчмай зарҳали
Туради Фарҳоду
Мажнун ҳайкали...
Ҳа, шахрим тилларда
Достон бўлади.
Қримга қочганлар
Қайтиб келади.
Яна мажлисларда
Минбардан туриб,
«Жоним халқимга» дер
Кўксига уриб.
Биз эса мажлисдан
Қочиб ўшанда
Шеърхонлик қиламиз
Боғу гулшанда.
«Ғазал» хиёбонин
Этамиз сайр.
Ўқувчим,
Шу ерда
Ҳозирча хайр.

1966 йил 28 май – 10 июнь,
Тошкент

ҚУЁШ МАСКАНИ

* * *

Мен бир ўзбек ўғли,
Келиб дафъатан
Қадимий Сайҳуннинг канорасидан
Букун Москвага қараб турибман
Юксак Останкино минорасидан.
Қўлимда бир қадаҳ тим қора қаҳво,
Елкамда муаззам гумбази даввор.
Қаршимда поёнсиз бу ажиб маъво
Кўкиш туман ичра ётар улуғвор.
Булутлар теграмда сузиб юрипти,
Шунчалар яқинки, еттудай қўлим.
Нигоҳим ҳайратдан йўқотиб қўним
Мовий чексизликда кезиб юрипти.
Қуёш ғарб уфқига ловиллаб ботар,
МГУ қуббасида бир ҳовуч зари.
Олис-олисларда товланиб ётар
Гранит қирғоқли дарё камари.
Мана,
Шарқ уфқидан юксалиб аста
Ёнгинамга келиб тўхтади ҳилол.
Соҳир қанотига чирмаб ораста
Мени олиб учар
Ойдин бир хаёл...

* * *

Хаёл...
Сайри унинг гоҳ ер, гоҳ фалак.
Кўзгунинг беором шуъласи мисол.
Унга бир нафасдир ўтмиш, келажак.
Унга бир қадамдир жануб ва шимол.
Мен бу юксакликда хаёл билан маст,
Хаёлнинг кифтида турибман ўзим.
Фақат нигоҳ етган уфқлар эмас,
Бутун коинотни кўрмоқда кўзим.
Ҳов ана,
У ерда тугайди ўрмон,
Давоми туташдир поёнсиз чўлга.
Чўл орти мен учун энг азиз макон
Ўзбекистон дея аталган ўлка.
Не ажаб,
У томон бокдим дафъатан,

Вужудимни тортди бир оҳанрабо.
Ой ҳам кўтарилар ўша тарафдан,
Ўша юрт устида порлайди Зухро.
Унда мен илк марта оламни кўриб,
Илк бор «Алифбо»дан олганман таълим.
Олам марказининг кифтида туриб,
Она юртим,
Сенга қиламан таъзим.

* * *

Сўлим Фарғонанинг мунис бағрида
Бор олти ариқдан сув ичган қишлоқ.
Унда
Чорак аср мендан нарида
Болалигим чопар тўзғитиб тупроқ.
У йироқлаб борар,
Мен ортидан жим
Хаёл дурбинида қараб қоламан.
Оҳ, болалик, дейман,
Аммо ўзим ким?
Отамнинг ёшига етган боламан.
У менинг ёшимда умрини яшаб,
Шараф китобига битиб номини,
Ўзи шундоқ севган ҳаётни ташлаб...
Йўқ, у боқий қилди ҳаёт шонини.
Мен қисқа кечмишим сарҳисоб этсам
Бир савол фикримда ҳамиша ёниқ:
Одам бўлолдимми дунёда мен ҳам
Отамнинг ўғлиман демоққа лойиқ?
Мен шундай яшашни қилардим орзу,
Ҳам шундай бўлмоқни эл учун фидо.
Қон бўлиб қалбимга сингган бу туйғу,
Менинг маслагим шу
Азал ибтидо...

* * *

Ўтган кунларимни
Қилсам хаёлот,
Умрим китобини варақлаб кўрсам,
Барча шодликларин берибди ҳаёт,
Аямабди аммо озорини ҳам.
Ҳали етти ёшга тўлиб-тўлмасдан,
Онамдан ҳам қониб эшитмай эртак,
Отамнинг меҳрига тўйиб-тўймасдан

Қўша жудоликни кўрибди юрак...
Лекин тақдиримдан норизо бўлсам,
Ёлғиз ўсдим десам йўқ зарра ҳаққим.
Она бўлиб мени қучдию ўлкам,
Ота бўлиб бошим силади халқим.
Жигар бўлиб боқди неча мушфиқ кўз,
Неча дўст-ёр топдим, неча биродар,
Эсим таниб, менга
«Тоға» деган сўз
«Ота» деган сўзга бўлди баробар.
Унинг меҳри ила
Умр ирмоғим
Қуйилди каттакон ҳаёт наҳрига.
Қолди Олтиариқ –
Ота қишлоғим,
Она шаҳрим Тошкент олди бағрига.

* * *

Соғинч билмасайди
Болалик агар,
Ўйчан қилмасайди пинҳона дардим,
Балки, кўп қатори мен ҳам бир ҳунар,
Бир фойдали касбнинг измин тутардим.
Мен юксак билардим олим хизматин,
Муҳандис бўлмоқни қилардим тилак.
Аммо хаёл берди менга қисматим,
Тақдир менга берди беором юрак.
Мунажжим бўлмоқни қилардим орзу,
Гоҳи кўк сайрида тонглар отарди.
Аммо юрагимда ўзга бир ғулу,
Ўзга бир ғалаён чўкиб ётарди.
Булоқ ер остида кезиб кўп замон,
Силқиб замин узра чиққандай бир кун,
Кўксимни тўлдириб ётган дард, туғён
Оқ қоғоз юзига тўкилди бутун.
Шунда унут бўлди барча изтироб,
Яна нурга тўлиб кўринди олам.
Маъюс юрагимни овутди китоб,
Кемтик ҳаётимни тўлдирди қалам.

* * *

Қалам!
Эҳтиромим, олқишим сенга,
Танҳо кечаларда эй танҳо улфат.
Олам юкин ортдим нозик белингга,
Йўлимиз олисдур,
Толиқма фақат.
Ҳеч кимга очмаган кўнглимни танҳо
Сенга очган эдим, сирдош, қадрдон.
Ёдингдами,
Бир қиз этганда шайдо
Ёзгандик ишқ хатин бирга икковлон.
Қалбим сўзларига жим қулоқ солиб
Сен тунлар қошимда шам бўлиб ёндинг.
Мен-ку сенга айтдим,
Сен ичга солиб
Куйиб кўмир бўлмиш риштаи жонинг.
Ҳамон сирдошимсан,
Не келса дилга,
Сенга айтмоқ учун қўлга олурман.
Ишончим бор,
Ҳатто сўнгги манзилга
Сени асо қилиб етиб борурман.
Рост қаддинг қаддимни қилгуси расо,
Чунки тўғрилигинг – кучинг, қаламим.
Адил йўлга бошла мени доимо,
Ўткир бўлсин мудом учинг, қаламим.

* * *

Шеърият – бу асли жунун камоли,
Майлига, ким уни нима демасин.
Ҳаёт уммонида ёзмиш шамоли
Бўронларга бурди умрим кемасин.
Мақсад соҳилига интилдим бетин,
Интилмоқ ёр бўлди гўдак ёшимдан.
Гоҳи елкасига кўтарди тўлқин,
Гоҳ эса муздек сув қуйди бошимдан.
Изланиш йўлининг сабоқлари мўл,
Ким қидирмас экан,
Бўлмас хатоси.
Янглишсам кўрсатди менга тўғри йўл
Қутлуғ эътиқодим қибланамоси.
Йўлнинг азобидан эгилса қаддим,
Бетин заҳматлардан толиқса юрак,

Навоий руҳидан мадад сўрадим,
Усмондек[1] Пушкиндан ўтиндим кўмак.
Йўлимни ёритди
Шу икки маёқ,
Дилимни ҳамиша тўлдирди нурга.
Қалб!
Сенга ишондим йўл бошидаёқ,
Ўзинг раҳнамо бўл бутун умрга.

* * *

Мени шеър боғига етаклаган ким?
Бу чаман асрорин ким этди аён?
Оламдан мен фақат шодлик изладим,
Менга устоз бўлди Ҳамид Олимжон.
Юрагимга яна бир ҳамдам топдим
Есенин шеърига бўлгач ошино,
Гёте очди менга сирлар китобин –
Фауст билан бирга сайр этдим дунё.
Фузулий девонин қўлимга олдим,
У солди кўнглимга ғазал меҳрини...
Кўп заҳмат сўнгида
Англаб етолдим
Устоз Алишернинг буюк сеҳрини.
Уни танидиму элимни билдим,
Маҳкамроқ тургандай бўлдим заминда.
Диёрим,
Сен билан ифтихор қилдим,
Барча шавқу оташ шу боис менда.
Агарда сўрсалар:
– Илк устозинг ким?
Сенга шеър асрорин ким этди ошкор?
Дейман:
– Қалам берди муқаддас юртим,
Ватан меҳри этди мени шеърга ёр.

* * *

Олам кенг,
Эллар кўп,
Юртлар бешумор.
Ҳар юрт ўз аҳлига гўзал ва ажиб.
Не бахт,
Қуёшистон таърифли диёр

[1] Усмон Носир назарда тутилган.

Нурли пешонамга бўлибди насиб.
Мен илк бор дунёнинг харитасида
Олтин узук янглиғ ўлкамни кўрдим.
Заминнинг дўппидек бир палласида
Ҳилолий нусха гул –
Бу менинг юртим!
Диёрим тимсоли кекса Тиёншон,
Чўзиб икки дарё – икки қўлини,
Узатиб турипти Шарқу Ғарб томон
Дўстлик косасини – Орол кўлини.
Ўлкамнинг тасвири ўхшайди кўзга,
Не тонг, кенг оламга боққан кўзим ул.
Яна юртим учун не дейман ўзга,
Менинг ҳаётим ул, ризқу рўзим ул.
Ахир онага ҳам сидқ айлаб бажо
Уни атамаслар ой ёки қуёш.
Қошида тиз чўкиб,
Она, деб танҳо,
Индамай қўюрлар сийнасига бош.

* * *

Бёрнс шеърларида тирилди тоғлар,
Жамбул ўланлари тутди саҳрони.
Ҳар шоир ўз элин назмга боғлаб,
Юртига қаратди бутун дунёни.
Чингиз Олатовга бахш этди юрак,
Мирзо ғазалида кулди Бадахшон...
Мен юртимни ёзсам бўлмоғи керак
Осмон оқ қоғозу
Денгиз сиёҳдон.
У қуёшдай мунис, ҳаётбахш сийна,
Замину замири туганмас кондир.
Ернинг нася эмас, балки накдина
Жаннати аталган Ўзбекистондир.
Бу ерда битмаган неъмат йўқ асло,
Жонфизо кўксида гуркираб ётар
Энг узоқ шимолнинг арчасидан то
Энг олис жанубнинг лимуси қадар.
Дарёлар,
водийлар,
денгизу
тоғлар...
Табиат кўркининг ҳаммасидан бор.
Бунда шеър бўлиб очилар лола,
Бунда эртак бўлиб етилар анор.

* * *

Қанча азиз бўлса,
Қанча мукаррам
Рязань соҳирига[1] жавдар бошоғи,
Шунчалар чиройли бўлди менга ҳам
Тупроғимда ўсган пахта чаноғи.
Пахта...
У севгидек мавзудир ўлмас,
У илҳом чашмаси – мангу булоқдир.
Аммо у чаманнинг кўксида гулмас,
Ернинг кафтидаги оқ пўрсилдоқдир.
У жон риштасидан яралган самар,
Чаноққа жо бўлган ҳовуч тўла нур.
У манглай теридан етилган гавҳар,
У нури дийдадан бино бўлган дур.
Шу дур билан тўлди
Ўлкамнинг қўйни,
Жавоҳир конига айланди бу кун.
Она халқим!
Тарих елкангга қўйди
Миллион тонналарнинг заминдай юкин.
Улуғлайман
Токи танда жоним бор
Манглайидан офтоб ўпган ўлкани.
Сени улуғлайман,
Азамат диёр!
Саховат махзани,
Қуёш маскани.

* * *

Муҳаббат қўёлгай қайси маъвога
Ўз юрти қадрини билмаган одам.
Шунча бўлармиди меҳрим дунёга,
Ўзбекистон, сени шунча севмасам?
Қалбим сенинг учун жўш урмаганда
Нурли кўрингайми эди бу жаҳон?
Она муҳаббатин билмаган банда
Содиқ бўлолгайми дўстга ҳеч қачон?
Байрон – ўз юртининг суюк ўғлони,
Ўз эли меҳри-ла туздию наво,
Юнон тупроғида узилди жони,
Бир халқ эрки учун жон қилди фидо.

[1] Сергей Есенин назарда тутилмоқда.

Енисейда ўсган сибирлик йигит –
Унга ҳам ўз юрти эди кенг жаҳон,
Вақт келиб ўлимга турди бетма-бет,
Европага қилди кўксини қалқон.
Ёниқ шоир юрак Султон Жўранинг
Белорус ерида қолган қабри бор...
Киндик қонинг теккан ерми Ватанинг,
Ё қалб қони томган заминми диёр?

* * *

Қардош дўстим!
Сен ҳам ўқирсан шеърим,
Тилингга таржима бўлса мабодо.
Ҳозирча тил топиб оламиз, шерик,
Биз учун бу ортиқ эмас муаммо.
Тасодиф учрашиб қолдик биз бугун
Юксак Останкино минорасида.
Кел, жиндай ичайлик,
Жиддийлик нечун
Ўтиргандай местком идорасида.
Билмайман, номинг ким,
Миллатинг надир.
Ҳозир бунинг нима зарурати бор?
Сен борсан, мен борман.
Бор май ва сурур.
Шунча юксакдамиз,
Ўзга не даркор?
Ёшларнинг тили бир дерлар ҳамиша,
Айниқса сафарда...
Бу гап-ку аён.
Агар билсанг, дўстим, мана бу шиша
Оламда тенги йўқ бурро таржимон.
Кел, қардошим,
Икков бўлиб ҳамнафас,
Мана шу қадаҳни ичайлик бу кун.
Нотиқлар сўйлаган «ҳамдўстлик» эмас,
Бизнинг шу девона ошналик учун.

* * *

Балки полкдош бўлган оталаримиз,
Балки бир окопда бирга ётишган.
Биллур қадаҳларда шароб ичсак биз,
Улар флягадан спирт отишган.

Тилаклар айтганда, балки бир нафас
Бизнинг бу онларни қилишган хаёл.
Бу ерда ўлтирган, ўйла, биз эмас,
Ўша бир вақт полкдош бўлган икки чол.
Бу уларнинг кўзи,
Улар қилган ҳис,
Бу улар кўксида ёнган эҳтирос.
Биз фақат уларнинг тирик руҳимиз –
Биз улар умрининг давоми, холос...

* * *

Юлдузлар дарёси –
Чайқалар само,
Ярим ой тиккада балқиб турибди.
У чексиз фалакда муаллақ, танҳо,
Олам юрагидек қалқиб турибди.
Минг йиллар аввал ҳам шундай эди ой,
Шундай шарқдан чиқиб
Ғарбга ботарди.
Саъдийни лол этган эди бу чирой,
Искандар ҳам балки унга боқарди.
Бу кун ҳам у ўша,
Фақат бу замон
Фазо кемалари қатнаб турибди.
Лекин шу чоқ Ерда
Бир гуруҳ инсон
Қамиш кийиб, ўқ-ёй осиб юрибди.
Биз эсак гоҳ кўйиб олам ишларин
Фазодан тирик жон излаймиз, ажаб.
Ер узра замоннинг тебранишлари
Чексизлик олдида нима деган гап?
Қўй бу хаёлларни!
Кел, майдан олдик.
Балки томчисида унинг минг дунё.
Биз икки заррамиз –
Учрашиб қолдик
Буюк ва Бесарҳад Мангулик аро.

* * *

Нур қўйнида ёнар фалак ҳам, ер ҳам,
Ҳилол кўкдан пастга оҳиста сузар.
Ўйлайман,
Ҳозир мен дарчани очсам
Капалакдай учиб кирар юлдузлар.

Ҳамон билолмайман
Ўнгми бу рўё?
Парвоз этмоқдаман гўё фазода.
Дўстим, қўлингни бер,
Ўзингмисан; ё –
Кўрганим малакми арши аълода.
Юлдузлар базмига тополмай қиёс
Турибман бу нурлар кошонасида.
Бу ердан самовот бир қадам, холос.
Масканим фалакнинг остонасида.
Юр, дўстим,
Бирга сайр этайлик, ўша –
Сомон юлдузлари бўлсин пойандоз.
Бизни юксакларга йўллаган гўша
Йироқлардан боқсин хушнуд сарфароз.
Уфқ манглайига дурдай қадалган
Ўша юлдузимиз ярқироқ бўлсин.
Унинг
Жаҳоний Эрк
дея аталган
Нурли келажаги яқинроқ бўлсин.

1970

Илтижо

* * *

Баҳор.
Баркут кийиб безанди боғлар,
Саҳролар кўксига тақди қизғалдоқ.
Қуёш этагига оқ булут боғлаб,
Ўрик шохларида қовурди бодроқ.

Еллар олиб қочди қишнинг хобини,
Барглар чапак чалиб уйғонди шодон.
Бутоқларга қўниб, гул китобини
Варақлашга тушди булбул – ғазалхон....

Бугун коинотда эзгу бир ташвиш,
Ғунча гул бўлай деб кўзин очади.
Мусича олдидан бир дона чўпни
Чумчуқ уясига олиб қочади.

Ҳайдалган даладан бир хас ортмоқлаб –
Чумоли югурар – у ҳам тирик жон.
Шошилиб чопади табиб ирмоқлар
Ернинг томирига қуймоқ учун қон...

Она тупроқ эса куз ташвишида,
Юксак хирмонларга сийнаси юклик.
Унинг сокингина тин олишида
Бордир оналарга хос бир буюклик.

1968

ШОИР

Ҳусниддин Шариповга

Шоирларга ҳайрон бўлманг,
Шоир халқи турфароқ.
Гоҳи мағрур, гоҳи дилтанг,
Гоҳ ҳазин, гоҳ тумтароқ.
Унга бир пул мансаби ҳам,
Унда мансаб бўлмайди.
Севгиси ҳам, ғазаби ҳам
Чегарани билмайди.
Оқил одам ғам, азобдан
Ёниб фиғон бўлади.
Шоир эса изтиробдан
Завқ қилади, кулади.
Бошқаларга дам олиш кун,
Таътил ойи берилар.
Шоир янги ташбиҳ учун,
Ўлган бўлса, тирилар.
Бошқалар ўз дил дардини
Бошқаларга тўкади.
Шоир дарди юрагининг
Тубларига чўкади.
Шоирларга ҳайрон бўлманг,
Шоир халқи турфадир.
Шеър олами бу оламнинг
Эвазига тухфадир.
Ором билмас шоир қалби,
Чунки ором завқ эмас.
Мана, шифтга қараб қолди,
Халал берманг бир нафас.
Хаёлига банд у ҳозир,
Икки дунё бегона.
Бир оз гўдак, бир оз... шоир,
Бир озгина девона.

1968

ШОИР ҚАЛБИ

Шоир қалби гўё анор,
Шеъри унинг шарбати.
Бўлмас экан шеър аҳлининг
Ўз қалбига шафқати.
Тинмай эзар, эзар уни,
Аммо шоир билади –
Пиёласи тўлган куни
Паймонаси тўлади.

1968

ТАСАВВУР

Болалик экан-да,
Муаллимимдан
Сўрабман бир куни:
– Айтинг-чи, агар
Ер шундай тезликда айланса чиндан,
Не учун тўкилиб кетмас одамлар?

Ёдимдан чиқмайди бир челак сувни
Муаллим бош узра айлантиргани.
Қатра тўкмай ерга қўяркан уни,
Тушундингми, дея мендан сўргани.

Йиллар ўтиб кетди ва лекин ҳамон
Ўша илк тасаввур яшайди менда.
Бир челак сув каби айланар жаҳон,
Мен-чи, бир томчиман ўша тўлқинда.

Учқур замон билан қалқиб, чайқалиб,
Чарх уриб бораман гирдоблар аро.
Бешафқат тезликдан асабим толиб,
Бир нафас тин олсам дейман-у, аммо –

Мендами ихтиёр?
Югурар замон,
Шиддати ўтади ҳар бир толамдан.
Тўхтасам, тўкилгум бир томчисимон,
Томчидек йўқ бўлиб кетгум оламдан.

1969

УСТОЗ ҲАБИБИЙГА

Муборак, домла, саксон ёш, умрга битта боб ўлсин,
Кўпайсин боблару саксонта боблик бир китоб ўлсин.

Яна саксону саксон йил ўтиб қомат букундай тик,
Юзу кўнгил букундай моҳитобу офтоб ўлсин.

Қўлингиздан яна саксону саксон тушмасин хома,
Етолмай илкингизга ҳасса саксон йил хуноб ўлсин.

Умр ҳам кексаликдан, хасталикдан бўлсин-у холи,
Юзу саксонда шоир ўн саккиз ёшдек шабоб ўлсин.

Битиб сонсиз ғазал дил мулкини забт айлангиз ҳар дам,
Мухаммас ҳам саноқсиз, қитъаю фард беҳисоб ўлсин.

Арузий вазни номарғуб деган баъзи мунаққидлар
Сўзи шудгорга оқсин, қишга қолсин-у яхоб ўлсин.

Домулло юзга етгач, ўттиз икки янги тиш чиқса,
У дам ичгони юз-юз, егани кавказ кабоб ўлсин.

Ҳабибий ёши саксон бўлди деб айтган хато қилгай,
Ики ўн бир, ики ўн тўрт, ики ўн беш ҳисоб ўлсин.

1970

ҚОЗОҚ ОҚИНЛАРИГА[1]

Ўлкамнинг жамоли ўзгача букун,
Шоҳроҳ кўчалар ҳам ясанган гулгун.
Букун шеър ва ўлан қилмоқда парвоз,
Дўмбира авжида, чирманда ҳам соз.
Дўстларга аталган чечаклар алвон,
Серфайз шийпонларда ёзиқ дастурхон.
Йўлкалар суприлган, очиқ дарвоза,
Ҳар хонадон ичра бир шўх овоза:
Ўзбекнинг уйида букун қадрдон
Эгизак оғаси бўлмоқда меҳмон.

[1] Ўзбекистонда қозоқ адабиёти декадасининг очилишида ўқилган.

Меҳмон ўзи кимдир? – Абай, Жамбулдир!
Мезбон ўзи кимдир? – Жуманбулбулдир!
Фазогир Бойқўнғир меҳмондир букун,
Олим Чирчиқ эса мезбондир букун.
Оҳангар Бекобод қилди-ю таклиф,
Маъданчи Жезқазғон буюрди ташриф.
Қўшиқнинг уйига жирлар келибди,
Пахтазорга мовий қирлар келибди.
Ўзбекнинг уйида букун жонажон
Эгизак оғаси бўлмоқда меҳмон.

Букун меҳмон бўлиб чўнг санъат келди,
Том-том китоб келди, шеърият келди.
Букун фавворада бўлди зўр бозор,
Қозоқ деҳқон бўлди, ўзбек харидор.
Оқсоқланиб юриб Абдилла оғай
Қолди китобидан ўзи ололмай.
Қозоқнинг ардоқли ўғли – Ўлжаси
Ўзбек шеърхонининг бўлди ўлжаси.
Ўзбекнинг уйида букун меҳрибон
Эгизак оғаси бўлмоқда меҳмон.

Дўстлар, хуш келибсиз, кўксимизда қўл,
Оқ олтин нуридан ёздик сизга йўл,
Яшил водий бўлди сизга дастурхон,
Жиндек қимиз қуйдик, қўшмадик айрон.
Токи насру назм хароб бўлмасин,
Шеърлар сероб бўлсин, сер об бўлмасин.
Ниятда ҳамиша буюклик бўлсин,
Ўлан ҳам, шеър ҳам суюклик бўлсин.
Бор бўл, эгиз оғам, бор бўл, тувусқон,
Ўзбекнинг уйида эъзозли меҳмон.

1971

ҚЎНҒИРОТДА АЙТИЛГАН АЛЁР

Шоир!
Сен бу неъматларнинг ёқут кўркига
Боқдингми, уларга лабинг тегдими?
Демак, сен қарздорсан.
Одамлар кўнглига
Сен ҳам битта ниҳол экдингми?

Баҳра ололдими бир зот юраги?
Бирор қалб ғуборин ювa олдингми?
Сен ҳам ўз шеърларинг замиридаги
Шўр сувларни қува олдингми?

Бу тупроққа қара.
Севиб шеърингни
Ишлов беролдингми сен ҳам шу қадар?
Сув ургани йўқми ногоҳ ерингни,
Босиб кетмадими бегона ўтлар?

Биз минг йил умр кўриб,
Минг йил шеър битсак,
Минг йил баён этсак юрак арзимиз,
Деҳқон меҳнатини шарафлаб ўтсак,
Ҳар туп ғўзасини бир достон этсак,
Шунда ҳам биз агар оламдан кетсак –
Бўйнимизда кетар қарзимиз.

1971

ТАБРИК

Тошкентлик пахтакорларга

Букун далалардан чаноқлаб деҳқон
Териб олар экан ризқу рўзини,
Тоғдай елкасидан тенг ярим жаҳон
Унинг пахтасига тикмиш кўзини...
Эл борки, уфқнинг ҳар тўрт ёғида
Эгни бутун бўлди шу миллионлардан.
Оқ яктак матосин кўрган чоғида
Ғарб ҳам кечиб қўйди дедеронлардан.
Ҳосилимиз бўлди олтин вазнида,
Бўлди ҳар мисқоли гавҳар билан тенг.
Шу боис пахтазор менинг наздимда
Мурунтовга ўхшар, поёнсиз ва кенг.
Бу қут ўзи келмас, қалб ўти керак
Қуёшни заминга этгувчи пайванд.
Ҳа, шу баракада сенинг ҳам юксак
Хирмонларинг бордур, музаффар Тошкент.
Қучоғинг кўп юрту давлатлардан кенг,
Мен учун сен ўзинг битта жаҳонсан.

Ғазалим бешиги сулув Ғазалкент,
Байтларим сочилган Байтиқўрғонсан.
Улғайдим бағрингда, пойтахт шаҳарда,
Ғалабангдан дилда олам ифтихор.
Бунга боис яна, шу хирмонларда
Менинг ҳам бир этак тўккан пахтам бор.
Соғ бўл, она халқим, эй толмас билак,
Доим баланд бўлсин табаррук бошинг.
Хирмонинг қаддингдай бўлсину баланд,
Бахтингдай ҳамиша кулсин қуёшинг.

1971

КАРДИОГРАММА

Кардиограмма,
Нимадир бу хат?
Нималар демоқда юрагим зарби?
Нечун у кўксимда уринар фақат
Парвозга талпинган тутқун қуш каби?
Нечун туғён қилар,
Не истар кўнгил,
Не дер бу самандар – ўт ошиноси?
Айтинг, шифокорим,
Сиз кўз тиккан бул
Турфа чизиқларнинг недир маъноси?
Балки жон риштаси дегани шудир,
Давоми умримнинг сўнгига туташ?
Балки ҳаёт йўлим...
Бу йўл ҳам ахир
Ўша чизиқларга жуда ҳам ўхшаш.
Унинг ҳам паст-баланд, ўру қири бор,
Уни ҳам қаршилар гоҳ тикан, гоҳ гул.
Ёшлик равон йўлни танламас зинҳор,
Унинг сўқмоқлари ҳамиша мушкул.
Чунки юрак ўзи турмас лаҳза жим,
Чунки машаққатдан ором топар жон.
Лекин ҳамишалик раҳнамо қалбим
Не учун дафъатан кўтарди исён?
Уни ранжитдимми?
У норозими?
Балки билолмадим не унга матлуб?
Доктор!
Юрак мендан пинҳон розини

Сизга ошкор этиб ёздими мактуб?
Айтсин,
Нима гуноҳ қилдим юракка?
У бошлаган йўлдан сира қайтдимми?
Одамлар олдида
Ё ўзим якка –
Юрагимга қарши бир сўз айтдимми?
Ёки кимларгадир тавозе этиб
Оқни қора дедим – имон бехабар?
Ёки ноҳақликни кўриб, эшитиб,
Кўзимни кўр қилдим, қулоғимни кар?
Унга жабр этгулик нима айбим бор?
Аҳд қилиб аҳдимда турмадимми ё?
Дўстликка хиёнат қилдимми бир бор
Ва ё ишқ йўлида бўлдим бевафо?
Мен унинг измидан чиқмадим-ку ҳеч,
Поймол этмадим-ку уни ҳеч қачон.
Доим содиқ бўлган юрагим бу кеч
Не учун дафъатан кўтарди исён?
Биламан,
Меҳнати унинг мушкулот,
Осон тутиб бўлмас асло юракка.
Еру осмон тинчир,
Тинчир коинот,
Лекин ором билмас қалб ўзи якка.
Биламан,
Ғоят тез асрим шиддати,
Елкаларга ортган уҳдаси буюк.
Фазода чарх урган Ернинг суръатин
Юракларга берган аслида шу юк.
Шу юк босар унинг нақ ўртасидан,
Бутун вужудимда шу юк залвари.
Ажаб эмас, юрак аортасидан
Ўтиб кетган бўлса олам меҳвари.
Одам туғилмас-ку даврини сайлаб,
Замон танламасдим ва лекин ўзга.
Қалб мени кечирсин, уни авайлаб
Олиб боролмасам тўқсонга, юзга.
Аммо умидим бор,
Авлодлар бир кун
Бизнинг юракларга қилурлар ҳавас!
Сен эса, эй қалбим, шу умид учун
Энг сўнгги ёлқининг бера олсанг бас.

1971

САККИЗИНЧИ МАРТ

Букун ўзгачадир жилваи олам,
Букун ўзгачадир борликда ханда.
Букун кўзларимга гўё қуёш ҳам
Шафақ гулханида таранг чирманда.

Букун тонг эгнида атласдан кўйлак,
Шафаққа ўралган қизлардай гулгун.
Илк бора кўз очиб чиққан бойчечак
Санамлар қўлига интизор букун.

Букун гўзалликнинг қутлуғ айёми,
Қизларнинг кўкламга мослигидир бу.
Юраклар лиммо-лим муҳаббат жоми,
Баҳор келганининг ростлигидир бу.

Ҳа, букун элда ҳам, дилда ҳам баҳор,
Шодлик хандалари фалакка туташ.
Букун эрталабдан йигитлар қатор,
Аттор дўконида атирлар талаш.

Отахон чоллар ҳам тавозе билан
Етмиш йиллик ёрин сизлаб турибди.
Букун шоирлар ҳам ўз бисотидан
Энг яхши байтларни излаб турибди.

Овора бўлманг, эй ҳассос шоирлар,
Аёл тасвирига ожиз эрур шеър.
Чунки ёр зулфининг бир толасига
Ташбиҳ топа олмай ўтган Алишер.
Севги асрорини изламай қўйинг,
Топилмас нарсани қидирмоқ нечун?
Муҳаббат сирини билолмай ўтган
Карбало даштида овора Мажнун.

Минг йилча муқаддам Хофизи Шероз
Бир гўзал холига бўлганди банда.
Тасаввур қилолмам, не дер эди у
Букун анжуманда ўзи бўлганда.

Балки айтар эди у бир лойиқ сўз,
Балки ташбиҳлари бўлар эди фош.
Чунки, кўзингизга тенг қайси юлдуз,
Юзингиз олдида нимадир қуёш?

Сиз, ахир, сийнаси самони кучган,
Сизнинг измингизда замину замон.
Сиз ой кемасида ой бўлиб учган,
Ёруғ чеҳрангиздан олам чароғон.

Букун ўзгачадир жилваи олам,
Букун ўзгачадир борликда ханда.
Букун кўзларимга ҳатто қуёш ҳам
Шафақ гулханида таранг чирманда.

Букун айёмингиз муборак қилиб,
Зумуррад сепини ёйибди баҳор.
Баҳорий қизларнинг ҳуснидай тўлиб
Олам гўзаллиги бўлсин барқарор.

1971

ОҚШОМ

Оқшом,
Бобур тилаган фарах,
Бода кайфи, дўстлар суҳбати.
Қўлларимда лиммо-лим қадах,
Менга келди алёр навбати.

Сўз тополмай манглайимда тер,
Шоирлардан доимо талаб:
Ўқимоғи керак янги шеър
Ва айтмоғи керак янги гап.

Қаҳрамоним,
Ўлтирибсан сен
Рўпарамда камтарин, доно.
Ўз ишингни дўндирибсан сен,
Дўппини дол қўндирибсан сен,
Тупроқда зар ундирибсан сен,
Зарга элни тўлдирибсан сен,
Тўйиб, юртни тўйдирибсан сен,
Ҳар нарсанг бут, каминг йўқ асло,
Фақат сенга шеър керак аъло.

Сен чўлларни сувга қондириб,
Ўзинг бунда мангу ташнасан.

Кундуз сени қуёш ёндириб,
Тунлар ёниқ шеърга ошнасан.
Бу маконда тўқлик ва ривож,
Бу маконда йўқдир эҳтиёж.
Аммо очдир гўзалликка эл,
Тўйдиргани сира йўқ илож.
Мен-чи, қўйиб «шеъриятга тож»
Ўсади деб олма, нок боғда,
Ётади деб оппоқ қор тоғда,
Сен эгнимни бут қилган чоғда
Шеър берайми сенга яланғоч?!
Хаёлларинг теран ва учқур.
Сени букун қилмоқ учун банд
Шоир керак Румийдай чуқур,
Навоийдай доно, сарбаланд.

Ҳамду сано сенга не даркор,
Ўзинг олим адабиётга.
Шеърнинг шунда сенга дахли бор,
Дахли бўлса абадиятга.

Оқшом.
Булбул куйлайди чаҳ-чаҳ.
Тўкин юртда ичилар қадаҳ
Ўшал эзгу ташналик учун,
Сўнгра соғлиқ, ошналик учун.

1972

АБАЙ

Чошгоҳ қуёшида ёнур уфқлар,
Борлиқ ўт ичида ловуллар гўё.
Сирдарё лабидан Ёйиққа қадар
Ястаниб ётадир поёнсиз саҳро.
Самум ялаб ўтар яланг тўшини,
Бунда ёлғиз гиёҳ – шўраю янтоқ.
Бевафо дарёлар тарк этиб уни
Шимол уммонига очмишлар қучоқ.
Бу юртни булбулу гулзор унутган,
Шамол бу ўлканинг танҳо эгаси.
У минг йил ғам юкин орқалаб ўтган
Саргашта заминнинг яғир елкаси.

Баҳри муҳит аро сарсон кемадай
Манзилсиз, қўнимсиз бесару сомон –
Бу саҳро қўйнида лаҳза тин билмай
Бир ўлан кезмоқда зору саргардон.

«Қалин элим, қозоғим, шўрлик юртим...
Бировлар пўстин кияр, мўйнаси мўл,
Бировлар жулдур чопон, кезади чўл.
Шўринг қурсин, қозоғим, шўринг қурсин,
Мол мўлу оч кезасан яйловларда...»
Ноласи бўлгандай ҳар дардли дилнинг,
Чўлларда бағри қон лола унгандай,
Тақдир саҳросида овора элнинг
Ғаму андуҳидан туғилди Абай.
Оний гулдиракдан уйғонур фалак,
Лаҳзалик чақмоқдан ёришур саҳро.
Нажот эртасидан келтириб дарак,
Бир ўлан таралди ўтовлар аро.
Оқин кўзи боқди Эдилдан нари,
Қўбиз куйларига умид бўлди жо.
Севгида ўртанган Татьяна зори
Саҳройи тилида бўлди илтижо.
Ғунча очилмоғин интизор кутиб
Саҳрода кўз юмган нолон булбулдай,
Бахтли тонг йўлига шайдо кўз тутиб
Умрин қўшиқларга қолдирди Абай.

Поезд учмоқдадир Олмаота сари,
Ортида толенинг карвони билан.
Уфқлар ётадир уфқдан нари,
Ўланнинг кетидан таралур ўлан.
Тингла, эй коинот, эрк овозини,
Оқин умидлари бўлмакда зоҳир.
Юлдузларга элтар Абай созини
Букун Бойқўнғирдан учган фазогир.
Денгизлардан оша қитъалар бўйлаб
Ҳассос оқин куйи ёзмоқда қанот.
Она юрт меҳрини куйлаган ўлан
Абадий ҳаётдир, абадий ҳаёт.

1972

ЙЎҚОЛГАН ШЕЪР

Бир шеър фикри ярқ этди ногоҳ,
Вужудимда ғалаён туйдим.
Ярқ этди-ю, мен бўлмай огоҳ
Бир лаҳзада йўқотдим-қўйдим.

Неки бўлса менга энг азиз,
Энг мўътабар бўлса дунёда,
Борлиғимни банд этса не ҳис –
Бари энди унда ифода.

Вазмин энди ўз асрига хос,
Юксак эди бамисли хаёл.
У юракнинг ўзидек ҳассос,
Табиатдек эди баркамол.

Шеър дардида ўтган неча минг
Аждодларим руҳига қасам:
Ўша шеърда бутун оламнинг
Шавқу дарди эди мужассам.

Бир хуш айём, бахтли тасодиф
Тўлдирди-ю зар ила қўйним,
Мен гумроҳ-чи, бўлмайин воқиф
Бир лаҳзада йўқотдим-қўйдим.

Шундан буён излайман уни,
Қуюн каби кезарман жаҳон.
Қани, унинг бирор сатрини
Топиб олсам эдим ногаҳон.

У шеър тамом банд этди мени,
Асир бўлдим унга умрбод.
Бамисоли ёр тасвирини
Ойинада кўргандек Фарҳод.

Макон тутсам энди қаерда,
Қаён бошлар эса иқболим,
Фикру зикрим ўша шеърда,
Ўша шеърда бутун хаёлим.

Водийларни сайр айлаган чоғ,
Асир этса ўлкам жамоли,

Кўз олдимда тикланур ногоҳ
Ўша шеърнинг етук камоли.

Қалби тоза, юрак-бағри кенг
Одамларга ҳамсуҳбат бўлсам,
Ёдга тушар ўша шеъримнинг
Вазминлиги, ҳассослиги ҳам.

Гоҳи юксак чўққилар меним
Хаёлимни этганида банд,
Ўйлайманки, йўқотган шеърим
Мана шундай эди сарбаланд.

Мен у шеърни излай умрбод,
Тоғ-тошларни кезай пиёда.
Топиб олсам, мендай бахтли зот
Бўлмас эди ёруғ дунёда.

Мен топмасам, майли, топса ким,
У ғазал, хоҳ қасида бўлсин –
Майли, менинг бор-йўқ ёзганим
Ўша шеърга бахшида бўлсин.

Майли эди, бир бора кўрсам,
Бир бор кўриб фидо қилсам жон.
Бу дунёдан шунда Эркин ҳам
Ўтар эди зарра беармон.

1972

ЛИРИК ҚАҲРАМОН

«Шеърни севиб ўқийман, аммо
Ҳайрон қилар бир ҳолат мени.
«Мен» деб ёзар шоир доимо,
Кимдир ўша шоирнинг «мен»и?

Гоҳ муҳандис ул, мунажжим гоҳ,
Гоҳ ўзини толиб деб атар.
Гоҳ муаллим, гоҳ соҳиб дастгоҳ...
Касби кўпми унинг шу қадар?

У ҳам ерда, ҳам фалакдадир,
Баъзан малак, баъзида инсон.

Ўтмишда, ҳам келажакдадир,
Борми унга замон ва макон?

Мен ҳайронман, вафога доир
Шоирларнинг шеъри-ку бисёр.
Бир китобнинг ўзида шоир
Ўн бир қизга ишқ этар изҳор.

Озар қизми, ҳиндми, татарми,
Рақҳосами, гулчими, аттор...
Шоирларнинг хотини борми?
Ё барчага бирдек вафодор?»

Шеърхон, мени тутдинг саволга,
Тушунаман, ўқувчим, сени.
Ҳеч таажжуб қилма бу ҳолга,
Сен ўзингсан шоирнинг «мен»и.

Муаллим ҳам, мунажжим ҳам сен,
Мажнун сенсан, Лайло ҳам ўзинг.
Шоир шеъри – бу сенинг сўзинг,
Сен мингларсан, «мен» ичра жамсен.

Ўлтирардим хатга термулиб,
Бўлай дердим тарихдан огоҳ.
Сен Абдулла Набиев бўлиб
Саҳифадан қарадинг ногоҳ.

Қарадинг-у шеър фикри шу он
Чақмоқ каби урилди менга.
Кўксинг узра қотиб қолган қон
Лола бўлиб кўринди менга.

Этмоқ бўлдим шунда ифода
Сенинг дардинг, сенинг сўзингни.
Ўша шеърни ўқиган чоғда
Танидингми, дўстим, ўзингни?

Тошкент бўйлаб кезиб юрардим,
Этар эди зилзила давом.
Ҳар нарсада бир шеър кўрардим,
Ҳар бир кўздан излардим илҳом.

Ҳамма ёқда қайнар эди иш,
Фикрим эди ифодасида.

Сен кўриндинг, қўлларингда ғишт,
Украин қиз қиёфасида.

Хушқад эдинг, нақадар гўзал,
Унутмайман ойдин юзингни.
Мабодо шеър ўқиган маҳал
Танидингми, дилбар, ўзингни?
Фарғонада сени учратдим,
Тиклар эдинг тоғ бўйи хирмон.
Сени узоқ Сибирдан топдим,
Қаҳратонда кесардинг ўрмон.

Сен баъзида уйғоқ ўйимга
Кириб келдинг бамисоли туш.
Таклиф этдим сени уйимга,
Хаёл пайдо қилган Азгануш.

Тоғдан туш деб сенга ёлвордим,
Севиб чиздим қошу кўзингни.
Эй, мен танҳо севгувчи ёрим,
Танидингми энди ўзингни?

Шеърхон, мени тутдинг саволга,
Тушунаман, ўқувчим, сени.
Ҳеч таажжуб қилма бу ҳолга,
Сен ўзингсан шоирнинг «мен»и.

Сени сездим доим ўзимда,
Менда фикринг, ўйинг, тилагинг.
Ҳар нафасда ёниқ кўксимда
Уриб турар сенинг юрагинг.

Етар, нечун таърифу тавсиф,
Биз иккимиз асли битта жон.
Фақат олим мени муаллиф,
Сени атар лирик қаҳрамон.

Хоҳ яшарсан оламда букун,
Хоҳ яратур сени тафаккур,
Лекин фақат борлигинг учун,
Қаҳрамоним, сенга ташаккур.

1973

ҚОРХАТ

Шоира қизларга

Қор ёғар – осмонда оққушлар учар,
Қор ёғар – осмондан оқ укпар тушар.
Қор ёғар еру фалакни тўлдириб,
Бизлар эрсак иссиқ уйда ўлтириб,
Тарк этолмай халқимизнинг одатин
Ёзамиз дўстларга дўстлик қорхатин.
Қорхат асли қордай оппоқ дил хати,
Оқ кўнгилнинг меҳри, тафти, ҳурмати.
Ошинолик, чин вафо изҳори ул,
Гоҳи пинҳон севгининг иқрори ул.

Қор ёғар, қорхат ила, хуллас калом,
Шоира қизларга йўллаймиз салом.
Сизга, эй Гулчеҳра қизлар, Эътибор,
Айтамиз кўнгилда орзу неки бор.
Ой Ҳалима ҳам Малика, Турсуной,
Эй чирою файзга бою шеъри сой,
Сизга дилдан энг самимий эҳтиром,
Янги йилнинг табриги ҳам ассалом!

Энди келсак сўзнинг индаллосига,
Яъни қорхатнинг асл маъносига:
Янги йилда давра тузмоқ фарз бўлур,
Ким ютилса, бир зиёфат қарз бўлур.
Қорхат элтган элчимизни тутсангиз,
Тан берурмиз, қарз бўлурмиз, ютсангиз.
Йўқса ўзни катта ишга чоғлангиз,
Шу бугундан пеш этакни боғлангиз.
Бермангиз Гулчеҳраларга зарра дам,
Бирйўла ювгай мукофотларни ҳам.
Енг шимарсин Мўътабар, Ойдин букун,
Қарз улар бултурги достонлар учун.
Тутди бир қўлда газет, бир қўлда тор,
«Лирика»ни ювмади лек Эътибор.
Бибисора ҳам Санобар қайдадир,
Битта шеъри бир зиёфатга татир.
Хуллас, энди барчангиз ҳамдам бўлинг,
Худди «Қизлар давраси»дек жам бўлинг.
Шеър ёзар чоғидагидек ёнингиз,
Бунда дастурхонингиз – достонингиз.
Ўзингиз айланг товус янглиғ хиром,

Шеъриятдай тотли бўлсин ҳар таом.
Ол яноғингиз каби олма, анор,
Кўзларингиздек чарос боқсин хумор.
Эслатиб ҳам писталар хандонингиз,
Юзингиздек кулса ширмой нонингиз.
Бўлса бодомлар қабоғингиз каби,
Ҳам мурабболар дудоғингиз каби.
Лағмон эшиб тола-тола сочингиз,
Мисли ёйиб ташлагандай сочингиз.
Сочдаги баргакдайин кўк бодиринг,
Ҳам хино янглиғ патинжон олдиринг.
Тарвузу қовунни ҳам сероб қилинг,
Худди ошиқларни тилгандай тилинг.
Ҳар узум бўлсин дуру маржон каби,
Ё Мукаррам шеър ўқиб турган лаби.
Шабнамиким ой Нилуфар холидай,
Таъми Ойдин шеърларининг болидай.
Турса соз сизнинг ғазал янглиғ шароб,
Кирса боз бизнинг юрак янглиғ кабоб.
Ол анорни дилни эзгандай эзинг,
Шарбатини майни сузгандай сузинг,
Барча неъмат бир томону шеър соз,
Шеър бирлан бизни айланг сарфароз.
Ўлтириб оппоқ саҳардан токи шом
Бўлмасин ҳеч баҳсу шеърхонлик тамом.
Бу каби суҳбатга чин дўстлар аро
«Қилса арзир юз Саида жон фидо».

Мен бўлай бир неча ҳамроҳим билан.
Ўлмасу Абдулла, Иброҳим билан.
Боргумиз ютсак агар албатта биз,
Йўқса сиз иззатдаю хизматда биз.
Шоюсуф обкашда тонгдан сув ташир,
Ҳам Барот ўқлоғ тутиб ёйгай хамир.
Чучвара туккай Муҳаммад чўккалаб,
Ўт пудар Ҳусниддин ўздан ўпкалаб.
Не ажаб, куйса патир, ёнса қозон,
Тандир олдида Рауф, ошпаз – Омон.
«Ҳай» деб уф тортиб Жамол елпир кабоб,
Топмайин човлини Охунжон хуноб.
Шу маҳалда бир латифа, шубҳасиз,
Тўлқину Анварга сўйлайдур Азиз.
Оқибат меҳмонхона қоқ ер бўлур,
Катта дастурхонда ёлғиз шеър бўлур.

Бир томонда сиз пари рухсоралар,
Бир томонда биз ғариб бечоралар.
Ким қошин куйдиргану дўппини ким,
Бош эгармиз, ёлворармиз сизга жим...

Хат ёзилди, энди биз омад талаб,
Элчининг чаққонлигида ҳамма гап.
Йўлласак Маъруф Жалилни – анча бўш,
Ёки Сайёрми? У бўлмас, лаққа гўшт...
Хўш, ким элчи? Ҳа, билиб ишнинг кўзин,
Элчи қилдик мулла «Муштум»нинг ўзин.
Ушлаб олмоқнинг сира имкони йўқ,
Чунки у кетгувчи ер поёни йўқ...
Қор ёғар – осмонда оққушлар учар,
Қор ёғар – осмондан оқ укпар тушар.
Қор ёғар, қорхат ила, хуллас калом,
Барча ой қизларга йўллаймиз салом.

1973

ҲОЗИРГИ ЁШЛАР

Қари толга суяб
Ирғай асони,
Оқсоқол сўрига аста ёнбошлар.
Хаёлдан ўтказар кори дунёни:
«Эҳ, ҳозирги ёшлар,
Ҳозирги ёшлар!»

У аср тенгдоши.
Бутун умр энди
Кеча кўрган тушдай кўзи олдида,
Йигирма ёшида амирни енгди,
Водийга сув очди ўттиз олтида.
Ёшлигини эслар,
Уф тортар секин.
Салгина чимрилар оқ тушган қошлар.
«Биз ҳам ёш бўлганмиз бир маҳал,
Лекин
Бошқачароқ чиқди ҳозирги ёшлар».

У колхоз тиклади,
Янги юрт қурди.

Босмачига қарши от сурди ўктам.
Жангу жадалларнинг барини кўрди.
Кўрди очликни ҳам,
Юпунликни ҳам.
«Бизга хаёл эди,
Туш эди фақат
Тўкин дастурхону лаззатли ошлар.
Бахти боқий бўлсин,
Аммо бу жаннат
Қадрин билармикин ҳозирги ёшлар!»

Кўз олдидан ўтар қирқ биринчи йил,
Масков бўсағаси,
Аччиқ қаҳратон.
Агар қулатмаса дайди ўқ сабил,
Берлиндан қайтарди бўлиб қаҳрамон.
Эслар, ҳар ён олов,
Ўт ичра дунё.
Мажруҳ гавдалару узилган бошлар...
«Юрт тинч бўлсин,
Бир гап бўлса мабодо,
Бардош берармикин
Ҳозирги ёшлар!»

Уй-жой қилиб берди мана, Турғунга,
Турмушга чиқарди Назирасини.
Букун эса ўйлар дорилфунунга
Киролмасдан қолган набирасини.
Домласига ўзи борсинми секин
Орденларни тақиб,
Оқилни бошлаб...
«Ким билади дейсиз, бўштоброқмикин,
Эркатойроқмикин ҳозирги ёшлар...»

Яна дер:
«Бўш қолсак тунлар бўлиб жам
«Чордарвеш» ўқирдик қуршаб танчани.
Булар танимайди Ҳувайдони ҳам,
Эртаю кеч ўйлар кино, танцани.
Ақли кирармикин буларнинг бир кун,
Ким билади, қачон қуюла бошлар!
Оғир кун кўрмади.
Балки шунинг-чун
Енгилроқ ўсдими ҳозирги ёшлар!»

Тоҳирни ҳалитдан тинч қўймас қизлар,
Ярим тунда қайтар уйга ҳамиша,
«Унча бўлмасак ҳам илмда бизлар,
Аммо кучли эди одоб, андиша.
Бировнинг қизига сал қараб қўйсак,
Бизлар аталардик шўҳу бебошлар.
Баъзи киноларми бузмоқда андак,
Капалак мижозроқ ҳозирги ёшлар...»

Тўнғич ўғли у кун қизалоқ кўрган,
Номини Шарлотта қўйибди, ажаб.
Ўртанчаси тоғда юргани юрган,
Баъзан уч ойда бир келмайди йўқлаб.
Наҳот отасидан бўлса азизроқ
Қайсидир тоғдаги қандайдир тошлар...
«Бизнинг борди-келди одатдан йироқ,
Бемеҳрроқ ўсди ҳозирги ёшлар...»

«Кийимлар-чи...
Қизиқ буларнинг диди.
Ола-чипор кўйлак...
Нимаси кўркам?
Рост айтсам унчалик ёқмаган эди
Оталарга бизнинг чарм камзул ҳам.
Байналминал айтиб, байроқ кўтариб
Кўчага чиққанда ўктам сафдошлар,
Кексалар деганди йўлдан қайтариб:
Нега шумлик қилар ҳозирги ёшлар?

Энди буларга ҳам ҳар қалай оғир,
Замон шитоби тез, парвози тикка.
Кеча тили чиққан Наргиза ўқир
Биринчи синфда математика.
Бизлар ҳафтиякдан бошлаган эдик,
Булар икс билан игрикдан бошлар.
Дуруст, зеҳни ўткир, қадами тетик,
Ўзимизга тортди ҳозирги ёшлар.

Гинаси ноўрин,
Қарилик курсин.
Бекор юрмагандир тоғларда Ўктам,
Мана, керак бўлса Рустамни кўрсин,
Боласидан аъло жиян бўлса ҳам.
Ўзи қотмагина, ниҳолдай хипча

Нари борса ўттиз, ўттиз бир ёшлар...
Фан доктори бўлди Масковда кеча...
Бало чиқиб қолди ҳозирги ёшлар.

Бахти бутун бўлсин,
Толеи бекам.
Шуларнинг борлиги менинг иқболим».
Чол кўз ёшин артар,
Шу пайт менинг ҳам
Келажак йилларга учди хаёлим.
Замонлар келадир
Яна ажойиб.
Балки пайдо бўлар сунъий қуёшлар.
У пайтлар, ким билсин,
Қариб-қартайиб,
Мункиллаб қолармиз ҳозирги ёшлар.

Шунда келажакнинг боғлари аро
Биз, яъни кексалар суҳбат қурган чоғ
Сўзлармиз:
«Қарши деб аталган саҳро
Бизнинг қўлимизда бўлган эди боғ.
Эсингдами Газли,
Зилзилалар-чи?
Қайта шаҳар қурган қардош-қурдошлар...
Биз янги эрадан бўлгандик жарчи,
Нима ҳам кўрибди ҳозирги ёшлар!

Қара,
Оқ кўйлакка галстук тақиб,
Агрегат ёнида туришар булар.
Биз ишладик қўлни мойларга тиқиб,
Энди роҳатини кўришар булар.
Фанда инқилобни биз қилдик илк бор,
Илк бор парвоз қилган бизнинг йўлдошлар.
Кўкни обод қилдик,
Ерни ҳам гулзор.
Эҳ, ҳозирги ёшлар, ҳозирги ёшлар!»

1973

ЎЗБЕКИСТОН

Фахрия

Юртим,
Сени яна олдим қаламга
Тўйинг, шодиёнанг баҳона бўлиб.
Яна келиб қўндинг тонгги мисрамга
Фалак нисор этган дурдона бўлиб.
Иқбол пешонамга битган ошёним –
Ўзбекистоним.

Толеим бор экан,
Сенга ҳамнафас,
Оташин қуёшинг билан йўғрилдим.
Юз йил аввал эмас, юз йил сўнг эмас,
Туғёнли асрда сенда туғилдим.
Гуллар сочдинг мен илк босган қадамга
Бағринг менга нурли кошона бўлиб.
Жаҳон ичра менинг тенгсиз жаҳоним –
Ўзбекистоним.

Мақсад манзилида довон ошган дам
Йўлчи ҳам бир тўхтаб олгандек нафас,
Марзагача етиб борган деҳқон ҳам
Ортга боқиб бир зум қилгандек ҳавас,
Эллик баҳор кўриб ҳаёт боғида
Умр камолига қўл чўзиб инсон,
Олтин дарвозани чертган чоғида
Сарҳисоб қилади умрин бегумон.
Босиб ўтган йўли шунда одамга
Туюлади минг бир поғона бўлиб.
Минг бир довон ошган алп паҳлавоним –
Ўзбекистоним.

Асли эллик эмас, эллик минг ёшинг,
Кечмишинг тарихлар нариёғида.
Тўмарисдек она Кайхисрав бошин
Қон тўла саночга солган чоғида,
Спитамен камон тутиб дастида
Мароқандни сақлаб турганда узоқ,
Ёвни адаштириб ўлим даштида
Кўкрак очиб қаҳ-қаҳ урганда Широқ,

Ҳали ўзбек эмас, лекин оламга
Машҳур эдинг соқу суғд она бўлиб.
Искандарни мажруҳ этган камоним –
Ўзбекистоним.

Ваҳшат водийсида кечди асрлар
Алжабр устодин тукқунча еринг.
Илминг юксалгунча Беруний қадар,
То Алишер қадар етгунча шеъринг,
Ҳайратга солгунча фан оламини
Фарғоний чиқарган аниқ ҳисоблар...
Тебранса не ажаб Тошкент замини,
Бу ерга кўмилган миллиард китоблар.
Фарангу ҳинду чин, ироқ, ажамга
Таралдинг Алқонун, Сайдона бўлиб.
Буюклар тан берган буюк достоним –
Ўзбекистоним.

Минг бора тикландинг, минг бор қуладинг,
Ёвлар қамчисидан чекканда озор –
Алпомиш сингари ўғлон тиладинг,
Тиладинг Гўрўғли сингари сардор.
Сен ҳам гуллар териб умид боғидан
Толе орзусида туздинг алёрлар.
Аммо бўталаринг қўнғироғидан
Чўлларда тўкилиб қолди оҳ-зорлар.
Умринг эгиз бўлди андуҳ-аламга
Орзуларинг бари афсона бўлиб.
Барчиннинг кўксида қолган армоним –
Ўзбекистоним.

Замин дардича бор бир аёл дарди,
Ойнинг доғи балки унинг доғидан.
Фарёд олов бўлса олам ёнарди
Шарқлик жувонларнинг чеккан оҳидан.
Зебунисо ўтди танҳо ва маҳзун
Бошида ўт бўлиб малика тожи.
Тун бўлиб ёйилар Қўқонда ҳар кун
Нодирабегимнинг қирқилган сочи.
Аёл!
Тўрт деворда кўмилдинг ғамга,
Ғазалларда фақат жонона бўлиб.
Барнодек, Анбардек дили сўзоним –
Ўзбекистоним.

Ҳали сокин туман чулғаб бағрини
Ғафлат уйқусида ётарди олам,
Умид қаламида «Қуёш шаҳри»ни
Ҳали ёзмаганди Кампанелла ҳам.
Нажот кўзи билан мағрибга боқиб,
Кўҳна Хоразмдан йўл олган карвон
Ёвмут саҳросида ойлар улоқиб
Масков тупроғига етганда омон,
Ўзбеклар тўқиган шоҳи, гиламга
Боққанда зарифлар ҳайрона бўлиб,
Дўстлик ипак йўли очган карвоним –
Ўзбекистоним.

Дарвозангни очдинг маърифат, фанга,
Сенга ошно бўлди Пушкин каби зот.
Лекин бахту иқбол кулмади санга,
Ҳали олис эди сен кутган нажот.
Эрк дея аталган табаррук шамга
Интилдинг бир умр парвона бўлиб.
Парвонадек куйиб ўртанган жоним –
Ўзбекистоним.

Дардингни куйлади анҳорларингда
Ғижирлаб айланган кўҳна чархпалак,
Санъатинг мунаққаш деворларингда,
Лекин ободлигинг бўлди Ҳапалак.
Париларинг тутқун бўлиб ҳарамга,
Улуғ шоирларинг девона бўлиб,
Тақдир саҳросида зору сарсоним –
Ўзбекистоним...

Кўп элларни кездим, кўп юртлар кўрдим,
Бир-биридан гўзал, бир-биридан соз.
Лекин Шарқда машъал чароғон юртим
Оламда тенги йўқ, ўлкадур мумтоз.
Бунда дўстлик куйин айтур ҳар чечак,
Бунда бахтни қилур ҳар булбул наво.
Диллардаги азал башарий тилак –
Буюк бирodарлик гулшани аро
Осиёхон деган сулув санамга
Олтин сепу атлас сўзона бўлиб
Кулиб турган, ёруғ, мунис маконим –
Ўзбекистоним.

Йироқдан эшитиб сурнай овозин
Кўчага югурган бола сингари,
Мен ҳам қўлга олиб сибизға созим
Тўйингга шошарман элдан илгари.
Тилак шу – қўшиғим катта байрамга
Етиб борса кичик тўёна бўлиб.
Менинг ҳам қолмасди дилда армоним,
Ўлкам, онажоним, юрагим, жоним –
Ўзбекистоним.

1974

ДЎСТЛАРГА МАКТУБ

Букун деразамни очдиму саҳар
Юзимга урилди салқин шаббода.
Хаёлчан шивирлаб қизғимтир барглар
Кузак ҳикоясин сўйларди боғда.

Ажаб, бир кечада ўзгармиш олам,
Бир кечада борлиқ олмиш ўзга тус.
Инсон умри каби тездир фасл ҳам,
Кеча ёз эди-ку, букун, қаранг, куз.

Мен ҳам кечагина ўспирин эдим,
Ғурурли талаба эдим, қадди тик.
Бизни ҳам чорларди кузакда терим,
Гурпаклашиб юриб пахта терардик.

Оқ ойдин далалар, шийпон, оромгоҳ...
Кўз олдимдан ўтар ҳамма, ҳаммаси.
У дамлар шукуҳин эслатди ногоҳ
Деразамдан кирган кузнинг нафаси.

Қайдасиз, қайдасиз, менинг дўстларим,
Сизни жон-жонимдан соғиндим букун.
Қайдасиз, Анбара, Шокиру Карим,
Қайда тўрт дугона – юзлари гулгун?

Кеча эмасмиди ул завқли кузак,
Қаранг-а, шунча вақт ўтиб кетибди.
Биз хайрлашган йил туғилган гўдак
Бугун роса ўн беш ёшга етибди.

Бизлар дорилфунун ошёнидан
Учирма қушлардек учдик ҳар томон.
Ҳар ким макон тутди ўз бўстонидан,
Бугун давра ўзга, ўзгадир даврон.

Ҳар ким ўз бахти, ўз дарди билан банд.
Турмуш қозонида қайнаб ётамиз.
Куни кеча эдик ўзимиз фарзанд,
Бугун фарзандларга она, отамиз.

Мана кузак келди, еллари сарин,
Ёшликдаги каби тиниқ, беғубор.
Қайда бўлсангиз, эй қадрдонларим,
Талабалик даврин эслангиз бир бор.

Янги дўстлар билан далага бориб,
Ҳордиқ кунларида пахта терган он
Эслаб қўйинг оқшом чанг бўлиб, ҳориб,
Қўшиқ айтиб қайтган чоғимиз хандон.

Оппоқ далаларга завқ билан қаранг
Шарифа термилиб қараган каби.
Бу чаноқ – интила-интила аранг
Шоир бўлган битта дўстингиз қалби.

Ҳануз талабамиз, ҳануз ёшмиз, бас,
Шавқу хаёлотнинг бандаларимиз.
Далага сочилган пахталар эмас,
Бизнинг ёшликдаги хандаларимиз.

Эй менинг дўстларим, кирому матлуб,
Ёшликнинг ўзидай азиз, ягона.
Сизни ёдга олиб йўлладим мактуб,
Кузак шаббодаси бўлди баҳона.

Тилагим, бизларга бахтдек йўлиққан
Илк туйғу, севинчлар доим ёр бўлсин.
Умрингиз биз илк бор пахтага чиққан
Ўша пок фаслдек беғубор бўлсин.

1974

ИЛТИЖО

1

Эй, ҳаёт дейилган мўъжизий қудрат,
Тириклик аталган буюк ибтидо!
Эй, мени оламга келтирган қисмат,
Жонлар волидаси – эй, олий момо!
Чархмисан – фалакми ёки табиат,
Шукрона айтурман сенга аввало!

2

Инсон жисмин бериб менга бул сифат,
Кенг оламни қилдинг кўкрагимга жо.
Дилимга ҳис бердинг, бошимга фикрат,
Қулоғимга оҳанг, кўзимга зиё.
Солдинг қалбга жону жонга муҳаббат,
Қўлимга соз тутдинг, тилимга наво.

3

Менга насиб этдинг шундай мамлакат,
Мамлакатки олам мулкида танҳо.
Яшамоққа бердинг созгина муҳлат,
Тарих тирсагидан умр этдинг ато.
Шукрона айтайин, бергил ижозат,
Замону маконинг учун бебаҳо.

4

Мен дунёга келдим – таажжуб ҳолат –
Ўшал Икки Буюк Чексизлик аро.
Балки тасодиф бу, балки зарурат,
Менга насиб бўлди бу давру маъво.
Теграмда фазовий чексиз сукунат,
Ортимда мангулик, олдимда бақо.

5

Мен яралган макон эмасдур жаннат,
Мен туғилган замон эмас пурсафо,
Бунда бордир фақат кураш ва меҳнат,
Маслаклар жанги бор, бор ҳирсу зако.

Нуру адолат бор, зулм ва зулмат,
Жафою заҳмат бор, фароғат, сафо...

6

Бунда бор қанча ирқ ва қанча миллат –
Бунда бор ёнма-ён нодонлик, даҳо.
Бунда бор ваҳшийлик ва маданият,
Ўқ-ёйдан самовий кемагача то.
Бу – йигирманчи аср аталган фурсат,
Бу – курраи олам дейилган бино.

7

Не давронлар кечмиш қолдириб шуҳрат,
Барчасига шоҳид бу қари дунё.
Унга бегонадир таажжуб, ҳайрат,
Бу ажиб замондан воладир, аммо
Тарих кўрган эмас бу янглиғ суръат,
Бунчалар парвозни билмаган асло.

8

Вақт келар, оламда ғолиб ҳақиқат
Бир ўлка яратгай бахтиёр, якто.
Қандай ном олмасин ўша жамият,
Авлодлар ўқирлар бизга тасанно.
Чунки умримизга эш бўлиб шиддат,
Инқилоб даврига бўлдик ошино.

9

Эй, ҳаёт дейилган мўъжизий қудрат,
Тириклик аталган буюк ибтидо!
Эй, мени оламга келтирган қисмат,
Жонлар волидаси – эй, олий момо!!
Қошингда тиз чўкай, бергил ижозат,
Шукронамни айтиб қилай илтижо.

10

То бу дам нимаки қилибман ният,
Кўнглимда туғилмиш неки муддао,
Қандайки сўрабман сендан саодат,
Барчасини бекам қилдинг муҳайё.

Қошингда тиз чўкай, бергил ижозат,
Ёлвориб қилайин сенга илтижо.

11

Менга диёр бердинг, кўрку латофат,
Ҳусну малоҳатда тенги йўқ, аъло,
Она ўлкам менинг рамзи садоқат,
Дурлар шодасида дурдона гўё.
Мен уни севганман, жоним ол, фақат
Диёрим меҳридан қилмагин жудо.

12

Менга маслак бердинг, ҳур инсоният
Ойдин истиқболи умримга маъно.
Бор экан кўзда нур, танимда қувват,
Ўшал эътиқодим менга раҳнамо.
Розиман, майлига, борим ол, фақат
Ёруғ ишончимдан қилмагин жудо.

13

Менга севги бердинг, ул офтоб талъат
Дилимга дард солди ҳам бўлди шифо,
У боис менда бор қувонч ва ҳасрат,
У боис кўрарман вафо ҳам жафо.
Майли, ўша ўтда ёнайин, фақат
Мени муҳаббатдан қилмагин жудо.

14

Менга дўстлар бердинг, дўстлик-ку ҳикмат,
Танҳолик дардига у танҳо даво.
Оламда бор бўлса неки фароғат,
Аввало дўстимга кўрурман раво.
Юрагимни олгин, розиман, фақат
Мени дўстларимдан қилмагин жудо.

15

Менга қалам бердинг, мунис шеърият
Ҳаётимни қилди тўлуғ ва расо.
Кўздан уйқу кетди, тандин ҳаловат,
Лек жоми жам бўлди кўнглимда пайдо.

Жону жаҳонимни ол, майли, фақат
Мени шеър меҳридан қилмагин жудо.

16

Замон келар бир кун, эллар ҳамжиҳат
Саодат қасрини қилурлар бино.
Мен ҳам ўша кунга борурман албат
Қаламимни қилиб қўлимда асо.
Илтижо қилурман сенга, табиат,
Мени пок ниятдан айирма асло.

1974

ВАФО

1

Соғинганда излаб бир нишон
Қабринг томон мен оламан йўл,
Келтирардинг менга бир замон,
Энди ҳар чоғ мен элтаман гул.

Зулфия

– Гарчи йиллар чанги ҳар нега қодир,
Мени қилолмади ёдингдан нари.
Яна ҳузурингда турибман, шоир,
Қўлимда бир кучоқ баҳор гуллари.

Ажаб, қатра ёш йўқ бу кун кўзимда,
Кўксимда йўқ зарра аламдан тугун.
Ғам эмас, шодлик бор қора кўзимда,
Сени қутлагани келганман бугун.

Толе кулганда ҳам ҳижрон-балода
Баҳам кўриб севинч, дард-ҳасратимиз –
Қирқ йил умр кўрдик бирга дунёда,
Бу кун қирққа тўлди муҳаббатимиз.

Биз қирқ йил ёнма-ён, орзуга банда,
Фақат саодатни тараннум этдик.
Вафо деб аталган тоза гулшанда
Ўзинг орзу қилган кунларга етдик.

Мана, сен жонингдан севган Ватанинг,
Толеинг тимсоли, оламда мумтоз.
Самовий кемалар, орзуинг сенинг
Ложувард кенгликка қилдилар парвоз.

Сен бахтлар водийси атаган диёр,
Икки дарё ювган икки кокилин –
Бу кун етти иқлим махзанича бор,
Бу кун ўн беш кунлик ой каби тўлин.

Ҳулкаринг илмда довонлар ошиб,
Бу кун таҳлил қилар сенинг дафтаринг,
Йигирма биринчи асрга шошиб,
Бетиним югурар набираларинг.

Қулоғимга келар кўча-кўйлардан
Қийқириб ўйнаган болалар саси.
Булар – сен ишонган ва сен куйлаган,
Лек сен етолмаган зафар меваси.

Ғалабани қандай орзу қилардинг!
Орзуларинг эди дилингга қанот.
Сен қандай қувониб тошган бўлардинг –
Енгганин кўрсайдинг ўлимни ҳаёт!

Шеър бўлиб тўларди қалбингга сенинг
Майдонлардан оққан музаффар туғлар...
Ҳали совимаган қабрингга сенинг
Зафар салютидан тўкилди чўғлар.

Тобора кетмоқда ёшлик йироқлаб,
Лаҳза ором билмас ҳануз дил сенсиз.
Ҳар баҳор келганда сени сўроқлаб,
Оламда яшабман ўттиз йил сенсиз.

Умрим бир он сендан айру бўлмади,
Сочларимга қўнди тола-тола оқ.
Йиллар сени мендан йироқ қилмади,
Йиллар иккимизни этди яқинроқ.

Мен сени ҳеч қачон йўқотганим йўқ,
Доимо ёнимда нафас оласан.
Очиқ дафтарингни қўзғотганим йўқ,
Ўйлайман, кечқурун келиб қоласан.

Тонг сени уйғотмай мен ишга бориб,
Кеч боғда сен учун узаман гилос.
Ҳар кун уйимдасан, лек ишдан ҳориб
Нариги хонада ётибсан, холос...

Аввал сен ўқийсан янги шеър ёзсам,
Сенга айтдим севинч ғаму андуҳим.
Мен ўзим қай маҳал қайда бўлса ҳам
Сен билан боғларда сўзлашар руҳим.

Висолга айланди мен учун ҳижрон,
Ёдингга шунчалар ўрганиб қолдим –
Азиз жонинг билан туташдию жон,
Балки мен ўзим ҳам сен бўлиб олдим.

Ҳассос қаламингни тутдим қўлимга,
Сен бўлиб куйладим мен жону дилдан.
Сени тирик дедим қизим, ўғлимга,
Йўқлигингни доим яширдим элдан.

Юлдузлар чиққанда ҳар кеч фалакка
Сенинг кўзларинг, деб кўкка қарайман.
Китобинг варақлаб тонггача якка
Сатрларинг билан ўзни ўрайман.

Сен ҳануз турибсан ўттиз беш ёшда,
Ўшандай ғайратли, ўшандай ўктам.
Нега энди сендан бўлайин бошқа?
Ўттизга етмаган ёшдаман мен ҳам.

Шунча узоқ бўлдинг, бас, энди етар,
Бир лаҳза мендан ол танҳолик юкин.
Бир лаҳза, шоирим, бошингни кўтар,
Сени қутлагани келганман бугун.

Ана, кўтарилди уфқдан қуёш,
Бу сенсан, шуълалар – заррин қанотинг.
Менга қутлуғ бўлсин вафо ва бардош,
Қутлуғ бўлсин сенга янги ҳаётинг.

2

Халққа айтинг:
Мен асло ўлганим йўқ!

Ҳамид Олимжон

– Мени, барҳаётсан,
Дединг, шоирам,
Ёруғ дунёдаги
Ҳаётим ўзинг.
Мен уни ногаҳон
Тарк айлаган дам
Қолдирган байтиму
Баётим ўзинг.
Айрилиқ қисматда
Бор экан, нетай,
Лекин сен бирламен,
Мени ёр десанг.
Не учун оламдан
Йўқ бўлиб кетай,
Мени ўз ёнингда
Доим бор десанг.
Ҳаётдаман,
Фақат
Жисмдан холи,
Дунёни кўксимда
Сезиб турибман.
Фазода сайр этган
Кема мисоли
Борлиқ теграсида
Кезиб юрибман.
Ҳаётимни этмиш
Мангу чароғон
Сенинг қалбингдаги
Ойдин хаёллар.
Бевафо дунёда
Яшайди инсон
Борлиги туфайли
Сендек аёллар.

Кечди тирик умрим
Шеър билан пайванд.
Ҳайрат кўзи билан
Атрофга боқдим.
Гоҳи пастга тушдим,

Гоҳ чиқдим баланд,
Зарафшон сувидек
Ҳайқириб оқдим.
Аммо ҳаётимнинг
Пок дурдонаси,
Мен топган энг аъло
Шеърим,
Ғазалим,
Қалбимнинг энг юксак
Шодиёнаси
Сен бўлдинг,
Фариштам,
Доно гўзалим!
Ёдингдами, бизлар
Илк кўришган чоғ?
Борлиқ кўнглимиздай
Мунаввар эди.
У олам,
У осмон,
У яшнаган боғ
Гўё бахтимга тенг
Муяссар эди.
Кун кун эмас эди,
Шеър баҳси аро
Қўшалоқ шам каби
Ёнмасак агар –
Кўзларингдай қора
Кечалардан то
Юзларингдай ёруғ
Субҳидам қадар.

Сўнг...
Бир кун ёнингга
Шошиб келардим,
Фурсат тўхтаб қолди
Йўлда ногаҳон.
Интилиб,
Интилиб
Етолмай,
Дардим –
Дилга оқди, гўё
Бир пиёла қон.
Сўнг...
Сен нола қилдинг
Сочингни ёйиб,

Фируза томчилар
Оқди юзимга.
Кейин...
Ҳамма нарса
Бўлдию ғойиб,
Сингиб қолди фақат
Чеҳранг кўзимга.
Шоирам!
Сен боис
Ҳаётда қолдим!
Жоним кипригингда
Тутдию макон,
Кўзингда кўзларим,
Қалбингда қалбим,
Вужудингда ўзим
Бўлдим намоён.
Менинг ҳам созимдир
Қўлингдаги соз,
Менинг ҳам изим бор
Ўтган йўлингда.
Қўшиқларим қилди
Оламга парвоз,
Даставвал жаранглаб
Сенинг тилингда.
Шундан икки илҳом
Ёр бўлди сенга,
Қалбингда сўйлади
Ҳамоҳанг диллар.
Шу боис
Дилрабо
Нозик шеърингга
Куйилди
Жанговар,
Ёниқ сатрлар.
Ҳассос шеър таралди
Коинот бўйлаб,
Унда нолаю бонг,
Эрк оҳанги жам.
Ўтли қалбдан чиққан
Қўшиғинг тинглаб,
Ўзбек овозини
Таниди олам.
Шоирам!
Машъалинг
Кўтаргин баланд,

Минглаб оналарнинг
Юраги сенда.
Бир умр ёрининг
Ёдига пайванд
Мунис келинчаклар
Тилаги сенда.
Сен ўтган йўлларда
Чечаклар қолсин,
Сен кирган хоналар
Бўлсин чароғон.
Кўзларингдан қуёш
Шуълалар олсин,
Юлдузларин сочсин
Бошингдан осмон.
Торинг минг булбулдай
Тошиб сайрасин,
Ғаму ҳасратларни
Айлагин барбод.
Сен шундай яйраки,
Олам яйрасин,
Агар менинг руҳим
Бўлсин десанг шод.
Баланд уч,
Олис уч
Шеърий самода,
Мен учун ҳам яша,
Куйла, шоирам!
Ўзинг айтганингдек,
Ёруғ дунёда
Сен ҳаёт экансан –
Ҳаётман мен ҳам!

1975

Тирик сайёралар

* * *

Эй, мен билган,
Билмаган дунё!
Заррадан то Коинот қадар,
Ҳам аён, ҳам тилсимот қадар
Фикрат бовар қилмаган дунё!
Мен ҳам сендан
Бир қисм бўлиб,
Ҳис, идрок, жон ва жисм бўлиб
Яралибман, яшамоқдаман.
Оқар экан тириклик – дарё
Ҳаёт билан гоҳ тўлқин аро,
Хаёл билан гоҳ қирғоқдаман.
Куйламоқнинг шавқи ҳам – яшаш,
Ўйламоқнинг завқи ҳам – яшаш,
Қай бири чин ҳаёт – билмасман,
Элга очдим қучоқларимни,
Елга сочдим хуш чоқларимни,
Лекин тунги қийноқларимни
Ҳеч кимсага ҳадя қилмасман.

1976

ТИРИК САЙЁРАЛАР

Деразамдан тушган тола нур
Сомон йўли каби товланур.

Ҳайратки, шу тола нур аро
Минг-минг зарра кезар овора.
Ҳар бир зарра балки бир дунё,
Эҳтимол, бир ўзга сайёра...

Кўриб не бор ўз тақдирида,
Балки яшар минг-минг коинот.
Ҳеч ажабмас, шулар бирида
Мавжуд бўлса тараққий, ҳаёт.

Инсон-чи, дўст топмоқни ўйлаб
Танҳоликдан бу тор дунёда,
Юлдузларга кемалар йўллаб,
Жонзот излар чексиз фазода.

Бордек йироқ туркумлар аро
Ўзи каби оқил бир хилқат,
Инсон кўкка боқар доимо,
Тинтув қилар осмонни фақат.

Аммо билмас, қилмас тасаввур,
Хаёлига келтирмас башар,
Ўзга жонзот балки бўлиб нур,
Оҳанг бўлиб у билан яшар.

Ўзга ҳаёт балки сокин тун
Қамишларнинг шовиллашидир.
Тонготарда балки лолагун
Шафақларнинг ловиллашидир.
Ҳожат эмас кўкдан изламоқ,
Кемаларни қилмоқ овора.
Одамзоднинг ўз қалбидаёқ
Яшаётир ўзга сайёра.

Фазоларнинг қай бурчагига
Фикри билан етадир инсон,
Аммо не бор ўз юрагида –
Билмай ўтиб кетадир инсон.

У яшайди тилсимлар аро,
Ҳар кашфиёт янги маррадир.
Унинг ўзи сирли бир дунё,
Дунё эса фақат заррадир.

Деразамдан тушган тола нур
Сомон йўли каби товланур.

1976

БИЗЛАР ИШЛАЯПМИЗ

– Гапинг бўлса,
мендан тўғрича сўра,
Микрофонингни қўй, мухбир укажон!
Мен учун темирга сўзлашдан кўра,
Эртадан кечгача ер чопган осон.
Бизнинг ишимизни «саховат» дединг,
«Дала полвонлари» атадинг бизни.
Бунча баландпарвоз сўзламас эдинг,
Билсайдинг кўнглимиз, одатимизни.
Бизга тўғри келмас «чавандоз» сўзи,
«Жонбозлар» деганинг эришроқ бир оз.
«Зафар маррасини қучмоқ» не ўзи?
Бизлар ишлаяпмиз,
Бу – меҳнат, холос.

Тўғри,
Биз кўплардан эрта турамиз,
Бошқалардан кўра ётамиз кечроқ.
Ёзу қиш далада «жавлон урамиз» –
Сенинг сўзинг билан айтганда –
Бироқ,
Пахтакор касбининг шох-бутоғи йўқ,
Фақат меҳнатимиз сал ўзига хос.
Қўл қадоғи бор-у, иш адоғи йўқ.
Бизлар ишлаяпмиз,
Бу – меҳнат, холос.

Касбнинг ўнғайи йўқ,
ишнинг осони,
Байт бор:
машаққатсиз бўлмайди ҳунар.
Кимнинг ширин бўлса агарда жони,
Ҳар бир касб кўзига мушкул кўринар.
Тириклик деганнинг ўзи бўлмайди,
Ризқ осмондан тушмас чекиб ётсанг нос.
Озроқ жон койитса, одам ўлмайди,
Бизлар ишлаяпмиз,
Бу – меҳнат, холос.

«Бободеҳқон» эмас,
биз оддий деҳқон,
Шунинг учун гапнинг тўғриси маъқул.

«Пахта ишқи» дединг,
бу ишқмас, ишон,
Пахта жононамас, гул ҳам эмас ул.
У пешона тери,
машаққат,
озор,
Елкадаги юк у – бизларга мерос.
Асалари учун «балли» на даркор? –
Бизлар ишлаяпмиз,
Бу – меҳнат, холос.

Дала хаёлингда балки соф ҳаво,
Фақат тиниқ сувдир,
Кўм-кўк майса ўт.
Йўқ,
бунда
техника, илм бор,
кимё,
Пахтазор ҳам бугун каттакон завод.
Биз ҳам,
ўйлаб кўрса,
рабочий одам,
Энгил мой,
кўнгилда моторга ихлос,
Лекин биз хурсандмиз шунисига ҳам,
Бизлар ишлаяпмиз,
Бу – меҳнат, холос.
Фан-ку, ўз йўлига,
пахтага туйғу,
Илми ғайб дегандек,
сезги ҳам керак.
Бир кун эрта эксанг, эрта бўлар-у,
Бир кун кеч қадасанг,
кеч қолдинг, демак.
Темирчидан эмас, деҳқондан чиққан
бу мақол:
темирни қизиғида бос.
Кўзимиз ўрганган,
юрак чиниққан,
Бизлар ишлаяпмиз,
Бу – меҳнат, холос.

«Чопиқ гашти» дединг,
эҳ, бу не роҳат,
Билмоқ бўлсанг, сезмоқ бўлсанг, не ҳузур,

Кун бўйи демайман,
бир-икки соат
Лолақизғалдоқнинг офтобида тур.
Бу иш
«пўлат отни мағрур суриш»мас,
Рост гапни айтавер,
Уялтирмас рост.
Далада чанг ютиш «жавлон уриш»мас,
Бизлар ишлаяпмиз,
Бу – меҳнат, холос.

Газетда шеърингни ўқидим у кун,
Сувчи тўғрисида битибсан «ашъор».
Тасвирлабсан:
сувчи оппоқ-ойдин тун
Сув бўйида ёрин
кутар интизор...
Бир кеча кўрсайдинг сувчи заҳматин,
Ойни ҳандалакка қилмасдинг қиёс.
Тарк этиб саҳарги уйқу лаззатин,
Бизлар ишлаяпмиз,
Бу – меҳнат, холос.

«Улкан мажбурият»,
«аҳду паймонлар» –
Деҳқон сўзимас,
биз кўкрак кермаймиз,
Ҳисоб-китоблидир бизнинг планлар,
Кўзимиз етмаса, ваъда бермаймиз.
Ҳар бир режамизда
тажриба,
ҳаёт,
Ҳар сўзимизда бор бир илмий асос.
Қилмоқда эмасмиз
«афсона бунёд»,
Бизлар ишлаяпмиз,
Бу – меҳнат, холос.

Чигитнинг навию
Тупроқ кучидан
Тоғнинг қоригача ҳисобда,
бироқ
Табиатда иш кўп бизлар кутмаган,
Пахтанинг дўстидан душмани кўпроқ.

Қурт тушса,
қўл билан терамиз баъзан,
Қайтадан экамиз
дўл урса паққос.
Талашиб, келишиб
табиат билан,
Бизлар ишлаяпмиз,
Бу – меҳнат, холос.

Баъзан янглишамиз,
биз ҳам инсонмиз,
Хато – тонналарни нобуд этади.
Мажлисдаги гаплар, мисоли бигиз,
Суяк-суяклардан ўтиб кетади.
Чидаймиз.
Отадан қолган мол эмас,
Ўз мулкимиз учун
барча эҳтирос.
Гап бор:
от тепкисин от кўтарар, бас,
Бизлар ишлаяпмиз,
Бу – меҳнат, холос.
Теримни айтмайман,
ортиқчадир гап,
Кузда келсанг, ўзинг кўрасан, укам.
Раислар уйига бормас ҳафталаб,
Йигирма тўрт соат
секретарга кам.
Терим ҳам машаққат,
ҳам қувонч,
ташвиш,
Пахта доим бирдек
очилмас қийғос.
Бари бир,
терим ҳам ўзимизнинг иш,
Бизлар ишлаяпмиз,
Бу – меҳнат, холос.
Ҳар бир машаққатнинг
роҳати ҳам бор,
Ҳар кўшиш бир қувонч
ҳадя этади.
Кўпкарида отни қамчилаб бир бор
«Ҳайт» десанг, ғуборинг чиқиб кетади.
Турмушимиз кўриб турибсан, мана,

Кетмас давлатимиз – феълимизга мос.
Бунга боис,
такрор айтаман яна:
Бизлар ишлаяпмиз,
Бу – меҳнат, холос.
Ҳа, биз ишлаяпмиз,
чунки бу меҳнат
Ўзбек шуҳратига шуҳрат қўшади.
Юртнинг ғазнасига
бизнинг баракат
Жарақ-жарақ олтин бўлиб тушади.
Оламда борми ҳеч
бунақа фараҳ!
Лекин яшаяпмиз беайюҳаннос.
Ҳаёт – жаннат эмас,
иш – эмас дўзах,
Бизлар ишлаяпмиз,
Бу – меҳнат, холос.

Камимиз йўқ,
уйга келганда меҳмон,
Битта қўй сўйишга етар қурбимиз.
Фақат тилагимиз – эл бўлсин омон,
Омон бўлсин доим
ота юртимиз.
Сенга айтадиган гапим шу,
укам:
Жимжима гапни қўй,
тўғрисини ёз.
Токи кўрсин,
билсин,
англасин олам,
Бизлар ишлаяпмиз,
Бу – меҳнат, холос.

1975–1976

ОТА ТИЛАГИ

Таажжуб, дейман-у ёқа тутаман,
Мурғак бола эдим кеча-ку ўзим.
Бугун қарабсизки, мен ҳам отаман,
Менинг ҳам ўғлим бор – умид юлдузим.

Қалбим урмакда шу муштдек юракда,
Янгидан ўсмакда кичкина жисмим.
Демакки, ҳаётим давом этмакда,
Демакки, оламда қолмакда исмим.

Нима бор мен учун унингдек азиз? –
Арзир бир сўзига жон фидо этсам.
Жаҳонда нимаки бўлса энг лазиз,
Фақат унинг учун муҳайё этсам.

Кипригига зарра қўнмаса қайғу,
Бахти комил бўлса, толеи бекам.
Кўрса мен кўрмаган шодликларни у,
Етса мен етмаган ниятларга ҳам.

Аммо у бир умр бўлмай ошино
Тириклик деганнинг заҳмат, дардига,
Била олармикин надир бу дунё,
Ета олармикин ҳаёт қадрига?!

Ўғлим, эй, умидим боғида ниҳол,
Ёруғ пешонангни ўпиб силайман.
Шу азиз бошингга энг нурли хаёл,
Қалбингга энг тоза ҳислар тилайман.

Улғаярсан, йигит бўларсан бир кун,
Ортда қолар ёшлик, ўйин, эрмаклар.
Оламни елкада кўтармоқ учун
Дунёга келади, билсанг, эркаклар.

Эртанги кунингни ўйлаб шу пайтдан
Борлиқни қувончим билан ўрайман.
Сени менга берган бу табиатдан
Сенинг юрагингга олов сўрайман.

Майли, мушкул бўлсин сен танлаган йўл,
Толе ҳам, майлига, келмасин осон.
Фақат одам қадрин билар одам бўл,
Бўл инсон дардини билгувчи инсон!..

1976

ЗАНГОРИ ШУЪЛАЛАР

Сокин куз ойлари шаҳарда
Нақадар сўлимдир кечалар.
Қандайдир сеҳр бор қамарда,
Кўк билан сўзлашар кўчалар.

Мен ўша сеҳрни ҳис этиб,
Сукунат бағрида кезаман.
Юлдузлар эртагин эшитиб,
Ўзимни кўкларда сезаман.

Ҳамма ёқ осуда, осуда,
Кўчада кўринмас бир жонзот.
Гўёки одамлар уйқуда,
Гўёки борликда йўқ ҳаёт.

Ҳолбуки, кўчалар чароғон.
Ҳолбуки, дарчалар сочар нур.
Уйғоқдир ҳар дил, ҳар хонадон,
Бедордир хаёлу тасаввур.

Оқадир одамлар кўзига
«Зангори экран»нинг шуъласи.
Барчани банд этмиш ўзига
Бўрининг қуённи қувлаши.

Кўчада сукунат, сукунат,
Уйларда ҳаяжон, ҳаяжон.
Ўн олти қисмли уқубат
Асабни арралар беомон.

Тугамас катталар бардоши,
Гўдаклар қарамас овқатга.
Ўқ тегиб йиқилар кўрбоши,
Штирлиц чап берар офатга.

Бир йигит ўзганинг бағридан
Қайтган ёр лабини сўради.
Ўтишиб қўғирчоқ баҳридан,
Бу ҳолни қизчалар кўради.

Ҳар кун шу,
Биз оқшом чўккандан

Бу жоду қошига чўкамиз.
Туйғулар оқади экрандан,
Куламиз, кўз ёшлар тўкамиз.

Мен бугун дунёнинг юзига
Бир қараб қўймоқни истадим.
Ариқлар, гулларнинг ўзига
Термулиб тўймоқни истадим.

Елкамга юлдузлар ёғадир.
Борликда бир ажиб тароват.
Фалакдан кўксимга оқадир
Бир салқин, бир тотли ҳаловат.

Мен танҳо кезаман кўчада,
Сукунат ўзига чорлайди.
Борлиқ жим,
Ҳар битта дарчада
Зангори шуълалар порлайди.

1976

ИСТАК

Исми не ул қушниким,
на жисми бор, на жони бор,
Изла, топ, не боғким ул,
на ҳадди, на поёни бор.

Сой неким ул, бўлғай унда
на қарору, на канор,
Сув не ул, қонмоқнинг унга
на илож, имкони бор.

Тоғ надирким, чўққисини
ҳеч киши забт этмаган,
Тирмашиб ётқувчи элнинг
на саноқ, на сони бор.

Арғумоқ неким, унинг бор
на жилов, на жабдуғи,
Андалиб неким, унинг
ҳар дилда бир ошёни бор.

Комронлик унга етмак,
етмаган армон билан
Ким, мувашшаҳ битди Эркин,
Кўнглида армони бор.

1976

ОНА ТИЛИМ ЎЛМАЙДИ

Нотиқ деди:
«Тақдир шул,
Бу жаҳоний ирода.
Тиллар йўқолур буткул,
Бир тил қолур дунёда».

«Эй воиз, пастга тушгин,
Бу гап чиқди қаердан!»
Навоий билан Пушкин
Туриб келди қабрдан.

Ким дарғазаб,
Ким ҳайрон,
Чиқиб келдилар қатор:
Данте,
Шиллер
ва Байрон,
Фирдавсий,
Бальзак,
Тагор.
«Ваъзингни қўй, биродар,
Сен айтганинг бўлмайди».
Барча деди баробар:
«Она тилим ўлмайди».

– Ҳей, бу қандай ақида! –
Қўлида табаррук жом,
Гўзал форсий ҳақида
Рубоий айтди Хайём.

Эҳтиросли, оташдил
Беранже сўрди нолон:
– Наҳотки, фаранги тил
Йўқолгуси бир замон!

Неруда, Лорка турди
Сервантеснинг ёнига:
– Ким қасд этиб тиғ урди
Она тилим жонига!

Фузулий ёнди:
– Озар
Тили гулдек сўлмайди.
Барча деди баробар:
«Она тилим ўлмайди».

Камалакдек ранго-ранг
Бўлсин деб санъат, тиллар,
Асрларча қилдик жанг,
Армон қилдик минг йиллар.

Беқадр бўлса, наҳот,
Тиллардаги тароват!
Йўқолди бу кун, ҳайҳот,
Қабрларда ҳаловат!

«Фауст» ёнди гуриллаб,
«Хамса» ўтга туташди.
Бир садо жаҳон бўйлаб
Таралди, тоғлар ошди.

Бу садо янграр ҳамон,
Сира адо бўлмайди.
Олам айтар:
Ҳеч қачон
Она тилим ўлмайди!

1976

ТИЛАК

Сахийликни одат қилган бўлса ким,
Элга сочган бўлса борини доим,
Ҳиммати бор бўла туриб, илоҳим,
Қўлидан давлати кетмасин унинг.

Ким умрида сира билмаган тиним,
Меҳнатсиз бир лаҳза туролмаган жим,
Ғайрати бор бўла туриб, илоҳим,
Белидан қуввати кетмасин унинг.

Бир ишга қасд қилиб шоир ё олим,
Хаёл суриб – кейин не бўлур ҳолим –
Қудрати бор бўла туриб, илоҳим,
Дилидан журъати кетмасин унинг.

1976

ТАНГРИ ВА ЯМОҚЧИ

Ямоқчи тангрига деркан тинмайин:
– Эй худо!
Менга ҳам бир қайрилиб боқ!
Чориғинг сўкилса, тикиб берайин,
Кавушинг тешилса,
Солайин ямоқ.

Тангри дебди бир кун:
– Ол боқий умр,
Фаришта бўлурсан!
– Эй, қўй, керакмас!
Умр берма менга, бер озроқ кўмир,
Устига бир четан
Янтоқ бўлса, бас.

Тангри дебди:
– Тун-кун саждалар қилиб
Шунгамиди чеккан нолаю оҳинг?
Нима қилар эдинг менга сиғиниб,
Асли
Аравакаш экан
Илоҳинг.

1976

ЁШ ШОИРЛАРГА

«Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...»

Ҳамид Ғулом

Катта шоирларга қилмангиз ҳавас,
Сизга ҳавас қилсин катта шоирлар.
Чунки шеър бахтига устозлар эмас,
Муяссар бўлади кўпроқ шогирдлар.

Ҳали ёшсиз,
Ҳали шеърингиз ғўра,
Элнинг назаридан ҳали йироқсиз,
Лекин
Ортга машҳур шоирдан кўра,
Билингки, юз чандон сиз шоирроқсиз.

Шеър сизга ҳавасдир,
Ҳали эмас иш.
Сиз, шеърга сидқидил кўнгил берганлар.
Ов чоғи ўзини қилмай намойиш,
Панада бўлади доим мерганлар.

Танҳолик – шоирга дил эҳтиёжи,
Хаёлга ошнолик – буюк бахтингиз.
Қўнгач бошингизга шуҳрат гултожи,
Ташбиҳ изламоққа қолмас вақтингиз.

У пайт кўп бўлади ҳамдаму жўра,
Обрў, мартабада юксак бўласиз.
Сиз унда дафтару қаламдан кўра,
Мажлисларга кўпроқ керак бўласиз.

Қаерга бормангиз, ана шоир, деб
Эл кузатар ҳар бир қадамингизни,
Сиз инсон қалбини ўрганмоқ қолиб,
Ўргана бошлайди одамлар сизни.

Бир кун омадингиз келса не ажаб,
(Омад дегани ҳам бор-ку дунёда)
Донишманд одамлар айтар:
Бу не гап,
Наҳот, шундай одам юрса пиёда!

Амалдор бўласиз,
Курсингиз баланд,
Хизматингиз қилар машина ҳар кун.
Тонгда олиб кетиб мағзингиз билан,
Пўчоғингиз ташлаб кетар кечқурун.

Бир марта тушгансиз элнинг кўзига,
Энди кўздан нари кетмайсиз бир дам.
Фахрий аъзо қилар сизни ўзига
Каламуштутарлар жамияти ҳам.

Беором қушлардек сиз учиб-қўниб,
Ҳайъатдан ҳайъатга парвоз этасиз.
Тунлар шеър қаламин оҳиста йўниб,
Эртанги мажлисга доклад битасиз.

Сизда ҳар нарса бор,
Йўқ сизда йўғи,
Етгансиз, ҳар қалай, тилагингизга.
Лекин ёзилмаган шеърларнинг чўғи
Кул бўлиб тўкилар юрагингизга.

Бир кун тонгда
Оппоқ сочингиз тараб,
Дилингиз шогирдлик вақтин қўмсайди.
Айтасиз ҳаваскор ўсмирга қараб:
«Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...»

Катта шоирларга сиз қилманг ҳавас,
Сизга ҳавас қилсин катта шоирлар.
Чунки шеър бахтига устозлар эмас,
Муяссар бўлади кўпроқ шогирдлар.

1977

БОНГ УРИНГ

Бонг уринг,
ҳаммани
уйғотинг,
Бонг уринг
шаҳару
қишлоқда.
Ҳаяжон
кўтаринг,
тўп отинг,
Ўт кетди,
ҳамма ёқ
ёнмоқда,
Овозлар борича
бақиринг,
Одамлар!
Ё ҳаёт,
ё мамот!

Сим қоқинг!
Ноль бирни чақиринг:
Ёнғин, денг,
керак, денг,
тез нажот!
Дод солинг,
не кечар ҳолимиз,
Аламдан
жонимиз
қийноқда.
Оламда
топилмас
молимиз –
Вақтимиз
ёнмоқда,
ёнмоқда.
Ўрмонлар
ёнса-ку
чопамиз,
Тинмаймиз,
ўртанса
хирмонлар.
Чорани
қаердан
топамиз
Умрга
ўт кетса,
инсонлар!
У ёнар,
биз мажлис
қиламиз,
Тамаки тутуни
димоқда.
Шу тутун
ичида,
биламиз,
Бахтимиз
ёнмоқда,
ёнмоқда.
Бир ёнда
биз топиб
улгурмай
Минг-минглаб
саволга
жавоблар.

Ҳатто биз
варақлаб ҳам кўрмай,
Жавонда
ёнмоқда
китоблар.
Кечаги
айшдан бош
зириллаб,
Ўринда
ётибмиз,
бир ёқда

Столнинг
устида,
гуриллаб,
Ижоду
кашфиёт
ёнмоқда.
Райгазда
эшикка
битилган:
«Бир учқун –
даҳшатнинг
сабаби!»
Шу ерда
портлашга
етилган,
Ёнмоқда
инсоннинг
асаби.
Кечалар,
кўчалар
чароғон,
Ёзувлар
электрон
чирокда.
Ўт билан
ўйнашманг,
ўт ёмон,
Аслида
бу дунё
ёнмоқда.
Биз эса
қилурмиз
томоша,

Ғов қўймай
ёнғиннинг
йўлига.
Ким бериб
қўйибди
бепарво
Гугуртни
болалар
қўлига.
Бонг уринг
ҳаммани
чақиринг,
Бонг уринг,
шаҳару
қишлоқда.
Овозлар
борича
бақиринг,
Ўт кетди,
ҳаммаёқ ёнмоқда.
Одамлар,
уйқудан
уйғонинг,
Шошилинг,
қидиринг
тез нажот.
Жон куйсин,
қалб ёнсин,
сиз ёнинг,
То ёниб
кетмасин
бу ҳаёт.

1977

ЁЛҒИЗЛИК ИСТАГИ

«Мени ёлғиз қўйинг, дўстларим,
Чарчаганман,
ором олайин.
Бугун менга керакмас ҳеч ким,
Ўзим билан ёлғиз қолайин.

Истамайман,
безовта қилманг,
Менсиз ўтсин бугунча гурунг.
Бир кунгина қошимга келманг,
Бир кунгина чақирмай туринг.

Толиққанман теккундек жонга
Улфат, тўю томошалардан.
Чарчаганман, мени меҳмонга
Чақиргувчи ошинолардан.

Керак эмас менга бу фараҳ,
Бу кун менга керакмас шароб.
Дўстлар аро кўтариб қадаҳ,
Шеър ўқиш ҳам мен учун азоб.

Қўйинг,
бугун қолай гаштакдан,
Бўлолмасман сиз билан бирга.
Барибир мен яйраб юракдан,
Кулолмасман сиз билан бирга.

Бугун менга сукунат керак,
Сукунатки, йўқлик қадар тинч.
Фақат жимлик тилайди юрак,
Сиздан бугун биргина ўтинч:

Ёлғиз қўйинг мени, дўстларим,
Чарчаганман,
ором олайин.
Бугун менга керакмас ҳеч ким,
Ўзим билан ёлғиз қолайин».

Эй дўстларим,
бир замон келиб,
Шундай сўзлар учса лабимдан,
Сиз ишонманг соддалик қилиб,
Чиққан бўлмас бу сўз қалбимдан.

Юр, денг мени ўшандай дамда,
Қулоқ солманг, сўзларим ёлғон.
Ёлворсам-да,
фарёд қилсам-да,
Ёлғиз қўйманг мени ҳеч қачон.

Токи ҳеч вақт эшикка танҳо
Термулмасин маъюс кўзларим.
Майли,
мени ўлдиринг,
аммо
Ёлғиз қўйманг сира,
дўстларим.

1977

ТОҒ ЛОЧИНИ

Тоғ лочини кўкда танҳо
Парвоз этарди,
Қанотлари оғушида
Беғубор осмон.
Ёлғизликда кунлар бир хил
Сокин ўтарди,
Тонг юлдузин кўриб қолди
Бир кун ногаҳон.

Зуҳро порлаб турар эди
Шундоқ ёнида,
Сор лочиннинг ўзи каби
Ўйчан ва якка.
Кўрди-ю бир сирли оташ
Чақнаб қонида
Етаман деб учиб кетди
Тиклаб фалакка.

Учиб кетди, пастда қолди
Ўрмонлар, тоғлар,
Йўлга ёйган пахталардек
Булутлар қолди,
Учаберди соат сайин
Ердан йироқлаб,
Мовийликка чўмиб олам
Кўздан йўқолди.

У билмасди, поёни йўқ
Бу тубсиз осмон,
Юлдузларга етмоқ учун
Умри етмагай.

Она лочин айтган эди
Унга бир замон:
Интил фақат, интилиш ҳеч
Зое кетмагай.

У қувонар: ҳаётимга
Ёр бўлди маъно,
Қанотимга қудрат кирди,
Нурланди кўзим.
Қайда эдинг мени қўйиб
Фалакда танҳо,
Қайда эдинг шу пайтгача,
Менинг юлдузим.

Учаберди, учаберди,
Толди қаноти,
Зуҳро ҳамон қаршисида
Турарди порлаб.
Кучи битди, тамом бўлди
Охир саботи,
Қуркураган овоз билан
Йиғлади зорлаб.

Кўкни тутиб фарёд чиқди
Ошиқ юракдан,
Самоларда сўнг бор ёйиб
Улкан қулочин,
Оҳ деди-ю, қулаб тушди
Тоқи фалакдан,
Парчаланди тик чўққига
Урилиб лочин.

Шундан буён тонг юлдузи
Ғамгин ва ёлғиз,
Шундан буён тоғ ортидан
Кўтарганда бош,
Чўққи узра тўхтамоқни
Тарк этмас ҳаргиз,
Кўзларида қалқиб турар
Доим томчи ёш.

1977

ТЕМИРТАН ДАҲОЛАР

Академик Восил Қобулов

Бу –
кибернетика институти,
Сеҳру мўъжизалар мамлакатидир.
Музаффар,
баркамол
тафаккур юрти,
Темиртан даҳолар салтанатидир.

Бу ерда фикрлаш тезлиги нурдай,
Мана бу –
кўримсиз пўлат жомадон –
Биз бирни иккига қўшиб улгурмай,
Миллиардни миллиардга
зарб қилур осон.

Фикрат қутисида
коинот сири,
Буржлар нурланади темир даҳодан.
Ер қаърига шуъла юборса бири,
Тўлқинлар тутади бири фазодан.

Мана бу чамбарак
«Каисса–9»
«ЧС–7» билан шахмат суради.
Манов сандиқ эса
уч кундан буён
Бўлажак шаҳарга режа қуради.

Бу – рассом,
ўйнатиб нейлон кўзларин,
Суратлар чизади,
рангин, жимжима.
Бу ғўла – таржимон,
чулчут сўзларин
Қайта чулчутчага қилар таржима.
Темиртан даҳолар ишлар шу йўсин,
Шовқин йўқ,
жанжал йўқ –
тўлқин – ишора.
Улкан темир тахта –
шифт бўйи устун

Улар меҳнатини қилар идора.
Бу юртда режа бор,
иш бор,
ғайрат бор,
Темирлар ҳордиқ кун қилмаслар талаб.
Душанба бошлари оғримас наҳор,
Кечикиб келмаслар ишга эрталаб.

Бунда тама қилмас
ҳеч ким дўстидан,
Бу юртда бўлмайди фитна,
ғийбатлар.
Ҳеч қачон «К–14» «Д–5» устидан
«Б–3»га ёзмайди юмалоқ хатлар.

Темирлар юртида мажлисбозлик йўқ,
Соатлаб маъруза айтмайди ҳеч ким.
Асаблар торини узмас таҳқир – ўқ,
Ҳеч кимса йиқилмас кўксин ушлаб жим.

Ҳар ким ўз қудратин одил баҳолар,
Касбдоши йўлига қўймайди тузоқ.
Чунки улар фақат –
темир даҳолар,
Инсоний даҳодан ҳали кўп узоқ.

Не ажаб, улар ҳам ўрганса бир кун,
Ким билсин,
олимлар балки туймишлар.
Одамзод нафаси тегмасин учун
Уларни шишага солиб қўймишлар.
Темирларга ётдир ўкинч ва кўз ёш,
Дунё можароси
уларга абас.
Бизнинг низоларга бермаслар бардош,
Чунки улар – темир,
одамлар эмас.

1977

ЗАМИН САЙЁРАСИ

– Эй замин!
Битмайин не ишинг қолган?
Бетиним айланиб жонинг ҳалакдир.
– Сўрма,
Мен шўрликни шу куйга солган –
Тириклик ишидир,
Чархи фалакдир.
Мен на қуёшдирман,
На олтин қозиқ,
Ўлтирсам фалакнинг кошонасида.
Пешонамга азал шу экан ёзиқ,
Дастёрман самовот корхонасида.
Бошлиғим офтобдир,
Парвона бўлиб
Йил бўйи айланмоқ турмушим эрур.
Бу ҳам етмагандай,
Кунда ўгрилиб
Боримни кўрсатиб турмоғим зарур.
Кўк тўла сайёра,
Бу паст, у баланд,
Узоқ-яқин юлдуз ундан ҳам бисёр.
Муроса қиламан ҳар бири билан,
Барининг кўнглини топмоғим душвор.
Мана, мисол – Баҳром,
Яъни, қаттол Марс,
Кўзларида ёнар жангари чақин.
Биламан,
Ундан ҳеч яхшилик чиқмас,
Аммо қўрққанимдан юраман яқин.
Тижорат элига –
Аторид посбон,
Хабардор бўлурман ундан ҳам сергак.
Яшириб не қилдим,
Ўзингга аён,
Савдо аҳлидан ҳам ошналар керак.
Зуҳални зиёрат қилурман ҳар кун –
Ҳосил сайёраси – дўст бўлмай нега?
У менга керакдир
Тириклик учун,
Тўрт миллиард болам бор,
Осонмас менга.
Чақмоқ қиличини доим ўқталиб,

Гулдираб турса ҳам
Муштарий бадкор,
Баҳорда фойдаси тегиб қолар деб,
Кузда салом бериб қўяман бир бор.
Юрак ўйноғидан
Хастаман, дўстим,
Кўксиму елкамга қўйганман музлар.
Яна мен шўрликка ўқталар муштин
Узоқ-яқиндаги думли юлдузлар.
Ҳаётим шу –
Чопмоқ
Тинмай бир нафас,
Ҳалқа ичидаги олмахон мисол.
Йил эмас,
Асрмас,
Минг йил ҳам эмас,
Мангулик нимадир –
қилмайсан хаёл!
Сен эсанг беш кунлик
Қисқа умрингда
Чеккан заҳматингга қиласан фиғон.
Менинг турмушимни ўйлаб кўргин-да,
Шукур қил,
Боқиймас умринг, эй инсон.

1977

«ОҚСОҚОЛ»

Уни ҳамма бирдек
Дерди «оқсоқол»,
Гарчи соч-соқоли оқ эмас эди,
Илму донишда ҳам тоқ эмас эди,
Бироқ ҳамма бирдек
дерди «оқсоқол».

Чоғроқ бўйли эди
«Оқсоқол» ўзи,
Қаддида салобат бор эди лекин.
Ёниб турар эди кўкимтир кўзи,
Сокин гапирарди,
Юрарди секин.

Уни ҳурмат қилар эди одамлар,
(Агар ҳурмат бўлса қўрқувнинг оти),
Ундан нажот тилар эди одамлар,
Элга керак эди унинг «нажоти».

Чунки «оқсоқол»да ноёб фазилат –
Қаҳр,
бешафқатлик,
зуғум бор эди.
У пайт зарур эди
балки бу хислат,
Эл қаттиққўлликка балки зор эди.
Урушнинг охирги йилин эслайман,
Биз саҳардан нонга навбат олардик.
Бола эдик,
Уйқу элитиб баъзан,
Деворга суяниб ухлаб қолардик.
Дўкон очилганда
Жон кириб бизга,
Елкалардан ошиб интилар эдик.
Навбат узун эди,
бўйимиз қисқа,
Нон кам,
Халойиқ кўп,
Не қилар эдик?
Шунда етиб келар эди «оқсоқол»,
Қўлида ўйнатиб тол хивичини.
Тартибга келарди одамлар дарҳол,
Ўшанда билганман
Қўрқув кучини.

Болалар,
катталар жим, итоаткор,
Бир сафга тизилиб турар эди тек.
«Оқсоқол»
тартибни кўрарди бир бор,
Айланарди парад қабул қилгандек.

Сўнгра,
Қўлларини тиқиб камарга,
Қора оломондан қилгандек ҳазар,
Тепаликда туриб
пастдагиларга

Ғазаб, нафрат билан
ташларди назар.
У хипчини билан
Қилса ишора,
Навбат билан ҳар ким олади ҳақин.
Сафдан чиқса борми бирор бечора,
Беизн дўконга келсами яқин,
Оч қолиши тайин эди ўша кун,
«Оқсоқол» аёвсиз эди шу қадар.
Мен ҳайрон бўлардим,
Ажаб, не учун
Шу мушук кўзликка тобе одамлар?
Ахир уларники
дўкондаги нон,
Тартиб билан бориб олсалар нетар?
«Оқсоқол»га эмас,
Босабру имон
Қалбларига қулоқ солсалар нетар?

У замон очлигу муҳтожлик дарди
Қилиб қўйган эди қоматларни дол.
Балки шунинг учун
улар чидарди,
Балки зарур эди у пайт «оқсоқол».

Мана йиллар ўтди,
«Оқсоқол» бугун
Аввалги иззату мавқеда эмас.
Қариб соч-соқоли оқарган бутун,
Лекин бугун ҳеч ким «оқсоқол» демас.

У баъзан кечқурун,
Баъзан эрталаб
Нон дўкон ёнида ўлтирар узоқ.
Ўтган-кетганларнинг ортидан қараб,
Кўкимтир кўзлари мўлтирар узоқ.
Бу нигоҳ маъноси
Элга ноаён,
Балки шукронадир,
покдир тилаги.
Балки
Хотирига келар у замон,
Ўша тол хивични қўмсар юраги.

Кўзига кўринар
Балки шу тобда
Навбат кутиб турган ожиз бандалар.
У мудраб ўлтирар,
Янграр атрофда
Шодон қўшиқлару
қувноқ хандалар.

1977

АРМОН

Кеча керак бўлдинг,
Болалик чоғим!
Сенга қўл узатдим,
Йўқ,
Етолмадим.
Ошкора ғирромлик қилди
Ўртоғим,
Мен: бор, ўйнамайман,
Деб кетолмадим...

1977

ИХЛОС

На мартаба, на бойлиги бор эди унинг,
Йироқ эди маишату аёл дунёси.
Кўчасига кирмаганди ўйин-кулгунинг,
Жиндек жони бор эди-ю, катта ихлоси.

Ихлос эди унга олам, унга саодат,
Ғазналарга бериб бўлмас мулки бебаҳо.
Ул йигитни тақдир азал, қодир табиат
Оҳангларнинг дунёсига қилганди ошно.

Саҳар чоғи шабнамлардан тинглар эди куй,
Шафақлардан юрагига оқарди қўшиқ.
Вужудида туман чолғу қилар эди тўй,
Миллион-миллион таронага борлиғи тўлиқ.

Жунун тўла кўзларида ёнарди ҳар вақт
Бизга – оддий бандаларга ноаён шуур.

Бу оламнинг эвазига қодир табиат
Берган эди юрагига оламча сурур.

У бастакор эмас, фақат ихлосманд эди,
Бир оҳанглар пири эди йигитга ҳам пир.
Ихлос билан кўкси доим сарбаланд эди,
Ғойибона меҳри унга энг аъло тақдир.

Ўшал устоз фикри билан нафас оларди,
Ўшал пирга бахш этганди тамоман ўзин.
Қўшиқларин тинглаб тунда ухлаб қоларди,
Қўшиқларин тинглаб тонгда очарди кўзин.

Кунлар ўтиб, йигитчага тор келди қишлоқ,
Елкасига тўнни ташлаб чиқди сафарга.
Қанот бўлди пок ният эзгу иштиёқ,
Маъсумликнинг фариштаси учди шаҳарга.

Шаҳар уни гуллар тутиб қабул қилмади,
Ҳатто кутиб олмади энг улуғ бастакор.
Аммо йигит камтар эди, хафа бўлмади,
Ўзи улуғ пир олдига йўл олди наҳор.

Аммо сокин ухлар эди бу маҳал устоз,
Куни билан мажлисларда тўкилган жисми.
Мухлисига қучоқ очиб чиқмади пешвоз,
Сўрамади, қаердан у, ким у, не исми.

Кечроқ келинг, деди фақат, ёпди эшикни,
Сўнг не деди – бўлмай қолди йигитча огоҳ.
У кўрмоқчи бўлган эди тирик Қўшиқни...
Буюк тангри қулаб тушди аршидан ногоҳ.

Бир дақиқа тош ҳайкалга айланди мухлис,
Наҳотки, шул мусиқанинг пири сарвари.
Наҳот, унга жондан ортиқ, умридан азиз
Тароналар шул юракнинг бўлса самари.

Наҳот, улар тонготарнинг меваси эмас,
Наҳот, бедор эмас субҳи сабоҳ бастакор.
Унга буюк орзу эди, умрлик ҳавас,
Қўшиқ бўлиб кирмоқ устоз қошига наҳор.

Йигит қайтди орзулари ёшдек тўкилиб,
Барбод бўлди қалбидаги буюк эҳтирос.

Тасодифий бир ҳолатнинг қурбони бўлиб
Сўнди у кун пок юракда буюк бир ихлос.

Сўйла, нега бундай қилдинг, шафқатсиз фалак,
Нега қилдинг ўшал мудҳиш ҳолатни пайдо?
Нега ерда учрашдилар бу икки малак,
Нега суҳбат қурмадилар фазолар аро?

Ёруғ юлдуз кўкка чиқмай йўқолди беиз,
Улкан даҳо завол топди бўлмай намоён.
Бир қотиллик содир бўлди тонгда мислсиз,
Танҳо буюк бастакордан айрилди жаҳон.

На мартаба, на бойлиги бор эди унинг...

1977

МАҚБАРАДАГИ ЁЗУВЛАР

I

У, дунёга келиб, ташвишнинг
Орқасидан елиб-югурди.
На сўнгига етолди ишнинг,
На дунёни англаб улгурди.

Охир бир кун,
Ақли тўлгач, у
Ўз жонининг қадрига етди.
Бор-эй, дея қўл силтадию
Бу дунёни ташлади-кетди.

II

У, оромни суяман, дерди,
Тинчим бузган – душман, дерди у.
Ўнгга боқиб: туяман, дерди,
Чапга боқиб: қушман, дерди у.
У оламдан ўтмади яшаб,
Ошаб ўтди фақат ошини.
У ўлмади,
Қавмига ўхшаб
Қумга тиқиб ётар бошини.

1977

ТААЖЖУБ

Болалар онасининг
ухлатишидан чўчиб,
Кечқурун уйга келмай
қочиб юргани каби,
Эрталаб туролмасдан
ширин уйқудан кечиб,
Кўрпасини бошига
тортиб тургани каби,
Ёзнинг иссиқ кунида
анҳор бўйида туриб,
Тушолмаган каби биз
муздек сувга дафъатан,
Сўнг эса оромижон
сувнинг роҳатин кўриб,
Қайтиб чиқишни сира
истамагандек бадан,
Одамзод ҳам йўқликдан
борликқа келиш чоғи
Чинқириб бу дунёни
кўтаради бошига.
Лекин даҳшат туюлар
ўз аслига қайтмоғи,
Фарёд чекар оламни
кўмгудек кўз ёшига.

1977

ОТДОШЛАРИМГА

Исмларнинг тарихи узоқ,
Исмларда асрлик қисмат.
Улар бари орзудек порлоқ,
Покизадир бамисли ният.

Фарзанд асли умр давоми,
Тирикликка эгизак армон.
Армон билан болалар номи
Нурхон бўлди, бўлди Шодмон.

Ўғлон кўриб қилдилар тилак,
Омон бўлсин офатдан бу бош,

Балоларни ёғдирса фалак,
Исми каби бўлсин Темир, Тош.

Чақалоқни йўргакка тугиб,
«Яна ҳолва», деганда доя,
Ота, энди ўғил керак, деб
Қизига ном қўйди: Кифоя.

Ўғил бўлса – юрт кўкси баланд,
Ўғил тутар кетмону ўқ-ёй...
Ўғил бола орзуси билан
Қизлар номи бўлди Ўғилой.

Она фарзанд кўриб тўртовлон,
Қаро ерга берса тўрттасин,
Туғилганда бешинчи ўғлон
Умид билан деган «Тўхтасин».

Бўлиб тақдир қаҳридан малул,
Чекиб фалак жабридан озор,
Фарзандларга ном қўйдилар, қул –
Абдуқаҳҳор ва Абдужаббор.

Зора толе белгиси бўлса,
Зора бўлса омад ривожи,
Бола қизил доғли туғилса,
Атадилар бахт учун Тожи.

Неча юз минг авлоддан қолган
Армонли бу дунёда яшар –
Фарзандларга ҳақ Тилаб олган
Умрбоқий, Умрузоқ башар.

Бу кун янги олам баробар
Номларда ҳам янгича маъно.
Тўрт йигитнинг бириси Анвар,
Бешта қизнинг бириси Раъно.

Боқиб Эркин номли ўғлонга
Кўкка етар севинчдан бошим.
Қадам қўйсам қай хонадонга
Рўпарамдан чиқар отдошим.

Отдошларим,
Толеимизга
Шундай исм бахту кўркимиз,
Эгиз бўлди, эш бўлди бизга,
Ҳам эътиқод бўлди эркимиз.

Ном қўйдилар бизга оталар
Эркин кўрмоқ бўлиб дунёни.
Мангу Эркин бўлсин дедилар
Фарзандларнинг юраги, жони.

Эркин бўлсин ҳаёт ва меҳнат,
Эркин бўлсин муҳаббат, ижод.
Яйраб ўссин фарзандим,
Фақат –
Эл ғамидан бўлмасин озод.

Қалби кураш шавқига тўлсин,
Ошно бўлсин унга туғёнлар.
Эрк йўлида фидойи бўлсин
Эркин номин олган ўғлонлар...

1977

ҚАЛАМҲАҚИ ВА ОЙЛИК

– Шоир, нега кўнмасдан
Шеърдан келган бойликка,
Эртаю кеч тинмасдан
Ишлаяпсан ойликка?

– Чунки ойлик ҳамхона
Ёрдек содиқ ошнодир.
Қаламҳақи – жонона
Қизлардек бевафодир.

1977

УЧ БАЙТ

* * *

Агар дўстинг билан
тенг кўрсанг баҳам,
Шодлик тенг кўпаяр,
тенг бўлинар ғам.

* * *

Сўзлаганда оқил
дилингга жо қил,
Аммо ўз дардингга
ўзинг даво қил.

* * *

Қўркувнинг кўзи катта,
Юраги кичик бўлур,
Қўркув зўр келган юртда
Арслонлар кучук бўлур.

1977

БОЛАЛАР

Сизлар – ота,
Биз – бола бу кун,
Биздан – салом, сизлардан – алик.
Аммо эриш туюлар нечун
Энди сизга бизнинг болалик!
Сиз ҳам, ахир, бола бўлгансиз,
Кўзингизда порлаган ҳайрат.
Ўйнагансиз, шўхлик қилгансиз,
Қалбингизни қийнаган ғайрат.
Айтинг,
Ё сиз гоҳи-гоҳида
Қоидани бузмаганмисиз?
Тирмашиб ё ўрик шохига,
Кўк ғўралар узмаганмисиз?
Ўзбошимча номини олиб,
Чўмилмаганмисиз анҳорда?
Ялангоёқ, тўғри йўл қолиб,

Юрмаганмисиз ҳеч деворда?
Сизлар – ота,
Биз – бола бу кун,
Сиздан ҳай-ҳай, биздан – тўполон.
Нега сизга ҳар нарса мумкин,
Нега бизга ҳар иш қатағон?
Чиқиллайди деворда соат,
Секундларни қилади ҳисоб.
Сизга унинг борлиги – роҳат,
Бизга унинг сирлиги – азоб.
Магнитофон сизларга – керак,
Қўндирмоқни истамайсиз гард.
Бизлар уни очиб кўрмасак,
Дилимиздан тарқамайди дард.
Тошойнага коптокни урса,
Синарми ё синмасми – қизиқ.
Ошпичоқни тупроққа суқса,
Унарми ё унмасми – қизиқ.
Бизлар бу кун кони хатонинг,
Не иш қилсак, бари зиёндир.
Хатоларсиз лекин дунёнинг
Бутунлиги ўзи гумондир.
Сизлар – ота,
Биз – бола бу кун,
Биздан – салом, сизлардан – алик,
Бизни ҳадеб тергайсиз нечун,
Ўзингизда йўқми болалик?
Ишонасиз гоҳи эртакка:
Бир марта тан бериб қўйинглар,
Ўҳшаб кетар бизнинг эрмакка
Сиз ўйнаган баъзи ўйинлар...
Биз гоҳида шоколад учун
Яширмаймиз, бўламиз айёр.
Ахир, сиз ҳам шон-шуҳрат учун
Нималарга бўлмайсиз тайёр?
Бизлар данак талашсак боғда
Хипчин олиб қувасиз бизни.
Сизлар амал талашган чоғда
Ким турғизар бурчакка сизни?
Сизлар – ота,
Бизлар – боламиз,
Ўзгаришда дейдилар олам.
Бир кун сизга етиб оламиз,

Болаликка қайтасиз сиз ҳам.
Ошно бўлар сизга хаёлот,
Бизга эса...
Биз – оилалик....
Болалик – бу асли камолот,
Камоли умр эса – болалик.

1977

АРУЗ ВА БАРМОҚ

Икки шеър
Дафтарнинг икки бетида,
Бир ёнда – арузий,
Бир ёнда – бармоқ.
Дастхат бир,
Имзо бир шеърлар кетида,
Лек, ажаб,
Ҳамиша қилурлар нифоқ.
Арузий бармоқни
Тўпори, дейди,
Сен пастсан, мен сендан –
Юқори дейди.
Бармоқ уни кўҳна –
Харобасан, дер,
Парвозлар асрида
Аробасан дер.
Мен эсам
Ўтмишу келажак аро
Ўрта йўлда қолган бечорадирман.
Улар юрагимда
Қилса можаро,
Келиштирмоқ билан оворадирман.

1977

ТАНДИР ҲАҚИДА ЭРТАК

Мўъжаз ҳовли,
Пастгина девол,
Пастаккина тандири билан:
Яшар эди кичкина бир чол
Кичкина бир кампири билан.

Яшардилар камтар ва ҳалол,
Осойишта тақдири билан.
Пичоқ чархлар эрмак учун чол,
Кампири банд хамири билан.
Нафақа бор,
Чол-кампир мамнун,
Дарахт ҳам бор – бир туп олуча.
Лекин шу тор ҳовлидан бир кун
Ўтар бўлди каттакон кўча.
Улар бу гап тарқаган кундан
Мунғайишиб сўлиб қолдилар.
Бамисоли ини бузилган
Мусичадек бўлиб қолдилар.

Ўз бошидан кечирган билар,
Ўйлаб кўринг, осонмас, ахир,
Шу ҳовлида турган эдилар
Нақ олтмиш йил чол билан кампир.
Улар бунда кўрди гўшанга,
Икки ўғил боқдилар ўктам.
Кузатдилар икковин жангга,
Қайтгани йўқ аммо бири ҳам.

Мана,
Уй ҳам бузилар энди,
Тан бердилар яна тақдирга.
Фақат улар ўрганган эди
Парча ерга, пастак тандирга.
Бошқармага қатнамади чол,
Райсоветга юрмади кампир.
Пешонада борини алҳол
Юрт қатори кўрармиз, ахир.
Не қилардик,
Кўпга келган тўй,
Нолиш бизга ярашиқ ишмас,
Тегар ахир бизга ҳам бир уй,
Кўча-кўйга ҳайдаб қўйишмас.

Шундай бўлди,
Бердилар уй ҳам,
Кўчирдилар кўрсатиб ҳурмат.
Бирам ёруғ,
Озода, шинам,
Ҳаммадан ҳам... биринчи қават!

Кампир чолни чимчилаб кулса,
Хуш келади чолга қилиғи.
Бир жўмракдан совуқ сув келса,
Бир жўмракдан келар илиғи.

Оппоқ ванна,
Газхона... роҳат,
Ҳатто пўчоқ ташлашга пақир...
Ҳамма нарса жойида,
Фақат...
Фақат бунда йўқ экан тандир.

Бусиз улар бир кун туролмас,
Татимайди берса жаҳонни,
Чол қурмағур оғзига олмас
Газ ўчоқда пиширган нонни.

Бошқармага арзга борди чол,
Райсоветга қатнади кампир.
«Қандай кечар тандирсиз аҳвол,
Уй керакмас бизга бетандир».

Бошқармада елка қисдилар,
Райсоветда бўлдилар ҳайрон.
Жилконторда шартта кесдилар:
«Йўқ, бўлмайди тандирга имкон».
«Ҳеч бир ерга қўндириб бўлмас
Гап шу, – деди ЖЭКнинг раҳбари, –
Ҳамма рухсат берса ҳам, кўнмас
Ўт ўчириш ташкилотлари.

Бошда ҳеч ким қилмаган хаёл,
Проектга қўшмаган, ахир...»
Сабабларни тушунмади чол,
Далилларга кўнмади кампир.
Икковин ҳам тегди тишига
«Аммо», «Лекин», «Ҳа», «Албатта»лар.
Хуллас калом, тандир ишига
Аралашди охир катталар.

Бошқармада дедилар мумкин,
ЖЭКдагилар топдилар тадбир.
Баланд уйнинг ёнида бир кун
Чол-кампирга қурдилар тандир.

Қўшнилар ҳам қараб турмади,
Ким ғишт терган,
Кимдир қорган лой...
Тушмади ҳам ЖЭКнинг ҳурмати,
Топилди ҳам тандирга мос жой.
Тандир битди
Ва ўша-ўша
Тонг ёришар чоғида ҳар кун
Осмон бўйи томлардан оша
Кўкка ўрлар ингичка тутун.

Ўша-ўша, бизга бешикдан
Таниш хуш бўй таралар ҳар ён.
Тонгда ҳар бир очиқ эшикдан
Ризқдек кирар бир жуфт иссиқ нон.
Шундай яшар –
Сокин, безавол
Пастаккина тандири билан
Катта уйда кичкина бир чол
Кичкина бир кампири билан.

1977

КУЗАТИШ

Шеърларим, болажонларим,
Қора-қура полапонларим,
Жо қилайин сизни жонимга,
Чуғурлашиб келинг ёнимга.
Эгнингизга қарайин бу кун,
Сизни ювиб-тарайин бу кун.
Отлантирай олис сафарга,
Олисдаги ойдин шаҳарга.
Етар энди таралла этмоқ,
Етар энди кўча чангитмоқ.
Қилинг энди фикрингизни жам,
Фурсат етди қуюлмоққа ҳам.
Эртангизни ўйлайин энди,
Таҳсил учун йўллайин энди.
Сизга бериб тарбия, таълим,
Тил ўргатсин доно муаллим.
Шеърларим, полапонларим,
Чағир-чуғур қақажонларим,

Уст-бошингиз тузатарканман,
Олис юртга кузатарканман,
Сизга боққан ёшли кўзим бор,
Йўл олдидан айтар сўзим бор:
Сизга бердим умримни барча,
Ҳар биригиз дилимдан парча.
Ардоқладим ҳар биригизни
Меҳрим бериб ўстирдим сизни.
Гоҳ эркалаб, гоҳ қийнаб, лекин
Турғизолдим оёққа секин.
Сал тўпори, бир оз бебошроқ,
Лек ўсдингиз ёлғондан йироқ.
Кўмганим йўқ сизни зийнатга,
Ошно қилдим самимиятга.
Ёқавайрон, бетарош, пахмоқ,
Лекин бўлди юрагингиз оқ.
Ўргатолдим озроқ илмга,
Тил ўргатдим – она тилимга.
Сизга халқим урфу одатин
Таништирдим, сингдирдим кам-кам –
Токи қилинг элнинг хизматин
Тўйларда ҳам, таъзияда ҳам.
Очиқ кўнгил ва дилбар бўлинг,
Шоҳ, гадога баробар бўлинг,
Бошингизга келса ҳам қилич,
Қайтманг, дедим, ҳақиқатдан ҳеч.

Шеърларим, болажонларим,
Сержанжал, сертўполонларим,
Сизни йўллаб ҳаёт йўлига,
Қардошимнинг берай қўлига.
Ул қардошнинг исми таржимон.
Унга аён ошкору ниҳон.
Фикри эпчил, чаққон қўллари,
Сизни бошлаб кенгликлар сари
Ўз тилида сўзлатур бийрон.
Бутун сизга яна бир қараб,
Ўсиқ пахмоқ сочингиз тараб,
Юрак тўла ҳаяжонларим,
Хайр дейман, жонажонларим.
Омон бориб, қайтинг саломат,
Лекин дўстим олдида фақат
Уялтирманг, болажонларим!

Тийрак бўлинг, озода бўлинг,
Камтар бўлинг ва содда бўлинг.
Бўлсангиз ҳам оташ ва олов,
Бўлманг ортиқ саркаш ва асов.
Қийнамангиз уни мендайин,
Қочиб юрманг тутқич бермайин.
Сиз дўстимга қулоқ солингиз.
Тил ўрганиб, таълим олингиз.
Не истаса йўқ деманг асло,
Фақат ўзни унутманг аммо,
Менинг шеърим бўлиб қолингиз.

Ўзга руҳга берилиб кетманг,
Масков бориб керилиб кетманг.
Ёдингизда бўлсин бул замин,
Кезиб ўзга сўзлар оламин,
Чиқиб ўткир, доно қаламдан,
Қарамангиз ерга баланддан.

Сиз, таржимон,
Эй муҳтарам зот!
Шеърларимга бергувчи қанот!
Бир-бир йўниб тарашлагувчи,
Олам сари йўл бошлагувчи,
Бахш этгувчи янги бир ҳаёт!
Мана сизга, полапонларим,
Ҳар бири нақ бир жаҳонларим,
Танлаб олинг – кераги сизга,
Қай бирини чертиб олсангиз –
Эти сизга, суяги бизга.

Илтимосим, уларга фақат
Бўлмагайсиз ортиқ бешафқат.
Соддалигин айб этиб кулманг,
Кўп ичида хижолат қилманг.
Тўғриланғу юриш-туришин,
Ўзгартирманг туриш-турмушин.
Ўз феълига хослиги қолсин,
Ўз элига мослиги қолсин.
Тўғрисўзлик дарсин ўтган дам
Унутмасин қочиримни ҳам.
Мағрур қилган чоғида хитоб,
Йўқолмасин шарқона одоб.
Бўлсин демам тўнли, яктакли,

Бўлсин демам дўппи, телпакли,
Бу кун ўзга вақт, ўзга одат,
Замонавий кийдиринг, фақат –
Фақат бўлсин ўзбек юракли.

Шеърларим, болажонларим,
Қора-қура полапонларим,
Йўлларингиз бўлсин чароғон,
Хайр энди, соғ бўлинг, омон!

1977

«САДОҚАТ»

Хотин дер: Қўрқаман, бир замон эрим
Деган: – Эгри юрсанг жонинг оламан.
Ўттиз йил яшадик ўшандан бери,
Ҳар кун бир ўлимдан омон қоламан.

1977

Шарқий қирғоқ

Канада туркумидан

КАЛГАРИДА СОАТ ЎН ИККИ

– Калгари – ковбойлар ватани,
Ковбой – чўпон,
Менинг отим Жан,
Автобусга марҳамат, қани,
Қолган гапни
йўлда айтаман. –
Ел нам ажриқ ҳидин уфурар,
Қамаштирар кўзни оппоқ тош.
Мовий кўкда
Чарақлаб турар
Биз бир ҳафта соғинган қуёш.
Бетон йўлдан учамиз елдек,
Тинглаб жазнинг шўх-шаддод куйин.
– Мана, дўстлар,
Шаҳарга келдик.
Соатларни тўғрилаб қўйинг,
Калгарида ҳозир ўн икки.

Ҳамма соат милин суради.
Ўзгармасдан
Фақат меники,
Тошкент вақти билан юради.
Тоғ ошганда,
Уммон ошганда
Гоҳ соатга қараб қўяман,
Тонготар пайт бўлса Тошкентда,
Дилда саҳар завқин туяман.

Калгарида
Ўн икки ҳозир,
Садоқатли
соатим менинг –
Минтақалар ошарак охир,
Тошкент, етди вақтингга сенинг.

Она шаҳрим –
Сенда ярим тун.
Фарқ бу юртдан ўн икки соат.
Эл уйқуда,
Шеър аҳли учун
Айни меҳнат
Бошланган фурсат.
Калгарида эса
туш пайти,
Чарақлайди тиккада офтоб.
«Бозургоний» қўшиғин айтиб
Кенг даладан борамиз шитоб.

Ажаб,
Ковбойлар маконида
Ковбойлардек қадам ташлайман.
Ер шарининг терс томонида
Тошкент вақти билан яшайман.

1977

АУКЦИОН

– Кеп қолинг, ютади иш билган! –
Биржада қайнайди эҳтирос.
Улгуржи
савдога
қўйилган
Иккита ғунажин, бир новвос
Чарх уриб айланар
Майдонда,
Шарақлар ковбойнинг қамчиси.
– Кеп қолинг! Олмаган
армонда, –
Чақирар
бозорнинг
жарчиси.

Бизнесмен лабида сигара,
Қўлида
титрайди
чек қоғоз.
– Кеп қолинг, опқолинг,
мол сара! –
Биржада
қайнайди эҳтирос!
Ёнади харидор
кўзлари,
Ғанимат
ҳар лаҳза,
ҳар бир он.
Қулоқда жарчининг
сўзлари,
Юракда
ҳаяжон,
ҳаяжон!
Ловуллар
электрон
чироқлар.
Аукцион
турфа бир жаҳондир.
Савдога қўйилган бузоқлар
Бу жаҳон
ишига
ҳайрондир.

1977

АРСЛОН ЎРГАТУВЧИ

Ванкувер томошагоҳида

Панжарада
Олов ҳалқа ёнар чарсиллаб,
Арслон узра
Узун қамчи ўйнар қарсиллаб.
Ёлдор йиртқич
Эгасига совуқ тикилар,
Наърасидан
Томошагоҳ ларзага келар:
– Ожиз одам!!
Бас, бошимда қамчи ўйнатма!

Кўксимдаги
Ухлаб ётган ҳисни қўзғатма!
Ҳаддан ошма!
Ўз бошингга ўзинг етарсан,
Этларингни
Нимта-нимта қилсам, нетарсан!
Кўриб қўй,
Бу панжаларни сийнангга солсам,
Шуҳратпараст юрагингни
Суғуриб олсам,
Йилтираган баданингдан
Тирқиратсам қон,
Нажот бермас –
Сенга қарсак чалган оломон.
Бор!
Оловдан сакрамасман!
Бўлма овора!
Биласанми –
Мен кимману сен ким, бечора!
Мен – тўқайлар шоҳи,
Тутқун бўлсам-да агар,
Сен-чи, нўноқ масхарабоз,
Пасткаш бозингар!
Шуҳратга маст,
Ўз ҳолини билмаган басир!
Номард тақдир
Мени қилди қўлингга асир!
Ҳалол кучга завол берган,
Ҳийлага қудрат,
Мени банди қафас этган
Дунёга лаънат!
Эй, ивишиқ кўкрагини
Завқ билан кериб,
Шер зотини масхарабоз
Қўлига бериб,
Мард ҳолидан
Роҳат олиб қилган хандалар,
Лаънат сизга,
Томошабин, гумроҳ бандалар!

Панжарада
Олов ҳалқа ёнар чарсиллаб.
Арслон узра
Узун қамчи ўйнар қарсиллаб.
Ёлдор йиртқич

Эгасига совуқ тикилар –
Ўргатувчи
Аста унинг ёнига келар.
Қулоғига бир сўз айтар
Эгиб қоматин:
– Нодон дема,
Мен биламан арслон қудратин.
Сен тўқайлар подшосисан,
Мен – бечораман,
Ҳамла қилсанг,
Бир лаҳзада тилка-пораман.
Фалак иши –
Бизнинг бундай турфа шериклик,
Менга қамчи,
Сенга қафас берди тириклик.

Сен тантисан,
Наздингда мен қув, доғулиман.
Асли ўша тирикликнинг
Сендек қулиман.
Менга недир оломоннинг
Олқиш, қарсаги,
Сенинг ҳар бир ўтли наъранг –
Менга тарсаки.
Нетай, мен ҳам эгалик қул,
Бошда хўжам бор,
Ғазаб қилса,
Кўзларимга дунё бўлар тор.
Менда-ку дард, истеъдод бор,
Бор андак сеҳр,
Ҳеч бўлмаса, ҳайвонотга
Шафқату меҳр.
Томошагоҳ эгаси ким
Менинг қошимда!
Аммо қамчи ўйнатар у
Доим бошимда.
Ҳолатимни тушун,
Исён қилма, биродар,
Чарх олдида иккимиз ҳам
Асли баробар.
Гарчи арслон ўйнатаман,
Гарчи мен – Одам,
Ой сўнгида қанд кутаман
Хўжамдан мен ҳам.

Гоҳ жонимдан ўтса зулм,
Наъра тортаман,
Лекин бундан
Фақат бошга бало ортаман.
Бу сўзларга чидолмади,
Тўлғонди арслон:
– Бўлди, бас қил!
Юрагимни қон қилма, инсон!
Ўт олсин бу чархи фалак
Ризқу рўзини!..

Арслон олов чамбаракка
Отди ўзини.

1977

АЛИШЕР НАВОИЙ КЕМАСИ

Азалий даврада чарх уради ер,
Муштарий азалдек чақнаб турипти...
Беш аср сўнгида буюк Алишер
Баҳри муҳит аро кезиб юрипти.

Тирикликда чархдан топмаган омон,
Бошига ғам гардин ёғдирган фалак –
Даҳр аро танҳою зору саргардон
Қалқиб бормоқдадур беором юрак.

Аччиқ тўлқинларга кўкрак урадир
Умрида ҳаловат тополмаган жон,
Жаҳон уммонида кезиб юрадир
Долғали ҳам сокин жаҳоний уммон.

Улуғвор бастида ўйчан бир шукуҳ,
Килкидан тўкилган ғазалдек боқий,
Беш аср сўнгида кема бўлган руҳ,
Беш қитъа оралаб кезар Навоий...

Ҳаяжон кўнглимда, ҳайрат ақлимда,
Олис қирғоқдаман – бу нечук тимсол!!
Ярим минг йил оша ўзга иқлимда
Бундоқ учрашувни ким этмиш хаёл.

Азалий даврида чарх уради Ер,
Муштарий азалдан чақнаб турипти.
Маҳшаргача уйғоқ буюк Алишер
Жаҳон уммонида кезиб юрипти.

1977

УНУТИШ ҚЎШИҒИ

Йўл четида беҳол ётибман,
Не бўлди, деб сўрар киши йўқ,
Ишим йўқдир бу олам билан,
Бу оламнинг менда иши йўқ.

Дунё учун фақат пул бўлсин,
Адлу инсоф, диёнат эса...
Менга деса, борлиқ кул бўлсин,
Мен йўқ бўлай дунёга деса.

Жоним бор-у, юрагим ўлган,
Очиқ туриб кўрмайди кўзим.
Қариндошлар мендан қутулган,
Қутулганман дўстлардан ўзим.

Тўйдим борлиқ, йўқликни кўриб,
Тириклик ҳар кўйга бошлади.
Охир менинг сувимни сўриб,
Данагимни туфлаб ташлади.

Не наф ўкинч,
Не фойда алам,
Дардларимни жим ютмоқчиман.
Дунё мени унутди, мен ҳам
Энди уни унутмоқчиман.

Билагимда игналар изи,
Дори мени элитган, мастман.
Недир замон, макон сезгиси,
Бу ерми ё кўкми, билмасман.

Қачон, қайда кимдан туғилдим,
Мен ким, недир ватанимга ном,
Бас, билмасман,

Билиб не қилдим,
Кечган бўлсам баридан тамом.

Кўтараман баландга ҳолсиз
Илма-тешик бўлган билагим.
Унутишни куйлайман ёлғиз,
Ёлғиз шудир менинг маслагим.

Йўл четида беҳол ётибман,
Не бўлди, деб сўрар одам йўқ.
Олам учун йўқман тамоман,
Бундай олам мен учун ҳам йўқ.

1977

КЎЧА ЧЕТИДАГИ АЁЛ

Бу дунёда ҳамма нарса
сотилади,
Мартаба ҳам, истеъдод ҳам,
эътиқод ҳам.
Ҳаёт ўзи ҳар бир мулкни
нарх қилади,
Менинг мулким – қизил юзим,
оппоқ танам,
Ҳусним борки, оламда мен
бўлмасман хор,
Мен эмасман шўрлик, бахтсиз
ё девона.
Ўзгаларнинг ҳунаридек
ҳунарим бор,
Меҳнатим – айш,
хизмат жойим –
ишратхона.
Ўйлаб кўрса, эзгулик не,
ахлоқ недир?
Тўғрилик не, поклик надир
бу жаҳонда?
Улар бари асли нисбий
тушунчадир.
Ўзгачадир ҳар инсонда,
ҳар замонда.
Аждодларинг кўрмаган бу
томошалар,

Бу китоблар, бу санъат,
бу давру даврон...
Сен ўтмишнинг кўзи билан
боқсанг агар,
Маҳкумадир бугун ҳар бир
қизу жувон.
Шафқат билан боқма,
шафқат тиламасман,
Қисматимдан йўқдир асло
шикоятим,
Пулинг бўлса кел,
йўқ бўлса – имламасман,
Нақд долларга сотилади
иноятим.
Қонунийдир, касбимнинг йўқ
уят, ори,
Озод юртда мени таъқиб
қилолур ким?
Аслин олсанг, бу ўлкада энг юқори
Курсиларда ўлтирибди
ҳамкасбларим.
Бойваччалар уларга пул
сарф қилади.
У жаноблар олдида мен
пок бир санам...
Бу дунёда ҳамма нарса сотилади,
Менинг молим – қизил юзим,
оппоқ танам.

1977

* * *

Замин отли бир Сайёрани
Икки бўлак қилиб сўйдилар.
Ғарб дедилар битта порани,
Бир порани Шарқ деб қўйдилар.

Тақдир яна минг парча этди.
Эл-элатлар ва динлар аро –
Дона-дона сочилиб кетди
Анор каби кесилган дунё...

1977

ШАРҚИЙ ҚИРҒОҚ

Иван Новиковга

«Табиат қонуни,
Қайда бор қирғоқ,
Билмадим, фанда не боис омиллар,
Шарқий соҳиллардан ҳамиша тикроқ,
Баландроқ бўлади ғарбий соҳиллар.

Неча дарёларни кузатиб юрдим,
Ҳеч ерда истисно топмадим бироқ.
Ғарбий соҳилларда тепалар кўрдим,
Шарқий соҳилларни кўрдим ётиқроқ.

Боқиб кўнглим чўкди неча мартаба,
Нега бундай қилдинг, чархи кажрафтор?
Бир соҳилга бериб юксак мартаба
Бошқа бир соҳилни қилдинг хокисор?

Аслида замин бир, тенгдир соҳиллар,
Ноҳақлик эмасми, гардуни золим!..
Қайда қирғоқ кўрсам,
Оловли йиллар,
Қонли кечувларга учар хаёлим.

Биз доим борганмиз кун чиқар ёқдан,
Ўлимнинг юзига тик боқиб ҳар гал.
Ёв эса юксакдан, ғарбий қирғоқдан
Қаттол ва бешафқат ёғдирган ажал.

Биз шарқдан борганмиз, шарқий соҳиллар
Тўпга нишон бўлди, текис ва яйдоқ.
Биз бўлсак – фидойи жони сабиллар
Тикка боравердик, танимиз байроқ.

Дарё бўлиб оқди дарёда хунлар,
Дўзах оловида бамисли дунё.
Минглардан юз қолдик, юзлардан ўнлар,
Қирилдик, орқага қайтмадик аммо.

Бизга душман эди ҳийла ва ҳадик,
Йўқ эди мардликдан ўзга ҳимоят.
Ёв ўқи тугади, биз тугамадик,
Ғарбий соҳилларни олдик ниҳоят».

Садоси замину кўкни титратиб
Поезд Будапештга тезлаб борарди.
Белорус ҳамроҳим,
Жангчи ва адиб
Менга хотиралар сўзлаб борарди.

Сариқ сочларига оқ оралаган,
Мовий кўзларида тубсиз бир хаёл.
Тирик юрса эди Есенин агар,
Бугун бўлар эди балки шундоқ чол.

У сўзлар,
Тирилиб келарлар гўё
Бирга қонли жангга кирган ўртоқлар.
У сўзлар,
Қалбимда беради садо
Фарёд чекиб ётган шарқий қирғоқлар.

Мана, мен юксалиб
Гелерт тоғига,
Фидолар қабрига эгарканман бош,
Қарайман Дунайнинг у қирғоғига,
Ногоҳ кўз пардасин қоплаб келар ёш.

Шарқий соҳил ётар тинч ва беозор,
Ҳеч қачон ҳеч нарса кўрмаган гўё,
Гўёки бўлмаган у қонли баҳор,
Оҳиста чайқалиб оқади дарё.

Ҳолбуки, қирғин жанг давом этмоқда,
Ҳолбуки, қурбонлар руҳи уйғоқдир.
Ҳамон ёв қўрғони ғарбий қирғоқда,
Ҳамон бизнинг маскан шарқий қирғоқдир.

Дардлар гирдобида чарх урар замин,
Мажруҳ сийнасидан силқиб оқар қон.
У ҳар кун, ҳар лаҳза минглаб одамин
Шарқий қирғоқларда бермоқда қурбон.

Бомбай, Мадорасда одам тумонат,
Яратган бандаси мисли тупроқдир.
Очлик ҳар сония минг жонга офат,
Жизғанак кўчалар – шарқий қирғоқдир.

Ногоҳ гумбурлайди Хайфон осмони,
Юрагин чангаллаб қолар бир аёл.
У шарқий соҳилнинг битта қурбони,
Тириклайин топган ёш жони завол.

Ҳамон қитъаларда йўқдир сукунат,
Ҳамон жабҳаларда уйғоқдир ғаним.
Жафокаш дунёда, азалий қисмат,
Шарқий қирғоқдадир менинг ватаним.

Дунёда бор экан ноҳақлик, зулм,
Дунёда бор экан асорат, жафо,
Жангдамиз, бир бошда бор битта ўлим,
Шарқий соҳилларда жонимиз фидо.

Шоир! Эй тинчимас оловли юрак!
Адолат юлдузи сенга маёқдир.
Ҳақ йўлда фидойи аскарсан, демак,
Сенинг қароргоҳинг – шарқий қирғоқдир.

Зулм қўрғонига қила бер ҳужум,
Билки, бизникидир, ниҳоят, зафар.
Дунёда бор экан энг сўнгги мазлум,
Шарқий соҳилларда ўчмас машъаллар.

1979

АФҒОН ШОИРЛАРИГА

Бас, тарки қафас эт, амри букуннинг,
Ҳаволан, қўкларни кучгил, юрагим.
Тўлқинлари оша кўҳна Жайҳуннинг
Афғон диёрига учгил, юрагим.

Кандаҳор йўллари,
Мозори шариф,
Боболар қадами теккан муқаддас –
Қадим Ҳирот аро танҳо бир ғариб
Мақбара қошида тиз чўк бир нафас.

Ассалом айтгину бир қучоқ гул тут
Буюк шоирини севгувчи жондан –
Севгиси беҳудуд, фахри беҳудуд,
Тилаги беҳудуд Ўзбекистондан.

Сўнг шоир дўстларим ёнига боргин,
У юртда бор менинг дилдош дўстларим.
Юрагим, сен ўзни анордек ёргин,
Дона-дона сочиб ташла сўзларим.

Айт уларга менинг ҳамнафаслигим,
Дилдаги бериё муҳаббатим айт.
Айтгин хиёнатга қўл бермаслигим,
Қондошлик ҳиссига садоқатим айт...

Озодлик йўллари бўлмагай равон,
Тайёр дастурлар йўқ саодат учун.
Бу йўлда кураш бор, зафар ва армон,
Ишонч бор, шубҳа бор, янглиш ва тугун.

Олам узра эсган тонг нафасининг
Қушлар ҳаловатин бузгани каби,
Не ажаб инқилоб зилзиласининг
Марказида бўлса шоирлар қалби.

Осонмас, осонмас шоир юракка,
Унда туманларнинг дарди, оҳи бор,
Унга бу дунёда яшаш мураккаб,
Чунки шоир қалбнинг иштибоҳи бор.

Эй, сиз, менинг афғон шоир дўстларим,
Қалбимни қалбингиз билан улайман.
Сизга ҳурриятнинг мушкул йўлида
Бардамлик тилайман, қудрат тилайман.

Дунёда бор бўлсин адолат ва шеър,
Эрку бирodарлик доим бор бўлсин.
Рўзи маҳшаргача уйғоқ Алишер
Руҳи сизга букун мададкор бўлсин.

1979

СИРДАРЁ ЎЛАНИ

Осмонўпар Тиёншоннинг қорисан,
Кўҳна Жайҳун йўлдошисан, ёрисан.
Она водий ҳаётисан, борисан,
Қувончисан, аламисан, зорисан,
Оқиб тургин, қуриб қолма, онажон.

Туман аср кечмишидан дараксан,
Юртим учун ҳам томир, ҳам юраксан,
Нега букун бемадорсан, ҳалаксан?
Сен бизларга ахир мангу кераксан,
Оқиб тургин, қуриб қолма, онажон.

Сен борсанки, гул водига нажот бор,
Сен борсанки, кенг воҳада ҳаёт бор,
Демак, юртнинг лабида бол, набот бор,
Сенда элим саботидек сабот бор,
Оқиб тургин, қуриб қолма, онажон.

Сен пахтасан, олма, анор ва нурсан,
Ўзбек учун сурурсан ҳам ғурурсан.
Ўзни ерга томчи-томчи берурсан,
Дарё эмас, халқ тимсоли эрурсан,
Оқиб тургин, қуриб қолма, онажон.

Мен болангман, нидо бўлай сен учун,
Бир жилғадек даво бўлай сен учун,
Керак бўлса, фидо бўлай сен учун,
Майлига, мен адо бўлай сен учун,
Оқиб тургин, қуриб қолма, онажон.

1979

ЯНГИ ЙИЛ ОРЗУЛАРИ

Умримнинг китобидан
Бир варақ очиб бу дам,
Соқийдан сўрайман гап
Бенавбат, бетакаллуф.

Янги йил шаробидан
Бир қултум ичган одам
Бўлар экан, во ажаб,
Дафъатанда файласуф.

Майли ахир қадаҳ ҳам
Дилкушо дўстлар аро
Юракни очмоқ учун
Сабабу баҳонадур.

То бор экан бу олам,
Биз бор экан даҳр аро
Янги йил бор, май гулгун
Сукунат бегонадир.

Дўстлар, биз шу мамлакат
Сафдаги ўғлонлари,
Биз қилган тилакларда
Унинг шони муддао.

Юртнинг ташвишу заҳмат,
Севинч, ҳаяжонлари
Бизнинг ҳам юракларда
Садо берар доимо.

Ортга бир ташланг нигоҳ,
Бир йилда юрт – паҳлавон
Неча йилга баробар
Йўлларни юргани рост.

Яна виждонлар огоҳ,
Довон ортида довон,
Мураккаб муаммолар
Олдинда тургани рост.

Агар янги ўн йилнинг
Қутлуғ остонасида
Олам режалар учун
Белимизни боғлаймиз.

Демакки, учинчи минг –
Йиллик кошонасида
Яшамоққа биз бугун
Ўзимизни чоғлаймиз.

Муқаддас ул кошона,
Остонаси мўътабар,
Пок этсин руҳан, қалбан
Иймон, диёнат бизни.

Довон ошмоқ баҳона
Сарҳисоблар баробар
Инсоф мезони билан
Ўлчайлик умримизни.

Дилга берайлик савол,
Йўлга боқайлик бир дам,
Бир бутун ҳаёт ортда,
Олдда бир бутун ҳаёт.

Яшай олдикми ҳалол,
Бўла олдикми одам,
Кетсак, биздан ҳаётда
Не қолгуси хотирот?!

Қолмасин юракда занг,
Дилда заррача ғубор.
Кўнгиллар кўзгусини
Тоза қилиб ювайлик.

Келажакка биз билан
Кириб бормасин зинҳор,
Манманлик туйғусини
Кўнгиллардан қувайлик.

Ётган бўлса мабодо
Дилнинг қай бурчагида
Риё, тама, кин, ҳасад,
Бир-бир термоқ чоғидир.

Зар ишқи ҳам бир савдо
Одамзод юрагида,
Уни абадулабад
Ўтга бермоқ чоғидир...

Юкладик футувватга
Мўъжизий рақамларни,
Бор экан ғайрат, истак,
Адо этурмиз, бироқ –

Энг олий балоғатга
Бошламак одамларни,
Юракларни пок этмак
Анчайин мураккаброқ...

Янги йил даврасида
Фақат ўзимиз эмас,
Ўртада бизлар учун
Жон берганлар руҳи бор.

Дастурхон теграсида
Улар билан ҳамнафас
Суҳбат қурмоқнинг букун
Ўзгача шукуҳи бор.

Руҳлар сокин хобидан
Туриб келдилар бу дам.
Улар ҳисобот талаб
Бедаъво, бетаассуф...

Янги йил шаробидан
Бир қултум ичган одам
Бўлар экан, во ажаб,
Дафъатанда файласуф.

Майли, ахир қадаҳ ҳам
Ишонган дўстлар аро
Юракни очмоқ учун
Сабабу баҳонадир.

То бор экан бу олам,
Биз бор экан даҳр аро
Янги йил бор, май гулгун,
Сукунат бегонадир.

1978

КЎКЛАМ МУСТАҲЗОДИ

Май келдию соз олди яна
аҳли наволар,
куй бошлади ёна.
Не тонгки, гўзал бўлди жаҳон,
еру самолар,
ҳар тилда тарона.
Кўк бирла замин бир-бирига
ошиқу маъшуқ,
бир-бирга туташган,
Сочмоқда у борон ила
жонбахш зиёлар,
ичмоқда бу қона.
Зумрад далалар бағрига
ўт қўйди шафақгун
рақс этгувчи лола.

Ёндирганидек бизни пари
моҳи лиқолар,
ўт насли жонона.
Гул бошин эгиб жилмаядир,
бахтли келинчак,
машшотаси – офтоб.
Булбул тилида нола надир,
завқли садолар,
бу – савти замона.
Мен ҳам қаламим қўлга олиб
ўй сурадирман,
ташбеҳ қидирурман,
Май шаънига ёзмоқ тилагим
ҳамду санолар
Шайху Ғафурона.
Эй сен, Ватаним, кўнглим учун
битта жаҳонсан,
бир ўғлинг эрурман,
Кўп гарчи диёр, юрт кўпу кўп –
жойи сафолар,
сен менга ягона.
Мен неки ёзар бўлсам
ўзинг боиси назмим,
мадҳим сенга доим,
Битдим яна, жоним, юрагим,
сенга наволар,
Май шеъри баҳона.

1978

БИР БУРДА НОН

Мўйсафид йўл узра бир бурда нонни
Тупроқ орасида кўрдию ногоҳ,
Аста қўлга олди, ўпди, бу онни
«Шиқ» этиб сувратга туширди сайёҳ.

Бир куни бу сурат олис маконда
Рўзномалар аро бўлди намоён.
Ёздилар: шўрлик халқ Ўзбекистонда
Мана шундай яшар зору нотавон.

Ким рад этар сурат далолатини,
Ишонмай, не қилсин бехабар олам?

Ўзбек деб аталган халқ одатини
Қаёқдан ҳам билсин бехабар одам?

Қаёқдан ҳам билсин ғофил одамлар,
Бир бурда нон узра энгашган шу чол
Кеча ош берганин етти пуд дамлаб
Етмишга етгани учун безавол?

Бу шеърдан мақсадим раддия эмас,
Юртим жаҳон билган Ўзбекистондир.
Дастурхони олам қилғудек ҳавас,
Лекин нон қадри ҳам унга аёндир.

Мен ўша йилларни эслайман ҳамон,
Эслаб юрагимга чўкади музлар.
Ўртада бир бўлак қора кепак нон,
Очликдан ичига ўтирган кўзлар...

Шукрким, у кунлар олисда қолди,
Шукрким, Ватаним маъмур ва обод,
Шукрким, бу юртда менинг авлодим
Муҳтожликни кўрган энг сўнгги авлод.

Олис рўзномалар не ёзсалар ҳам
Майлига, ёлғоннинг умри бир кунлик.
Оч, юпун элларга биз ҳамкор, ҳамдам,
Чунки бизга аён очлик, юпунлик.

Биз йўқсил бўлганмиз, йўқсил бу жаҳон
Заҳматини тортиб бораётирмиз.
Эҳсонлар юкини бамисли карвон
Елкамизга ортиб бораётирмиз.

Нажот юлдузи деб олам шу боис
Кўз тикар толебахш бизнинг юлдузга.
Ердан ушоқ топсак биз ҳам шу боис
Эъзозлаб ўпамиз, суртамиз кўзга.

1979

ТУШ

(Ҳ а з и л)

Кеча кўрдим даҳшатли бир туш,
Келолмайман ўзимга ҳамон.
Бир ёзувчи роман ёзармиш,
Мен эмишман унга қаҳрамон.

Ёзар эмиш мени хаёлан
Йўқ хислатлар қўшиб боримга.
Ҳисоблашмас ҳеч мантиқ билан,
Сира боқмас ихтиёримга.

У не деса тўтиқуш монанд
Мен ҳам тилга жо қилармишман.
Жарликлардан сакраб беписанд,
Текис йўлда қоқилармишман.

Насиб бўлмай маҳбуб висоли
Чекмоқ керак чоғи нолалар
Нутқ айтаман ёрга, мисоли
Газетдаги бош мақолалар.

Ўзим ҳайрон ўз қилмишимга,
Ўзим билмам, недир матлабим,
Ҳозир қилиб турган ишимга
Тўғри келмас ҳозирги гапим.

Тонг қолдириб қаро иқболим,
Чидолмайман юрак доғига.
Бора-бора айланиб қолдим
Бозингарнинг қўғирчоғига.
Бу кунимдан ўлганим афзал,
Дея қўлга олдим-у пичоқ...
Худо ўзи асради бу гал,
Бир сесканиб уйғондим шу чоқ.

Бокдим, шукр, қўл-оёғим соғ,
Шукр, тирик одамман ўзим.
Бир романни ўқиб, баногоҳ
Илинибди салгина кўзим.

1979

ШОИРЛИК

Устоз Миртемирни излаб

Шоирлик – бу ширин жондан кечмакдир,
Лиммо-лим фидолик майин ичмакдир.
Шоирлик – жигарни минг пора этмак,
Бағир қони билан сатрлар битмак.
Ўзни томчи-томчи, зарра ва зарра
Элга қурбон қилиб, энг сўнгги карра
Армон билан демак: «Эй она юртим,
Кечир, хизматингни қилолмай ўтдим».
Шундоқ яшар асли соҳиби ижод,
Шундоқ яшаб ўтди Миртемир устод.

1980

МУҲАРРИР

Нега ҳадеб менга танбеҳ берасан,
Нега ўз ҳолимга қўймайсан, ахир!
Нега ҳар сўзимдан айб қидирасан,
Беомон, ноинсоф, қаттол муҳаррир.

Ҳар сўзим маъносин қирқ хилда чақиб,
Гоҳ нолали дейсан, гоҳи тумтароқ.
Айтгин, эй, каттакон кўзойнак тақиб,
Нималар излайсан шеъримдан, ўртоқ!

«Холис» хизматингни, биродар, қўйгин,
Илтимос, керакмас менга ёрдаминг.
Минг хил тафтишлардан, рост айтсам, тўйдим,
Жонга тегиб бўлди қизил қаламинг.

Қачон бу зулмдан бўлурман озод,
Қачон тугар экан бедодлик, ахир!
Афсуски, ҳеч кимга деёлмайман дод,
Чунки, мен ўзимман ўша муҳаррир...

1980

КЕЧИКИШ

На тўю на аза,
на иш, на байрам,
Ҳеч қайга,
ҳеч қачон,
ҳеч бир ҳолатда –
Вақтида келмаган
бу шўрлик одам,
Бир соат кечикар
ками, албатта.
Унда сира айб йўқ,
югурик давр
Мос келмади унинг
сусткаш жонига.
Тақдир кечиктирди,
бир соат надир,
Камида бир аср
ўз замонига.

1980

ТЎЙ ОҚШОМИДА

Икки ошиқ ўхшар юлдузлар аро
Учиб юрган ёндош сайёраларга.
Севги фазосида улар бор танҳо,
Не парво ердаги оворалларга.

Улар биздан олис қилмоқда парвоз,
Сомон юлдузлари кумуш пойандоз...
Сиз, таванхонада, янгалар, жонбоз
Чучвара уясиз тоғораларга.

Уларнинг қалбида илоҳий туйғу,
Қудрати олийга турар рўбарў,
Сиз эса, нотиқлар, қандоқ жазо бу,
Ҳадеб панд ўқийсиз бечораларга.

Севги – япроқларнинг шитирлашидир,
Севги – юлдузларнинг шивирлашидир.
Севгида самовий сукут яхшидир,
Сиз карнай қўшасиз ноғораларга.

Интизор жонларга беринг ал-амон,
Муҳаббат аршида урсинлар жавлон.
Эй, сен, гўзал синглим, ошиқ укажон,
Оқ йўл, саодатли ситораларга!

1980

ҒАФЛАТ

Табиатга дейлик ташаккур,
Бош эгайлик унга, албатта,
Ноқислиги учун тафаккур,
Бўлганимиз учун ғафлатда.

Севинамиз борлигимиздан,
Дўстлар билан қиламиз ҳузур,
Улар ўйи ниҳондир биздан,
Биз билмаймиз... Шунга ҳам шукур.

Муқаддасдир биз учун вафо,
Табаррукдир маъсум аҳдимиз,
Не эканин алдамчи дунё
Англамаймиз – бу ҳам бахтимиз..

Бу дунёдан кетармиз бир кун,
Бизга аён, аммо қай соат?
Бехабармиз...
Одамзод учун
Ғафлат ўзи буюк саодат.

1980

* * *

Совуқ чордоқларда қувғинди, шумшук,
Оч ўлим ваҳмида яшаб ҳар нафас,
Тақдирдан нолийди эгасиз мушук,
Хонаки қавмига қилади ҳавас.

Бу эса ухларкан тинч ва бепарво,
Бош қўйиб беканинг иссиқ тўшига,
Хаёлида кезар бўғотлар аро,
Ёввойи озодлик кирар тушига.

1980

КЎҲИНУР

Қай маконда, қай замонда
Бино бўлдинг, Кўҳинур?
Қай бахтсиз кун Ҳиндистонда
Пайдо бўлдинг, Кўҳинур?

Қадимликда ким муқаддам,
Оламми ё сенмидинг?
Азимликда ким муаззам,
Одамми ё сенмидинг?

Қай кун сенга тенгсиз жило
Сеҳрин берди табиат?
Одамзодга молу дунё
Меҳрин берди табиат?

Боғландилар то инсонлар
Жавоҳирга жон билан –
Хазиналар ва имонлар
Олуд бўлди қон билан.

Бунча жозиб, бунча соҳир,
Якто бўлдинг, Кўҳинур?
Соҳибингга аввал-охир
Бало бўлдинг, Кўҳинур.

Сенинг учун жангга кирди
Фуқаролар, хожалар.
Бир-бирига қилич урди
Маҳоражу рожалар.
Жигар жигар кўзин ўйди.
Дўст қасд дўсти жонига.
Фарзанд қўлин бўяб қўйди
Ўз падари қонига.

Қай бир мулкка ошно бўлдинг,
Ғорат бўлдинг, Кўҳинур.
Қай бир юртда пайдо бўлдинг,
Офат бўлдинг, Кўҳинур.

Одам насли жондан кечиб
Нега бўлди сенга ром?
Ўлар чоғи сени ичиб
Нажот топмас ташнаком.

Ҳеч ким сени тишга босиб
Даво топмас очликка.
Умри битган сени осиб
Қайта олмас ёшликка.

Сени асраб кўкракларда,
Зар тожларга тақдилар.
Ғазналарда, чўнтакларда
Сени пулга чақдилар.

Асли сени қилса ҳадя
Бир оч ҳинди гадога,
Менга тошмас, нон бер дея,
Нола қилар худога.

Қиёси йўқ бу жаҳонда
Олмосмидинг, Кўҳинур?
Бир тош эсанг, Ҳиндистонда
Қолмасмидинг, Кўҳинур?

Қўшин тортиб Ҳиндистонга,
Ғолиб кетди Нодиршоҳ,
Сени «ҳаққи ал-амон»га
Олиб кетди Нодиршоҳ.

Мулки ҳиндга қайта келдинг,
Қайта кетдинг Ажамга.
Ошно этиб ҳар гал элнинг
Қисматини аламга.

Охир сени олди Шимол
Мағлуб ҳиднинг божида.
Оловландинг хотин-қирол
Виктория тожида.

У ҳам сени тарошлатди,
Ўз дидига қилди мос.
Мисли ғарбга қуёш ботди,
Парвин қолди кўзда ёш...

Сунъий қудрат инъом қилган
Бениёзсан, Кўҳинур,
Ҳатто ярим ҳуснинг билан
Беқиёссан, Кўҳинур.

Фиръавнлар, шаҳаншоҳлар
Кетдилар ҳам йўқ бўлиб,
Нигоҳларни то бу чоғлар
Ёндирасан чўғ бўлиб.

Чанг бўлдилар кўк баробар
Чанг кўтарган лашкарлар.
Кайхисравлар ва Доролар,
Искандардек сарварлар.

Сен деб туман жонни тиккан
Қаттол соҳибқиронлар,
Сен деб ота қонин тўккан
Ул валиаҳд ўғлонлар –

Адам сари кетди бари,
Сен омонсан, Кўҳинур.
Мен деганга вақт сингари
Беомонсан, Кўҳинур.

Бунча зўр деб ишқи зарнинг
Балки ҳайрон бўларсан,
Сенга меҳр қўйганларнинг
Аҳволидан куларсан.

Сен куларсан, о, яна ким
Бўлур менга эга, деб.
Одамзодга қонли йўлим
Сабоқ бўлмас нега, деб.

Сен куларсан, кулгуликдир
Сенга бизнинг тилаклар.
Чиндан ҳайрон бўлгуликдир
Биз ишонган эртаклар.

Асли бу чарх гоҳ ўнг қолиб,
Терс айланар гардундир.
Кимлар эса бугун ғолиб,
Эрта бир кун забундир.

Сен забунлар саноғини
Ўйлармисан, Кўҳинур?
Минг йилларнинг сабоғини
Сўйлармисан, Кўҳинур?

1980

ҚАЛБ ШУНДАЙ УММОНКИ...

Қалб шундай уммонки, унинг бағрида
Даҳшатли долғалар силсиласи бор.
Қалб шундай заминки, оташ қаърида
Вулқонлар отгувчи зилзиласи бор.

У бир сайёрадир, Ердек шафақгун,
У бир оламдирки, билмас ниҳоя.
Уни меҳваридан чиқармоқ учун
Атом жанги эмас, бир сўз кифоя.

1981

ТАБИАТ ВА ҚИЗАЛОҚ

Бийрон қизчам ёмғир ёққан кун
Ёлворади хўрсиниб оғир:
«Энди бирпас ўйнаб келайин,
Айтинг, дада, ёғмасин ёмғир!

Кутиб қолди яшил коптокчам,
Ҳай-ҳай нимчам зерикди ёмон.
Йиғлаяпти қўғирчоғим ҳам,
Ёмғир тинсин, айтинг, дадажон!

Бувим дерлар дуо қилиб: «Тин!»
Деҳқонларга қийин бўлармиш,
Ёмғир тинса – план тўлармиш,
Айтинг, дада, ёмғир ёғмасин!»

Ширинким, ҳақ сўзларинг бари,
Эл зори бор бувинг зорида.
Сен ўйлайсан, фалак ишлари
Дадажонинг ихтиёрида.

Шундай бўлса, мен ўзим билиб
Булут кўзин ўймасми эдим.
Юрт бошига ҳеч ўчмас қилиб
Қуёш ёқиб қўймасми эдим?!

Қизалоғим, билмайсан ҳали,
Муаммоси оламнинг – олам.

Ожиз чархга тўзим бергали
Даданг надир, инсоният ҳам.

Измимизда эмас бу дунё,
Самоватга ўтмас сўзимиз.
Билки, ундан нажот йўқ асло,
Бизга нажот... фақат ўзимиз.

Шунча қайғу сенда ҳам, қизим,
Хафа бўлма, баланд кўтар бош.
Ўзбек деган халқ бор, юлдузим,
Қалби унинг миллионлаб қуёш.

Уни тарих қилган имтиҳон,
Табиатнинг синови надир.
Унга фақат сен бўлгин омон,
Жону қалбин сен қилгин қадр.

У буюк халқ. Юки ҳам буюк,
Қаноати билмас ниҳоя.
Ишон, қизим, ҳеч қандай булут
Халқ бошига сололмас соя.

1982

МАКСИМ ГОРЬКИЙ БИЛАН СУҲБАТ

Вафо қилди андуҳ олами кимга?
Кимга бахш этди у умрлик сафо?
Эй заҳмат соҳиби, болалигимга –
Гўдак аламларинг бўлди ошно.

Бетинч юрагимга дорилфунунда
«Дорилфунунларинг» солганда ғулу,
Мен ҳам ўз диёрим водийларинда
Пиёда кезмоқни қилганман орзу.

Устоз, сен бир инсон умри муқаддам
Хато қилган эдинг, излаб худованд.
Не тонг, даҳоларнинг хатолари ҳам
Майда рост йўллардан юз карра баланд.

Ишондим, дунёга келган кунидан
Башар изламабди бесабаб илоҳ.

Мен бугун қўрқмасман дин афъюнидан,
Худоси йўқлардан қўрқаман бироқ.

Мана, у қаршимда ўлтирар ҳозир,
Қалбида ҳис, кўзда маъноси йўқдир.
Берсанг, бу дунёни ютмоққа қодир,
Чунки юрагида худоси йўқдир.

Шоҳми у, гадоми, кулолми, заргар,
Йўлга солган чоғи шайтон нидоси,
У қайси тафтишдан қўрқадир, агар –
Қўрқмоққа бўлмаса дилда худоси?
Дўзах ўтларининг минг битта шаклин –
Кўрсатиб минг бир хил ёниши билан,
Лол қилмоқ бўлган ким одамзод ақлин,
Бўйла номуборак дониши билан?

Ким у зар қасдида, дунё қасдида
Ваҳшат ханжарини қайраган жаллод?
Муқаддас туйғуси йўқлар дастида
Жонсарак оҳудек бўлмиш одамзод.

Устоз, сен бир инсон умри муқаддам
Хато қилган эдинг излаб худованд.
Не тонг, даҳоларнинг хатолари ҳам
Майда рост йўллардан юз карра баланд.

Мен ҳақ билдим қалбим эътиқодини,
Оламга эзгулик зиёси тўлсин.
Имон денг, виждон денг, майли, отини,
Лекин одамзоднинг худоси бўлсин.

1982

КЕЛАЖАККА МАКТУБ

Иван Васильевич – даҳшатли подшоҳ
Ғазаби жунбушга келганда ногоҳ,
Темир асо билан уриб ўғлини,
Фарзанд қони билан бўяб қўлини,
Ўзи даҳшат ичра лол қотди бир дам...
Роса ярим аср
Шундан муқаддам
Ўзга мамлакатда ўзга бир тождор –

Ул ҳам беҳуш ётган ўғли узра зор
Кўкка қўл чўзганча чекарди фиғон:
«Менинг жонимни ол, эй парвардигор,
Аммо фарзандимни қолдиргин омон!»

Мирзо Бобур оҳи фалакка етди,
Ҳумоюн кўз очди.
Соат-басоат –
Ҳаётга қайтдию ўғлон саломат,
Отани хасталик тўшакка элтди.

Сокин шифтга боқиб ётар Бобуршоҳ,
Умри битганидан юраги огоҳ.
Соҳиби салтанат, соҳиби қалам,
Кўнглида шукрона ва битмас алам.
Шукрким, куймади фарзанд доғида,
Аламким, ўлмади юрт тупроғида,
Шукрким, байтларда номи қолажак,
Аламким, зобит дер уни келажак.
Шукрким, бу юртни қилолди обод,
Аламким, муҳтожлик бўлмади барбод.
Гадолар юртидир бу гавҳар тупроқ,
Шу боис шукридан алами кўпроқ.
Бошида валиаҳд ўлтирар ёлғиз,
Ёш келмас кўзлари мўлтирар ожиз.
Рангпар чеҳрасида унинг шоҳ Бобур
Бенажот салтанат рамзин кўради.
Мана,
Тўплаб сўнгги саботни шоир,
Аста қўл узатди,
Қалам сўради.
Шоир: «Қалам», – деди.
Янги бир ғазал,
Янги рубоийми келар дунёга?
Йўқ,
Хат ёзар бўлди шоҳ Бобур бу гал,
Мактуб битар бўлди ўрис подшога:
«Фоний бу дунёда холиқи қудрат
Подшолар амрини қилмишдир вожиб,
Сизга Рус тожини кийдирган қисмат
Бизга Ҳинд тахтини кўрмиш муносиб.
Бахтми бу, бахтсизлик – Оллоҳга аён,
Не бўлсак, ҳақ амри ифодасидир.
Ва лек эллар аро жангу ал-амон

Энди биз подшолар иродасидир.
Бу ғамлик, бевафо фоний оламни
Тарк этмоқ муҳаққақ шоҳу гадога.
Фақат эзгу ишлар насли одамни
Марғуб этгувсидир икки дунёга.
Кўп кўрди бу замин офат ва қирон,
Тингламоқ чоғидир адолат сасин.
Эй халқи бешумор, юрти бепоён –
Буюк шоҳ, боғлайлик дўстлик риштасин.
Мен – салтанат шоҳи, йўқ, саргашта жон
Ҳақиқат излаган дунёда якка.
Машриқ сийнасидан силқиб ётар қон,
Шоир қалби ожиз малҳам бўлмакка.

Умрим поёнида мен кўрган нажот
Қисмат саҳросида балки саробдир.
Аммо ният қилдим ўқиб салавот,
Пок ният ўзи ҳам олий савобдир.
Эмди бу жаҳонга бир қудрат керак,
Жаҳоний зулматни енгмоққа қодир.
Сизга тилагувчи тангридан кўмак:
Имзо – Заҳириддин Муҳаммад Бобур».

Олис Россияга етиб келди хат,
Неча тоғлар ошиб, денгизлар ошиб,
«Сизга Рус тожини кийдирган қисмат
Бизга Ҳинд тахтини кўрмиш муносиб...»
Қайси Ҳинд?
Қайси тахт?
Бу қандай диёр?
Нечук империя? Хитойми, мўғул?
Москва князи – мағрур ҳукмдор
Бир дақиқа бўлди хаёлга машғул.
Сўнг тасалли топди:
«Бор бўлса бордир,
Дунё кенг, эллар кўп, билмоқ душвордир...»
Князь ғофил эса маъзур –
Бу мактуб
Унга тегиб қолди тасодиф фақат.
Унга тегиб қолди хатолик ўтиб
Олис келажакка жўнатилган хат.

1982

ТУШЛИК ТАНАФФУС

Сокингина яшар эди у,
На шодлиги аён, на дарди.
Тонгда тўғри ишга борару
Оқшом тўғри уйга қайтарди.

Улфати йўқ, кўча кезмаган,
Маишат не – билмаган одам.
Биров сезиб, биров сезмаган
Борлигию йўқлигини ҳам.

Бир мўминга доим бир қотил
Эш бўлгандай ёруғ дунёда,
Манглайига битганди хотин,
Азроилдан ўн бор зиёда.

Чўнтагига эрнинг тўр халта,
Қулоғига солиб олам гап,
Рўйхат қоғоз билан, албатта,
Кузатарди ҳар кун эрталаб...

Содда, ношуд, ориқ, кичкина...
Ҳар кун уйда ўлтириб оқшом,
Газетдан кўз олмай тинчгина
Эшитарди хотиндан дашном.

Тирикликнинг ташвишу ғами
Ҳаммани ҳам қилгандек адо,
Сўнди бир кун умрнинг шами,
Бу оламдан кетди бенаво.

Хотин кўзни очиб ғафлатдан,
Билди – суянч тоғи йўқолди.
Шаддод хотин шунда дафъатан
Муштипарга айланди-қолди.

Шудир асли ҳаёт қонуни,
Не йўқолса – азиз, мукаррам.
Шам кўтариб,
Арафа куни
Қабристонга йўл олди у ҳам.

Қудрат тиланг энди сабрига,
Уни кутар бунда турфа ҳол,

Қотиб қолди!
Эри қабрига...
Шам ёқарди ўзга бир аёл.

Лол қотди у.
Тўплаб ниҳоят
Бор макрию иродасини,
Яширолди кўздаги ҳайрат
Ва ҳаяжон ифодасини.

Аёл сари юрди бепарво,
Салом берди.
Сўраб кечирим,
Деди кўнгил олгандай гўё:
– Ким бўлади бу одам?
– Эрим.

«Эрим». Бу сўз хотин кўксига
Оловли ўқ бўлиб санчилди.
Энди билди,
Уни эр нега –
Хуш кўрмасди,
Ҳа, энди билди.

Наҳот, шундай беозор одам...
Наҳот, бўлган бошқа хотини...
Мана, энди шундан кейин ҳам
Оқлаб кўринг эркак зотини.

Қани, шу пайт гўрни очсаю
Бевафони тутса сўроққа.
Сўнг эрига қўшиб мана бу –
Мегажинни кўмса тупроққа.

Э воҳ, аёл ғазабидан ҳам,
Макридан ҳам асра, худойим!
Ёндирса-да ичини алам,
Савол сўрар яна мулойим:

– Болалар-чи?
– Қолмади ёдгор,
Менга унинг ёди кифоя.
Ғайри одат бу ишқ – бетакрор,
Эшитсангиз, қилай ҳикоя:

Мен у билан тушлик чоғида
Ошхонада дастлаб кўришдим.
У столнинг нариёғида,
Мен бу ёқда ўтирганча жим –
Овқатландик.
Эртасига ҳам,
Индинга ҳам шу бўлди такрор.
Еттинчи кун деганда илк бор
«Яхшимисиз», – деди бу одам.

Танишув кун бўлди у бизга,
Саломлашиб юрдик неча кун...
Кечирасиз, не бўлди сизга?
Титраяпсиз, сингилжон, нечун?

– Ҳечқиси йўқ, совқотдим бир оз.
Давом этинг.
– Хулласи калом,
Бир-бировга ўргандик оз-оз,
Бир-бировга боғландик тамом.
Шундай экан қисмат хоҳиши,
Мен ҳам эдим кимсасиз, танҳо.
У камина беозор киши
Юрагимга бўлди ошино.

Мен-ку ёлғиз эдим,
На отам,
На онам бор, на оилам бор.
Ёлғиз экан дунёда у ҳам,
Фарзандлар ғўр, хотин – дилозор.

Содда, ночор, кўримсиз, аммо –
Қалби унинг бир олам эди.
Теран фикрат, ҳислар мусаффо,
Фидойилик жамулжам эди.

Э вох, қадрин билмади дунё,
Тупроқдаги дур эди бу зот.
Менинг зулмат ҳаётим аро
Ярқ этган бир нур эди бу зот.

Дардлашардик бечора билан,
Иккимизда надомат, афсус,
Ғам-андуҳлар изҳори билан
Ўтар эди тушлик танаффус.

У сўзларди, мен тинглар эдим,
Мен йиғлардим, куярди у ҳам,
Гоҳи узоқ ўлтирардик жим,
Кўзимизга чўкиб тубсиз ғам.

Менинг кўзим дерди:
«Эй азиз,
Қайда эдинг ўттиз йил аввал?»
Унинг кўзи дерди:
«Фойдасиз...
Бу оламда бахт йўқ мукаммал».

Менинг кўзим дерди:
«Мен муҳтож
Қидиргандим сени бир умр».
Унинг кўзи дерди:
«Не илож,
Кеч бўлса ҳам кўришдик, шукр».

Сўрсаларки, қай вақт саодат
Бўлган сенинг умрингга ошно?
Дердим: Беш йил –
Ҳар кун бир соат,
Фақат тушлик танаффус аро.

Ўзга макон, ўзга замонда
Мавжуд бўлган олис юлдузлар
Эл кўзидан пинҳон осмонда
Кўришгандек фақат кундузлар –
Биз ҳам шундай яшадик беш йил.
Бу ҳам турмуш...
Мана, ниҳоят,
Жудо бўлдик...
Бор гап шу, сингил,
Тамом бўлди дардли ҳикоят.

Оқшом чўкар,
Тушар қоронғу,
Хазонларни супурар шамол.
Яримта ой, сурганча хаёл
Сокингина таратар ёғду.

Қабристонда қолмаган одам,
Ҳувиллаган сукунат аро –
Бир қабр узра ёнар икки шам,
Икки аёл йиғлар бесадо...

1982

ҒАЗАЛНИ СЕВГАН ҚИЗ

Сен кулиб турибсан,
Ҳар қандай шоир
Кўзларинг ўтида эриб кетади.
Ҳофизи Шерозий тирилиб ҳозир,
Холингга дунёни бериб кетади.
Нотўкис оламнинг тўкис ва тугал
Ижоди сенмисан, мўъжизий талъат?
Сени пайдо этиб бунча мукаммал,
Ҳайрат қилмасмикин ўзи табиат?
Ўлмас шоирларнинг ўлмас қалами
Ўлмас байтлар битса сен учун, жоиз.
Аммо шеъриятнинг ташбиҳ олами
Камолинг олдида нақадар ожиз.
Ғазални севибсан.
Сенга муносиб
Ғазал бор эканми ёруғ дунёда?
Шоир бахтли эди бир ташбиҳ топиб,
Шу кулиб турганинг қилса ифода.
Минг йил балки сени қилдилар таъриф,
Гоҳи ой дедилар, гоҳида қуёш.
Олам китобини кўрдим ахтариб,
Ҳеч шоир қалбингга топмабди қиёс.
Қошингга ёй нисбат, сочингга занжир,
Париларга нисбат жоду ва сеҳринг.
Байт йўқдир оламда қилғувчи тасвир
Оддийгина меҳринг, фидойи меҳринг.
Ғазални хушлабсан,
Синглим, ташаккур,
Ҳар кўнгил сенингдек ишқибоз бўлсин.
Сенга бирор сатрим бўлолса манзур,
Оёғинг остига пойандоз бўлсин.

1982

САЛБИЙ ҲАЯЖОН

Бунча ҳам яшиқ оқ халатингиз,
Опажон дейинми ёки аяжон.
Бул ажаб тил билан ширин айтдингиз:
– Сизга мумкин эмас салбий ҳаяжон.

Ажабо, қидирса бутун дунёни,
Топилар эканми шундай бир одам –
Ярашса юзига ғазаб туғёни,
Ёқса юрагига андуҳ билан ғам.

Не илож, биздамас ихтиёр, бироқ
Нур ва соялардан баҳс қилмоқ абас.
Қўшиб бир кафт ҳасад ва бир кафт нифоқ,
Одамзод лойини қорган биз эмас.

Биз эмас, бу дунё яралган вақтда
Ғишт қўйган вафосиз, бемеҳр, ёлғон.
Хиёнат зарби у – бизнинг луғатда,
Сизнинг тилда эса – салбий ҳаяжон.

Ғийбатдир, бўҳтондир, шубҳадир, киндир,
Балоким, қўл силтаб кетмоқ муаммо.
Инфарктдан югуриб қочмоқ мумкиндир,
Ўзимиздан қайга қочурмиз аммо?

Ҳаёт устозидан ёлбориб сўраб,
Асрлар ўргандик дунё ҳикматин:
Ўргандик андиша пўстига ўраб
Аламни оғудек ютмоқ санъатин.
Гоҳ хаёл қиламан, таскин бор дилда,
Пушкин бу дунёдан кетди беармон.
Агар ўлмаганда шоир дуэлда,
Уни ўлдирарди салбий ҳаяжон.

Ўйлайман гоҳида, ўшал машъум кун
Маҳмуднинг дорида сўнмаса жони,
Салбий ҳаяжондан борлиққа бутун
Тирқираб кетарди Машрабнинг қони.

Ҳар инсон зотида ўзга бир матлаб,
Ҳар инсон зотида ўзгача қисмат.
Мендан ҳар нарсани қилингу талаб,
Кўру кар бўлмоқни сўраманг фақат.

Ахир, бизга азал орзу – яратмак
Ўзга бир жаҳону, ўзга бир инсон.
Ҳаяжон чекармиз, токи келажак –
Билмасин, нимадир салбий ҳаяжон.

1982

* * *

Қуллуқ қил демасман.
Юрт тупроғин ўп,
Унга қуллар эмас, фидолар керак.
Унинг сену мендек шоирлари кўп,
Буюк элга энди даҳолар керак.

Қаддингни баланд тут,
Бўлма сертаъзим,
Чўққи бўлолмасанг, маҳкам қоя бўл,
Пиллапоя бўлдим сенга, азизим,
Сен ҳам гал келганда пиллапоя бўл.

ВИРУСЛАР

Профессор Шабот Хўжаевга

Доктор хонасида ҳамма нарса оқ,
Тонг нур талашади оқ туслар билан.
Оқ халатдек соч ҳам оқармиш бундоқ
Олиша-олиша вируслар билан.

Сизга ҳавас қилдим, доктор, менга ҳам
Мўъжизий бу ҳикмат берилса эди.
Сиз малҳам сургандек, мен қалам сурсам,
Энг мудҳиш вируслар қирилса эди.

Кўлмаклар қуриди, тўқайлар ёнди,
Тарих архивида безгаклар букун.
Лекин қонимизга кирган – сохталик
Аъзои танимиз қақшатар бутун.

Сафсата қасрига меъмор устодлар
Моҳи Хоссадаги товуслар мисол,
Нопок сармоядан семирган зотлар
Бағоят урчиди вируслар мисол.

Мансаб савдоси ҳам классик вирус,
Киритса арзийди тиббий дарсликка.
Шарсимон вирусни мумкин ўлдириш,
Чора йўқ юмалоқ худпарастликка...

Инсоф, диёнатни, ору номусни
Сариқ чақага ҳам олмаса инсон,

Олтин дарди каби сариқ вирусни
Йўқотмоқ мушкулдир – гепатит осон...

Йўталсиз ҳеч ерда ишинг битмаса,
Кўк қоғоз тутмасанг – кўролмасанг кун,
Бундоқ кўкйўталга чора этмаса,
Кўкариб, ўпкалар қуриши мумкин.

Юлғичлик ҳар лаҳза лол қилар бизни,
Гриппдек унда ҳам минг бир хил тус бор.
Доктор, очиб кўринг дафтарингизни,
Бундоқ жони қаттиқ қандай вирус бор?

Бу не дард – минбарга чиққан беибо
Чиройлик ёлғонга қарсак уришлар.
Сохталикнинг илиқ муҳити аро
Яйраб кўпаяди манфур вируслар.

Доктор, қулоқ тутинг! Момогулдирак!
Ҳаво тозармоқда – вирусга қирон.
Салом сенга, оппоқ, тиниқ келажак,
Олқиш бўлсин сенга, уйғонган бўрон.

1984

ДЕҲЛИ АЭРОПОРТИДА БЎЛГАН ВОҚЕА

Ташқари қирқ саккиз даража...
«Боинг»
Бомбай парвозига турар эди тахт.
– Жаноб, юкингизни бу ёққа қўйинг,
Ўзингиз бу ердан ўтинг, марҳамат.

Узун милтиқ осган соқчилар огоҳ,
Бамисли локатор кўз, қулоқлари.
Безовта чириллаб қолди-ку ногоҳ
Электрон назорат қўнғироқлари.

Ҳамроҳим хижолат.
Бошин тебратиб
Чала инглизча узр айта-айта,
Сўнгги чақагача чўнтак бўшатиб,
Магнит қопқасига йўл олар қайта.

Лекин қўнғироқлар тинчиса қани,
Таҳликали ёнар қизил чироқлар.
– Нима яширгансиз, шоир оғайни?
Ҳазил қилишади ҳамкасб ўртоқлар.

Полисменга эса кулги бегона,
Пайпаслаб тинтувга бошлар бадгумон.
Ҳеч нарса тополмас ва лекин яна
Қўнғироқ чириллар. Нозирлар ҳайрон.

Шунда таржимонга дер кекса шоир:
«Тушунтир, ҳеч нарса яширганим йўқ,
Сергак аппарати илғаган темир –
Кўкрагим остида қолиб кетган ўқ.

Қирқ йил яшаяпман ўша ўқ билан,
Борлигин билдирар баҳор чоғлари...
Қайси юртга қадам қўймай, дафъатан
Бонг урар назорат қўнғироқлари.

У менга Смоленск жангидан ёдгор,
Уруш ўчмас қилиб қолдирган дастхат.
Айт, узр на даркор,
Афсус на даркор,
Менга ачинмасин –
Ишонсин фақат».

Биз кетдик.
Ўчмасдан қизил чироқлар
«Ҳушёр!» ёзувида пириллаб қолди.
Назоратгоҳ ичра бор қўнғироқлар
Худди жони бордек чириллаб қолди.

1985

ЮРТИМ БОЛАСИ

Ўзбекистон халқи ўн саккиз миллионга етганда

Ўн саккиз минг олам севинч, ноласи,
Ҳайрати, умиди, алами билан
Сен дунёга келдинг, юртим боласи,
Ўн саккизинчи миллион рақами билан.

Онанг Ўзбекистон сени ўради
Январь даласининг оқ йўргагига.
Сенга алла айтди кекса самовот
Эгилиб заминнинг беланчагига.

Ҳозир кимдир сенга тикмоқда либос,
Ким сен яшар уйга илк ғишт қўймоқда.
Кичкина жонингга лекин қай ғаним
Юз минг мегатонлик бомба қуймоқда.

Серташвиш асрда дунёга келдинг,
Она юртингга ҳеч бўлмаган осон.
Букун ҳам бир қўлда сени ардоқлаб,
Бир қўли бошингда ушлаган қалқон.

Мақсад манзилига йўл мушкул, олис,
Жаннат бўлганча йўқ бу азиз тупроқ.
Фалак тоқидаги юлдузлар қанча,
Кўксимизда умид юз карра кўпроқ.

Мен ҳам умид билан тонгда шеър битдим,
Сен – янги меҳмоннинг баҳонасида,
Ўн беш ёшга кириб ўқирсан шояд
Икки мингинчи йил остонасида.

Ҳозир эса йиғла, қичқир, овозинг
Таралсин дунёнинг ҳар тўрт ёғига.
Мурғак вужуд билан бонг ур тил бўлиб
Боқий омонликнинг қўнғироғига.

1985

ВАТАН СОҒИНЧИ

Чет элларда хизмат қилаётган ўзбек биродарларимга

Қай олий маконга сафар қилмайин
Қай йироқ соҳилга элтмасин қисмат,
«Ассалом алайкум!» дея жилмайиб
Бир ўзбек қондошим қаршилар албат.

Бизлар Коломбога қўнганда саҳар,
Илк бор у қаршилаб парвона бўлди.

Шунда рутубатли, бадбўй бу шаҳар
Кўзимга чарақлаб Фарғона бўлди.

Мадорасда тилмоч ул ўзбекзода
Баробар сўзларди саккиз тилда ҳам.
У оқ халат қийиб дорушшифода,
Афғон боласига қўярди малҳам.

Нур қасрини тиклаб Фурот узра у
Араб хонасига ёқарди қуёш.
Пахта ўстирарди Нилдан олиб сув,
Қалбида Африқо филича бардош.

Мисрда Юсуфдек бўлиб кўринди,
Яманда у менга туюлди Ҳотам.
Бу аён туйғудир – на қилса энди
Оловдек ташланар кўзга ўз одам.

Букун олис йўлдан қайтганим чоғда
Илк сатримда сизни қилдим мукаррар –
Эй сиз, жондошларим, юртдан йироқда
Юртнинг хизматига боғланган камар!

Биламан, не азоб юки ҳижроннинг,
Не дарддур ой-йиллар бўлмоқ интизор.
Биламан, соғинчи Ўзбекистоннинг
Кўзингиз тубида ҳамиша бедор.

У жаҳон ичида битта жаҳондир,
Бир кўрган умрбод қилгуси ҳавас.
Ернинг тортиш кучин енгмоқ осондир,
Она Ер меҳридан узилиб бўлмас.

Дўстларим, ҳар қайда бўлинг саломат,
Омон қайтинг уйга олис макондан.
Тилагим, ҳеч қачон, ҳеч қачон қисмат
Бизни айирмасин Ўзбекистондан.

1986

ЯНГИ ЙИЛ ШЕЪРИ

Инсон феъли ажабдан-ажаб,
Йўқдир унга мезонсиз олам.
Юлдузларни ўлчар ботмонлаб,
Қаричлайди чексизликни ҳам.

Ўзи эга, ўзи қул мангу
Ўзи топган ақидаларга,
Не дей, ҳатто мангуликни у
Бўлиб чиққан дақиқаларга.

Дақиқадан соатлар йиғиб,
Кунлар тузиб ой жам қилади.
Йиғламайди умр ўтди деб,
Йил ўтди деб байрам қилади.

Кўпайса-да, ажинлар ҳарчанд,
Оқарса-да йиллардан боши,
Қувонади – кўпайди фарзанд,
Севинади – улғайди ёши.

Бу туганмас орзу-ҳавасда
Бор умидбахш имонга асос:
Инсон ўлмас.
Аста ва аста
Боқийликка ўтади, холос.

1987

ГЕОРГИЙ АЪЗАМОВ ХОТИРАСИГА

Тундек қаро этиб юрагимни ҳам
Хабар етиб келди кечаси.
Менинг Жора исмли укам,
Тожихон аканинг кенжаси...

Қадам қўйган эдинг шахмат шоҳининг
Қароргоҳи остонасига.
Отанг маглайига сиғмадинг,
Сиғмадинг ўзбекнинг пешонасига.

Қайта туғиларми ўғлон сенингдек,
Қанча юксак эди тилагинг.

Юраги ёрилиб кетган лочиндек
Баландликдан ногоҳ қуладинг.

Мухлис эдим, ҳар бир ғалабанг
Менга эди мисоли тўйдек.
Сен музаффар кетдинг, биз эса, аттанг,
Бизлар сени бой бериб қўйдик...

1987

ДЕВОНА ҲАҚҒЎЙ

Яна сенинг тўнинг елкангда,
Сиғмай қолдинг бу даргоҳга ҳам.
Лабда аччиқ қимтилган ханда,
Ташқарига қўясан қадам.

Туққанингга ёқмас тўғри гап,
Шуни англаб етмаган бўлсанг,
Бу дунёда шунча йил яшаб
Дипломатлик аталган адаб
Кўчасидан ўтмаган бўлсанг, –
Кўнгилдаги гапингни қачон
Кимга қандай сўзламоқ керак,
Ўзингга не фойда, не зиён.
Англамаган бўлсанг гар, демак –

Айб ўзингда,
Токи бу дунё
Тили бурроларга ёр экан,
Манманликдек тузалмас савдо
Одамзод бошида бор экан,

Токи бошлиқ зоти экан ҳақ,
Гапи гапу сўзи сўз экан,
Тўрдагилар ҳокими мутлақ,
Пастдагилар юмуқ кўз экан –

Пешонангга битилган аттанг,
Енгилмоқ бор доимо жангда.
Мудом сенинг қўлингда паттанг,
Мудом сенинг тўнинг елкангда.

1987

* * *

– Орол ўлаётир,
Сир ўлаётир,
Ўлаётир заҳардан тупроқ.
Шоир бунга қарши не қилаётир?
– Шоир дафтарида каттакон сўроқ.

У фақат қичқирар:
Бундоқ бўлмайди.
Алам билан ёш тўкар, бироқ
Унинг кўзёшидан Орол тўлмайди,
Фақатгина ер бўлар шўрроқ...

1987

ДОРИЛФУНУНГА

Яна йигирмага – йигит ёшимга
Узоқ йиллар ўтиб қайтган бу куним,
Таъзим қилиб келдим сенинг қошингга,
Азизим, мунисим, дорилфунуним.

Недирсан? Олисга ундаган садо,
Ё олис йиллардан чорлаган уним.
Сени соғинаман ва тирикман то
Сенга интиламан, дорилфунуним.

Болангман, бор ҳали ўзингга ҳамдам
Шўхлик, эркалигим, андек жунуним.
Ким бўлсам, не бўлсам ва қайда бўлсам,
Сен мени тергаб тур, дорилфунуним.

Ҳаёт бешафқатдир, яшаш мураккаб,
Ёзолмай гоҳ дилга чўккан тугуним,
Илтижо қиларман, бедор юракка
Қудрат бер, ёшлигим – дорилфунуним.

Ҳали бу оламга саволим кўпдир,
Хаёлим қушида йўқ лаҳза қўним.
Яна шамчироғинг керак бўлибдир,
Йўлимни ёритгин, дорилфунуним.

Шеъру ишқ, бахт, қувонч – дунё бири кам,
Фақат эътиқодим – танҳо бутуним.

Қалбим тубидаги энг ёруғ нуқтам –
Сенга талпинаман, дорилфунуним.

Эзгулик соғинчи ўртаб кўнглимни
Бош уриб қошингга келган бу куним –
Сидқимни қабул эт, тарк этма мени,
Азизим, мунисим, дорилфунуним.

1987

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ

Бир ўрмонда яшар эди икки қабила,
Динозавр, мамонт овлаб бирликда омон.
Не бўлдию бир ов лоши талоши ила
Икки томон жангга кирда қаттол, беомон.

Тил-забонсиз ваҳший тўда, ёввойи аждод
Қон исидан маст – бир-бирин қириб ташлади.
Бу қирғинда омон қолган икки одамзод
Бир-бирига қараб аста юра бошлади.

Ана, улар бир-бирини ўлдирар ҳозир,
Ер юзида инсон насли тугайди буткул.
Шу пайт ногоҳ бири тўхтаб қолди-ю, оғир –
Чўқморини секингина ерга қўйди ул.

Рақиби-чи? У ҳам сезди бу не ишора,
Қўлидаги қирра тошни нарига отди.
Икков қўлни қўлга берди, шундан илк бора
Ҳайвонликдан озод бўлди инсоннинг зоти.

Миллион йиллар ўтди, одам наслига, ажиб,
Тарих бўлди инсонликдан ортга тисланиш.
Халтасига тош йиғдию бўлмади насиб
Инсонликка қайтиб яна қуролсизланиш.

Тақдир ҳукми ила яна келди рўбару
Ўша ваҳшат ўрмонида тимсол икки жон.
Букун бир бор ғолиб келди инсоний туйғу
Тошни ерга отмоқ бўлди иккала томон.

Бу янги бир тарих бўлгай! Қани, бир йўла
Ушалса минг йиллик орзу, тузалса янглиш.

Насиб бўлса шубҳа тўла, душманлик тўла
Юракларга ёвузликдан қуролсизланиш.

Музлар эрир, инсон насли бўлмагай ҳариф,
Меҳру инсоф уст бўлгаю кинлар ост бўлгай.
Олқиш сенга одамизод, эй зоти шариф,
Инсонликка қайтган кунинг, шояд, рост бўлгай.

1988

* * *

Кажфеъл, кажрафторлар тарбиясига
Каждумлар қисмати ибратдир аён.
Жаҳолат авжида ўз миясига
Ниш уриб қўяди баъзида чаён.

1988

ҚАРСАК ҲАҚИДАГИ ШЕЪРГА ЖАВОБ

Мен шеър ёзсам,
Ўқисам уни,
Тинглаганлар қарсак чалмаса.
Бирор кимса бирор сўзини
Ёдида ҳам сақлаб қолмаса.

Фақат биттагина бўз ўғлон
Уйга қайтгач, йиғласа тўлиб.
Йиғлаб-йиғлаб тонг бўзарган он
Уйғонса у Алпомиш бўлиб.

1988

* * *

Сув томонда тимсоҳ ётар,
Ўрмон ёқда айиқ бор.
Миниб қочсанг – дафъа хатар –
На от бор, на қайиқ бор.

Лек ишончинг сенга паноҳ,
Ҳамонки дил ҳайиқмас.
Тимсоҳ сенга эмас тимсоҳ,
Айиқ сенга айиқмас.

1988

Руҳлар исёни

Достон

МУҚАДДИМА

Туғилгансан озод, мудом
Озод бўлиб ҳай

Назрул Ислом

Бу дунёнинг
Қувончи кам,
Дарду ғами –
зиёда,
Аммо
ғамдан қочмоқнинг ҳам
Тадбири кўп дунёда.
Кимнинг дилдош
Бор улфати,
Дардин
унга тўкади.
Ёлғизларнинг бор кулфати
Дил тубига
чўкади.
Ким нажотни
сокин туннинг
Уйқусидан сўрайди.
Ким ғамини
Никотиннинг –
Тутунига ўрайди.
Дил заҳмига малҳам топар
Ким ҳабиб,
Ким табибдан.
Ким қочмоққа
айлар сафар
Ғам аталган
рақибдан.
Гар буларнинг
Йўқ имкони,
Сўнгги чора этмоқ бор.

Кулфат тўла
бу дунёни
Шартта ташлаб кетмоқ бор.
Лек оламда
бир дард борки,
Унга сира нажот йўқ.
Бу азобга
ким дучорки,
Унга кун йўқ,
Ҳаёт йўқ.
Бу машаққат
Ичган билан
Дил тубига
чўкмайди.
Уни ҳеч ким
юрагидан
Ҳеч кимсага
Тўкмайди.
Халос этмас
битта арқон,
Нуқта қўймас
Битта ўқ.
Чидамоққа
йўқдир имкон,
Қочмоққа ҳам
Чора йўқ.
У жон билан
кетса дилдан,
Сукут қолса
юракда,
Одамзоднинг
Руҳи билан
Яшайберар фалакда.
Бу –
шоирнинг дилин эзган
Истибдоднинг дардидир.
Юракдан
қон бўлиб сизган
Истеъдоднинг дардидир.
Тўлғоғида бу аламнинг
Танҳо ингроқ –
хониш бор.
Абадият
Жаҳаннамнинг
Оташида ёниш бор.

АБАДИЯТ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Ровий айтар:
Аллазамон –
Аллақайси маъвода
Фалокатга учраб карвон
Поёни йўқ саҳрода,
Бу ногаҳон
Тасодифдан
Барча ўтиб дунёдан,
Шу тасодиф амри
билан
Омон қолди
Бир одам.
Белбоғига осганича
Қуруқ кўза –
сувдонни,
Кезди неча
Кундуз, кеча
Бу дашти бепоённи.
Кеза-кеза
охир толди,
Умид узди жонидан.
Бир пайт
ногоҳ
чиқиб қолди
Бир чашманинг ёнидан.
Йиқилганча сувга
беҳол
Лаб чўзганда ташна тан,
Тўлқинланди
бирдан зилол,
Садо чиқди чашмадан:
«Шошма, йўлчи,
Ичурсан, бас,
Муздек,
тиниқ,
тўламан.
Аммо билки,
Оддий сувмас,
Обиҳаёт бўламан.
Азоб чекдинг кўп
саҳрода,
Майли,
Тўйиб ичиб ол.

Мени ичган бу дунёда
Мангу яшар
безавол.
Ол, ич,
Яша даврон суриб
Абадий бу даҳр аро,
Аммо
Мени ичмай туриб
Фикр қилгин аввало.
Ҳаётгаку
тўймас кўзинг,
Яшайсанми умрбод?
Мангу ҳаёт учун ўзинг
Ярайсанми,
Одамзод?
Мангулик дер
одам насли,
Лек
инсоний тафаккур –
Абадият надир асли,
Қила олмас тасаввур».
Йўлчи ҳайрон,
Йўлчи сергак,
Бу қандайин чашмадир?
Ичай деса –
чўчир юрак,
Ичмай деса –
ташнадир.
Узоқ-узоқ
Ўйга толди,
Сув лабида ўлтириб.
Охир
Обиҳаёт олди
Кўзасига тўлдириб,
Ўйлай-ўйлай
нари кетди –
Ул сеҳрли булоқдан.
Ногоҳ
Хазин сас эшитди –
Садо келди йироқдан.
Борди,
Э, воҳ,
ётар бир бош
Қум устида бенажот.
Нола чекар,

Тўкар кўзёш:
«Лаънат, дейди, – эй ҳаёт!
Ўша сувдан ичдим нега
Афсус!»
деру
ўкинар.
Йўлчига у:
– Раҳм эт менга,
Ўлдир, –
дея ўтинар.
Минг йил аввал
Шу булоқдан
Сув ичганман,
чўмганман.
Яшайвериб,
Бу қийноқдан
Ўзни қумга
кўмганман.
Умр кўрдим ҳаддан бисёр,
Ҳеч тоқатим қолмади.
Ер юзида
Менинг бирор –
Ҳамсуҳбатим
қолмади.
Азоб борми
Бундан улуғ,
Даҳшат борми
зиёда?
Менга ерда
тириклик йўқ,
Ўлим ҳам йўқ дунёда.
Йўлчи боқди
Ҳайратда лол
Тирик инсон қабрига,
Сўнгра
қумга чўкди беҳол,
Раҳмат айтди сабрига.
Ўз ҳолига
минг шукр этди,
Йиғиб сўнгги саботни –
Қум устига
Тўкиб кетди
Йўлчи обиҳаётни.
Йўлчи кетди
Бўлиб холи

Мангуликнинг ғамидан.
Тотиб қолди
Чўл ниҳоли
Обиҳаёт намидан.
Илдизига унинг алҳол
Томчи етди,
Шу фақат,
Йиллар ўтиб,
ўша ниҳол
Чинор бўлди оқибат.
Шундан чинор
Узоқ яшар,
Шундан чайир танлари.
Мангуликдан кечиб башар
Фоний умр танлади.

Кел, эй кўнглим,
Бизнинг ҳаёт
Эмас экан
жовидон,
Бу дунёда
изла нажот,
Яша фақат
шодумон.
Бу ҳаётнинг
ярми роҳат,
Ярми ғамдир,
шукр қил.
Умринг узун бўлса –
раҳмат,
Агар камдир,
Шукр қил.
Шу офтобу
Минг бир оҳанг,
Минг бир рангли бу дунё
Сеникидир,
Ҳаёт эсанг,
Ҳаёт эсанг аввало.
Ҳам шавқ билан,
Ҳам дард билан
Ўтар экан бу дамлар.
Омон бўлсин
Сен англаган,
Сени англар
одамлар.

Биринчи фасл

ШОИР ҚАЛБИ

Тун билан кун,
Ўт билан сув
Бир-бирига золимдир.
Коинотда
Азал,
Мангу
Исён руҳи ҳокимдир.
Замин узра
қор куюнин
Ёғдирганда
чарх-фалак,
Қиш қаҳрига
эгмай бўйин,
Исён қилар
Бойчечак.
Қора булут
зулумотга
Чулғаганда самони,
Чақмоқ –
нурсиз бу ҳаётга
Ёруғликнинг исёни.
Туғиларкан,
дод дер гўдак,
Кўкси тўла фиғондир.
Жажжи мушти
Нақ ғунчадек,
Бу – ўлимга исёндир.
Қаро қилган
Кўк дафтарин
Қоронғулик қасдига
Тонг йиғади
нур лашкарин
Шафақ туғи остига.
Еру уммон,
Буржлар аро
Гоҳи ошкор, гоҳ пинҳон,
Ибтидодан
то интиҳо
Ҳукм сурар ғалаён.
Собир инсон юрагида

Қаноатки барқарор,
Коса янглиғ
Сабр тагида
Оташ янглиғ Исён бор.
Куй,
ғазали
одамзоднинг
Дарддир,
эзгу армондир.
Яралишдан,
Истеъдоднинг –
Табиати –
исёндир.
Шоир юрак –
Пок тилаги,
Имонидир башарнинг.
Армон тўла
юракдаги
Исёнидир башарнинг.

* * *

Назрул Ислом
Бу дунёга
Шоир бўлиб туғилди.
Илҳом отли пок зиёга
Гўдак қалби йўғрилди.
Нигоҳидан
Сеҳрли нур
Борлиққа нур таради.
Коинотга
у таҳайюр
Кўзи билан қаради.
Тунлар унга берди хаёл,
Шавқ атади
кундузлар.
Гуллар
ғазал айтди хушҳол,
Эртак айтди
Юлдузлар.
Улғайди у,
Ўсмир бўлди,
Етди йигит ёшига.
Ишқ отли қуш
келиб қўнди

Ёш шоирнинг бошига.
У ҳам ёнди бағри кабоб,
Ҳам очилди
чун баҳор.
Ҳижрон берди
тотли азоб,
Висол этди
бахтиёр.
Гоҳ шодлик,
Гоҳ аламидан
Дил чашмаси очилди.
Унинг ҳассос қаламидан
Ишқий байтлар сочилди.
Бу дунёга
Назрул Ислом
Шоир бўлиб туғилди.
Ибтидодан
ёниқ илҳом
Шуъласига йўғрилди.
Етти аср аввалгидек
Бўлса эди замонлар,
Балки
Хусрав Деҳлавийдек
Битар эди достонлар.
Туғилсайди
Шоир агар
Ярим минг йил илгари,
Битар эди
рубоийлар
Мирзо Бобур сингари.
Агар
Неча замон ўтиб
Келмаса бу давронлар,
Бедилона ғазал битиб
Тузар эди
девонлар.
Ўзга эди
аммо фурсат,
Ўзга эди эл дарди.
Замон
унинг
Ёниб турган
Юрагини сўрарди.

* * *

Шоирни
у туғилмасдан
Гадо қилган эдилар.
Ўз юртида
Ўз юртидан
Жудо қилган эдилар.
Ўраб унинг
нақ юракдек
Она Ҳиндистонини,
Зобитлар
оқ ўргимчакдек
Сўрардилар қонини.
Бир томонда,
Ёвни эмас,
Бир-бирини беомон –
Сўяр эди
тақводан маст
Ҳинду билан мусулмон.
Бир томонда
На уй кўриб,
На бир тўшак,
оч,
хароб,
Кўчаларда ҳаёт қуриб,
Ўлим топган беҳисоб.
Ганга оқар
кўзёш бўлиб,
Жамуна лим
бўлиб қон.
Бори бутун бардош бўлиб
Нажот кутар
Ҳиндистон.

* * *

Ҳар нечаким зўр истеъдод,
Тошқин илҳом,
У нега,
Халқинг ётса
чекиб фарёд,
Ярамасанг кунига.
Шоир эсанг,
Шоир бўлиб
Нега келдинг ҳаётга,

Элинг ётса
дардга тўлиб,
Келолмасанг нажотга?!
Не шоирсан,
Ташбиҳларнинг
Борми асли кераги,
Бўлмаса эл ғами –
дардинг,
Юрагинг –
эл юраги?!
Назрул Ислом
Ҳинд халқининг
Зардобини ютарди.
Назрул Ислом
Ўз қалбини
Байроқ қилиб кўтарди.
Юрагида то сўнгги дам
Исён ўти сўнмади.
Ҳақсизликка кўнди олам,
Аммо
шоир
кўнмади.
Кўргилик бу,
деди ҳинду,
Тақдир,
деди мусулмон.
Лекин
Зўрлар зулмига у
Тан бермади ҳеч қачон.
Ўзни ўтга отди аниқ,
Жони борки,
курашди.
Умри унинг
Мангу ёниқ
Қўшиқларга туташди.

ИСЁН ҚЎШИҒИ

«Сўйла, инсон,
Сўйла, қаддинг
Кўтариб баланд.
Юксакликда сенинг қадринг
Ҳимолай монанд.

Сўйла,
Сенинг пойингдадир
Бу улуғ замин.
Сўйла, отиб золим аср
Дарду аламин.
Сен ўтмишни супургувчи
Кучли бўронсан,
Осмонларга от сургувчи
Соҳибқиронсан.
Сен чақмоқсан,
Қаро зулмат
Бағрини ёққан.
Сен Индрасан,
Кўкда исмат
Чироғин ёққан.
Сев Шивасан, коинотни
Барбод қилгувчи.
Сен Гангасан, бу ҳаётни
Обод қилгувчи.
Сен – Дурганинг тош юраги,
Шафқат билмайсан.
Сен – Кришна қўлидаги
Куйлаган найсан.
Изингдадир чексиз фазо,
Замину замон,
Бу оламга эга танҳо
Ўзингсан, инсон!
Тангриларни то осмон
Кўтарган ҳам сен,
Сажда қилган,
Яна исён
Кўтарган ҳам сен.
Ҳам шафқату
Беозорлик
Яшар қонингда.
Ҳам фидойи исёнкорлик
Ёнар жонингда.
Сўйла, инсон,
Сўйла, қаддинг кўтариб баланд.
Юксакликда сенинг қадринг
Ҳимолай монанд.
Қуллик сенга кўп малолдир,
Аммо не учун
Бошинг эгик,
Тилинг лолдир,

Қоматинг забун?
Тангриларга бўйсунмаган,
Бермаган бардош,
Бандасига бугун нега
Эгадирсан бош?
Сабабкорми ёлғиз тақдир
Ҳолингга санинг?
Биласанми, дўстинг кимдир,
Кимдир душманинг?
Асрий ғафлат етар энди,
Эй, мазлум инсон!
Уйғонмоқнинг вақти келди,
Бош кўтар, уйғон!
Бош кўтаргил,
Минг йил тўккан
Кўз дуринг ҳаққи.
Қўзғал,
Асрий қуллик буккан
Ғуруринг ҳаққи.
Қўзғал,
Буюк Тожмаҳалнинг
Шукуҳи учун.
Қўзғал,
Улуғ боболарнинг
Пок руҳи учун.
Эрк бонгин ур,
Сен интиқом –
Таблин баланд чол.
Туғилгансан озод,
мудом
Озод бўлиб қол».

* * *

Исён шеъри
Мушоира –
Минбаридан янгради.
Ким деди:
Бу шеърмас сира,
Ким
дилидан англади.
Юрт оғзида бу шеър баҳси,
Эл тилида баҳоси,
«Қани шеърда гуллар рақси?
Қани булбул навоси?»

«Бу шеър
Шарққа хосдир, наҳот?
На ишқий,
на риндона...
Бундай ашъор Саъдийга ёт,
Ҳофиз учун бегона».
«Ул кун Будда:
Мард агар сен
Дардни ичга ют, деган.
Ул юзингга урсалар сен,
Бул юзингни тут, деган».
«У дунёда бахтинг таъмин
Бу дунёда чексанг ғам».
Шундай дея берган таълим
Ул...
Устоди мукаррам.
Маломатга қолди энди
Шоир битиб ҳақ достон.
Ҳинду уни
«жобон» деди,
«Кофир» деди мусулмон.
«Бу исённи,
бу нифоқни
Чиқармоқ не зоҳирга.
Сиёсат-ла ўйнашмоқни
Ким қўйибди шоирга».
«У ҳали ёш,
Ҳали гўдак,
Зарра парво этмайди.
Эс-ҳуши йўқ ҳайиққудак,
Жон қадрига етмайди».
«Ҳа, зулм бор,
Ҳақсизлик бор,
Барчага бу аёндир.
Аммо буни зинҳор-зинҳор
Айтиб бўлмас замондир».
«Ҳамма билар,
Инсон эркин –
Яшаши шарт пойидор.
Биз ҳам айтсак бўлар,
лекин
Уйда бола-чақа бор...»

ФИДОЙИЛИК ТЎҒРИСИДА РИВОЯТ

Қадим замон,
Аёл дини
Фидойилик,
деганлар.
Эри ўлса,
хотинини
Қўшиб кўмар эканлар.
Ўтиб
неча авлод умри,
Ўтиб
чексиз кўп замон,
Ҳеч бир давр
Бу удумни
Қилолмади қатағон.
Даҳшат эди бу чинакам,
Билар эди
одамлар.
Лек
одатга қарши
не ҳам
Қилар эди одамлар?
Ҳам ота,
Ҳам онаизор
Гўрга кириб баробар,
Қола берди
чирқираб зор
Бола-чақа
Дарбадар.
Асли
ўша замонда ҳам
Донишмандлар бор эди.
Лекин
улар ичра
мард кам,
Кўп –
эҳтиёткор эди.
Бош кўтармас эрлар,
Исён –
Аёллар ҳам қилмасди.
(Чунки улар эри қачон
Ўлишини билмасди.)
Ўтиб кетди
Минг йил фурсат,
Қарши қудрат йўқ эди.

Кимда шафқат,
Кимда ҳиммат,
Кимда журъат
йўқ эди.
Бир кун
Жангга кета туриб
Бош кўтарди
бир ўғлон.
От бошини шартта буриб,
Елди тикка
Шоҳ томон.
Деди:
«Эй шоҳ!
Олдимда бор
Ё ҳаёту, ё ўлим.
Қолаётир рафиқам зор,
Қизалоғим ва ўғлим.
Агар мен бу жангда ўлсам,
Содиқ қолиб удумга,
Фарзандларим онасин ҳам
Ҳукм этарсан ўлимга.
Мен-ку,
Улар эрки дея
Жангга кетаётирман.
Фарзандларим мехри дея
Фидойиман,
ботирман.
Ўлсам,
Улар онадан ҳам
Етим қолса баногоҳ,
Вайрон бўлсин чархи олам!
Бу не ваҳшат!
Эшит, шоҳ!
Боқийси йўқ
ҳеч одамнинг,
Биз кетармиз тамомий.
Аммо аёл –
Бу оламнинг
Келажаги,
давоми.
Шу-чун,
ўлсам, куним битиб,
Васиятим шу бўлсин:
Ёрим эмас,
Ҳамроҳ этиб
Жанг қуролим кўмилсин».

Бу сўз
Мисли очиқ кунда
Бўлди момогулдирак.
Келтирдилар
Болта...
Кунда...
Бас,
Тафсилот не керак...
Бечоранинг очиқ қолган
Кўзларини юмдилар.
Мозорига
Ўзи билан
Қиличини кўмдилар.
Бўлсин дея тавқи лаънат,
Авлодларга таълимот,
Қабри узра
Ёздилар хат:
«Бунда ётар
манфур зот!
Кўринг
бу кас ҳолатини,
Ётар
мисли хору хас,
Боболарнинг одатини
У билмади муқаддас.
Ҳис қилмади
У юракдан –
Аёл учун дунёда
Эри билан кўмилмакдан
Саодат йўқ зиёда!»
Қурбон бўлди
Бир мард йигит,
Қолди тавқи лаънатга.
Лекин илк бор ҳукм ўқилди
Ул кун машъум одатга.
Кел, эй кўнглим,
Инсон асло
Яралмаган сабрга.
Сиғинайлик
ўша танҳо
Таҳқирланган қабрга.
Ҳақ учун
Бош тутган тикка
Мардлар руҳи
ёр бўлсин.

Бу дунёда
ноҳақликка
Кўнмаганлар бор бўлсин.
Зўрлик кўрсанг,
Қилма тоқат,
Ҳар бошда бир ўлим бор.
Фидойилар умри фақат
Бу дунёда
пойидор!

Иккинчи фасл

ҒАЛАЁН

Калькутта, 1926 йил

Калькуттани
Қучди ғулу,
Бош кўтарди
оломон.
Қутлуғ жанг,
деб турди ҳинду,
Ғазот,
деди
мусулмон.
Барахманлар
довул қоқди,
Фатво берди
Имомлар.
Кўча тўлиб
қонлар оқди
Тўқнашганда имонлар.
Фарзандидан она айру,
Отасидан –
қиз, ўғлон,
Будда ҳаққи,
Бос,
дер ҳинду,
Алқасос, дер
мусулмон.
Ҳинду иши таҳқир бўлди,
Муслим иши –
таҳдидлар.

Бутхоналар вайрон бўлди,
Яксон бўлди
Масжидлар.
Рикшами бу,
соҳибми бу,
Гадоми ё зодагон –
Фарқсиз,
Фақат –
Бир ён ҳинду,
Бир ён эса –
мусулмон.
Сиртга чиқди
Асрлик кин
Ва минг йиллик
кудурат.
Икки жондош эл аро дин
Яна солди
адоват.
Аслида-ку
Ҳаёт оғу,
Турмуш ўзи –
зимистон.
Айбдор эмас
бунга ҳинду,
Гуноҳкормас мусулмон.
Аслида-ку...
Беизтироб
Ҳўплаб қора қаҳвони,
Деразадан
оқ тан жаноб
Кузатар можарони.
У кўп хурсанд,
Лабда кулгу,
Кўзи чақнар
комирон.
Мусулмонни янчар ҳинду,
Ҳиндни эса
мусулмон.
Жаноб шодон,
Ушалмоқда
Ниятнинг энг улуғи.
Ҳосил берди шу тупроқда
Эккан нифоқ уруғи.
Бўлмасин, деб
қилар орзу,

Бу низога ҳеч поён.
Майли,
Кўпроқ ўлсин ҳинду,
Кўп қирилсин
мусулмон.
Назрул Ислом
Оломонга
Қарадию
оҳ чекиб –
Ўзни отди тик
майдонга
Ёқасини чок этиб.
Фарёд қилди:
«Не ваҳшат бу,
Бас, халойиқ!
Ал-омон!
Қотилликни тўхтат,
ҳинду,
Газотни қўй,
мусулмон –
Бизлар, ахир,
Биродармиз,
Фарзанд Одам Атога!
Ҳақ олдида
баробармиз,
Айтинг,
Не бор низога!
Хунрезлик қил демаган-ку
Ахир Веда
Ва Қуръон!
Тиғ уради
нега ҳинду,
Бош кесади
мусулмон?
Фарқ –
ким меҳроб,
кимса бутга
Сиғиниб бош қўядир.
Шу фарқ учун
Ёқиб ўтга
Эл бир-бирин сўядир.
Бас, адоват!
Бас, энди кин,
Жангни қўйинг,
одамлар!

Сизнинг асли ёвингиз ким –
Билиб қўйинг,
Одамлар!
Улар
Узоқ юртдан келиб,
Ерга букиб шонимиз,
Бизни бизга
Душман қилиб,
Сўрмоқдалар
қонимиз.
Босқинчининг
Қадимданоқ –
Фалсафаси аёндир.
Эл ичида
бўлса нифоқ,
Демак,
золим омондир.
Улар
Мазлум ватанида
Бўлмасин дер
собитлар.
Жаҳолатнинг гулханида
Исинади
зобитлар.
Элдан омад кетса,
дастлаб
Ҳамжиҳатлик йўқолгай.
Бундай элни,
Сиртмоқ ташлаб,
Ҳар босқинчи йиқолгай.
Бу адоват
Наҳот мангу?
Наҳот битмас
бу қирон?
Дўст бўлолмас
Наҳот
ҳинду –
Жигарига
мусулмон?
Сен ҳиндмисан,
Муслимми ё,
Бирлик чоғи
бу чоқдир.
Босқинчини
энг аввало

Ҳинд баҳрига улоқтир.
Сўнг ушалгай
Барча орзу,
Яшар озод,
тинч,
омон
Ватанида эга ҳинду,
Юртида бек –
мусулмон».

* * *

Шоир айтган сўзларин мен
Ундоқ баён қилмадим.
Ўшал ёниқ
нафасга тенг
Сўзлар топа билмадим.
Таржима не?
Асл шеърнинг
Маъносию
ғояси.
Аммо ул ўт,
ул сеҳрнинг
Фақатгина сояси.
Назрул Ислом
Банголага
Машҳур бўлди ногаҳон.
Алангали
бу нолага
Қулоқ тутди
Ҳиндистон.
Кекса Токур
шукр айтди шод,
Оқ соқолин силади.
Ёш шоирга
Нурли ижод,
Безаволлик тилади.
Бу дунёга
Шоир аммо
Олов бўлиб келганди.
Ўз ўтида ёниб
адо –
Бўлишини билганди.
Асролди
на халқ,
на Токур,

У сиғмади замонга.
Исёнкорлик
Уни охир
Олиб келди
зиндонга.

* * *

Шоир бўлсанг,
Бўлсин қалбинг
Элга қурбон бўлгудек.
Шоир бўлсанг,
Бўлсин халқинг
Сенга қалқон бўлгудек.
Шоир бўлсанг,
Сени элинг
Қалби билан тингласа.
Ёд олмаса ҳамки шеърингг,
Фидолигинг
англаса.
Шоир бўлсанг,
Юртда яша
Меники деб айтгулик.
Жаннат юртдан кечиб ўша
Харобага қайтгулик.
Шоир бўлсанг,
Қаламингни
Найза қилиб тутолсанг.
Юракдаги аламингни
Оқ қоғозга
тўколсанг.
Шоир бўлсанг,
Қалб чироғинг
Ёниб турса тоабад.
Бу дунёдан
Кетар чоғинг
Йиғлаб қолса шеърият.
Ўз бағрига олса қучиб
Сени она маконинг...
Гар шу бахтлар бўлса насиб
Йўқ дунёда армонинг.

* * *

Назрул Ислом бўлди маҳбус,
Тунда уйдан олдилар.
Эл кўзидан узоқ, махсус
Бир хонага солдилар.
Иши қизиқ бу жаҳоннинг,
Ҳакамлар ҳукм этдилар:
Шоирни ул ғалаённинг
Сабабкори, дедилар.
Айбномани тингланг, ҳатто –
Фарёд қилар тошлар ҳам,
«Ҳинду билан
муслим аро
Қутқу солган – шул одам!»
Олис юртдан келган биров
Айб қўйди беандиша!
«Назрул Ислом –
Халқига ёв,
Нифоқ истар ҳамиша».
Бу дунёда
Бор қабоҳат,
Бу дунёда
бор ёлғон.
Аммо бундай
Ёвуз туҳмат
Бўлмаганди ҳеч қачон.
Назрул Ислом
номи охир
Минг балога тақалди.
Эл учун
Жон тиккан шоир
Эл душмани
аталди.
Ҳукм ўқилди.
Бош эгиб у
Аста борар ҳибс томон.
Ажаб!
Соқчи –
бир ён ҳинду,
Бир ён эса мусулмон.
Уни туртар
мусулмон ҳам,
Силталар ҳинд ҳаволдор.
– Қирпичоқда
ўлди акам,

Сенда экан айб,
мурдор!
– Кўп азоблар чекди ҳинду,
Кўп қон тўкди
мусулмон.
Сен кабилар йўқолса-ку,
Яшар эдик
Тинч, омон...
Аста
қадам ташлар
маҳбус
Ўйларидан огоҳ йўқ.
Соқчилар
не билар,
Афсус,
Жаҳолатда гуноҳ йўқ.

ЖАҲОЛАТ ТЎҒРИСИДА РИВОЯТ

Алқиссаким,
Жуда қадим
Жаҳолатли замонда
Бир донишманд
улуғ ҳаким
Ўтган экан жаҳонда.
У кун бўйи
Гиёҳ териб
Кезиб тоғу биёбон,
Одамларга шифо бериб
Яшар экан
Шодумон.
Унга
минг бир мушкул дарднинг
Аён бўлиб давоси,
Бора-бора
Одамларнинг
Ортаверди ихлоси.
Табобатга
Қалбан,
руҳан
Фидо қилиб ўзини,
Ҳатто бир кун
Наштар билан
Очмиш
кўрнинг кўзини.

Ривож топмиш
Соҳиб ҳикмат,
Дониш,
Меҳнат мададкор.
Аммо
Қайда бўлса шуҳрат,
Ёнбошида
Ҳасад бор.
Дуохонлар,
парихонлар,
Ўқувчилар чилёсин...
Хуллас,
Юртда бор нодонлар
Бошладилар иғвосин.
Тинмай
Кечаю кундузи
Топиб китоб сўзидан,
Дедилар:
«Дард берган –
Ўзи!
Давоси ҳам
Ўзидан!
Бандасига бермак дору
Яратганга исёндир.
Демак,
Ҳаким иши макру
Унинг ўзи
Шайтондир».
Бу сўзларни
чин, деб билди
Нодон,
жоҳил оломон.
Донишмандни сазо қилди,
Калтаклади
Беомон.
Чўғ темирда
Кўксин доғлаб,
Дорга осмоқ бўлдилар.
Сўнг бўйнига харсанг боғлаб
Сувга босмоқ бўлдилар.
Кейин
Сувни,
арқонни ҳам
Ҳайф билдилар
«шайтон»га,
«Ёқинг, – деди

Энг бош ҳакам, –
Олиб чиқиб майдонга!»
Кенг майдонга
Кўмиб устун,
Боғладилар ҳакимни.
Сўнг темирни ўтга қўйиб,
Доғладилар ҳакимни.
Буюрдилар:
«Ёқинг шитоб,
Азозилнинг ошнасин.
Керак бўлса
Кимга савоб,
Чўп келтириб ташласин».
Савоб учун
Биров ўтин,
Биров ташлар дона хас.
Ҳаким бошин баланд тутиб
Жоҳил элга қарамас.
Бир пайт
Гулхан сари бир чол
Аста кела бошлади.
Қучоғида
Бир боғ похол,
Ғарам узра ташлади.
Деди:
«Асли туғилгандан
Басир эдим мен ўзим.
Сен
жодунинг тиғи билан
Очиб қўйдинг
кўр кўзим.
Тангри билиб
Яратган кўр,
Даво қилдинг не учун?
Охират мен –
манглайи шўр –
Нима дейман
Сўроқ кун?
Ҳақ йўлидан озган одам,
Кўзим очиб,
не бердинг?
Мени бир йўл
У дунё
ҳам –
Бу дунёдан айирдинг.
Кўрлигимда

Бу оламни
Тасаввурда кўрардим.
Дунёдаги бор одамни
Мушфиқ билиб юрардим.
Шафқат ила
Ким нону
ким
Чақа ташлаб кетарди.
Мен ҳам
шунга кўнган эдим,
Менга шу ҳам етарди.
Қорним тўйса –
Саодатим,
Йўқ туман хил тилаклар.
Ҳамсуҳбатим,
Ҳам улфатим
Жажжи ширин гўдаклар...
Ўйлар эдим дунёда бор
Мусаффолик,
Соддалик.
Кўзим очиб
Кўрдим илк бор
Бераҳмлик,
Сохталик.
Ўғрилигу фаҳшни кўриб
Жим юраркан одамлар.
Ўз дўстига
Кулиб туриб,
Тиғ ураркан одамлар.
Бир ёнда айш
Кўкка чирмаш.
Бир ёнда,
боқ,
оҳу воҳ...
Букун менинг
кўнглимда ғаш,
Имонимда –
иштибоҳ.
Дердим:
Юртни бир бор кўрсам.
Кўрдим.
Орзум тўқ энди.
Йўлда ётган
хасчалик ҳам
Эътиборим йўқ энди.

Бу дунёдан
тўйдим охир,
Адо бўлсам майлига.
Ё қайтадан,
Ўша басир,
Гадо бўлсам майлига!»
Бу сўзларни
Эшитди-ю
Фарёд қилди донишманд.
«Ёқинг, –
дея сўради у, –
Олов бўлсин сарбаланд.
Тезроқ кетай
Бу дунёдан,
Ҳеч тоқатим қолмади.
Мендан
шифо олди
одам,
Олам –
шифо олмади.
Хурофотнинг заҳри теккан
Нодон,
жоҳил,
гумроҳлар –
Давосига ожиз экан
Мен кашф этган гиёҳлар.
Кўр кўзларга
Меҳргиёдек
Нур бахш этди
наштарим.
Қалблар кўзин
очмоққа
лек
Камлик қилди
Ҳунарим.
Одамларга
мен яхшилик –
Қилмоқ бўлдим,
Нетайин,
Манглайда
шу экан
битик,
Ёқинг,
Куйиб кетайин!»

Ўт қўйдилар.
Ёнди гулхан.
Қаро бўлди
самовот.
Жаҳолатнинг
ҳукми билан
Қурбон бўлди
Буюк зот.
Гулхан ёнди
Кўкка ўрлаб.
Чўғи ҳар ён
сочилди.
Шу оловдан
Элнинг,
ажаб,
Ақл кўзи
очилди.
Ўкиндилар,
Аза тутиб
Йиғладилар,
куйдилар.
Донишмандга
Йиллар ўтиб
Олтин ҳайкал
қўйдилар.
Э, воҳ,
Олим кўзи билан
Кўрсайди бу
ҳурматни...
Аммо
Ҳаким ўзи билан
Олиб кетди
ҳикматни.
Қўй, эй кўнглим,
Сен ул замон
Даҳшатин
кам ўйлагин.
Сенга насиб бўлган даврон
Созин олиб
Куйлагин.
Шукроналик
майин ичиб
Яйраб қолгин
бир нафас.

Бу оламдан
Бир кун кечиб
Кетувчи бир
биз эмас.
Кел, эй кўнглим,
Кел, муҳаббат,
Шеър завқига
қонайлик.
Ўтда ёниш бўлса,
фақат –
Ишқ ўтида
ёнайлик.
Фақат
Бизга ғаму кадар,
Қайғу-ҳасрат
ёт бўлсин.
То
биз учун
жон берганлар –
Руҳи мангу
шод бўлсин.

Учинчи фасл

ТУТҚУНЛИКДА

«Онажоним,
Менга букун
Сендан ўзга дилхоҳ йўқ.
Зиндондаман,
Билмам, нечун,
Менда зарра гуноҳ йўқ.
Гуноҳкорман
На оллоҳим,
На виждоним олдида.
Фақатгина...
Бир гуноҳим
Онажоним олдида.
Кечир, онам!
Кўзингда ғам,
Азоб бўлдим жонингда.
Букун байрам,
Мен букун ҳам
Бўлолмадим ёнингда.
Одамлардек
Беозор, тек
Яшаб юрсам нетарди.
Менга толе,
Сенга тинчлик
Балки насиб этарди.
Булбулларга,
Гулларга маст
Ёзсам фақат ғазаллар,
Балки мени
Миршаблармас,
Изларди ёш гўзаллар.
Менга ҳам ёр сокинлигу
Сенинг ҳам йўқ бу дардинг;
Мен – уйлик,
Сен – келинлигу
Набиралик бўлардинг.
Оҳ, у йўл берк,
Менда йўқ эрк,
Тирик умрим – афтода.
Не қилайки,
Одамлардек
Яшолмадим дунёда.
Лек кўнглимда нолиш эмас,
Алланечук дилшодлик.
Гарчи жисмим
Банди қафас,
Руҳимда бор озодлик.
Туғилишдан қул эмасман,
Қуллик ёт бу жонимга.
Эрк истаги
Сутинг билан
Кирмиш менинг қонимга.
Мени оташ,
гирдобларга
Отган ўшал истагим.
Онажоним,
Азобларга
Қўйди сени юрагим.
Мени кечир,
Фақат сендан
Букун узр сўрайман.
Узр сўраб, умид билан
Хаёлимни ўрайман.
Рози бўлгин,

Гар ўғлонинг
Юрак қўрин асролса.
Бир кун
она Ҳиндистоннинг
Хизматига яролса».

* * *

Вақт кам бўлса,
Ундан одам
Улгурганча олади.
Кўп бўлса, не қиларин ҳам
Билолмасдан қолади.
Шоир қайноқ иш қўйнида
Кун ўтганин билмасди.
Нақ бир олам юк бўйнида,
Кеча-кундуз тинмасди.
Бўш вақт бермас жарида ҳам
Ноширликнинг иши кўп.
Уйда,
элдан нарида ҳам
Тинч йўқ,
Йўқлар киши кўп.
Бир томонда битилмаган
Достонлари беҳисоб.
Бир ён
Кўриб етолмаган
Ётар минг-минг жилд китоб...
Шеър устида ўлтирмоққа
Танҳо бедор кеча бор.
У худодан
Ўй сурмоққа
Вақт сўрарди неча бор.
Мана фурсат,
Хаёл учун.
Ўй сур, кўкка ҳаволан.
Керак бўлса, умринг бутун
Қайта яша хаёлан.
Аммо
Хаёл, ўйдан не наф,
Қўлда қалам бўлмаса,
Юрак очмоқ учун сўйлаб,
Дилдош одам бўлмаса.
Қалам надир,
Бўлса аён

Кетмаслиги бекорга,
Бармоғидан чиқариб қон,
Ёзар эди деворга.
Умид бўлса
Бир кимсанинг
Келишидан садога,
Дилдош надир,
У дил сасин
Етказарди самога.
Аммо бенаф.
Кўз олдида
Фақатгина тош девор.
Хаёл эса...
хаёлида
Поёнсиз бир бўшлиқ бор.

* * *

Назрул Ислом
тор зиндоннинг
Туйнугидан қарайди.
Кўриб зангор
соф осмоннинг –
Бир парчасин,
Яйрайди.
Унда
Эркин қанот қоқиб
Қушлар учиб юрибди.
Бунда
Шоир кўкка боқиб
Ҳавас қилиб турибди.
Қушлар билан учай деса,
Қани унинг
қаноти?
Бир оламдир
Орзу эса...
Етармикан ҳаёти?
Назрул Ислом
тор зиндоннинг
Туйнугидан қарайди.
У фалакдан
Ҳиндистоннинг
Толеини сўрайди.
«Майлига,
Мен тутқун бўлсам,

Сен озод бўл,
Онажон!
Минг қийноқда
Майли, ўлсам,
Юртим,
бор бўл,
Бўл омон.
Умрим етса,
Меҳринг таянч,
Сени яйраб куйларман,
Бу кун эса,
Мушкул,
аянч
Қисматингни ўйларман.
Неча минг йил
Манглай теринг
Тўкиб ерга,
қолдинг оч.
Сен оламга
Ипак бериб
Ўзинг ўтдинг
яланғоч.
Бебаҳо –
фил суякларинг,
Баҳринг аро –
тўла дур.
Ғаввос қилиб гўдакларинг,
Келгиндилар
оладур.
Юртим,
Битмас матонатинг,
Сен –
мужассам бардошсан.
Фил сингари
Зўр қудратинг,
Фил сингари
Ювошсан.
Она ўлкам,
Бир кун сени
Озод кўргим келади.
Истибдоднинг занжирини
Барбод кўргим келади.
Кўтарасан
Сен ҳам қаддинг,
Йўл оларсан
эрк сари.

Ҳимолайнинг ортидаги
Озод ватан сингари».
Назрул Ислом
Зиндонда банд,
У зах ерни кучарди.
Шеъри эса қушлар билан
Осмонларда учарди.
Кенгликлардан ошар эди
Қалб шукуҳи шоирнинг,
Эл дилида
Яшар эди
Исён руҳи шоирнинг.
Ўз умрини қилганди у
Шеъри билан жовидон.
Ўқир эди
Уни ҳинду,
Ёдлар эди
Мусулмон.
Шоир банди,
Шеъри бироқ
Учар эди бетўсиқ,
Ҳимолайдан ошиб
Узоқ –
Кетган эди бу қўшиқ.
Дунё бўйлаб
Довруқ солди
Назрул Ислом эрк саси...
Ҳиндистонда эсиб қолди
Озодликнинг нафаси.

* * *

Қийнадилар уни
Узоқ –
Юртдан келган жаноблар.
Синдирмади аммо қийноқ,
Буколмади азоблар.
Умид унга сабот берди,
Ишонч берди
Матонат.
Юрагига қанот берди
Она юртга
Муҳаббат.
Бу кунлар ҳам ўтиб кетар,
Ҳаёт олдда...

Ҳали ёш...
Баъзан...
Хаёл суриб кетар
Тошдеворга қўйиб бош.
Ёш кўнглига қилар таъсир
Фалакнинг каж хислати.
Кўз олдидан ўтар бир-бир
Шоирларнинг қисмати.
Бобокалон Рудакий дер:
«Қулоқ солгин сўзимга.
Адолат деб битдиму шеър,
Мил тортдилар
Кўзимга».
Навоий дер:
«Зулмат аро
Кўп изладим йўлимни.
Мен ўзимни қилдим адо,
Енголмадим зулмни».
Назрул Ислом фарёдига
Ўхшар барин нидоси.
Охир
Шоир кўз олдига
Келар Бобур сиймоси.
Дейди:
– Тингла огоҳ бўлиб,
Гар сен бўлсанг тутқунда,
Мен бир юртга подшоҳ бўлиб,
Умрим ўтди қувғинда.
Ўн иккимда
Тахтга миндим,
Ёш очилди кўзларим.
Қондошларга ёв кўриндим,
Мени сотди дўстларим.
Нажот истаб
Мен ҳар нафас
Қуюн каби елганман.
Юртингга мен
Шоҳ бўлибмас,
Паноҳ излаб келганман.
«Толе йўқи жонима балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз юртни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди».
Шоир бўлиб,
Эл ичида
Руҳим ўсди шонимдан.

Шоҳ бўлиб,
Ёв қиличида
Доғлар қолди қонимдан.
Мен шоҳ бўлиб,
Алам билан
Кўрдим жангу
Суронни.
Шоир бўлиб
Қалам билан
Олдим ярим жаҳонни.
Келтирди кўп бало, ситам
Тирикликда тахту тож.
Ярим минг йил сўнгида ҳам
Ёғар менга
Таъна тош.

Ғусса ичра
Ўйлар шоир
Фалакнинг каж хислатин.
Бунча оғир
Этдинг, тақдир,
Шеър аҳлининг қисматин?
Пушкин шеъри
Қилди фарёд,
Ўққа тутди
ўт қалбни.
Лермонтовни отган жаллод
Дорга осди
Машрабни.
Шоирларнинг –
Эркдир дини,
Эркка
сажда қилдилар.
Эрк куйчиси
Насимийни
Товонидан шилдилар...
Назрул Ислом
Сурар хаёл,
Ўйи адо бўлмайди.
Дер:
Шоирда
бор бир иқбол,
Яъни
Шоир ўлмайди.

ШОҲИ ЖАҲОН ВА АВРАНГЗЕБ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Подшо одил бўлмас, деган
Ақида бор –
Ўйлайлик.
Келинг,
шоҳлар золим экан,
Бизлар одил бўлайлик.
Тождорлардан безди дунё,
Кўраверіб золимлар.
Шоҳлар аро
Бўлган аммо
Шоирлару олимлар.
Тарих кўп йил таҳқир битар
Чингиз каби жобирга.
Аммо мангу таъзим этар
Улуғбекка,
Бобурга.

Хуллас...
Тахмин, Мирзо Бедил
Тириклиги вақтида
Шоҳи Жаҳон ўттиз бир йил
Ўлтирди Ҳинд тахтида.
Неки қилди –
Ҳақ деб билди,
Билди шуни адолат.
Кимларгадир зулм қилди,
Кимларгадир –
саховат.
Ўз даврида
даврон сурди,
Ёдласин деб асрлар –
Неча-неча шаҳар қурди,
Шаҳар ичра –
Қасрлар...
Май ҳам ичди,
Айш ҳам қилди,
Ғуссасини ўлдирди.
Хазинани зару
дилни
Шодлик билан тўлдирди.
Шоҳи Жаҳон
жасур,
доно,

Кўп ҳикматга ёр эди.
Шоҳнинг аммо
Бир бедаво
Оғир дарди бор эди.
Ҳар комирон одамнинг ҳам
Бўлганидек бир қами,
Шоҳ кўнглига
Гоҳ чўкиб ғам,
Қаро эди олами.
Бу ғам – на мулк,
на дарди шон
На фарзанд,
на ишқ доғи.
Номсиз ғамки,
келар осон,
Қийин эди кетмоғи.
Бундай чоғлар ором берур
На сайру на саёҳат.
Кўзларидан қочарди нур,
Юрагидан ҳаловат.
Зардоб ютиб ғуссасидан,
На суҳбат,
на май талаб –
Улуғ подшо гўшасидан
Чиқмас эди ҳафталаб.
Кўзёш ювар юзларини,
Кўнгли тўла таҳлика...
Шунда
унинг сўзларини
Тинглар эди
малика.
Айтар эди шоҳ ўз дардин
Мумтоз Маҳал хонимга:
«Тўйдим тож-тахт,
Мулк – баридан,
Бари тегди жонимга.
Бу давлат,
Бу шону шавкат
Омонатга ўхшайди.
Вазирларнинг фикри фақат
Хиёнатга ўхшайди.
Барчасининг чўнтагида
Шоҳ қасдига пинҳон ўқ.
Фарзандларим юрагида
Менга зарра меҳр йўқ.

Ҳар бир шарпа
Менга қўрқинч –
Ҳолат бўлиб кўринар.
Умрим сўнги –
тўла ўкинч,
Даҳшат бўлиб кўринар.
Бўлмай туриб
Бир фалокат,
Ё бир фитна қурбони,
Тарк этсайдим
Бехосият,
Бевафо бу дунёни».
Шунда гўзал Мумтоз Маҳал
Тинглаб шоҳнинг зорини,
Ўқиб ҳар гал
Битта ғазал,
Овутарди ёрини.
Бедорликда тунлар билан
Уланарди кунлари
Минг бир кеча
Эртак айтган
Шаҳризода сингари.
Зулму фитна,
адоватнинг
Гуноҳлигин ўқирди.
Мангуликка адолатнинг
Ҳамроҳлигин ўқирди.
Ўқир эди одамки бор,
Ўтмоғи бор жаҳондан.
Фақат эзгу ишлар ёдгор
Қолғусидир инсондан.
Юрагига шоҳнинг қанот
Берар эди ғазаллар.
Қанот надир –
Қайта ҳаёт
Берар эди ғазаллар.
Лекин шоҳнинг
Қай гуноҳи,
Қай зулмига интиқом –
Бир тонг
кўкка чиқди оҳи,
Қўлдан тушиб синди жом.

Вох,
ҳеч кимга
йўқдир омон,
Йўқдир омон
ажалдан.
Жудо бўлди Шоҳи Жаҳон –
Қалби Мумтоз Маҳалдан.
Девонага айланди шоҳ,
Дардин элга сўзлади.
Мажруҳ шердек
Тўлғанди гоҳ,
Гоҳ бўтадек
бўзлади...

* * *

Кунлар ўтиб
Шоҳи Жаҳон,
Тенгсиз ҳажр азобида
Қурмоқ учун берди фармон
Маликага обида.
Деди:
«Тикланг, шундай сарой,
Зарни қилманг ҳеч ҳисоб.
Ҳавас қилсин кечалар ой,
Кундузлари – офтоб.
Ер юзида унинг асло
Баробари бўлмасин,
Мумтоз Маҳал номи дунё
Тургунича ўлмасин».
Ишга тушди
Сонсиз асир,
Меъмор,
наққош,
сангтарош.
Занжи қуллар оғоч ташир,
Филлар ташир харсангтош.
Йигирма йил
Йигирма минг
Жон жабридан бир амал –
Мўъжизаси бу оламнинг
Бино бўлди
Тожмаҳал.

* * *

Йигирма йил...
Вақт – бешафқат.
Кўпни кўриб дунёда,
Шоҳ қариди,
Лек алпқомат
Йигит бўлди шаҳзода.
Тилак қилди
Шоҳи Жаҳон:
«Ўғлим фақат шод бўлсин.
Мендаги бул дарди ҳижрон,
Ҳасратларга ёт бўлсин».
Ошно қилди
ўйин, кулгу,
Овга, чолғу,
санъатга.
Хаёлотни қилди мамнуъ,
Ўргатди шавқ,
ғайратга.
Ёвқур,
жасур,
ҳар бир ишга
Қодир қилиб ўстирди.
Тиғ уришга,
ўқ отишга
Моҳир қилиб ўстирди...
Фан бобида имло ила
Шариатдан берди дарс.
Нутқ санъати,
ҳарбий ҳийла,
Сиёсатдан берди дарс.
Лек раҳмат, деб
Дарслар учун,
Мана ҳарбий найранг, деб,
Отасига қарши бир кун
Исён қилди Аврангзеб.
Шоҳ қўлида қилич синди,
Ниҳоя йўқ армонга.
Отаўғил тахтга минди,
Ота тушди зиндонга.
Деманг,
булар ривоятдир –
Хаёлотда етилган.

Бу шафқатсиз ҳақиқатдир,
Тарихларда битилган...
Вақт етиб
Минг олтмиш тўққиз
Йилнинг шаъбон ойига,
Чўктирдилар отани тиз
Ўз фарзанди пойига.

А в р а н г з е б

Тақдир экан,
Не дей ўзга,
Фалак ҳукми – адолат.

Ш о ҳ и Ж а ҳ о н

Бас,
Ҳожат йўқ ортиқ сўзга,
Содир бўлди хиёнат.
Терс айланди гардуни дун,
Сўзла,
недир муродинг?
Ҳукм – сенинг ҳукминг бу кун,
Вожиб – сенинг иродинг.

А в р а н г з е б

Аламингга ниҳоя йўқ,
Не тахтпараст одамсан.
Бугун
Сенга ҳимоя йўқ,
Аммо нетай,
отамсан.
Ўйла ўзинг,
Гуноҳ кимда?
Кимдан олдим тарбият?
Сен уйғотдинг юрагимда
Тожу тахтга муҳаббат.
Бу туйғуни бериб,
нега
Қаро қилдинг бахтингни?
Сўнг, қариб ҳам
Нечун менга

Бўшатмадинг тахтингни?
Ҳа, ҳа!
Инсон шоҳми, гадо
Одам сутин ичгандир.
Тирикликда қайси подшо
Тожу тахтдан кечгандир?

Шоҳи Жаҳон

Келар бир кун сенга ҳам гал,
Ёшсан,
вақт бор синовга.
Ўзингга ур тиғни аввал,
Оғримаса –
бировга.
Шуҳрат майи ғоят ширин,
Сархуш қилар одамни.
Сен бу тахтга етдинг, лекин
Забун қилиб отангни.
Унутмаки,
Дохил бўлдинг
Тождорликнинг шонига,
Э, воҳ,
бўяб икки қўлинг
Икки оғанг қонига.
Бобур насли
тарихида
Бу энг қаро бир варақ.
Билки, инсон тақдирида
«Алқасосул миналҳақ!»

Аврангзеб

«Ҳақдан қасос!»
Аё, Хуррам!
Сен ҳам мендек бўлгансан.
Ўз отангга қарши сен ҳам
Бир вақт исён қилгансан.
Юришмади
Лек омадинг,
Келолмай тахт ёнига,
Қўлларингни бўёлмадинг
Бузрукворинг қонига.

Шоҳи Жаҳон

Кўтарганман исён ростдан,
Макр эмасди у бироқ.
Салтанатни инқироздан
Лозим эди қутқармоқ.
Аён этди вақт –
ким ҳақли,
Кўрди, билди жаҳон ҳам.
Инсон билан инсон фарқли,
Исён билан исён ҳам.

Аврангзеб

Ўз қилмишин
Ҳар бир тождор
Адолат деб айтадир.
Билур ёлғиз парвардигор –
Чин ҳақиқат қайдадир.
Мен – Оллоҳмас,
Не билайин,
Лек қиличим кесган пайт,
Энди сени не қилайин,
Падаримсан,
Ўзинг айт.

Шоҳи Жаҳон

Ажаб,
мени падар дейсан,
Лек меҳр йўқ кўзингда.
Не қилай, деб сўрма мендан,
Ихтиёринг ўзингда,
Лозим кўрсанг қай ажални,
Буюр –
Хоҳ кес,
хоҳи ос.
Илтимосим –
Тожмаҳални
Вайрон қилма,
шу, холос.
Ўша мендан ёдгор танҳо.
Уйғоқ руҳим,

Юрагим.
Жонимни ол,
руҳим аммо
Хароб қилма.
Сўрагум...

А в р а н г з е б

Ваҳшийликка бормас қўлим,
Тожмаҳални бузмасман.
Сўрамагил мендан ўлим,
Ота бошин узмасман.
Падаркушлик шонин асло
Раво кўрмам ўзимга.
Сен яшарсан
Мендан ризо,
Ризо бўлсанг сўзимга.
Эрта мени подшо қилиб
Кўтарурлар,
келарсан,
Халқ олдида,
Ризоман деб
Мени дуо қиларсан.
Қариб қолдинг,
Тахт ғамин қўй,
Ором гаштин суриб ёт.
Ҳузуримда маслаҳатгўй
Бўлиб қолгин умрбод.

Ш о ҳ и Ж а ҳ о н

«Маслаҳатгўй бўлиб қолгин
Ҳузуримда умрбод...»
Сен дунёга келган ул кун
Мен нақадар эдим шод.
Юрганингда атак-чечак,
Минганингда илк бор от,
Келин кўриб,
Сўнгра гўдак...
Мен нақадар эдим шод.
Ўша шодон дамлар нечун
Мен дунёдан ўтмадим.
Ё болангга тўй қилган кун

Сенга аза тутмадим.
Кўзларимга бутун дунё
Ҳеч оқармас тун бу кун.
Сулолангдан,
Бобур мирзо,
Омад кетган кун бу кун,
Э, воҳ,
Ота-фарзанд аро
Кўтарилди оқибат.
Бу – интиҳо!
Чин интиҳо –
Етиб келди оқибат!

* * *

Тарих –
бир минг олтмиш тўққиз
Йилнинг шаъбон ойида
Тож соҳибин
Қилдилар ҳибс
Ўзи суйган жойида.
Яъни аркли саройида –
Шарқда шундай қоида –
Иззат-икром ўз жойида,
Қўш гиламлар пойида.
Фақатгина тахту тож йўқ,
Машварат йўқ,
Девон йўқ.
Хазинага эҳтиёж йўқ,
Чунки қўлда фармон йўқ.
Кеча Ажам, Рум, Хитога
Машҳур бўлган буюк шоҳ,
Қараб ётар кенг дунёга
Тор дарчадан...
Кўкда моҳ
Аста кезар,
Сочар хомуш
Борлиқ узра сиймин ҳал.
Мисли хаёл,
Сеҳрли туш,
Мағрур турар Тожмаҳал...

* * *

Эй дил,
Қулоқ бер нидога,
Токи ерда инсон бор,
На подшога,
На гадога
Алқасосдан омон бор.
«Жафо учун,
Вафо учун
Ҳаққин олди Шоҳ Жаҳон.
Бири уни қилди забун,
Бири эса – жовидон.
Ғамли тарих ибрат бўлсин,
Бўлсин сенга намуна...»
Дея, аста,
маъюс,
сокин
Оқиб ётар Жамуна.

Тўртинчи фасл

ШАРПАЛАР

Инсоният
Минглаб қийноқ
Ўйлаб топган
дунёда.
Бу қийноқлар ичра бироқ
Бириси
энг зиёда.
Унга тоқат йўқ
инсонда,
Йўқ ундан зўр
дил доғи.
Бу изтироб –
Тор зиндонда
Танҳоликнинг қийноғи.
Шоир қалбнинг
Дилдоши йўқ,
Қийналади
ёш жони,
Қутулмоқнинг
иложи йўқ,

Йўқ ўлмоқнинг
имкони.
Назрул Ислом
Ўйлаб ётар
Шифтга боқиб
Узун кун.
Неча-неча тонглар отар,
Неча-неча чўкар тун.
Гоҳ
Ажиб бир ҳолат бўлар.
Ҳайрон бўлар
ўзига,
Алланечук
Оқ шарпалар
Кўринади
кўзига.
Улар келиб
Ҳар замонда:
«Ётар!
Шоир!
Тур! – дейди. –
Ўлтирма бу
зах зиндонда,
Бизлар билан юр», – дейди,
«Йўқ, йўқ», – дея
Тутқун шоир, –
Шарпаларни қувади.
Кўздан оққан
Аччиқ ёши
Юзларини ювади.
Шеър ўйлайди
Назрул Ислом,
Излаб жонга ҳаловат.
Ўйда шеър йўқ,
Дилда илҳом,
Руҳда шавқи синоат.
Наҳот,
Тамом бўлди шоир?
Наҳот, битди саботи?
Наҳот,
Қалбда тугади шеър,
Тугамасдан ҳаёти?
Ахир, унда
Қанча орзу,
Ишқ бор эди,
муддао!

Наҳот тамом
Барчаси...
У
Қилди кўкка
Илтижо:
«Эй, холиқи олам,
Тилагимни қондир,
Умримга бер барҳам,
Вужудимни ёндир.
Ҳолим бир сенга ҳам –
Бир менга аёндир,
Яратибсан одам,
Одамликча қолдир.
Тугади ирода,
Йўқ ўзга дил розим,
Етганим маъвода
Бўлинсин овозим.
Ким, авжи навода
Синдиргил бу созим,
Энг олий фазода
Тугасин парвозим.
Шоирга дунёда
Аслида шу лозим.
Эй, холиқи олам,
Тилагимни қондир,
Умримга бер барҳам,
Вужудимни ёндир.

На жонда ғайратим,
На кўзда ҳайратим,
На дилда алам бор,
На қўлда қалам бор.
На бошда фикратим.
На керак
Сийратим.
Эл учун адоман,
Тугадим тамоман.
Сиғмай кенг жаҳонга,
Сиғдим тор зиндонга.
Эй, холиқи олам,
Тилагимни қондир,
Умримга бер барҳам,
Вужудимни ёндир!»
Назрул Ислом
Қилган нидо

Етди
юксак осмонга.
Олий руҳлар
Уни раво
Кўрмадилар
зиндонга.
Шоир руҳин
Олиб мангу
Кўкка
парвоз этдилар.
Тор зиндонга
Фақат жону
Жисмин ташлаб кетдилар.
Назрул Ислом
Тор катакда
Девонавор турибди.
Руҳи унинг
кенг фалакда
Қанот ёзиб юрибди.

ОЛИЙ РУҲЛАР ТЎҒРИСИДА НАҚЛ

Болаликда эшитганим
Талай-талай эртакдан –
Хаёлимда бири маним,
Сира чиқмас юракдан.
Марҳумларнинг руҳи кўкда
Доим учиб юрармиш.
Биз уларни кўрмасак-да,
Улар бизни кўрармиш,
Биз хайрли ишлар қилсак,
Шодон бўлар эмишлар.
Мабодо,
Биз ёмон бўлсак,
Нолон бўлар эмишлар.
Дўст, қариндош-
уруғларнинг
Руҳи – оддий руҳ эмиш.
Лек даҳолар,
Улуғларнинг
Руҳи – олий руҳ эмиш.
Ўз аршидан
Улар бизга
Бўлармишлар раҳнамо.
Кўп ишларни дилимизга

Солармишлар доимо.
Йироқда
Дард ичра қолиб
Дўстимиз зор бўлса гар,
Дилимизга ғашлик солиб,
Қилармишлар
Бохабар.
Бизни кундуз
Банд этса иш,
Холи топиб уйқуни,
Улар бизга эслатармиш
Кетганларнинг руҳини.
Шунинг-чун ҳам
Дилимизни –
Кўмармишлар ёғдуга.
Қилармишлар ошно бизни
Меҳр деган туйғуга.
Офат келса
Бизга ногоҳ,
Билгувчи ҳам улармиш.
Фалокатдан бизни огоҳ
Қилгувчи ҳам улармиш.
Аммо
Олий руҳлар фақат –
Пок дилларга ёр эмиш.
Қайда бўлса самимият –
Ўша ерда бор эмиш.
Улар яшар
Биздан ўзга,
Бенамоён ва бесас.
Шарпалари ҳеч бир кўзга,
Ҳеч қулоққа сезилмас.
Улар бизни
Кўриб турар,
Буни сезмас нодонлар.
Улар билан суҳбат қурар
Фақат
Буюк инсонлар.
Улар борки – бизлар одам,
Ҳақиқат бор беомон.
Яхшилик ҳам,
Ёмонлик ҳам,
Қайтар бир кун, бегумон.
Биз мабодо
қилсак гуноҳ,
Ҳар қанчаки хилватда,

Олий руҳлар
Бўлур огоҳ,
Жазо берар албатта.
Лаззат ширин,
Давлат ширин,
Ҳеч тўймаслар одамлар.
Руҳлар борки,
бир-бирларин
Еб қўймаслар одамлар.

Кел, эй кўнглим,
Руҳларни сен,
То борсанки, қилғин ёд.
Кимлар уни виждон десин,
Кимлар десин
Эътиқод.
Аммо улар
Дунёда бор!
Шак келтира кўрмагин.
Мени нопок йўлдан
Зинҳор,
Зинҳор олиб юрмагин.
Ҳатто ўзинг қолсанг ёлғиз,
Дема,
Мендан огоҳ йўқ,
Яшамоқдан эътиқодсиз,
Ортиқ ерда гуноҳ йўқ.

Бешинчи фасл

ОЗОДЛИК

Байроқ қилиб,
Эл қўзғалди –
Назрул Ислом исмини.
Тор зиндондан уни олди,
Аммо фақат
Жисмини.
Назрул Ислом
Озод,
Аммо
Эл қаноти қайрилди,

Ёш,
навқирон,
Тирик сиймо –
Шоиридан айрилди.
Назрул Ислом
Шеъри бутун
Ҳиндистонда янгарди.
Аммо шоир
уни бугун
На тинглар,
На англарди.
Шоирини қўймай –
Қўлда –
Эл кўтариб элтарди.
На қувонар
Шоир бундан
Ва на парво этарди.
Бир ёнидан қучар ҳинду,
Бир ёнидан мусулмон.
Аммо
Ҳушдан айрилган у,
Унга ётдир бу жаҳон.
Табриклайди
Уни Токур,
«Озодлигинг муборак!»
Рўзномалар қутлов ёзур.
Булар унга не керак?
У на уйғоқ
Ва на ухлар,
Ҳиссиз боқиб турарди.
Руҳи унинг
Олий рухлар
Даргоҳида юрарди.
Шоир топди
Эрк чинакам,
Озод бўлди тамоман.
Бир йўл унга дарди олам
Барбод бўлди тамоман.
У бир йўла
Шўришлардан,
Савдолардан қутулди.
Жабру жафо кўришлардан,
Низолардан қутулди.
Қутулди
у сиғолмаган,

Сиғдирмаган жаҳондан,
Холис бўлди
Ҳам зиндондан,
Ҳам зиндондек замондан.
Ҳам тарк этди
Бир йўл уни
Эл дардидек оғир юк.
Бу дунёда
қолди тани,
Беҳуш, беруҳ,
ва буюк.

* * *

Қирқ йил ўтди,
Узоқ қирқ йил.
Бу дунёдан бегона –
Назрул Ислом
Яшар бедил,
Яшар дарвеш,
Девона.
Қирқ йил ичра
Нелар кўриб,
Нелар чекди
Ҳиндистон.
Аммо
кўзи
Очиқ туриб,
Ғофил ўтди
ёниқ жон.
Босқинчилар
Юртдан кетди –
Эл ғазаби
Қуволди.
Шоир
Буни
На ҳис этди,
На кўрди,
На қувонди.
Назрул Ислом
Бу дунёда
Етмиш беш йил
Яшади.
Аммо
Ўттиз икки ёшда

Бу дунёни
Ташлади.
Шоир умри
Қолди шеърда,
Қолди
Ёниқ достонда.
Битганлари
унинг –
ерда,
Руҳи эса –
осмонда.

ЗОҲИДЛАР ВА ОРИФЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯТ

Бу минг йиллик ҳикоятдир,
Баён этган қосидлар.
Тарки дунё
Саодатдир,
Деб айтдилар зоҳидлар.
Тирикликда
Улар ўлим
Шаробини тотдилар.
Бу оламдан айру бўлиб,
Ғорга кириб ётдилар.
Аҳли зуҳуд бандаларни
Дарвешликка чорлади.
Лек киймади жандаларни,
Ориф инсон
Бормади.
Зоҳид сўзи:
Кеч жаҳондин,
Тинглагил шайх мақолин.
Ориф сўзи:
Оллоҳ замин
Узра сочган жамолин.
Зоҳид айтди:
Шароб ҳаром,
Осий эрур майпараст.
Лекин шоир Умар Хайём
Ишқ майига бўлди маст.
Зоҳид деди,
Ҳуру ғилмон,
Ориф деди, жонона.
Қайс Лайлининг ишқи билан
Мажнун бўлди девона.

Тун борки,
Тонг бор унга зид,
Сув бордирки – аланга.
Туғилганда
Ерда зоҳид,
Ориф келди оламга.
Ваҳдат майин
Тўла ичиб,
Шавққа тўлди шоирлар.
Зоҳидларга қарши чиқиб,
Ориф бўлди шоирлар.
То дунёга келмиш башар,
Бир жабҳада келиб дуч,
Бирга яшар,
Ҳам курашар
Инсон аро икки куч.
Бошлар бошқа-бошқа йўлдан
Бошқа-бошқа тилаги –
Зоҳид янглиғ ақли билан,
Ориф янглиғ юраги.
Бири тутиб
Айш йўлин берк,
Тийилмоққа ундайди.
Бири эса шалоладек
Қуйилмоққа ундайди.
Мен ҳам битта саргашта жон,
Ўрта йўлда турурман.
Улар аро икки жаҳон
Ораси эрурман.
Шеър, ишқ фаслин
Илк онидан
Раҳнамодир қалб менга.
Балки шеърнинг осмонидан
Тушмоқ чоғи заминга...
Эй кўнгил, бўл содиқ ҳабиб,
Мени зинҳор ташлама.
Ҳабибим бўл, аммо ҳадеб
Ўз кўйингга бошлама.
Ёлғиз маним деса фикрат,
Йўқ, маним, деб даъво қил.
Лекин гоҳи,
Етди фурсат,
Фикратга ҳам ошно қил.
Тутма менга ишқ йўлин берк,
Майли, тошгин, қуйилгин.

Аммо ўзга берма кўп эрк,
Қирқни кўрдинг, қуйилгин.
Бас, ўй сурма, сенга дунё –
Асроридан не ғам бор?
Бу дунёда
Одил танҳо
Вақт аталган ҳакам бор!

НИҲОЯТ

Деҳли, 20 март, 1979 йил

Ўт балоси,
Сув балоси,
Ортиқ ерда бало йўқ.
Лек офатнинг йўқ давоси –
Бош кўтарса
Халойиқ.
Ўту сувга тадбир бордир,
Эл ғазаби – беомон.
Ўт ночордир,
Сув ночордир,
Қўзғалса оч оломон.
Шундай дейман
Тўхтаб қолган
Автобусда ўлтириб.
Намойишга эл қўзғалган,
Кўчаларни тўлдириб
Оқиб келар ялангоёқ –
Деҳқон, косиб, коранда.
Икки юз минг
Қўли қадоқ,
Икки юз минг
Оч банда.
«Беринг бизга ер билан сув,
Меҳнат беринг,
Беринг нон».
Бош кўтарган
Тамилнаду,
Бош кўтарган Ражастон.
«Бу тупроқда,
Айтинг, инсон –
Нега бунча бекадр?
Бизда ҳам бор орзу,
армон,

Гуноҳимиз нимадир?
Ё айбимиз –
Бизнинг маскан –
Шу жафокаш ватанда?
Қаролик ё ўт туташган
Қаро кўзда,
Баданда?
Бировларда ҳар нарса бор,
Бизда эса...
Нега биз –
Фақат чайир,
аммо ночор
Қўлгагина эгамиз?
Яралишда
Ҳам маҳшарда
Тенгмиз,
Инсон бўламиз.
Не учун биз кўчаларда
Туғиламиз,
Ўламиз?
Асли қисмат
ё асирлик,
Изтироб, кўз ёшмиди?
Шарқ чиндан ҳам минг асрлик
Қотиб қолган тошмиди?»
Эл оқими қатор-қатор,
Йўқ,
Шашқатор –
кўздан дур.
Оқиб келар
Панжоб,
Биҳор,
Майсур,
Ассом,
Манипур...
Оқиб келар уфқ тагидан
Сўнгсиз қора оломон.
Бу –
Ҳиндистон юрагидан
Силқиб оққан
Қора қон.
Мен бу фурсат
Иштироксиз
Деразадан қарайман,
Не қилайки,

Бунда ёлғиз
Томошага ярайман.
Негаки,
Мен ўзга элдан,
Балки ўзга замондан,
Балки бунда учиб келган
Йироқ юлдуз томондан –
Бир меҳмонман.
Ҳайрат кўзин
Машъал қилиб боқаман.
Хаёлан
Шул мавжли тўлқин
Қучоғида оқаман.
Жисман четда,
Аммо руҳан
Ғалаёнда мен ҳам бор.
Назрул Ислом
Руҳи билан
Бормоқдаман бир қатор.
Мен ҳам албон
Тиғ кўтардим.
Шу эл доғи доғимдир.
Дарди унинг –
Менинг дардим,
Оҳи – менинг оҳимдир.

* * *

Кўтаролмай
Дардлар юкин,
Замин қалқиб турибди.
Назрул Ислом
Руҳи букун
Олам кезиб юрибди.
Илҳом чоғи
Дил заминдан
Кўк тоқига ўрлайди.
Назрул Ислом
Руҳи мендан
Шунда ҳисоб сўрайди.
Шоир бўлиб
Элга букун
Даркормисан,
дер менга.
Фидоликка халқинг учун

Тайёрмисан,
дер менга.
Дер:
«Шоирлик – юракда қон –
Силқиб турган жароҳат.
Тиламасман сенга, ўғлон.
Осуда бахт,
Фароғат.
Тиламасман бир зум ором,
То тириксан,
Бедор бўл.
Азоб берсин сенга илҳом,
Шеър дардида бемор бўл.
Тақдирингдан сенга дунё
Роҳатларин сўрмасман.
Ўз қисматим
сенга аммо
Сира раво кўрмасман.
«Сақла, – дейди, –
юрак қўринг.
Дил оташинг сўнмасин.
Умринг адо бўлмай туриб
Чўғинг адо бўлмасин».

1978–1979

Шавқу армоним ғазал

ИНСОН

(Қасида)

Собиту сайёрада
Инсон ўзинг, инсон ўзинг.
Мулки олам ичра бир
Хоқон ўзинг, султон ўзинг.

Собит ўз маъвосида,
Сайёр фазо дунёсида,
Коинот саҳросида
Карвон ўзинг, сарбон ўзинг.

Шамс – дил тафтингдадур,
Сайёралар кафтингдадур,
Кенг жаҳон забтингдадур,
Боғбон ўзинг, посбон ўзинг.

Бу ёруғ дунё надур?
Кошонадур, вайронадур,
Сенга меҳмонхонадур,
Меҳмон ўзинг, мезбон ўзинг.

Бунда оқ бирла қаро,
Зулмат, зиё, шоҳу гадо
Жанг қилурлар доимо,
Ул ён ўзинг, бул ён ўзинг.

Сен бало, ҳам мубтало,
Хайр ила кин, росту риё,

Фитнагар олам аро
Фаттон ўзинг, қурбон ўзинг.

Гоҳ адолат боғида,
Пири адоват гоҳида,
Ўз дилинг даргоҳида
Шайтон ўзинг, ғилмон ўзинг.

Хормисан ё гулмисан,
Тождормисан ё қулмисан,
Чуғзмисан, булбулмисан,
Нолон ўзинг, хушхон ўзинг.

Бу ҳаёт ўрмон экан,
Жон борки, қасди жон экан,
Бунда қатл осон экан,
Сиртлон ўзинг, жайрон ўзинг.

Бу ҳаёт уммон экан,
Уммон абад гардон экан,
Қатрадек сарсон экан,
Сарсон ўзинг, гардон ўзинг.

Машъали фикрат – сенинг,
Ҳам чангали ваҳшат сенинг,
Ғайрату ғафлат сенинг,
Жавлон ўзинг, урён ўзинг.

Қилдингу ойда хиром,
Ҳам ерда қон тўкдинг ҳаром,
Ушбу ҳолингдан мудом
Хандон ўзинг, гирён ўзинг.

Миндинг илм нарвонига,
Чиқдинг фунун осмонига,
Бу жаҳон айвонига
Аркон ўзинг, вайрон ўзинг.

Заррани ижод этиб,
Даҳшат бало бунёд этиб,
Оқибатни ёд этиб
Ҳайрон ўзинг, ҳайрон ўзинг.

Боғи арз обод эрур
Сендин агар имдод эрур,
Йўқса у барбод эрур,
Тўфон ўзинг, тўғон ўзинг.

Сен ҳилол, юлдуз, салиб,
Таврот, Забурдин юксалиб,
Боймисан ёки ғариб
Комрон ўзинг, яксон ўзинг.

Ким фаранги, ким ҳабаш,
Ирқ, қон талаш, имон талаш,
Шулми инсондек яшаш,
Армон ўзинг, афғон ўзинг.

Мамлакатга мамлакат,
Миллатга миллат бўлса қасд,
Қилғувчи сўнг оқибат
Армон ўзинг, афғон ўзинг.

Онаизоринг – замин,
Танҳо йўғу боринг – замин,
Хаста беморинг – замин,
Ўғлон ўзинг, дармон ўзинг.

Бағрида ётқучи – сен,
Неъматларин тотқучи сен,
Тиғ бўлиб ботқучи – сен,
Пайкон ўзинг, қалқон ўзинг.

Марсга тўп отқучи – сен,
Зуҳрони уйғотқучи – сен,
Уйқуда қотқучи – сен,
Уйғон ўзинг, уйғон ўзинг.

Келдинг оламга, демак,
Етмас уни сўрмак, емак,
Ерни этмоғинг керак
Бўстон ўзинг, ризвон ўзинг.

Сўзга ҳам поён бўлур,
Ёзсам яна девон бўлур.
Рустами достон бўлур,
Достон ўзинг, девон ўзинг.

Бўлмасин субҳинг қаро,
Бор бўл мудом борлиқ аро,
Ўзни этгил доимо
Инсон ўзинг, инсон ўзинг.

Эй, сен Эркин, сен букун
Ёздинг дилингдан бир тугун,
Сен киму не даҳри дун,
Бийрон ўзинг, нодон ўзинг.

1973

МУҲАББАТ БИРЛА...

Муҳаббат бирла чеккан –
Ғурбатинг роҳат билан тенгдур.
Муҳаббатсиз ва лекин
Ишратинг кулфат билан тенгдур.

Унга жону жаҳоним
Бой бериб оламда бойдурман,
Сенинг, эй бемуҳаббат,
Нусратинг ҳасрат билан тенгдур.

Риё аҳлининг алдоқ –
Ҳурматига нафратим бордур,
Сенинг, эй дўст, менга
Нафратинг шафқат билан тенгдур.

Муҳаббат оташини
Ҳеч қачон дўзахга тенг қилмам,
Нечунким, менга нурли –
Талъатинг жаннат билан тенгдур.

Кечиб қўй, ошиқ ўлгач,
Икки олам мулкидан, Эркин,
Муҳаббат ичра барча –
Заҳматинг давлат билан тенгдур.

1973

СЕВГИ ОТАШИ

Қон эмасдур жисм аро ул,
Шуъласидур ишқ ўтин,
Мўй эмасдур тан уза бул,
Сўхта жонимдан тутун.

Билмадим, ул оташ ичра
Ўртаниб бўлгум адо
Ё самандардек чиқарман
Ўт аросидан бутун.

Мумкин эрмас хас ичида
Чўғни пинҳон айламак,
Ишқ солиб жисмимга ёнғин,
Ошикор ўлди букун.

Ишқу ҳажр оламга мерос,
Бўйла меросдур азал
Бизга Фарҳоддан фидолик,
Бизга Мажнундан жунун.

Ишқ бир офтобдур мунаввар,
Заррадан Зуҳро қадар –
Ул қуёшнинг теграсида
Айланурлар бесукун.

Ёр севиб, олдинг сен, Эркин,
Бу жаҳондин кўп сабоқ,
Бундан ортиқ қайда мактаб,
Қайдадир дорилфунун?

1973

ЖОН ТАЛАШ

Жон билан дил ўртасида
Бўлди ул жонон талаш,
Не ажаб, ўзбек уйида
Доимо меҳмон талаш.

Мулки дил жон хайли бирлан
Ёр талошини қилур,

Қай замон бўлмиш икки эл –
Ўртасида хон талаш?

Жону дил хунрезлик айлаб
Бўлди охир тилка жон,
Дил эса мажруҳ, анорнинг
Донасидек қонталаш.

Жону дил қилди талошу
Бунда келди минг бало,
Ўртада мен мубталою
Зору саргардон талаш.

Бу талош васфини битсам
Лолазор бўлгай замин,
Сўзларим анжуми сиғмай
Лавҳаи осмон талаш.

Билмам, ул ой жону кўнгил –
Бирла қолгай, ё кетур,
Ваҳки, қолмоқ бирла кетмоқ
Ўртасида жон талаш.

Жон-ку, бир парвонадур,
Эркин, уни ҳеч ўйлама,
Ишқ бозорида бўлсин
Сен битар девон талаш.

1973

ҚЎЛЛАР

(Қасида)

Танингда камтарин аъзо
Бу қўллардир, бу қўллардир,
Мудом меҳнат учун пайдо
Бу қўллардир, бу қўллардир.

Жаҳонда токи бунёдсен
Ки, номи одамизодсен,
Юракдек тинмаган асло
Бу қўллардир, бу қўллардир.

Ҳаёт деб ердан узсанг ҳам,
Нажот деб кўкка чўзсанг ҳам,
Тириксан то сенга ошно
Бу қўллардир, бу қўллардир.

Замин бунёди бу қўллар,
Унинг барбоди бу қўллар.
Саодат ҳам буюк савдо
Бу қўллардир, бу қўллардир.

Ғазал бахш этган оламга,
Ажал келтирган одамга
Бу тиғдир, бу гули раъно,
Бу қўллардир, бу қўллардир.

Севар ёрга гул узган ҳам,
Очиқ кафтини чўзган ҳам
Тилаб хайру закот танҳо,
Бу қўллардир, бу қўллардир.

Жаҳон даъвосини этган,
Жаҳондин лек очиқ кетган
Искандар илки бедаъво
Бу қўллардир, бу қўллардир.

Кулол айлантирар чархин,
Қаро лой санъат ўлгай чин,
Бужур, лек санъати зебо
Бу қўллардир, бу қўллардир.

Тутибдур игна жонона,
Бўлибдур шеър сўзона,
Ўзи олтин, иши тилло
Бу қўллардир, бу қўллардир.

Ажаб, нозик бу бармоқлар
Териб мисқол қилур тоғлар,
Жаҳонда энг буюк кимё
Бу қўллардир, бу қўллардир.

Диёрим бир сахий соқий,
Орол унга майи боқий,
Сиру мавжли Амударё
Бу қўллардир, бу қўллардир.

Қўйиб нуқта қасидамга,
Боқарман тонгги оламга,
Куёшдан шуълаларму ё
Бу қўллардир, бу қўллардир.

Салом, офтоб, салом, дунё,
Салом, шеърим, сени танҳо
Юракмас айлаган иншо,
Бу қўллардир, бу қўллардир.

1975

БИР ҚАДАМ

Иккимизнинг ўртамизда
Йўл, дилоро, бир қадам.
Шунчалар мушкулми қўймоқ
Сенга, зебо, бир қадам.

Кўзларимнинг нури бўлди
Йўлга пойандоз, кел,
Сен қасам ичдингми ё, деб –
Қўймам асло бир қадам.

Мен сени Зуҳрою Ой деб
Илтижо қилдим ва лек
Сен йироқсан, гарчи менга
Ою Зуҳро бир қадам.

Парда ичра офтобим,
Ёнида мен нурга зор,
Ташнаман, қирғоқдадурман –
Бунда дарё бир қадам.

Не иложким, севги расми
Шул экан тақдир азал,
Ҳеч писанд эрмас масофа,
Мушкул аммо бир қадам.

Интизорлик телба қилди,
Телбаликка йўқ илож,
Жонидан кечган кишига
Икки дунё бир қадам.

Бас, шикоят қилма, Эркин,
Журъат айлаб йўлга чиқ,
Сенга бир одим Самарқанд,
Сўнг Бухоро бир қадам.

1976

* * *

Ажаб, ёшликни не қилдим –
Фақат орзуда ўткардим.
Ҳаёт олдинда деб билдим,
Шу пок туйғуда ўткардим.

Ҳамиша ненидур кутдим,
Ҳамиша йўлга кўз тутдим,
Умрнинг ярмини ўтдим,
Ширин уйқуда ўткардим.

Қўниб чаккамга оқ тола,
Бўлибман қирқ яшар бола
Ки, ёшлик кетди, мен вола,
Наҳот, беҳуда ўткардим?

Совир бир кун юрак қоним,
Келар осудалик оним,
Ажаб туғёнли давроним
Нечун осуда ўткардим?

Севиб, билмай севиш расмин,
Тилаб ҳижронда ёр васлин,
Муҳаббатнинг ширин фаслин,
Кўринг, қайғуда ўткардим.

Қолиб борлиқ ўзи бирлан,
Боқиб ҳайрат кўзи бирлан,
Куним шеър дилсўзи бирлан
Ёниқ жодуда ўткардим.

Бас, эй бас, чекма афсус, дил,
Ҳамон орзу қил, орзу қил.
Умид – нур, қирқни мен қойил
Фақат ёғдуда ўткардим.

1976

ШОИРА САИДА ЗУННУНОВАГА

Ҳеч оташ дил бул ёниқ
Дилча бўлурми, ҳай-ҳай,
Ҳеч бийрон тил бу жонсўз
Тилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Бу юракнинг туғёни
Вулқонча бўлди қайдан?
Қўшиқлари дарёи
Нилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Насрда бунча шиддат,
Назмда бунча санъат,
Шеър бундоқ қирқ ёрилган
Қилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Икки ўн етти ёшу
Бир ўн олти кўрибсиз,
Мазмунда лек ҳар кун
Йилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Саида сўзи борлиқ
Оламни ўртаганда,
Қаноатда Саид Аҳмад
Филча бўлурми, ҳай-ҳай.

1976

ФУРСАТИНГ

Фурсатинг етмайди доим,
Ҳеч қачон етган эмас.
Меҳнатинг битмайди доим,
Ҳеч қачон битган эмас.

Чун замондек бепоёндир
Кўксинг ичра орзу,
Фурсату орзуни қувлаб
Ҳеч киши етган эмас.

Интилар борлиқни инсон
Баркамол этмоқ учун,

Не ажаб, инсонни борлиқ
Баркамол этган эмас.

Менда на борлиқ хаёли,
Менда на йўқликка ғам,
Манглайимга чунки шеърдан
Ўзга зар битган эмас.

Вақт келар, меҳнат битар,
Бўлғуси вақт ҳам бемалол,
Чунки у дунёга ҳеч ким
Иш олиб кетган эмас.

1976

ШАҲР АРО...

Шаҳр аро кўзлардан ўзга
Дилкушо маскан топай,
Унда ўзни сен билан
Бир жон кўрай, бир тан топай.

Неча кундирким, йўқолмиш
Дилда оромим, уни –
Бу кеча излаб сенинг
Жоду қароғингдан топай.

Тун қоронғусида мен
Сочинг шабистонин кўрай,
Тонготарда юзларингни
Тонг каби равшан топай.

Мен кўнгил кўйига кирсам,
Билмайин боссам тикан,
Туш билиб, таъбир этингким,
Ўнгда бир гулшан топай.

Айри тил бирлан риё
Берса менга юз яхши дўст,
Дўст керакмас, тўғри сўзлаб
Бир ҳалол душман топай.

Неки мақсуд бор кўнгилда,
Пок кўнгил бирлан етиб,

Неки бахт топсам жаҳонда,
Бир ўзинг бирлан топай.

Бир умр Эркин муҳаббат
Оташида ёнмасам,
Ўтга чулғансин вужудим,
Қатлима гулхан топай.

1977

ЁШЛИГИМДА...

Ёшлигимда келган омад
Мен учун омад эмас,
Ёшлик андоқ бахт эрурким,
Ўзга бахт ҳожат эмас.

Неки толе бўлса, кўрсам
Дейман улғайгач ёшим,
Ёшлигимга чунки бахтни
Қадр этиш одат эмас.

Тонг кувончи бирла яйраб
Нурга чулғанган чоғим
Мен учун шоми ғарибон
Вақт эмас, соат эмас.

Ёшлигимда, не таажжуб,
Билмасам дўст қадрини,
Чунки ёлғизлик, ғариблик
Мен учун ҳолат эмас.

Тут қадаҳ, дўстим, тиларман
Сўнгги қатра лаззатин
Ким, бу лаззатсиз ҳаёт ҳам,
Бода ҳам роҳат эмас.

1977

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Айрилиқ они яқиндур, кема йўл бонгин чолур,
Вах, мени ташлаб фироққа, ёр йироққа йўл олур,
Жон бориб жоно билан, соҳилда бир жисмим қолур,
Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур,
Мавжлиғ дарё каби ошуфта кўнглим қўзғолур.

Мен неча айтдим, кўнгул, жондин кечиб ёр севма деб,
Сўнг йироққа кетса ташлаб, урма оҳ, дод дема деб,
Кетди ёр, бас энди, ким айтди ёшингни тийма деб,
Йиғлама, эй кўз, недин соҳилга чиқмас кема деб,
Ким ёшинг дарёсидур ҳар сориким эл кўз солур.

Ел турар, йиғлар фалак, бу гулдурак ҳам барқ дема,
Дарди ҳижронимни ўкраб сўзлар осмон ҳар кима,
Жисм аро жондек омонат чайқалиб боргай кема,
Титрабон сиймобдек кўнглим, етар жон оғзима,
Тунд ел таҳрикидин ҳар дамки дарё чайқолур.

Эй фалак, бас, йиғлама, йўқ фойда, ул ой кемада,
Ўртада дарёю мен бу жойда, ул ой кемада,
Келмас энди, ойда не, минг ойда, ул ой кемада,
Сабр кўнгулда, кўнгил ул ойда, ул ой кемада,
Ваҳки, бориб, термулиб кўз, мунграйиб жоним қолур.

Таскиним шулким, кема кўздан йўқолмабдур ҳали,
Бир нафас бор фурсатим ёр йўлига термулгали,
Оҳ, демай, сақлаб нафас, қўзғолмайин турдим, вале,
Дам тутилгандин ўлар элдек етибман ўлгали,
Сурмасин деб кемасин, баским, нафаслар асролур.

Эй шамол, жим тур, само жим, мавжудот, бир лаҳза жим,
Тингла, олам, тингла, одам, сен агар бўлсанг-да ким,
Булдур устоз панди: сиймин тандин ўзга сурма сийм,
Кирма савдо баҳрига оламдан истаб судким,
Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийғолур.

Сун қадаҳ, бергил менга жоним ҳақин, эй пири дайр,
Ким қадаҳлар зарбидан чиқсин чақин, эй пири дайр,
Борми Эркинга ул устоздин яқин, эй пири дайр,
Ғарқ этар баҳри фано ғам заврақин, эй пири дайр,
Илгига чунким Навоий бода киштисин олур.

1977

ПИЁЛА

(Чинни заводи қизларига)

Тупроқ ўзи не аслан,
Ундан гувола бўлгай,
Жонон қўлида тупроқ
Жонон пиёла бўлгай.
Бир коса ичра лим-лим
Тилло сувидур офтоб,
Теккач пиёлага нур –
Зарнақш тола бўлгай.
Тонг унга бергай оқлик,
Солгай баҳор гуллар,
Май нўш этиб шафақгун
Бечора лола бўлгай.
Йўқ, ул пиёла эрмас,
Санъат экан мукаммал,
Кўрганда етти иқлим
Ҳайрону вола бўлгай.
Жонон пиёла қилган
Жонон қўлидан Эркин
Май ичмаса дилида –
Ўлгунча нола бўлгай.

1982

ЎЗИМГА САВОЛ

(Мустазод)

Умринг ўтадир, сен на хаёллар сурадирсан,
Беғам юрадирсан?
Мақсад не, фароғат кўйига йўл брадирсан,
Кимга жўрадирсан?

Очилгали кўз шартми экан тошга бош урмак,
Сўнг кўзни яшурмак,
Не ўй била нодон тошига бош урадирсан,
Не наф кўрадирсан?

Йиллар кўпи кетди, ози қолди, не қилолдинг,
Ким бўла олдинг?
Қум устига сен бўйла иморат қурадирсан,
Ҳам айш сурадирсан.

Ҳаддингни билиб чек қўй ўйин, базм, ўтиришга,
Кўз оч, ўтир ишга.
Кўрсатмагай ул кунники, сен оҳ урадирсан,
Ҳайрон турадирсан.

Йиғлаб келадир ушбу жаҳонга азиз инсон,
Кулгай у кетар он.
Шоядки, ҳаёт қарзин узиб улгурадирсан,
Қаҳ-қаҳ урадирсан.

1983

ДЎСТГА БИЗ СОҒАР УЗАТДИК...

Меҳнату заҳматда кечди
Субҳ бирла шомимиз,
Сидқдин чиқди ёмонга
Оқибатда номимиз.

Дўстга биз соғар узатдик,
Ол, дедик, дўстлик учун,
Заҳр ила тўлдирди ул дўст,
Вах, кўтарган жомимиз.

Биз юракда меҳру шафқат
Гўшасин тиклаб эдик,
Қайси уйга соя солди
Бу кўтарган томимиз?

Қайси дўстнинг арпасин биз
Хом ўриб қўйган эдик,
Бошимизга урди-ку, оҳ!
Пишмаган бу хомимиз!

Олам аҳли ичра биз ҳам
Бош тутиб юрсак эдик,
Ноумид шайтон, демишлар,
Келгай ул айёмимиз.

Эй олис авлод, билурсан
Биз киму армон недир,
Бир замон етса қўлингга
Дардли бу пайғомимиз.

1988

ЯХШИДИР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

Яхшидир аччиқ ҳақиқат,
Лек ширин ёлғон ёмон,
Ул ширин ёлғонга мендек
Алданиб қолғон ёмон.
Умримиз алдоқ жаҳонда
Алданиб ўтгай ва лек
Сўнгги қийналғон ёмондир,
Сўнгги қийналғон ёмон.
Айтгали аччиқ азобинг
Бўлса дилдош яхшидир,
Сўз демай ўтли аламни
Жонингга солғон ёмон.
Жонга солғон ҳам на создир,
Элга сўйлаб мен каби
Шоири девонаи ишқ
Номини олғон ёмон.
Гар қилич келса бошингга,
Қўрқма, Эркин, ростни айт,
Яхшидир аччиқ ҳақиқат,
Лек ширин ёлғон ёмон.

1988

ТУРКИСТОН БОЗОРИ

Бир дўкон қурмоқ керакким
Мақсади сотмоқ эмас,
Икки ойда бой бўлай деб
Элни алдатмоқ эмас.

Эргаш Учқун,
Америкалик ўзбек шоири.

Бир бозор орзу қилурмиз,
Номи «Туркистон» бўлур,
Машриқу Мағриб элида
Шуҳрати достон бўлур,
Ул бозор ичра бари
Аҳли жаҳон меҳмон бўлур,
Ўзбеку туркман, тожик,
Қирғиз, қозоқ мезбон бўлур,
Бир томоша қилган одам
Лол бўлур, ҳайрон бўлур.

Ул Бродвей кўчасида,
Ё Бруклен ёнида,
Шуъбаси Лондон, Парижнинг
Марказий майдонида,
Гар насиб этса кезармиз
Дехли «Туркистон»ида,
Тол таги чойхона-ю,
Чойхона дастурхонида
Бобур орзу айлаган
Қовун ва ширмой нон бўлур.

Не бўлур пештахталарда?
Шоҳи атлас, беқасам.
Чуст пичоқ бергай, Бухоро –
Атласу туркман – гилам,
Оқ момиқ қирғизча қалпоқ,
Тожикий зар дўппи ҳам,
Жун чопон оқмуллача,
Жон роҳати, силлиқ, шинам,
Барча тилларда Навоий
Шеъридан девон бўлур.

Келса ким ҳинддир, хитойдир
Яхши ниятлар билан,
Бир пиёла чой тутармиз
Хуш назокатлар билан,
Бир-бировга боқмас эллар
Кин, адоватлар билан,
Бор масалким, ҳам зиёрат,
Ҳам тижоратлар билан,
Иншооллоҳ, бормоғу
Келмоқ яна осон бўлур.

Не ажаб, биз бошласак,
Улғайса кундан-кун бозор,
Ёнимизга «Кавказ»у
«Болтиқ» келиб турса қатор,
Оқса Хадсон ёнида
Тошқин Дунай ҳам мавжкор,
Бу жаҳонда бахтиёр ким?
Бағри кенглар бахтиёр,
Асли бозормас мурод,
Дийдор учун имкон бўлур.

Бу ният чиндир,
Деманглар, шоирона бир хаёл.
Икки улкан юрт учун
Бундоқ бозордан не малол?
Манфаат аввалда дўстлик,
Сўнгра савдодир ҳалол,
Шеъру санъат аҳлига йўқ
Куй, қўшиқдан ўзга мол,
Бизга ҳам ул гўшада
Чорпояю айвон бўлур.

Бир мухаммас битди Эркин
Шоир Учқунга жавоб,
Биз ният қилдик, бу ният
Эзгудир, олийжаноб,
Ҳар замон шоир нидоси
Олам аҳлига хитоб,
Бу жаҳон бозорида
Элу элатлар беҳисоб,
Турфа гуллардан у шояд
Бир бутун бўстон бўлур.

1989

АЖАБ ЭРМАС

(Завқиёна)

Бу кунлар катта йўлда
Бир довон бўлса ажаб эрмас,
Муқаррар ортида йўл
Кенг, равон бўлса ажаб эрмас,
Ватанга сидқу имон
Имтиҳон бўлса ажаб эрмас,
Фаровон юрту олам,
Тинч жаҳон бўлса ажаб эрмас,
Биз этган барча орзулар
Аён бўлса ажаб эрмас.

Не ишлар кечди бошлардин,
У кунлар қайтмагай зинҳор,
Улуғвор танга энди
Номуносиб тўн бичилмас тор,

Унут бўлгай чекилган дард,
Жароҳат, кулфату озор,
Кўнгилда қолмагай ҳеч доғ,
Ғубордан тоза бўлмоқ бор,
Булут даврон шамолида
Ниҳон бўлса ажаб эрмас.

Сен эй, сен она юртим,
Кўҳнаю ёш Ўзбекистоним,
Ҳамиша сен ўзингсан
Боиси ашъору достоним,
Ғурурим, номусим, шодлик, ғамим,
Ободу пайҳоним,
Кўтар бошингни мағрур,
Ҳақлисан, шавкатли деҳқоним,
Бошингда шиша янглиғ
Осмон бўлса ажаб эрмас.

Қадим туркий мақол бор:
Бел қолар, беткай кетар, дерлар,
Умидли бу жаҳонда
Эл қолар, беклар кетар, дерлар,
Қолар дўстлик, садоқат,
Таънаю кеклар кетар, дерлар,
Оқар оққувчи дарё,
Хас-чўпу чирклар кетар, дерлар,
Бу кунлар эътиқодга
Имтиҳон бўлса ажаб эрмас.

Яқин икки мингинчи йил,
Ёруғ юз бирла киргаймиз,
Саховат тўла дастурхон,
Нону туз бирла киргаймиз,
Салим имон аталган
Йўлчи юлдуз бирла киргаймиз,
Ҳақиқатга, адолатга
Очиқ кўз бирла киргаймиз,
(Ки Завқий орзу этган
Замон бўлса ажаб эрмас),
Етиб етмишга Эркин
Навқирон бўлса ажаб эрмас.

1989

ВАТАН ИСТАГИ

Бу ватанда бир Ватан
Қурмоқни истайдир кўнгил,
Ўзни озод қуш каби
Кўрмоқни истайдир кўнгил.

Бу Ватан тимсоли бўлса
Тонг қуёши шуълавор,
Шуълалар қўйнида чарх
Урмоқни истайдир кўнгил.

Ул Ватанга байроқ – инсоф,
Туғи сарҳад, муҳри – меҳр,
Сарҳад узра соқчидек
Турмоқни истайдир кўнгил.

Ким бу тупроқ қадрин истар
Айламоқ тупроққа тенг,
Кўзига тупроқ билан
Урмоқни истайдир кўнгил.

Ул Ватан елканларини
Маърифат уммонида
Қиблаи имон сари
Бурмоқни истайдир кўнгил.

Бас, етар ёлғон саодат,
Ёлғон эрк, ёлғон ватан,
Ҳуррият завқини чин
Сурмоқни истайдир кўнгил.

Қутлуғ истиқлол кунида,
Эй Ватан, бағрингда шод
Эркин ўғлонинг бўлиб
Юрмоқни истайдир кўнгил.

1990

ҲИЖРОН ҚУШЛАРИ

Тарки юрт этган хазон
Фаслидаги қушлармикин?
Ё қиров тушган бошим
Ташлаб учар ҳушлармикин?

Қуш каби парвоз тилар кўнглим
Ки, анда бир умид
Ёр сайёдим сочини
Дом этиб ушлармикин?

Мулки ҳинд оғушидир
Қушлар хаёлида бу дам
Ё хаёлимда қаро кўз
Очган оғушлармикин?

Тўлдириб осмонни ҳижрон
Қушлари учмоқдалар.
Воҳ, улар қушлармикин,
Ё мен кўрар тушлармикин?

Бош олиб мулки фанодин
Кетгучи жонларми ё
Тарки юрт этган хазон
Фаслидаги қушлармикин?

1990

ҚИЛУРМАН ТАВБАЛАР

Қилурман тавбалар, гарчи
Тазаррулик гуноҳим йўқ.
Гуноҳим йўқлигига лек,
Нетай, исбот, гувоҳим йўқ.

Эшитмас эл фиғонимни,
Келар олмоққа жонимни,
Олурга лек ёнимни
Менинг бир хайрихоҳим йўқ.

На сўз дерман очиб оғиз,
Забонсиз, кимсасиз, ёлғиз –
Келиб чўкдим қошингда тиз
Бўлак сендин паноҳим йўқ.

Ишончинг – менга ризқу рўз
Забун ҳолимга солгин кўз,
Тўкарга ёш, деярга сўз
Ҳам оҳ тортарга оҳим йўқ.

Бу бандангда хатолик бор,
Хатолик – жонфидолик бор,
Шу боис кўп жудолик бор,
Гадолик бору жоҳим йўқ.

Қаро қошингга бўлмай зор,
Қорайгувчи не шомим бор?
Юзинг ёд этмайин зинҳор
Оқаргувчи сабоҳим йўқ.
Бу сарсон йўлда беҳамроҳ,
Тополмам манзили дилхоҳ,
Муҳаббатдан бўлак, биллоҳ,
Илоҳим, саждагоҳим йўқ.

Бу оламдан узиб кўнгил,
Ёниб кетсам, вужудим кул,
Унар ишқ боғида бир гул
Бу кулдан, иштибоҳим йўқ.

1991

БОБИЛ МИНОРАСИ

Тушди Азозил измига
Жонлар идораси,
Бўлди хаёлда қурганим
Бобил минораси.

Меҳр-оқибат йўқ эл аро,
Ёнди нифоқ ўти,
Бу ўт эмасму, ё қайюм,
Дўзах шарораси?

Кўзимга чўккан дард-алам
Бир кун адо бўлур,
Кетсам юмуб кўз, умр ахир
Қошу кўз ораси...

Кунлар ўтар, келар дедим
Бир яхши кун, ва лек

Ҳақ бўлди, кун кундин баттар –
Элнинг ибораси.

Билмам, қаролик бошима
Қайдин, сабаб надир,
Кўз қорасиму ё магар
Манглайнинг қораси.

Эркин, не бўлсанг бўл, фақат
Эзгу ниятда бўл,
Кўрингай умринг уфқида
Умид ситораси.

1991

ДЎСТГА ДЕГАНИМ

Инсон тилини
Тил билар инсон тушунибдир.
Дил дилни ва лек,
Ўйлама, осон тушунибдир.

Рост сўзни дедим:
Жонни қўйиб ўртага, аммо
Жон дўст деганим,
Вах, уни ёлғон тушунибдир.

Аччиқ эса ҳам
Чинни демак шарти садоқат,
Дўст англамаса,
Ёт буни қай он тушунибдир.

Мард мардни танир,
Дардни билар кўксида дард бор,
Жон садқасини
Жони фидо жон тушунибдир.

Исёнли дилим
Англамагай ғофил одамлар,
Кўнглимни фақат
Соҳиби исён тушунибдир.

Эркин, ғазалинг
Оқилу нодон уқиб олди,
Оқил ўзича,
Ўзгача нодон тушунибдир.

1991

КУРАШ ОИНИ

Гоҳ енгади,
Гоҳ енгилади улки, курашгай,
Ҳар кимга кураш
Оини маъқулки, курашгай.

Куч шарти билан
Шер ила шер жанг қилар, аммо
Ҳийла йўлида
Тулки билан тулки курашгай.

Гоҳ ўртару гоҳ
Ғарқ этадир сув била ўтдек,
Жоним талашиб,
Ақлу кўнгил мулки курашгай.

Ўз ҳолим учун
Бир куламан, бир тўкаман ёш,
Шоир дилида
Нола била кулки курашгай.

Бас, Эркин, хаёл,
Қулни хаёл ўлдирар эрмиш,
Ўлмаслик учун
Ўй била бор қулки курашгай.

1991

КЕЧИР, Ё РАБ!

Менга тош отди бир жоҳил,
Кечир, ё Раб, кечирдим мен,
У қулдир, бандаи ғофил,
Кечир, ё Раб, кечирдим мен.

Жаҳонда фитналар бордир,
Адолат гоҳи ночордир,
Адолат қил, ўзинг одил,
Кечир, ё Раб, кечирдим мен.

Ёмон бўлдим, ёмон бўлдим,
Хато ўққа нишон бўлдим,
Хато қилган эмас қотил,
Кечир, ё Раб, кечирдим мен.

Гуноҳидан ўт ул жоннинг,
Сўзига кирди шайтоннинг,
Кўнгил алданмоққа мойил,
Кечир, ё Раб, кечирдим мен.

Тутарман ул синиқ одам
Синиқ имонига мотам,
Дилига эътиқод жо қил,
Кечир, ё Раб, кечирдим мен.

У ҳам, мен ҳам қиёматда
Турармиз лол хижолатда,
Бўлиб даргоҳингга дохил,
Кечир, ё Раб, кечирдим мен.

Кечир, янглишмаган ким бор,
Менинг ҳам кўп гуноҳим бор,
Одамзод асли нокомил,
Кечир, ё Раб, кечирдим мен!

1991

КЕРАК БЎЛСА

Мен бор, сенга бир ҳақгўй –
Девона керак бўлса,
Йўқман, тили қанд нодўст
Парвона керак бўлса.

Истарми сафо кўнглинг,
Бор унда саройларга,
Кел бунда, эсанг дардлик,
Ғамхона керак бўлса,

Ҳамдам ўзим, эй ошно,
Малҳам сўзим, эй ошно,
Икки кўзим, эй ошно,
Ҳайрона керак бўлса.

Бергум на керак сенга,
Жон сенга, юрак сенга,
Зардобга тўлиб кетган
Паймона керак бўлса.

Боғимни макон этган
Эй сиз гала бойқушлар,
Кўксимга қўнинг, Сизга
Вайрона керак бўлса.

Вайрон чаманим водий,
Кўксимда унинг доди,
Фарёдга қулоғинг оч,
Фарғона керак бўлса.

Найлай, бу оғир сўзлар,
Қувманг мени, эй дўстлар,
Оқиллар аро битта
Девона керак бўлса.

1991

ЙЎҚНИ ҚАНДОҚ БОР ЭТАЙ?

Бенажот кўнглимни қандоқ
Сўз билан изҳор этай?
Қай илож бирлан иложсиз
Ҳолатим ошкор этай?

Неча заҳматлар чекиб ҳам
Топмагач ақлу ҳушим,
Қилмангиз энди насиҳат,
Йўқни қандоқ бор этай?

Ошинолар қочди мендан,
Юз ўгирди ғофил эл,
Не эди, айтинг, гуноҳим,
Мен уни такрор этай?

Тўғри сўз туққанга ёқмас,
Ҳақ экан, э воҳ, нетай,
Дўстни душман қилдим, энди
Душманимни ёр этай.

Бул уқубат масканидан
Бош олиб кетмоқ керак,
Ўзни далли, бошпанамни
Гумбази даввор этай.

1991

ДУР БЎЛИБ ТОМГАЙМИ СЎЗ...

Дур бўлиб томгайми сўз
Киприкка ёш инмай туриб,
Марварид бермас садаф,
Синмай туриб, синмай туриб?!

Эл аро топгайми қадрин
Сўз кўнгил уммонида
Марварид тутган садафдек
Онча беркинмай туриб?!

Бу замон дарёси тездир,
Аҳли шеър истар зулол,

Сўз нетиб руҳбахш бўлур,
Дилкосада тинмай туриб.

Қалб бу оҳангар ўчоғи,
Унда сўз сўзонадир,
Қайда кескир бўлди шамшир,
Ўтга солинмай туриб.

Аҳли сўз, ғафлат элин сиз
Уйғотинг бонгсўз ила,
Кемангизга сўнгги йўлнинг
Бонги чолинмай туриб.

1991

ШЕЪРИЯТ

Сен эй, умрим наҳоридан
Азизу ошино менга,
Саҳар чўлпонидек жозиб
Сочибдирсан зиё менга.

Ҳаёт ичра ҳаёт бўлдинг,
Қанот бўлдинг, нажот бўлдинг,
Кетурдинг ҳам сафо менга,
Етурдинг ҳам жафо менга.

Сеҳрли май узатдинг сен,
Дилим тинчин йўқотдинг сен,
Мени ўтларга отдинг сен,
Бу не ғайбдин жазо менга.

Ёниқ жоним аро жонлар
Қилур фарёду афғонлар,
Мудом кўксимда исёнлар
Бўлибдир юз бало менга.

Дилим чарчаб хатолардан,
Эл ичра можаролардан,
Қочар бўлсам низолардан,
Яна сен ошино менга.

Ҳимоятсиз замон ичра
Халоскор бўл бу жон ичра,

Вафо қилмас жаҳон ичра
Ўзинг қилғил вафо менга.

Ўтар ғавғоли бу онлар,
Келар осуда давронлар,
Закий эркин ғазалхонлар
Берар бир кун баҳо менга.

1991

ГУЛМИДИ, РАЙҲОНМИДИ, ЖАМБУЛ

Гулзор ичида гулмиди, райҳонмиди, жамбул,
Ё жамбулу райҳону гул узгувчи санам бул.

Валлоҳ, бу санам, одам эмас, неча сўз айтсам,
Одам дея бир боқмади, э воҳ, не одам бул?

Чақмоқ каби бир лаҳза насиб этди висоли,
Энди менга ёр турк гўзали ҳажрида ғам бул.

Излаб неча кун шаҳрида овора бўлибман,
Истанбул эмас, ошиқ учун жонга ситам бул.

Шул ёшда ёниб севгини назм этса не айбким,
Эркин юраги ишқ ўтида куйгучи шам бул.

1992

СЕВГИ КЕЛСА

Севги келса қадди ё ҳам ёш бўлур,
Севгисиз жонона ҳайкалтош бўлур.

Меҳри йўқ дилдорни қучма, тошни қуч,
Тош сенга малҳам бўлур, сирдош бўлур.

Севги фаслида тикандан гул унар,
Севги кўйида шамол фаррош бўлур.

Кўнгли ётлар базми жамшиди – азоб,
Ёр билан бўл, қум есанг ҳам ош бўлур.

Чин муҳаббат минг жафога дош берар,
Лек хиёнатга у бебардош бўлур.

Бевафоликни яширсанг, ер кўмар,
Лекин осмонларда бир кун фош бўлур.

Ғурбат ичра ботди мағрибга қуёш,
Уфқ эмас гулранг, бу қонли ёш бўлур.

Ишқ йўлин фирдавс йўли деб англагил,
Пок дилинг, Эркин, бу йўлда бош бўлур.

1992

ЖОН ТУГАМАЙДИР

Оламда аёл мадҳига достон тугамайдир,
Чун ишқ тугамас, ишқдаги армон тугамайдир.

Назм этди тугал Ҳофизу Саъдию Навоий,
Не қолди, деманг, шоири даврон тугамайдир.

Гар арсаи ашъор эса ишқ баҳсига майдон,
Майдонда чавандоз кўпу, майдон тугамайдир.

Ҳусн аҳли учун бўлмас адо нозу адолар,
Ишқ аҳли учун нолаю афғон тугамайдир.

Ҳар неки ёнар, йўқ бўладир, лекин ажабким,
Мангу ёнарак ишқ ўтида, жон тугамайдир.

1993

СИР АЙТАР ҒУНЧАГА ҒУНЧА...

Сир айтар ғунчага ғунча,
Кўнгил кўнгилни англайдир.
Кабутарни кабутар ўпгаю
Гул гулни танлайдир.

Мисоли икки юлдузни –
Қўшар тақдир йигит, қизни,

Агар ёр англамас бизни,
Илож не, шўр бу манглайдир.

Чаманлар ичра ранг танлаб,
Паривашлар бўяйдир лаб,
Менинг ёрим лабин, ё Раб,
Юрак қонимга ранглайдир.

Қоши ҳам ўсмадан зангор,
Дема зангор, эрур зангбор,
Нечукким қон тўкиб хунхор
Қиличлар бўйла занглайдир.

Ғаму ҳажру жафоларда
Ёнар булбул наволарда.
У булбулмас, самоларда
Менинг додим жаранглайдир.

1993

БЕВАФО ДЎСТЛАРГА

Кошки, бўлсайдим вафосиз
Ошинолардан бўлак,
Ошинолар йўқ, нетай, бу
Бевафолардан бўлак.

Битмади пешонамизга
Дўсти содиққим, бу хил
Бизга бепарво, ўзига
Маҳлиёлардан бўлак.

Изладим ҳар неча, лекин
Топмадим бир янги дўст,
Эски ул инсофсиз, аммо
Бериёлардан бўлак.

Дўст хато қилсин,
Қаторидан хато лек қилмасин,
Қилмадим бир иш агарчи,
Мен хатолардан бўлак.

Суҳбаторолар, наволар
Қайда суҳбатлар аро,

Гаплар ичра энди гап йўқ
Нарх-наволардан бўлак.

То бу дам девона кўнглум
Ул вафосизларни дер,
Не қилайки, ошино йўқ
Бевафолардан бўлак.

1994

БИЗ АНГЛАМАГАН ЖАҲОН ЭКАН ИШҚ

Ошиқлик иши ёмон экан-ку,
Ошиққа балойи жон экан-ку.

Ишқ ханда бўлиб кўнгилга киргач,
Кўнгилда тўла фиғон экан-ку.

Васлида қувончи ошикоро,
Ҳижронда ғами ниҳон экан-ку.

Ишқ дарду азоби, ҳажри бир ён,
Рашк оташи бир томон экан-ку.

Аввалда жаҳон кўзингга гулшан,
Охирда ва лек хазон экан-ку.

Ишқ олами ўзга олам эркан,
Биз англамаган жаҳон экан-ку.

Кўнгилни бериб қўйибмиз осон,
Ёр севмаганинг осон экан-ку.

Ҳар неки ёнар, замонки сўнгай,
Ишқ оташи безамон экан-ку.

Бор бўлсин омон у беомоним,
Дарди била жон омон экан-ку.

Боғландим ўз ихтиёрим ила,
Эркин бўлишим гумон экан-ку.

1994

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИ...

(Навоий ғазалига мухаммас)

Кўнглим айтур, севги домига асир тайёраман,
Дер кўзим, ҳижрон туни зор йиғламоқдин қораман,
Жон дегай, ўт ораман, тан айтадир, минг пораман,
То муҳаббат дашти бепоёнида ováраман,
Ҳар балият келса ишқ ошубидин бечораман.

Ул хазон фаслидаги саргашта бир япроқ манам,
Айрилибдурман чамандан, масканим дашти адам,
Изламанг ҳаргиз нишоним, топмагайсиз зарра ҳам,
Эл нетиб топғай мениким, мен ўзимни топманам,
Бўйлаким ишқу жунун саҳросида ováраман.

Карбало даштида кўрган оҳулар бирлан мани,
Англади Мажнун билан бир жон мани, бир тан мани.
Ёнди жон, бир лайливашнинг дарди куйдирган мани,
Оҳ дуди ичра бир учқун каби кўрган мани
Билдиким, ҳижрон тунига кавкаби сайёраман.

Қошларинг ҳижронида ёйдек эгилсам не ажаб,
Ғунча лаълинг ишқида бағримни тилсам не ажаб,
Шамъи ҳуснинг шавқида ўтга ёқилсам не ажаб,
Кеча ўртансам, саҳар фарёд қилсам не ажаб,
Ишқ аро парвонаю булбулга мен ҳамкораман.

Хўблар васли ғанимат, хизматини айла хўб,
Нури дийданг шамъ этиб тут, қоматингни айла чўб,
Борида қадрига ет, кетганда тупроғини ўп,
Эй Навоий, борди деб аҳбоб таъзир этма кўп,
Ит каби мен эргашиб ул коривонга бораман.

1995

МЕНДА БОР ИШҚ ИЧРА ҒАМ...

Менда бор ишқ ичра ғам,
Ҳажр ичра дард ул ойда йўқ,
Дардни дард билмас кишига
Сўзламоқдан фойда йўқ.

Кўз ёшим кўрганда сой ҳам
Шарқираб кулса не тонг,
Бор менинг кўксим аро
Тошқинки, ҳеч бир сойда йўқ.

Дард билан қормиш илоҳим
Лойимиз тақдир азал,
Ўзга дардин англамоқ лек
Биз қорилган лойда йўқ.

Олам аҳли ичра дилдош
Излама, кезма жаҳон,
Зарга зор ҳар ерда бордир,
Зорга зор ҳеч жойда йўқ.

Майли, зар сизларга бўлсин,
Менга зор ишқ ичра бас,
Бу хазинам аҳли дунё
Ичра ҳеч бир бойда йўқ.

1995

УЧ СЎЗДА БИР МАЪНО

Сенга Оллоҳ, Ёр, Тангрим
Чирой, Кўрку Жамол бермиш,
Чирой, Кўрку Жамолинг
Менга Орзу, Ўй, Хаёл бермиш.

Жафо бирла вафо ичра
Жаҳону Очину Олам
Сену менга Етуклик
Сарбаландию Камол бермиш.

Сени кўрмишди Айну Чашму Кўз
Туш, Хоб, Маноминда
Лабинг, Лаълинг, Дудоғинг
Бу на дарё деб савол бермиш.

Қўлинг, Дастинг, Ядингда
Май, Шароб, Соғар тутиб масрур
Лисонинг, Тил, Забонингким,
Асал, Шаҳд ила Бол бермиш.

Ўзингга, Васлу Дийдорингга етмоқ
Гар насиб эрмас,
Менга Тақдир, менга Ёзмиш,
Менга Рўзи завол бермиш.

Сенга Эркин ғазал битмишки,
Шарт уч сўзда бир маъно,
Дарий, туркий, аробийда
Сухан, Сўзу Мақол бермиш.

1995

РАҚҚОСА

Базм аро ноз бирла жонон ўйнаса,
Не ажаб, жисмим аро жон ўйнаса.

Силкиниб гуллар чаманда уйғонур,
Қарси бармоқ бирла хандон ўйнаса.

Оқ нилуфар сувда оққандек эрур,
Оқ кийиб сокин хиромон ўйнаса.

Ногиҳон кўнглимда ёнгай минг чироқ,
Нур сочиб хуршиди тобон ўйнаса.

Даврада ўйнар пари, андоқ бўлур,
Ой тўлиб юлдузли осмон ўйнаса.

Кўлда оққуш рақси бундоқ бўлмагай,
Бунча бўлмас тоғда жайрон ўйнаса.

Онча мушкоро эмас гулшан аро
Ел туриб жамбулу райҳон ўйнаса.

Кўз сузиб кўзимни ҳайратга солур,
Маст қилур бошимни мастон ўйнаса.

Рақсини соғинди жон, оҳ келса-ю
Дил уйида бўлса меҳмон, ўйнаса.

Зарра армон қолмагай кўнглимда, ёр –
Қолмайин кўнглида армон ўйнаса.

1995

ЁД ЭТИНГ

(Курбон бўлган аскар нидоси)

Мен қаро тупроқда ётган ўғлингизман, ёд этинг,
Интизор руҳим тиловат бирла йўқлаб шод этинг.

Қолмишам олисда бекабру кафан, беном-нишон,
Хотиримга кўнглингизда бир макон бунёд этинг.

Ҳар баҳор қутлуғ зафар айёмида сайр этсангиз,
Лолаларга термулинг, покиза қоним ёд этинг.

Мен ҳаётда бир фараҳ кўрмай ҳаётдан ажрадим,
Бахтингиз қадрин билинг, андуҳингиз барбод этинг.

Жангга кирдим, жон фидо этдим ватан тупроғи деб,
Меҳри жонимда тирикдур, сиз уни обод этинг.

Мен олис элларда қолган ўғлингизман, ёд этинг,
Интизор руҳим тиловат бирла йўқлаб шод этинг.

1995

Бедорлик

ЖУМАДАН ҚОЛГАН ОДАМ

(Бидъат тарихидан бир лавҳа)

Бу сизга бир ҳикоя:
Чорак аср муқаддам
Ўсал ётар эди чол,
Сўнар эди мисли шам.
Узоқ-яқин қариндош
Атрофида бўлиб жам
Видо айтар эдилар
Қадлар эгик, кўзлар нам.

Кеча соппа-соғ эди,
Эй вох, қисмат экан-да,
Ажал бўғиб турибди
Оғзи ошга етганда.
Фалак иродаси шу,
Не қилсин шўрлик банда,
Азал тақдир буйруғи
Баробар ҳаммага ҳам.

Ҳа, ўлмоқ бор муҳаққақ
Ҳар кимсанинг бошида,
Лекин ўлмоқ савоб-ку,
Пайғамбарнинг ёшида.
Яна эрта жума кун
Тургай меҳроб қошида,
Яхши кундан буюрди,
Мўмин эди ва ҳотам.

Кампир тахмонни очди,
Кафанликни олдилар.

Эркакларга тўн, белбоғ
Ахтаришиб қолдилар.
Катта уй ўртасига
Ўликка жой солдилар.
Ҳовлию эшик олди
Супурилди зап шинам.

Қори почча келдилар
Дарбозадан йўталиб.
Ювғучи ҳозир бўлди
Бўйрасини кўтариб.
Амма самовар қўйди
Тарашани тутатиб.
Тонгдан тумонат келса
Шошиб қолмаслик – шу ғам.

Қазноқдан чиқарилди
Маъраканинг уни ҳам,
Тугиб қўйилди тайёр
Домланинг тугуни ҳам.
Белгиланди ҳаттоки
Йигирманинг куни ҳам,
Ҳамма нарса бадастир,
Фақат битта ўлик кам.

«Пуховой» рўмол билан
Хола боғлади белин,
Хабарлашга бошлади
Ҳар ким ўз уруғ – элин.
Жанжаллашиб ҳам олди
Ўртада икки келин,
Алам ўтган ҳиқиллаб
Йиғлар эди: «Вой, додам!»

Ҳеч кимсанинг иши йўқ
Дардга мубтало билан.
Қизлар сандиқ билан банд,
Кампирлар дуо билан.
Бир вақт тунни уйғотиб
Чинқириқ садо билан
Чироқлари пирпираб
Келиб қолди «Тез ёрдам».

Ҳамма суюниб кетди,
Деб ўйларсиз, бор бўлинг!

Ён қўшни Жаннат биби
Докторнинг тўсди йўлин,
Тўнғич қиз доно бўлиб,
Тутди ҳамшира қўлин:
«Игна санчиб қийнаманг,
Тайёр ётибди отам.

У доим оз оғриғу
Осон ўлим тиларди.
Бобомдек олтмиш учда
Ўлишини биларди.
Айниқса, жума кунни
Кўп илтижо қиларди,
Муроди ҳосил бўлди,
Оёқ чўзсин хотиржам».

Доктор қулоқ солмади,
Бўш келмади ҳамшира,
Бўш келмади, ноль учга
Хабар қилган набира.
Липиллаб турган у шам
Шу тун бўлмади тийра,
Ўсал кўзини очди,
Жумадан қолди мотам.

Эрталаб икки ўғил
Ишга кетди сўппайиб,
Девор тагида тобут
Қолаберди дўппайиб,
Юрганча юраберди
Икки келин ҳурпайиб.
Жанжалнинг боисини
Икков ҳам айтмас, дам-дам.

Яна кўп жума ўтди,
Ой-йиллар ўтди қатор,
Саксон саккизга борди
Ўлдига чиққан бемор.
Ҳар ёшига бир таноб
Боғ ўстирди мевазор.
Юзни мўлжаллаб турар
Жумадан қолган одам.

Набиралар сони ҳам
Юзга борди, чамаси,

Ҳар жума чол уйида
Йиғилади ҳаммаси.
Келар докторни қувган
Хонадоннинг аммаси,
Кулиб-кулиб эслашар,
Ҳар жума бўлар байрам.

Мана, яшаб юрипти,
Умри экан зиёда.
Уни ўлди деганлар
Кўплари йўқ дунёда.
Жаннат биби жаннатга
Кетди бултур жавзода,
Қорини ўн йил бурун
Олиб кетган зотилжам.

Бақар йили тупроққа
Қўйган гўрков дўстини,
Чол ўзи тўғраб берган
Йил ошининг гўштини.
Қадрдондан ёдгор деб
Ўз қабрининг устини
Гул қилиб, тиклаб қўйган
Кичкина сағана ҳам.

Чол айтар, олтмиш уч не,
Саксон саккиз нимадир,
Умр гўё дарёдан
Сузиб ўтган кемадир.
У соҳилга етмоқ бор
Пайшанбадир, жумадир,
Лекин жадаллаштириш
Бунда не керак, бўтам?

Шошманглар, у дунёни
Кўрдим, унча ёқмади,
Равзаи Фирдавс ичра
Оби кавсар оқмади.
Кампирим дуруст экан,
Ҳурлар менга боқмади.
Аразладим, қайтвордим –
Тўғри келмади Эрам.

Болаларим, сўнгги гап:
«Ётиб қолсанг, ёт куймас,

Бир-бировни авайланг,
Ўлган билан ер тўймас.
Энди сиз ўлтиринглар,
Мен ҳавода бир нафас...»
Деру ўрнидан туриб
Боғ сари қўяр қадам.

1987

БИЗДАН КЕЙИН ҲЕЧ БИР АВЛОД ҚАЙТА ҚУРМАСИН

Олғир учун қайта қуриш –
Бир қозон шўрва,
Элдан бурун коса олиб
Чопмоқ бўлади.
Худбин учун қайта қуриш –
Каттакон кўрпа,
Бир амаллаб ўз устини
Ёпмоқ бўлади.

Жоҳил учун қайта қуриш –
Найза урмоқдир,
Энг қобил, энг пок юракни
Нишонга олиб.
Бизнинг даврон келди дея
Димоғи чоғдир,
Биладики, тош биллурдан
Ҳамиша ғолиб.

Қайта қуриш –
Сафсатабоз учун бир чолғу,
Унга эски оҳангларни
Тез жо қилади.
Бир хил тинғир-тинғирини
Чалабериб у,
Энг табаррук қўшиқни ҳам
Расво қилади.

Бюрократга қайта қуриш –
Дорбозлик демак,
Мувозанат лангар чўпин
Қаердан тутсин?
Бугун омон, эрта тамом,

Ширин жон ҳалак,
Тарих ортга қайтмас,
Шўрлик нимани кутсин?

Қайта қуриш –
Омади йўқ шоирга – қудуқ,
Искандарнинг шохи бор, деб
Секин айтади.
Бу қудуқда қамиш унмас,
Гапдан фойда йўқ,
Фақат қорин шишганини
Ёзиб қайтади.

Бу бошлиққа қайта қуриш –
Шахмат ўйини,
Ҳар кун шахмат доналарин
Қайта терар у.
Коллегия эслатади
Девлар тўйини,
Нечта жонни янчганидан
Рапорт берар у.

Кўр тутганин қўймас экан,
Эшитганин кар,
Бу одамнинг миясида
Беш-ўнта шиор.
Коммуна деб атар бўлса
Очликни агар,
Принципга содиқ –
Очдан ўлар бахтиёр.

Бу олимни –
Замбаракка ўхшатиш мумкин.
Орқа билан жангга кирар –
Сабаби аён.
У орқага қараб туриб
Ўтмишнинг мулкин
Тўпга тутса
Қолар тарих ўрнида тўзон.

Дерлар: урсанг эти қотар,
Гар сўксанг – бети,
Одамзод ҳам айланар ер
Курраси билан.

Бу кас аввал орден билан
Мақтанар эди,
Бугун эса мақтанади
Ғурраси билан.

Ҳар оғизга бир-бир куйдик
Биз аччиқ дори,
Ўзимиз-чи?
Ўзимизга
Не қайта куриш?
Биз учун у омбир!
Оғриқ тишлар қатори,
Миямизда занглаб қолган
Михни суғуриш.

Қайта қуриш – кетмон,
Бир вақт пастдан юқори
Қазилган у терс ариқни
Ўрнига буриш.
У – бульдозер –
Манманликдан топилган бари
Иллатларни кечаги кун
Жарига суриш.

Хўжакўрсин қабристони,
Ёлғон мозори,
Эгасизлик гўрин ясаш –
Бу қайта куриш.
Олам аро уч мингинчи
Йиллар сардори
Ватанга мос ўрин ясаш –
Бу қайта куриш.

Мен учун у деразадан
Кирган шамолдир,
Бу шамолдан қоғозларим
Афтодаҳолдир.
Улар учар, мен ортидан
Қараб тураман,
Шеърим, энди мен ҳам сени
Қайта қураман.

Кунлар кўрдик,
Остонада турган истеъдод

Бизнинг кўрган у кунларни
Қайта кўрмасин.
Шундай қайта қурайликки,
Энди умрбод
Биздан кейин ҳеч бир авлод
Қайта қурмасин.

1988

ЭСКИ ҲАММОМ, ЭСКИ ТОС

Қайта қуриш хусусида
Олам узра жарангос,
Давраларда баҳслар қизғин,
Баҳсларда зўр эҳтирос.
Кўп орзулар топди ҳаёт
Кўзгусида инъикос,
Аммо бизнинг томонларда
Ҳали фақат гап, холос,
Ҳаёт эса ўша-ўша:
Эски ҳаммом, эски тос.

Аввалгидек йил бошида
Йил режасин бичамиз,
«Бажарамиз» қасамини
Яхна чойдек ичамиз.
Сўнг ўн бир ой сусткаш умр
Дарёсида кечамиз,
Йил сўнгида: «ҳайда-ҳайда»,
Ой сўнгида: «бос-ҳа, бос!»
Қоидамиз ўша-ўша:
Эски ҳаммом, эски тос.

Биз мажлиссиз яшолмаймиз,
Мажлисга ҳам план бор,
Мажлис дема – жангтоҳ! Сени
Пийпалашга гилам бор,
Содда бўлма, у гиламга
Тайёргарлик билан бор,
Чап беришни, чалишни бил,
Жавоб зарбин ўрган хос.
Ишни бўлса... иш маълум гап:
Эски ҳаммом, эски тос.

Кимга керак ташаббускор,
Билгувчи йўл-йўриқни?!
Ташаббускор ишни бузар
Кутмай юксак буйруқни.
Бизлар эсак – камтар одам,
Қовуштириб қуллуқни,
Жим турамиз, биламиз-да,
Жим туришга бор асос.
Бизга асли жуда мақбул
Эски ҳаммом, эски тос.

Қандай асос, дерсиз. Раҳбар
Сўзи доим сўз бўлган,
Унга «қарши», «бетараф» йўқ,
Овоз доим юз бўлган,
У истаса икки беш қирқ,
Икки ўн тўққиз бўлган,
Тарихга боқ, раҳбарингни
Шаҳаншоҳга қил қиёс,
Аъёнлару гумашталар...
Эски ҳаммом, эски тос.

Кимки баланд учмоқ бўлса,
Бўлса ҳам у отамиз,
Асло парвоз қилдирмаймиз,
Оёғидан тортамиз,
Амаллаймиз, бўйнига бир
Маломатни ортамиз.
Деймиз, сени биз эҳтиёт
Қилмоқдамиз, Мирғиёс,
Баланд учма! Тинч сенга шул
Эски ҳаммом, эски тос.

Бозоримиз ўша бозор,
Олой, Эски Жўвамиз,
Мақол ўша, пул бўлса гар
Чангалдадир шўрвамиз.
Бир тўрва пул билан тушсак,
Тўлиб чиқмас тўрвамиз.
Баракалла, эпчил йигит,
Қандингни ур, Мирваққос,
Касбинг ўша, нафсинг ўша:
Эски ҳаммом, эски тос.

Дўконимиз ўша дўкон,
Унга ҳам ҳеч ривож йўқ,
Пул чангаллаб, кўнгилдаги
Мол топишга илож йўқ,
Турмуш дерлар, бола-чақа,
Кимда ҳам эҳтиёж йўқ,
Ҳар юлғичга қуюқ салом,
Ҳар ўғридан илтимос.
Ҳолатимиз ўша-ўша:
Эски ҳаммом, эски тос.

Содда, мўмин одамлармиз,
Кўнгилда йўқ киримиз,
Олам ҳайрон, англолмас не
Бу юввошлик сиримиз.
Биз жим турдик, ўлди Орол,
Битди Аму, Сиримиз,
Авлодларга қолар бўлди
Заҳарланган ер мерос,
Дод-фарёддан не наф, амал –
Эски ҳаммом, эски тос.

Фарзандларни биз не учун
Келтирамиз дунёга
Ақлу қалбин, умру бахтин
Тўлдирмасак зиёга?
Туғдирмоғу туғмоқ биздан,
Қолган умри худога.
Яна бахтли болаликдан
Солурмиз айюҳаннос.
Наҳот, бўлгай эртамиз ҳам
Эски ҳаммом, эски тос.

Хўп иш бўлди, ўзбекмас деб
Айтдик Ибн Синони.
Гар мўъжиза тирилтирса
Ул табаррук сиймони,
Болаларнинг ўлимидан
Қирқ газ сакраб имони,
Дерди, наслим, билмадим ё,
Папуасми, эскимос.
Гаплар ошкор, ишлар эса
Эски ҳаммом, эски тос.

Бизга ишдан ҳеч гапирманг,
Гап сотишга устамиз,
Юк тортишмас, бировларга
Юк ортишга устамиз.
Ўлганларнинг орқасидан
Тош отишга устамиз,
Тиригида деймиз фақат
Пайғамбарлик сизга хос.
Ялтоқилик ўша-ўша:
Эски ҳаммом, эски тос.

Дилимизда гапимиз кўп,
Айтган билан битмайди,
Лекин дардлар чорасига
Гапнинг ўзи етмайди.
Бундан буён аравада
Жим ўтириш кетмайди,
Йўқса, тарих бир кун биздан
Олажакдир алқасос,
Насибамиз бўлгай мудом:
Эски ҳаммом, эски тос.

1988

ДИАГНОЗ

(Қишлоқ докторининг айтганлари)

Ҳамма билар:
Тиббий илмда
Овруподан анча йироқмиз.
Ҳамма бало, менинг наздимда,
Диагноз қўйишга нўноқмиз.

Дейлик,
Бемор бошида оғриқ,
Бу – чарчоқдан.
Ким дер: дам олгин?
Юборамиз, текширмай ортиқ,
Думбасидан тўртта анальгин.
Касал кўриб,
Айтамиз – буйрак!
Нақ Луқмоннинг ўзи сингари.

Ўлигини сўнг ёриб кўрсак,
Илма-тешик чиқар жигари.
Э, жигарнинг иши кўп нозик,
Қишлоқда йўқ, асли, соғ одам.
Дейлик,
Тўғри диагноз қўйдик,
Тепки еймиз райком тоғадан.

«Сиёсий онг қани, – дейди у,
Деҳқон соғлом!
Деҳқон – чавандоз!
Далада йўқ заҳарлик дору,
Диагнози шамоллаш деб ёз!
Сариқ касал кўпми? Камайтир,
Чорани мен айтмай ўзинг топ.
Мен эмас, сен докторсан, ахир,
Ўқиш керак газет ва китоб».
Не ёзилган анов шиорда?
«Пахтазор – бу жанггоҳ», бўлсин
ёд!
Жанггоҳ бўлгач, қурбон ҳам бор-да,
Бор зотилжам, заҳарланиш, бод...

Шундоқ.
Бизлар тиббий илмда,
Овруподан анча йироқмиз.
Ҳамма бало, менинг наздимда,
Диагноз қўйишга нўноқмиз.
Ҳолимиз шу,
Не узримиз бор?
Бизнинг хато завол деган сўз.
Аслида-ку жамият бемор,
Кимлар қўяр унга диагноз?
Уни даво қилгувчи кимлар?
Не савдолар бордир бошида –
Биз сингари ношуд ҳакимлар,
Зўр тағолар турса қошида.
Келажакнинг жарроҳи бир кун
Айтмасин-да, ўтиб замонлар:
– Бу юрт дарди бошқа эди-ку,
Ҳайф сизларга, жоҳил луқмонлар!

1988

УЯТЧАНЛИК

Бу қалтис дард,
Зийрак бўлинг,
Белгилари аёндир:
Бош сал эгик, қўл кўкракда,
Тил чучук, юз алвондир.

Уларга кўп дуч келганман,
Кўнглим дарҳол сезади.
Уятчанлар одоб билан
Юрагимни эзади.

Мана, унга қаранг!
Хушрўй,
Мўмингина боладир.
Порахўрмас, қўлингизни
Қайтаролмай оладир.

Дўкондор ҳам кўп уятчан,
Қизил қоғоз қасдида
Бош кўтармас.
Икки кўзи
Пештахтанинг остида.

Бу – отадир,
Аслида у
Оталикка яролмас.
Дада, дея чопиб келган
Боласига қаролмас.

Ҳамкасбим бор –
Соҳиб зиё,
Эл дардини туёлган.
Лекин ҳақ сўз айтмоққа у
Катталардан уялган.

Бу амалдор кўтарилган
Кимларгадир суялиб.
Трамвайда юрмайди ҳеч
Халойиқдан уялиб.

Унга сира иш тушмасин,
Бағринг қонга бўялар.

«Хўп» дегани тортинади,
«Йўқ» дегани уялар.

Мулойим зот сеҳргардир,
Нақд қурбони бўласиз.
Кулиб туриб пичоқ урса,
Раҳмат айтиб ўласиз.

Уятчанлик эга шундоқ
Киши билмас қувватга.
Бир уятчан бутун элни
Қўя олар уятга.

Биз улардан кулсак, ичда
Улар биздан кулади.
Бу касални йўқ қилмасак
Жуда уят бўлади.

1988

* * *

Амалдорлар талашиб ўрин,
Бир-бирининг қуритар шўрин.

Тентак бермай тентакка тўрин,
Қуритади тентакнинг шўрин.

Шахматчилар излашиб зўрин,
Бир-бирининг қуритар шўрин.

Олим топиб олимнинг ғўрин,
Касбдошининг қуритар шўрин.

Қассоблар-ку ҳаммадан бурун
Танишининг қуритар шўрин...

Шоирлар-чи? Бериб қалб кўрин,
Шеър ёзмоқнинг ўрнига, кўринг –

Ўлмай туриб талашиб гўрин,
Бир-бирининг қуритар шўрин.

1988

АМАЛДОРНИНГ ЎЛИМИГА

Дод, минг дод,
Мен йўқотдим азиз кишимни!
Ўлмай ўлгур,
Битирмасдан кетди ишимни!

1988

ТЎРА ЙИГИТ

Тўра йигит, ажаб рафторинг бўлак,
Сувратинг бўлакдур, асроринг бўлак.

Менинг ошноларим девоналардан,
Парвоналар сенда, дўст-ёринг бўлак.

Лутфинг бўлакчадир, хулқинг бўлакча,
Белдан пастинг бўлак, юқоринг бўлак.

Бизнинг эҳтиёжга на парвойинг бор?
Дўконинг бўлакдир, бозоринг бўлак.

Ҳар кас охиратда хоки туробдур,
Ўшанда ҳам сенинг мозоринг бўлак.

«Элга дастёр»лигинг ўзи латифа,
Хизматингда юзта дастёринг бўлак.

На ишчи, на деҳқон, на зиёлисан,
Мустақил синфсан, қаторинг бўлак.

Эл бошига ёғган қор сенга ёғмас,
Уйинг бўлак, томинг, деворинг бўлак.

Тилдаги тилагинг ошкораликдир,
Ботинда, аёнки, шиоринг бўлак.

Халқ ўз сардорларин сайлар, лек сенинг
Орзу қилган қаттол сардоринг бўлак.

Эрк юрти бўлгай юрт, аммо сен истар
Тикан сим ўралган диёринг бўлак.

1988

УНТЕР ПРИШИБЕЕВ

Жаноб Пришибеев, сўз яна сизга!
Яна кўчаларда қўр тўкиб юринг.
Худо қувват берсин томоғингизга,
«Тарқал, эй халойиқ!» – дея буюринг!

Қаранг, во ажабо, бу бемаза халқ
Яна эркинликни истаб қолибди.
Жонига текканмиш ҳокими мутлақ,
Бундоқ хом хаёлни қайдан олибди?

Келиб нуқта қўйинг бу орзуларга,
Халойиқ зотини майдондан қувинг,
Ҳақиқат қаерда – айтинг уларга,
Адолат нимадир, кўрсатиб қўйинг.

Гарчи Россиядан чиққансиз, жаноб,
Унда сизга жой йўқ, у ер ёмондир.
Халқи бетавозе, шаккок, беодоб,
Сизга муносиб жой бизнинг макондир.

Унтерлар жонига оро бу маъво,
Халқи мусичадек юввош ва увол.
Минг бор, жам бўл, деса жам бўлмас, аммо
Бир бор, жим бўл, деса жим бўлар дарҳол.

Жаноб Пришибеев, марҳамат бизга,
Қадрингизга етиб асраб суяйлик.
Пойандозлар тўшаб оёғингизга,
Юксак мартабалар бериб қўяйлик.

Токи қайта чўксин узоқ сукунат,
Токи эл бўғзидан чиқмасин нафас.
Сокин кўчаларда сиз гоҳи фақат
«Тарқал, эй халойиқ!» – деб турсангиз бас.

1989

КЎРСАТКИЧ БАРМОҚ

Умринг таҳликада, қўрқиб яшадинг,
Ёнмадинг, тутундек бурқсиб яшадинг.

Бармоқларинг ичра баридан кўпроқ
Сенга хизмат қилди кўрсаткич бармоқ.

Лабга босдинг, шифтга ишора қилдинг,
Кўпни тилсиз қилдинг, бечора қилдинг.

Бир замон кўрсаткич бармоқни қўллаб
Омон қолдинг, дорга дўстингни йўллаб.

Энди ошкорликдан куйиб турибсан,
Бармоқни чаккангга қўйиб турибсан.

Сирсиз ҳаёт сенга бағоят мушкул,
Юрагингда яшар итоатли қул.

Тилайсан, Берия тирилиб келса,
Норасмий гуруҳлар қирилиб кетса.

Бу кунлар тилларга бўлса-ю қармоқ,
Яна кучга кирса кўрсаткич бармоқ.

1989

ҚИСМАТ

Ширин бўлсанг, ялаб адо қилурлар,
Аччиқ бўлсанг, талаб адо қилурлар.
Юрагингда оташ бўлса, беомон
Ўз ўтингга қалаб адо қилурлар.

1989

* * *

Инсон феъли ажабдан-ажаб,
Йўқдир унга мезонсиз олам.
Юлдузларни ўлчар ботмонлаб,
Каричлайди чексизликни ҳам.

Ўзи эга, ўзи қул мангу
Ўзи топган ақидаларга,
Не дей, ҳатто мангуликни у
Бўлиб чиққан дақиқаларга.

Дақиқадан соатлар йиғиб,
Кунлар тузиб ой жам қилади.
Йиғламайди умр ўтди деб,
Йил ўтди деб байрам қилади.

Кўпайса-да ажинлар ҳарчанд,
Оқарса-да йиллардан боши,
Қувонади – кўпайди фарзанд,
Севинади – улғайди ёши.

Бу тугамас орзу-ҳавасда
Бор умидбахш имонга асос.
Инсон ўлмас.
Аста ва аста
Фарзандларга ўтади, холос.

1989

ЧИСТОН

Ул адиб кимдирки, доим
Катта пинжида юрар,
Мансабу унвон, мукофот,
Мулк илинжида юрар.
Тушса ҳам отдан ва лек
Ҳаргиз эгардан тушмагай,
Гар трамвай минса ҳам
Номер биринчида юрар.

1989

БИЗНЕСМЕН СЎЗИ

Сизлар қуруқликда турган одамлар,
Биз денгизда сузиб юрган одамлар.
Хотиржамсиз, сизга ҳавас этамиз,
Биз бир лаҳза тинсак чўкиб кетамиз.

1989

БЎРИ ЧАҚИРГАН МАЖЛИС ВА БЕОДОБ ОТ ҲАҚИДА ЛАТИФА

Бўрининг қорни тўйди,
Гўшт ҳам тегди жонига.
Эчки, қуён, от, қўйни
Чақирди у ёнига.

Деди: ҳозир тўқ пайтим,
Фойдаланиб қолинглар.
Менга дашномлар айтиб,
Танқид қилиб олинглар.

Қани, бошла, қуёнбой,
Бир эшитай сўзингни.
Ботирсан-ку, бийронбой,
Кўрсатиб қўй ўзингни.

Ўртага чиқди қуён,
Авайлаб ўз жонини.
Ўлтирар бўри полвон
Қашлаганча қорнини.

Қуён деди: «Минг раҳмат,
Менда ҳеч шикоят йўқ.
Сиздек олий марҳамат
Соҳиби иноят йўқ.

Мен қулингиз на дердим,
Сизга фидодир жоним...»
Бўри хурсанд ҳайқирди:
– Баракалла, Қуёним.

Бунча ширинсан, оқил,
Чидаш қийин, не дейман.
Ҳозир тўқман, тонгда кел,
Наҳорга сени ейман.

Қуён кетди бош эгиб,
Мунғайганча дилхаста.
Сўнг қўйга навбат тегиб
Минбарга чиқди аста.

Деди: «Ҳеч вақт ҳеч бўри
Биздан ҳол сўрган эмас.
Минбар бериб, жой тўрин
Муносиб кўрган эмас.

Бу обрў, бу ҳурматдан
Мен теримга сиғмадим.
Бундай зўр марҳаматдан
Таъсирланиб йиғладим.

Бизлар мўмин, маъқул эл,
Раҳм эт, ўзга не дейман».
Бўри деди: индин кел,
Сени тушликка ейман.

Қўй кўз ёш тўкди маъраб,
Исён қилмади лекин.
Кетаркан маъюс қараб:
«Раҳмат», – деб қўйди секин.

У кетгач, келди навбат
Узунсоқол эчкига.
Унга тегди таклиф хат
Пайшанба кун кечкига.

Ниҳоят охирги гап
Навбати отга етди,
У бўрини мўлжаллаб
Жағига чунон тепди.

Олов сачраб кўзидан
Бўрида жон қолмади.
Кетганича ўзидан
Қайтиб тура олмади.

Ҳамон унутмас отнинг
Бу ишин ва дер ҳар вақт:
– Мендек демократнинг
Падарига минг лаънат!

Бемаъни мажлисга мен
Икки дунё қайтмайман.
От – беодоб, от ўлсин,
Зиёфатга айтмайман.

Лекин унга тан бериб,
Ичида «қойил» деди.
Қуён, эчки ва қўйни
Айтган вақтида еди.

1989

УЧКЕКЕН БОЗОРИДА

Бир куни қиш чилласида,
Қаҳратоннинг қорида
Сайр этиб юрдик учовлон
Учкекен бозорида.
Учкекенни биз кўрибмиз,
Сиз у ён қўйманг қадам
Осилиб ўлмай десангиз
Нарх-навонинг дорида.
Битта кўйлак битта минг сўм,
Поча пўстин ўнта минг,
Учкекенга ёрин элтсин
Қасди борлар ёрида.
Учкекенда бор харидор
Бенажот, ҳайрону лол,
Зўр такаббур аҳли чайқов
Феълида, атворида.
Гар бозор шу бўлса бозор –
Эл учун озор экан.
Учкекендан қочдик уччов
Ақлу ҳушнинг борида.

1990

ШОҲЛАР ОРЗУСИ

Амал тегмаганлар ичидан бўзлаб,
Мартаба завқини тотсам, дер экан.
Амалга минганлар юксакни кўзлаб,
Қадамни каттароқ отсам, дер экан.

Сардор вазирликни ҳар кун туш кўриб,
Вазир илож топса шоҳни ўлдириб,
Ярим кун бўлса ҳам тахтга ўлтириб
Шон-шавкат ганжига ботсам, дер экан.

Шоҳ нима истайди, унга нима кам?
Улус ғавғосидан боши тўла ғам,
Тинч кулба бўлсаю ёвғон ичсам ҳам
Бирор дам хотиржам ётсам, дер экан.

1990

ШУМ БОЛА

Шундоқ деди, қуллуқ қилиб,
Гапни қўйиб жойига
Янги замон Шум боласи
Янги замон Бойига:

«Қошингизга яна келдим,
Қулоқ солинг, Бой ота,
Сидқи дилдан хизмат қилай,
Ишга олинг, Бой ота.

Фазилатим кўпдир, яна
Айбимни ҳам айтганман.
Лекин энди янги замон,
Мен ёлғондан қайтганман.

Чунки энди ёлғонни ҳеч
Айбгина деб бўлмайди.
Алдаганни бало урмас,
Алданган ҳам ўлмайди.

Шарт эмас Шум бола бўлиш,
Ёлғон бу кун осондир.
Газет тўла, китоб тўла,
Мажлис тўла ёлғондир.

Битта йиғин – Котибият,
Битта йиғин – Раёсат.
Ёлғон энди давлат иши,
Ёлғон энди Сиёсат.

Иннайкейин демай туринг,
Қулоқ солинг, Бой ота.
Сидқи дилдан хизмат этай,
Ишга олинг, Бой ота.

Ўн кишилик меҳнат қилиб,
Парча нонга тўяман,
Бир айбим бор, фақат баъзан...
Рост гапириб қўяман».

Бой отанинг жаҳли чиқди,
Деди, кўнглим зормиди?
Ёлғонингга чидаб эдим,
Рост гапинг ҳам бормиди?

Йўқол, сени ишга олсам
Хонавайрон бўламан.
Ёлғонингдан омон қолдим,
Рост гапингдан ўламан!

Ғазаб билан ҳассасини
Қўлга олди Бой ота.
Янги замон Шум боласин
Қувиб солди Бой ота.

1991

БИЗЛАР АРРА ТОРТМОҚДАМИЗ

Бизлар арра тортмоқдамиз,
Аррамизнинг тиши йўқ.
Нега арранг тиши йўқ, деб
Сўрайдиган киши йўқ.

Чунки бизлар анойимас,
Пишиб кетган кўзимиз.
Арра тушган ўша шохда
Ўлтирибмиз ўзимиз.

1991

ОҒРИҚЛИ САВОЛЛАР

Чойхонада ошхўрликни бахт деб билган
оғайни,
Шу бир кунлик ҳаловатни накд деб билган
оғайни,
Қумурсқадек тирикликдан ўзга ғами
бўлмаган,

Дил олами, ишқ олами, руҳ олами
бўлмаган,
Имонни ҳам, виждонни ҳам қурбон қилган
халқум деб,
Сени хаёл қилдимми мен куйганимда
халқим деб?
Эл мулкини бир чеккада тинч кемириб
ётган зот,
Беш тийинга қадрини ҳам, халқини ҳам
сотган зот,
Кўкрагида на ҳиммату на ғайратдан асар
бор,
Юрагида на орият, на шавқ бор, на кадар
бор,
Умрида ҳеч қилган эмас мулкдан ўзга бир
ният,
Сени дея тиладимми юракларга ҳуррият?
Эй кўнгилда можаролар орзу қилиб ётган
жон,
Тангринг – амал, мартабадир,
пайғамбаринг – шуҳрат, шон.
Бу давлатга ўт қўясан, йўқотасан
хилқатдан,
Гар ҳокимлик тегар бўлса сенга янги
давлатдан.
Қуруқ гапдир сенга Ватан, халқу озод
истиқбол,
Сенинг учун истадимми юртимга мен
истиқлол?
Мудом кураш азобини фидойилар
кўрганлар,
Инқилоблар ҳосилини муттаҳамлар
ўрганлар.
Сиз ҳам бугун панадасиз, жангга бизни
қайрайсиз,
Биз бу жангда шаҳид бўлсак, аввало сиз
яйрайсиз.
Ғофил халқим! Тингларманми сенинг
наъра – унингни,
Кўрарманми зулуклардан озод бўлган
кунингни?

1991

БУ ЗАМОН ҒАЗАЛИ

Тиллашибдир бўри бирла тозилар,
Бирлашибдир ўғри бирла қозилар.

Не деб айтар ул баобрў анжуман?
Қўл кўтарсин ушбу ҳолга розилар.

Зўр баҳодирмиз, жасорат биздадир,
Пашша қонин тўккан эй мард ғозилар.

Биз чунон хизматга белни боғладик,
Борми ҳиммат ўлчагич торозилар?

Бизга нелар дер халойиқ бу замон?
Нелар айтар келгуси ҳам мозилар?

Мен ғазал ёзмоқчи эрдим, не қилай?
Бу замон тарихга шундоқ ёзилар.

1991

ТУШ

Бир ой бўлди,
Такрор-такрор
Мен бир хил туш кўраман,
Тушларимда мудраб юрган
Эл ичида юраман.
Улар билан
Мен ҳам мудраб
Аста қадам судрайман.
Бу – туш, дейман,
Уйғон, дейман,
Уйғонолмай мудрайман.

Ҳар тун шу ҳол,
Фалак берган
Бу не бало қийноқдир!
Эй Худойим,
Эй Худойим,
Кечанг бунча узоқдир?!

1991

СЕНИНГ ШАЪНИНГ

Ёзиб ўрганмаганман
Байрамга қасидалар,
Баландпарвоз хитоблар
Тилимга кела қолмас.
Юракни қийнаб турган
Сўзи бўлмаса агар
Шоирни ундаш бекор,
Қўлига қалам олмас.

Лекин букун кўнглимда
Айтадиган гапим бор,
Зафару шодиёна
Фақатгина баҳона.
Мана, сен рўпарамда,
Жигарбандим – пахтакор,
Кўкрак кериб турибсан
Ҳалол, танти, мардона.

Хирмонинг пахта билан,
Қалбинг ифтихор билан,
Кўзларинг бахтиёрлик
Нури билан тўлибдур.
Буни мардлик дейдилар
Ўз сўзда қарор билан,
«Ўзбек иши» дегани
Мана бундоқ бўлибдур.

Кексаларнинг сўзи бор,
Қўлни очиб дуога,
Ерга қаратма, – дерлар, –
Икки дунё кўзимни.
Имонимдан айирма,
Етказгин муддаога,
Дўсту душман олдида
Ёруғ қилгин юзимни.

Юзнинг ёруғ бўлгани
Асли шудир, биродар,
Ғаразгўй ичи куйиб,
Дўстлар яйраб кулибдур.
Ўзбекнинг кимлигини
Билиб қўйсин баъзилар,

«Ўзбек иши» дегани
Мана бундоқ бўлибдур.

Эй сен, фарқ этмагувчи
Зарпечакдан чаманни,
Касбдошим, берилмагин
Турфа қизиқ гапларга.
Хеш қилиб кўрсатмагин
Фарҳодга Ёсуманни,
Ноғора чалаберма
Томошаталабларга.

Сен ўзбек меҳнатин ёз,
Бу заминга деҳқоннинг
Умиду армонлари,
Дардлари тўкилибдур.
Бунда ҳар битта чаноқ
Қанча азоби жоннинг,
«Ўзбек иши» дегани
Мана бундоқ бўлибдур.

Унда бурчнинг фарзи бор,
Ҳеч кимсадан қарзи йўқ,
Ери каби бир умр
Саховатга яралган.
Дўстликка мангу содиқ,
Имонининг дарзи йўқ,
Матонатга туғилган,
Жасоратга яралган.

Мен юрак сўзин айтдим
Зафар тўйи баҳона,
Омон бўл, она юртим,
Ғурурим, шараф-шоним.
Довонлардан ўтабер
Адил, шаҳдам, мардона,
Оқ бўлсин, ойдин бўлсин
Йўлинг, улкан карвоним.

1988

САВАҒИЧ

Савағич пахтага
Дейди:
– Қалайсан?
Қўлимга тушдинг-ку,
Шошмай тур, сени...
Савағич!
Пахтани нега савайсан?
Пахтада не гуноҳ?
Савала мени!

Пахтанинг тани оқ,
Юмшоқ бадани.
Нозик-ниҳол экин,
Шафқатинг қани?
Ахир менинг юртим
Пахта ватани,
Пахтада не гуноҳ?
Савала мени!

Кеча беҳи эдинг,
Қуридинг, сўлдинг,
Қирқилдинг, йўнилдинг,
Савағич бўлдинг.
Сен бунга пахтани
Айбдор деб билдинг,
Пахтада не гуноҳ?
Савала мени!

Боғ-роғлар кесилса,
Пахтадами айб?
Яйловлар бузилса,
Пахтадами айб?
Гўдаклар эзилса,
Пахтадами айб?
Пахтада не гуноҳ?
Савала мени!

Куни кеча эди...
Сулув келинчак
Соянгда курганча
Рангин беланчак
Бола аллаларди...

Сўлди у чечак...
Пахтада не гуноҳ?
Савала мени!

Қўш хивич, чийиллаб
Ғазабкор, хунхор,
Бечора пахтага
Еткурма озор.
Сувинг ичган бўлса
У сендан ночор,
Пахтада не гуноҳ?
Савала мени!

Гарчи шеърда номи
Олтину маржон,
Турпдан бекадр,
Шолғомдан арзон.
Деҳқон шу арзонга
Йил бўйи сарсон,
Пахтада не гуноҳ?
Савала мени!

Мени ур, пахтани
Куйлаган менман.
Эртаю кеч уни
Ўйлаган менман,
Оламга мақтаниб
Сўйлаган менман,
Пахтада не гуноҳ?
Савала мени!

Уни мадҳ этмоқнинг
Моҳири ўзим,
Мадҳимга ишондим
Охири ўзим,
Турғунлик даврининг
Шоири ўзим,
Пахтада не гуноҳ?
Савала мени!

Элим бурч деганда
Пахтани билган,
Зарур бўлганида
Кўрпадан шилган,

Битта чаноқ учун
Одам отилган,
Пахтада не гуноҳ?
Савала мени!

Жони сабил бўлган
Инсонлар учун,
Етимлар кўксида
Фиғонлар учун,
Афсус, надоматлар,
Армонлар учун
Пахтада не гуноҳ?
Савала мени!

Кўракдек оғизни
Юмармиз ҳар дам,
Очмасам чаноқдек
Дилни энди ҳам
Мен нечук шоирман,
Мен нечук одам?
Пахтада не гуноҳ?
Савала мени!

1988

ХАЛҚ НОИБЛАРИГА

Сизни халқ танлади,
Қилмади суюк,
Балки елкангизга юк ортди буюк.
Сайлаб олди мардлар ичра мардини,
Адо қиласизми мардлик шартини?
Эртага чиққан чоғ баланд минбарга,
Айта оласизми юртнинг дардини?
Азалий одатни қиласизми ё,
Ялпи қўл кўтариб келасизми ё?
Ноиблик нишонин таққач кўкракка,
Қулоқ солиб кўринг бир бор юракка.
Ул юрак тубида эл ғамидин ғам,
Доғидин кўнгилда доғингиз борми?
Агар керак бўлса Президентга ҳам
Эътироз қилмоққа чоғингиз борми?
Айни жасоратни кутар муҳаққақ

Сизга умид билан овоз берган халқ.
Хўп деб қайта берманг, нега, деб айтинг,
Биз ҳам иззат-нафсга эга, деб айтинг.
Ҳиммат билан туринг, бор денг арзимиз,
Тўлаб қўяйлик денг бўлса қарзимиз.
Дўстликнинг шартига риоя бўлсин,
Ҳеч ғубор тушмасин дил кўзгусига.
Камтар улушимиз, айтинг, қўйилсин
Жаҳон бозорининг тарозусига.
Не бу жаҳон узра солмак кўпкари,
Шарт эса кетмаслик қозиқдан нари.
Асли инқилобдан не эди мақсад?
Йўқсилликми абад, хорликми абад?
«Йўқсиллар, бирлашинг», – деб ҳайқирган он,
Наҳот, йўқсил бўлсин дедик бу жаҳон?
Феълимиз шунчалар торми, деб сўранг,
Бу мулкнинг эгаси борми, деб сўранг!
Сиз ёлғиз ўзбекнинг дардин айтмангиз,
Азага боргандек йиғлаб қайтмангиз.
Ахир Эстонда ҳам ўша оғриқдир,
Рус қишлоғи дарди биздан ортиқдир.
Ерда қиладиган ишимиз кўп, денг,
Ҳадеб отаберманг осмонга тўп, денг.
Тобакай фалакка саройлар қуриб,
Само пойгасида от суражакмиз.
Қултум тоза сувга зор бўла туриб
Заримизни кўкка совуражакмиз?
Тобакай миллиардлар элдан беизн
Ҳарбнинг ариғига оқиши керак?
Бизни босиб олмас капитализм,
Босиб олса, ахир, боқиши керак!
Сизга гап ўргатмак шоир ишимас,
Ҳар биригиз Арбоб, ҳар биригиз Шахс!
Дардни айтган билан дил бўлмас халос,
Гапни кўп гапирдик, иш қолди, холос,
Қарорлардан бўлдик, иложлар керак,
Ҳасратлардан тўйдик, ривожлар керак.
Сизни эл танлади,
Қилмади суюк,
Балки елкангизга юк ортди буюк.
Сиз элнинг эгилган қаддин кўтаринг,
Ноиб деган номнинг қадрин кўтаринг.

1989

ИЛЬЗА ХОНИМ

(И. Л. Сиртаутасга)

Она тилим!
Меҳринг бу қадар
Ўртагувчи экан жонимга.
Асир бўлиб лолу мусаххар
Термуламан Ильза хонимга.
Термуламан Ильза хонимга,
Кўзларимга ишонмай ҳайрон.
Амриқолик хушрўй олима
Сўзлар эди ўзбекча равон.
«Сиаттлга хуш келибсизлар,
Олис юртдан йўл босиб йироқ.
Танишинглар, бу йигит, қизлар
Ўзбекчадан олмоқда сабоқ...»
Дастурхонда парварда, пашмак,
Хандон писта, қип-қизил ширмой.
Атлас кийган сулув келинчак
Одоб билан узатар кўк чой.
Мен эс-ҳушим йиғмасдан ҳали
Қулоғимга дилбар куй етди.
Накамури – япон гўзали
«Тановар»га чарх уриб кетди.
Она юртим!
Меҳринг бу қадар
Азиз экан дилу жонимга.
Термулганча лолу мусаххар,
Сўз айтаман Ильза хонимга:
– Минг ташаккур ўзбек элидан,
Яшанг, дунё тургунча туринг.
Илтимосим, шогирдлар билан
Диёримга ташриф буюринг.
Келинг, сизни Она юрт учун
Фидолар бир тинглаб қувонсин.
Бу қувончдан лекин бир умр
Жудолар ҳам тингласин, ёнсин.
Ўз элати меҳридан дилин
Ёт тутганлар сизни эшитсин.
Ўз юртида ўз Она тилин
Унутганлар сизни эшитсин.
Сизни кўрсин жаҳолат, ғафлат
Уйқусида ётган бандалар.

Ўз қадрини унвон, манфаат
Бозорида сотган бандалар.
Амалдор зот ҳамкишлоқларга
Ташлагандек баланддан назар,
Чиққан чоғи баланд минбарга
Ўз тилидан қилганлар ҳазар,
Умри ўтиб Ўзбекистонда
Ассаломни билмаганлар ҳам,
Икки оғиз бизнинг забонда
Арзу иншо қилмаганлар ҳам,
Илмдаю маҳкамаларда
Лойиқ унга жой бермай ҳалол,
Ўзбек тилин эски шаҳарда
Бозор тили қилганлар хаёл –
Ильза хоним,
Сизни эшитиб,
Хатоларин билсалар эди.
Андак тилнинг қадрига етиб,
Сал инсофга келсалар эди.
Эй сиз, доно устоз олимам –
Олис юртда мунис йўлдошим,
Сизга эгай подшоларнинг ҳам
Ҳузурида эгмаган бошим.

1989

ИЗТИРОБ

Бетавфиқ раҳбарни сўкканим учун
Уч йил ётар бўлсам ётганим бўлсин,
Унинг йўқ обрўсин тўкканим учун
Тўлов берсам борим сотганим бўлсин.

Халқимга қадрингни бил десам агар,
Кураш, ҳақни ошкор қил десам агар,
Бу қутқу аталса давлатга зарар,
Қанча азоб бўлса тортганим бўлсин.

Амалдор дер эса, тузум – мен ўзим,
Фармон фармонимдир, сўз менинг сўзим,
Мен бундай тузумдан ўгириб юзим,
Тамом жиноятга ботганим бўлсин.

Тифлисда халқ узра танк юборган зот
Шаънин қилар бўлса қонун эҳтиёт,
Ўша зот коммунист бўлса, мен, ҳайҳот,
Фирқа дафтаримни отганим бўлсин...

1989

КЕРАК

Бизнинг шифокорлар инсондаги ул
Руҳий олам билан бўлгунча машғул,
Ўттиз йил бор экан, ҳозирча маъқул –
Касалхоналарга етти қопдан кул,
Ўнтадан кинначи хола керакдир.
Ошхоналарда то еб бўлгунча ош,
Вақтинча белгилаб чўнтак пул – маош,
Териб бермоқ учун сумалакка тош,
Баҳор мавсумида элликтадан ёш,
Оёқ-қўли чаққон бола керакдир.
Госпланга эса бозор аҳволин
Айтиб турмоқ учун тўрт-беш йил олдин –
Режа қилмасин то ўтган аср молин –
Олий малакали етмишта фолбин,
Келажакни айтиб турувчи керак.
Шаҳар транспортига ва, ҳайратомуз,
Ёз ойлари тандир, қиш ойлари муз
Квартираларга тегмасин деб кўз,
Шаҳар Советига бир минг етти юз
Исириқ тутатиб турувчи керак.

1989

ТРАМВАЙДА

Тунда трамвайда сархуш ўспирин
Тинмай ҳайдовчига ёлворар эди.
Ана у кўчага юз қадам киринг,
Уйим ўша ерда, жон ака, дерди.

Бу – трамвай, дерди ҳайдовчи хуноб,
Темир из бор, четга қандоқ бураман?
Йигит қулоғига кирмасди жавоб,
– Беш сўм олинг, майли, ўн сўм бераман...

У сархуш йигитга ўхшайди кўнгил,
Орзулари парвоз этар қайдадир.
Талпинма, эй кўнгил,
Сен гапга кўнгил!
Ахир, маконимиз трамвайдадир.

1989

ДАРДДОШЛИК

(Иван ДРАЧга)

Ўзга тил, ўзга урф, ўзга анъана,
Ўзга табиатли халқлар ўғлимиз.
Ягона қисматнинг ҳукми-ла яна
Нечанчи бор ёндош тушди йўлимиз.

Олис Скопьенинг тош кўчалари,
Шаҳроҳ Хрешчатик, Чорсу, Регистон,
Тюменнинг, Неванинг оқ кечалари,
Тонготар суҳбатлар... эсла, қадрдон.

Бир-бировга очдик дил сиримизни,
Баҳсларга ҳеч замон нуқта қўймадик.
Йироқда соғиндик бир-биримизни,
Дийдор кўришганда сира тўймадик.

Бизни ошно этган қалбдир шеърпараст,
Элликда кўнгилдан кетмаган ёшлик.
Алвонга ёзилган шиорлар эмас,
Юракка битилган буюк дарддошлик.

Етти ёшда эдик қирқ учинчи йил,
Биринчи синфга қўйгандик қадам.
Она диёрингни маҳв этган қотил
Ўқидан Киевда йиқилди отам.

У пайт биз оч, юпун, кўзимиз дардлик,
Гўдак армонимиз, ўйимиз билан
Бошоқ териб, пахта чопиқ қилардик
Кетмонга етмаган бўйимиз билан.

Ўша пок болалик кетди қайларга?..
Эй сен, битилмаган ўлмас достоним –

Малласоч, мовий кўз болакайларга
Она бўлган менинг Ўзбекистоним.

Йиллар ўтди, бизлар улғайган каби
Улғайди ёнма-ён бизнинг қардошлик.
Тошкент фалокати, Чернобиль ғами
Кўнглимизга солди яна дарддошлик.

Оламда не кудрат бордир, аслида
Эллар бирлигидан кўра кучлироқ?!
Унга битсам дейман улуғ қасида,
Баландпарвоз гапдан қўрқаман бироқ.

Қўрқаман, оталар ёди бор қутлуғ,
Мен не табаррук сўз қилардим тортиқ
Миллионлар қалбига муҳрланган руҳ,
Қон билан битилган меҳрдан ортиқ!

Азизим, шоирсан, булар барчаси
Мендан кўра кўпроқ ўзингга аён.
Шоир – ўз халқининг юрак парчаси,
Йўқ, у юрак бўлиб туғилган исён.

Жон риштамиз замин тубида боғлиқ,
Мовий кўзларингда ошкора кўрдим:
Ўзбекистон – сенинг кўксингда оғриқ,
Украина – менинг жафокаш юртим.

Қанча ардоқласам ўрмонларингни,
Гулшан боғларимни шундай суярсан.
Англайман дилдаги армонларингни,
Тупроғим дардига сен ҳам куярсан.

Она тилинг учун ғам чекиб дилда
Нола қилсанг, кўкка учар фарёдим.
Етмиш етти пуштим сўзлаган тилда
Сўзлармикин яна етти авлодим?

Мен Киевга учсам йўлимда бесас
Орол кўзгусида жимирлар куёш.
У Шевченко кўрган мавжли денгизмас,
У зор кўбузчининг кўзидаги ёш.

Ҳаёт бешафқатдир, вақт эса қаттол,
Табиатга ўтмас зулму даъволар.

Биздан мерос қолар наҳотки беҳол
Нашаванд далалар, сувсиз дарёлар?!

Йўқ! Ҳеч ишонмайман! Имон бор! Халқ бор
Метин иродалик ва олтин бошлик.
Қардошлик сидқи бор мангу устувор,
Бор азалу абад бизнинг дарддошлик.

Русмиз, молдаванмиз – замин биттадир,
Ҳиндумиз, испанмиз – биттадир ҳаёт.
Киприкда томчидек қалқиб турган ер
Бу кун сену мендан кутмоқда нажот.

Насибамиз шудир, қисмат йўқ бўлак,
Чигал, таҳликали замонамизда –
Бу дардли дунёнинг куйчиси бўлмак
Бор экан, азизим, пешонамизда.

Куйимизни куйлаб, созимиз чалиб
Ўтармиз, қолажак курраи азим.
Биз бир туп каштану мажнунтол бўлиб
Боқий дарддошликка қилармиз таъзим.

1989

СУЛТОНМУРОД

Султонмурод давлатманд одам эди. Сахий, маърифатли бой эди. Совет ҳокимияти унинг мол-мулкини мусодара, ўзини элдан бадарға қилди. Бор-йўғидан, ватанидан мосуво бўлиб узоқ элларга жўнаб кетар экан, Султонмурод алам ичида шундай сўзларни айтди.

Шафқат этмай бахтим қаро қилганлар
Шафқатга зор, бахти қаролар бўлгай.
Мени ватанимдан жудо қилганлар
Ватанда ватандан жудолар бўлгай.
Ҳеч қачон, ҳеч ерда ҳеч кимсага, бас,
Талаб олган моли буюрган эмас,
Ер-сувимни олган нобакор ул кас
Ер устида ерга гадолар бўлгай.
Соҳибли мулк – обод, соҳибсиз – вайрон.
Эгасиз биядан соғилар айрон.
Юз йил «Хўжасизлик қайдан?» деб ҳайрон
Ҳалойиқ тутгани яқолар бўлгай.

Бунда гаплар кўпу ишлар бўлгай оз,
Эл маъруза егай ва кийгай қоғоз,
Юртнинг эгалари мудом ваъдабоз,
Ишларида юз минг хатолар бўлгай.
Ерида заҳр унар бўлгай бу ўлка,
Жафоларга кўнар бўлгай бу ўлка,
Камоли беҳунар бўлгай бу ўлка,
Дўконида ўтмас матолар бўлгай.
Бенамоз, бехудо, бедин бандалар
Устидан шайтонлар қилгай хандалар,
Имон, эътиқоди парокандалар
Бошида кичкина худолар бўлгай.
Ҳукумат! Қотилинг ўзингдан чиқар,
Адил чинорларинг қўпорар, йиқар,
Лак-лак сургун қилар, зиндонга тиқар,
Бошингда туганмас жазолар бўлгай.
Юртбошилар оқил эса, ҳойнаҳой
Эл ҳоли бунчалар бўлмас эди вой,
Инсон бой бўлмаса халқ бўларми бой?
Саволим авлодга нидолар бўлгай.

Султонмурод шу сўзларни айтиб, отга қамчи босиб, Олатоғдан ошиб Қашқарга равона бўлди...

1989

РАИС ВА ШОИР

Пиллакор раиснинг даъвати ила
Шоир меҳмон бўлгач, қишлоққа келиб
Мадҳ ёзди юксак шеър санъати ила
Пиллани тиллага қофия қилиб.

Йил ҳам ўтгани йўқ, меҳмондўст раис
Чорвадор колхозга ўтганин билиб
У қасида ёзди қалби тўла ҳис
Туяни бияга қофия қилиб.

Раис ишдан кетди, у энди собиқ,
Шоир хабар олмас назарга илиб.
Энди у шеър ёзар услубга содиқ
Раисни даюсга қофия қилиб.

1989

УЗОҚҚА БОРМАДИК АНДИША БИЛАН...

Узоққа бормадик андиша билан,
Тил топа олмадик ҳамиша билан.

Одамзодга дўст ҳам ёв бўларкан тил,
Кўприк бўларкан ҳам ғов бўларкан тил.

Олисга етмасдан ўчди унимиз,
Чунки бегонага қолди кунимиз.

Гул бўл, тиканак бўл – чаманингда бўл,
Булбул бўл, қарға бўл – ватанингда бўл.

1989

ҚЎҒИРЧОҚЛАР

Қўғирчоқ эмасмиз, дердилар аввал,
Ошкоралик даври бўлиб тобора –
Энди улар ўйин кўрсатган маҳал
Иплари кўриниб турар ошкора.

1989

ДАВЛАТ ИШИ

«Мамлакатимизда никоҳга, асосан, инқилобдан кейингина давлат иши деб қаралди».

«Никоҳ ва оила» китобидан

Икки жон қовушса юлдузлар огоҳ.
Бу қисмат амридир, чарх гардишидир.
Ерга тушган чоғи осмоний никоҳ,
Чакана иш эмас, давлат ишидир.

Мана, бахт қушини бошга қўндириб,
Йигит самоларда қилмоқда парвоз.
Қувон, севганингни ЗАГСга кўндириб,
Сен давлат ишини бажардинг, шоввоз!

Чол-кампир етмиш йил тотиб ёнма-ён
Турмуш лаззатию ғам-ташвишини,

Қаранг, билмабдилар илк қовушган он
Адо этганларин давлат ишини.

Давлат иши қандоқ улуғ, мукаррам,
Авом фаросати етган эмасдир.
Мирзо Улуғбекни туққан она ҳам
Давлат ишин адо этган эмасдир.

Ерда инсон наслин қилганда пайдо,
Мангулик бадарға бўлиб жаннатдан,
Ажаб, Одам Ато ва Момо Ҳаво
Ҳужжат олмабдилар ҳеч бир давлатдан.

Нақадар ғўр экан, содда ва қолоқ
Фақат инсоф, имон йўлин тутганлар,
Бизнинг маърифатдан бўлмишлар йироқ
Қўйди-чиқди нима билмай ўтганлар.

Савод йўқлигидан тушунмай, э воҳ,
Набиралар кўрган манглайи қора
Турмуш-тақдир иши, табаррук никоҳ
Кўнгил иши, дея билди бечора.

Мана, ишқ кўкида қилган парвозинг
Муҳрлик қоғозда энди мустаҳкам.
Агар бўлмаса шу парча қоғозинг
Сеники эмасдир ўз фарзандинг ҳам.

Гар ўша қоғозда битта ҳарф хато –
Ўғил меросхўрмас ота-онага.
Қирқ йил бирга турган эр-хотин ҳатто
Ўшасиз киролмас меҳмонхонага.

Никоҳ давлат иши, бахтлар ярқироқ,
Мақтаниб оламга достон этганмиз.
Тирик етимларнинг сонида бироқ
Америкадан кўп ўтиб кетганмиз.

Наҳот буни этган инқилоб ижод!
Мана бу гўдакнинг чиқмасдан тиши
Муниса онанинг меҳридан озод,
Унинг тарбияси – давлатнинг иши.

На ишчида дастгоҳ, на деҳқонда ер,
На олимда бордир илм ташвиши.

Экмоқдир, ўрмоқдир, сотмоқ, олмоқдир –
Давлатнинг ишидир, давлатнинг иши.

Биз оламга ҳайрон, бизга-чи олам,
Бир ажиб турфа уй тиклабмиз бу кун.
Бу уйда ҳаммамиз кичкина одам,
Давлат жавобгардир ҳаммамиз учун.

Сен бойиб қолмассан тўккан билан тер,
Ўлмассан ястаниб ётсанг мабодо.
Давлат бамисоли улкан Гулливер
Митти лиллипутлар ватани аро.

Миттиларга хосдир виқор ва савлат,
Хаёлда Ер юзи хўжаларимиз.
Отамиз – Давлатдир, Онамиз – Давлат,
Бизлар инкубатор жўжаларимиз.

Лекин ким қайғурар очмизми ё тўқ?
Азизим, бефойда даъводан кечгил,
Давлат деган сўзнинг бош-оёғи йўқ,
Давлат – бу ҳаммамиз, давлат – бу ҳеч ким.

Кўнглим орзу қилар танҳо осойиш,
Менинг ҳам биргина хоҳишим бўлсин.
Ақалли ёримни бағримга босиш
Давлат иши эмас, ўз ишим бўлсин.

1989

ДЕНГИЗ ТАШЛАБ КЕТГАН КЕМАЛАР

Куни кеча эди,
Тўлқинларин
Қирғоққа уриб,
Маст туядек ҳайқириб,
Куйиклар сочиб
Кўкка сапчир эди
Бу ерда Орол.
Ўзим кўрган эдим,
Кезиб юрган эдим,
Асов бу қудратдан
Ҳайрон турган эдим.
Мана энди

Қудрат ўрнида
Ҳоким сукунатга,
Оқ қум бўлиб кўринган
Оппоқ уқубатга
Термуламан лол.
Нима қилиб қўйдик,
Сени, она денгиз,
Нималар бўлмоқда ўзи,
Нималар?
Севги ташлаб кетган юракдек,
Болаликда бизлар ишонган,
Кейин ёлғон чиққан эртакдек
Она кафтидан айру,
Бола тафтидан айру
Ўксик ва ғариб беланчакдек
Қум устида ёнбошлаб ётар
Денгиз ташлаб кетган кемалар.
Бир уйга ўт кетса
Айбдор изланар,
Бир кўзгу дарз кетса
Айбдор изланар.
Бир жонга зарб етса
Айбдор изланар.
Куйса бундоқ хонумонимиз,
Чил-чил бўлса қутлуғ жомимиз,
Бу гуноҳнинг сўроғи борми?
Борми жаллод ҳукмига қонун?
Сўриб бўлсак дарёлар қонин,
Сабил этсак заминнинг жонин,
Оқ балонинг оппоқ бўрони
Қаро қилса юртнинг осмонин,
Кулфатларнинг адоғи борми?
Гуноҳимиз сўроғи борми?
Биз олмасак табиат ёнин,
Бизда бундоқ бўлмаса қонун,
У яратган бешафқат қонун
Маҳкум қилғай бизни оқибат.
Асрамасак Оролнинг жонин,
Чил-чил қилсак ҳаво қалқонин,
Оқ қум эмас, қорлар бўронин
Ҳадя этса бизнинг адолат –
Сир-ку яна тўлиб оқадир,
Аму – Аму бўлиб оқадир
Орол яна довул қоқадир,

Аммо инсон! Не қилар инсон?
Пахта унмас бу тупроқда тек,
Ўз-ўзига сақлаб ўкинч, кек,
Денгиз ташлаб кетган кемадек
Жим-жит чўлда қоладир ҳайрон.

1989

ЮРАГИНГДА МАКОН ТУТГАН ҚУЛ

Билмам, қандоқ, не сабаб, қачон
Ҳаётингга ошно бўлган ул –
Боши эгик, бесўз, беисён
Юрагингда макон тутган қул.

Кимга даъво қилурсан, билмам,
Қайси маслак, қай тузум масъул?
Кетмас бўлиб жой олмиш маҳкам
Юрагингда макон тутган қул.

Исканжадан етим зурриёт,
Қатағондан бева қолган тул,
Кўҳна замин қаъридан фарёд
Юрагингда макон тутган қул.

Бургут эдинг, парвози баланд,
Сенга ҳам ёр зулфиқор, дулдул.
Нечук увол мусича монанд
Юрагингда макон тутган қул?

Умр қошу киприк ораси,
Гадоликдан адолик маъқул.
Қуллар ичра энг бечораси
Юрагингда макон тутган қул.

Кел, уйқулик кўзингни оч сен,
Ўз ҳолингдан қаҳ-қаҳ уриб кул.
Шундай кулки, ичингдан қочсин
Юрагингда макон тутган қул.

1991

ТУШУНГАН ОДАМ

Кимга ҳасрат қилсам бағримни ўйиб,
Кимдан юрагимга тиласам малҳам,
Оҳиста елкамга қўлини қўйиб,
Юпатар: сен ўзинг тушунган одам.

Гоҳида аламим сиғмай кўнглимга,
Шеър бўлиб тўкилар ва лекин, эй воҳ,
Қайга борсам шеърим қайтар қўлимга,
Тушунган одамсан, дунёдан огоҳ...

Ҳайҳот, дейман, адлинг шуми, эй Худо,
Шундоқ чизилганми тарҳингда олам?
Ногоҳ фалакдан ҳам қайтар акс садо,
Ахир сен тушунган одамсан, болам.

1991

ҚИТЪА

Истасанг тоза кўнгилга қўнмасин зарра ғубор,
Пок сўзу пок иш ва пок дил,
пок хаёл бўлмоқ керак.

Жисму жонимга, десанг, бегона бўлсин хасталик,
Ишқ завқу дарди бирлан хастаҳол бўлмоқ керак.

Қалбга истарсан шифо гар, бўл ёмон сўздан йироқ,
Карвалол ичмоқ керакмас, кар ва лол бўлмоқ керак.

1991

БИЗГА СЎЗ ТЕГДИ КЕЧА

Вале барча рост ҳам дегулик эмас.

Алишер Навоий

Катталардан ортди минбар,
Бизга сўз тегди кеча,
Сўз тегиб шод бўлдик, аммо
Сўзга кўз тегди кеча.

Рост билиб нобоп сўз айтдик,
Таъна, дашномлар ёғиб,
Бизга калтакдан иборат
Ризқу рўз тегди кеча.
Мажлис аҳли ўзгаларга
Ёпди мақтов бахмалин,
Бизга сарпойи сазо –
Қарғишли бўз тегди кеча.
Яхшидир ҳар кимса гар
Ҳар ерда қилса ўз ишин,
Мисли деворзан ишига
Кавшдўз тегди кеча.
Тавба қилдик, мажлисингиз
Бизсиз ўтсин энди, бас,
Янглишиб бордик-да, янглиш
Бизга сўз тегди кеча.

1991

ТОЖИК БИРОДАРИМГА

Биз икки ёндош элга,
Қариндош, қондош элга,
Жондош, имондош элга
Фарзанд бўламиз, дўстим.

Шажарада томирмиз,
Тиёншонмиз, Помирмиз.
Нечун ўздан тонурмиз.
Баланд бўламиз, дўстим.

Беруний, Ибн Синога,
Жомийдек пок сиймога,
Навоийдек даҳога
Дилбанд бўламиз, дўстим.

Ширу шакар азалдан
Тотли бизга асалдан,
Бир байт каби ғазалдан
Пайванд бўламиз, дўстим.

Қонлар олуд еримиз,
Ёв кўксида тийримиз.
Биримиз ўқ, биримиз –
Каманд бўламиз, дўстим.

Ўртамизга кўп нифоқ
Солмоқ бўлдилар, бироқ
Асли биз эт ва тирноқ –
Монанд бўламиз, дўстим.

Бир заминда дон экиб,
Бир ватанда жон чекиб,
Дўст ғамига қад эгиб
Дардманд бўламиз, дўстим.

Биз хуш ният меъморлар,
Қулаб эски деворлар
Яйраса дўсту ёрлар,
Хурсанд бўламиз, дўстим.

1977–1991

* * *

Қизим, бахтли кунда дунёга келиб,
Умрим осмонини безаган моҳим.
Қувончим, эрта-кеч ниятлар қилиб,
Дедим, тўйларингни кўрай, илоҳим.

Тетапоя юрган чоғларингда ҳам
Меҳр тўла кўзим тикиб бўйингга,
Дедим, юрагимда қолмас эди ғам,
Қизалоғим, етсам бахтли тўйингга.

Шукрким, ниятим бўлдию йўлдош,
Иқбол шундоқ кунни насибим этди.
Тўйингга етдиму, воҳ, шашқатор ёш
Кўзимдан дувиллаб тўкилиб кетди.

Қиз ўстирган ота толеи шудир,
Меҳри риштасини боғлаб жонингга –
Ардоқлаб, эркалаб улғайтгач, охир
Меҳмон бўлиб қолар хонадонингга.

Кўнарман, не илож, умрингга оқ йўл,
Кўзларим севинчнинг ёшига тўлсин.
Дуога қўл очдим, эркам, бахтли бўл,
Янги хонадонинг муборак бўлсин.

1990

Ҳажв дафтари

ШАҲАРМИ БУ, ҚИШЛОҚМИ БУ?..

(Воқеий шеър)

Кўп ажибдур дунё иши,
На сўнги бор, на боши бор.
Ўн саккиз минг олам бўлса,
Барининг ўз қуёши бор.
Ҳар бир фарзанд – бир отадан,
Бир дарахтдан – ҳар бир мева.
Лек оламда бир кўча бор
Карвони йўқ ёлғиз тева.
Ё у ёқмас, ё бу ёқмас,
Ё шаҳармас, ё қишлоқмас.

Ёнбошида дорилфунун.
Муз майдони – улкан сарой.
Шаҳримизнинг нақ ўзида
Бир орол бор – эгасиз жой.
Шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам
Ҳеч бир сону саноқда йўқ.
Ҳужжатларни титкилаймиз,
Ҳайрон бўлманг, ҳеч ёқда йўқ.
Ажаб макон, ҳеч ким боқмас,
Ё шаҳармас, ё қишлоқмас.

Қаердамиз – билолмасдан
Ҳар оғизга боқар бўлдик.
Биров айтар – қишлоқдамиз,
Биров айтар – шаҳар бўлдик.
Яна биров бу гап хато,
Ҳақиқатда бундоқ дейди:

Жуфт сон уйлар шаҳар бўлур,
Тоқ сон уйлар қишлоқ дейди.
Мен жуфтмидим ё тоқмидим,
Шаҳармидим, қишлоқмидим?

Анов қўшним шаҳарликдир,
Рўпарамда туради у.
Менга баъзан ҳазил қилиб
«Қишлоқи» деб юради у.
На у ёқда, на бу ёқда
Ҳеч ким бизга парво қилмас.
Шаҳар биздан юз ўгирган,
Колхоз эса аъзо қилмас.
Мағизмидик, пўстлоқмидик,
Шаҳармидик, қишлоқмидик!

Кўча чети катта майдон,
Неча йилки, қўл урилмас.
Қишлоқ бўлиб, экилмас дон,
Шаҳар бўлиб, уй қурилмас.
Ҳамма бошлиқ елка қисар,
Нега деманг, негаси йўқ.
Кенг оламнинг эгаси бор,
Бу майдоннинг эгаси йўқ.
Шаҳарми бу, қишлоқми бу,
Ё дахлсиз қирғоқми бу!

Бу атрофда боғча борми?
Боғча қани – Ҳиротдадир!
Шаҳар билан қишлоқ аро
Бу иш даъво, исботдадир.
Сенда пул кўп деса шаҳар,
Қишлоқ айтар, сенда куч кўп.
Ўрта йўлда бола-чақа,
Эртаю кеч хайлала-хўп.
Ярми балчиқ, ярми тупроқ,
Ярми шаҳар, ярми қишлоқ.

Билмадик, бу ишкал ишни
Қачон қилган қайси хўжа:
Бир генерал номи билан
Бордир бунда икки кўча.
Ўн беш ҳовли биринчи уй,
Ўн саккизта учинчи сон.

Манзилини тополмасдан
Шаҳар бўйлаб хатлар сарсон.
Асли шундай чатоқми бу,
Шаҳармн бу, қишлоқми бу?

Почтамиз бор, қўшни, лекин
Қишлоқсан деб қарамайди.
Қишлоқ айтар, узоқ йўлга
Велосипед ярамайди.
Газет келмас биз томонга,
Кимсаси йўқ оролдамиз.
Додимизни тинглар осмон,
Робинзондек аҳволдамиз.
Элдан шунча йироқми биз?
Шаҳармн биз, қишлоқми биз?

Уралдан ҳам ўтиб кетди
Бухородан чиққан олов.
Чор атрофдан бўй таратар
Зангор ўтда пишган палов.
Ўн қадамдан ўтган қувур
Бизнинг уйга келолмайди.
Чунким бу жой қишлоқ эмас,
Лекин шаҳар бўлолмайди.
Ё асфальтмас, ё тошлоқмас,
Ё шаҳармас, ё қишлоқмас.

Қишлоқ деса, на боғ-роғу
Экин-тикин, мол-ҳоли бор.
Халқининг на пода боқиб,
Ер чопгудек аҳволи бор.
Манов қўшним – фан доктори,
Чорвадорга ўхшамайди.
Бу қўшнимнинг вақти бўлмас,
Раҳбарликдан бўшамайди.
Шаҳармн бу, қишлоқми бу,
Аросат бир тупроқми бу?..

Билолмаймиз, қай мамлакат,
Қай ўлканинг мулкидирмиз.
Қишлоқ борсак – масхарамиз,
Шаҳар келсак – кулкидирмиз.
Дўстлар, бизга кўмак беринг,
Бизнинг кўча қай ёндадир!

Ёки фалак азми билан
Манзилимиз осмондадир!
Биз сутмидик, пишлоқмидик,
Шаҳармидик, қишлоқмидик!

1976

НАЙНИНГ ҚИСМАТИ

Най даставвал наво бўлиб
Кирди дилу ўйларга.
Ҳамма унга шайдо бўлиб,
Олиб кетди тўйларга.

Тўйларда у қилди нола,
Эл ундан завқ симирди.
Вақт ўтиб най –
Камтар бола
Ўзни қўйди, семирди.

Бора-бора аввалгидек
Ёнишлари қолмади.
Мухлисларнинг ҳар галгидек
Олқишлари қолмади.

Лекин тақдир уни ошно –
Қилган эди куйларга.
Сур най номин олди,
Аммо
Бораберди тўйларга.

Туғилса қай уйда гўдак,
Хабар топиб бешикдан,
Айтмаса ҳам айтилгандак
Келаверди эшикдан.

Хотин-халаж чуввос қилиб,
Болалар шод зерикмай,
Гоҳ ғийқиллаб,
Гоҳ бўғилиб,
Куйлайберди собиқ най.

Охири у қариб қолди,
Бўғилдию томоғи,

Ҳам овоз,
Ҳам кўздан қолди,
Битди тамом қулоғи.

Лек, барибир,
Ёшликдаги
Истеъдоди учун ҳам,
Ҳалол хизмат,
Пок юраги,
Пок ижоди учун ҳам –
Сақлар уни эл назарда
Ҳурмат қилиб қўяди,
Кар най катта сайилларда
Ғат-ғат қилиб қўяди.

1977

СЕН МЕНГА ТЕГМА

Бир туш кўрибман,
Кўп таажжуб туш.
Таъбири, билмам,
Хуш ёки нохуш.
Тўс-тўполон, дашт,
Чор атроф очиқ.
Борлиқ аралаш,
Олам қоришиқ.
Бебош, беэга
Турфа хўжалик.
Ҳар ким ўзига
Излар ўлжалик.
Гоҳ келар кулги,
Гоҳ кўнгил зада,
Кўнгли чоғ тулки
Товуқхонада.
Мушуклар бунда
Ухлаб семирар.
Сичқонлар тунда
Буғдой кемирар.
Қўй сўйиб, ёзиб
Тўкин дастурхон,
Қашқирни този
Қилмоқда меҳмон.

Қичқираман: ҳай,
Бормисан, чўпон!
У чиқар шошмай,
Ёпиниб чопон...
Дер: одат шундай,
Сира ғам чекма.
Мен сенга тегмай,
Сен менга тегма...
Бу қандай одат,
Бу қандай савдо!
Бу ахир, офат!
Бу ахир, бало!
У сўз демай, жим
Қўл чўзди: Қара!
Ҳайҳот, қарадим,
Бу не манзара!
Девпечак учун
Баланд сўрилар,
Асал қутида
Қовоқ арилар...
Кийиниб укпар,
Чўп ушлаб қўлга,
Қўшиқ ўргатар
Қарға булбулга.
Мен қичқираман:
Бормисан, боғбон!
Бу қандай чаман,
Бу қандай бўстон?
У дер (камондай
Қомати эгма):
Мен сенга тегмай,
Сен менга тегма...

Боғбон шундай дер,
Жўнар қошимдан.
Муздек қора тер
Қуяр бошимдан.
Шу пайт қайдадир
Янграр қўнғироқ.
Дилим айтадир:
Уйғоқсан, уйғоқ.
Бош кўтардим, воҳ,
Хайрият, тушим.
Қўл-оёғим соғ,

Жойида хушим.
Лекин бу ёқда
Чириллаб ҳамон,
Она товуқдай
Қақшар телефон.
Биламан, бугун
Кечқурун мажлис.
Мени шу учун
Чақирар раис.
Борсам, гапирсам,
Сўзларим нордон.
Мен ҳақда у ҳам
Гап айтар ёмон.
Бор менда айблар,
Биламан ўзим.
Энг сози – мен кар,
Кўрмайди кўзим.
Дедим: ҳар қалай
Терс тўнни кийма.
«Мен сенга тегмай,
Сен менга тегма».

Нетай, ўзимга
Балони ортиб? –
Ётдим, устимга
Кўрпани тортиб.
Лек тинч йўқолди,
Чақди тўшагим.
Ичим ўт олди,
Ёнди юрагим.
Йигит ғурурим
Қўлимдан тортиб,
Ўрнимдан турдим
Кўрпани отиб.
Асаб портлади,
Бўлди сабр адо.
Мени чорлади
Ички бир садо:
«Агар ҳалолсан,
Тилингни тийма!
Битсин, йўқолсин –
«Сен менга тегма!»

1977

ҚУМУРСҚАЛАР ЖАНГИ

Бир туп олма узра кеча
Жуда катта жанг бўлди,
Бошлар кетди неча-неча,
Неча оёқ ланг бўлди.

Ҳашаротлар урушгани
Даҳшат экан,
Қарадим.
Охир битта қумурсқани
Ушлаб олиб сўрадим:

– Сўйла,
Нечун бу можаро?
Нимадандир бу нифоқ?
Қумурсқалар аҳли аро
Зўр эди-ку иттифоқ?

Қумурсқавой душманидан
Узиб олган оёқни –
Туфлаб,
Одам тили билан
Тушунтирди нифоқни.

«Асли бизлар
Бир тан, бир жон,
Бир уядан чиққанмиз.
Бир чўп топсак,
Кўрсак бир дон,
Бир кавакка йиққанмиз.

Шу пайтгача бир саф бўлиб,
Не иш қилсак тенг қилдик.
Бугун бир иш сабаб бўлиб,
Уч гуруҳга айрилдик.

Кеча бир гап топди бизнинг
Тунги соқчи – тингчимиз.
Эшитдигу ҳаммамизнинг
Барбод бўлди тинчимиз.

У тун бўйи бедор бўлиб
Кўкка қараб юрибди.

Унда сонсиз дон сочилиб
Ётганини кўрибди.

Қумурсқалар бугун тонгда
Эшитиб бу хабарни,
Йўлга чиқдик ўша онда
Кечиктирмай сафарни.

Аҳд қилганга ёр дея бахт,
Тупроқ ошдик,
Қум ошдик,
Ниҳоят, шу катта дарахт
Танасига тирмашдик.

Мақсадимиз шу нарвондан
Етмоқ эди осмонга...
Аммо бир йўл
Ногиҳондан
Бўлинди уч томонга.

Бир саф йўлни ўнгга бурди,
Бошқа йўлга боқмади.
Бир саф эса чапга юрди,
Ўнг уларга ёқмади.

Мен танладим ўрта шохни,
Энг тўғри йўл менга шул.
Эргаштириб минг ҳамроҳни,
Тик осмонга солдим йўл.

Алҳол қанот қоқди дарға,
Ғазаб билан бонг урди.
Ўнгу сўлдан кетганларга,
Қайтинг, дея буюрди.

Сўнг деди:
Биз қумурсқалар
Тўғри йўлдан юрамиз.
Ким шу йўлдан юрмаса гар,
Битта қўймай қирамиз.

Бурғу чалди бизнинг подшоҳ,
Жангга кирдик баробар.
Шундан дарахт бўлди жанггоҳ,
Мозор бўлди саросар».

Диққатимни тортди шу пайт
Қанотли шоҳ қумурсқа.
Учиб-қўниб, у пайдар-пай
Чорлар эди урушга.

Қараб турдим бир нафас тек,
Сўзи қизиқ кўринди,
Яқин борсам,
Темучиндек
Кўзи қисиқ кўринди.

Узоқ-яқин тарихларга
Мени хаёл учирди.
Кўп даҳшатни митти дарға
Хотирамга туширди.
Чидолмадим.
Чертки солиб
Йўқотдим бу бадбахтни.
Сўнг
Супурги, оҳак олиб
Оқлаб қўйдим дарахтни.

1977

ЁМОННИНГ СЎЗИ

Сен яхшисан,
Мен ёмондирман,
Сен борсанки, мен омондирман.
Мени қаттол яратган ҳаёт,
Сени қилган ожиз, бенажот.
Сен – ниҳолсан, заволинг ўзим,
Сен – тириклик, мен эса – ўлим.
Кундуз бўлсанг, мен тун бўламан,
Сен бор бўлсанг, бутун бўламан.
Беомонман, лекин омонман,
Чунки сендек мен ҳам инсонман.

Бу оламнинг даргоҳи кенгдур,
Яхшисию ёмони тенгдур.
Қуёш кезиб кўкда саросар,
Нур сочади бизга баробар.
Фақат менинг қўйнимда тош бор,

Бундан сенинг кўзингда ёш бор.
Сен тутгансан кўлингга чироқ,
Мен қўйганман йўлингга тузоқ.

Мен ёмонман,
Жуда ёмонман,
Аввалига ожиз илонман,
Омон бўлса бу бошим менинг,
Боис раҳминг – қўлдошим менинг,
Бир кун бўлиб улкан аждаҳо
Бўлажакман қаршингда пайдо.
Шунда ўткир тишларим санчар
Сенинг юмшоқ кўксингга ханжар.
Мен яшайман, гарчи ёмонман.
Чунки мен ҳам бир тирик жонман.
Сололмайсан бошимга соя,
Мендан ҳужум, сендан ҳимоя.
Дунё иши шу асли, ошнам,
Ёмондан даф, яхшидан чидам.

Сен яхшисан,
Мен ёмондирман,
Сен борсанки, мен омондирман.
Тилагим, сен доим бор бўлгин,
Аммо мендан миннатдор бўлгин.
Мен бўлмасам, эй яхши одам,
Дод деб қочар эдинг дунёдан.

1978

ЮБИЛЕЙ

Раис сўз беради
Парвойи фалак.
Минбарга бораман
Гурсиллаб юрак.
Сизнинг шаънингизга
Сўз айтмоқ керак.
Тўрда ўлтирибсиз
Сиз кериб кўкрак
Умрингиз улуғлик –
Ёшига етиб.

Ўлмаган қул борки,
Ёш тўйи қилар,
Кимлигин билмаган
Ўшанда билар.
Яйрайди хусусан
Сизнинг кабилар.
Мен энди не дейин,
Ўртоқ юбиляр?
Турибман ҳайъатнинг
Қошига етиб.

Ҳамиша ёр бўлди
Сизга фароғат,
Ўзни ўйладингиз
Дунёда фақат,
Ҳеч кимга етмади
Сиздан манфаат,
Бир шогирд ўстирмай,
Эшитмай раҳмат
Келдингиз юбилей
Ошига етиб.
Мартаба, шон-шуҳрат,
Мол-давлат учун
Жон фидо этмоқни
Билдингиз қонун.
Ҳирс ила нафс бўлди
Сизга раҳнамун,
Муборак бу ёшга
Етдингиз букун
Қанча пок инсонлар
Бошига етиб.
Ҳали кўп юбилей
Кўрарсиз, дуруст.
Юзингиздан кетмас
Ҳали қизил тус.
Сиздан кўп «каромат»
Кўради улус,
Лекин «Яхши эди»,
Дейди эл, афсус,
Борсангиз қабрнинг
Тошига етиб.
Билмай тавфиқ недир,
Недир камолот,
Умр камолига

Етди бир ҳаёт.
Сиздек яшамасин
Оламда ҳеч зот,
Мендек нутқ айтмасин
Ҳеч кимса, ҳайҳот,
Касбдоши юбилей
Ёшига етиб.

1979

БИР ТАВАККАЛЧИ ДЕЙДИКИ...

Менга на суду савдо,
Бор, нима бўлса бўлсин,
Мендан қолувчи дунё,
Бор, нима бўлса бўлсин.
Ғам қилмоқ одатим йўқ,
Ўйлашга тоқатим йўқ,
Мендан сўранг таралло,
Бор, нима бўлса бўлсин.
Мендан кетарми кетса,
Менга келарми келса,
Куйдирмам жонни асло,
Бор, нима бўлса бўлсин.
Кўнглим сахога мойил,
Ҳотамлигимга қойил,
Чекдим таваккал имзо,
Бор, нима бўлса бўлсин.
Сармаст эрур хаёлим,
Ҳам файласуфман, олим,
Бир ғоя менда танҳо:
«Бор, нима бўлса бўлсин».

1982

СОФ ҲАВОНИНГ ФОЙДАСИ

Қирқ йил ҳаёт қурдик
Хотинжон билан.
Қирқ йил бир-бировга
Ёндош, мехрибон.
Уни «жоним» десам
Ҳаяжон билан,
У мени атайди
Ҳануз «акажон».
Олтмиш беш ёшимда
«Акажон» деса –
Не ажаб, мен ҳамон
Ёшликка ошно.
Ёшликнинг бир сири
Аҳиллик эса,
Иккинчиси – сайр,
Мусаффо ҳаво.
Фақат ўзимизга
Аён сиримиз,
Келишиб олганмиз
Гўшангадаёқ –
Жаҳлдан жунбишга
Келсак биримиз,
Ҳавога чиқамиз
Бошқамиз шу чоқ.
Танга даво экан
Соф ҳаво, билсам,
Неча қор, ёмғирда
Ивидим, қотдим.
Хотин билан қирқ йил
Яшаган бўлсам,
Қирқ йил соф ҳавода
Кечди ҳаётим.
Шундоқ умр кўрдик
Хотинжон билан,
У мени асради
Соғлом, навқирон.
Уни «жоним» десам
Ҳаяжон билан,
У мени атайди
Ҳануз «акажон».

1981

ЕЛИМ АЙТАР...

Елим айтар қари дарахтга:
– Тўнка бўлгур, нодон, илмсиз,
Мен етказдим сени давлатга,
Не кечарди ҳолинг елимсиз?!
Сен-ку, ўтин бўларсан бир кун,
Мени кутар ёрқин келажак.
Чунки ҳар бир амалдор учун
Муҳр керак, демак, мен керак.
Менга тўшаб бахмаллар ҳали,
Неча пўлат сандиқлар зордир.
У юксакка етиб боргани
Фақат елим бўлмоқ даркордир.
Ҳар нарсадан азиз, бообрў
Парча қоғоз бўлган дунёда –
Ишонч қадри бир пул бўлар-у,
Муҳр қадри бўлар зиёда.
Мен зарб урсам, олимдир нодон,
Зарб урмасам, инсонмас инсон.
Яшай олар жуфтлар меҳрсиз,
Қовушолмас аммо муҳрсиз.
Зўр донишлар кирар сўзимга.
Мард қалбларга титроқ соламан...
Ўшанда кел, сени ўзимга –
Даста қилиб ишга оламан.

1981

БУ КЎҲНА ҲАСРАТ

«Ё Раб, қандоқ кунга қолдик, бу нечук савдо?
Одамларда на шафқат бор, на меҳру вафо.
Йигитларда одоб йўқдир, қизлар ҳаёсиз,
Хотин зоти кун ўтказмас бир можаросиз.
Қўйиб берса эл бир-бирин ўяр кўзини,
Овбошилар эса фақат ўйлар ўзини...
Дунё охир, биродарлар, йўқ энди ҳаёт.
Куни кеча тамом бўлди охирги мамонт...»
Қадим аждод ўкинч билан чўкиб сояга,
Бу сўзларни чўкич билан ёзди қояга.

1981

МАЖЛИС ҚИЛИНГ

Вақтингиз бўш бўлса ҳам,
Бўш бўлмаса, мажлис қилинг,
Кўнглингиз хуш бўлса ҳам,
Хуш бўлмаса, мажлис қилинг,
Овчилар, сиз отгани
Қуш бўлмаса, мажлис қилинг,
Аҳли бозор, сотгани
Гўшт бўлмаса, мажлис қилинг,
Ҳеч ҳисобмас, ҳар куни
Қўш бўлмаса – мажлис қилинг.

Сиз бирор мажлиссиз ўтган
Кунни кун деб айтмангиз,
Тортинг-у ҳомуза,
Маъруза узун деб айтмангиз,
Ҳамма такрор этса бир гапни,
Нечун, деб айтмангиз,
Кўкка вовайло қилиб,
Гардуни дун деб айтмангиз,
Дод демакка сизда
Товуш бўлмаса, мажлис қилинг.

Сиз ҳам, эй тафтишчилар,
Мажлис саноғин текширинг,
Ҳам қарор, кун тартибу
Ҳужжат варағин текширинг.

Нотиқ оғзин текширинг,
Соме қулоғин текширинг,
Курси тешган нозик ул
Жойда қадоғин текширинг,
Гар жароҳат унда
Қўш-қўш бўлмаса, мажлис қилинг.
Кўрмасин деҳқон дала,
Созанда соз, шоир қалам,
Ишчи ҳам дастгоҳ ёнига
Қўймасин асло қадам,
Очмасин олим китобу
Қилмасин тажриба ҳам,
Кимки гап билмас, билар иш,
Қилсин ўлгунча алам,
Иш биларни ургани
Мушт бўлмаса, мажлис қилинг.

Гар мабодо мажлисингиз
Эртароқ бўлса тамом,
Сизга лозимдир йиғинни
Уйда эттирмоқ давом,
Хонага минбар ясанг-у
Юксалинг олиймақом,
Масала қўймоққа уйда
Бир сабаб бўлгай мудом,
Газ қозон ё ванна, ё –
Душ бўлмаса, мажлис қилинг.

Белни боғланг, бу жаҳонни
Тўлдиринг қоғоз билан.
Ўзни алданг, бўлмаганни
Бўлдиринг қоғоз билан.
Иш билан шод этмангиз ҳеч,
Кулдиринг қоғоз билан.
Ким қоғозбозликни суймас,
Ўлдиринг қоғоз билан.
Ўлмаса у ёки
Беҳуш бўлмаса, мажлис қилинг.
Сиз агар топқир эсангиз,
На фақат соҳиб сухан –
Демангиз мажлисни мажлис,
От қўйинг турли-туман.
Гоҳи суҳбат, гоҳи ҳайъат,
Давра денг, ё анжуман,

Лаҳзалик денг, ҳафталик денг,
Не десангиз жону тан,
Номи минг бўлгач,
Фаромуш бўлмаса, мажлис қилинг.

Вақт ўтар, соат ўтар
Кун ой бўлур, ой йил бўлур.
Ким у ўтган умрига
Қарсак чалур, қойил бўлур?!
Фурсат энг олий ҳакамдур,
Доимо одил бўлур,
Барча бир кун ул ҳакамнинг
Ҳукмига дохил бўлур,
Тўплангиз эс-хушни,
Эс-ҳуш бўлмаса, мажлис қилинг.

1982

СИЁСИЙ САБОҚ

Бошқармага қўнғироқ
Бўлди гараждан:
Бугун – сиёсий сабоқ.
Мана шу важдан –
Шофёрлар банд. Кечқурун
Машина бўлмас...
Майли, ой-йилда бир кун,
Осмон узилмас.
Гарчи бошлиқ ошёни
Озгина йўлмас,
Жиндак қийналса жони,
Ҳойнаҳой, ўлмас.
Билъакс, очиқ ҳавода
Мириқар одам.
Хўжайин камтар, содда,
Хўжайин – ҳотам.
Бўлмади ҳеч норизо,
Қирмади томоқ.
Ўшқирмади мутлақо:
«Қанақа сабоқ?»
Чунки масала нозик,
Шофёр – ишчи халқ.
Сабоқ эса – сиёсий!
Демак, гараж ҳақ.
Шундоқ ажиб ишлар ҳам
Бўлар дунёда.
Мана, Бек Беков акам
Борар пиёда.
Яёв юрмоқ нечоғлиқ
Ноёб неъматдир.
Вақт олтин, аммо соғлиқ
Ундан қимматдир.
Дер ўзига, ҳеч меҳнат
Битмас дунёда,
Қани энди, бўлса вақт,
Юрсанг пиёда.
Юрсанг, кўриб завқ билан
Атрофни, элни.
Ҳам бадан, ҳам кўнгилдан
Ёзсанг чигилни.
Бу не ҳаёт? Ҳамиша –
Гўё касалманд,

Уйда, йўлда, ҳам ишда
Ўриндиққа банд...
Шундай хаёл билан у
Борар лорсиллаб.
Аммо бир оз юрди-ю,
Қолди ҳарсиллаб.
Тўхтаб пича олди дам,
Бекатга келди.
Автобусда кетса ҳам
Бўлади энди.
Чарчаганда бошқа ўй
Келармн бошга?
Автобус келди,
Вой-бўй,
Контингент бошқа.
Тўлиб турфа эл келар,
Тисланди...
Лекин
Сиқиб келган елкалар
Кўтариб секин,
Миндирди беихтиёр.
Шунда тиқинда
Халқ қудратин у илк бор
Сезди биқинда.
Бу ҳам қисмат иши-да,
Бўлари бўлди.
Зўр тирсаклар ичидан
Зўрға қутулди.
Кўйлак доғ-дуғ, шим – латта.
Қошу киприк – чанг.
Дуч келган бир бекатда
Тушдию аранг –
Ёмон уят сўз келди
Бирдан оғзига,
Лекин сўкмади, деди:
«Безобразие!»
Турар йўлда у якка,
Олдда анча йўл.
Ўтган ҳар ғилдиракка
Кўтаради қўл.
Эгар мағрур бошини:
«Олиб кет мани!»
Аммо бирор машина
Тўхтаса қани.

Ҳеч кишида бўлмасин
Бундоқ кўргулик.
Ҳеч бошлиқни қилмасин
Яёв юргулик.
Елкасидан чиқар дуд,
Ранжир дамодам –
Шофёрларнинг бемавруд
Сабоғидан ҳам.
Фурсат ўтди, на қилса
Фойдасиз энди.
«Дежурка»ни чақирса
Ўларми эди.
Ё уйига қўнғироқ
Қилса-ку тайёр –
Йўлагида янги оқ
«Жигули» ҳам бор.
Оғриса-да оёғи,
Юриб боради.
Бош айланиб, томоғи –
Қуриб боради.
Ура-ура «хом калла»
Пешонасига,
Етиб келди маҳалла
Чойхонасига,
Уйигача қирқ қадам,
Ана, у ҳовли.
Лекин тўрт қадамга ҳам
Қолмаган ҳоли.
Умрида ҳеч чойхона
Кўрмаган бу зот
Шу саргузашт баҳона
Ноилож, ҳайҳот,
Лаънат ўқиб шўрига,
Ичкари юрди.
Гурс чўкди-ю сўрига,
Кўк чой буюрди.
Ёнбошлади минг йиллик
Чойхўрдай худди.
Бир оз ором олгандек
Бўлди вужуди.
Чанқоғин босди обдон,
Ростлади нафас.
Ҳа, дунё бир азобдан
Иборат эмас.

У ҳозир жаннат аро
Сезар ўзини.
Сезмас атрофнинг аммо
Ҳайрон кўзини.
Атрофда ҳар хил гумон,
Э воҳ, ажабо –
Чойхонада – каттакон,
Бунда не маъно?
Кимдир деди минг тахмин,
Фараздан кейин:
«Ишдан кетган у, тайин,
Тамом хўжайин».
«Чақув бўлган ё бошқа –
Бирор кўргулик.
Ҳа, иш тушган шўр бошга,
Аҳвол сўргулик».
Ликобчада майиз, қанд
Олиб Шокирвой,
«Янги дўст»ни қилар банд,
Узатар кўк чой:
– Амал ўзи бевафо,
Қайғурманг, ука.
Гоҳи олчи бу дунё,
Гоҳида пукка;
Мен ҳам қирқ йил давлатга
Ишлаган бўлсам,
Фақат «зав» бўлдим катта,
Энг камида – «зам».
Неча пўлат сандиқлар
Қўлимда бўлди.
Неча гўзал дўндиқлар
Қўйнимда бўлди.
Келган чоғда омадим
Бўлмадим сергак.
Бирор нарса олмадим
«Ҳайфсан»дан бўлак.
Шу-да, чархи дун иши,
Жон этсанг нисор,
Оқибатда ҳеч киши
Бўлмас миннатдор.
Лекин тер тўккач одам
Маълум ёшгача,
Чойхонанинг гашти ҳам
Жуда бошқача...
Борган сари очилиб

Сайрар Шокирвой
Текин қулоқ топилиб,
Яйрар Шокирвой:
– Сиз ҳам энди биз қатор,
Қўшилинг дарров.
Бегим куни шўрва бор,
Якшанба – палов.
Хуш кўрсангиз шахматни,
У ҳам бор, иним.
Лекин ўша ғурбатни
Суймайди жиним.
Соатлаб мук тушишга
Сабр йўқ сира.
Ғуборингни тўкишга
Энг зўри – «пирра».
Лекин анов сўридан
Бўлинг нарироқ.
Тушмас гилам тўридан
Соли бақироқ.
Қоқиб қулоғингизни
Қўлга беради.
Ушлаб олса бас сизни,
Сўзлайверади.
Зўри аммо улфатнинг
Бизларнинг улфат,
Гап бор охир: суҳбатнинг
Яхшиси – ғийбат...
Бек Беков худди қулоқ
Солгандай сўзга,
«Ҳа, ҳа», дейди-ю, бироқ
Хаёли ўзга.
Англар, аҳли чойхона
Бир шу зот эмас.
Юрагида – нуроний
Чолларга ҳавас.
Кўзлардаги хотиржам
Сокин ҳаловат
Бахш этади унга ҳам
Осуда ҳикмат.
Йирокларга элтади
Фикратнинг оти.
Кўз олдидан ўтади
Бутун ҳаёти.
Ўйлаб кўрса, эс-хушин

Таниган кундан,
Билди фақат юрт ишин,
Завқ топди шундан.
Ишлади, иш деб ёнди,
Ҳар он боғлиқ бел.
Фақат элга ишонди,
Унга эса – эл.
Ҳалол бўлди ва одил,
Ҳақ – дўсти, ёри.
Кўтарилди йилдан-йил
Пастдан юқори.
Бугун салкам министр...
Ва лекин, ҳайҳот,
Елдек ўтиб кетибдир
«Елвизак» ҳаёт.
Уф тортади бемажол,
Кўнгли бўлар ғаш.
Кунлар қуйма ғишт мисол
Бир-бирга ўхшаш.
Ҳар кун бирор топшириқ,
Ҳар кун фурсат зиқ.
Умри экан, вох, қизиқ,
Чизилган чизиқ.
Мажлис, сайлов, нутқ, якун...
Эртадан то кеч.
Ўзи учун бирор кун
Яшамабди ҳеч.
Ёшланади кўзлари,
Умр ўтибди.
Ёшликдаги дўстлари
Тарқаб кетибди...
Унга ётдир нақадар
Аҳли чойхона.
Ўзи тенги кексалар
Буткул бегона.
Манглайига қўл тирар,
«Пишмаган калла!
Тобутингни кўтарар,
Ахир, маҳалла!
Тўй қилса ким, сўроғлаб –
Кирганинг борми?
Азасида бел боғлаб
Турганинг борми?
Ё кулбанг бошқа лойдан

Солинганмиди?
Тупроғинг бошқа жойдан
Олинганмиди?
Жон тикиб халқ йўлига
Тинмадинг, бироқ –
Бир одамнинг кўнглига
Ёқдингми чироқ?
Дунё кўрган, фикри кенг,
Улуғвор, ҳотам –
Шуни ўйламабди, денг,
Министр одам.
Четдан боқиб танқидан
Ўз образига,
Хафа бўлди ақлидан:
«Безобразие!»
«Безобразие!» – деди...
Шокирвой бу он
Насиҳат қилар эди
Куйдирганча жон,
Ўргатарди: ҳар беш кун
Ҳаммомда наф бор.
Фойда қайси узв учун
Қайси доривор.
Бек Бековнинг сўзига
Қотдию қолди.
Олди уни ўзига,
Дарҳол йўқолди...

Мана, Бек Беков уйга
Қайтиб боради.
Чўмганича жим ўйга
Айтиб боради:
«Дунёда энг олий фан
Ва энг мушкул фан –
Муҳимни номуҳимдан
Ажратмоқ экан.
Ҳаёт экан зўр дарё.
Осонгина иш –
Ўша катта сув аро
Оқизоқ бўлиш.
Аввал сени ҳалимдек –
Қилиб ташлайдир.
Сўнг майдалаб минг бўлак
Бўлиб ташлайдир».
Шунча яшаб, ниҳоят,

Топди бир ҳикмат:
Тирик жонга оқибат
Боқийдир фақат:
Халқ дегани госкомстат
Рақами эмас.
У – қўшни,
хеш,
дўст,
улфат,
Тирик ҳамнафас...
Уйга кирди. Хотин лол.
Жавдирар кўзи.
Нима бўлди? Бу не ҳол?
Тинчликми ўзи?
Бек Беков дер хотиржам:
– Ҳа, энди, шундоқ...
Сабоқ бўлди, жонгинам,
Сиёсий сабоқ.

1982

ДОНИШҚИШЛОҚ ЛАТИФАЛАРИ

МАТМУСАНИНГ ҚИШЛОҒИ

Донишқишлоқ деган жой
Бордир бизнинг томонда.
Ўша қишлоқ аҳлидек
Доно халқ йўқ жаҳонда.

Жўяк тортиб томига
Макка эккан ўшалар.
Калишини перронга
Ечиб кетган ўшалар.

Юз қоп ганчни бир йўла
Сувга қорган у ерлик.
Эчкини сартарошга
Олиб борган у ерлик.

Кўриб минораларни
Ўша ерлик улуғлар

Деган: «Булар тескари
Туриб қолган қудуқлар».

Томдан бошлаб уй қурмоқ
Бўлиб тиккан ҳавоза,
Девори йўқ ҳовлига
Ўрнатган ҳам дарвоза;

Ойга чиқмоқ йўли бор,
Жуда осон деган ҳам,
Темир йўлни кўтарса,
Тайёр нарвон деган ҳам;

Машинаси бор туриб
Миниб юрган хачирга,
Хизмат қилган «Волга»си
Эшакка ем таширга;

Пашшага сопқон отган,
Қопқон қўйган чивинга,
Алмаштирган саррофдан
Ўтган кунни индинга;

Ой нурига хум тутиб,
Умид қилган пишлоқдан –
Соҳибхаёл фариштa
Ўша Донишқишлоқдан.

Донишқишлоқ қаерда?
Ўзимизнинг томонда.
Ўша қишлоқ халқидек
Доно халқ йўқ жаҳонда.

Ақл кўплик қилса, бош
Ёрилади деб ҳалак –
Бошларига донолар
Кийиб юрар чамбарак.

Содда деманг уларни,
Улар содда бўлмайди.
Кулдирса ҳам сизларни,
Ўзлари ҳеч кулмайди.

У машҳур Алдаркўса,
Калкўсанинг қишлоғи.

Ўзимизнинг қаҳрамон
Матмусанинг қишлоғи.

Китоб бўлар таърифи,
Ёзса минг бир саҳифа.
Донишқишлоқ аҳлидан
Тингланг уч-тўрт латифа...

МАТМУСАНИНГ ҚАЛПОҒИ

Қалпоқ олди Матмуса,
Қалпоқ деса – қалпоқдай.
Уни кийиб Матмуса
Йигит бўлди чақмоқдай.

Ўнта қўйга арзийди,
Ярақлаши бир жаҳон.
Бир қарасанг – сувсардек,
Бир қарасанг – олмахон.

Қалпоқ эмас – эртак у,
Қалпоқ эмас – тилла тож!
Қўйинг-чи, ресторанда
Ювмаса ҳеч йўқ илож.

Кирдилар, ўлтирдилар,
Буюрдилар аракни.
Доно Матмуса учун
Ичдилар бош қадаҳни.

Қалпоққа тери берган
Сувсар учун ичдилар.
Шундай қалпоқни сотган
Овсар учун ичдилар.

Эсланмаган қишлоқнинг
Итигача қолмади.
Мақталмаган қалпоқнинг
Ипигача қолмади.

Хўп ичдилар ўйламай
Ҳисоб-китоб қилмоқни.
Охирида пул етмай,
Топширдилар қалпоқни.

МАТМУСАНИНГ ЛАГАНИ

Матмусавой шаҳардан
Лаган олиб қайтарди.
Йўл-йўлакай ўй суриб,
Ўз-ўзига айтарди:

Бу лаганни кўтариб
Олиб борсам қишлоққа,
Хотин уни албатта
Идиш қилар пишлоққа.

Тийиб бўлмас ҳеч қачон
Бола-чақа деганни.
Улар пишлоқ талашиб
Синдиришар лаганни.

Шунда излаб чегачи
Мен нотавон бечора,
Қайта келиб шаҳарга
Бўладирман овора.

Машойихлар гапи бор
Иш кўзини бил, деган.
Ҳар юмушда эртанинг
Ҳисобини қил, деган.

Нима қилсам экан деб,
Бир дам ўйга толди у.
Сўнг лаганни синдириб,
Чегалатиб олди у.

Шундай қилиб, уйига
Қайтди оғзи қулоқда.
Ҳамма унинг ақлига
Қойил қолди қишлоқда.

МАТМУСАНИНГ ЧАРХПАЛАГИ

Полвон эди Матмуса,
Тўрт фил кучи жам эди.
Қишлоқда энг зўр, аммо
Ақли бир оз кам эди.

Матмусани шундан ҳеч
Кўзга илмас эдилар.
Қўрқсалар ҳам ундан, ҳеч –
Ҳурмат қилмас эдилар.

Бир кун деди Матмуса,
Шундай кучга эгамен.
Шуҳратим йўқ эл аро,
Беобрўман нега мен?

От кўтардим тиш билан,
Кулди фақат одамлар.
Арзимаган иш билан
Топди ҳурмат одамлар.

Мен ҳам ақлим кўрсатиб
Ҳайрон қилай ҳаммани.
Доно бўлиб бир ўзим,
Нодон қилай ҳаммани.

Бўз ариқда кўп замон
Бор эски бир чархпалак.
Кўрибдики, бир томон
Айланар у ғилдирак.

Балки минг йил нарида
Айлангандир шу йўсин.
Матмусанинг даврида
Янгилик бир иш бўлсин.

Турди бир оз ўй суриб,
Юрди шаҳдам илгари.
Чархпалакни суғуриб
Шартта қўйди тескари.

Бу ижоддан эл дарак
Топди саҳар паллада.
Жадал чопар чархпалак,
Лекин сув йўқ далада.

Ўйлар аҳли уламо
Тузатмоқнинг йўлини.
Мағрур турар Матмуса
Белга қўйиб қўлини.

Ким чархпалак косасин
Ялпоқ қилиш керак, дер,
Ким косага осма сим
Қопқоқ қилиш керак, дер.

Дер идроки энг юксак
Қашиб туриб каллани:
– Дарёни сал кўтарсак.
Сал туширсак далани...

– Йўқ, иш битмас «сал» билан!
Қишлоғимиз эрлари
Чархпалакни гал билан
Айлантирсин тескари.

– Йўқ, кучимиз ожизроқ,
Қийналмасин эл жони.
Тескарига оқизмоқ
Тўғри бўлар дарёни.

Эмиш, ҳамон қилар баҳс
Ўша қишлоқ эрлари.
Чархпалак-чи, сув бермас,
Айланармиш тескари.

МАТМУСАНИНГ ТАНДИРИ

Матмусага бир куни
Хотини: «Хой, эр, – деди.
Ҳаммада бор, менга ҳам
Тандир қуриб бер», – деди.

Пишиқ эди Матмуса,
Бошга қўйиб қўлини,
Ўйлаб топди энг арзон
Тандир қурмоқ йўлини.

Деҳқончилик – сомон, жун,
Лой қоришни билади.
Ўзи тайёр қолип-ку,
Нега пул сарф қилади?

Лойни қорди, ишлатиб –
Занг кетмону пақирни.

Сўнг офтобга чўк тушиб,
Болаларни чақирди.

Қийқиришиб болалар
Атрофида чопдилар.
Қорни, бўйни аралаш
Лойшувоқни ёпдилар.

Бундоқ тандир бўлмаган,
Йўқдир ҳеч бир китобда.
Тандирини Матмуса
Қуритади офтобда.

Қотган сари танда лой,
Ҳар бир мўйи жимирлар.
Чиғаноқ қурт сингари
Фақат боши қимирлар.

Кўп қийналди Матмуса,
Мард эмасми – чидади.
Тандир тайёр, энди мард
Ундан қандоқ чиқади?

Пилла ёрар капалак,
Қил суғрилар хамирдан.
Лек Матмуса чиқолмас
Ўзи қурган тандирдан.

Етар етти қўшнига
Унинг нола-хониши.
Маслаҳатга йиғилар
Қишлоқ аҳли дониши.

Ким дер: Э воҳ, бечора,
Ким дер: Кўринг тақдирни.
Баҳс бошланди – масала:
Бутун олмоқ тандирни.

Охир деди бош ҳакам,
Чимирганча қошини:
– Бир чора бор: арраланг
Матмусанинг бошини.

Майли, деди Матмуса,
Рози бўлмай нетайин,

Билмадинглар қадримни,
Ҳамманг жинни, бетайин.

Кессангизлар бошимни,
Мен ниятга етарман.
Бошим олиб бу ердан
Бирор ёққа кетарман.

МАТМУСАНИНГ УЙЛАНИШИ

Сафар қилди Матмуса
Олисдаги шаҳарга.
Ул шаҳарда йўлиқди
Бир ҳур пари-пайкарга.

Бўйдоқ эди Матмуса,
Узоқ турмай ўйланиб,
Қишлоғига қайтди у
Ул санамга уйланиб.

Ҳеч гап эмас бахт келса,
Айтар омад деб буни:
Уч ой ўтмай жононнинг
Яқинлашди ой-куни.

Ҳамма ҳайрон, ҳамма лол:
«Биз бир йилча кутардик,
Матмусанинг хотини
Чиқиб қолди ударник».

Не экан деб, шошилиб
Зарбдорликнинг бу сири,
Чопиб келди суҳбатга
Донишгазет мухбири.

«Биз ҳам четда эмасмиз,
Биз ҳам шерик меҳнатга»,
Деб Матмуса тиржайиб,
Қўшилади суратга.

Эртасига бу хабар
Тарқаб кетди ҳар ёққа.
Сарлавҳа ҳам чиройлик:
«Илғор ўрнак – қишлоққа».

Хат ёғилар эрлардан:
Ташаббусни қўллаймиз!
Хотинларни тажриба
Алмашишга йўллаймиз!

«Алвон-алвон шиорлар
Пайдо бўлар ҳар жойда:
«Янгиликка – катта йўл!»
«Тўққиз ойни – уч ойда!»

Ҳайъатларда кеккайиб
Яйраб юрар Матмуса.
Биз ундоқ, биз бундоқ деб
Сайраб юрар Матмуса.

Алқисса шу – баъзида
Шундай бўлиб қолади –
Биров қилиб меҳнатни,
Биров обрў олади.

ҚИЗИҚУВЧАН МАТМУСА

Оппоқ кўйлак, янги шим
Кийиб олиб байрам кун,
Уйга қайтар Матмуса
Ширин бўлиб кечқурун.

Қайтар завққа қўшиб завқ,
Ҳам куч қўшиб кучига.
Бир пайт кўрса, аллаким
Симёғочнинг учига –

Қоғоз осиб қўйибди,
Икки қатор ёзиб хат.
Ўқимоққа Матмуса
Ҳарчанд қилар ҳаракат –

У томондан қарайди,
Қарайди бу томондан.
Билмай кетса не хат бу,
Чиқа олмас армондан.

Қизиқувчан иштиёқ
Унга тинчлик бермасди.

Кўйлакни ҳам аямай
Симёғочга тармашди.

Чиқди, кўрди, ўқиди,
Ким ақлдан озибди?
«Эҳтиёт бўл, симёғоч –
Бўялган», – деб ёзибди.

Ўқидию танидан
Чиқиб кетди муздек тер,
Уйга келиб дафтарга
Ёзиб қўйди тўрт йўл шеър:

«Эй, одамлар, билишдан
Ўзингизни тийманглар.
Қизиқувчан бўлсангиз,
Янги кўйлак киймanглар!»

МАТМУСА – РАССОМ

Кўчма музей келибди
Бизнинг Донишқишлоққа.
Эшитди-ю Матмуса,
Шошиб қолди у ёққа.

Кўрди бориб мўйловдор
Қилич тақкан зотларни.
У зотларнинг остида
Гижинглаган отларни.

Айниқса, денг, аёллар,
Қараб-қараб олди у.
Боқиб баъзи суратга,
Сурат бўлиб қолди у.

Бири биридан қизиқ,
Бир-биридан зўр, аммо
Абстракт санъатга
Тушунмади мутлақо.

Деди: шу суратга ҳам
Пул тўлашар, ҳойнаҳой.
Демак, рассом иши зўр,
Демак, рассом жуда бой.

Деди: санъат ким учун?
Санъат ҳамма учунми?
Мен ҳам энди бу ишда
Синаб кўрай кучимни.

Қатъиятли – Матмуса,
У оғзига сўз олди.
Уйга келиб сандиқдан
Пайтавалик бўз олди.

Тоғорага ранг қорди,
Бўлсин учун созгина,
Қўшди тарнов сувидан,
Қўй қийидан озгина.

Қўлчўпни сиз сўраманг,
Топқирликдан камоли –
Гулдек мўйқалам бўлди
Эчкисининг соқоли.

Толдан ёғоч кесди-ю
Чорчўпни ҳам боплади.
Сўнг у турфа матога
Турфа рангни чаплади.

Қарабсизки, расм тахт,
Шартта қўйиб имзони,
Олиб келди музейга,
Лол қилгани дунёни.

Кўринарли жой топиб,
Осди уни деворга,
Аллақандай «изм» деб
Ёзиб қўйган қаторга.

Эртасига келдилар
Мутахассис ходимлар.
Яъни, ўша «изм»нинг
Пири бўлган олимлар.

Қарадилар, кўрдилар.
Ҳеч тиш ўтмас англарга.
Ким дер: Кўринг услубни.
Ким дер: Қаранг рангларга.

Бу Ғарбдаги зўр усул
Антирасм, дер биров.
Примитивизмда
Янги оқим, дер биров.

Хуллас, кўчма музейдан
Бу сурат ҳам жой олди.
Матмусага пул чиқиб,
Битта саман той олди.

Эй, ёронлар, борсангиз
Лондон, Париж, Румога,
Музейларда бир қаранг
Ўша таниш имзога.

Жилва қилиб ўзгача,
Бўй таратиб турибди.
Матмуса чизган сурат
Дунё кезиб юрибди.

МАТМУСАНИНГ ДУТОРИ

Матмуса қўй сотгани
Шаҳарга келиб қолди.
Қайтишда битта қўйнинг
Пулига дутор олди.

Уйга келгач, йўлакка
Боғлади-ю отини,
Завқи сиғмай юракка,
Чақирди у хотинни.

Мана, хотин, кўриб қўй,
Мановни дутор дейди.
Манов боғични парда,
Манов ипни тор дейди.

Манов қулоқ, бу харрак,
Яъни, эшак боладир.
Шаҳарлик уни бундай –
Бундай қилиб чаладир.

«Муножот» деб отини,
Матмуса куй чалибди.

Қулоқ солиб хотини,
Роса қойил қолибди.

Депти:
Раҳмат, шаҳарлик –
Яхши чолғу берибди.
Фақат битта нарсага
Ақлим етмай турибди.

Бир маҳал бобомда ҳам
Шундай чолғу бор эди.
Эсимдан адашмасам,
Ўша ҳам дутор эди.

Лекин у чалмай туриб,
Қулоғини бурарди.
Бармоғи ҳам манов ип
Устида югурарди.

Сен бўлсанг битта ерни
Тутганча қолавердинг.
Бир хил тинғир-тинғирни
Қўймасдан чалавердинг.

Жаҳли чиқиб Матмуса,
Хотинини сўкибди.
Кетган қўйи учун ҳам
Аламини тўкибди:

«Эй, хотин, сен эрингга
Нодон гапни деб қўйдинг.
Нима бўлди?
Ё қариб
Эс-ҳушингни еб қўйдинг?

Бобонг қўли дуторда
Югурса, югургандир.
Шўрлик керак пардани
Тополмай қидиргандир.

Энди мен чалганимда
Оғзингни юм, жим, депти.
Бобонг парда қидирган,
Мен уни топдим», депти.

Матмуса шундай қилиб,
Кўкрагини керибди.
Эрини доно билиб
Хотин ҳам тан берибди.

Алқисса шу:
Машшоқлар –
Қидиришни ташласин.
Керак пардани топган
Матмусалар яшасин!

ТАНДИР КИЙГАН МАТМУСА

Ўзи тандир қуролмай,
Кўниб охир тақдирга,
Шаҳар томон йўл олди
Матмусавой тандирга.

Тандир бозор қизиган,
У тушгача айланди
Ва ниҳоят бозорнинг
Зўр тандири сайланди.

Чертса, уч кун жаранглар,
Бир умрга етади.
Лекин уни қишлоққа
Қандай олиб кетади?

Ўйлаб кўрса, эшакка
Ортмоқнинг йўқ чораси.
Ортганда ҳам, арқонлаб
Тортмоқнинг йўқ чораси.

Аҳли бозор йиғилди,
Қизиб кетди маслаҳат.
Барчада бир шу ташвиш,
Ҳаммада шу ўй фақат.

Кенгашилди, ўйланди,
Миндирилди охири
Эшагига – Матмуса,
Матмусага – тандири.

У шод, бундоқ тадбирни
Топмас энг зўр топқир ҳам.
Ўзи яёв қолмади,
Зап ўрнашди тандир ҳам.

«Ҳайё-ҳайт» деб йўл олди
Донишқишлоқ томонга.
Мана, тандир ичидан
Қараб борар осмонга.

Ҳар қанчаки интилар
Матмуса йўл кўролмас.
Менинг уйим қайда? – деб
Одамлардан сўролмас.

Кетиб борар таваккал,
Кўкка қараб «Тангрим!» – дер,
– Мени қилма шарманда,
Эшагимга ақл бер».

Бедапоя кўрганда
Эшак шўрлик нетади?
Қишлоқ қолиб мағрибда,
Машриқ томон кетади.

Кун ботару шом тушар,
Юлдуз чиқар осмонга,
Ҳамон борар Матмуса,
Етмас манзил-маконга.

Дейдиларки, то бу дам
Йўлда эмиш Матмуса.
Боши ҳам йўқ, чеки йўқ
Чўлда эмиш Матмуса.

Аё дўстлар, адашган
Бир мўминдан кулмайлик.
Матмусадек ўзимиз
Тандир кийган бўлмайлик!

МАТМУСАНИНГ МЕҲМОНДЎСТЛИГИ

Меҳмон жуда азиздир
Донишқишлоқ томонда.
Дерлар, майли биз ўлсак,
Меҳмон бўлсин омонда.

Мана, шаҳарлик меҳмон
Қишлоқ кезиб юрибди.
Унга гўзал табиат
Маъқул бўлиб турибди.

Айниқса Тўполонсой
Меҳмонга ёқиб кетди,
Оҳ-оҳ деб сувга тушди,
Тушди-ю, оқиб кетди.

Гоҳ чўкар, гоҳ кўринар,
Дод солар: «Қутқаринглар»,
«Спасите», «даст бидеҳ»,
«О май френд, хелп ми, плиз».

Испанча, португалча,
Лотинча қичқиради.
Белни ушлаб Матмуса
Ҳайрон бўлиб туради.

«Шунча тилни ўрганиб
Бойвачча бўлармидинг?
Ундан кўра сузишни
Ўргансанг ўлармидинг».

Овози ўчганида
Сув кириб томоғидан,
Меҳмонни олиб чиқди
Ушлаб бўйинбоғидан.

«Шаҳарлик шаҳарлик-да»
Дер Матмуса кўнглида,
«Керакли арқонини
Олиб юрар бўйнида».

Қирғоққа чиқди шошмай,
Сўнг ақлини юритиб,
Арқонидан дарахтга
Осиб қўйди қуритиб.

МАТМУСАНИНГ ҚЎШИҒИ

Беиш қолди Матмуса,
Энди не қилув керак?
Бир товуққа албатта
Ҳам дону ҳам сув керак.

Бекор қолсанг ёстиқ ҳам
Ёнбошингга ботади.
Телевизорга токай
Термилганча ётади?

Оинаи жаҳонда
Куйламаган оғиз йўқ.
Ўйлаб кўрса ўзидан
Ўтадиган ҳофиз йўқ.

Ўйлади, аввал бошни,
Сўнг ёнбошни қашлади.
Тўртта одам йиғилса
Қўшиқ айта бошлади.

Эшитармн одамлар,
Эшитмасми, иши йўқ?!
«Боғ аро»ни кўтарар,
Бас, дейдиган киши йўқ.

Ўзи бўлар маҳлиё
Ўзи айтган куйларга.
Таклиф бўлса, бўлмаса
Бораверар тўйларга.

Матмуса келган ердан
Қочар бўлди одамлар,
Тунлар қулоққа ёстиқ
Босар бўлди одамлар.

Оқсоқоллар дедилар:
Бир иложни ўйлайлик.
Матмусани қишлоққа
Тўра қилиб қўяйлик.

Бўлса катта амалдор,
Курсиси баланд бўлса,
Мажлис, қабул, нутқ, сафар...
Хуллас, доим банд бўлса,

Балки қўшиқ айтишга
Вақти қолмас, улгурмас.
Амалидан уялиб
Ҳофизликни эп кўрмас...

Келишдилар, Матмуса –
Энди қишлоқ тўраси.
Кўпайиб қолди, кўринг,
Қадрдони, жўраси.

У курсида ўлтирар,
Кўлни қўйиб белига.
Яна ҳам қийин бўлди
Донишқишлоқ элига.

Кимки бирор иш билан
Ҳузурига киради –
Матмуса арз эшитмас,
Қўшиқ айтиб беради.

Чидаб сукут сақлаган
Марҳаматга эш бўлур.
Қўшиғини мақтаган
Албат иши беш бўлур.

Оқибат Матмусанинг
Касали баттар бўлди.
Саҳар бошлаб ашула
Кечгача айтар бўлди.

Оқшомлари гузарда
Авжни олиб туради.
Эшитсанг-ку хўбу хўб,
Эшитмасанг – уради.

Тўра бўлгач, бошқа хил
Овозларни йўқотди.
Мени мазах қилди, деб
Хўрозларни йўқотди.

Донишқишлоқда энди
Бошқа бирор қўшиқ йўқ.
Биргина Матмусанинг
Қўшиғига тўсиқ йўқ.

Одамлар ижирғаниб,
Қарғаб, қулоқ солдилар.
Илож қанча, охири
Ўрганиб ҳам қолдилар.

Ҳатто қўмсаб, ноёб деб,
Сўйлар бўлди халойиқ.
Матмусага ўхшатиб
Куйлар бўлди халойиқ.

Қарсак, олқиш, мадҳия
Авжга чиқиб басма-бас,
Халқ деди: бизга энди
Бошқа қўшиқ керакмас.

Ҳаммамиз бу қўшиқнинг
Фидойиси бўлармиз.
Уни айтиб яшадик,
Уни айтиб ўлармиз.

Алқисса, булбули йўқ,
Хўрози йўқ ул маъво –
Донишқишлоқда ҳамон
Янграр ёлғиз бир наво.

МАТМУСА ВА ЎҒРИЛАР

Савдо қилиб Матмуса
Қайтар экан йўлига
Тушиб қолди шаҳарлик
Ўғриларнинг қўлига.

Ечинтирдилар аввал,
Сўнг дўппослаб урдилар.
Ўчсин дея овози
Карнай чалиб турдилар.

Шу-шу, кўп йил Матмуса
Бу шаҳарга қайтмади.
Ичга ютди аламин,
Ҳеч кимсага айтмади.

Айтса нима, эл фақат
Кулги қилар эрмаклаб...

Қариганда ниҳоят
Набирасин етаклаб –

Матмуса яна ўша
Шаҳар сари йўл олди.
Бу сафар катта тўйнинг
Устидан чиқиб қолди.

Ғат-ғат карнай, ноғора
Такатумни урарди.
Матмусадан набира
Бу нима, деб сўрарди.
Бобо айтар: бу ишни
Мендан сўрма, болажон,
Бир шўрликни, ҳойнаҳой,
Қилмоқдалар чалажон...

Дўстлар кулманг, бу ҳикмат
Матмусадан қарироқ,
Ноғораю карнайдан
Юринг доим нарироқ.

МАТМУСАНИНГ АМЕРИКА ОЧИШИ

Газета ўқиб ётиб
Матмуса ўй ўйлади.
Элни йиғиб эрталаб
Шундай бир нутқ сўйлади:

«Донолар! Сизга айтай
Ўйлаган бир хаёлим.
Уни айтишдан аввал
Бордир битта саволим.

Айтинг, Америкага
Ким дастлаб қўйган қадам?
Колумбми? Йўқ! Хитойлар –
Беш минг йилча муқаддам.

Улар борган кунчиқар,
Яъни бизнинг томондан.
Сўнг бу қитъани очган
Колумб нариги ёндан.

Энди мен сизга айтсам
Мақсаду муддаони:
Бизнинг замон ном чиқар
Иш қилмоқнинг замони.

Кироийи донг таратсак
Дунёга таратайлик.
Америка очмоққа
Янги йўл яратайлик.
Киришсак Хитойни ҳам
Колумбни ҳам йиқамиз.
Шу жойдан ер кавласак
Нью-Йоркдан чиқамиз.

Лекин бизлар қазиймиз
Қишлоқнинг этагидан.
Шунда тешиб чиқамиз
Нақ Оқ уйнинг тагидан.

Жаҳонни лол қолдириб
Шуҳрат олиб қайтамиз.
Президентни шартта
Қопга солиб қайтамиз.

Жаҳоншумул инқилоб
Бундан осон ҳал бўлмас.
Ер юзида шундан сўнг
Бою камбағал бўлмас».

Матмусага қарсаклар
Остида тўн ёпилди.
Аммо-лекин баъзи бир
«Мужмал»лар ҳам топилди.

Кимдир деди: – Бу иш зўр,
Менда фақат бир хаёл:
Ер дарз кетса, иккига
Бўлиниши эҳтимол.

Биров деди: – Биз агар
Ер шарин тешиб қўйсак,
Ғўриллаб шамол юрса
Бўлмасмикин елвизак?

Ва лекин Матмусани
Ёқлаб кетди кўпчилик.
Ваҳима қилганларни
Боплаб кетди кўпчилик.

Донишқишлоқ шу кундан
Бошқа ишни ташлади.
Матмуса айтган жойдан
Хандақ кавлай бошлади.

Роса терга тушдилар,
Кун тобида, ер заранг.
Иш битай деган чоғда
Сув чиқиб қолди, қаранг.

Ишга тушди пақирлар,
Бир зум ором бўлмади.
Кечгача сув тортдилар,
У ҳеч тамом бўлмади.

Тиришдилар кун бўйи,
Эрталаб тиришдилар.
Бўлмагач, бошқа ерни
Кавлашга киришдилар.

Дониш аҳли чайир халқ,
Дониш аҳли кўп шоввоз.
Ер қазиб, сув чиқариб
Ўтди кўп қиш ва кўп ёз.

Бу меҳнатдан кўмилди
Ярим қишлоқ тупроққа.
Қолган ярми айланди
Қурбақазор ботқоққа.

Кўп вақтки, Донишқишлоқ
Мингқудуқ деб аталар.
Эл ичида Матмуса
Миркуруқ деб аталар.

Лекин у йўлдан қайтмас,
Дер, бу йўл ҳақ йўлидир.
Халқ уни танлаган, бас,
Демак, у халқ йўлидир.

Симирамиз сув келса,
Тош келса кемирамиз,
Очамиз Америка,
Сўнг уни емирамиз.

Яқинда у қишлоқдан
Келди яхши бир хабар.
Пудратга ўтганмишлар
У ерда ҳам одамлар.

Бориб кўрдим, шиддат зўр,
Умид катта, иш катта.
Ғайрат қилган бир жойдан
Тешиб чиқар албатта.

МАТМУСАНИНГ ҲАЙКАЛИ

Матмуса – буюк одам!
Матмуса зўр саркордир!
Унга, тирик бўлса ҳам,
Ҳайкал қурмоқ даркордир!

Келишдилар донолар,
Ташаббускор кўп эди.
Матмуса-чи?
У – камтар,
Йўқ демади, хўп деди.

Жуда катта шаҳардан
Чақирдилар устани.
Иш бошланди саҳардан,
Ҳа, яшавор!
Бос, қани!

Доноларда зўр ғайрат,
Доноларда куч катта.
Лекин улуғ ҳаракат
Осон бўлмас албатта.

Кимнидир харсанг босди
Кавлаганда тагидан.
Кимдир аррада кесди
Ёғоч деб билагидан.

Қоришмада бир доно
Тиззадан ботиб қолди.
Ботса майли-я, аммо
Сементда қотиб қолди.

Барибир денг минг олқиш,
Зафар қайда чекмай жон?
Саратон бошланган иш
Хуллас битди қаҳратон.

Қийқирик, ҳай-ҳай билан
Майдонга эл сочилди.
Ғата-ғут карнай билан
Кўринг, ҳайкал очилди.

Сиз бундоқ ажиб тасвир
Кўрмагансиз жаҳонда.
Матмуса турар мағрур
Яхтак, узун иштонда.

Халойиққа кўрсатиб
Бахт-саодат йўлини,
Полвон турар узатиб
Машриққа ўнг қўлини.

Чап қўлида ушлаган
Тақясини ғижимлаб.
Ёнида чайнаб юган
Эшак турар гижинглаб.

Белбоғида осиғлиқ
Носқовоғи ярашган.
Ҳаммадан ҳам попуклик
Иштонбоғи ярашган.

Таърифи адо бўлмас,
Ҳамма лолу ҳайратда.
Лекин бехато бўлмас
Зўр асар ҳам албатта.

Қўлда тақя – кўп улуғ,
Уста уни дўндирган.
Лек қўлдаги эсда йўқ,
Бошига ҳам қўндирган.

Пойабзал жуда яхши,
Фақат озгина янглиш –
Бир оёғида – маҳси,
Бир оёғида – калиш.

Эшак ҳам ўзига хос,
Бордир андак чатоғи:
Қулоғи битта, холос,
Лекин бешта оёғи.

Буларга аҳли дониш
Қилгани йўқ эътибор.
Чунки асосий янглиш –
Бошқа, улар кўп ҳушёр.

Ҳаммага ҳам жон ширин,
Ахир шафқат керак-да.
Ҳаво совуқ, изғирин,
Нега ҳайкал яхтакда?

Шу ҳолатда мисли шам
Совуқда турса уч кун,
Матмуса ҳам, эшак ҳам
Ҳаром ўлиши мумкин.

Муҳокама вақтида
Матмуса ҳам бор эди.
У ишончу аҳдида
Маҳкам, устувор эди.

Деди қатъий ва кескин:
Қайтадан қурмоқ керак!
Ҳайкал устига пўстин,
Бошига қалпоқ керак.

Эслади у жун пайпоқ,
Пахталик шимини ҳам.
Деди: қилинг қалинроқ
Эшак тўқимини ҳам.

Эл – ботир, элга балли,
Эл ҳужумга ташланди.
Матмусага ҳайкални
Қайта қуриш бошланди.

Иш бўлмади озмунча,
Кўплар бўлди қаҳрамон.
Янги ҳайкал битгунча
Ёз ҳам келди – саратон.

Мана, қуёш ўт пуркар,
Шиддат билан бир ёқда.
Бир ёқда ҳайкал турар
Поча-пўстин, қалпоқда.

Халқ кулар бу алфоздан,
Қаҳ-қаҳ, мазах битмайди.
Барча дер бир овоздан:
Бунақаси кетмайди.

Аввалгиси асли ғўр,
Хатоси бир қоп эди.
Аммо ўша эди зўр,
Ўша бизга боп эди,

Маъқулгина Матмуса
Ақли – шайинтарози.
Дер: «Кўпчилик не деса
Биз эмасмиз норози».

Яна меҳнат. Юз кунча
Тер тўкдилар беармон.
Ёзги ҳайкал битгунча
Қиш келди-ку қаҳратон...

Ким билсин бу чархпалак
Айланарди неча йил –
Қишда – ёзлик бўз яхтак,
Ёзда – қишлик шамойил.

Лекин Матмуса бир кун
Ишни шартта қилди ҳал.
Деди: тўрт фасл учун
Қуринглар тўртта ҳайкал!

Халқ унга айтди олқиш
Тўртта ҳайкал қурамиз!
Баҳору ёз, кузу қиш
Алмаштириб турамиз!

Бу воқеа юз берган
Жуда олис замонда.
Энди эл ақли теран
Донишқишлоқ томонда.

Суриштирса агарда
Халқ юз фоиз саводлик.
Олимлари шаҳарда
Қилаётир устодлик.

Бориб кўрдим яқинда
Матмуса соғ юрипти.
Энди ёзу қиш унда
Битта ҳайкал турипти.

Эслаб ўтган у ишни
Ҳангомалар қилишар.
Ҳайкал – тош,
Ёзу қишни
Фарқ қилмайди, билишар.

Лек эҳтиёт ҳар ҳолда
Зарар қилмас ҳеч қачон.
Қиш келганда ҳайкалга
Ёпиб қўйишар чопон.

МАТМУСАНИНГ ЭШАК СОТГАНИ

Матмусанинг эшаги
Айниб қолди дафъатан.
Яқинлашиб бўлмайди
На олддан, на орқадан.

Қўшқават арқонни ҳам
Узар бўлди ҳароми.
Ҳанграганда оламни
Бузар бўлди ҳароми.

Миниб бўлмас устига,
Копток қилиб отади.
Бўлди энди. Матмуса
Эшагини сотади.

Лекин қадимдан қолган
Бозордаги қоида:
Нима сотсанг, айбини
Айтиш керак жойида.

Ҳеч кимса Матмусадек
Қийин ҳолга қолмайди.
Баччағарнинг айбини
Айтсанг, биров олмайди.

Айтмасанг – яна гуноҳ!
Матмуса кўп ўйлади.
Ўйлаб-ўйлаб бозорда
Шундай дея сўйлади:

«Эшагим – арзон эшак,
Келаберсин харидор.
Ўзи эшак бўлса ҳам
Ўнта отнинг кучи бор.

Эшагим полвон эшак,
Кўп хушнафас эшагим.
Айби бўлса, биргина,
Одам эмас эшагим».

Бозор аҳли кулади:
Шунақа ҳам бўларми?
Эшак ахир эшак-да,
Эшак одам бўларми?

Бошқа айби бўлмаса,
Бундай улов қайда бор?
Эшакни олиб кетди
Арзонга бир харидор.

Қутулдим деб азобдан
Шукур айтди Матмуса,
Пулни ҳамёнга солиб,
Уйга қайтди Матмуса.

Қайтди-ю қотди ҳайрон
Ҳолат – худди кечаги.
Оғилда боғлиқ турар
Пишқирганча эшаги.

Афтодаҳол харидор
Йиғлаб турар қошида,
Қўли, оёғи майиб,
Тўртта ғурра бошида.

Матмусага дер: «Инсон!
Имонингдан қайтдингми?
Эшак сотдинг, тепади,
Тишлайди, деб айтдингми?

Эшак эмас, тўнғиз-ку,
Бу махлуқинг мени ер.
Сенда бошқа гапим йўқ,
Эшакни ол, пулни бер».

Матмуса жавоб айтар:
– Сенга эшак сотганман.
Ҳушёр бўл, деб тайинлаб
Одаммас, деб айтганман.

Энди қолма йўлингдан,
Мен билан гап талашма,
Арзон деб бир адашдинг,
Бошқа сира адашма.

Дўстлар!
Сиз ҳам Матмуса
Ҳикматин унутманглар.
Эшаклардан ҳеч қачон
Одамийлик кутманглар.

МАТМУСАНИНГ БОҒИ

Доно бўлиб Матмуса
Эл кўнглини чоғ қилди.
Донишқишлоқ четидан
Кўриқ очиб боғ қилди.

Боғ мевага кирганда
Йиғин бўлди каттакон.
Матмусага ўқилди
Минг олқишу шараф-шон.

Қишлоқ учун боғнинг ҳам
Даркорлиги билинди.
Матмусага шу кундан
Маош тайин қилинди.

Боғ бор, боғбон бор, энди
Бир раҳбар ҳам керакдир.
Иш кўрган бир улуғ зот
Тайинланди директор.

Боғ бор, боғбон бор, мана
Раҳбарлик бор, иш катта.
Секретарсиз, шофёрсиз
Бошлиқ бўлмас албатта.

Бошлиқ бўлмас албатта
Бир жуфт ўринбосарсиз.
Тўртта завга саккизта
Ёрдамчи ҳам зарарсиз.

Чўт қоқишга ўн киши,
Пул санашга қирқ одам.
Ярим қишлоқ – зампомпом,
Ярим қишлоқ – помзамзам.

Бир йил ўтгач донолар
Боғни тафтиш қилдилар.
Ўргандилар, ҳамма иш
Жойида деб билдилар.

Фақат штат қисқартиш
Заруратга ўхшади.
Буйруқ бўлди, Матмуса –
Боғбон ишдан бўшади.

Эй сиз, дўстлар, борсангиз
Бизнинг Донишқишлоққа –
Қўниб ўтинг ғаройиб,
Боғбони йўқ у боққа.

Ўзингиз бир ҳисобланг
Ходим кўпми, кумурсқа...
Кириб олинг сиз ҳам бир
Телефонлик юмушга.

1976–1991

Субҳи содиқ

ҲУРРИЯТ ТОНГОТАРИ

Ғунча очилишин зор кутиб, саҳар –
Булбул кўзларини уйқу оларкан.
Ошиқ ёр васлига интилиб йиллар,
Етганда тили лол бўлиб қоларкан.

Дафъатан чиққанда тийра гўшадан,
Нурга ожиз экан одамзод кўзи.
Ўша булбул – менман, ошиқ – ўшаман,
Мен кўзи қамашган инсоннинг ўзи...

1991

ШУКУРКИМ, КЕЛДИ ИСТИҚЛОЛ

Агарчи исмим Эркин.
Эрки йўқ, банди кишан бўлдим,
Кўзим боғлиқ, дилим доғлиқ,
Тилим йўқ, бесухан бўлдим.

Кўриб ҳайратга тушди
Бу жаҳон ҳоли паришоним,
Бамисли анкабут сўрган –
Чибин, пажмурда тан бўлдим.

Муаззам Сайҳуну, Жайҳун –
Лабида ташна лаб қолдим,
Кийинтирдим жаҳонни,
Жисми урён, бекафан бўлдим.

Чекибдур Бобуру Фурқат
Ватан ҳажрида афғонлар,
Мен эрсам, вах, не ғурбатким,
Ватанда беватан бўлдим.

Олисда, оҳ, диёрим, деб
Соғинган, эй ватандошим,
Дема сен ўзни бебахт,
Бахти йўқ аслида ман бўлдим.

Шукурким, келди истиқлол,
Умидим рост қил, Оллоҳим,
Ки, шояд беқафас булбул
Каби соҳиб чаман бўлдим.

Ишончим бор, Ватан, бир кун
Келар чин нурли давронинг,
Дегайман шунда чин Эркин,
Чин инсон қайтадан бўлдим.

1991

ЯНГИ ЙИЛ МУНОЖОТИ

Вақтнинг чопқирлигига ҳайратим тугамасдир,
Йилнинг ўтиши гўё чақнаган чақмоқ мисол.
Йил надир, умр ўзи аслида бир нафасдир,
Эшикдан кириб шу он дарчадан чиқмоқ мисол.

Беш юз йил яшар эмиш тоғ аҳли бир қабила,
Сабрни маслак билиб, қаноатни тоат деб.
Уй тикламас эмишлар биргина сабаб ила,
Шу озгина умрга ранж чекмоқ на ҳожат деб.

Бу-ку бир афсонадир, аслида аҳли олам
Одамдек яшаш истар шу беш кунлик дунёда.
Жаҳондан умид узмас умри ўтиб борса ҳам,
Ёши улғайган сари орзулари зиёда.

Болам деб ниҳол экар, набирам деб уй солар,
Мендан ҳам бирор ёдгор авлодимга қолсин, дер.
Дил тубида умрбод яшар ойдин хаёллар,
Ватаним камол топсин, миллатим юксалсин, дер.

Инсондек яшамоқнинг асли шудир маъноси,
Юрт севгиси бизларга юракдаги қондандир,
Бу муқаддас туйғуда аждодларнинг нидоси,
Ҳадис сўзи – Ватанга муҳаббат имондандир.

Имонимни бутун қил, юртимни нурафшон қил,
Пок, ҳалол йўлларингга бизни йўлла, илоҳим.
Ватаним кемасини долғалардин омон қил,
Бу поёнсиз уммонда ўзинг қўлла, илоҳим.

Юракларга меҳр сол, адоватдан қил йироқ,
Бу кунги заҳматларнинг оқибати қут бўлсин.
Эркка ташна элимнинг бахти бўлсин ярқироқ,
Осмони ёруғ бўлсин, насибаси бут бўлсин.

1992

НАВРЎЗ НАШИДАСИ

Юртим!
Илҳомимга сарчашма ўзинг,
Бирдек азиз менга ёзинг ҳам кузинг.
Бу кун баҳорингга шеър айтмоқчиман,
Ватаним, муборак бўлсин наврўзинг.

Яна олам бўлди яшил, серфусун,
Яна қизғалдоқлар очилди гулгун.
Бу йилги кўкламинг ўзгача бутун,
Ватаним, муборак бўлсин наврўзинг.

Қаттиқ қишдан чиқдинг зах тортиб, ҳориб,
Ердан чиққан каби бойчечак ёриб.
Бағрингдан муз кетди ҳамалга бориб,
Ватаним, муборак бўлсин наврўзинг.

Қир яшил, боғ яшил, бўстондир яшил,
Баҳорий либосда жаҳондир яшил,
Эрк яшил, истиқлол, имондир яшил,
Ватаним, муборак бўлсин наврўзинг.

Бошингда ҳуррият қуёшинг бордир,
Ўз Туғро, Байроғинг, Юртбошинг бордир.
Мақсадинг, ғайратинг, бардошинг бордир,
Ватаним, муборак бўлсин наврўзинг.

Ёш чинорсан, ўзни тутиб оларсан,
«Илик узилди»дан ўтиб оларсан.

Юзлаб баҳорларни кутиб оларсан,
Ватаним, муборак бўлсин наврўзинг.

Бугун далаларга қадалган уруғ,
Иншооллоҳ, ризқу баракот тўлуғ,
Эй умид ўлкаси, эртаси улуғ –
Ватаним, муборак бўлсин наврўзинг.

1992

ТУРКИСТОН БИР, ВАТАН БИР

Қадим она бу тупроқ
Туркистон бир, ватан бир.
Бизга жондан азизроқ
Туркистон бир, ватан бир.

Ал-Беруний ёди бор,
Яссавий фарёди бор,
Кошғарий ижоди бор,
Туркистон бир, ватан бир.

Тангритоғ – шамойили,
Жайҳун, Талас ва Или –
Боболарим манзили –
Туркистон бир, ватан бир.

Форобий чолғусида,
Навоий орзусида,
Шоҳ Бобур қайғусида
Туркистон бир, ватан бир.

Темур бобом туғида,
Шермуҳаммад руҳида,
Истиқлол шукуҳида
Туркистон бир, ватан бир.

Тожик – юксак Помирим,
Туркман – туташ томирим,
Қирғиз, қозоқ – бовурим –
Туркистон бир, ватан бир.
Мустафо Чўқай жони,
Чўлпоннинг шаҳид қони,

Қодирийнинг армони –
Туркистон бир, ватан бир.

Ёвлар пора қилган тан,
Хомталаш бўлган ватан.
Оҳ, бўлурми қайтадан
Туркистон бир, ватан бир.

Она ерга қулоқ тут,
Нидолар бўлмас унут.
Руҳлар айтар: она юрт
Туркистон бир, ватан бир.

1992

ЎЛКАМДА БАҲОР

Далалар уйғонди, бойчечак унди,
Заминдан қор кетди, кўнгилдан ғубор.
Ярқ этган толедай қуёш кўринди,
Ўлкамда баҳордир, ўлкамда баҳор.

Қиш узоқ чўзилди, шукур, ўтди-я,
Боқийдек туюлган музлар кетди-я,
Ивишиқ кунларнинг куни битди-я,
Ўлкамда баҳордир, ўлкамда баҳор.

Баҳорда ёшликнинг тотли бўйи бор,
Баҳор эрк сингари ёруғ ва зангор.
Ёш юртим баҳордек бўлсин беғубор,
Ўлкамда баҳордир, ўлкамда баҳор.

Баҳорнинг баҳордек феъллари бордир,
Момақалдироғи, селлари бордир.
Гоҳ сарин, гоҳ аччиқ еллари бордир,
Чунки у баҳордир, ўлкамда баҳор.

Майли-да, хуш келди, бут келди кўклам,
Тўкинлик, барака кут, келди кўклам,
Иншооллоҳ, дейлик – қут келди кўклам,
Ўлкамда баҳордир, ўлкамда баҳор.

1992

ВАТАН ҚАДРИ

Чашма қошида тиниқ сув
Қадрини билмас киши,
Сайр этиб гулшанда гулни
Кўзига илмас киши.
Вах, бу не ғафлатки инсон –
Кўксида тутмиш ватан,
Ким ватан ичра ватаннинг
Шукрини қилмас киши.
Юрт недир, юрт доғи недир,
Юртдан айрилган билар,
Англагувчи юрт фироқин
Юртда топилмас киши.
Эй ватандошим, эшит
Бобуру Фурқат ноласин,
Бесабаб андуҳ тиғида
Бағрини тилмас киши,
Билма, фарзандим, ватан ҳажрини,
Лек қадрини бил –
Ким ватан қадрини билмас,
Англа, комилмас киши.

1992

ЎЗБЕКИСТОН БОҒЛАРИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ БУЛБУЛЛАР

Бугун саҳар булбулларнинг чаҳ-чаҳидан уйғондим,
Шоҳимардон тоғларида бир яйрадим, қувондим.

Бир-бирига навбат бермай қўшиқ айтди булбуллар,
Шукр бўлсин, боғларимга яна қайтди булбуллар.

Неча замон ноёб эди ўлкамда бу тарона,
Неча замон булбулларни соғинганди Фарғона.

Томигача пахта экқан элда нетар булбуллар,
Осмонидан заҳар ёққан юртдан кетар булбуллар!

Чаманзорлар шудгор бўлса булбул қандоқ яйрасин,
Эрк қушчаси эрк йўқ жойда қандоқ қилиб сайрасин?

Мана, бу кун боғларимга қайтиб келди булбуллар,
Ҳур Ватанга ҳур қўшиқлар айтиб келди булбуллар.

Мен ҳам энди қаламимни шеърлар учун чархлайин,
Бу сеҳрли таронани ғазалларда шарҳлайин.

Бугун саҳар булбулларнинг чаҳ-чаҳидан уйғондим,
Шоҳимардон тоғларида бир яйрадим, қувондим.

Чаманларда шўх сайрасин, завққа тўлсин булбуллар,
Қайтмас бўлиб ватанимга келган бўлсин булбуллар.

1992

ВАТАН, ТО ТАНДА ЖОНИМ БОР

Ватан, то танда жоним бор,
Сенингдирман, сенингдирман,
Таним хок ўлса ҳам сен ёр,
Сенингдирман, сенингдирман.
Жаҳон кенгдир, фалак кенгдир,
Юрак кенгдир, чу сен борсан,
Сенингсиз икки дунё тор,
Сенингдирман, сенингдирман.
Менга бегона элларда насиб гар
Ўлса юз роҳат
Чекай бағрингда минг озор,
Сенингдирман, сенингдирман.
Агар шодликларинг оздир,
Менингдирсан, менингдирсан,
Магарким ғамларим бисёр,
Сенингдирман, сенингдирман.
Бугун бор, эрта йўқ жисмим,
Валек руҳим учун мангу
Сенинг мангулигинг даркор,
Сенингдирман, сенингдирман.
Сенинг ишқинг билан ёндим,
Кетар жонимда бу оташ,
Сенингдирман, яна такрор,
Сенингдирман, сенингдирман.

1992

* * *

Қадаминг муборак бўлсин, янги йил,
Умрим дафтарининг шероз йили бўл.
Умид манзилини бизга яқин қил,
Юксалиш йўлининг оғоз йили бўл.

Баҳор ёмғир бўлиб баракангни соч,
Ёзда офтоб бўлиб толе юзин оч,
Кузинг тўкин келсин, бахтинг боривож,
Озод Ватанимга парвоз йили бўл.

1993

КЕЛ, ЭЙ БОБУР, ВАТАНГА...

Кел, эй Бобур, ватанга,
Элда ёдинг, қадру шонинг бор,
Табаррук бул заминингда
Ҳаёти жовидонинг бор.

Соғинчинг, орзуйинг,
Кўз ёшинг, армонларинг бунда,
Жаҳонга сиғмаган
Шоир хаёлинг, бир жаҳонинг бор.

Бу юртнинг лолазорига
Сочилгандир юрак қонинг,
Шафақларда фалакни
Ўртаган ўтли фиғонинг бор.

Замонеким, низолардан
Тўйиб тарки ватан қилдинг,
Муродинг энди ҳосилдир,
Замони алъамонинг бор.

Элинг, алҳамдулиллоҳким,
Асоратдан халос бўлган,
Гўзал юрт Андижонинг,
Анда руҳинг, анда жонинг бор.

Кел, эй Бобур, ғазал ёз,
От миниб кез шоҳ Бобурдек,
Неча Бобур каби наслинг
Баҳодир, паҳлавонинг бор.

1993

ҲОЖИ ОТА МАРҒИЛОНИЙ СЎЗИ

Етмиш йиллик умрим ўтди хорижда –
Юздан ошган Ҳожи отанг бўламан.
Ўлолмадим Истанбулда, Порижда,
Она юртдан айру қандоқ ўламан?

Қандоқ кетай ватанимни кўрмай ҳур,
Илҳақликдан зўр дунёда ҳеч дард йўқ.
Мана, етдим муродимга, минг шукур,
Энди, болам, ўладиган номард йўқ.

1993

ЁШ ШОИРГА

Тилай ғайрат сенга, ёш шоир укам,
Фазлу ҳикмат сенга, ёш шоир укам.
Биз ҳам куйлаб ўтдик имконлар қадар,
Энди навбат сенга, ёш шоир укам.

Мустақил ҳур маъво сенингдир, сенинг,
Озод, эмин садо сенингдир, сенинг.
Биз шивирлаб айтган туйғуни энди
Куйлаш ошкоро сенингдир, сенинг.

Нафосат юртига посбон бўл, ўғлон,
Тили шамшир, кўкси қалқон бўл, ўғлон.
Аввало шоир бўл, ундан ҳам аввал
Шу юртга ўғлон бўл, ўғлон бўл, ўғлон.

1993

МАСКАНИМ ФАРҒОНАДИР

Бу ватанда бир макон бор, мен учун бир донадир,
Кўҳна Туркистон садаф бўлса, у ер дурдонадир,
Ким парихона деб айтар, ким учун Парконадир,
Шеърият таърифида уйқудаги жононадир,
У менинг уйғоқ диёрим ўктаму мардонадир,
Масканим Фарғонадир, Фарғонадир, Фарғонадир.

Чин парилар маскани, Зуҳрою Тоҳирлар ери,
Олиму шоир, ҳунарманд, фазли нодирлар ери,
Кўп ажиб мўъжиза бунёдига қодирлар ери,
Кифтда тўн, белда қийиқ, марду баҳодирлар ери,
Мақтаниб юрдим жаҳонда, менга бу юрт онадир,
Масканим Фарғонадир, Фарғонадир, Фарғонадир.

Кечмишинг хобимга кирса, сесканиб уйғонаман,
Сочи қирқилган момом фарёдидан тўлғонаман,
Шоиринг ёзмиш: «Шул айбим – мардуми Фарғонаман»,
Шукрларким, бу алам андуҳига бегонаман,
Эл аро фарғоналикман, деб ғурурим қонадир,
Масканим Фарғонадир, Фарғонадир, Фарғонадир.

Масканим Фарғонаю кўҳна Самарқанд ҳам маним,
Хоразм фахрим, Наманган–меҳриму жоним-таним,
Ёшлигим ардоқлаган Тошкент кўнгилдан севганим,
Андижон, Сурхон, Бухоро–ўз чўлим, ўз гулшаним,
Лек десам Фарғона, дилда ўзга оташ ёнадир,
Масканим Фарғонадир, Фарғонадир, Фарғонадир.

Мустақил, тинчу омон юртим саодат ўлкаси,
Келмасин бошига ҳеч ранжу балолар кўлкаси,
Ризқи бут бўлсин унинг, ер кўрмасин ҳеч елкаси,
Янграсин оламда мен ҳурман деган озод саси,
Бу замин обиҳаёт бирла тўлуғ паймонадир,
Масканим Фарғонадир, Фарғонадир, Фарғонадир.

1995

ФАРҒОНА ЙЎЛЛАРИДА

Дейдиларки, эр кишининг
Уялгани – ўлгани.
Фарғонанинг йўлларида
Қувиб ўтдик «Волга»ни.

Довон ошиб, шамол бўлиб
Учар бизнинг «Жигули»,
«Жигули»мас, нақд «Бойчибор»,
«Ҳавопаймо» дегули.

«Жигули»да биз – тўрт улфат,
Дунё билан иши йўқ.
Ўзимиздан жуда мағрур,
Бизга етар киши йўқ.

Кечқурунги базми жамшид –
Тўйга шошиб борамиз.
Кўринган ҳар ғилдиракни
Қувиб ошиб борамиз.

Бир пайт бизнинг жайрон тойни
Билолмадик не сабаб,
Пачоққина «Запорожец»
Қувиб қолди, воажаб.

Ўзмоқ бўлиб йўлни гоҳ сўл,
Гоҳи ўнгга солади.
Тумов бўлган хўроз каби
Бибилдоғин чалади.

Бизлар эса бўш келмаймиз,
Мингга қўйиб босамиз.
Қий-қийлашиб, тил кўрсатиб,
Масхаралаб қочамиз.

«Запорожец» нима бўпти,
Қувиб ўтдик «Волга»ни.
Бос, дер Парпи, эр кишининг
Уялгани – ўлгани.

Рихситилло қичқиради:
«Тоғорангни нари ол».
Эгамберди қаҳ-қаҳ урар:
«Эски қумғон, яхши қол!».

«Запорожец» чидамади,
Тўрт улфатни гангитиб,
Шартта йўлни қирга солди,
Ҳаммаёқни чангитиб.

Тариллади, вариллади,
Қувиб ўтди, воҳ, қаранг!

Қувиб ўтиб машинани
Йўлга қўйди кўндаланг.

Биз тўхтадик. Йўл беркилган.
Ўтишга ҳеч имкон йўқ.
Тўртов ҳайрон ўлтирибмиз,
Тиззаларда дармон йўқ.

«Запорож»дан чиқиб келди
Фарғоналик барзанги.
Барзангининг ҳар елкаси
Нақд Чотқолнинг харсанги.

Белбоғига осиб олган
Пичоғи ҳам бир қулоч.
Қалтирармиз, олдга йўл йўқ,
Қайтишга ҳам йўқ илож.

Машинани ташлаб қочсак
Қаерга ҳам кетармиз?!
Битта-битта ушлаб олиб
Чавақласа нетармиз?!

Ана, қаддин ростлади у,
Сўнг атрофга аланглаб –
Бизга қараб аста юрди
Кинг-Конг мисол лапанглаб.

Шу пайт илож бўлса эди
Биз тўрт аканг қарағай,
Тошкентгача қочар эдик
Орқамизга қарамай.

Яқин келди, салом берди,
Эртакларда дейдилар:
Девлар аввал салом бериб,
Кейин тутиб ейдилар.

Деразадан қўлни тиқди.
Улкан, жундор, даҳшат қўл.
«Сўрашайлик» демаганда
Додлар эдик, энгил ҳўл.

Гулдираган овоз билан
Гап бошлади: «Минг узр.
Йўлингизни тўсиб сизни
Қилган бўлсам беҳузур.

Машинангиз ғилдираги
Бўшаётир, акалар.
Мотордан ҳам мой кетганга
Ўхшаётир, акалар.

Шуни айтиш учун қувиб,
Йўлни тўсдим, кечиринг!
Энди ўзим кўриб берай,
Мотор ўтин ўчиринг».

Шундай дея кириб кетди
Машинанинг тагига.
Сўнгра чиқиб насос урди
Орқа ғилдирагига.

Сеҳрланган одамлардек
Турар эдик биз ҳайрон.
Қарашайлик десак қўймас:
«Фарғонага сиз меҳмон».

Иш ораси латифалар
Айтиб яна кулдирди.
Хуллас, шу кун деҳқон йигит
Бизни тирик ўлдирди.

Ишни созлаб, ариқчада
Ювар экан қўлини,
Сўраб борар манзилимиз,
Айтди яқин йўлини.

Сўнг бор қараб машинага,
Ён кўзгуни тузатди.
«Оқ йўл», деди, ўзи кетмай
Аввал бизни кузатди.

«Хайр, қамчи босинг, энди
Тойчоғингиз ҳеч толмас.
Бизнинг эски қумғон тугул
Самолёт ҳам етолмас».

Йўлга чиқдик изза бўлиб
Қип-қизариб, шарманда.
Энг ёмони кейин бўлди –
Тўйхонага борганда.

Остонада ўша йигит
Бизни кутиб турарди.
Қўлда қумғон, елкасида
Сочиқ тутиб турарди.

Кўзи кулиб боқар эди,
Сир бермасди у бироқ.
Бундан кўра бизни тутиб
Урса эди яхшироқ.

Ўзимизга аён шу кун
Бўларимиз бўлгани.
Дейдиларки, эр кишининг
Уялгани – ўлгани.

1996

ДЕМАНГ, ШОИР ТИНИБ КЕТДИ

Деманг, шоир тиниб кетди,
Сиёсатга иниб кетди.

Ва ё айтмангки, мўрт толдек,
Шамолларда синиб кетди.

Сиз, эй лутф бахрида ғаввос,
У сизни соғиниб кетди.

Деманг, шоир жимиб кетди,
Ғазал ёзмай тиниб кетди.

Тиниб кетса, билингизки,
Ёғоч отга миниб кетди.

1996

МУБОРАКБОД

Икки ёнбағирдан тушган қўш ирмоқ
Бирикиб сой бўлиб оққани каби,
Қамар кўзгусию қуёш шуъласи
Учрашиб ой бўлиб боққани каби,

Қарчиғай кифтида туташ қўшалоқ
Қанотин фалакда қоққани каби,
Заминда учрашиб офтоб билан сув
Замин кўксига гул таққани каби,

Ғижжак торларида учрашган симлар
Куй бўлиб дилларга оққани каби,
Шеър узра туташган қалам ва қоғоз
Юракларга олов ёққани каби,

Бу кун икки юрак – икки кабутар
Бир севги навосин чалмоқда хассос.
Икки чаманзорнинг икки чечаги
Бир янги гулшанга солмоқда асос.

Бу гулшан уйингиз муборак бўлсин,
Муҳаббат тўйингиз муборак бўлсин.

1996

КЕКСАЛИК ГАШТИ

Қарилик гаштини мақташдан кўра,
Мухбир болам, уни бизлардан сўра.
Мана, биз бу гаштни сураётирмиз,
Эрталаб инқиллаб тураётирмиз,
Оғриқдан қақшаган белимиз силаб,
Кавушимиз судраб, чунон имиллаб,
Белимиз чангаллаб юраётирмиз,
Қарилик гаштини сураётирмиз.

Билакдан куч кетган, кўздан эса нур,
Пашшамизни зўрға қўраётирмиз.
Бир маҳал оқ уриб қилардик ҳузур,
Энди валокардин ураётирмиз.
Келар ичимиздан хўрсиниқ чуқур –

Асқар тоғ эдик-ку, нураётирмиз.
Кўнамиз, не илож, шунга ҳам шукур,
Ҳар қалай кўз тирик, кўраётирмиз,
Қарилик гаштини сураётирмиз.

Қариликни ҳавас қилмагин, болам,
Ёмон кўринади кўзингга олам.
Қариганда ачиб қоларкан одам,
Баъзан бобов бўлиб ҳураётирмиз,
Қарилик гаштини сураётирмиз.

Қарилик гашт эмас, юлғунли дашт ул,
Қарилик тикандир, ёшлик эса гул,
Ёшликка не етсин, у ўзи маъқул,
Ёшлик хазинадир, қарилик – бир пул.
Йигитларга айтар насиҳатим шул:
Ёш ёшликда ёшлик гаштини сурсин,
Кексалик ҳам келар, уни ҳам кўрсин,
Ҳозирча қаришга шошмасдан турсин –
Белангиси қурсин, йўтали қурсин.
Агар маъқул бўлса фахрий деган ном
Барча нишонимиз олиб, бир оқшом
Ёшлигини бизга қарз бериб турсин.
Қарилик гаштини мақташдан кўра,
Мухбир болам, уни бизлардан сўра.

1996

ШАХМАТ УСТИДА АЙТИЛГАН ШЕЪР

Мен эркак ўрнида туришим керак,
Ё хотин измига юришим керак.

Хотиннинг, тўй, лозим омадаси кўп,
Ҳа, деса лаббай, деб туришим керак.

Ҳа, деса лаббай, деб туришим учун,
Уйимда пул завод қуришим керак.

Уйимда пул завод қура олмасам,
Энг катта банкани уришим керак.

Энг катта банка ҳам қўлдан келмаса,
Ҳа, деса шалвираб туришим керак.

Шалвираб турувчи эркак бўлгандан
Йўқ бўлиб дунёдан қуришим керак.

Дунёдан йўқ бўлиб кетмаслик учун
Мен эркак ўрнида туришим керак.

Яъни эркакларнинг ишини қилиб,
Масза қилиб шахмат суришим керак.

1996

КУЗАТИШ

Маъсум кўзларингда севинч бир олам,
Мурғак кўнглинг ичра дунё ҳаяжон.
Бугун қўймоқдасан мактабга қадам,
Мустақил юртимга тенгдош болажон.

Отанг ғурурланар, онанг билмас тин,
Бувинг бўйларингдан юз бор айланди.
Янги ҳаёт сенга муборак бўлсин,
Озод ватанимнинг озод фарзанди.

Биринчи сентябрь, биринчи наҳор,
Биринчи қўнғироқ, биринчи таълим.
Осмонинг беғубор, дилинг беғубор,
Бахтли кун дунёга келган асалим.

Сени кузатаркан, ойижон эмас,
Фаришталар сочинг тараб турибди.
Хаёлимда шу бир хонадон эмас,
Олам йўлларингга қараб турибди.

Ойдин истиқболинг, иқболинг билан
Кўнглимнинг энг ширин хаёлидирсан.
Ниҳолсан, эртанги камолинг билан
Умидлар юртининг тимсолидирсан.

Кўнглим тўла сенга ҳавас ва зиё,
Ўзинг ўз, сўзинг сўз, мутелик абас.
Ўзга тил, бегона маслагу маъво
Энди сенга азиз, мукаррам эмас.
Ҳур мамлакат сенинг, ҳур юрак сенинг,

Буюк тарих сенинг, сенинг замонанг.
Инқилоб зурёди эмас ватанинг,
Қуллукдан бошланмас миллий таронанг.

Шукур, шундоқ кунга етказди тақдир,
Ёруғ пешонангдан, кел, битта ўпай.
Юксакларни кўзла, қарчиғай ахир
Полапон бўлса ҳам зоти қарчиғай.

1998

ТОШКЕНТ ДАРБОЗАСИ

Менинг юртим бугун энди
Жаҳон бирлан туташгандир,
Туташ тақдир, туташ руҳдир,
Туташ жондир, туташ қондир.
Недир хат порлагувчи
Пойитахт дарбозаси узра,
Бу юртга хуш келибсиз,
Марҳабо, «Welcome to Tashkan»дир.

1997

БОҚИЙ ХОТИРА

Ўйлайман, очилса ҳар йил навбаҳор
Мовий кенгликларда алвон лолалар,
Булар лола эмас, ёт элларда зор
Лолага айланган аскар болалар.

Ўйлайман, офтоб уйғониб саҳар,
Кунчиқар уфқига тикканда ялов,
Бу гулгун шафақмас, осмонга қадар
Бевалар оҳидан туташган олов.

Ўйлайман, ҳар кеч шамс етса заволга,
Борлиқнинг тугамас мотами ростдир.
Тун эмас, оналар эгнида қолган
То маҳшар ечилмас қора либосдир.

Юр, болам, Майдонга борайлик бугун,
Қўлингда дона гул яноғингдек ол.
Бу гул сенинг бахтинг, шод кулгинг учун
Фидо бўлган бобонг қалбига тимсол.

Йўқ, сен ўзинг гулсан, ватанинг – чаман,
Улғай, асл зотинг унутма сира.
Билки, қадр билмак аслида – ватан,
Ватаннинг маъноси боқий хотира.

1998

* * *

Сиз менинг осмоним, моҳитобимсиз,
Моҳитобим эмас, офтобимсиз,
Ишончим, қувончим, юпанчим, яна
Соғинчим, ўкинчим, изтиробимсиз.

Сиз менинг қалбимсиз, қалбимдаги шеър,
Битмоқ орзу қилган бош китобимсиз.
Севгим, умрим, яна умрим давоми,
Бахтим, роҳатимсиз ва азобимсиз.

Сиздан шодлик кўриб кўзларимда нур,
Алам чексам майли, шунга ҳам шукур,
Бу дардли дунёда яхшики борсиз,
Борлигингиз учун сизга ташаккур.

1998

АСКАРИНГМАН, ОНА ЮРТИМ!

Бу дунёда яхши, ёмон кунлар кўрдим,
Ўкинчим йўқ, майли, йиллар қаддим эгсин.
Мен ҳамон бир аскарингман, она юртим,
Сен томонга отилган ўқ менга тегсин.

Ҳали комил атолмасман маконимни,
Бекам одил санолмасман замонимни.
Лек киприкда сақлайман бу давронимни,
Бу давронга отилган ўқ менга тегсин.

Юртим, олис йўлга чиққан карвонинг бор,
Карвонингга посбон уйғоқ сарбонинг бор,
Эл дардида ҳаловатсиз ўғлонинг бор,
Шу инсонга отилган ўқ менга тегсин.

Тонг нурисан, ватан, қалбим осмонида,
Эркинг азал аждодларнинг армонида,
Меҳринг абад авлодларнинг имонида,
Шу имонга отилган ўқ менга тегсин.

1999

ЎЗБЕК НАВОИЙНИ ЎҚИМАЙ ҚЎЙСА...

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Олтин бошнинг калла бўлгани шудир.
Бедил қолиб Демьян Беднийни суйса,
Қора сочнинг малла бўлгани шудир.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Дод демоққа палла бўлгани шудир.
Маърифатдан айру ўйнаса, кулса,
Аза чоғи ялла бўлгани шудир.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Алдангани, алла бўлгани шудир.
Юлғич азиз бўлиб, билгич хор бўлса,
Пайтаванинг салла бўлгани шудир.

Эл комил бўлмаса юрт эмас улуғ,
Бекадр маҳалла бўлгани шудир.
Қалб тўла нур халқнинг ризқи ҳам тўлуғ,
Омбор тўла ғалла бўлгани шудир.

Ўзбек ўзлигини англаса бекам,
Унинг «Баракалла» бўлгани шудир.
Оламга Навоий наслиман деган
Овози баралла бўлгани шудир.

1971–2000

УЧРАШУВ

Олмон ватанимни забт этолмаган,
Ажиб ишлар қилар бул чархи гардун.
Милтиқ эмас, қалам тутган Йоганн
Менинг кулбам аро меҳмондир бугун.

Қўлида Саъдийнинг «Гулистон»и бор,
«Шарқ-Ғарб девони»дин ўқир менга шеър.
Бунда ногоҳ икки соҳиби ашъор
Дардлашиб қолдилар – Гёте, Алишер.

Даҳоларга йўқдир замон ва макон,
Улар малак янглиғ олам боласи.
Ошиқ юракларни титратар ҳамон
Мажнун фарёдию Вертер ноласи.

Гарчи ўтиб кетмиш асрлар қатор,
Гарчи бу кун ўзга курраи олам.
Аммо ҳануз ерда ёсуманлар бор,
Ҳануз ўлгани йўқ Мефистофель ҳам.

Лайло, Маргарита соф дил тўлқини
Гоҳи харсангларда бўлади чил-чил.
Икки олам аро инсон руҳини
Ҳануз талашади Ҳақ ва Азозил.

Лекин Фарҳодгаю Фаустга армон
Меҳнат, ижод юрти бу менинг ўлкам.
Устозларим уни кўрсин деб бир он
Тўхта, эй сония, деюрман бу дам.

1999

КИЧКИНА КАТТАЛАР

Мартаба берганда феъл ҳам берса кенг,
Адлу мурувватдан қилмаса жудо.
Даргоҳи катталар бор бўлсин, лекин
Кичик катталардан асрасин худо.

Сен бирор эшикка бош уриб борсанг,
Юз бор ҳақ бўлсанг-да битмаса ишинг,

Билки, кўкси ичра қалб эмас, харсанг –
Кичкина каттадир учраган кишинг.

Сен олим бўлсангу ихтиро билан
Лол қилгудек бўлсанг агар дунёни,
Сенга йўл очгунча бир имзо билан
Кичкина каттанинг узилар жони.

Тадбиркор бўлсангу эл нафи учун
Бир тадбир ўйласанг, изласанг чора,
Улар топар албат ечилмас тугун,
Суягинг қолгунча қилар овора.

Аскар қасам ичар бўлмоққа фидо,
Табиб қасам ичар бахш этмоққа жон.
Кичкина катталар онт ичар аммо
«Фалон бўлай, сени қилмасам сарсон».

Чинор бўлсанг, улар кемиргувчи қурт,
Пўлат бўлсанг, улар емиргувчи занг.
Эй тангрим, эл унмас, қад кўтармас юрт
Кичик катталарга инсоф бермасанг.

Ҳеч кимса бўлмаган дунёга устун,
Уқбога зар олиб кетмаган одам.
Каттаю кичикнинг бошида бор кун
Келар, ахир, кичик катталарга ҳам.

Мен шеър айтдим, холос, не ҳам қилай ман,
Не илож, изтироб жонга ўт қалар.
Фақат кўнглингизга имон тилайман,
Диёнат тилайман, кичик катталар.

2000

БИР НИҲОЛ

Юртдошим, боғингга бир ниҳол қада,
Бу ниҳол номини Яхшилик ата.

Ниҳолинг ёнига бир гул экиб қўй,
У гулнинг исмини Гўзаллик деб қўй.

Гулу ниҳолингга бахш этиб ҳаёт,
Сув бер ва бу сувга Меҳр деб қўй от.

Сендан фарзандингга боғ қолсин, эй дўст,
Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст.

2000

ТАБРИК

(«Халқ сўзи» газетасига)

Дарбозам чертувчи эрта тонг билан,
Элни уйғотувчи ҳар субҳ бонг билан,
Рўзномам, ўн ёшинг муборак бўлсин,
Янги аср, янги шуур, онг билан.

Ёдимда тўқсон бир, туғилган йилинг,
Истиқлол деб дастлаб чиққанди тилинг.
Мустақил мамлакат тенгдоши бўлиб
Ватан хизматига боғланди белинг.

Мудом озод элнинг озод сўзи бўл,
Кенг оламга сергак боққан кўзи бўл.
Ҳақиқат йўлини ёритган чироғ,
Адл карвонига қутб юлдузи бўл.

Бу ён Америка, бу ён Чинмочин,
Ўзбек олам узра ёзди қулочин.
Қулоч ёзган элнинг садоси бўлиб
Юксал, темир қанот, эй мурғак лочин!

2001

РИЗҚИНГНИ ҲАЛОЛ ЭТГИЛ

Умрингни давом айлаб
Уқбони хаёл этгил,
Ақлингга калом айлаб
Кўнглингга савол этгил.

Ғайратни мудом айлаб
Ғафлатни завол этгил,
Уйқуни ҳаром айлаб
Ризқингни ҳалол этгил.

2003

ЎЗБЕК БЎЛИШ ОСОН ЭМАСДИР

Инсон ҳар ким бўлмоғи мумкин,
Ғайрат қилса, қунт қилса басдир.
Бир рутба бор оламда лекин –
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Кўп юрт кўрдим, кўп кездим жаҳон,
Кўра-кўра келтирдим имон:
Араб бўлиш, рус бўлиш осон,
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Япончилик демайди япон,
Немисчилик демайди олмон,
Ўзбекчилик бор бўлсин омон,
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Ўзбек бўлиш фидолик демак,
Роҳатидан жудолик демак,
Шаън деб, ор деб адолик демак,
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Дини – поклик, инсоф, мурувват,
Тариқати – мардлик, футувват,
Дўсти – меҳнат, ёри – уқубат,
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

У ҳаммани ўйлаши керак,
Кўнгил олиш, йўқлаши керак.
Ўзбек қачон ухлаши керак?
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Боласига макка, мош берган,
Дошқозонда юртга ош берган,
Борми бундоқ урфга дош берган,
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Битмас ишни битиргувчи халқ,
Йўқни топиб келтиргувчи халқ,
Егувчимас, едиргувчи халқ
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Оғиз очмас каму кўстидан,
Ҳасадгўй кўп лекин дўстидан,
Ошини еб кулар устидан.
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Қонда бор феъл – ҳиммати баланд,
Файз-барака шу феълга монанд.
Минг йилларни кўрган донишманд
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Ўзбек азал яралган омил,
Фанда устоз, ҳунарда комил,
Фотиҳларга дарс берган оқил
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Неча бўлиб йўқликка маҳкум,
Тилдан, диндан бўлмаган маҳрум,
Синиб, сингиб кетмаган мардум –
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Даҳрийликка асло кўнмаган,
Гаҳ деганда қўлга қўнмаган,
Жанозасиз ўлик кўммаган
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Миллат ҳисси борки, курашар,
Миллатман деб жам бўлиб яшар.
Ўз йўлини танлаган башар
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Янги аср, янги давронда,
Низоларга тўла жаҳонда,
Зўрлар тўқнаш келган маконда
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Бу идроку фаросат асри,
Кураш асри, жасорат асри,
Сабру бардош, матонат асри
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Ватанида янги бир ватан
Қураётир ўзбек қайтадан,
Осон эмас, такрор айтаман,
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Даст кўтармоқ замона юкин,
Юрт асрамоқ обод ва тўкин
Енгил ишмас, айниқса бу кун
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Шеърим битди айни тонг-саҳар,
Зуҳро майин тўкар эди зар.
Шу юлдуздек бағрида гавҳар
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.

Қалби тўла меҳру зиёга,
Эътиқоди ёлғиз Худога,
Лаббайка, деб келган дунёга
Ўзбек бўлиш осон эмасдир.
2009

КАМОЛИНГ МУБОРАК

Камолинг муборак бўлсин, истиқлол,
Йигит ёшга етган навқирон юртим.
Эзгу умид билан экилган ниҳол
Тотли ҳосилини, шукрки, кўрдим.

Шукрки, долғали йўллардан бориб,
Бу обод кунларга етдик тинч, омон.
Биз шундай яшадик: элликда қариб,
Етмишга етганда бўлдик навқирон.

2008

СЕН ДАВЛАТСАН, АЗИЗ ВАТАНДОШ!

Дўстим!
Сен ўзни кўп хокисор тутма,
Ожиз бандаман, деб эгиб юрма бош.
Юртнинг эгасисан, зинҳор унутма,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Мустақил, мўътабар мамлакат – сенсан,
Мамлакатда олий машварат – сенсан,
Халқсан, ҳукуматсан, салтанат сенсан,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Панада турмоқнинг фурсати эмас,
Бу тупроқ фақирлар турбати эмас,
Соҳиб бўл, давлатнинг мурвати эмас,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Ғайратсиз зотларга замонлар ёмон,
Жасорат йўқ ерда ёмонлар омон,
Давлат не, мардона бўлмасанг қалқон,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Диёнатли ўтган наслу насабинг,
Ноҳақликка бардош бермас асабинг,
Керагида бўлсин қаҳринг, ғазабинг,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Юрт фарзанди асли ўзи юрт бўлар,
Кўзи чақноқ бўлар, қалби ўт бўлар,
Қаторда нори бор ватан бут бўлар,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Мен деб кўкрак кериб юргувчи ўзинг,
Юртга соқчи бўлиб тургувчи ўзинг,
Буюк келажакни қургувчи ўзинг,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

2012

НОМАРДГА ТЕНГ БЎЛМА

Ичган ичмаганни ёмон кўради,
Чеккан чекмаганни ёмон кўради.
Юртидан, имону ор-номусидан
Кечган кечмаганни ёмон кўради.

Молинг сот, боринг сот, юрт сота кўрма,
Юрт сотганлар билан туз тота кўрма.
Улар тош отсалар ўкинма, севин,
Номардга тенг бўлма, тош ота кўрма

2012

ИККИ ЖАҲОННИ САДҚА ҚИЛ

Яхшилик қилма бировга кўз учун,
Яхшилик асли бировмас, ўз учун.

Ризқи рўз бердим дема, одам ахир
Келмагай дунёга ризқи рўз учун.

Не олиб кетгай бу оламдан киши,
Бори савдо икки газлик бўз учун.

Гар жаҳоннинг шоҳидурсан, зорсан
Меҳр аталган малҳаму дилсўз учун.

Жон надир, икки жаҳонни садқа қил
Дўст сенга айтган бир оғиз сўз учун.

1994

ТИЛСИМ

Аёл хатосидан кулган хатодир,
Тортишган ундан ҳам улкан хатодир.
Аёл ҳеч бир баҳсда енгилмас тилсим,
Уни фақат севиб қилурлар таслим.

1994

МЕҲМОН ВА МЕЗБОН

(Ўзбекчилик лутфларидан)

– Мени меҳмонга айтсангиз,
Туртмасангиз борай,
Юмшоқ ўрнимдан бўйрага
Сурмасангиз борай.
Қовоғингиз осиб, лабни
Бурмасангиз борай.
Томоғимга ханжар тираб
Турмасангиз борай.

Менинг учун темир қафас
Қурмасангиз борай.
Ўлар ҳолга етгунимча
Ўрмасангиз борай.

– Сиз мен учун азиз меҳмон,
Туртарканман нега?
Қовоғимни осиб, лабим
Бурарканман нега?
Юмшоқ жойдан қоқ бўйрага
Сурарканман нега?
Сизнинг учун темир қафас
Қурарканман нега?
Ким ўз меҳмонин урипти?
Урарканман нега?

– Борсам, юқори чиқинг, деб,
Мени туртасиз-ку,
Хоҳлаган жойимни бермай
Тўрга сурасиз-ку.
Паққос ошингиз емасам
Лабни бурасиз-ку,
Май ичмасам ханжар тираб
Зўрлаб турасиз-ку,
Кетай десам қўймай, темир
Қафас қурасиз-ку,
Нодонга ҳамсуҳбат қилиб
Мени урасиз-ку.

1994

«ТАРБИЯ»

Жиян тоғасига «жиннисан» деса,
Ота танбеҳ берди ўғлига секин:
Тоғанг катта одам, каттани эса
Сизлаш керак, ўғлим, «жиннисиз», дегин.

1994

ДЎСТИ НОДОНДАН КЎРА

Бўлмаса ҳушёр ёру
Оқилу содиқ жўра,
Яхшидир идрокли душман
Дўсти нодондан кўра.

Дўсти нодон дўстлигидан
Кўп жафо чекдинг, кўнгил,
Ёлбориб дўстингдан энди
Битта душманлик сўра.

Дўст топишга хом этибдир
Бизни тақдири азал,
Ғўр бўлиб дунёга келдик,
Гўрга киргаймиз ғўра.

Асли ўздин ўзга йўқдир,
Дўсти нодон, ўзга биз
Тил билан қўйдик тузоғ,
Қаздик қалам бирлан ўра.

Гар мени дўст англасанг,
Аччиқ тилимдан ранжима,
Менга душман ўз тилим,
Лекин сенга дўстдир, жўра.

Қил ўзингга дўстлик, Эркин,
Руҳингга иста нажот,
Тоза кўнгилни муҳаббат
Шуъласи бирлан ўра.

1994

КАЪБАТУЛЛОҲ

Имону намозу рўзаю закот –
Фарзин адо этмай, эл кўзи учун –
Ҳожи деган номни олмоқ бўлган зот
Қулоғига гапим, бир ўзи учун:

Нафи йўқ зар сочиб гуноҳ ювишнинг,
Раҳмон ҳам, жаббор ҳам ёлғиз Оллоҳдир.
Бир дардманд қариндош, бир муҳтож қўшнинг
Озурда юраги Каъбатуллоҳдир.

1999

ГРИПП БЎЛГАН ОШНАМГА

Соғлом бўлсанг ишлаб ҳорма, оғайни,
Грипп бўлсанг ишга борма, оғайни.
Фидойиман деб ҳаммага уқтирма,
Бу ҳам бир дард, уни элга юқтирма.

1999

ШЕЪР ЁЗГАНДА

Шеър ёзганда юрак сўзидан
Бошқа сўзни уққан эмасман.
Нозирларнинг қаттол кўзидан,
Ғазабидан қўрққан эмасман.

Фақат шеърим ростмана тиниб
Етилмаса, хом чиқса бехос,
Устоз Озод Шарафиддинов
Қовоғидан қўрққанман, холос.

2000

ЁЛҒОН ҲАҚИДА

Гар ҳаким ўсалга тасалло бергай,
Сўзи ёлғон бўлса, Оллоҳ кечиргай.
Айрилган дўстларни қовуштирган зот
Алдаса, тадбири гуноҳдан озод.
Хунук хотинингга айт, юзинг – офтоб,
Бу асли ёлғонмас, гуноҳмас, савоб.
Росту ёлғонларнинг ҳисоби бордир,

У дунё, бу дунё жавоби бордир.
Ёлғончи оламда гуноҳимиз кўп,
Кечиргувчи танҳо парвардигордир.
Жаҳонда ёлғон бор лекин энг ёмон –
Элни жаҳолатга бошлаган ёлғон.
У халқ юрагига отилган ўқдир,
Унга икки олам мағфират йўқдир.

2000

МЕНИНГ ЁРИМ

(Айтишув)

Менинг ёрим кичкина, йўқдеккина,
Тўппончадан отилган ўқдеккина.
Тотли сўзин эшитиб эрталабдан
Кечга қадар юрамиз тўқдеккина.

Менинг ёрим қорача, холдеккина,
Арининг думидаги болдеккина.
Бизнинг аҳвол – қуймичга ари босиб
Беланги даволаган чолдеккина.

Менинг ёрим ингичка, мўрдаккина,
Мўрдаккина бўлса ҳам зўрдаккина.
Тунов кун бир кўтариб ерга урди,
Ғозгина эдим, бўлдим ўрдаккина.

Менинг ёрим сайроқи қушдеккина,
Сайроғи қулоғимга хушдеккина.
Гапларини тинглайман сакраб, сакраб,
Ҳаммомдан кейин совуқ душдеккина.

Менинг ёрим кампиру – қиздеккина,
Сиздек эдик, сиз бўлинг биздеккина.
Музхонада ҳар нарса узоқ турар,
Узоқ яшаб юрибмиз муздеккина.

1998

ТАЙЁРАДА

Парвоз чоғи тайёранинг дилбар келини
Кўк тоқини бизга тахти Сулаймон қилди.
Лекин эълон ўқиганда ўзбек тилини
Давлат тили бўлганига пушаймон қилди.

1998

АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган байрам томошаси Сценарийси

М У Қ А Д Д И М А

Саҳнада қўлида устурлоб тутган
А ҳ м а д а л - Ф а р ғ о н и й сиймоси.

А л - Ф а р ғ о н и й

Ассалом, Турон элим, Фарғона юртим, ассалом!
Рубъи маъмур ичра тутган нодир иқлимда мақом.
Минг икки юз йил оша бағрингга келдим, эй ватан,
Ҳур элимга айтай энди ўз ҳаётимдан калом.

(Мусиқа)

Фарғона тўртинчи иқлимда турур,
Зироат, ҳунарда оламга машҳур.
Илму фани қадим, санъати қадим.
Файз, баракот берган Оллоҳи карим.
Суви оби кавсар, боғлари ризвон,
Бу юртда яшайдур жаннатий инсон.

Б и р и н ч и қ и с м

Фарғона бозори

С а в д о г а р в а ҳ у н а р м а н д л а р:

– Кеп қолинг узанги, эгар-жабдуққа,
– Кеп қолинг, кеп қолинг қути, сандуққа.
– Кеп қолинг дутору танбуру найга,
– Биздан кўза олмай кетарсиз қайга?

– Шамдон бор,
– Бор ўткир кетмон, тешамиз,
– Жаҳон мўъжизаси рангин шишамиз.

Бозорга Хитой карвони келади.

Хитойи карвон сардори:

– Биз мулки Хитойдан ипак коривон,
Марв, Шому Румога бўлурмиз равон.
Савдогармиз сотар, олар ишимиз,
Лекин тарихларда қолар ишимиз.
Бизлар замон каби оқувчи дарё.
Маърифат риштаси шарқу ғарб аро.

Китобдор

Ҳей бола, ўйнама, китобга тегма.

Аҳмад

Сизда Батлимуснинг китоби борми?

Китобдор

Сен бола қайда-ю Батлимус қайда!
Тур, бор, ёнғоқ ўйна!

Аҳмад

«Алмажест» керак!
Мен Кубо, Марғилон саҳҳофларидан
Афлотун, Арасту, Суқрот, Уқлидус
Китобларин олиб ўқиб чиққанман.
(Бир китобни қўлга олиб)
Мана Батлимуснинг «Жўғрофия»си
Уни ўқиганман. «Алмажест» керак.

Китобдор

Во ажаб! Во ҳайрат! Етмиш йил яшаб,
Дунё кезиб китоб сотиб бу каби
Донишманд болани кўрган эмасман.
Исминг нима, ўғлим?

Аҳмад

Аҳмад.

Китобдор

Ё Аҳмад!
Шу ер, шу қуёшга бўлсинки қасам,

Албатта сен буюк олим бўлурсан!
Йиллар ўтди, кезиб Хўқанду Хўжанд,
Ахси, Косон, Ўзган, Фарғона аро
Мен ўқиб чиқмаган китоб қолмади,
Замин иқлимида, само буржида
Мен ўлчаб чиқмаган ҳисоб қолмади.
Шуҳратим Бағдодга етди-ю бир кун
Саройга чорлади мени шоҳ Маъмун.

(Мусиқа)

Ал-Фарғонийни Бағдодга кузатиш.

Фарғона ноиби

Денгизнинг садафи, гавҳари бордир,
Ҳар юртнинг ўз фазлу зевари бордир.
Лекин Оллоҳ бизга айлаган тортиқ
Илму маърифатдан давлат йўқ ортиқ.
Юртимизда шундоқ гавҳар порлабдир.
Бу – Аҳмад! Шоҳ Маъмун уни чорлабдир.
Фарғона бошига қўнибдир Ҳумо
Унга оқ йўл тиланг аҳли уламо!
Хуш борсун, кўрк бўлсун «Байтул ҳикмат»га
Энди навбат базму нозу неъматга.

(Базм)

Ал-Фарғоний

Хайр, азизларим, дўсту ёроним,
Хайр, киндик қоним томган маконим.
Отам – қиблагоҳим, меҳрибон онам,
Эй она ватаним, гўзал Фарғонам.
Насиб этса юртга қайтарман алҳол,
Қайтмасам рози бўл, онажон, хуш қол.

Иккинчи қисм

Бағдод, Байтул ҳикмат

Халифа Маъмун

Оллоҳ исми ила, Расули акрам
Зикри ила ибн Хорун ар-Рашид
Ибн ал-Маҳди, Ибн ал-Мансур
Аббосий халифа Маъмун сўзимиз.
Оллоҳ раҳмат қилғай қиблагоҳимиз
Тиклаган бу фунун кошонасига
Файзу зийнат бермак бизнинг муддао.

Биз уни атадик «Байтул Ҳикма» деб.
Ҳикмат уйидур бул, маърифат уйи.
Бунда дину имон, ирқ тафриқи йўқ,
Жам бўлгай Румою Арабу Ажам.
Ҳабаш ёнида Санад Яҳудий...
Халифа мулкимиз тоғдек хазина.
Лек минг хазинага бергисиз бойлик
Сизнинг илмингиздур, Сизга тасанно.
Анжуманни бошланг, муҳтарам устод,
Муҳаммад ал-Хоразмий.

Муҳаммад ал-Хоразмий

Ташаккур, шоҳим.
Ушбу анжуманнинг боиси ҳосиб
Аҳмад ал-Фарғоний тадқиқотидир.
Мунажжим Батлимус «Алмажест»ига
Ўттиз китоб таҳлил битмиш, астурлоб
Илмин камолига етказмиш, яна
Собиту сайёра илми бобида
Кашфиётлар қилмиш улуғ, бебаҳо.
Бу кун янги китоб бўлибдир тақдим
«Китоби фи усули илм ан-нужум».
Жаноб Ал-Жавҳарий, не сўз айтурсиз?

Ал-Жавҳарий

Рисола андоққим, мисоли йўқдир,
Аҳли олам ундан дарс олса арзир.

Ал-Хоразмий

Аҳмад ибн Абдулло Марвазий не дер?

Ал-Марвазий

Тасанно! Ҳаммамиз тасанно деймиз.

Венециялик олим

Тасанно айтажак аҳли Оврупо
Асрлар ўтиб ҳам Ал-Фарғонийга!

Халифа Маъмун

Аҳмаду Муҳаммад, ёнимга келинг,
Фарғона Хоразм сор лочинлари!
Сиз ҳам Ал-Жавҳарий ва Ал-Марвазий.
Сиздек буюкларга бешик бўлган юрт
Буюк Туркистонга минг бор тасанно!

(Базм)

Учинчи қисм

Бугунги Фарғона

Ал-Фарғоний

Умрим илму фанга бахшида бўлди,
Тунлар шамдек ёндим, китоблар битдим
Саратон қуёши тиғида кунлар
Санжар саҳросида ер таноб этдим.
Бунёд бўлди неча расадхоналар
Шоҳ Маъмун ғайрати, шижоати-ла,
Оғир кунларни ҳам кўрдим, бир замон
Менга таҳдид қилди жоҳил оломон.
Биргина гуноҳим, биргина айбим
Ой тутилишини олдиндан айтдим.
Сўзим рост чиқди-ю, бало даф бўлди:
Яъни ой тутилди, Аҳмад қутулди.
Мезон бино этдим Нил дарёсига,
Миқёсул Нил бўлди оламга машҳур.
Ўкинчим, китобу хатимга қараб
Жаҳон балки ўйлар миллатим араб.
Маърифат йўлида зардоблар ютдим,
Она Фарғонамни соғиниб ўтдим.
Асрлар кечди-ю, озод юрт бу чоғ
Руҳимни шод этди, алҳамдулиллоҳ.

(Фарғонада тўй-тантана)

Мирзо Улуғбек

Буюк соҳибқирон бобога авлод
Мирзо Улуғбекдан таъзим, эй устод!
Ёшликдан ёд олдим бор китобингиз,
Қўлимдан тушмади устурлобингиз.
Жаҳоний фан аро Сиздек буюк кам
Бугун тўйингизда етти иқлим жам.
Уламои олам ва алалхусус,
Птоломей, шарқда номи Батлимус.

Птоломей

Мен келдим қадимий Юнондан бугун
Буюк шогирдимни табриклаш учун.
«Алмагест» китобим оламга машҳур,
Ал-Фарғоний битган шарҳ менга манзур.

Тўқсон икки йил кам икки минг ёшим,
Фарғоний қошида эгурман бошим.

Региомонтан

Мен Региомонтан, олмон фарзанди
Беш юз йиллик йўлдан келиб турибман.
Эй буюк устозим Ал-Фараганус –
Ал-Фарғоний, сизга шогирддан салом.
Китобингиз ўқиб жадваллар туздим
Самовий жадваллар.

Колумб

Мен Христофор Колумбман,
Америқо сари сузганда
Ал-Фарғоний илк бор тарҳини тузган
Самовий жадваллар қўлимда бўлган.
Илму фан бешиги Шарқ экан, билдим,
Бу азиз тупроққа таъзимлар қилдим.

Данте

Румо заминидан шоир Данте – мен,
Ёшим етти юзда. Ал-Фарғонийга
Мен ҳам мухлисдирман. Ал-Фарғоний
Исмини шеъримда достон қилганман.
Ул зоти шарифга олқишларим бор.
Шеърият бешиги Шарқ экан, билдим,
Бу азиз тупроққа таъзимлар қилдим.

Ал-Фарғоний

Эй олис келажак, эй ҳур авлодим,
Ҳаётим давоми, фозил зурёдим!
Кўнглим орзуси бул обод чаманда,
Жисмим Мисрдаю жоним ватанда.
Руҳимни шод этган сизга ташаккур,
Бор бўлсин абадий озод тафаккур.

1998–2001

Истанбул фожиаси

Қатнашувчилар

Жалол – колхоз раиси, 64 ёшда.
Саодат – хотини, 60 ёшда.
Искандар – укаси, 60 ёшда.
Йўлбошловчи, полициячи, мухбир, сайёҳлар ва бошқалар.
Воқеа шу кунларда Истанбул шаҳрида бўлиб ўтади.

Муаллифдан

Инсон қалбининг бойликлари ичида Ватан туйғуси деб аталган бебаҳо жавоҳир бор. У – юрагимизнинг қуввати, эътиқодимизнинг салимлиги, ҳаётимизнинг бутунлигидир. Уни ҳис қилмаган фарзанд, тараннум этмаган ижодкор йўқ.

Ватан – Навоий ва Машрабнинг изтироби, Бобур ва Фурқатнинг соғинчи...

Мен чет элларда сафарда бўлганимда турли сабабга кўра хорижда қолиб кетган ватандошларни кўрганман. Уларнинг кўзлари тубига чўккан дард юрагимда из қолдирган. Бу кўзлар баъзан тунлари хаёлимда гавдаланади, азоб беради ва азоб баробарида ўз қисматим учун шукроналик ҳиссини кўнглимга солади.

Ҳаётда қўйилган бир янглиш қадам баъзан умрлик қийноққа сабаб бўлади. Мен қаламга олган Искандарнинг қисмати шундай.

Иккинчи жаҳон урушида халқимиз қўлга киритган ғалаба йигирма миллион жон ҳисобига келган. Искандар ҳам ўша қурбонлар қаторига киради. Лекин у энг бахтсиз қурбон – тирик қурбон.

Қаҳрамонларим ўз хатолари ва армонлари билан, ишончлари ва иштибоҳлари билан шу заминда яшаб турган одамлар... Ана шу сўзлар билан, азиз дўстларим, бу фожеий қисмат тарихини сизнинг ҳукмингизга ҳавола этмоқдаман.

Якинлашаётган кучли пўртана товуши, кема зирҳига урилган тўлқиннинг карсиллаши эшитилади. Чақмоқ чақади, момақалдироқ гумбурлайди.

«Диққат! Диққат! «Беруний» сайёҳ кемаси радиоузелидан гапирамиз. Шимолдан келган ҳаво оқими Ўрта Ер денгизида шамолнинг кучайиши, чайқалишнинг ошишига сабаб бўлмоқда. Ҳурматли сайёҳлар! Кема палубасига чиқиш қатъиян ман этилади. Бўрон 9 балл, денгиз 8,5 балл».

Бўрон кучая боради. Тўлқинларнинг даҳшатли гумбурлаши чайқалишнинг зўрайганлигидан дарак беради. Ниҳоят шамол ва чайқалиш пасаяди.

«Диққат! «Беруний» сайёҳ кемаси Босфор бўғозида сузиб бормоқда. Бир неча дақиқадан сўнг кема Истанбул бандаргоҳига киради».

Биринчи манзара

Истанбул. Машҳур Капали чарши олдидаги майдон. Чап ва ўнг томонда тимлик расталар. Орқада шаҳар, мачитлар, миноралар, замонавий кўп қаватли уйлар. Узоқда кўм-кўк Босфор кўрфази.

Кемалар. Улар ичида йирик бўлиб «Беруний» кемаси ажралиб туради. Бозор олдидаги майдондан турли тоифадаги кишилар: туркlар, инглизлар, японлар ўтиб турадилар. Аравачаларда юк тортиб бораётган хизматкорлар, улар ортида сигарета тутатиб келаётган бойваччалар. Газета сотаётган болаларнинг овозлари:

– «Газет! Газет! Газет! «Ҳуррият», «Гунойдин»...

Жаноб президент ҳазратларининг маърузалари, Жопуния Америконинг чўкмас ҳарбий кемаси ўлур!» Сигарета сотаётган одам: «Сигарет, сигарет! «Мальбуро», «Мальбуро!» Кепқолинг!»

Г а д о й

(Ўткинчига)

Садақа қилинг, жаноб! Садақа қилинг, сэр!

Саҳнанинг асосий қисми қоронғилашади ва олд саҳнага йўлбошловчи турк аёл етагида бир гуруҳ ўзбек сайёҳлар кириб келадилар.

Й ў л б о ш л о в ч и

Мана, келдик. Шарқ бозори деган жой шу ер,
Жондан бошқа ҳамма нарса бунда муҳайё.
Дунё – бозор деган гап бор, лекин аслида
Истанбулнинг Шарқ бозори ўзи бир дунё.
У дунёдек бепоёну дунёдек рангин,
Дунё каби савдоси ҳам, ғавғоси ҳам кўп.
У шундай бир салтанатки, бойлиги олам,
Султонлари қаторида гадоси ҳам кўп.
Бу томонда гилам раста, бу ён заргарлик,
Бу қаторда кетганича баззозлик – мато.

Бошдан-оёқ кезмоқ учун Шарқ бозорини
Бир кун эмас, бир ҳафта ҳам етмайди ҳатто.
Аммо бизнинг ихтиёрда икки соат бор,
Истаганча кўринг, харид қилинг, илтимос.

(С а о д а т оқсоқланиб тўдадан ажралиб чиқади ва чеккадаги скамейкага ўтиради. Унинг ёнига Жалол келади.)

Фақат *(соатига қараб)*
Икки соатдан сўнг, яъни олтида
Автобусда учрашамиз, кечикманг, холос.

(Сайёҳлар ғовур-ғувур билан тарқала бошлайдилар.)

С у м к а л и с а й ё ҳ

Қулмуҳаммад ака! Нима харид қиласиз?
Янгамизга тилла сирға олинг!

М у х б и р

Э, укам,
Бундай пулга тилла тугул, жез ололмайсиз.

(Фотоаппаратини чиқариб, ҳамма ёқни суратга ола бошлайди.)

Т е р м о с л и с а й ё ҳ

(Сумкали сайёҳга)
Жияним шим олиб келинг, деган.

(Қоғозга қараб)
«Леу страус»,
Танлашворинг, биродар!

А ё л с а й ё ҳ

(Термосли сайёҳга)
Э, кимга айтяпсиз!
Эркак киши шим танлашни билар эканми,
Юринг, сизга ўзим танлаб бераман.

(Кетишади.)

С а о д а т

Вой, вой –
Оёққинам тамом бўлди.

(Туфлисини ечади.)

Ж а л о л

Сенга айтдим-а,
Узоқ йўлга баланд пошна туфли кийма, деб!
«Ўлар, – дединг, – «Ангилистон, Фарангистонга

Шиппак кийиб бораманми, у юртдагилар
Нима дейди», деб гапимга қулоқ солмадинг.
(Саодатнинг оёғини кўриб)
Бай-бай... Шўрлик... Товонинг гўшт бўлиб қолибди.
(Сумкадан йод, пахта олиб хотинининг оёғини муолажа қилди.)

Саодат

Қариганда сайёҳатга чиқмай мен ўлай,
Уйгинамда жужукларни бағримга босиб,
Телевизор кўриб ётсам бўлмасмиди-я!

Жалол

Бундай сафар ҳаммага ҳам насиб бўлмайди –
Шунча юртни кўрдик. Кўп ҳам ношукур бўлманг.
Даниядан йўлга чиқиб, ярим дунёни
Кезиб, мана, Туркияга келдик. *(Шошрона)*
Париваш –
Нозаниним, сарвқоматим, оёғингизга
Бутун бошли Европани пойандоз қилдик.
Ушалмаган яна қандай орзулари бор?

Саодат

Биттагина орзум – эсон-омон уйимга
Етиб олсам бўлди. Энди икки дунёда
Саёҳатни орзу қилмай. Бўларим бўлди.
Ҳаммасидан чайқалиши ёмон бўларкан.
Ҳар гал тўлқин қарсиллатиб келиб урганда
«Энди ўлдим» дейман. Бай-бай, кема жонивор
Арғимчоқдай учади-я!

Жалол

Ёшлик пайтингда
Ҳайинчакка тўймай қолган бўлсанг мабодо,
Маза қилиб учиб олдинг.

Саодат

Ичак-чавоғим
Нақ тескари бўлиб кетди. Вой, бошгинам-ей!

Сумкали сайёҳ

(Ҳовлиқиб киради.)
Ие, сизлар нима қилиб ўлтирибсизлар,
Ахир бозор қизигандан қизиб ётибди.

Жондан бошқа ҳамма нарса бор экан, янга,
Сизга нима керак, юринг!

Жалол

Бизга жон керак.

Саодат

(Жалолга)
Камолжоним, японский магнитафон деб
Кўп ялинган эди, боринг, олинг, дадаси.
Мен шу ерда ўлтираман.

Сумкали сайёҳ

(Бош бармоғини кўрсатиб)
Бундоқлари бор.
Юринг, ўзим кўрсатаман.

Жалол

Овора бўлманг,
Бир камим шу узоқ юртдан... Э, келинг қўйинг.

Сумкали сайёҳ

Билганингиз...
(Чиқади. Сукут)

Жалол

Хотин, нега жим бўлиб қолдинг?

Саодат

Дадаси...

Жалол

Ҳа.

Саодат

Эрталабдан бери кўнглимда
Бир хиралик бор.

Жалол

Соғинчдан, дармонсизликдан...

Саодат

Ундан эмас. Ҳали сизга айтай дедим-у,
Юрагингиз ғаш бўлмасин деб индамадим.

Жалол

Хўш, нима гап?

Саодат

Нонуштадан кейин анови
Аё Сўфия масжидига бордик...

Жалол

Хўш?

Саодат

Шунда
Бир турк бизга жуда узоқ тикилиб қолди.

Жалол

Нима бўпти?

Саодат

Мен чўчидим, афти бир хунук...
Башараси тўла чандиқ, қора плашда.
Хасса тутган. Сиз унга ҳеч қарамадингиз.
У кўзини олгани йўқ.

Жалол

Қараса нима?
Бир анқовдир.
Биз уларга, улар бизларга
Анқаямиз. Қўш томоша...

Саодат

Томоша бўлса
Гўрга эди. Эрталабдан бери кетмайди.
Музейда ҳам, султонларнинг саройида ҳам
У эргашиб юрди. Бир пайт яқин келганда
Қарадиму юрагим бир шувиллаб кетди.
У кўзини олиб қочди...

Жалол

Ваҳима қилма,
Ҳар нарсадан чўчиб вос-вос бўлиб қолибсан.

Сумкали сайёҳ

(Яна пайдо бўлади.)

Чарм камзул олдим. Қалай, ярашибдими?

Саодат

Ярашибди. Бинойидек.

Жалол

(Ўзича)

Тўқимдаккина.
(Сумкали сайёҳга)
Омадингиз келибди-да.

Сумкали сайёҳ

Келганда қандоқ!
Биз томонда бунақаси бўлмайди.

Жалол

(Кесатиб)

Яшанг!

Сумкали сайёҳ

(Соатига қараб)

Бир соатдан кўпроқ вақт бор.
(Бозорга кириб кетади.)

Жалол

Эҳ, ёшлар! Ёшлар!
Матоҳ деса ўзларини томдан ташлайди.
На андиша, на ғурур, на истиҳола бор,
Ановининг икки кўзи магазинларда,
Бирор нарса ярқ этса бас, шўнғиб кетади
Кўрсичқонга кўзи тушган қирғийга ўхшаб.
Дакки берсам, «Мен бу ерга Наполеоннинг
Мозорини кўраман, деб келган эмасман»,
Деб айтади, уяти йўқ.

Саодат

Нима қилсин – ёш,
Кийингиси келади-да... Ёшлигингизда
Ўзингиз ҳам жуда башанг кийинардингиз.
Оқ китель-шим, оқ кепка, оқ брезент туфли...

Жалол

Туфлини биз тиш порошок билан оқлардик.

Саодат

Не бўлса ҳам дуруст эди ўша кийимлар.

Жалол

Ҳам арзонроқ эди. Топиш қийинмас эди.

Саодат

Жувонлар ҳам ҳозиргидек кийинмас эди.
Узун кўйлак, узун лозим, енг бу ергача.
(Бармоқ учини кўрсатади.)

Жалол

Дуррачани айтмайсанми? Узоқдан кўриб
Юрагимиз дукилларди.

Саодат

Хо...

Жалол

Ҳаммагамас.
Сен бошқача эдинг. Гўзал, кўзларинг жоду.
Мен қишлоқда икки йилча бўлмадим, холос,
Икки йилда копток ўйнаб юрган қизалоқ –
Офатижон, сарвиқомат бўлиб қолибсан.

Саодат

Фаргонадан сиз ҳам бошқа бўлиб келгансиз...
Дадаси... Ҳой дадаси...

Жалол

Ҳа!

Саодат

(Қўли билан кўрсатиб)

Ана, келяпти.
(Чўчиб тисарилади.)
Ўша одам! Қўрқяпман, кета қолайлик.

Жалол

Қани? Нега чўчийсан-а?

Саодат

Ана, ана у!
(Кора шарпа дарахт панасида тўхтайди.)

Жалол

(Шарпага)
Ҳой сен кимсан?
(Шарпа жим.)
Гадомисан, қаландармисан?
(Шарпа жим.)
Берироқ кел, ҳой!

Саодат

Чақирманг, кетсин, даф бўлсин.

Жалол

Дил билиюрмисан, гардаш?
(Шарпа жим.)
Демак, туркмассан,
Арабмисан ё ҳинду, ё эрониймисан?

Нотаниш одам

(Сукутдан сўнг. Панада турганча)
Ҳамма миллат номин айтдинг. Аммо не учун
Ўзбекмисан, деб сўрашга тилинг бормади?
Мен ўзбекман!

Жалол

Ё ажабо!

Саодат

Тавба, ё тавба!

Нотаниш одам

Нега ҳайрон бўласизлар? Ё чет элларда
Ўзбекларнинг борлигини билмасмидингиз?
Чўчимангиз. Мен хоин ё жосус эмасман.
Мен бир хазон япроғиман. Тақдир шамоли
Ўз боғимдан йироқларга учириб кетган.
Неча йилки, ҳаётимдек хазон фаслида
Бандаргоҳга келиб бунда кема кутаман.

Жалол

Шўр пешона экансан-ку. Гапинг рост бўлса,
Панадан чиқ.

Саодат

(чўчиб)

Йўқ, дадаси, қўйинг, чақирманг.
Турқи совуқ кўринади. Жуда қўрқаман,
Ким билади бу инсон ким, муроди нима?
Юринг, кетдик, жон дадаси, сафаримизнинг
Охирида кўргиликка учраб қолмайлик.
Бегона юрт...

Жалол

(Саодатга)

Жим тур...

Нотаниш одам

Тезроқ кетай... мабодо
Она юртдан бир кафт тупроқ келтирмадингми?

Жалол

Тупроқ йўғ-у, у тупроқда битган майиз бор.
(Сумкадан бир халтача олиб узатади.)
Берироқ кел, ол, ҳайиқма, нотаниш одам.

Нотаниш одам

Яқин борсам сизларга гап тегмайдими?

Жалол

Берироқ кел.

Нотаниш одам

(Панадан чиқиб яқин келади. У плашда, юзи чандиқ. Қўлида ҳасса. Сочлари оппоқ. Жалолнинг қўлидан халтачани олиб очади, бир дона майизни оғзига солиб узоқ тамшанади.)
Шукр, юртим нафасини туйгандек бўлдим.
Қуллуқ, юртдош, минг ташаккур, тақдир ҳамиша
Насибангни бутун қилсин!

Жалол

Ўзингни танит,
Кимсан, қачон бу ёқларга келиб қолгансан?

(Шарпа жим.)
Гапирсанг-чи! Қаерликсан? Ўзбекистонда
Бирор кимингг борми? Айтсанг, балки танирман.

Нотаниш одам

Ҳеч қаерда ҳеч кимим йўқ. Қисмат даштида
Бир шўракман – юмалоқ хас. Куриган жисмим
Замонларнинг қуюнида мангу саргардон,
Ватани йўқ, элати йўқ бир бенавоман.
Бу дунёга қачон келдим – эсимда ҳам йўқ.
Бамисоли дунё борки, мен борман. Шунча –
Узоқ бўлди бу ғурбаткаш умрим. О, мендан
Ҳеч нарсани сўрама, қўй!

Жалол

Эй, жабрдийда,
Не балолик қисмат сени бу кунга солди?
Эл олдида юзинг шувут бўлса, уни айт.
Ҳақиқатда агар жосус, хоин бўлмасанг,
Ўзга неки гуноҳ бўлса, унинг авфи бор.
Мард бир ўлар, номард юз. Ҳа! Эгилган бошни
Қилич кесмас, деган гап бор. Қолган умрингни
Айриликнинг азобида ўтказма, юртдош.
Тортинма, айт, юртга қайтмоқ ниятинг бўлса,
Мен қўлимдан келганича ёрдам берайин.

Нотаниш одам

Аммо менинг нажотимга на-да сен, ҳатто
Парвардигор қодир эмас.

(Сукут)

Қирқ йил илгари
Мен ўлганман. Қарағайзор ўрмон ичида
Кўмилганман. Рўпарангда турган – арвоҳим.

Саодат

Бу не даҳшат! Туш кўряпман. Йўқ, бу ўнг эмас.
Қўрқинчли туш!

Жалол

Берироқ кел, нега қўрқасан?
Қаердадир кўргандекман...

(Сукут)

Йўқ, эслолмадим...

Мабодо сен биз томонда – эски Қўштепа,
Янги номи Энгельс – унда бўлмаганмисан?

Нотаниш одам

(Чўчиб тушади, яқин келиб бир Жалолга, бир Саодатга тикилади, ҳаяжонга тушади.)

Бўлмаганман, йўқ.

(Нари кетади.)

Жалол

Ўзингни яширма, токай –
Беркиниб кун кўрмоқ мумкин!

Нотаниш одам

(Ўзича)

Қандай тасодиф!
Замон, макон деб аталган поёнсизликда
Китъалар ва йиллар оша бундоқ учрашув!

(Жалолга)

Қўй, сўрама. Суриштириб нима қиласан?
Фойдаси йўқ.

Жалол

Майли, юртдош, ўзинг биласан.
Бирор нафим тегармикин деб ўйлагандим,
Афтодаҳол кўринасан.

Саодат

Ёруғ дунёда
Қанча бахтсиз одамлар бор!..

Жалол

(Ёнидан пул чиқариб узатади.)

Мана буни ол,
Бир кунингга яратарсан.

Нотаниш одам

Йўқ, керак эмас,
Камбағалман, лекин гадо бўлганимча йўқ.

(Мухбир кириб келади.)

Мухбир

Жалол ака, янга, қани бу ерга туринг,
Абадият учун битта кадр киламиз.

(Фотоаппаратни тўғрилайди. Нотаниш одам кетади. Мухбир бир-икки суратга олади.)

Ана бўлди.

(Бош бармоғини кўрсатиб)

Мана бундоқ расм чиқади!

(Нотаниш одам кетган томонга қараб-қараб қўяди ва кетади.)

Жалол

(Атрофга қараб)

Ҳаҳ, кочириб юборди-я!

Саодат

Шўрлик беватан...
Кўйинг, майли, бир ҳисобда кетгани яхши.
Дард-ҳасрати қуриб кетсин, кўнглимни эзди.

Жалол

Ҳаётимда бир савоб иш қилай деб эдим.
Ватанидан жудо бўлган бечора экан.
Бир ёрдамим тегиб қолса, ёмон бўлмасди.

Саодат

Лекин ўзи истамаса нима қиласиз?

Жалол

Уни топиш керак.

Саодат

Қандай қилиб топасиз?

Жалол

Ана, ўзи келди.

Нотаниш одам

(Кириб келади.)

Яна келдим, ўзимни
Танитмоқчи эмас эдим. Лекин ўйласам,
Кейин армон бўлар экан. Майли, айтаман.

Лекин битта шартим: гап шу ерда қолади,
На бу жойда, на Ватанда бирор кимсага
Мен тўғримда сўзламайсиз.

(Сукут)

Энди эшитинг.
Қўштепанинг гузарида бир тут бор эди,
Юз йиллик тут...

Жалол

(Саодатга)

Ҳа, айтдим-ку, уни кўрганман.

Нотаниш одам

Ўша тутдан сал пастроқда, эски ҳовлида
Уста Аҳмад яшар эди.

Жалол

У менинг отам.
Билармидинг?

Нотаниш одам

Ҳа. Урушнинг биринчи йили
Ҳалок бўлган эди.

Жалол

Тўғри. Айт, кимсан ўзинг?

Нотаниш одам

Сен ўшанда эндигина уйланган эдинг,
Жонон келин Саодатни

(Саодат чўчиб кетади.)

Бағрингга босиб
Ётганингда саҳар пайти қорахат келди.

(Жалол ва Саодат лол.)

Шунда ҳали ўн саккизга тўлиб-тўлмаган
Не сабабдир уйдан кетиб қолган Искандар
Уканг келди... Остонада турганча йиғлаб
Онасига видо айтиб урушга кетди.
Шу бўйича қайтгани йўқ.

Жалол

Укам Искандар
Новгородда ҳалок бўлди.

Нотаниш одам

Афсус...
Минг афсус.

Жалол

У мард эди.

Нотаниш одам

Афсус шуки, у ўлмай қолди.

Жалол

Йўқ... Наҳотки...

Нотаниш одам

Мен бўламан ўша Искандар!

(Саодат қичқириб юборади.)

Жалол

Ёлғон! Ёлғон! Сен у эмас! Искандар ўлган!
Менинг укам Ватан учун жонини бериб,
Ер қаърида ётибди. Сен арвоҳни тинч қўй.

Нотаниш одам

Танимадинг ё танишни истамадинг. Сен –
Қаҳрамоннинг акасисан, шуниси маъқул.
Қабиҳ чиндан кўра эзгу ёлғон яхшироқ.
Сен айтганча бўлсин, гапим ёлғон, афсона.
Ҳеч чўчима. Шаънингга доғ туширмайман. Йўқ!
Мен ўлганман. Ўлганимча қоламан. Аммо,
Бир ўтинчим – онам тирик борми – шуни айт.
Айт, яширма. Ўзимни фош қилмайман, ишон.
Фақат онам ўлган бўлса аза очаман,
Йиғлаб-йиғлаб юрагимни ёзаман, холос.
Агар тирик бўлса, сендан битта илтимос:
Жигарлик қил, уканг адо эта олмаган
Васиятни сен бажаргин.

(Кўйнидан тумор олади.)

Мана бу – тумор.
Мени жангга кузатаркан, онам бечора
Шуни тикиб берган эди. Айтган эдики:
«Сен кенжамсан, жангдан омон қайтасан. Ахир,
Мени гўрга қўядиган ўзингсан, болам!
Болам! Сенинг дийдорингни кўрмагунимча,

То қиёмат илҳақ бўлиб ётаман. Билки,
Бўйнингдаги тумор эмас, онанг юраги.
Тилагим ҳам васиятим шуки, сен қайтгач,
Қачон вақти қазо етиб дунёдан ўтсам,
Шу туморни ўзинг бошим остига қўйгин».

(Сукут)

Онагинам, юрагинг-ку мени асради,
Мен сутингни оқлолмадим. Беомон қисмат
Боланги ўз Ватанидан бенасиб қилди.

(Жалолга)

Агар онам тирик бўлса, жигарим, энди,
Мана тумор, васиятни ўзинг адо эт.

(Саодат деворга суянганча, Жалол бошини ушлаб тебратганича лол.)

Демак... онам ўлган. Мени кута-кута у
Илҳақликда адо бўлган. Кечир, онажон!
Кечир мени! Кечир мени! Мен одамманми?
Эгаси йўқ, санқиб юрган бир қари итман.
Бенавоман, бедавоман.

(Кетади.)

Жалол

Искандар! Тўхта!

(Искандарнинг орқасидан чиқади.)

Иккинчи манзара

Карвонсарой майхонаси. Саҳна ичкарисида икки, уч, тўрт кишилик ясатиғлиқ столлар. Майхонанинг ўнг томонида саҳна. Лекин у бизга кўринмайди. Столларда бизга таниш сайёҳлар. Тўрт аёл бир стол атрофида. Саодат ҳам улар орасида. Ҳамманинг кўзи саҳна томонда. Мусиқа янграб турибди. Раққоса ва чолғувчиларнинг сояси деворда аксланади. Саҳна олдида – уч кишилик стол атрофида Жалол ва Искандар. Саҳна орқаси қоронғилашиб, биз фақат Жалол ва Искандар ни кўрамиз.

Жалол

Бу дунёда жудоликнинг турфа хили бор.
Биров ёрдан айрилади, биров диёрдан.
Йўқотишлар ичида энг мушкул, энг даҳшат –
Бу ўзликни йўқотмоқдир. Эҳ, сен Искандар!
Сен ўзингни йўқотибсан. Қандай кўргилик!

Искандар

Гуноҳим шу – тирик қолдим. Минг пушаймонман.

Жалол

Айбинг тирик қолганингмас...

Искандар

Тирик ўлганим.

Жалол

Эл-юрт майли, қариндошу уруғлар, майли,
Онангни ҳеч хаёлингга келтирмадингми?

(Искандар қайғу ичида бош тебратиб ўтиради.)

Сендан кейин уч ой ўтмай мен ҳам жўнадим,
Гроднода яраландим. Тузалиб чиқиб,
Эльбагача бордим. Умр бор экан – қайтдим.
Ўша кунни унутмайман – онам бечора
Тут тагида кир ювмоқда экан. Кўрдию: –
«Болам, болам!» деб елкамга осилганича
Йиғлайберди. Совун юқи қўллари билан
Юзларимни, бошларимни силаб йиғлади.
«Нега ўзинг қайтдинг, болам, укагинангни
Қаерларга ташлаб келдинг?» деб фарёд чекди.
Кейин билсам, сендан қорахат келган экан,
Хат ёнида командиринг Данилов ёзган
Мактуб ҳам бор экан: «Она! Фарзандинг билан
Ифтихор қил! – деб ёзибди – ўғлинг қаҳрамон!»

(Сукут)

Йиллар ўтди. Олтмиш тўртнинг баҳори эди,
Москвада ветеранлар анжуманида
Бир полковник менга узоқ тикилиб қолди.
Биз танишдик. Қараки, у Данилов экан.
Мени сенга ўхшатибди. Қучоқлаб олди,
Новгородга бирга бордик. Қабрингни топдик.
«Қабринг» дедим, мени кечир – ўзга не дейин?

Қоронғилик чўкади. Ўрмондаги яланглик. Данилов ва Жалол лавҳа ёнида.

Данилов овози

Қирқ учинчи йил. Еттинчи сентябрь эди.
Бизнинг рота олов сели ичида қолиб,
Бу ерда ёв хужумини қайтарар эди.

Биз оз қолдик. Лекин ёвга таслим бўлмадик.
Искандаринг шунқор эди. У якка ўзи
Тўртта танкни ёндирдию бешинчисига
Қўлидаги граната билан ташланди.
Кўз олдимда танк ва инсон рўбарў келди.
Бамисоли эртакларда ёвуз махлуққа,
Қорадевга кўкрак тутиб тик ҳамла қилган
Паҳлавондек эди ўша дамда Искандар.
Лекин, афсус, эртакдаги каби бўлмади,
Ваҳший кучни енголмади мардлик, адолат...
Кўз олдимда танк дўстимни... даҳшат!

(Сукут)

Эй дўстим!
Энди менинг диёримда, қабринг устида
Қарағайлар алла айтиб тебранмоқдалар...

Қоронғилик. Сўнг яна Карвонсарой. Жалол ва йиғлаётган Искандар.

Ж а л о л

Ўша ернинг тупроғидан бир кафт келтириб
Мен Жасорат майдонида қабр ясатдим.
У қабрда йил – ўн икки ой навбаҳорнинг
Чечаклари алвон-алвон бўлиб ётади.

И с к а н д а р

Бас, эзилган юрагимни қайтадан эзма.
Ёлғон шуҳрат шариф қилган исмимга лаънат.
Ўша жангда танк остида мажақланмасдан
Тасодифан тирик қолган жисмимга лаънат!
Қани эди, ҳақиқатдан мен ўлган бўлсам,
Қани, чиндан униб ётса қабримда гуллар,
Қани эди, ҳалок бўлган дўстларим каби
Мангу сукут оғушида роҳатда ётсам.
Одам насли азал-абад ўлимдан қўрқар,
Нечун, нечун? Ахир ўлим олий масъудлик,
Бор вужуднинг, жону руҳнинг осудалиги,
Аммо бу бахт мендан доим юзини бурди.
Энди кимман? На ўлик, на тирик бир вужуд,
Кўзи очиқ, қадам ташлаб юрган қабрман.

(Сукут)

Шундай қилиб ўша куни мен омон қолдим,
Чуқурликка қулабману ҳушдан кетибман.
Бир маҳал кўз очсам, икки баҳайбат немис
Автоматни тўғри қилиб қараб турибди.

Қисмат экан, асоратнинг аччиқ алами,
Чидаб бўлмас қийноқлари бошланди. Инсон –
Гулдан нозик инсон – вақти келса темирдан
Мустаҳкамроқ бўлар экан. Ўшанда билдим.
Изтиробдан одам ўлса мен ўлар эдим,
Ўша йиллар даҳшатини сўзламоқ учун
Йиллар керак...

(Қоронғиликда кўмир ташиётган асирларнинг сояси кўринади.)

Хуллас, бир кун ярим кечада
Етти асир маслаҳатни бир жойга қўйиб,
Пойлоқчини гумдон қилдик. Ўрмонга қочдик.
Ўша дамдан вақт сезгиси йўқолди. Қанча
Югурганимни билмайман. Тасаввуримда
Эс-ҳушимдан жудо бўлиб то бугунгача
Югураман, югураман... Ҳеч тўхтамайман.
Кимдан қочиб бормоқдаман, қайга қочаман –
Менга сира аён эмас. Ҳаёт бамисли
Қоп-қоронғу ўрмон... Ҳатто тушларимда ҳам
Тўда-тўда итлар мени қувлайди...

(Сукут)

Хуллас,
Кўзни очсам, бир кулбада ётибман... Оқсоч
Немис кампир бошим узра ўлтирар эди.
У ўрмондан беҳуш ҳолда топибди мени.

(Май ичади ва Жалолнинг қадаҳига қараб)

Ичмаяпсан?

Ж а л о л

Жигар чатоқ.

И с к а н д а р

Сен ҳам қарибсан.
Намоз ўқийсанми?

Ж а л о л

(Мийиғида кулиб қўяди ва бош тебратиб «йўқ» ишорасини қилади.)

Сен-чи?

И с к а н д а р

Жон деб ўқирдим.
Лекин менда эътиқод йўқ. У дунёга ҳам,
Бу дунёга ҳам.

Жалол

Ишончсиз яшаш – кўргилик.
Ҳар юракка битта таянч нуқта зарурат.
Бусиз одам одам эмас – бўшлиқ бўлади.

Искандар

Менга қолса эътиқодсиз яшашдан кўра,
Чангалзорнинг ярим ваҳший қабиласидек
Илонгами, тўнғизгами сиғинган яхши...
Менинг хаста жонимга ҳам бир асо керак,
Аммо қани ўша имон? Ўша эътиқод?
Замон барча худоларни аршдан қулатди.
Савоб, гуноҳ барбод бўлди. У дунёдаги
Сўроқлардан қўрқадиган одам қолмади.

(Сукут)

Мен саргардон ҳаётимда нимани кўрдим?
Ҳамма ерда имонсизлик, фаҳш ва қабоҳат!
Тубанлик бор – алҳазар йўқ. Биз нафас олган
Шу ҳавога тўлиб кетди ёлғон садолар.
Туман хиллик тўлқинларда тонгдан-тонггача
Миямизни алдоқ билан тўлдирмоқдалар.
Фақат бир гап: биз яхшимиз, бошқалар ёмон.

Жалол

Шунинг учун одамзодга иккита қулоқ,
Битта ақл тарозуси бериб қўйилган.
Икки ёнга қулоқ солу бир мезон билан
Ўлчаб ўзинг хулоса қил. Ҳақиқатни топ.

Искандар

Ҳақиқат йўқ. Бўлган эмас. Дунёда фақат
Манфаат бор. Манфаат деб аталган «чўпон»
Одамзодни пода қилиб ҳайдаб юрибди.

Жалол

Ҳа, шубҳасиз, сен танлаган дунёда шундоқ.

Искандар

Мен танлаган дунё? Менда танлаш ҳуқуқи
Борми эди? Саргашта жон учун дунё – бир.
Уммонлар бир, саҳролар бир, дарёлар ҳам бир,
Одамизод бошидаги савдолар ҳам бир.
Дунё икки бўлса сарҳад борми ўртада?

Жалол

Ҳа, сарҳад бор. У одамлар қалбидан ўтган,
Бас, ўзингни соддаликка солма, сену мен
Фақат икки одам эмас, икки оламмиз.

Искандар

Бир отаю бир онанинг икки фарзанди
Ўртасида, демак, энди тубсиз жарлик бор...
Қани, айт, мен қайси олам, қайси жамият,
Қайси ватан одамиман? Ажрим қилиб бер!
Мени ўзбек она туғиб, алла айтдию
Немис она олиб чиқди ажал домидан.
Бир оламда кўз очдиму бошқа оламда
Умрим ўтди – энди қайси дунё номидан
Сўзламоғим керак? Менга тушунтириб қўй.
Сармоядорманми? Ўшал иккинчи онам
Укасига куёв бўлдим ва ундан мерос
Дюссельдорфнинг банкасида сармоя қолди.
Вақт бўлдики, ўн минг акчам юз мингга борди,
Вақт бўлдики, бир дўконча тебратдим, холос.
Йўқсилманми? Энди мендан йўқсил одам йўқ,
Кўзим хира, дармонсизман, ташландиқ зотман,
Хотин бошқа эрга теккан, ўғил уйланган.
Бу ўрмонда қуёнлардек урчиб, кўпайиб,
Қуёнлардек танимаймиз бир-биримизни.
Мана, менинг таржимаи ҳолим, айт энди,
Қайси дунё рўйхатига қўшасан мени?

Жалол

Бу ҳолатни ажрим қилмоқ менинг ишиммас,
Юртга қайтсанг, тегишли жой ажрим қилади.
Фақатгина, маслаҳатим ҳеч бир нарсани
Беркитмай айт – улар ҳаммасини билади.

Искандар

Қайси айбим учун сўроқ беришим керак?
Танк мажақлаб кетмагани учунми, ёки –
Аросатда омон қолган бошим учунми?
Мен фашистга аскар бўлиб жангга кирдимми?
Ўз юртимга ўқ отдимми? Туҳмат қилдимми?
Жигар бўлиб юрагимни сен тушунмасанг,
Мени ким ҳам тушунарди, шафқат қиларди?!

Жалол

Ёшликда ҳам сен ўлгудай жиззаки эдинг,

Қарибсан-у, бу одатдан халос бўлмабсан.
Сени ўлди деган эдик, майли, ўлмабсан –
Лекин айбим нима, десанг ҳайрат қиламан.
Қирқ йил юртга қадам қўймай беному нишон
Юрганингни ўзинг гуноҳ санамайсанми?

И с к а н д а р

Ўйлайсанки, мен юртимни соғинмаганман!
Умрим бўйи йўл изладим. Наҳот билмайсан,
Асир зоти хоинга тенг саналган ахир!
Ёв ўқидан қўрқмаганман. Лекин ўз элинг,
Сен жон фидо қилган элинг хоин санаса,
Итдек отиб ташласа-чи? Алам қилмасми?

Ж а л о л

Авфи умум чиққан эди.

И с к а н д а р

Кейин кеч бўлди,
Минг бир сабаб. Қай бирини сенга айтаман.

Ж а л о л

Қўй, гапирма. Шунча йил-а! Виждонинг қани?

И с к а н д а р

Виждон... виждон... ўша виждон борми ўзингда!
Баъзан мени ўйлаганда қийналмайсанми?
Қабримдаги совуқ тошга қўлинг теккан пайт
Бармоқларинг куймайдими? Ёки кўзингдан
Ёшинг оқса яноқларинг ловулламасми?
Кўриб туриб сен бахтимни тортиб олдинг-а!
Кўзларингни олиб қочма, менга тик қара.
Агар сенда виждон бўлса, бундоқ қилмасдинг.
Индамайсан. Йўқ, ёдгорлик қўймадинг менга,
Гуноҳингни кўмиб, мармартош бостиргансан!
Мени кўриш сенга қанчалар оғир!

Ж а л о л

Менга нима даъвойинг бор?

И с к а н д а р

Ҳа, билмайсан-а!
Қоражарнинг ёқасида – пасқамлик жойда
Ака-ука нима учун муштлашган эдик?

Ўн еттида эдим, сен-чи, йигирма бирда.
Мени роса дўппосладинг, ўшанда уйга
Энгил-бошим қоп-қора қон бўлиб қайтдим-у,
Онамга чурқ этганим йўқ.

Ж а л о л

Шунча йил ўтиб
Ҳали эслаб юрибсанми? У гапларни қўй.

И с к а н д а р

Урганингни унутардим, лекин қалбимга
Ханжар санчдинг сен – жигарим, қандоқ унутай?
Мен-ку уни жонимдан ҳам яхши кўрардим,
Билиб туриб Саодатни йўлдан урдинг-а!

Ж а л о л

Бундай сўзни тилга олма. Саодат менга
Ҳаммасини айтган. Сени у севган эмас.

И с к а н д а р

Ёлғонни қўй. У нур каби покиза эди,
Мени яхши кўрар эди, учрашар эдик.
Бизлар худди қўш кабутар эдик, сен иблис
Қирғий бўлиб чангал солдинг. Ғунчани уздинг.

Ж а л о л

Бас, Искандар! Эсдан чиқар гўдак хаёлни,
Бизлар севиб турмуш қурдик.

И с к а н д а р

Бу гап ҳам ёлғон,
Сен чиранчоқ, манман эдинг. Энг гўзал қизни
Қўлга олиб дўстларингга мақтаниб юрдинг.
Билардингки, мен ишқида девона эдим,
Шеърлар ёзиб юрар эдим. Кўрганда титраб,
Вужудимда сирли оташ гуриллар эди.
Мажнунлигим аён эди бутун қишлоққа.
Севмагансан! Саодат ҳам севмаган сени,
Ҳеч севиши мумкин эмас. Сен – зўравонсан.
У меники эди – ахир.

Ж а л о л

Сен бола эдинг.
Ўғил бола ўн еттида бола бўлади,

Қизни эса, эрга берсанг она бўлади.
У муносиб эмас эди сенга, гапирма.

И с к а н д а р

Боламидим? Кўнгиллилар сафида туриб
Жангга кетган, қаҳрамонлик қилган Искандар –
Боламиди? Унинг шону шуҳрати билан
Сен кекириб юрибсан-ку!

Ж а л о л

Бас қил!

И с к а н д а р

Қулоқ сол!
Сен билмайсан, мен ўшанда жангга кетаркан,
Юрагимга алам ўтин солиб кетганман.
Ўша ўтни тиғ учида олиб ўтганман.
Шу ўт билан тикка бордим найзабозликка,
Ёнаётган биноларга ўзимни урдим.
Қаҳрамонлик қидирмадим, ўлим қидирдим.
Лекин афсус... Ажал деган ит экан асли,
Қочсанг қувар экан, қувсанг қочаверар экан.

(Сукут)

Сен уйланган кун ёдимдан сира чиқмайди,
Меҳмонларни кутиб олдим ширин сўз билан,
Кулиб юриб чой ташидим. Лекин юрагим
Ҳўнграб, ҳўнграб йиғлар эди. О, билармисан,
Тўйинг менга аза бўлди, ёр-ёр – марсия.
Ўша куни биринчи бор ичдим, маст бўлиб
Рақсга тушдим. Ҳамма яйраб қарсак чаларди.
Мен бамисли қуш қанотин ёзиб ҳавода
Чарх ургандек алпон-талпон айланар эдим.
Сўнг панада пешонамни деворга уриб
Овозимни чиқармасдан дод деб йиғладим...
Ўша кеча қишлоқдан бош олиб кетганман.

Ж а л о л

Тақдир экан, нима қилай, менда гуноҳ йўқ.
(Термосли сайёҳ яқин келади.)

Т е р м о с л и с а й ё ҳ

Жалол ака! Чой дамладим – қулинг ўргилсин,
«Тўқсон беш»дан, бир пиёла ичинг, илиндим.

(Келиб бўш стулга ўтиради ва термоснинг қопқоғига чой қуяди.)
Томоша хўб қизияпти. Четда қолибсиз?
Суҳбат чортанг кўринади...

(Искандарга ишора қилиб)

Таништиринг. Кема катта, саёҳатчи кўп,
Танишмадик.

(Искандарга)

Менинг исмим Калхўжаилёс.

(Сочига ишора қилади.)

Чайқалишда, қалай, кўнгил айнимадими?
Лекин ёмон бўлди... Менга нашъа қилгани –
Ҳамма ўқчиб, кўнгли айниб чўзилиб қолган,
Диктор бўлса радиодан:

(Диктор қизнинг овозига тақлид қилади.)

«Кечки овқатга!
Иштаҳангиз карнай бўлсин! Марҳамат қилинг!»

(Искандарга чой узатади.)

Ж а л о л

(Термосли сайёҳга)

Хўжаилёс, чойхўрликни кейин қиламиз.
Бизни озроқ холи қўйинг, сиздан илтимос.

Т е р м о с л и с а й ё ҳ

Хўп, хўп! Гапнинг қоқ белига тепибмиз-да, а?

(Жалолга чой узатиб)

Лекин, ака, икки хўплам...

(Жалол қўли билан рад қилади.)

Майли, бўлмаса.
(Чойни қайтариб термосга қуяди, қопқоғини ёпади. Жалолга яқин келиб, шивирлаб)
Янгисидан бор... Бир куни бир гўзал аёл
Қора денгиз соҳилида ётган экан...

Ж а л о л

(Оҳиста, лекин қатъий)

Бас,
Бора қолинг.

Термосли сайёҳ

Бўлди, бўлди. Бора қоламиз.

(Искандарга синчиклаб қараганча узоқлашади.)

Жалол

(Искандарга)

Қирқ йил ўтди, у гапларни унут, қаридик,
Беш фарзанддан ўн иккита набирамиз бор.
Замон бошқа ва замоннинг дардлари бошқа.
Дунё қалқиб турган бир пайт – аҳли оламнинг
Буюк дарди қаршисида сенинг гапларинг
Жуда майда кўринади, жуда бачкана.

Искандар

(Заҳарханда билан)

Сафсатага аммо ғоят уста бўлибсан,
Жаҳон дарди... Оламшумул гаплар... Замона...
Қалқиб турган замин дарди каттакон дарду
Битта қалбнинг азоблари, демакки, майда,
Жуда гўзал, тантанавор, сохта фалсафа.

Жалол

Афсус, афсус. Юрагингда тўла кин экан,
Бизни кўриб суюнарсан деб ўйлагандим.
Наҳот сенда заррача ҳам меҳр қолмаган?
Наҳот шунча йил сўнгида бошқа гапинг йўқ?

Искандар

Тасаввур қил – бармоғингга зирапча кирса
Оғриғига қирқ кун чидаб юрарми эдинг?
Қирқ йил менинг юрагимда зирапча ётди.
Сенга уни айтмай аввал нимани айтай?
У дунёю бу дунё, бил, қўлим ёқангда.

Жалол

У дунёда кўрганимда майлига эди.
Жигаримни топдим-ку деб хурсанд бўлибман.
Менинг укам ўлган экан.

Искандар

Ўзинг ўлдирдинг!
Кўзларингни катта очиб қара – қўлинг қон!
Мени ватангадо қилдинг.

Жалол

Ватан сўзини
Тилга олма. Сен ватанга бегона одам.
Айб ўзингда. Бу гапларинг бари баҳона.

Искандар

Тани бошқа дард билмайди. Мабодо агар
Бошимга бу кунлар тушиб юртдан кетмасам
Мен ўзимни Қоражарга ташлаб ўлардим.
Қандай чидай, севган ёрим, тунлар тушимда
Оғушимда бўлган ёрим қайлиқ бўлибмас,
Остонамдан келинойим бўлиб кирди-я!
Айт, мен яна ўша уйда яйраб юрайми?
Қайтмадинг деб таъна қилма, хонадонингга
Ўт қўймадим, шунга суюн.

Жалол

Ўт қўярмидинг?
Ўз туғилган уйингга-я! Қандай разолат!
Нега сени кўрдим! Сени топгандан кўра
Ватан учун қурбон бўлган укамга йиғлаб
Пок руҳини ёдлаб ўтсам бўлмасми эди.
Бу ерларга нега келдим – укам қон тўккан
Азиз ерни кўзга суртсам бўлмасми эди?!
Қаҳрамон деб сенга ёдгор тиклаб эдим-а!

Искандар

Тиригимни хорлаб, уриб қилдинг-у абгор,
Ўлигимни эъзозладинг. Ташаккур минг бор.
Сен буларнинг барчасини укангга меҳринг,
Пок руҳига ҳурматингдан қилган эмассан.
Сенда меҳр борми, юксак хаёллар борми?
Йўқ, дилингда фақатгина ҳисоб-китоб бор.
Ёдгорликни менга эмас, сен ўзинг учун,
Ўз обрўйинг, ўз мартабанг учун тикладинг.
Ўша мармар Искандарга хотира эмас,
Сенинг ёлғон шуҳратингга пойдевор бўлди.
Айт, кўзимга қараб туриб, тўғрисини айт:
Менинг юртга қайтишимни истармидинг? Йўқ!
Чунки қайтсам пойдеворинг қулаб тушади.

Жалол

Тилингни тий. Мени таҳқир қилмоққа ҳатто
Бошда туғи борларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқи йўқ.

Мен обрўни сенинг қабринг устидан эмас,
Ўз меҳнатим эвазига топганман.

И с к а н д а р

Бекор!
Сен меҳнатга эмас, гапга жуда устасан.
Ёшлигингда енгил яшаб, енгил юргансан.

Ж а л о л

Эй нодон, қирқ йил ичида бир одам эмас,
Олам ахир бошқа бўлди.

И с к а н д а р

Сен эса – ўша!
Баландпарвоз гапларинг ҳам, ғўдайишинг ҳам.
Шафқатинг йўқ! Мендан бир гап яширмоқдасан,
Икки марта савол бердим – жавобинг мужмал,
Онам борми, тирикми ё ўлганми? Рост айт,
Кўркма, тирик бўлса, юртга чопиб кетмайман,
Сен у юксак аршингда бўл, забун этмайман.
Биласан-ку, ул дарбоза менга берк, фақат –
Айт, эзилиб адо бўлди юрагим.

(Сукут. Искандар май ичади.)

Ж а л о л

Тирик.
Бу йил саксон бешга борди. Сенинг доғингда
Соя бўлиб қолди онанг. То шу кунгача
Ўлганингга ишонмайди. Ҳар кун бечора
Қабристонга бориб сенинг номинг ўйилган
Мармар тошга дардларини айтиб келади.

И с к а н д а р

Онагинам, онагинам!

(Пешонасига уради.)

Эй шўр пешона,
Мендан бахтсиз бу дунёда бир зот бормикин?
Сени унда илҳақ қилиб бунда мен илҳақ.
Гуноҳкорман, кечир, онам, номардлик қилдим.

(Йиғлайди)

Онажоним, мени сендан жудо қилдилар.
Ўртамизда буюк жарлик пайдо қилдилар.

Ватанимга сузсам – бир кун, учсам – бир соат,
Лекин ўша жарликдан мен ўта олмасман.
Бу дунёда даргоҳингга ета олмасман,
У дунёга умид боғлаб қиларман тоқат.
Мени сендан ким айирди?

(Жалолга)

Сен эмасми у?
Сен-ку мени ўз уйимдан бегона қилган.
Уканг севган қизни хотин қилиб яшашга
Ҳеч бўлмаса элу юртдан уялмадингми?
Халқ кўзига қандай қараб юрибсан? Уят!
Уят! Сендек ака билан бир уйда эмас,
Бир заминда яшамоқдан номус қиламан.
Нега бундай қилдинг? Нега? Жавоб бер, ҳозир!

(Қадаҳни уриб синдиради.)

Нега менинг юрагимни суғуриб олдинг?

Ж а л о л

Ўзингни бос, маст бўлдингми? Нима гап ўзи?
Кўрган одам нима дейди? Эс-хушингни йиғ.

И с к а н д а р

(Аччиқ йиғлайди.)

Мен бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдирдим,
Пушаймонман, энди наф йўқ. Қайга бош урай?
Кимдан нажот кутай?

(Кайф ичида ўзини тамом йўқотади.)

Энди ўзинг нажот бер!

(Тиз чўкиб ёлборади.)

Мени кечир, таъналарим бари аламдан,
Ўз юртимга қайтаман, бас, мени олиб кет.

Ж а л о л

Тур ўрнингдан, одамларга томоша бўлма.

И с к а н д а р

Кемада бир жой топилар, ўрин бўлмаса
Ит сингари бир бурчакда ётиб кетаман.
Бу ерларга ташлаб қўйма мени, жигарим.

Жалол

Кайфинг ошди, бас, уйга бор, эртага тонгда
Меҳмонхонага кел. Фақат ҳушёр кел, хайр.

Искандар

(Унинг сўзларини эшитмайди, гапида давом этади. Жалол чиқиб кетади.)

Ватан, мени тупроғингдан бенасиб этма,
Заррин хатли сағаналар менга керакмас,
Оқ мармардан поғоналар менга керакмас,
Менга фақат бир қулоч ер берсанг, кифоя.

(Саодат киради.)

Саодат

Жалол ака, автобусга!

(Кўзи билан Жалолни излайди.)

Искандар

(Бирдан ҳушёр тортиб эгнини тузатиб ўрнидан туради.)

Менга не бўлди?
Жалол қани?.. Узр, узр...

(Кўз ёшларини артади.)

Мана, ҳушёрман.
Кел, Саодат, бир дам ўлтир.

(Стулни тўғрилаб, жой кўрсатади.)

Кайфим ошибди.
Бош айланди, ўзимни сал йўқотиб қўйдим.

Саодат

Толиқибсан, уйингга бор. Биз ҳам кетамиз.
Вақт тугади.

Искандар

Шошма!

Саодат

Хуш қол.

Искандар

Бир нафас тўхта,
Балки қайта кўришмасмиз, эсингда борми?..

Саодат

Бу гапни қўй. Биз ёш эдик. Балоғатга ҳам –
Етмагандик, у ишқ эмас, бир ҳавас эди.

Искандар

Ҳавас эди, дегин. Қани, ҳар бир севги ҳам
Ўша ҳавас каби тиниқ, беғубор бўлса...

Саодат

Тақдир экан. Менда айб йўқ. Шунча йил ўтиб
У савдони эсга олиш нимага керак?

Искандар

Бегонага тегиб кетсанг алам қилмасди,
Келиб-келиб ўз акамга... Менинг фожиам
Ибтидоси ўша бўлди. Уйдан бош олиб
Кетарканман, қайтмайман, деб қасам ичгандим.
Қасам урди. Ватанга зор бўлдим оқибат.

(Сукут)

Севмагансан! Демак, бари сароб! Демакки,
Шунча йиллар юрагимда ардоқлаган ҳис
У ҳам ёлғон бу дунёнинг сохта жилваси.
Эй худойим! Бор бўлсанг айт, мен нотавонни
Нега бунча шўрпешона қилиб яратдинг?

(Йиғлайди)

Нега жимсан? Бир нима де! Гапир, Саодат!
Ёлбораман, мени алда, севардим, деб айт!
Барибир мен ғарибликда ўлиб кетаман,
Ахир сенинг ватанинг бор, уйинг, оиланг.
Менда эса хотирадан ўзга нима бор?

(Саодат ҳайрат ва қайғу ичида узоқлашиб боради, кўздан йўқолади.)

Ҳеч нарсани кўрмай қолдим, бу нечук ҳолат?
Қаердасан? Ташлаб кетма мени, Саодат!

Сўнгги кема

Учинчи манзара

Истанбул порти. Бир томонда лотинча ҳарф билан пештоқига «Денгиз йўллари» деб ёзилган баланд бино. Бир томонда «Беруний» кемаси. Бизга кеманинг бир қисми кўринади. Тўғрида кўм-кўк Босфор кўрфази. Кемалар. Мачталарда турли мамлакатларнинг турли рангда-

ги байроқлари. Одамлар орасида бизга таниш сайёҳлар ҳам ҳар хил нарсалар кўтариб ўтадилар. Жалол билан Саодат киради.

Саодат

(Тўхтаб, бир чеккага ўтиради.)

Саёҳатга чиқмай ўлай. Вой оёғим-ей.
Хотинини ёмон кўрган эр урмай-сўкмай,
Баланд пошна туфли билан сафар қилдирсин.
(Туфлини ечади.)
Уйга қайтар кун бор экан, минг қатла шукур.

Жалол

Қара, денгиз қандай кўм-кўк, осойишта, жим.

Саодат

Тўлқинини, бўҳронини кўрмаган одам
Денгиз доим шунақа деб ўйлаши мумкин.

Жалол

Инсон ҳам шу. Фароғатда беозор, сокин,
Лекин юрак қатларида тўфон яширин.

Мухбир

(Шеър ўқиб кириб келади.)

Мен Босфорда бўлмаганман ҳеч,
Уни сўзлаб беролмам сенга,
Лекин мовий кўзларинг ҳар кеч
Денгиз бўлиб кўринар менга.
Гўзал Босфор!
(Фотоаппаратини чиқаради.)
Жалол ака, мангулик учун
Битта сурат. Бундоқ туринг. Ҳов анов кўприк
Осиёни Оврупога улаб турибди.
Кўприкни ҳам туширамиз. Гўзал чиқади.
(Гап асносида Жалол ва Саодатни ҳар хил қилиб турғизади, манзара танлайди.)
Сафаримиз оламшумул бўлди-да, ака,
Газетага катта очерк тайёрлаб қўйдим.
Сарлавҳаси – «Бечораҳол гўзал Европа!»
Сизга айтсам, келажакни ўйламоқ керак!
Авлодларга сиздан, биздан нима қолади?
Фотосурат! Бу кичкина масала эмас,

Бу – лаҳзанинг мангуликка қўл берган чоғи!
(Ниҳоят, танлаган манзараси ўзига маъқул бўлади.)
Шундай туринг!
(Фотоаппаратини тўғрилаганда мўйловли полициячи келиб, «мумкин эмас», деган ишорани қилади.)

Полициячи

Но, но!

Мухбир

Пардон, пардон.
(Аппаратини ёпиб, бўйнига осади, полициячи нарига кетади.)
Қаранг-а,
Шундай гўзал манзарани ололмай қолдик,
Аттанг, аттанг!
(Чиқади. Сайёҳлар якка-якка ва тўп-тўп бўлиб кемага қараб борадилар.)

Жалол

Саёҳатнинг энг соз лаҳзаси
Уйга қайтиш бўлса керак. Қара, одамлар
Қандай хурсанд. Бир-бирига навбат бермасдан
Теплоходга чиқишяпти. Жўнашга ҳали –
Роппа-роса уч соат бор. Одамзод шу-да,
Бир сафарга ошиқади, бир ватанига.
(Сукут)

Саодат

Биз-ку, бир ой ўтмай юртни шунча соғиндик.
Қирқ йилни бир ўйланг...

Жалол

(Ўйга чўмиб)

Оғир... Жуда ҳам оғир...
Ҳеч тасаввур қилолмайман.

Саодат

Қандай даҳшатли!
Иситмада алаҳлаган одамга ўхшаб
Туни билан кўрқиб чиқдим. Бу кўрганимиз
Денгиздаги чайқалишдек бўлди.

Жалол

Чайқалиш –
Нима ўзи! Тўфон бўлди! Мен шу бир кунда
Гўё бутун ҳаётимни қайта яшадим.
Дунё остин-устин бўлди.

Термосли сайёҳ

(Бошқа сайёҳлар билан гурунглашиб ўтиб бораркан)
Ҳов, Жалол ака!
Омонмисиз? Сафаримиз қариди, мана!
Хурсандмисиз?

Жалол

Ҳа.

Термосли сайёҳ

Ҳа-да, хурсанд бўлганда қандоқ,
Дунёда ўз юртимиздек жононаси йўқ.
Лондон, Париж – шаҳарми? Бир чойхонаси йўқ.

(Кемага қараб юради.)

Каютага киринг, кўк чой қилиб бераман.

(Кетадилар)

Саодат

Ўйлаб сира ўй тубига етолмаяпман.
Искандарнинг ҳамма гапи ростми? У чиндан
Юрт олдида гуноҳсизми?

Жалол

Мен ишонаман.

Саодат

Йўқса, нега ватанига қайтиб бормади?

Жалол

(Синовчан тикилиб)
Ўзинг айт-чи?..

Саодат

Наҳот бунга сизу мен сабаб?

Жалол

Ростини айт! Искандарда кўнглинг бормиди?

Саодат

Неча марта айтганман-ку, у маҳалда биз –
Бола эдик, болаларда ишқ нима қилсин!
Сизни кўргач қуёш чиқиб гўдак ҳаваслар
Тонгги туман каби зумда тарқалиб кетди.

Жалол

Ўша тонгги туман бошқа одам бошида
Кетмас булут, ўчмас соя бўлиб қолибди.

Саодат

У ҳали ғўр бола эди...

Жалол

Ўша ғўр бола
Қоражарда бир кун менга ташланиб қолди,
Ўшанда мен Искандарни роса ургандим,
Алқасос, у кеча мени қонга белади...
Бу сафар мен юрак қоним билан бўялдим.
Ёмон бўлдим, виждонимдан ёмон уялдим.

Саодат

Демакки, мен гуноҳкорман? Сизни жигардан
Жудо қилган мен эканман?

Жалол

Сенда гуноҳ йўқ,
Мен айбдорман.

Саодат

Рост пушаймонмисиз?

Жалол

Нега энди?

Саодат

Гапиринг...
Искандарни кўргандан буён
Бошқачасиз, авзоингиз ўзгарди-қолди.
(Йиғлайди)
Нега сизни яхши кўрдим? Пешонам курсин.
Мен дунёга келмай ўлай. Бу кўргиликка –
Сабабчиман. Пушаймонсиз, билиб турибман.

(Сукут)

Сизда бундоқ ҳолат сира бўлмаган ахир,
Қийналяпсиз, буни сезиб мен қийналяпман,
Саёҳатдан ғавғо чиқиб қариган чоғда
Наҳот ширин турмушимиз заҳар бўлади?
Менга бундай қараш қилманг – ўрганмаганман.
Азоб чекиб яшасангиз... йўқ... бундан кўра
Мен сабабчи бўлсам, майли, мендан ажралинг.
Жигарингиз мендан кўра азизроқ.

Ж а л о л

Бас қил.
Қийналяпман. Рост. Не қилай, жигарим экан,
Юрагимнинг бир парчаси ёниб ётибди.
Лекин, хотин, сен ўртага тарозу қўйиб
Мен азизми, у азизми деб сўроқ қилма.
Сен қисматим, у азобим, шуни билсанг, бас.
Поклигингга асло-асло шубҳам бўлганмас.
Искандарни уруш қилди тирик хароба,
Харобаки, тиклаб бўлмас... уруш бўлмаса
Балки у ҳам ўз бахтини топиб кетарди.
Асли уйдан кетганда у юрагида кек
Муштумдек қор эди гўё. Умр йўлида
Юмалата-юмалата тоғдек қилибди,
Тоғдек қилиб кек остида ўзи қолибди,
Энди унинг юртга қайтиб бориши қийин.

С а о д а т

Қайтишини хаёлга ҳам келтира кўрманг.
Шармандалик бўлади-я! Дабдаба билан
Аллақайси юртдан тупроқ олиб келгансиз.
Қанча мармар, олтин суви – ҳисоблайсизми?
Гап албатта пулда эмас...

Ж а л о л

Бас қил, Саодат.
Мармартошни гапирасан, укам қайтганда
Яна шунча пул сарфлаб тўй қилар эдим.
У тош бунда

(Кўкрагига уради.)

Харсанг бўлиб чўкиб ётибди.

С а о д а т

Ўйлайсизми? Қаҳрамон деб юрган укангиз
Қочоқ чиқса, сиз ким деган одам бўласиз?

Ж а л о л

Нега қочоқ?

С а о д а т

Умри юртдан қочиб ўтганни
Қочоқ демай нима дейди?

Ж а л о л

Йўқ, у қочоқмас.
Қочоқларни мен кўрганман – урушдан қочиб
Йиллаб сомонхоналарда яшаганлар бор.
Билагига ўқ отганлар, ё бармоғини
Болта билан чопиб, узиб ташлаганлар бор.
Мен урушда, душман танки босиб келганда
«Онажон» деб қочиб қолган зотларни кўрдим.
Ана улар қочоқ, қўрқоқ... Искандар эса...

С а о д а т

Хато қилманг, ўйлаб кўринг – сиз киму у ким.
Донғи кетган қаҳрамонсиз, Ўзбекистонда
Танимаган бир одам йўқ. Ўзингиз учун
Сиз Жалолсиз, лекин юртга – Жалол Аҳмедов!
Бу обрўни туширмоққа ҳеч ҳаққингиз йўқ.
Булар менинг сўзлариммас – ўз сўзларингиз.
Ахир доим такрорлайсиз – мен аввал халқни,
Кейин жигаргўшаларни ўйлайман, дейсиз.

Ж а л о л

(Иккиланиб қолади.)

Искандар-чи?

С а о д а т

(Сўзи таъсир қилганидан қувватланиб, ҳужумни давом эттиради.)

Искандар ҳам худди шунақа.
У ҳам фақат эл фарзанди. У ҳам қаҳрамон.
Ватан учун қурбон бўлган табаррук инсон.
Қишлоқ унинг номи билан «Искандаробод,
Мактаб унинг номи билан – Аҳмедов, ахир.
Қолаверса, набирангиз – бу йил мактабга –

Ўша номи машҳур мактаб остонасига
Қадам қўйган набирангиз номи Искандар.
Сиз бир жигаргўшангизни гўрдан чиқариб,
Бошқаларни гўрга тиқиб қўймоқчимисиз?

Жалол

(Уф тортади, хаёлга чўмиб қолади.)

Энди нима қилиш керак?

Саодат

Нима қилардик?
Искандарни учратмадик, кўрмадик, тамом.

Жалол

Йўқ, бу энди мумкин эмас. Уни кўрдик-ку?

Саодат

Болаларнинг тақдирини ўйламайсизми?
Бир ўғлингиз Ижроқўмда муовин, бири –
Эрта бир кун фан доктори бўлиб турибди.

Жалол

Ана энди ўз гапингни айтдинг, Саодат,
«Эл-юрт» дейсан, «қишлоқ шону шуҳрати» дейсан.
Асли сенда ўз оиланг ҳам бола-чақанг
Фойдасидан ўзга мақсад йўқ, бўлмаган ҳам.

Саодат

Бу оила сизники. Ё бегонамисиз?
Мен не десам аввал бошда сизни ўйлайман.
Бу обрўни сиз томчилаб йиққансиз ахир,
Энди уни пақир билан тўкмоқчимисиз?

Жалол

Мен бу кеча бир лаҳза ҳам ухлаганим йўқ,
Искандарнинг узоқ йиллар чеккан дардини
Бир кечада юрагимдан кечирдим бугун.
Бу ерда мен ўлиб кетган укам биланмас,
Ўлиб кетган виждон билан учрашиб қолдим.
Сен билмайсан, анча-мунча гуноҳларим бор.

Саодат

Яна қандай гуноҳ?

Жалол

Эшит, айтиб бераман:

(Сукут)

Бу воқеа ўн етти йил илгари бўлган.
Эндигина раис бўлиб сайланган эдим.
Эрта баҳор бир кун обком вакили келиб
Бир пиёла чой устида гап очиб қолди:
«Биз маслаҳат қилдик, – деди, – областимизда
Сизнинг колхоз машъал бўлиб туриши керак.
Курултойга сиз борасиз. Нутқ гапирасиз».
«Нега, – дедим – қўшни колхоз ҳамма жиҳатдан
Олдинда-ку...» «Йўқ, – деди у, – ҳамма жиҳатни
Ўйламоқни бизга қўйинг. Сиз муносибсиз.
Қаҳрамоннинг акасисиз. Табиат сизга –
Кўп хислатлар бериб қўйган. Кўрсаткич бўлса...
Кўрсаткични тўғрилайсиз... Ёрдам берамиз».
Бўшлик қилдим. Кўндим. Шундан бошланиб кетди...

Саодат

(Қўрқиб атрофга қарайди.)

Тсс... гапирманг. Шўрим қурсин. Сизга не бўлди?
Биласизми қаердасиз?

Жалол

Яхши биламан.
Сен ҳам шуни билиб қўй. Биз ёт билмасин деб
Айбимизни ёпа-ёпа кўп ютқизганмиз.
Мен аҳд қилдим – юртга қайтгач биринчи ишим –
Марказкомга бориб ҳамма гапни айтаман.
Бу унвону нишонларим, шону шуҳратим
Бари сохта деб айтаман. Не бўлса бўлсин.
Ўн етти йил ич-этимни кемириб ётган
Изтиробдан қутуламан.

Саодат

Бекор айтибсиз.
Эсингизни йиғиб олинг. Шунча обрўга
Шунча ҳурмат-эътиборга шукр қилмасдан...
Бу – тузлиққа тупуриш! Э, қўйинг, гапирманг!

(Мухбир пайдо бўлади ва жим эшитади.)

Жалол

Мен тузлиққа ўша вақтда тупурган эдим,
Энди уни тоза қилиб кетишим керак.

Саодат

Оғир бўлинг, ҳар қандай рост дегулик эмас.

Мухбир

Баракалла, ҳар қандай рост дегулик эмас.
Жалол ака, сиз ноҳақсиз, хотинингиз ҳақ.

Жалол

Яна етиб келдингизми? Мен қайда бўлсам,
Ўша ерда сиз ҳамиша ҳозиру нозир.

Мухбир

Вазифамиз шундоқ. Мухбир касби шунақа,
Сиз бор жойда биз ҳозиру нозир бўлмасак,
Ака, сизга бу нишонлар қаёқда эди!
Мен ёзганим учун, мана, донг таратдингиз,
Яхши мақсад билан тутган қалам мени ҳам
Донғингизга шерик қилди... Қаторингизда
Бу ажойиб сафар бизга армуғон бўлди.

Жалол

Бу армуғон пешонамнинг шўри бўлди-ку,
Қай бахтсиз кун дучор бўлдим бу кўргиликка.
Ҳаммангиз бир бўлиб мени йўлдан урдингиз.

Мухбир

Энди наф йўқ ўкинишдан. Тимсолни кўринг!
Биз ҳаммамиз бир кемага тушган одамлар!
Жонимиз бир. Ҳозир лангар сизда. Кемани
Чўктириш ё омон сақлаш бир сизга боғлиқ.

Жалол

Мақсадингиз менга аён. Тимсол-пимсолни
Йиғиштириб ўғил бола гапни гапиринг.
Фикрингиз шу: ёпиқ қозон ёпиғлиқ қолсин.

Мухбир

Мен сизга ақл ўргатмайман. Мендан каттасиз,
Лекин билинг: иш очилса, бир ўзингизмас,
Бутун район, область, водий бадном бўлади.

Жалол

Халқ бошини ҳақ кўтарар, ёлғон эгади.

Мухбир

Бу гапингиз тўғри келиб менга тегади.
Ўйлайсизки, сиз бу ишни ўзингиз очиб
Мардлик қилиб, кўкрак кериб юрасиз. Йўқ, йўқ!
Мен-чи? Менинг ёзганларим нима бўлади?
Улар минг-минг тираж бўлиб ҳар хонадонда
Жавонларда савлат тўкиб турибди.

Жалол

Сиз ҳам
Мардлик қилинг.

Мухбир

Бўпти, мен ҳам мардлик қиламан.
Шу тобдаёқ Москвага радиограмма
Юбораман. Сиз боргунча марказий газет
Сизни чалпак қилиб ҳажвий лавҳа босади.
Остидаги имзо агар меники бўлса
Ажабланманг. Шу қўл сизни машҳур қилганди,

(Қўлини кўтаради.)

Энди шу қўл манфур қилар.

Саодат

Нақадар даҳшат!

Мухбир

Одессага етиб боргач эртага кема
Зинасига чиқиб келган икки азамат
Сизни «иззат-икром билан» кутиб олади.
Қўлингизга тақишади ажойиб занжир,
Бир занжирки, жаранглаши кўкрагингизда
Жаранглаган орденларга жуда ҳамоҳанг.

(Саодат «оҳ» деб панжарага суяниб қолади.)

Жалол

(Мухбирга)

Кет бу ердан! Йўқол!

Мухбир

Мен-ку йўқолсам бўлар,
Бу кассета йўқолмайди.

(Кўкрак чўнтагидан кассета олиб кўрсатади.)

Бунда ёзуғлик
Ўтган кунги бозордаги учрашувингиз,
Кеча карвонсаройдаги суҳбат ҳаммаси,
(Кассетани магнитофонга қўяди)
Биз Лондондан магнитофон сотиб олгандик.
Хўп иш берди.

Жалол

Айғоқчи!

Мухбир

Ҳа! Мана, эшитинг
(Искандарнинг овози)
Ёдгорликни менга эмас, сен ўзинг учун,
Ўз обрўйинг, ўз мартабанг учун тикладинг.
Ўша мармар Искандарга хотира эмас,
Сенинг ёлғон шуҳратингга пойдевор бўлди.
. . . . . .
(Шиғиллаган овоз. Лента ўтиши)
Уканг севган қизни хотин қилиб яшашга
Ҳеч бўлмаса элу юртдан уялмадингми?
Қандай чидай, севган ёрим, тунлар тушимда
Оғушимда бўлган ёрим қайлиқ бўлибмас,
Остонамдан келинойим бўлиб кирса-я!

Жалол

(Қулоқларини беркитади.)

Ўчир, дейман, ўчир! Иблис! Йўқол кўзимдан!

Мухбир

Майли, кетдим. Жаҳлингиздан тушгач ўзингиз
Кассетани ўн минг бериб мендан оласиз.
Сувратларнинг баҳоси сал қиммат бўлади.
(Фотоаппаратига ишора қилади.)

Саодат

(четга)

Бу ўлим-ку.

Мухбир

Ҳазиллашдим... Пора олмайман.
Буни замон кўтармайди. Ёзган мақолам
Қалам ҳақи, шон-шуҳрати менга етади.
Сарлавҳани топиб қўйдим: «Ватангадо ким?»
Қалай, зўрми? Ха-ха-ха-ха! «Ватангадо ким?»
Бўпти, хайр.

Саодат

Йўқ-йўқ! Тўхтанг! Шарманда қилманг.
Жалол ака! Биз ҳеч кимни кўрганимиз йўқ,
Ҳеч воқеа бўлгани йўқ! Шундай эмасми?

Жалол

Шундай эмас. Мард бир ўлар, номард эса юз.
Мен фикримдан қайтмайман.

Мухбир

Хўп. Ихтиёр сизда.

(Чиқади)

Жалол

Тамом! Бари тамом! Шону шуҳрат, мартаба,
Иззат-обрў, мен тилаган сокин кексалик.
Офат тўлқин елкасида мени кўтариб
Олиб бориб тошга урди. Чилпарчин қилди.
Оқибатда нима бўлдим? Осмонга қараб
Варанглатиб кимдир отган мушак мен бўлдим,
Айём куни думчасига «офарин» деган
Шиор боғлаб учирилган пуфак мен бўлдим.
Шамолларда дариллаган, ипи узилиб
Энди ерга тушаётган варрак мен бўлдим.

(Сукут)

Искандарга, бош эгиб бор юртингга, дедим,
Мана ўзим юртга бошни эгиб бораман.
Кечир, Ватан, шуҳратпараст эканман, кечир.
Искандар – оқ, мен олдингда юзи қораман.
Ғариб юртда у хоинмас, инондим, билдим,
Мен бағрингда яшаб туриб нонкўрлик қилдим.

Саодат

Йўқ! Гапирманг! Сўзингизни шамоллар олсин,
Кўрганимиз туш – даҳшатли туш бўлиб қолсин!

Ёлвораман, ҳали вақт бор, бу гапдан қайтинг,
Искандарни кўрмадим, денг. Ўлган денг, айтинг!

(Жалол жим.)

Нега жимсиз? Кўздан оққан ёшгинам билан,
Йиллар ғами оқартирган бошгинам билан
Эгилайин, оёғингиз ўпайин.

(Искандар қўлида тугун билан пайпасланиб кириб келади ва қулоқ солиб туради.)

Қўйинг.
Шундоқ қилманг. Майли, менинг бағримни ўйинг,
Лекин сиздан фарзандларга жафо қолмасин,
Иснод деган бир умрлик бало қолмасин.
Ялинаман, ёлвораман.

Искандар

Сенми, Саодат?
Нега энди йиғлаяпсан, бу нечук ҳолат?
Йиғи сенга ярашмайди, бошингни кўтар,
Дунё ўзи алдоқчи, қўй, ҳаммаси ўтар.
Сен Ватанга қайтаяпсан – йўлинг бўлсин оқ...

Саодат

(Искандарга ғазаб билан)

Яна пайдо бўлдингми сен – баттол, шумоёқ,
Ҳаммасига сен сабабчи – нега ўлмадинг?
Нега пайдо бўлдинг, беиз ғойиб бўлмадинг?
Ўзинг каби бизни бахтиқаро қилдинг-ку,
Юртимизда юртимиздан жудо қилдинг-ку.

Жалол

(Саодатга)

Овозингни ўчир, ҳозир бўғиб ташлайман!

Саодат

Майли, бўғинг, кўзларимни ўйинг, розиман,
Бегона юрт мозорига қўйинг, розиман.
Ўлган яхши яшагандан кўра шармисор.

Искандар

Қўй, Саодат, бундай сўзни тилингга олма,
Мен ўлганман, ер юзида йўқман, қийналма.
Ўйлагинки, биз бу ёруғ дунёда эмас,

Осмонларда бир дақиқа бўлдик ҳамнафас.
Биз йўқ! Юрак, руҳларимиз қилди мулоқот.

(Жалолга)

Саодатинг – гавҳаринг, қил уни эҳтиёт!
Буни сенга айтаяпман!

Жалол

Искандар ҳаёт!
Тамом! Буни одамларга айтиб бўлганман.

Саодат

Ундоқ бўлса, ҳисоблангки, мен ҳам ўлганман.
Йўқ, бормайман юртга тавқи лаънатни осиб.

Искандар

Саодат, сен буни ҳатто қилмагин хаёл,
Ғарибликни душманга ҳам раво кўрмасдим,
Ихтиёрим бўлса бунда бир зум турмасдим,
Билармисан, нечун қилар най дардли наво?
Қамишзордан айрилдим деб у дод этармиш,
Чаманларда, боғларда ҳам фарёд этармиш.
Мен тўқаймас, жаннатимдан бўлдим-ку жудо!

(Жалолга)

Эсингдами, Жалол, эски гузарда бир чол
Девонаваш ўлтирарди, эгни турфаҳол.
Кўзи кўрмас эди, бизлар кулиб ўтардик,
Дўпписига чақамас, тош ташлаб кетардик.
Гоҳи дейман ҳаддан ортиқ эзганида ғам,
Қани эди, ўз юртимда ўша чол бўлсам.
Гадо эмас, подшо сезар эдим ўзимни,
Юрагимни қувончларга тўлдирар эдим.
Дўппимга тош солиб эмас, тепиб ўйнашса
Болаларни дуо қилиб ўлтирар эдим.

Жалол

Юртингга қайт, энди сенга монелик йўқ ҳеч.

Искандар

Жон деб борар эдим, учар эдим, лекин – кеч.
Умр гули кетди, чўпдек устихон қолди.
Энди фақат ўлим деган бир имкон қолди.
Ватанимга не юз билан, не деб қайтаман?

Жалол

Сени кўрдим, онамизга қандай айтаман?

Искандар

Айта кўрма, ёлвораман, онам билмасин,
Жароҳати янги бўлиб фарёд қилмасин.

(Тугун узатади.)

Ўзимдан деб шу совғани унга олиб бор.
Энди онам дийдорини кўрмоғим душвор.
Тирик юриб даргоҳида бўла олмадим,
Фарзанд бўлиб хизматини қила олмадим.
Унга атаб икки-уч хил кийимлар олдим,
Бир кунига яратар деб буюмлар олдим.
Эҳтиётга жамғарганман – шуни олиб бор.
Сўққабошман, куним яқин, менга не даркор.

Жалол

Онамизга бўз кўйлагу дока рўмолдан
Ўзга нарса даркор эмас – чиқар хаёлдан –
Унга совғанг эмас, ўзинг кераксан, ахир.

Искандар

Ялинаман, ол, бунчалар бўлма тошбағир.

Жалол

Насиб этса, бир кун ўзинг олиб борасан.

Искандар

(Қатъий)

Ол!

Жалол

Бас, жиндек меҳримни ҳам ерга қорасан.
Такрор дейман, буюмингга онанг зор эмас.
Тошбағир ким, сенми, менми, ўйла бир нафас.
Узоқ қирқ йил сен онани қидирганинг йўқ.
Мен борман деб, тирикман деб билдирганинг йўқ.
Бизнес деган гирдибоднинг домида юрдинг,
Куч борида бойликка маст, айшингни сурдинг.
Энди қариб, кучдан қолиб, баридан айру,
Бу оламнинг ҳаваслари бўлганда абас,
Меҳру сахо касб этибсан – ҳаёт ўзи шу –

Камбағалдек сахий ёруғ дунёда бўлмас.
Аччиқ гаплар айтдим, гарчи ҳар бир сўзим ўқ –
Жароҳатингга туз сепиш ниятимда йўқ.
Сенга боқиб виждонимни ўйлаётирман,
Мен ҳам сенга виждон бўлиб сўйлаётирман.
Рост айт! Агар учраштирса тасодиф ҳолат
Сен онангни танирмидинг? Эслайсанми? Айт.

Искандар

Ака, мени адо қилдинг. Урдинг бешафқат.
Тани бошқа дард билмайди. Бу чин ҳақиқат.
Ҳа, мен худди ўрмонзорда адашиб қолиб,
Онабўри эмчагини сўрган боламан.
Шу ўрмонда умрим ўтди, шунда қоламан.
Лекин менга қаттиқ тегдинг, хайрлашар чоғ
Энди битта воқеани эсга соламан.
Бу ҳеч кимга айтилмаган сир эди алҳол,
Саодат, кел, йиғингни қўй, сен ҳам қулоқ сол.

(Йиғлаб ўтирган Саодат бери келади.)

Роппа-роса ўн тўққиз йил бўлди ўшанга.

(Жалолга)

У пайтда сен раис эмас, бригадир эдинг,
Ёдингдами, марокашлик учта меҳмонга
Ўз далангни кўрсатгандинг.

Жалол

Ҳа-ҳа, эсимда.
Пахтачилар эди.
Ётиб қолди.

Искандар

Балли. Улар ўша кун

Жалол

Август эди. Колхоз боғига
Жой қилгандик.

Искандар

Ҳа. Сен энди яхшилаб эсла,
Ўшаларнинг бири эди Ибн Мутаваккил...

Жалол

Бўлди, бўлди! У сен эдинг. Энди эсладим.
Наҳотки сен!

Саодат

(Четга)

Оҳ, мен ахир ош дамлагандим,
Қандоқ уни танимадим? Нега сезмадим?
У шийпонда имо билан сув сўраганда
Мен косада сув келтириб бердим. У олиб,
Мендан кўзни сира узмай сипқарган эди.
У кўзларда дард бор эди, меҳр бор эди.
Қувонч билан ғам аралаш сеҳр бор эди.

Искандар

Ўша кун мен худди тушда кўргандек кўрдим
Бирга ёнғоқ ўйнаб юрган ўртоқларимни.
Оқшом колхоз клубида учрашув бўлди,
Мен ҳайратдан одамларга термулар эдим:
У амаким, у опам, у болалик дўстим...
Кампирларнинг орасидан кўзим жавдираб
Мен онамни излар эдим, топа олмасдим.
Тирик борми ё ўлганми – била олмасдим.
Бир ўйладим – шартта турсам – қичқириб айтсам:
Эй сиз, жигаргўшаларим, қадрдонларим,
Жондошларим, мен Марокаш фуқаросимас,
Ўзингизнинг Искандарман. Тирикман, десам.
Ана унда томошаю қий-чувни кўринг.
Базўр тилни тишлаганча ўлтирдим.

Жалол

Нега?
Нега ўзни танитмадинг?

Искандар

Қандоқ танитай?
Хиёнатсиз эканимга исботим қани?
Бир ярим йил Рурнинг қаро шахталарида
Ит азобин чекканимга қоғозим борми?
Ё фашистнинг соқчисини ўлдирганимда
Ундан тилхат олганмидим? Мени чалажон
Ўрмонзорда топиб олган немис кампир ҳам
Ҳужжат ёзиб, бармоқ босиб бермаганди-ку.
Ким ишонар эди менга? Ким бўлар эдим?
Эъзоз билан эл елкада кўтариб бориб
Қабристонга элтиб қўйган ўлик эртаси

Маъракага салом бериб кириб келса-я!
Тасаввур қил, қандоқ ҳолга тушар халойиқ!
Тишни тишга қўйдим. Йиғин тамом бўлди-ю
Биз шийпонга бориб ётдик. Э-воҳ, ўша тун
Лаззати бир жаҳон эди, дарди бир жаҳон,
Ўлгунимча хаёлимдан нари кетмайди.

(Сукут)

Ойдин кеча эди. Хушбўй даланинг иси
Димоғимни эркаларди. Мен кўз юммасдан
Юлдузларга қараб ётдим, шашқатор ёшим
Саҳаргача юзларимдан оқиб ёстиққа
Тома берди... тома берди... жиққа ҳўл қилди.
Тонгга яқин аста турдим. Ҳамма уйқуда,
Қоровул ҳам ухлар эди. Боғ эшигидан
Катта йўлга чиқдим – таниш ўша йўл билан
Ҳовлимизга қараб юрдим. Оёқялангман.
Бу дунёни унутганман, болага ўхшаб
Югураман, энтикаман. Оёқ остимда
Гўдакликдан таниш юмшоқ ва илиқ тупроқ,
Бир яйрайман, бир йиғлайман, ўкраб йиғлайман.

Саодат

Эй фалак, бу не изтироб! Чидаб бўлмас ҳеч!

Искандар

Тор кўчага бурилдиму ним қоронғуда
Таниш тутни кўрдим. Ичим ўртаниб кетди.
Ўша ариқ, ўша девор, ўша дарбоза.
Худди мени кутган каби қия очилган.
Қандай мардлик, қандай журъат келди, билмайман.
Мен ҳовлига кирдим, ана у бир туп ўрик,
Ана ўша тандир – онам бир замонларда
Нон ёпганда менга атаб кулча қиларди.
Эски айвон. Астагина бордиму кўрдим!
Онагинам сокингина ухлаб ётарди.
Ой нурлари оппоқ сочу киприкларида
Акс этарди. Кўзларимни қоплаб келган ёш
Ногоҳ унинг рухсорини тўсди. Оҳ, онам
Онагинам, ўғлинг шундоқ ёнингда туриб
Эркаланиб сийнангга бош қўя олмайди,
Бола бўлиб ҳидларингга тўя олмайди.
Ўша лаҳза она билан фарзанд ораси

Оҳ, нақадар яқин эди, нақадар узоқ!
Қошида мен узоқ-узоқ ўлтирар эдим.
Лекин қўрқар эдим, онам уйғониб қолса,
Мени олам билмаса ҳам у билар эди,
Болажон деб қучоғига жо қилар эди.

(Сукут)

Тонг отмасдан, ҳали кўкнинг Зуҳроси сўнмай,
Қуёш ҳам илк нурларини сочмасдан бурун
Яна ўша таниш тупроқ кўчани босиб
Ортга қайтдим. Бир пайт боқсам, гузар томонда
Ўт шуъласи кўриндию у ёнга юрдим.
Эски гузар энди катта сайҳон бўлибди.
Ўртасида улкан ҳайкал – солдат ҳайкали
Мангу олов косасини ушлаб турибди.
Яқин бордим. Мармар лавҳа. Ўт шуъласида
Порлаб турар заррин хатлар ёзилган номлар:
Миркомилов, Абдуллаев, Собиров, Шеров –
Бари менинг тенгқурларим, оғайниларим.
Улар билан биз иккита эски дўппининг
Орасига пахта тиқиб тўп тепар эдик.
Анавини «чатоқ» дердик, буни «пакана»,
Мирзахалил «ғирром» эди... Фалак гардиши
Қирқ иккита бўз боланинг ширин жонини
Қирқ икки туп атиргулга айлантирибди.
Нари бордим. Алоҳида тикланган қабр,
Бўй баробар мармар лавҳа. Бошида юлдуз.
Ким экан деб қизиқдиму ўқидим. Ҳайҳот!
Ҳайҳот, дунё! Сенинг бундоқ ишларинг бордур,
Қабристонга биров ёри, биров фарзанди,
Биров ота, онасини йўқлаб боради.
Мен-чи, у кун, не сўз билан баён этайки,
Ўз қабримнинг тепасида ўзим турардим.
Дердим, фалак нега мени шу ҳолга солдинг,
Ҳадду поён борми алам, дарду сабримга.
Ўзим тирик мозор бўлиб келиб турибман
Менга насиб этмаган шу совуқ қабримга...
Эй воҳ, энди мен юртимга қандоқ қайтаман,
Не юз билан ўлмаганман дея айтаман?

(Саодат йиғлаб нари кетади.

Шу пайт кема томондан «Қаро кўзим» қўшиғи янграйди. Жалол, Саодат, Искандар кема томонга қараганча узоқ жим қолишади. Қўшиқ бўлинади.)

О в о з

«Диққат! Диққат! «Беруний» теплоходининг барча сайёҳлари диққатига. Бугун кемада Ўзбекистон куни эълон қилинади. Барча қардош республикаларнинг вакиллари бугун Ўзбекистон меҳмонлари бўладилар. Кеч соат тўққизда томоша залида тўпланишингизни сўраймиз. Ўзбек сайёҳлари иштирокида концерт бўлади.

Диққат, диққат! Теплоход жўнашига ўн беш дақиқа вақт қолди. Теплоходга чиқишингизни сўраймиз. Бугунги кечки тадбиримиз мутасаддиси Жалол Аҳмедов ўн еттинчи купега зудлик билан етиб келинг! Диққат! Диққат!»

Ж а л о л

Насиб қилса кўришармиз, хайр, Искандар!
Энди юртга яширинмас, ўзинг бўлиб бор.
Олтмиш – ҳали ўта кетган қарилик эмас,
Кўзларингни даволаймиз – ҳали яшайсан.

И с к а н д а р

Умр ўтди.

Ж а л о л

Билки, инсон умридан агар
Бир кун муддат қолган бўлса, ўша муддатни
Покланишга сарф этмоғи керак. Ҳа, шунда
Нопок ўтган – бутун умр бир туш бўлару
Ўша бир кун ҳаёт бўлар. Чинакам ҳаёт,
Бошқа гапим йўқ, Искандар, омон бўл!

И с к а н д а р

Хайр!

(Жалол кетади. Саодат келади.)

С а о д а т

Искандар, сен мени кечир, ўзим билмасдан
Ҳаётингга завол бўлдим. Энди виждоним
Ўлгунимча менга азоб беради. Тушун.
Акангга чин севги билан боғланганим рост.
Ҳозир унга жуда қийин. Ёнига борай.

(Кема томонга бир неча қадам қўйиб орқага қайрилади.)

Энди билдим, ҳақиқат бир юксак тоғ экан,
Ундан кўзни юмиш мумкин, терс қараш мумкин,
Аммо тупроқ билан кўмиш беимкон экан.

Сенга эса сўнгги сўзим: Ватанингга қайт.
Ўтган ишлар ўтди. Энди қолган умрни
Ёлғон билан эмас – ҳалол ва пок яшайлик.
Пешонада нима бўлса шуни кўрамиз.

И с к а н д а р

Саодат, мен умрим борки, сендан розиман,
Миннатдорман, бу қабоҳат тўла дунёда
Сенинг ёдинг покизалик тимсоли бўлиб,
Шуъла бўлиб ҳаётимни ёритиб турди.
Шу нур ҳаққи, миннатдорман, бор бўл, омон бўл!

(Теплоход гудок чалади.)

С а о д а т

Кўришгунча хайр, Искандар!

И с к а н д а р

Саодат, оқ йўл!

(Саодат кетади, Искандар соҳилда ёлғиз)

Ана, кема, Ватанимнинг битта бўлаги.
Оҳ, Ватаним бунча яқин, бунча узоқсан,
Ўртамизда икки қадам масофа, холос.
Икки қадам қўйсам – тамом, кучоғингдаман,
Аммо ўша икки қадам – икки дунёнинг
Орасича йўлдир. Гўё туғилмоқ, ўлмоқ
Саналари орасида турган чизиқча...
Ана, кема йўлга чиқди. Энди у мендан
Беғубор у йилларимдек узоқлашади.
Бир дам тўхта, болалигим, мовий баҳорим,
Ғурбат юртга ташлаб кетма мени, диёрим.
Узоқлашма. Кўз олдимда тургин бир нафас.
Сен бу ожиз дийдамга нур бергин бир нафас,
Сенинг билан энг бахтиёр оним кетмоқда,
Қуриб қолган вужудимдан жоним кетмоқда.
Юртим, кемам тўлқинларнинг устида қалқиб,
Гирдобларга кўкрак уриб кетиб борадир.
Йўқ, у – офтоб, менга тунни қолдириб, балқиб
Ёруғ кундуз масканига етиб борадир.
Энди менга шаби ҳижрон фалакда танҳо
Саргардон бир юлдуз каби мўлтираш қолди.
Ҳар йил бир бор бандаргоҳга келиб умидвор,
Сайёҳлардан «бир кафт тупроқ» деб тилаш қолди.
Хайр, Ватан, хайр, онажон!..

(Денгизга қараб аста тиз чўкади.)

Болангни кечир,
Айриликда ўлиб кетсам, мендан рози бўл.

(Йиғлайди)

Қани эди, насиб бўлиб бағрингда ўлсам,
Бу дунёдан ҳеч беармон кетган бўлардим.
Гўё она кучоғида ухлаган бола –
Тупроғингда эркаланиб ётган бўлардим.

(Сукут)

Қуёш ботиб кетди – кемам кўздан йўқолди,
Ана, кўкка бирин-кетин чиқди юлдузлар.
Юлдуз-юлдуз ёшлар тўкиб менинг ҳолимга,
Кўнгилдаги фарёдимга фалак ҳам бўзлар.
Эй коронғу фалак, энди сен бағрингни оч,
Ерда менинг маконим йўқ, олиб кет мени,
Кафан қилиб ботаётган қуёш нуридан,
Юлдузларнинг Ватанига дафн эт мени.
Абадият маконига мени олиб кет,
Соғинч номли юлдуз бўлиб сузиб юрайин.
Инсонларга беватанлик дардини сўзлаб,
Юрагимдек симоб бўлиб қалқиб турайин.
Юлдузлардан юлдуз бўлиб кўринса замин,
Меҳр тилай ва осойиш тилай ҳар замон.
Қайда адо бўлса менинг нотавон жисмим,
Руҳим айтар: ота юртим, сен бўлгин омон!

Тамом.

Орзули дунё

ШОИРГА МАКТУБ

– Мен бир қизни севаман, аммо
Қиз дер: – Боринг, тошингиз теринг.
Шоир ака, сиздан илтижо,
Менга битта шеър ёзиб беринг.

Уни ўзим оққа кўчириб
Ҳар сатрини қонимга белай.
Гулдастага аста яшириб,
Эшигига қистириб келай.

Ўқисин-у ўша парвосиз –
Қалбида ҳам бир ҳис уйғонсин.
Қасамимга ишонмаган қиз
Ўша ёниқ байтга ишонсин.

Шундай ёзинг, токи юраги
Эриб кетсин бўлса ҳамки тош.
Жонига ўт тушсин мен каби,
Оқиб кетсин кўзларидан ёш.

Ошиқда ишқ бўлса мукаммал
Маъшуқани этармиш шайдо.
Мажнунлигим англаб у гўзал
Зора севса бамисли Лайло.

Қучоғимга отилса дилбар,
Юрагимда армон қолмаса...
Ахир шоир шоирми агар
Бир юракни эритолмаса.

Шеър кутарман сиздан умидвор,
Ёрга етсам бахтли бўларман.
Йўқса менга ҳаёт не даркор,
Тоғдан ўзни ташлаб ўларман.

– Оҳ, бечора ошиқ укажон,
Андуҳларинг менга аёндир.
Ишқ – вужудни ўртаган армон,
Англаб бўлмас сирли жаҳондир.

Бир бевафо ишқида мен ҳам
Поёни йўқ дардга тўлганман.
Шу дард менга тутқазган қалам,
Куя-куя шоир бўлганман.

На оҳимга парво қилган у,
На шеъримни назарга илган.
Неча дафтар тўлдирганману
Улар бари йиртиб отилган.

Укам, менга қилмагин ҳавас,
Юрагимда юз минг армонлар.
Бахтли бўлсанг битта шеър эмас,
Ёзиб берай сенга достонлар.

Ташбиҳларим қадрига етиб,
Ёринг кўнгли тушса жойига.
Менинг бор-йўқ ёзганим элтиб
Ташла ўша қизнинг пойига.

Бўлсин, укам, умринг чароғон,
Мен етмаган бахтга етгин сен.
Ёрингни ишқ деган бепоён
Осмонларга олиб кетгин сен.

Гул очди, деб, бир қалб сўзимдан,
Баҳра олди, деб, биргина жон –
Рози бўлай мен ҳам ўзимдан,
Бу дунёдан ўтай беармон.

КЎЗУНГ, НЕ БАЛО ҚАРО БЎЛУБТУР

(Навоий ғазалига мухаммас)

Ишқинг менга то жафо бўлубтур,
Кўнглимга жафо сафо бўлубтур,
Қошинг, не жазоки, ё бўлубтур,
Кўзунг, не бало қаро бўлубтур,
Ким жонға қаро бало бўлубтур.

Ҳажрингки, юзимни зард қилди,
Дунёни кўзимга сард қилди,
Дашти адам ичра гард қилди,
Мажмуъи давони дард қилди,
Дардингки, манго даво бўлубтур.

Чун ўтли юзинг адоси юз жон,
Қош бирла кўзинг гадоси юз жон,
Зулфингни чу мубталоси юз жон,
Ишқ ичра онинг фидоси юз жон,
Ҳар жонки санго фидо бўлубтур.

Тун-кун тиладим висол Худодин,
Ҳижронни юборди ул самодин.
Ёр юз ўгирибди мен фидодин,
Бегона бўлубтур ошнодин,
Бегонаго ошно бўлубтур.

Чун икки жаҳон саодати – ишқ,
Чун умрим ўзи – ҳикояти ишқ,
Эркин тилаги – ҳидояти ишқ,
То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлубтур.

1997

ҲАММА БОЛАМ, ДЕЙДИ

Ҳамма болам, дейди.
Шу кори олам!
Бола улғайиб, сўнг у ҳам дер, болам,
Сув пастга оқади.
Ота меҳрини
Фарзандига бериб қарз узар одам.

2001

ЯХШИЛИК

Марҳаматли инсон кўнгли доим оқ,
Барчага баробар даргоҳи кенгдир.
Лекин ёмонга ҳам яхшилик қилмоқ
Яхшига ёмонлик қилмоққа тенгдир.

2002

ЎЛМАС ЭДИ БАЛКИ ОДАМЗОД

Ўлмас эди балки одамзод,
Бўлар эди дунёга устун.
Ақли бўлса жаҳлидан зиёд,
Сабри бўлса нафсидан устун.

Ажал дея аталувчи чоҳ –
Ичра зинҳор тушмасди одам,
Бўлса эди озгина огоҳ,
Ўйлабгина қўйсайди қадам.

Иш ўлдирмас, ишкал ўлдирар,
Жон заволи юз ёшмас, кўз ёш,
Инсон нега дунёдан кетар
Қувлаб унга отмасалар тош?!

Таҳқир заҳру ханжар ила тенг,
Туҳмат ортиқ ўқдан ва дордан.
Инсон ўлмас бири бирининг
Ўлишига бермаса ёрдам.

Инсон ўлмас ўлдирмаса ғам,
Макон қилмас қаро турбатни
Кўрса агар тиригида ҳам
Ўлганида топган ҳурматни.

Олам тўла фитна, адоват,
Мангу қолиб нетар одамзод?
Бир кун чарчаб, излаб фароғат
Тинч дунёга кетар одамзод.

2004

ВАФО

Қабристонда кеча ёққан қор
Милдир-милдир эриб ётибди.
Гўр устида бир ит инграб зор,
Лойга бағрин бериб ётибди.

Кеча тобут кўтарилган дам
У беором югурган-елган.
Қувсалар ҳам, тош отсалар ҳам
Эл ортидан мозорга келган.

Отасидан айрилса агар
Бунча куймас одам боласи.
Ёлғон эди кеча йиғилар,
Рост эди шу итнинг ноласи.

Совуқ тунда қотиб, дийдираб,
Қабрга у қўйиб ётди бош.
Эриган қор каби милдираб
Кўзларидан тинмай оқди ёш...

Биз инсонмиз, соҳиби дунё,
Қудратлимиз, мағрурмиз, тўқмиз.
Садоқатда, меҳрда аммо
Шу бечора бир итча йўқмиз.

2005

ҚАЙ БИРИ АЗИЗ?

Шогирд сўрди:
– Қай бири азиз,
Дўстми ёки қариндош-жигар?
Устоз жавоб берди:
– Шубҳасиз,
Қариндош! У дўст бўлса агар.

2005

ДЎСТЛИК ВА АДОВАТ

Адоватдан сира келмаган бойлик,
Ҳосил гадолигу қуллик бўлади.
Лой отишган ёвлар икков ҳам лойлик,
Гул тутишган дўстлар гуллик бўлади.

2005

КЕКСАЛИК ИЛТИЖОСИ

Беш маҳал дуога қўл очади чол:
– Оллоҳим, оз оғриқ, осон ўлим бер.
Ақрабо жонига тегмай жоним ол,
Йўлга қаратмасдан сўнгги йўлим бер.

2005

АЙРИЛИҚ

Дўстнинг ўлимига қандоқ кўнармиз?
Жон парчасин ерга қўшиб кўмармиз.
Айрила-айрила адо бўлгач жон
Дўстлар кетган юртга биз ҳам жўнармиз.

2006

ҚАЛАМ

Қалам, сени йўндим қилиб
Мен бир – икки уч,
Икки учли найза бўлиб
Сен бир-икки уч.
Бемеҳрлик, беқадрлик,
бевафоликка
Санчил бориб, санаб турай
Мен: бир...икки...уч...

2006

СЕН УЧУН

Мен ҳаётда бор эканман,
Ўйласам, сен бор учун,
Кўксим ичра қалб урар
Тун-кун ўзингга зор учун.
Жонга чун сенсан тириклик,
Жон фидо бўлсин сенга,
То жаҳонда бор эканман,
Борлиғим сен ёр учун.

2006

ДЎСТЛАРИНГ БЎЛСИН

Бир кам дунё.
Сен ҳам бир банда.
Майли, каму кўстларинг бўлсин.
Лек кўрганда шод, кўрмаганда
Соғингувчи дўстларинг бўлсин.

Уларга дил тўла ҳимматинг,
Меҳр тўла кўзларинг бўлсин.
Қайдасан, деб, бузиб хилватинг,
Босиб келар дўстларинг бўлсин.

Севин улар тегса жонингга,
Ишдан қўйса кул, яйра, кулдир.
Келмай қўйса биров ёнингга,
Дунё охир бўлгани шулдир.

2007

БЕДОР ТУНЛАР

Мижжа қоққани йўқ шоир ўтган тун,
Шеър қоралаб, оққа кўчириб чиқди.
Бу кеч ҳам ухламай, барини бутун
Бир сатр қолдирмай ўчириб чиқди.

2008

СЎЗ – ЗАБАРЖАД

Сўз – забаржад,
Сўз – гавҳар, олтин,
Заргарликнинг машаққати кўп.
Сўзни байтга қадашдан олдин
Кафтингга қўй, тўйиб қара, ўп!

2009

ЭРКАК БЎЛ

Эрмисан, эркак бўл, саналмас бутун
Бир аёлни бахтли қилмаган эркак.
Бошимда эрим бор, деган сўз учун
Аёлни бошингга кўйишинг керак.

2009

ТЎКИСЛИК

Бутликка не етсин,
Камликдан кўра
Инсон тўкис бўлиб юргани яхши.
Лекин Яратгандан бир бахтни сўра,
Нимангдир етмасдан тургани яхши.

Шукрона дилингга ошно бўлсину
Армоним йўқ, десанг хато бўлади.
Дунёнинг энг кўҳна фалсафаси бу:
Орзу ўлса ҳаёт адо бўлади.

2009

НЎНОҚ ШОИРЛАР

Биз бир замон муҳаррир бўлдик,
Қисмат экан, бўлдик ноширлар.
Ўлсак ёмон шеърлардан ўлдик,
Адо қилди нўноқ шоирлар.

Қўлёзмалар ўқирдик дил ғаш,
Кўргиликдан оҳлар урардик.
Сўзи чалкаш,

Ўзи жанжалкаш
Шеърбозлардан қочиб юрардик.

Йиллар ўтди.
Танидик одам,
Дунё надир, қилдик тафаккур.
Энди ўша ташбиҳи мубҳам
Нозимларга деймиз ташаккур.

Кўп зотларни кўрдик,
Алҳазар,
Ёқа тутдик, астағфируллоҳ!
Энди бизга энг ғўр байтёзар
Валий бўлиб кўринар, биллоҳ!

Шеър йўлласа –
Ҳатто саёз, хом –
Ёш шоир ё ҳаваскор бахши
Мақтаб-мақтаб тилаймиз илҳом,
Шеър ёз, деймиз, ёзганинг яхши.

Сени шоир билишмаса ҳам,
Шеърингни чоп қилишмаса ҳам,
Қофияси келишмаса ҳам
Шеър ёза бер, ёзганинг яхши.

Оқ қоғозга қоматинг эгиб,
Оқ кўнгилга умидлар экиб,
Муҳаррирлар жонига тегиб
Шеър ёза бер, ёзганинг яхши.

Бахтни уйғоқ тунлардан сўра,
Бўлма кину ҳасадга жўра,
Юмалоқ хат ёзгандан кўра
Шеър ёза бер, ёзганинг яхши.

Дунё нўноқ шеърга тўлса ҳам,
Мунаққидлар хуноб бўлса ҳам,
Таъби нозик ўқиб ўлса ҳам
Шеър ёза бер, ёзганинг яхши.

Зинҳор-зинҳор бу ишдан тўйма,
Ишқибозлик умрнинг нақши.
Бизга ўхшаб ёзмасдан қўйма,
Шеър ёза бер, ёзганинг яхши.

2009

ТАҚДИРДА БОР ЭДИНГ

Кўнглинг борми, десам, "Эй, бор-бор!" – дединг,
Лол турсам, "Тур-тур"ни юз, минг бор дединг.
Тушундим, ёнингга бордиму турдим,
Чунки пешонамда ўзинг бор эдинг.

2000

БУЮК САДОҚАТ

Шоирларнинг бари бевафо,
Қўш хотинлик бари-бариси.
Битта уйда эр-хотин аро
Кундош яшар – илҳом париси.

Бир истисно – Навоий ҳазрат,
Садоқати даҳоларга хос.
Устоз икки паридан фақат
Биттасига уйланган, холос.

2009

РОСТ ГАП

Туққанингга рост гап ёқмаса,
Хотинни-ку гапирмаёқ қўй.
Ростгўй эрнинг ҳар куни аза,
Ёлғончининг бутун умри – тўй.

Сен ёрингга тўқиб ташла байт,
Париваш де, ата сарвиноз.
Рост гапингни мажлисларда айт,
Тўғри сўзни газетага ёз.

Писта кўмир қовурса ёринг,
Сен ўшани оҳ-оҳ деб егин.
Ташаккур айт совурса боринг,
Заҳар сочса "асалим" дегин.

Тўлиб кетсанг тоғларга бақир,
Садо берсин нолаларингга.

Хотинингни "жоним" деб чақир,
У онадир болаларингга.

У жонфидо, умрингга ҳамдам,
Фақатгина бир айби бордир.
Айби шуки, ёлғон бўлса ҳам
Битта ширин сўзингга зордир.

Аслида-ку гуноҳ ёлғон гап.
Лекин гуноҳ тўла дунёда
Ёлғон гапир аёлни мақтаб,
Рост гап йўқдир бундан зиёда.

2009

ҲАЁТ ЙЎЛИ

Замон тез, фурсат оз,
Ҳар лаҳза зиқдир,
Ҳар лаҳза зиқлиги билан қизиқдир.
Ҳаёт йўли надир? Қабр тошида
Икки сана аро қисқа чизиқдир.

ЙЎЛ ТАДОРИГИ

Ёшлигингда яхшидир йўл,
Юрт кезиш, олам кўриш,
Кексалик келгач насибинг
Йўлга боқиб ўлтириш.
Энди манзил ҳеч харита –
Ичра номи йўқ диёр,
Кексалик – ул мамлакатга
Йўл тадоригин кўриш.

2004

ҚИЗ БОЛАНИНГ СЕВГИСИ

Қиз кўнглига муҳаббат
Олов солмасин экан.
Оллоҳ-Оллоҳ, қиз бола
Севиб қолмасин экан.

Ошиқ йигит девона
Бўлса ҳам ярашади.
Гул ушлаб қиз йўлини
Тўсса ҳам ярашади.

Йигит ишқ оташида
Сўзон бўлса айб эмас.
Йигит ишқи дунёга
Достон бўлса айб эмас.

Қиз кўнглига муҳаббат
Олов солмасин экан.
Оллоҳ-Оллоҳ, қиз бола
Севиб қолмасин экан.

Қиз боланинг пойига
Занжир экан ҳаёси.
Қиз севгиси сим-сим дард,
Бўлмас экан давоси.

Қизу йигит – тенг деманг,
Зинҳор-зинҳор тенг эмас.
Қизга олам кенг деманг,
Унга олам кенг эмас.
Қиз кўнглига муҳаббат
Олов солмасин экан.
Оллоҳ-Оллоҳ, қиз бола
Севиб қолмасин экан.

Йигитларга бер, Тангрим,
Ишқнинг тожу тахтини.
Қиз болага ато эт
Севилмоқнинг бахтини.

Йигит ёнсин, қалбини
Аланга қил, гулхан қил.
Қизни гулдек яратдинг,
Кўнглини ҳам гулшан қил.

Қиз кўнглига муҳаббат
Олов солмасин экан...

БЎСАҒА

Ўпмоққа қўлин бермади,
остонани мен зор
Ўпдим. Бўсаға бўсаға ном –
олмади бекор.

СОЯ

Қуёшли кун соянг қолмас изингдан,
Булут чиқса ғойиб бўлар кўзингдан.
Офтобинг тик келса пойингда ётар,
Кун ботарда узун бўлар ўзингдан.

АМАЛИЁТДАН СЎНГ

Амалиётдан сўнг кўз очган бемор
Дейди: – Раҳмат доктор, муташаккирман.
Доктор айтар: – Сўзинг кўп жимжимадор,
Лекин мен доктормас, Мункар-Накирман.

Бемор кулар: – Эй-ҳа, фариштаман, денг,
Ҳазилингиз бунча совуқ, докторжон!
Мункар-Накир айтар: – Сўроққа келдинг,
Раббинг ким, жавоб бер, гуноҳкор инсон.

Бемор дер: – Дўқ урманг! Ёруғ дунёда
Мункар-Накирларнинг кўпини кўрдим,
Кўргиликлар қилди илмим зиёда,
Сўроқлардан мулла бўлиб улгурдим.

Мункар-Накирман, деб алдаманг фақат,
Мункар билан Накир икки малакдир.
– Рост, лекин бизда ҳам қисқарган штат,
Иш кўп, улгуролмай жоним ҳалакдир.

– Хўп Накир бўлсангиз Мункар қаёқда,
Мункар бўлсангиз не иш қилар Накир?
– Жонга тегдинг, сенми ё мен сўроқда?
Бор, йўқол, кўзимга кўринма, фақир!

Амалиётдан сўнг кўз очган бемор,
Мункар-Накир қувган фақир мен ўзим,

Оғриқларим унут, олам беғубор,
Шунчалар ёруғки, қамашар кўзим.

Қайтдим мулки бақо остонасидан,
Уйғондим қайта бу ажиб гулшанда.
Ё жой олдим фирдавс кошонасидан
Гуноҳи авф бўлган мен осий банда?

Кўзимни яшнатган ҳусну жамоли
Фаришталарми ё гул рухсоралар?
Жаннат насими ул ё юрт шамоли,
Бу Оби Кавсарми ё фавворалар?

Қайдаман? Кўз тўла, дил тўла ҳайрат,
Равзаи ризвонми ё ўз чаманим?
Мен ватанда бўлсам, демак у жаннат,
Агар жаннатдаман, жаннат – Ватаним.

Гўё икки олам менга ошино,
Уйғоқлигим тушдек, уйқуда бедор –
Қадамлаб юрибман ер ва кўк аро
Амалиётдан сўнг кўз очган бемор.

ЎЧМАС ЧИРОҚЛАР

Тунлар аччиқ-аччиқ қаҳволар ичиб,
Муздек сувларга юз ювган эканмиз,
Ёшликда муттасил уйқудан кечиб,
Уни қайтмас қилиб қувган эканмиз.

Мудроқ йўқламайди энди бир дафъа,
Аразлаган вужуд, озор чеккан жон.
Юрак хафа, юрак ичра қон хафа,
Орттирган дардимиз номи хафақон.

Минг бу хасталиклар, санчиқ, оғриқлар
Ўша юз ўгирган оромдан тортиқ.
Биз энди тун бўйи ичган дорилар
Умр бўйи ичган қаҳводан ортиқ.

Бахш этмоқни истаб дилларга зиё,
Тунлар чироғимиз ўчмади, бироқ
Ўчмайдиган қилиб маҳшаргача то
Биз ўз бошимизда ёқибмиз чироқ.

УСТОЗ

Соҳибқирон ётар устоз пойида,
Жомийни пир тутган Навоий ҳазрат.
Устоз буюк деган буюк қоида
Бу қайтар дунёда азалий ҳикмат.

Афлотунга шогирд эди Арасту,
Ул шогирдга шогирд бўлди Искандар.
Бу олтин силсила давоми мангу,
Ўзи устоз бўлар устоз кўрганлар.

Борми мураббийдан бахтлироқ инсон,
Шогирдлари қилса юксакка парвоз.
Бошимизга тожсиз, бор бўлинг омон,
Табаррукlар ичра табаррук устоз!

ҲАЗИЛ ТЎҒРИСИДА ЖИДДИЙ ШЕЪР

Бир замонлар Эрон шоҳи
Ҳоким бўлган дунёга.
Юнон юзта олтин тухум
Бож тўлаган Дорога.

Ёш Искандар Юнон тахтин
Олгач бермай қўйди бож.
Эрон шоҳи хат юборди:
"Ё жонни бер, ё хирож."

Искандардан жавоб келди
Тўла ўткир мажозлар:
"Бизда энди товуқлар йўқ,
Тухум бермас хўрозлар."

Шу ҳазилдан жанг бошланди,
Юнон енгди Эронни.
Шоҳ Искандар ҳазил билан
Олди ярим дунёни.

Кўҳна тарих кўп турфа хил
Ҳазилларга гувоҳдир.
Ҳазил борки, кони савоб,
Ҳазил борки, гуноҳдир.

Массагетга ҳазил қилмоқ
Йўқ, деб айтган Искандар.
Окс ёнида оёғидан
Ўқ еб қайтган Искандар.

Соҳибқирон қудратидан
Бехабар эл қолмаган.
Ман-ман деган жаҳонгир ҳам
Ҳазиллаша олмаган.

Наполеон Россияга
Қалтис ҳазил ўйлади.
Совуқ уни ҳуштак чалиб
Парижгача қувлади.

Юз ўттиз йил ўтиб яна
Бир ҳазилкаш юз тубан.
"Катюшалар" қаҳ-қаҳ отиб
Кулдилар ёв устидан.

Бекормаски, эл қадимдан
Ҳазил таги зил, дейди.
Ўйнаб ҳазил қилганда ҳам
Ўйлаб ҳазил қил, дейди.

Ўйнашмагин арбоб билан,
Арбоб гарчи минг дилкаш.
Билки, бўри қўзичоққа,
Шер оҳуга ҳазилкаш.

Бўғма илон қуёнга дўст,
Қучоқлашни ўйлайди.
Мушук эса сичқон билан
"Микки-маус" ўйнайди.

Менинг ҳам кўп дўстларим бор,
Кўп келишар ёнимга.
Улар – юз хил хасталиклар,
Ҳазилкашдир жонимга.

Дору билан меҳмон қилсам
Тинчигандай бўлишар.
Зум ўтмасдан яна йиқиб,
Юмалатиб кулишар.

Мен-ку битта сабил жонман,
Ўзига дард тилаган.
Ҳазил билан, инсон недир,
Салтанатлар қулаган.

Завол топди қаттол тузум,
Уни енгган қўшин йўқ.
Бу қалъага ҳажв аталган
Замбаракдан ёғди ўқ.

Тўрт томондан кулгу, мазах
Паймонасин тўлатди.
Йиқолмасди ҳеч бир қудрат,
Латифалар қулатди.

Ҳазилни ҳеч ўйин дема,
Ҳазил таги пуч эмас.
Қанот ёзган бир ҳазил сўз
Ҳазилакам куч эмас.

Бу дунёда яйраб яша,
Шўх, ҳазилкаш бўл, майли.
Лекин англа, ҳазил билан
Ҳазиллашиб бўлмайди.

БОДОМ ВА ОДАМ

Бодом одамга ўхшар,
Навбаҳорни суяди.
Одам бодомга ўхшар,
Эрта гуллаб қўяди.

ИГНАНИНГ ҲАСРАТИ

Игна айтар эмиш инсонга,
Қадримга ет, кўзни оч, дермиш.
Кийим тикдим жумла жаҳонга,
Ўзим эса – яланғоч, дермиш.

Асли унга либос нима ғам,
Бу ҳасратнинг сабоғи бордир.
Шу беминнат игначанинг ҳам
Раҳматга зор қулоғи бордир.

2005

ЁМОНГА ЁНДОШМОҚ

Тош билан ўйнашса,
дарз кетар чинни ҳам,
Арига дўст бўлса,
таланар шинни ҳам.
Ёмонга ёндошмоқ
Оқибати не,
Сен англаб етмадинг,
биларди жинни ҳам.

1994

Табассум

ЗАМОНА ЗАЙЛИ

Ўғлим ошно бўди "Бони-Эм" билан,
Ранжидим, мақомни тингламайди, деб.
Энди хафа бўлар ўғлим ўғлидан,
Нодон "Бони-Эм"ни англамайди, деб.

1997

ШОИР ВА ТАНҚИДЧИ

Танқидчидан андак ҳайиқиб,
Ҳурматлаймиз, қулоқ соламиз.
Мунаққидлар шарҳини ўқиб
Ўз шеъримиз англаб оламиз.

1997

КАРАШМА

Қиз боланинг рост гапи оздир,
Ёлғонлари бисёр, адашма.
"Тегманг менга", дегани – ноздир,
"Нари туринг", деса – карашма.

Ишва билан "Қуриб кетинг", дер,
Кўнгилга ҳеч қаттиқ олмагин.
"Ўлинг" деса, яшнаб юравер,
"Қочинг" деса, қочиб қолмагин.

Ҳеч гул борми ахир тикансиз,
Тиканига фидо қилгин жон.
Бир кун айтар: – Ёмон экансиз,
Маъноси: – Сиз энг яхши инсон!

2002

ОЖИЗ КЎЗЛАР

Кўзидан шикоят қилар қария:
"Менга нима бўлди, ҳайронман ўзим.
Ҳов узоқда турган кулранг Нексия
Рақамини яхши илғамас кўзим".

Уни ўраб олган бир тўп ўғил-қиз
Хўрсиниб тинглашар чолнинг сўзини.
"Эй, отахон, – дерлар, – биз кўрмаяпмиз
Ўша Нексиянинг ҳатто ўзини".

2002

ТОПИШМОҚ

Топишмоқ айтади менга набирам:
– "К" дан бошланади, ҳар уйда бор, – дер, –
Содда иш асбоби...
Мен, кетмон, десам,
Набирам кулади: – Йўқ, бу – компьютер!

2005

ГЎДАК

Эркаланиб, тилда бол билан
Кайхисравни от қилди гўдак.
Соддагина бир савол билан
Афлотунни мот қилди гўдак.

2005

ЎЗБЕКНИНГ СЎЗЛАРИ

Ўзбекнинг хўп сўзлари бор.
Меҳрибон эр
Гапин айтиб сизларни бир кулдираман:
У хотинга, мендан олдин ўлмагин, дер,
Қўшиб қўяр, ўлсанг худди ўлдираман.

2006

ЗАМОН ЖОНОНИ

Десам, мен сенга парвона,
У бепарвода парво на?

Замон жонони фарқ этмас
На жон, жонон на, жоно на.

Ғазал ҳам бир, ғизол ҳам бир,
Не фарқ девону девона?

Писанд этмас сўзим дурин,
Ўзим дур, дейди Дурдона.

Дил англар дил тополмасман,
Бу савдо на, бу савдо на?

Қочиб парвоси йўқлардан,
Кетарман, қайда Фарғона?

2006

ДАНГАСАЛАР

Ғайратлилар елиб-югуриб,
Меҳнат билан мудом овора.
Дангасалар эса ўй суриб,
Ётиш учун излашар чора.

Ишчан азал тинмай ер чопган,
Ўғир туйган, совурган сомон.
Ялқов ўйлаб чархпалак топган,
Ижод қилган шамол тегирмон.

Парвоз этсам юксак самода
Замонавий лайнерда букун,
Раҳмат дейман ёруғ дунёда
Дангасалар борлиги учун.

Йўқса юрар эдик ҳойнаҳой
Ҳануз яёв чангитиб тупроқ.
Хўб юртим бор, хаёлкашга бой,
Ишчанидан ўйчани кўпроқ.

Рост айтсам, бу менинг ҳам дардим,
Холимасман бу касалликдан.
Ғайрат қилсам бир касб топардим,
Шоир бўлдим дангасаликдан.

Ётоқчилар ҳолини тушун,
Эй дўст, бунга чидаган чидар.
Шахталарда узала тушиб
Ётиб ишлар қора кончилар...

Бизнинг меҳнат шундоқ,
Нима бор –
Дабдабаю асъасаларга.
Сизлар тинманг, ишланг фидокор,
Халал берманг дангасаларга.

2006

НЕГА ЯПОН ЮЗ ЙИЛ ЯШАР...

Нега япон юз йил яшару
Ўзбек бунча ёшга бормайди?
Чунки япон биздек қоронғи
Саҳар туриб ошга бормайди.

Таъзияда эл кўзи учун
Минг кишилик зиёфат қурмас.
Ҳайити йўқ, бел боғлаб уч кун
Шамдай қотиб кўчада турмас.

Гарчи биздан юз бор фаровон,
Гарчи биздан юз карра тўқдир.
Тўй харжида юзта бой япон
Бир камбағал ўзбекча йўқдир.

Бу сўзимни японга айтсам
Деди баттар қисиб кўзини:
– Япон бундоқ яшолмас ҳеч ҳам,
Харакири қилар ўзини.

2006

ҲАЗРАТ ХИЗР ВА ЗАМОН АЁЛИ

Бу эртак эмас ё шоир хаёли,
Ҳангома ҳам эмас суҳбат қизирга.
Шу кунларда бизнинг замон аёли
Учради ногаҳон Ҳазрат Хизрга.

Ул Алайҳиссалом одатга кўра
Тила тилагингни, деб қилди хитоб,
Хизрман, хоҳлаган нарсангни сўра,
Муҳайё қилурман борини шитоб.

Эртак ҳақиқатга айланган даврон,
Ҳайратни унутган бизнинг аёллар.
Айниқса уларга хуш келар ҳар он
Тила тилагингни, деб турса чоллар.

Жувон лол қолмади, арз қила кетди,
Рўйхат айта кетди беҳад-бепоён.
Ҳазрат чарчаб ўлар ҳолатга етди,
Хизр бўлганидан юз минг пушаймон.

Шўрлик кўкка қараб ҳасратда, доғда,
Деди: ишингни ол, ё парвардигор.
Йўқ эса, эй тангрим, ёруғ дунёда
Мени аёлларга дуч қилма зинҳор.

2006

ЁМОН ДЕБ БЎЛМАС

– Шанғи хотинингдан маҳалла безор,
Нега чурқ этмайсан, бардошинг тўлмас?
– Не қилай, меники ўша дилозор,
Ўз хасмингни эса ёмон деб бўлмас.

– Мана, қутулдинг-ку, хотининг кетди.
Кўрган кунларинг айт, ичга солма, бас.
– У аёл бировнинг хотини энди,
Бировнинг хасмини ёмон деб бўлмас.

2007

ЎҒРИГА НАСИҲАТ

Ўғри бўлсанг, жон ука,
Бозорга бор, дўмга бор.
Ўзбек маҳалласига
Кирма зинҳор ба зинҳор.

Шаҳарлар кўп, бировнинг
Биров билан иши йўқ.
Тоғни кўтариб кетсанг
Ҳой, дейдиган киши йўқ.

Маҳалла ҳам замонбоп
Бўла қолса қанийди...
Бемазалар ҳаммаси
Бир-бирини танийди.

Салом берар учраган,
Сўзсиз, алик оласан.
Алик олиб, сен шўрлик
Балоларга қоласан.

"Йўл бўлсин", деб аввало
Тўсиб олар йўлингни.
Етти пуштинг сўроқлаб
Эзғилайди қўлингни.

Зўрлаб уйга етаклар,
Меҳмон қилар ош билан.
Бундан ургани яхши
Бошгинангга тош билан.

Кузатиб, чўнтагингга
Қант-курс солиб қўяди.
"Насиба" деб куйдириб
Сени тиғсиз сўяди.

Чуқур эҳтиром билан
Кавушингни тўғрилар.
Маҳаллага бормайди
Эси бутун ўғрилар.

Иккала қулоқ билан
Эшитиб ол сўзимни.
Сенга насиҳат қилдим
Яқин олиб ўзимни.

Ростин айтсам, бизда ҳам
Касб шу, кўнглинг бўлсин тўқ.
Навоий сандиғига
Қўл солмаган шоир йўқ...

Ўғрилик – гулдай ҳунар,
Омад сенга бўлсин ёр,
Ўзбек маҳалласига
Борма зинҳор ба зинҳор.

2008

СОЧИЛГАН БАЙТЛАР

Майли тойсам, майли ёрсам бош,
Ҳовлим бўлсин фақат мармар тош.

*

Ҳар берк йўлнинг битта очиқ йўли бор,
Унда нафснинг узатилган қўли бор.

*

Урмас уни нега жин?
Жиндан зўрроқ мегажин.

*

Лаб чўзишдан олдин ўпгани,
Босиб олиш керак ўпкани.

*

Эринчоқ кам яшар, нимага десак,
Яшамоқ учун ҳам ҳафсала керак.

*

Бугун сўфи кечаги кўр, кар атеист,
Кўр, кечаги сўфи бугун – каратеист.

2009

КЕЛАЖАКНИНГ МАТМУСАЛАРИ

Бир хўплам чой баҳонасида
Унут бўлар ғам-ғуссалари –
Келажакнинг чойхонасида
Келажакнинг Матмусалари.

Матмусага айтар Матмуса:
– Шу йил уч юз ёшга тўламан.
Наҳот зумда шунча йил ўтса!
Ёқа ушлаб ҳайрон бўламан.

Жавоб айтар Матмуса: – "Адаш,
Уч юз нима, беш юзимда ҳам
Жуда ширин дунёда яшаш,
Ҳеч ўлгиси келмайди одам".

Бошқаси дер: – "Тез ўтса давр,
Сабаб камроқ бўламиз Ерда.
Гоҳ жойимиз Альфа Кентавр,
Гоҳи манзил – Андромеда".

Тўртинчиси айтар: – "Ўзимга
Тўқман, йўқдир ҳеч кимдан камим.
Бир ташвишим – "бутлов қисм"га
Кетаётир барча топганим.

Етти юзга кирса-да ҳамон
Ташламайди отам арақни.
Алмаштирдик ўн уч ошқозон,
Ўн саккизта қораталоқни.

Яна айтар: – "Пул бор, осон бу,
Камбағалга аммо кўп қийин.
Марсга сафар миллион бўлдию
Одам қадри бўлди бир тийин".

Янги минг йил остонасида
Ҳасратлашар, кўп ғуссалари –
Келажакнинг чойхонасида
Келажакнинг Матмусалари.

ЯШАВОР

Мева берма болангга,
Асра меҳмон холангга.
Маҳкам беркит, яшавор,
Қорайтириб ташлавор!

ЗЎРАВОН

Қоч, четга ўт, йўл бер йигитга! –
Дея тоғни тепди чигиртка.

ИНГЛИЗЧА КЕТИШ

Хайрлашмай кетар инглиз
Мезбонини нотинч этмайди.
Донишқишлоқ аҳли, билингиз,
Хайрлашадию кетмайди.

ИШ БУЮРСАНГ

Иш буюр, "йўқ", деса
Ёлбор, кўндиргин.
"Хўп" деб бажармаса,
Уриб ўлдиргин.

2011

ҚЎЛИНГНИ ПАРДАЛАР ҚИЛДИНГ...

Юзингни бир кўрай десам
Қўлингни пардалар қилдинг.

Завқий

Ёр юзини бир кўрмоққа зор,
Фарёд қилиб ўтди устозлар.
Замон ўзга энди, ўзга ёр,
На парда бор, на ишва-нозлар.

Мумтоз шоир қайтса тирилиб,
Ўзга байтлар айтиб кетарди.
Қўлни юзга пардалар қилиб,
Замонига қайтиб кетарди.

2004

ЯНГИ БОШЛИҚ

Бошлиғимиз мард эди, ўктам,
Янгисидан кўнгил тўлмади.
Ўнта мажлис ўтказганда ҳам
Битта одам инфаркт бўлмади.

1983

ЖОҲИЛ

Жоҳилда ҳам кўз бор, сўқирмас, кўрмас,
Фақат у бурнидан узоқни кўрмас.
Не кўрса феъл боис кўрар у, лекин
Бировдан кўради, ўзидан кўрмас.

1985

ШОИРЛАР ҲАҚИДА

Китоб ўқиб шеърлар тўқимас шоир,
Ундан-бундан бир-бир чўқимас шоир.
Сабабин рўйи рост айтсам, умрида
Ўзидан бошқани ўқимас шоир.

ИҚРОР

Агар шахмат ўйнаганимда,
Ўйлагандек ўйлаганимда
Етти ўлчаб бир сурсайдим от,
Бўлмас эдим ҳар қадамда мот.

СИРНИНГ ҚАНОТИ

Сирни ёймоқ бўлсанг, бир оғиз сўз бас,
Радиода эълон қилиш шарт эмас.
Очмоқ ҳам керакмас интернетда сайт,
Ҳеч кимга айтма, деб бир кишига айт.

КИМ НИМА ИЧАДИ?

Бой ичади сара май
Ўртаҳолга қарамай.
Алам қилиб ўртаҳол
Эзиб ичар пўртахол.

Камбағал ўз ҳолича
Сўриб ётар олича.
Бечорада йўқ арақ.
Сув ичиб кайфи тарақ.

УСТА КЕЛДИ

Уйимизга уста келди,
Мутафаккир тусда келди.
Касби битта, иши битта,
Гапи эса юзта келди.

Топинг деди, арра топдим,
Мих суғурдим, теша чопдим.
Бу ишларнинг орасида
Чой ташидим, носга чопдим.

Ғишт буюрди, тош буюрди,
Икки дастёр ёш буюрди.
Тушлик учун барра кабоб,
Кечқурунга ош буюрди.

Қум ташидим, тупроқ уйдим,
Оёқ ювса сувлар қуйдим.
Мизғиб олай деганида
Тўшак солиб ёстиқ қўйдим.

Дебмидимки, қул бўлайин,
Меҳмон қилиб пул тўлайин.
Уста бўлмай ўлсин уста,
Уста топмай мен ўлайин.

НАСИҲАТ

Бахт аршига чиққаннинг
Оёғидан ушлама.
Худо ерга тиққаннинг
Калласига муштлама.

ДОНИШМАНД ВА ЖОҲИЛ

– Мен яхшилик қилдим-ку сенга,
Нега урдинг, недир гуноҳим?
– Сендаги бу ҳимматни нега
Бергани йўқ менга Оллоҳим?

2006

ПАРИШОНХОТИРЛИК

Ёддан чиқмасин, деб, хаёл аралаш,
Ҳар кеч унга одат режа қоралаш.
Рўйхатни батафсил ёзар-у, аммо
Тонгда эсдан чиқар қоғозга қараш.

1995

НОАҲИЛ ЖУФТЛАР

Дерлар, бахтли жуфтлар бир хил бахтиёр,
Бахтсиз оиланинг бор минг бир хили.
Эр-хотин қирпичоқ бўлса сабабкор –
Бирининг қўлию бирининг тили.

Уларни фарзандлар уволи тутсин,
Кўз ёши, фарёди, дарз кетган дили.
Бундоқ эр-хотиннинг кесилиб тушсин
Кўтарган қўлию вайсаган тили.

2008

ДЎРМОН МУШОАРАСИ

Исм саодати

(Сирожиддин Саййид ва Иқбол Мирзога)

Иқбол Мирзо исми – толе нишони,
Сирожиддин Саййид – бахт чароғидир.
Саодатли экан юртим шеърхони,
Омади қўшалоқ келган чоғидир.

Иккинчи ёшлик

(Умарали Норматовга)

Умарали ака саксон ёшида
От бериб улоққа солса ярайди.
Ғайрати жўш урган йигит қошида
Саксон ёш уялиб ерга қарайди.

Не илож!

(Ўткир Ҳошимовга)

Гарчи етмаса-да ёши ёшимга,
Гап бермайди, чиқиб олган бошимга.
Ўзи ҳам, сўзи ҳам, кўзи ҳам ўткир,
Тан бермай не илож Ўткир Ҳошимга.

Отдошлар

(Турсунбой Адашбоев ва Турсун Алига)

Турсунбойга деди Турсунбой:
– Адаш!
Шартми иккимизни Турсунбой аташ?
Шеърхон адашмасин, бўлайлик энди –
Сен – Турсун Али, мен – Турсунбой Адаш.

Назм ва базм

(Азим Суюнга)

Эй дўст!
Сен ҳам бир ўқи-чи назм, суюн-чи!
Назм туғилган кун базм, суюнчи.
Эй дўст, деб барчага севинч улашган
Шоир йўқми? Бор-да! Азим Суюн-чи?

Фазогир

(Дадахон Нурийга)

Икки фазогир бор осмонга учган,
Яшил сайёрани она деб қучган.
Ракетада чиққан Гагарин Юрий,
Газетада чиққан Дадахон Нурий.

Гараша

(Саъдулла Ҳакимга)

Шоир ўсган қишлоқ номи Гарашадир,
Жамолига тоғлар тўймай қарашадир.
Гар Саъдулла Ҳакимга у ярашиқ ер,
Саъдулла ҳам Гарашага ярашадир.

Шеър ва қурол

(Анвар Обиджонга)

Шоир Анвар Обиджонга ҳазил шеър йўқ,
Ўйлар, акам тўрт йўл ёзса ўлардими?
Унинг ўзи тўппонча-ку, ҳар сўзи ўқ,
Қурол билан ҳазиллашиб бўлардими?

Мусофир

(Рустам Мусурмонга)

Тошкентнинг Рустамдек шоири бўлмоқ
Қишлоқ йигитига ҳеч осон бўлмас.
Ўзбекнинг қадимий ҳикмати бундоқ:
Мусофир бўлмаган Мусурмон бўлмас.

Шоҳ ва ғадо

(Мирпўлат Мирзога)

Шеър унга ҳам ҳунар, ҳам ғизо,
Ҳалол ижод луқмасин еди.
Литгазета, Мирпўлат Мирзо –
Ўз қалбининг султони, деди.
Не ажаб, рост бу одил садо,
Шоир қалби ҳам шоҳ, ҳам гадо.

Қурбон ўлам

(Шукур Қурбонга)

Шукур Қурбон бўлиш осонмас,
Яшамасанг шеър ғамини еб.
Ёш шоирлар куйлар басма-бас
"Қурбон ўлам" деб.

Олтин кўприк

(Носир Фозиловга)

Собит Муқон уни деган, Носир ўзбек,
Носир қозоқ – устоз Қаҳҳор ибораси.
У икки халқ ўртасида олтин кўприк,
Олтин! Аммо бунда йўқ ранг ишораси.

Юксакликда

(Маҳмуд Тоирга)

Халқ таниган халқ шоири – Маҳмуд Тоир
Ширин байтлар айтди она юртга доир.
У Паркентдан қараганда пойидадир –
Бу ён Лондон, Париж, у ён Ал-Жазоир.

Лазги

(Омон Матжонга)

Ўзбек азал-абад ғазал шайдоси,
Айниқса шеърпараст Хоразм томон.
Ана, келиб қолди "Лазги" садоси:
"Омон-ей, Омон!"

Юлдузлар бағрида

("Шарқ юлдузи" муҳаррири Улуғбек Ҳамдамга)

Юлдузга юлдузлар ошнолиги бор,
Фалакда ёлғизмас "Шарқ юлдузи" ҳам.
Навоий унга Ёр, Бобур Мададкор,
Беруний Ҳамнафас, Улуғбек Ҳамдам.

Завқли йигит

(Низом Комиловга)

У шеър ёзган.
Бармоқ – аруз фарқламаган.
Оттанда ҳам кеча-кундуз фарқламаган.
Кўп йилларки, ғазал ёзмас, отмайди ҳам,
Лекин завқ бор, кайф то ҳануз тарқамаган.

Икки дўст

(Х. Дўстмуҳаммад ва М. Муҳаммаддўстга)

Икки адиб, иккиси ҳам бекаму кўст,
Бир-бирига ҳеч ўхшамас, бу ҳам дуруст.
Мурод зинҳор Хуршиддан кам нур таратмас,
Дўстлар ёндош – Дўстмуҳаммад, Муҳаммаддўст.

Имзо

(Муаллифнинг ўзига)

У шеър ёзиб бир замон
Кўп хатога йўл қўйди.
Ўзи бўлиб пушаймон,
"Э, воҳ" дея қўл қўйди.

МАТМУСАНИНГ ШЕЪРЛАРИ

СЎЗ БОШИ

Мени ёзди бир шоир,
Қўлимга дутор тутди.
Кийдириб қўйди тандир,
Сўнгра бирдан унутди.

Сабаб бордир ҳарқалай,
Нима дея оламан?
У ёзмаса не қилай,
Ўзим ёзақоламан.

ҲИКМАТЛАР

Ҳикматни мендан сўра,
Қунт билан эшит, чироқ!
Касал бўлгандан кўра
Соғлом юрган яхшироқ.

Ҳикматни мендан сўра,
Айтаман ўйлаб узоқ.
Қашшоқ бўлгандан кўра
Бой бўлган ҳам яхшироқ.

Ҳикматни сўра мендан,
Чунки йўл босдим йироқ,
Охир билдим, ўлгандан
Тирик юрган яхшироқ.

Ҳикматни сўра мендан,
Ўзинг билиб қўй бирок:
Мендек ҳикмат айтгандан
Соқов бўлган яхшироқ.

БИЗНИНГ МОТАМ

Аҳли аёл боғлаган бел,
Ичкарида тўкар ёш.
Ташқарида тумонат эл
Енг шимариб урар ош.

НАРХ-НАВО

Наво – қўшиқ, мусиқа, оҳанг,
Нарх маъноси баҳо бўлади.
Нархни кўриб ашула айтсанг,
Ўшанда нарх-наво бўлади.

АРСЛОН ВА ЭШАК

Номард хизматин қил ўлгунингча то
У сени эшак деб билиши учун.
Қулмисан қул бўлгин, чанг солма асло
Арслон санаб иззат қилиши мумкин.

ДЎНДИҚЧА

Ҳой, дўндиқча, ҳой,
Ҳой, ингичка бел.
Бошқаларни қўй,
Қучоғимга кел.

Бунчалар вой-бўй,
Ошиғинг кўпдир.
Бошқаларни қўй,
Ўзимга ўптир.

Мақсадга етдик,
Илоҳо омин!
Овулга кетдик,
Хачиримга мин.

ТУХУМ КУЛГУДАН МУҲИМ

Бир кулгуда тўрт тухум
Қуввати бор, биласан.
Тухум е – ўша муҳим,
Кулиб нима қиласан?

Кулгу – кулгу ҳарқалай,
Тухум – тухум ҳарҳолда.
Товуқдай қақоқламай
Тухум еб қўяқол-да.

Димоғинг чоғ,
Нафсинг тўқ,
Қорнинг чиқар дўмбайиб.
Завқи йўқнинг дарди йўқ,
Юз йил яшар хўмрайиб.

Ҳамёнингни сол ишга,
Куймоқ есанг бўлади.
Тухум сотиб олишга
Пули йўқлар кулади.

Қизиқчи нима деса
Десин, айшинг суравер,
Ўзи кулсин, сен эса
Бақрайганча туравер.

КЎКТЕРАК БОЗОРИДА

Кўктеракка келдим соат ўнта кам бирга,
Мол бозорда ўзим билан ўн такам бирга.
Ўлар бўлсам ўлдим бу ўн така дастидан,
Сотвораман ўн такамни ўнта кампирга.

Дафтарда қолган сатрлар

УМРИМ КЕЧАР БОШҚА ВАТАНДА

Йигирмада эдим ўтган кун,
Бугун эса – йигирма бирда.
Ёшим эмас, асримни айтдим,
Умрим кечар икки асрда.

Ўтмиш – менинг болалик дўстим,
Замон шукри ҳам жону танда.
Бошқа юртда туғилиб ўсдим,
Умрим кечар бошқа Ватанда.

ЕНГИЛ ИШ ҚИДИРМА

Енгил иш қидирма,
Енгил иш йўқдир.
Жон чексанг енгиш бор,
Енгилиш йўқдир.

БИЗДАН ҚОЛГАНИ

Имкон йўқ дунёда мангу қолгани,
Таскин – биздан ҳам бир ёдгор қолгани.
Яхши иш, яхши сўз ва яхши фарзанд –
Қолари шу. Ўтди-кетди қолгани.

БИЗНИ БУЮК ИШЛАР КУТМОҚДА

Адлпеша Анушировнинг
Доно қули тонг отар чоғда
Айтар экан: Шоҳим, уйғонинг,
Сизни буюк ишлар кутмоқда.

Шоир, юртинг қад кўтарган пайт,
Дунё таниб турган бу чоғда
Доно қул бўл, Ватанингга айт:
Сени буюк ишлар кутмоқда.

ЮРТНИНГ ЭГАСИ

Барча бахт-саодат меҳнатникидир,
Тинчлик – дўстликники, ҳимматникидир.
Ўзбекистон ёлғиз ўзбекникимас,
Бир юзу ўттиз тўрт миллатникидир.

ҲАЗИЛКАШЛАР ҚИШЛОҒИ

Бизнинг қишлоқ ажойиб ер,
Халқи қувноқ ва дилкаш.
Бунда ҳамма аскиябоз,
Бунда ҳамма ҳазилкаш.

Мисол, бўзчи қассоб дўстдан
Мантибоп гўшт сўрайди.
Қассоб кафтдек чандир билан
Муштдек суяк ўрайди.

Бўзчи қарздор бўлиб қолмас,
У ҳам тўла "ҳиммат"га.
Қассоб келса бўзни сотар
Уч баробар қимматга.

Икковидан ошиб тушар
Қувноқликда сартарош.
Сочга сал тиғ тегизса бас,
Юриб бўлмас ялангбош.

Шифокор ҳам қувноқ одам,
Ҳазилларни кечирар.

Кўзи оғриб келганларга
Сурги дори ичирар.

Бизнинг қишлоқ ажойиб жой,
Халқи қувноқ ва дилкаш.
Бунда ҳамма аскиябоз,
Бунда ҳамма ҳазилкаш.

Алдоқчисан, демас ҳеч ким
Тилимиздан оқса бол.
Оқсоқолни биз алдаймиз,
Бизни алдар оқсоқол.

Уста девор қурса, ғиштни
Қинғир-қийшиқ теради.
Ҳўжайин ҳам ҳазил ишга
Ҳазил маош беради.

Талабалар китоб кўрмас,
Очмас бирор саҳифа.
Домла – қувноқ, дарс ўрнига
Айтиб берар латифа.

Бизларда бор қизиқ-қизиқ
Оламда йўқ одатлар,
Шамолларга пул совуриб,
Биз қиламиз роҳатлар.

Тўй қиламиз, ашуладан
Қулоқ келар қоматга.
Ҳофиз ўзи ёқа ушлаб,
Ҳайрон бизнинг тоқатга.

Бизга тинчлик керак эмас,
Зерикамиз, озамиз.
Зерикканда юқорига
Юмалоқ хат ёзамиз.

Тегажоқмиз, оёқ чалиш,
Йўлга чуқур ковлаш нақд.
Қоқилганни кўриш маза,
Йиқилганга қараш бахт.

Биз куламиз, қўшнимиздан,
Дўстимиздан куламиз.

Масза қилиб ўзимизнинг
Устимиздан куламиз.

Бизнинг қишлоқ ажойиб ер,
Халқи қувноқ ва дилкаш.
Бунда ҳамма аскиябоз,
Бунда ҳамма ҳазилкаш.

БИР ЖАНЖАЛ ТАРИХИ

Эр хотиннинг жағини ёрди,
Хотин дод деб ўйнашга борди.
Босолмади ўйнаш жаҳлини,
У ҳам ёрди эрнинг жағини.

Бўлди жанжал, бўлди тўполон,
Маҳкамага борди учовлон.
Учовлон тенг сўйлашга тушди,
Охири айб ўйнашга тушди.

Эру хотин топишар экан,
Ётга бало ёпишар экан.
Йиртиқ жағлар ямалиб кетди,
Ўйнаш йигит қамалиб кетди.

ДЎСТЛИК ШАРТИ

Кел, бизлар дўст бўлайлик,
Келишайлик олдиндан.
Кейин хафа бўлиш йўқ
Сен мендану мен сендан.

Меҳмонингман – бой бўлсанг,
Яйраб ейман, ичаман.
Лекин омадинг кетса
Дарҳол сендан кечаман.

Бугун баланд мартабам,
Сен ҳам бағринг очиб қол.
Эртага ишдан кетсам,
Тирақайлаб қочиб қол.

Айшни бирга сурайлик,
Майни бирга тотайлик.
Сўнг мен сени, сен мени
Беш тийинга сотайлик.

Аҳду вафо – эски сўз,
Эскиликдан кечамиз.
Сиртда зарбоф тўн ёпиб,
Ичда кафан бичамиз.

Кўрганда дўст, кўрмасак
Танимайман, дейиш бор.
Элдан номус қилиш йўқ,
Бир-бировни ейиш бор.

Бугун дўстлик расми шу,
Айтиб қўйсак олдиндан,
Кейин ранжиб юрмаймиз
Сен мендану мен сендан.

КАМОН ВА ЎҚ

Аёл зоти камон бўлар, эркак зоти – ўқ,
Ўқ камонга илинади, бошқа илож йўқ.
Камон ўқни тортиб маҳкам қучмоқ бўлади,
Ўқ тортилган сари йироқ учмоқ бўлади.

БЕГУНОҲ ОДАМ

У отдан қуласа гуноҳ жиловда,
Тойиб йиқилса айб қорда, қировда.
Бошига ҳар неки кўргилик келса,
Айб ўзида эмас, доим бировда.

ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИДА

Ким нимани жон-дилидан хуш кўради,
Янги йилда, дерлар, шуни туш кўради.
Мунажжимлар кўкда гала-гала юлдуз,
Овчи кўкда гала-гала қуш кўради.

Янги йилдан биз яхши туш тиламаймиз,
Чунки янги йил кечаси ухламаймиз.
Дўстлар билан тонг отгунча базм қилиб,
Шишаларни қулатамиз, қуламаймиз.

ШОГИРДЛИК ҲАЗИЛЛАРИ

Ғафур Ғулом ёмғир ҳақида

Қадим Ўзбек тупроғи бу кўклам кўрган ёмғир,
Чамалаб қарар бўлсам, Оролдай кўл бўлади.
Улкан ер ноғорасин така-тум урган ёмғир
Барака нишонидур, пахтамиз мўл бўлади.

Озод Шарафиддиновга

Сиздан таълим олди сонсиз кадрлар,
Тошкент вилояти сизни қадрлар.
Олтин бошингизга тилло ҳайкалтош –
Энг гўзал масканнинг номи – Озодбош.

Ёқуб Ғуломовга

Тиливузда "вотти-вотти"
Аста-секин йўқолвотти.

Лазиз Қаюмовга

Шеър деганнинг тури кўп,
Туйғу бўлса хўбу хўп,
Йўқса шеър эпик бўлур.
Қизил кўзойнак тақиб,
Дурбин орқали боқиб
Кўрганинг типик бўлур.

Эркин Қосимовга

Чумчуқлар деразада,
Чумчуқларга маза-да.
Оғрийдиган боши йўқ,
Ўт қопида тоши йўқ.

Кичкина изоҳлар

Бу ҳазил шеърларнинг барчаси турли муносабат билан ёзилган. Тарихини айтиб бермасам, тушунарсиз бўлиши мумкин.

Биринчи тарих: Биз бир гуруҳ шоирбаччалар шеърхонлик даврасига йиғилган эдик. Ташқарида шаррос ёмғир ёғиб қолди. Дўстларимиздан бири дераза ёнига келиб устоз Шайхзода овози билан: "Яғмур, яғмур, нега бунча кўп яғур" дея ҳаммамизни кулдирди. Бошқа биров Миртемир домла услубида икки сатр айтди. Бу мавзу пайровга айланди. Ёмғир тўғрисида қайси шоир қандай ёзар эди, дея ҳамма турли ўхшатмалар қилди. Устоз Ғафур Ғуломга татаббу ўша даврада ўкилган эди.

Иккинчи тарих: Бўстонликда ёзувчиларнинг дала ҳовлисида бўлиб ўтган шахмат турнирида вилоят ва туман раҳбарлари иштирокчи адибларга совринлар беришди. Озод Шарафиддиновга зар тўн кийдирилди. Лекин домланинг силлиқ бошига дўппи қўндириш осон бўлмади. Озод ака: Сизларга кадр тайёрлайман деб бошимда тук колмади, дея лутф қилди. Ўша лаҳзада устозга айтилган жавоб сўзи кейин шеърга кўчди.

Учинчи тарих: Дорилфунунда бизга диалектологиядан дарс берган таниқли профессор Ёқуб Ғуломов ўзбек тилининг шевалари бўйича энг йирик олим эди. Гарчи шевада сўзлаш адабий тил қоидаларига тўғри келмаса ҳам домла асли пойтахтлик бўлганидан тошкентча шевада гапирар эди. Бу ҳазил сатрлар факультет деворий газетасида чиққан ва домла бағрикенглик қилиб, имтиҳонда сўрамасдан менга беш баҳо қўйган эди.

Тўртинчи тарих: Таниқли олим Лазиз Қаюмовнинг номзодлик диссертацияси ўзбек адабиётида типиклик проблемасига бағишланган эди. Шўро мафкураси ҳукмрон бўлган ўша эллигинчи йил ўрталарида бу масалага қараш ҳам ўзига хос бўлган. Бу ҳазил деворий газетада чиққанда иккинчи курс талабаси эдим.

Бешинчи тарих: Саксонинчи йиллар охирида ўт қопи хасталиги билан шифохонада ётган чоғимда бир гуруҳ профессорлар консилиум ўтказдилар ва жарроҳлик амалиёти ўтказишга қарор бердилар. Шифохона раҳбари Эркин Қосимов руҳимни кўтариш учун мендан янги шеър ўқиб беришни сўради. Янги шеър йўқ, десам кўнмади. Шу пайт бир тўда қушлар деразага қўниб чуғурлай бошлади. Мен уларга қараб бадиҳа билан ушбу тўртликни айтдим. Устоз шифокор уни ҳаммага ўқиб берди, тезда шеър машҳур бўлиб кетди. Ҳеч ерда эълон қилинмаган бадиҳа қайта-қайта нашр этилган шеърларимдан ҳам кенг тарқалди.

АЙРИЛИҚ

Дўст кетди, кўз ёшим дувиллаб қолди.
Ҳушим кетиб, бошим ғувиллаб қолди.
Кеча тўкис эди бу ёруғ олам,
Ногаҳон коинот ҳувиллаб қолди.

ҚУДУҚ

Эр – битмас-туганмас қудуқ бўлади,
Гоҳида қудуқ ҳам қуруқ бўлади.
Шунда сайраб кетар тилсиз хотин ҳам,
Энг бийрон эркак ҳам дудуқ бўлади.

БИЗНИНГ ЖОН

Одамзод мизожи тўрт яралибдир,
Жон шу тўрт ичида мўрт яралибдир.
Мўртлар ичида ҳам энг мўрти бўлар,
Бизнинг жон охирги сорт яралибдир.

ШОШҚАЛОҚ ОДАМ

Ўзига хос эди дўстимиз,
Бошқалардан бошқароқ эди.
Орамиздан эрта кетди у,
Бир озгина шошқалоқ эди.

ОШНОЛАРИНГ

Биров ошно бўлар сени бой билиб,
Валинеъмат билиб, Ҳотамтой билиб.
Бировга хуш келар хулқинг, одобинг,
Миниб юрмоқ бўлар сени той қилиб.

МАРД СЎЗИМ ШУ

Чин шоирлар бари отилган,
Қолганлари бари сотилган.
Мард сўзим шу, ҳаммаси кўрқоқ!

Ўзим кимман?
Сўраманг бироқ.
Мен исмимни айтмасман зинҳор,
Замон нозик, бола-чақам бор.

БЕҚАСАМ

Аскар шинел кияр ичганда қасам,
Қишлоғига қайтиб кияр беқасам.
Она юртга қасам ичган у кунни
Унутмас кийганда беқасам тўнни.

МУМ ТИШЛАГАНЛАР

Биз бошдан кечирган қаттол тузумни,
Илоҳо, кўрмасин ҳеч ким ҳеч қачон.
Бунчалар ҳам қаттиқ тишлабмиз мумни,
Оғиз очолмасдан юрибмиз ҳамон.

ҲАМИША ЎЗДИК

Муслим бўлдик арабдан ортиқ,
Ўрис бўлдик русдан зиёда.
Бирни топсак ёруғ дунёда,
Ўн каррани қилганмиз тортиқ.

Ичдик, чекдик, шўро юртида
Ўздик барча оғалардан ҳам.
Юзсизликда ошмасак бўлди
Овруполик тоғалардан ҳам.

АГАР ҲАР ҒАМГА КУЙСАНГ

Агар ҳар ғамга куйсанг,
Наҳр эсанг ёшинг адо бўлгай.
Агар ҳар итга отсанг,
Тоғ эсанг тошинг адо бўлгай.
Агар уммонча бўлса
Косаи сабринг тўлар бир кун,
Агар қудратда филсан,
Филча бардошинг адо бўлгай.

ҚАРИЛИК

Киши қариб, юзга тўлгани яхши,
Мулойим, дуогўй бўлгани яхши.
Лекин инжиқ, тажанг қаришдан кўра
Қаримасдан туриб ўлгани яхши.

НОДОНГА ИЛТИФОТ

Нодонга илтифот қилмоқ не керак,
Жоҳилни дилбар сўз ҳуркитар, аён.
Думини тарасанг тепади эшак,
Бошини силасанг ниш урар чаён.

ИЙМОН

Сув бўйида тимсоҳ ётар,
Ўрмон ёқда айиқ бор.
Миниб қочмоқ учун сенда
На от бор, на қайиқ бор.

Лекин ишонч тўла қалбинг
Ҳеч нарсадан ҳайиқмас.
Тимсоҳ сенга тимсоҳ эмас,
Айиқ сенга айиқмас.

ЁРУҒ ДУНЁ

Дейдиларки, дунё бевафо,
Ўтиб кетар беш кунлик гўё.
Майли, лекин қаро бўлмасин
Ёруғ дея аталган дунё.

ЮРАК

Дардлар тоши ёғди, юрак –
Шишасининг дарзи кўп.
Синмай турсин, ҳали керак,
Элдан унинг қарзи кўп.

ИНСОФ

Қонунларда инсоф сўзи йўқ,
Сабаб шуки, инсоф ўзи йўқ.
Ноинсофга жазо ҳам йўқдир,
Қози ҳам йўқ, қазо ҳам йўқдир.

КАМОЛОТ

Камолотнинг босқичи бисёр:
Мактаб, лицей, сўнг дорилфунун...
Йигирма йил жон чекмоқ даркор
Ўргатмоқни ўрганмоқ учун.

БИЗНИНГ ҚИШЛОҚ ОДАТИ

Олмону фарангу хитою араб
Оёғин узатар кўрпага қараб.
Лекин бизнинг қишлоқ одати бошқа,
Кўрпани ҳаммамиз тортамиз бошга.
Ҳайрондир фарангу олмону араб
Бизнинг очиқ қолган оёққа қараб.

КЎНГИЛ, ДЕСАМ КЎНМАЙДИ КЎНГИЛ

Вақт ўз ишин қилар.
Вақт ғолиб.
Бунга кўнар инсоннинг марди.
Кексаликни бўйнимга олиб
Уйимда тинч ётсам бўларди.

Қариганда ҳаловат керак,
Арзир мен ҳам тин олсам енгил.
Лекин бунга юрмайди юрак,
Кўнгил, десам кўнмайди кўнгил.

КАФТГИР НАВОСИ

Машшоқ оч меҳмонга танбуру дутор,
Ғижжак чалди.
Меҳмон эшитиб туриб,
Дедики, дунёда энг яхши куй бор,
Чалинар кафтгирни қозонга уриб.

ҚИЗ ТАНЛАШ

Тўйга бордим, париларга кон,
Қиз танлашнинг хонаси экан.
Қарангки, мен танлаган жонон
Бир парининг онаси экан.

ШЕЪРИЯТНИ АНГЛАШ

Мен кимёгар бўлолмасдим,
Мактабдаёқ билардим.
Менделеев жадвалини
Ёдлаб нима қилардим!

Қани эди ғазал ўқиб,
Айтиб юрсам яллани.
Ньютоннинг биномига
Тўлдирмасдан каллани.

Беш баҳо деб Хўжа Ҳофиз,
Фузулийдан кечибман.
Медаль учун болхонадор
Формулалар ечибман.

Барин билдим, ҳеч бир дарсни
Ҳеч бир канда қилмадим.
Шоир бўлдим охир, лекин
Шеър ёзишни билмадим.

ҚИЗИЛ ЧИРОҚЛАР

Йўлнинг яқини соз,
Умрнинг эса
Йўлларида дуруст йироқ-йироқлар.
Қани эди, бу йўл кенг, равон келса,
Ёниб турса доим яшил чироқлар!

Лекин бу дунёнинг шодликдан доғи,
Висолидан кўра фироғи кўпдир.
Бисёр берк кўчаси, чигал сўқмоғи,
Чорраҳаси, қизил чироғи кўпдир.

* * *

Май – қизил, гўзал қиз яноғи – қизил,
Бизга бўса бермас дудоғи – қизил.
Бир бор яшайдиган дунёда нечун
Лаззат кўчасининг чироғи қизил?

ДУШМАНГА ТАШАККУР

Сен борки, мен бежо қўймадим қадам,
Манзилни билмайин йўлга тушмадим.
Парвосиз бўлмадим бирор лаҳза ҳам,
Ташаккур, ҳамиша бор бўл, душманим!

ЎТМИШНИ СОҒИНИШ

Узун кўйлак тасқара бўлди,
Одоб, ҳаё масхара бўлди.
Қизлар тақди киндикка узук,
Кўргунча кўр бўлганинг тузук.

Аёл сонин очиб яйради,
Эр қизариб ерга қаради.
Ор-номусга тимсол бўлган Шарқ
Уяти йўқ Ғарбдан қилмас фарқ.

Буни кўриб оғриниб кетдим,
Ўтмиш!
Сени соғиниб кетдим.

СОХТА ДЎСТ

Сохта дўст кўнгил сўрар,
Кўнгилга лекин ёр эмас,
Дардинг очма, дарди йўқдир,
Зоринг айтма, зор эмас.
Соғлигингда соғинар,
Соғмоқчи бўлса соғинар,
Суҳбатингни истадим, дер,
Мақсади дийдор эмас.

АРМОНЛАР КЎП

Осмон номи – чархи кажрафтор,
Замин исми кемтик оламдир.
Бу оламда одамзодки бор,
Дардга ёр кўп, бахтга ёр камдир.

Бу – Саъдийни куйдирган фироқ,
Бу – Машрабни ўртаган ғамдир.
Ёруғ дунё дейдилар, бироқ
Зулмати кўп, ёғдуси камдир.

Юртлар кездим,
Турфа хил олам,
Хоҳ арабдир, хоҳи Ажамдир,
Энг фаровон ўлкаларда ҳам
Нола кўпу шукрона камдир.

Бу кун энди ўзгача даврон,
Одамзод ҳам янги одамдир.
Лекин шундоқ экан бу жаҳон –
Армонлар кўп, комронлар камдир.

ҚАРИГАНДА

Қариганда юрак толади,
Соғлиқ, ҳусн, куч йўқолади.
Улар бари бевафо, фақат
Оғриқларинг содиқ қолади.

ДАВРОНДАН ЎКИНЧ

Кечаги келинчак бугунда – кампир,
Асал, новвот эди, энди – қалампир.
Бунча ҳам аёвсиз экансан, даврон,
Сендан аразладим!
Бор! Ҳафсалам пир.

БИРОВНИНГ ҚИЗИ

Ёшликда насиҳат эшитдим кўп бор:
"Кўнгил кўчасига беҳуда кирма.
Тўғри юр, тўғри тур, зинҳор ба зинҳор
Бировнинг қизига кўз олайтирма."

Кўз олайтирмадим, қарадим холос,
Соҳир нигоҳига илиндим-қолдим.
Агар гуноҳ бўлса ишқу эҳтирос,
Мен ўша гуноҳни бўйнимга олдим.

Туташдик, боғ бўлдик биз – икки ниҳол,
Мевалари тотли, теран илдизи.
Ёлғиз ҳаётимда ягона иқбол,
Жонимга жон ўша бировнинг қизи.

ҲАМЛЕТ

Отам қуёш эди, волидам – турбат,
Қуёшим заволнинг уфқига ботди.
Уни адо қилган амаким – зулмат
Вафосиз онамни қучоқлаб ётди.

Энди менга олам, тириклик абас,
Тилагим – йўқ бўлиб кетай дафъатан.
Қотил бағридаги она – онамас,
Ватанмас зулматга ёр бўлган ватан.

ТАНГРИГА ИЛТИЖО

– Тангрим, менга бер дардларинг,
Ғамларингда куйдиргин.
Лекин тўймас бандаларинг
Кўзларини тўйдиргин.

Сандиқларга мўл-кўл қилиб
Зар тўлдиру очиб қўй.
Япроқларни яшил пул қил,
Бошларидан сочиб қўй.

Сув ўрнига кумуш оқсин
Ёнларида ариқдан.
Улар тун-кун териб ётсин,
Тошларни қил ақиқдан.

Не истарлар, бахш эт бекам,
Токи улар тўйсинлар.
Мулк бериб қўй олам-олам,
Юрт талашни қўйсинлар. –

Шундоқ дея, тўлиб ўпкам,
Кўкка қилдим илтижо,
Бир хўрсиниқ келди кўкдан,
Эшитилди бир садо.

Тангрим деди:
– Менга бошқа
Тилагингни айт, болам.
Оч кўзларни тўйдирмоққа
Ожиздирман ўзим ҳам.
Ҳар неъматни қилдим ато,
Очиқ қилдим қўлимни.
Инсон тўйса, унга раво
Кўрармидим ўлимни!

Бағишласам қанча кўпроқ,
Чопар яна кўпроққа.
Яралишдан жисми тупроқ,
Тўяр фақат тупроққа.

АҚЛ ТОПМАДИНГ

Кўз-кўз қилиб уй қурдинг баланд,
Том ёпдинг, нафс оғзин ёпмадинг.
Наф кўрмади сендан бир дардманд,
Пул топдингу ақл топмадинг.

Камхарж дўстни масхара қилдинг,
Мулзам қилдинг, қадрин топтадинг.
Бой бўлишнинг йўлини билдинг,
Пул топдингу инсоф топмадинг.

Қўлинг китоб ушламади ҳеч,
Театрга қиё боқмадинг.
Ҳирс учун жон чекдинг эрта-кеч,
Пул топдингу фикрат топмадинг.

Ой-йилларинг югурар шитоб,
Ҳаётнинг чин завқин тотмадинг.
Яшамадинг дунёда ҳисоб,
Пул топдингу ҳикмат топмадинг.

ШУНДОҚ СЎЗ АЙТ

Шундоқ сўз айт, шоир укажон,
Сўзинг қалблар тубига борсин.
Бахтни ёзсанг яйрасин жаҳон,
Ғамни ёзсанг додлаб юборсин.

Шундоқ сўз айт,
Кўкка сол жаранг,
Ер юзини ҳайратларга сол.
Шундоқ сўзни топа олмасанг,
Укажон, шеър ёзмай қўяқол.

КЕЛИШУВЧИ ТОМОНЛАР

Эски, қолоқ давронни бузиб,
Турфа янги замонлар бўлди.
Эру хотин шартнома тузиб,
Келишувчи томонлар бўлди.

Севги деган сўз йўқ ҳужжатда,
Расмий тилу забонлар бўлди.
Келин-куёв олдию патта,
Келишувчи томонлар бўлди.

Шартномасиз ҳаёт қурганлар
Саркит бўлди, ёмонлар бўлди.
Ёмонларга қарши турганлар
Келишувчи томонлар бўлди.

Муҳр билан бир парча қоғоз
Ишқ бўлди, аҳд-паймонлар бўлди.
Ошиқ йигит билан сарвиноз
Келишувчи томонлар бўлди.

Кўнмади бу ҳолга шайдо дил,
Келишолмай ҳайронлар бўлди.
Бу нўноқ шеър ва телба кўнгил
Келишувчи томонлар бўлди.

ҚОРА ЛАМА

Шеърим ҳали мусаввада – қоралама,
Мунаққид, сен уни ўқиб қоралама.
Қаламҳақи учун шошиб нашр эттирдим,
Бизнинг ёрга пальто керак – қора лама!

ПАРИШОН ДЎСТЛАР

– Хотин туғилган кун эртага, ўртоқ,
Гулдаста олишни эсимга солгин.
– Албатта эсингга соламан, бироқ
Эсингга солишни эсимга солгин.

ЧЕРЧИЛНИНГ ҒИШТЛАРИ

Черчилнинг тўрт юзта ғишти бор эди,
Ҳар кун одат қилган иши бор эди.
Дафъи хумор керак, дерлар, эркакка.
Черчил ғишт таширди кунда эрмакка.

Масофа – қирқ қадам, канда қилмай ҳеч,
Тонг элтиб, жойига қайтарарди кеч.
Сафарда ҳам қўймай бу турфа ишни,
Олиб юрар эди тўрт юзта ғиштни.

Черчил бардам юрди тўқсонга кириб,
Май ичди, ёр севди, муродга етди.
Буюк ишларини юртига бериб,
Бизга ғиштларини қолдириб кетди.

ШОИР

Элга фақат шодлик ҳадя этарман,
Ғамни ўзим билан олиб кетарман.
Айтсам, кўтаролмай ногоҳ заминнинг
Меҳвари узилиб кетса нетарман.

ЗАМОН РОҲАТЛАРИ

Ўтириб чарчасак ётиб дам олдик,
Бундан кўп дард топдик, роҳат кам олдик.
Минг бир неъмат берди бизга замона,
Эвазига минг бир офат, ғам олдик.

МЕНГА НЕ ҚАЙҒУ!

Кимдир мени ёқтирмай қолса,
Ўчирилса исмим қатордан,
Не қайғум бор!
Номлар саналса,
"Ва бошқалар" ичида борман.

ҒАЗАЛГА ҚАЙТИШ

Мен ёш шоир эдим
Ва ёш муҳаррир.
Шўрим қуриб,
Бўлдим бош муҳаррир.
Ўйлардимки,

Шеъримни севгучилар кўп,
Билдим,
Дастимдан дод дегувчилар кўп.

Кимнинг ёзганлари босилмас,
Йиллаб алами ёзилмас.
Ўз дўстларим Тўлқин билан Сайёр
Мени бўғиб ўлдиришга тайёр.
Расул Раҳмон,
Сулаймон Раҳмон,
Муҳаммад Раҳмон
Тўғрилар менга палаҳмон.

Ҳолид Ризо,
Ҳамроқул Ризо,
Ихтиёр Ризо,
Ҳатто москвалик Николай Доризо
Мендан норизо.

Энди мен нетарман?
Бу амални ташлаб кетарман.
Ундан кўра ғазал ёзганим тузук.
Хатлар келар Термиз, Қаршидан...
Бир замон
Усмон Носир хўб айтган:
"Шеърим, яна ўзинг яхшисан."

МУНДАРИЖА

Шеъриятимизнинг порлоқ юлдузи 5

ЙЎҚ, ҲАЛОВАТ ИСТАМАЙМАН!

Бағишлов 11
Манзара 12
"Менжилғаман" 12
Тонг лавҳаси 12
Камтарлик ҳақида 13
Тоғ билан суҳбат 13
Кичик Ой сўзи 14
"Дўстларимни ҳайрон қолдирар..." 14
"Тинглайман кўп ўзбек сўзларин..." 14
"Қаро қошинг..." 15
Экскаватор 15
"Гоҳи поезд, гоҳ от билан..." 15
Мажнунтол 15
Қуббон қўлига 18
Булоқ 18
"Учрашувга ошиқади дутонанг..." 18
Севги 19
Пўлат 20
Йўллар 20
Хайрли кеч 20
Она тупроқ 21
Ўлка 21
Кун тоғ ўркачига тирмашар аста..." 22
Йўқ, ҳаловат истамайман 22
Шеър кечаси 22
"Айтиб бўлдим сўнгги қўшиқни..." 23
"То тирикдирки табиат..." 24
Олимлар ва шоирлар 24
Шеър ҳақида шеър 24
Ёшлик 26
Шоир умри 27
Теранлик 27
Сурат 28
Самарқанд кечаси 29
Қизалоқ 29
"Ой фонусин кўтарди осмон..." 30
Фироқ ҳақида 31
"Ойдин кеча..." 32
Кимни этмас бу кўнгил шайдо 33
Космонавт ва шоир 34
Юрак ва ақл 35
Май шеъри 36
Гўзаллик 38
Асаблар 38
Чумоли 39
"Шеър битди, кўчирдим оққа..." 39
Чашма қошида 40
"Фурсат – олтин..." 41

Кавказ шеърлари

Елкан 41
Арарат чўққисига 42
Азгануш 42
Айрилиш 43
Фузулий ҳайкали қошида 44
Хайрлашув 46
Менинг юлдузим 47
Кутиш соатлари 48
Чирчиқ 49
Олимларнинг рафиқаларига 49
Хотира 50
Тўртлик 50
Ўчиргич 51
Киприкларим 51
Дарё оқшоми 51
Хоразм қовуни 52
Бир томчи ёш 53
Ойга 53
Бош тебратар соат кафгири 53
Инсон ва фурсат 54
"Кўча ўртасида бир синиқ шиша..." 55
Кун ўтганда 55
"Болаларни шайтонлардан қўркитмангиз..." 56
Жон ширинми, қанд ширин 56
Вокзалда 56
Садоқат 57
Инсоният тарихи 57
Янги йил гулдастаси 60
Куй авжида узилмасин тор 62
Юлдуз 62
Шеър ва шахмат 62
Сўнган юлдузлар 63
Кеча ва кундуз 64
Учи тугук дастрўмол 65

ЁШЛИК ДЕВОНИ

Дебоча 67
Тун билан йиғлабди булбул 68
Барча шодлик сенга бўлсин 68
Ғунча 69
Сурма 70
Дилдорга нома ёздим 71
Самарқанд 72
Чашма 73
Лола сайли 74
Йўқ эмиш орзуда айб 75
Сарв 75
Кипригингдан ўқ узиб 76
Барг 77
Кўзинг 78
Банди зулф 79
Кимда иқтидор йўқдир 80
Сенга бахтдан тахт тиларман 80
Достонга ёз 81

Даврон юки 82
Дўстларимга 83
Самар бўлғай 84
Ҳижрон юки 85
Паришонлик 86
Ёшлигим 87
Хаёл 88
Шохигул 89
Уйғотмагил 90
Қалам 90
Узум 91
Дўст билан обод уйинг 92
Рашким 93
Яна қаламга 94
Ширин 94
Уч балодан сақласин 95
Замин ва фазогир 96
Хазина 97
Ҳофизга 98
На қилсин 99
Замон 99
Дутор тори иккидур 100
Севгини тортиб бўлурму 101
Ойнинг ўн беши коронғу 102
Гулнорини ўп 103
Шеър азиз олам аро 103
Сайр 104
Севги 105
Гуллар базми 106
Гулчехралар 107
Ишқ истилоси 108
Тонг ғазали 109
Дилда ишқ дарёчадир 110
Баҳона қилмас 110
Эй кабутар 111
Тола соч 112
Лола 112
Кўзгу 113
Бир гўзалким 114
Куёш 115
Изҳори ишқ 116
Ўртада бегона йўқ 116
Тароқ 117
Висол соғинчи 118
Масал борким 118
Насиҳат 119
Соч мадҳи 120
Кўчамен 121
Бошиндадир 121
Ўзбегим 122
Фузулий ғазалига мухаммас 125
Навоий ғазалига мухаммас 126
Бобур ғазалига мухаммас 127
Ватандин яхши ёр бўлмас 128

БОЛАЛИГИМ – БОЗОРИМ

Укамнинг «жанги» 130
Олма 130
Кечагина 131
Нутқ ҳақида 133
Чевар қиз 134
Шарқ эртаги 135
Кунлар секин ўтади 137
Чанокларга қўнган юлдузлар 138
Болалик 138
Ойга учсак... 139
Дарахтлар суҳбати 139
Терак 140
Мажнунтол 140
Арча 140
Олма 140
Ўрик 141
Шафтоли 141
Ёнғоқ 141
Нашвати 141
Гилос 142
Пушкин 142
Вергул ҳақида 143
Бир ёлғондан қирқ ёлғон 143

ОРЗУ ЧАШМАСИ

(Достонлар)

Нидо 147
Орзу чашмаси 161
Палаткада ёзилган достон 178
Қуёш маскани 200

ИЛТИЖО

«Баҳор...» 210
Шоир 211
Шоир қалби 212
Тасаввур 212
Устоз Ҳабибийга 213
Қозоқ оқинларига 213
Қўнғиротда айтилган алёр 214
Табрик 215
Кардиограмма 216
Саккизинчи март 218
Окшом 219
Абай 220
Йўқолган шеър 222
Лирик қахрамон 223
Қорхат 226
Ҳозирги ёшлар 228
Ўзбекистон 232
Дўстларга мактуб 235
Илтижо 237
Вафо 240

ТИРИК САЙЁРАЛАР

«Эй, мен билган, билмаган дунё...» 247
Тирик сайёралар 247
Бизлар ишлаяпмиз 249
Ота тилаги 253
Зангори шуълалар 255
Истак 256
Она тилим ўлмайди 257
Тилак 258
Тангри ва ямоқчи 259
Ёш шоирларга 259
Бонг уринг 261
Ёлғизлик истаги 264
Тоғ лочини 266
Темиртан даҳолар 268
Замин сайёраси 270
«Оқсоқол» 271
Армон 274
Ихлос 274
Мақбарадаги ёзувлар 272
Таажжуб 277
Отдошларимга 277
Қаламҳақи ва ойлик 279
Уч байт 280
Болалар 280
Аруз ва бармоқ 282
Тандир ҳақида эртак 282
Кузатиш 285
«Садоқат» 288

ШАРҚИЙ ҚИРҒОҚ

Канада туркумидан

Калгарида соат ўн икки 289
Аукцион 290
Арслон ўргатувчи 291
Алишер Навоий кемаси 294
Унутиш қўшиғи 295
Кўча четидаги аёл 296
«Замин отли бир Сайёра...» 297
Шарқий қирғоқ 298
Афғон шоирларига 300
Сирдарё ўлани 301
Янги йил орзулари 302
Кўклам мустаҳзоди 305
Бир бурда нон 306
Туш 308
Шоирлик 309
Муҳаррир 309
Кечикиш 310
Тўй оқшомида 310
Ғафлат 311
«Совуқ чордоқларда...» 311
Кўҳинур 312
Қалб шундай уммонки... 315

Табиат ва қизалоқ 315
Максим Горький билан суҳбат 316
Келажакка мактуб 317
Тушлик танаффус 320
Ғазални севган қиз 324
Салбий ҳаяжон 324
«Қуллуқ қил демасман...» 326
Вируслар 326
Деҳли аэропортида бўлган воқеа 327
Юртим боласи 328
Ватан соғинчи 329
Янги йил шеъри 331
Георгий Аъзамов хотирасига 331
Девона ҳақгўй 332
«Орол ўлаётир...» 333
Дорилфунунга 333
Қуролсизланиш 334
«Кажфеъл, кажрафторлар...» 335
Қарсак ҳақидаги шеърга жавоб 335
Сув томонда тимсоҳ ётар 335

РУҲЛАР ИСЁНИ

Достон 336

ШАВҚУ АРМОНИМ ҒАЗАЛ

Инсон 398
Муҳаббат бирла 401
Севги оташи 402
Жон талаш 402
Қўллар 403
Бир қадам 405
«Ажаб, ёшликни не қилдим» 406
Шоира Саида Зуннуновага 407
Фурсатинг 407
Шаҳр аро 408
Ёшлигимда 409
Навоий ғазалига мухаммас 410
Пиёла 411
Ўзимга савол 411
Дўстга биз соғар узатдик 412
Яхшидир аччиқ ҳақиқат 413
Туркистон бозори 413
Ажаб эрмас 415
Ватан истаги 417
Ҳижрон қушлари 418
Қилурман тавбалар 418
Бобил минораси 419
Дўстга деганим 420
Кураш оини 421
Кечир, ё раб 422
Керак бўлса 423
Йўқни қандоқ бор этай 424
Дур бўлиб томгайми сўз 424
Шеърият 425
Гулмиди, райҳонмиди, жамбул 426
Севги келса 426
Жон тугамайдир 427

Сир айтар ғунчага ғунча 427
Бевафо дўстларга 428
Биз англамаган жаҳон экан ишқ 429
Эл нетиб топғай мени 430
Менда бор ишқ ичра ғам 430
Уч сўзда бир маъно 431
Раққоса 432
Ёд этинг 433

БЕДОРЛИК

Жумадан қолган одам 434
Биздан кейин ҳеч бир авлод қайта қурмасин 438
Эски ҳаммом, эски тос 441
Диагноз 444
Уятчанлик 446
«Амалдорлар талашиб ўрин» 447
Амалдорнинг ўлимига 448
Тўра йигит 448
Уинтер Пришибеев 449
Кўрсаткич бармоқ 450
Қисмат 450
«Инсон феъли ажабдан ажаб...» 450
Чистон 451
Бизнесмен сўзи 451
Бўри чақирган мажлис 452
Учкекен бозорида 454
Шоҳлар орзуси 454
Шум бола 455
Бизлар арра тортмоқдамиз 456
Оғриқли саволлар 456
Бу замон ғазали 458
Туш 458
Сенинг шаънинг 459
Савағич 461
Халқ ноибларига 463
Ильза хоним 465
Изтироб 466
Керак 467
Трамвайда 467
Дарддошлик 468
Султонмурод 470
Раис ва шоир 471
Узоққа бормадик андиша билан 472
Қўғирчоқлар 472
Давлат иши 472
Денгиз ташлаб кетган кемалар 474
Юрагингда макон тутган қул 476
Тушунган одам 477
Қитъа 477
Бизга сўз тегди кеча 477
Тожик биродаримга 478
Қизим, бахтли кунда 479

ҲАЖВ ДАФТАРИ

Шаҳарми бу, қишлоқми бу? 480
Найнинг қисмати 483
Сен менга тегма 484
Қумурсқалар жанги 487
Ёмоннинг сўзи 489
Юбилей 490
Бир таваккалчи дейдики 492
Соф ҳавонинг фойдаси 493
Елим айтар 494
Бу кўҳна ҳасрат 495
Мажлис қилинг 495
Сиёсий сабоқ 498
Донишқишлоқ латифалари
Матмусанинг қишлоғи 505
Матмусанинг қалпоғи 507
Матмусанинг лагани 508
Матмусанинг чархпалаги 508
Матмусанинг тандири 510
Матмусанинг уйланиши 512
Қизиқувчан Матмуса 513
Матмуса – рассом 514
Матмусанинг дутори 516
Тандир кийган Матмуса 518
Матмусанинг меҳмондўстлиги 520
Матмусанинг қўшиғи 521
Матмуса ва ўғрилар 523
Матмусанинг Америка очиши 524
Матмусанинг ҳайкали 527
Матмусанинг эшак сотгани 531
Матмусанинг боғи 533

СУБҲИ СОДИҚ

Ҳуррият тонготари 535
Шукурким, келди истиқлол 535
Янги йил муножоти 536
Наврўз нашидаси 537
Туркистон бир, ватан бир 538
Ўлкамда баҳор 539
Ватан қадри 540
Ўзбекистон боғларига қайтиб келди булбуллар 540
«Ватан, то танда жоним бор» 541
«Қадаминг муборак бўлсин...» 542
Кел, эй Бобур, ватанга... 542
Ҳожи ота Марғилоний сўзи 543
Ёш шоирга 543
Масканим Фарғонадир 543
Фарғонанинг йўлларида 544
Деманг, шоир тиниб кетди 548
Муборакбод 549
Кексалик гашти 549
Шахмат устида айтилган шеър 550
Кузатиш 551
Тошкент дарбозаси 552

Боқий хотира 552
«Сиз менинг осмоним...» 553
Аскарингман, она юртим 553
Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса 554
Учрашув 555
Кичкина катталар 555
Бир ниҳол 556
Табрик 557
Ризқингни ҳалол этгил 557
Ўзбек бўлиш осон эмасдир 558
Камолинг муборак 560
Сен давлатсан, азиз Ватандош 560
Номардга тенг бўлма 561
Икки жаҳонни садқа қил 562
Тилсим 562
Меҳмон ва мезбон 562
«Тарбия» 563
Дўсти нодондан кўра 564
Каъбатуллоҳ 564
Грипп бўлган ошнамга 565
Шеър ёзганда 565
Елгон ҳақида 565
Менинг ёрим 566
Тайёрада 567
Ал-Фаргоний 567

ИСТАНБУЛ ФОЖИАСИ

Шеърий драма 573

ОРЗУЛИ ДУНЁ

Шоирга мактуб 626
Кўзунг, не бало қаро бўлубтур 628
Ҳамма болам дейди 628
Яхшилик 629
Ўлмас эди балки одамзод 629
Вафо 630
Қай бири азиз? 630
Дўстлик ва адоват 631
Кексалик илтижоси 631
Айрилиқ 631
Қалам 631
Сен учун 632
Дўстларинг бўлсин 632
Бедор тунлар 632
Сўз – забаржад 633
Эркак бўл 633
Тўкислик 633
Нўноқ шоирлар 633
Тақдирда бор эдинг 635
Буюк садоқат 635
Рост гап 635
Ҳаёт йўли 636
Йўл тадориги 636
Қиз боланинг севгиси 636
Бўсага 638
Соя 638
Амалиётдан сўнг 638
Ўчмас чироқлар 639
Устоз 640
Ҳазил тўғрисида жиддий шеър 640
Бодом ва одам 642
Игнанинг ҳасрати 642
Ёмонга ёндошмоқ 643

ТАБАССУМ

Замона зайли 644
Шоир ва танқидчи 644
Карашма 644
Ожиз кўзлар 645
Топишмоқ 645
Гўдак 645
Ўзбекнинг сўзлари 646
Замон жонони 646
Дангасалар 646
Нега япон юз йил яшар 647
Ҳазрат Хизр ва замон аёли 648
Ёмон деб бўлмас 648
Ўғрига насиҳат 649
Сочилган байтлар 650
Келажакнинг Матмусалари 651
Яшавор 652
Зўравон 652
Инглизча кетиш 652
Иш буюрсанг 652
Қўлингни пардалар қилдинг 653
Янги бошлиқ 653
Жоҳил 653
Шоирлар ҳақида 654
Иқрор 654
Сирнинг қаноти 654
Ким нима ичади? 654
Уста келди 654
Насиҳат 655
Донишманд ва жоҳил 655
Паришонхотирлик 655
Ноаҳил жуфтлар 656
Дўрмон мушоараси 656
Матмусанинг шеърлари 660
Сўз боши 660
Ҳикматлар 661
Бизнинг мотам 661
Нарх-наво 661
Арслон ва эшак 661
Дўндиқча 662
Тухум кулгудан муҳим 662
Кўктерак бозорида 663

ДАФТАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР

Умрим кечар бошқа ватанда 664
Енгил иш қидирма 664
Биздан қолгани 664
Бизни буюк ишлар кутмоқда 665
Юртнинг эгаси 665
Ҳазилкашлар қишлоғи 665
Бир жанжал тарихи 667
Дўстлик шарти 667
Камон ва ўқ 668
Бегуноҳ одам 668
Янги йил кечасида 668
Шогирдлик ҳазиллари 669
Айрилиқ 671
Кудуқ 671
Бизнинг жон 671
Шошқалоқ одам 671
Ошноларинг 671
Мард сўзим шу 671
Бекасам 672
Мум тишлаганлар 672
Ҳамиша ўздик 672
Агар ҳар ғамга куйсанг 672
Қарилик 673
Нодонга илтифот 673
Иймон 673
Ёруғ дунё 673
Юрак 673
Инсоф 674
Камолот 674
Бизнинг қишлоқ одати 674
Кўнгил, десам кўнмайди кўнгил 674
Кафтгир навоси 675
Қиз танлаш 675
Шеъриятни англаш 675
Қизил чироқлар 676
«Май – қизил...» 676
Душманга ташаккур 676
Ўтмишни соғиниш 676
Сохта дўст 677
Армонлар кўп 677
Қариганда 677
Даврондан ўкинч 678
Бировнинг қизи 678
Ҳамлет 678
Тангрига илтижо 679
Ақл топмадинг 680
Шундоқ сўз айт 680
Келишувчи томонлар 680
Қора лама 681
Паришон дўстлар 681
Черчиллнинг гиштлари 681
Шоир 682
Замон роҳатлари 682
Менга не қайғу! 682
Ғазалга қайтиш 682

Эркин Воҳидов

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2016

Лойиҳа раҳбари *Аҳрор АҲМЕДОВ*

Муҳаррир *Носиржон Жўраев*
Бадиий муҳаррир *Феруза Башарова*
Дизайнер *Сарвар Гайратов*
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*
Саҳифаловчилар: *Асал Нисанбаева, Эъзоза Йўлдошева*
Мусаҳҳиҳ *Расулжон Нафасов*

Нашриёт лицензияси: AI № 201, 28.08.2011 йил.

Босишга рухсат этилди 14.12.2016. Қоғоз бичими 70x100$^{1}/_{16}$. «PT Serif» гарнитураси.
Шартли босма табоғи 55,48. Нашриёт-ҳисоб табоғи 39,45. Адади 3000 нусха.
Буюртма № 4513. Келишилган нархда.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.